



TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI

**SOLIQ MA'MURIYATCHILIGINI
TAKOMILLASHTIRISH ORQALI
MAKROIQTISODIY BARQARORLIKNI
TA'MINLASH ISTIQBOLLARI MAVZUSIDAGI
RESPUBLIKA
ILMIY-AMALIY KONFERENTSIYASI**



2023-YIL 10-Noyabr

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI

SOLIQLAR VA SOLIQQA TORTISH KAFEDRASI



**“SOLIQ MA’MURIYATCHILIGINI TAKOMILLASHTIRISH
ORQALI MAKROIQTISODIY BARQARORLIKNI TA’MINLASH
ISTIQBOLLARI” MAVZUSIDAGI**

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENTSIYASI

MATERIALLAR TO’PLAMI

2023-yil 10-noyabr

“Soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish orqali makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash istiqbollari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallar to’plami. –T.: TDIU 2023. 295 b

Ushbu to’plam “Soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish orqali makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash istiqbollari” mavzusida o’tkazilgan respublika ilmiy-amaliy anjumani “2022-2026 yillarga mo’ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” va “O‘zbekiston – 2030” strategiyasida belgilab berilgan mazkur dolzarb vazifalarning ilmiy-amaliy jihatlarini muhokama qilish asosida bu borada ilmiy asoslangan taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqishga bag’ishlangan.

Ushbu anjumanda respublikamizda mavjud oliy ta’lim va ilmiy-tadqiqot muassasalarining soliqlar va soliqqa tortish, iqtisodiyot, moliya, investitsiyalar, kichik biznes iqtisodiyoti va real sektor tarmoqlari iqtisodiyoti sohasida ilmiy faoliyat bilan shug’ullanayotgan xodimlar hamda sohaning yetuk mutaxassislari ishtirok etdi.

To’plamda keltirilgan materiallarning mazmuni, undagi statistik ma’lumotlar va keltirilgan me’yoriy-huquqiy hujjatlarning haqqoniyligi, tanqidiy fikr-mulohazalar va takliflarga muallifning o‘zlari mas’uldirlar.

Mas’ul muharrir: i.f.d., prof. B.K. Tuxliyev

Tahrir hay’ati:

i.f.d., prof. Q.N. To’xsanov
PhD., dots. Sh.Sh. Saipnazarov
PhD, dots. Sh.B. Salimov

Taqrizchilar:

i.f.n., prof. D.M. Mutalova
PhD, O.A. Qarshiyev
PhD, F.R. Jumaniyazova

Tashkiliy guruh a’zolari:

B. Zaynutdinov
N. Shamsiyev
J. Boltayev
M. Ismoilov

KIRISH

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Soliqlar va soliqqa tortish kafedrasidan tomonidan 2023 yilning 10 noyabr kuni “Soliq ma’uriyatchiligini takomillashtirish orqali makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash istiqbollari” mavzusida respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi o‘tkazildi. Barchamizga ma’lumki, keyingi yillarda Yangi O‘zbekistonda ulkan demokratik o‘zgarishlar hamda yuqori iqtisodiy imkoniyatlarga erishib kelinmoqda. Bugungi kunga kelib Prezidentimiz tomonidan ilgari surilgan g‘oya va tashabbuslar asosida mamlakatimizda soliq ma’uriyatchiligi sohasida ham samarali islohotlar amalga oshirilmoqda. Mazkur islohotlardan ko‘zlangan asosiy maqsad sifatida soliq to‘lovchilar zimmasidagi soliq yukini kamaytirish, tadbirkorlik subyektlari uchun qulay soliq muhitini yaratish, aholi daromadlarini muntazam oshirish, pirovardida makroiqtisodiy barqarorlikka erishishni ta’minlashdan iborat. Oldimizga qo‘yilgan maqsaddlarga izchil soliq ma’uriyatchiligini joriy etish orqali erishib kelinmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi “O‘zbekiston – 2030” strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-158-son, 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son, 2020 yil 26 martdagi “Iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag‘allikni qisqartirishga oid davlat siyosatini tubdan yangilash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5975-son, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 29 iyundagi PF-5468-son “O‘zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to‘g‘risida”gi farmonlari, 2019 yil 10 iyuldagi PQ-4386-son “Soliq ma’uriyatchiligini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori va boshqa me‘yoriy-huquqiy xujjatlar asosida soliq ma’uriyatchiligini takomillashtirish orqali mamlakatda makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash va soliq munosabatlarini optimallashtirish masalalari ustuvor vazifa sifatida belgilab berilgan.

“Soliq ma’uriyatchiligini takomillashtirish orqali makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash istiqbollari” mavzusida o‘tkazilgan respublika ilmiy-amaliy anjumani “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” va “O‘zbekiston – 2030” strategiyasida belgilab berilgan mazkur dolzarb vazifalarning ilmiy-amaliy jihatlarini muhokama qilish asosida bu borada ilmiy asoslangan taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqishga bag‘ishlangan.

Ushbu anjumanda respublikamizda mavjud oliy ta’lim va ilmiy-tadqiqot muassasalarining soliq va soliqqa tortish, iqtisodiyot, moliya, investitsiyalar, kichik biznes iqtisodiyoti va real sektor tarmoqlari iqtisodiyoti sohasida ilmiy faoliyat bilan shug‘ullanayotgan xodimlar hamda sohaning yetuk mutaxassisleri ishtirok etdi.

Anjumanning ma'ruza tezislari to'plamida respublikaning bir qator oliy ta'lim muassasalarining yetakchi professor-o'qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar va soha mutaxassislarining 100 dan ortiq ilmiy maqolalari hamda ma'ruza tezislari taqdim etilgan bo'lib, ularning eng saralari mazkur to'plamda chop etildi. Anjuman yakuni bo'yicha qaror qabul qilinib, muhokama qilingan masalalar yuzasidan tegishli davlat boshqaruv organlari va mutasaddi tashkilotlarga taqdim etildi hamda xulosa va tavsiyalar tayyorlanadi. Anjuman natijasida olingan xulosa va tavsiyalar milliy iqtisodiyotda soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish orqali mamlakatda makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash istiqbollari hamda "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi" va "O'zbekiston – 2030" strategiyasida belgilangan vazifalarning bajarilishiga muayyan darajada hissa qo'shishiga ishonamiz.

MUNDARIJA

I-SHO'BA

YANGI O'ZBEKISTONDA SOLIQ MA'MURIYATCHILIGINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI MAKROIQTISODIY BARQARORLIKKA ERISHISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI

Тухлиев Б. К.	Иқтисодиётни трансформациялаш жараёнларида инвестицияларни молиялаштириш масалалари	14-19
Боймуродов С. Р. Ибрагимов Ҳ.	Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитидасолиқ маъмурчилиги механизмларини такомиллаштириш масалалари	19-24
Тўхсанов Қ. Н.	Кичик бизнес субъектлари фаолиятида солиқ юкининг иқтисодий таҳлили	24-28
Исаев Ф. И.	Ривожланаётган мамлакатларда солиқ ва фискал муносабатлар: муаммо ва ечимлар	28-30
Муталова Д. М.	Soliq ma'murchiligi orqali soliq byudjet siyosatini samarali rivojlantirish istiqbollari	31-33
Киясов Ш. У.	Пути совершенствования механизма налогообложения доходов физических лиц	33-37
Юсупов О. А. Собиржонов А. С.	Совершенствование методологии налогового контроля в условиях качественных преобразований в системе государственных органов налоговой службы	37-43
Долиев С. Т. Исроилов Б. И.	Влияние государственного долга на развитие агрокластеры	43-46
Юсупов О. А. Собиржонов А. С.	Давлат молиявий назоратининг шакллари ва давлат молиявий назорати принциплари	47-52
То'лакoв У. Т.	Soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish orqali makroiqtisodiy barqarorlikka erishish usullari	52-56
Юсупов О. А. Собиржонов А. С.	Солиқ маъмуриятчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва солиқ назорати методологиясини такомиллаштириш	56-62
Jumaniyozova F. Saliyeva Zuhra	O'zbekistonda aksiz solig'ini hisoblash va to'lash tartibi takomillashtirish	62-68
Xalikchayeva S. I. Ochilova I. G'.	Soliq bazasini aniqlash tartibini yanada takomillashtirish orqali soliq-byudjet siyosatini samarali rivojlantirish istiqbollari	68-72

Omonov A. A. Abdujalijeva U.T.	Priority directions for achieving macroeconomic stability by improving tax administration in new uzbekistan	72-74
Saidakbarov H. A.	Yangi O'zbekistonga tadirakorlik subyektlarini soliqqa tortishning yangi mexanizmlari	75-80
Safarova D. E. Abdumannonova N.	Макроіқтисодий барқарорликни та'минlashda soliq imtiyozlari va ulardan samarali foydalanish	81-84
Алимов И. И. Рустамова Д. Б.	Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилиги орқали “солиқдан қочиш” ҳолатларни олдини олиш масалаларининг хусусиятлари	84-87
Очиллов А. М.	Солиқ мажбуриятларини бажаришга таъсир этувчи омиллар	87-89
Ирматов А. А.	Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғининг тарихий ривожланиши ва эволюцияси	90-92
Алимардонов Ғ. Н	Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғининг тарихий ривожланиши ва эволюцияси	92-95
Kamolov M. M.	Jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish amaliyotini takomillashtirish	95-98
Kuliyeva F. I.	Real sektorda investitsion loyihalarni moliyalashtirishning rivojlantirish yonalishlari	98-101
Madvaliyev A. A.	Mamlakat iqtisodiyotida kredit bozorining rolini oshirish mexanizmlari	101-104
Mansurova A. Sh.	Innovatsion mexanizmlar orqali iqtisodiyotni rivojlantirish mexanizmlari	104-107
Maxmarayimov J.G.	Tijorat banklarda auditorlik dalillari va ularni shakillantirish masalalari	107-109
Oxinjonov M. M.	O'zbekistonda mikrocredit tashkilotlarida kredit risklarini kamaytirish yo'llari	109-111
Nuritdinov J. X.	Markaziy bankning samarali milliy to'lov tizimini takomillashtirish	112-114
Sharipov A. K.	O'zbekiston milliy “so'm”ning to'lov qobiliyatini oshirish yo'llari	114-117

II SHO'BA
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA SOLIQ
MA'MURIYATCHILIGINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIIY-NAZARIY
ASOSLARI

Saipnazarov Sh. Sh.	Raqamli iqtisodiyotda moliyaviy injiringning istiqbollari	118-122
Xalikchayeva S. I.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida soliq siyosatining soliq bazasiga ta'siri masalalari	122-126
Sadullayev R. P. Boymurodov U. S.	Chakana savdo va xizmat ko'rsatish sohasida onlayn nazorat kassa mashinalaridan foydalanishni yanada takomillashtirish masalalari	126-130
Мирзаев М. А.	Масофавий банк тизимида рақамли молиявий хизматлар	130-132
Yoriyeva D. O.	Xizmat ko'rsatish korxonalarida innovatsion marketing strategiyasi tushunchasi	133-135
Абдуллаев А. Ф.	Зарубежный опыт налогообложение цифровых услуг и совершенствование налоговой системы республики узбекистан	135-138
Номазов Б. Б.	Солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини такомиллаштириш	139-141
Рузиев Ф. У.	Ўзини ўзи банд қилишни тартибга солишда солиқлардан фойдаланиш масалалари	141-145
Шадыева Н. Т.	Научно-теоретические основы развития налогового администрирования в условиях цифровой экономики	145-149
Safarova D. E. Ashiraliyeva M. I.	Ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarning raqamlashuvi sharoitida soliq nazoratini takomillashtirish yo'nalishlari	149-151
Исроилов Б. И. Ибрагимов Б. Б.	Солиқ маъмуриятчилиги назарияси ривожланиш тенденциялари	151-155
Sa'dullaev O. T. Islamova I. J.	Navigating tax risks arising in the management of enterprises	155-157
Mirzayev F. I. Sa'dullaev O. T.	Tax risk management of enterprises in the digital economy	157-160
Jumaniyozova F. R	Raqamli iqtisodiyot sharoitida soliq ma'muriyatchiligini rivojlantirishning ilmiy-nazariy asoslari	160-163

Адилова Г.	Миллий суғурта хизматлари бозорининг замонавий трансформацияси йўналишлари	163-166
Poyonov B. B.	Mamlakatimizda o'zini o'zi band qilgan shaxs sifatida faoliyatni amalga oshirishning me'yoriy-huquqiy asoslari	166-169
Jurayev N. J.	Oilaviy korxonani boshqarishning iqtisodiy-huquqiy xususiyatlari	169-171
Рустамов С. Р.	Тижорат банкларининг кредитлар бўйича йўқотишларга мажбурий резервлари ва корпоратив фойда солиғи	171-173
Турсунпулатов С.К	Тижорат банкларида кредит портфелини оптималлаштириш йўллари	174-176
Uraqova D. R.	Korporativ buyurtmachilar tomonidan davlat xaridlarini amalga oshirish	176-179
Алижонов И. А.	Жаҳонда кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш	179-181
Акбаров Х. М.	Ўзбекистон республикасида валюта бозори ва унинг ривожланиш тенденциялари	181-184
Каххарова Д. Ш.	Пул кредит сиёсати инструментларидан фойдаланишни такомиллаштириш	184-187

III SHO'BA

SOLIQ MA'MURIYATCHILIGI ORQALI SOLIQ - BYUDJET SIYOSATINI SAMARALI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Meliyev O. R. Gofurova K.	The formation of budget revenues and the ensuring of transparency	188-191
Алимов И. И.	Солиқ маъмуриятчилиги орқали бюджет-солиқ сиёсатини ривожлантиришнинг хориж тажрибасини хусусиятлари	191-195
Mutalova D. M. Jumaniyozova F. R	O'zbekiston respublikasida kichik biznes sub'yektlarini soliqlar orqali rivojlantirish	195-200
Salimova Sh. B. Azimov B. A.	Iqtisodiyotni erkinlashtirish va barqarorlashtirishda soliq islohotlarining o'rni	201-203
Джамалов Х. Н.	Интерактивный подход к содержанию налогового администрирования НДС	203-207
Сафарова Ш. А.	Жисмоний шахслардан олинадиган молмулк солиғини ҳисоблаш ва ундириш тартибини такомиллаштириш	207-210

Тажибаев Ф. Б.	Солиқ маъмуриятчилигининг замонавий тамойилларидан фойдаланиш имкониятлари	210-214
Пардаев Ж. М.	Хизмат кўрсатиш корхоналарини солиқққа тортишнинг хорижий тажрибаси	214-217
Шодиев О. А.	Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида эгри солиқларнинг аҳамияти	218-220
Янгибоев Ҳ. А.	Бевосита солиқларнинг маъмуриятчилиги ва унинг назарий-ҳуқуқий асослари	220-224
Исроилов Б. И. Тураев А. А.	Фискал сиёсатни солиқ тўловчилар фаолиятини тартибга солишдаги роли	225-227
Музаффарова С. Д.	Перспективы эффективного развития фискальной политики через налоговое администрирование	228-232
Хужамкулов Д. Ю.	Солиқ маъмуриятчилигини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари	232-235
Asamxodjayeva Sh.	Iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilishda soliq yukini kamaytirish masalalari	235-238
Abdumurodov Sh.	Yangi O'zbekistonda korxonalar raqobatbardoshligini ta'minlash yo'llari	238-241
Азизов Ф. А.	Солиқ маъмурчилигида аҳоли хабардорлигини ошириш орқали бюджет жараёнида фуқаролар фаол иштирокини таъминлаш	241-245
Рустамов С. Р.	Корхонада фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш	245-248

IV SHO'BA

TADBIRKORLIK SUB'EKTLARI FAOLIYATINI SOLIQLAR VOSITASIDA SAMARALI RAG'BATLANTIRISH YO'NALISHLARI

Алимардонов М.И.	Инвестициялар жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари	249-252
Тўхсанов Қ. Н.	Кичик бизнес субъектлари га тақдим этилаётган божхона имтиёзлари самарадорлигини ошириш истикболлари	252-255
Salimov Sh. B.	Tadbirkorlikni rivojlantirishda soliq imtiyozlarining ahamiyati	255-257
Баева Ж. Б.	Миллий ривожланишнинг янги даврида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш хусусиятлари	257-259

Баева Ш. Х.	Ҳозирги шароитда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш масалалари	259-261
Карабаев Н. А.	Тижорат банкларини рейтингини баҳолашда солиқларнинг роли	261-264
Режапов С. Х.	Давлат харидларини амалга оширишдаги муаммолар ва ечимлар	265-268
Тураев А. А.	Солиқ тўловчиларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини ошириш	269-273
Исаев А. И.	Солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш учун мониторинг ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш	273-276
Файзиев У. Ш.	Приемы аналитических процедур используемые в ходе аудиторской проверки	276-280
Razzakov J. X.	Biznes loyihalarini qimmatli qog'ozlar orqali moliyalashtirishning xorij tajribasi	280-284
Мавлянова Д. М. Жумабаева Ж. А.	Порядок исчисления имущественного и транспортного налогов на предприятии общества с ограниченной ответственностью "технопарк"	284-287
Бабахонов Ж. М.	Корхоналар молиявий фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришнинг халқаро тажрибаси ва уни Ўзбекистонда татбиқ этиш йўллари	287-290
Abduxarizov M. S.	Tadbirkorlik sub`ektlari faoliyatini soliqlar vositasida samarali rag`batlantirishning xorij tajribalari.	291-293

V SHO'BA
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA SOLIQ
MA'MURIYATCHILIGINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY-NAZARIY
ASOSLARI

Xalliyarova N. R.	Soliq ma'muriyatchiligini rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari va soliqa oid yangi yondashuvlar	294-299
Норов А. Р.	Мамлакатда хуфиёна иқтисодиёт даражасини камайтириш йўллари	299-302
Kabilova N. Sh.	Buxoro viloyatida joylashtirish vositalarida mehmonxonalarning o'rni	302-307
Бутанова Д	Оптимизация налогового регулирования как фактор регионального развития	308-311
Uraikov T. M.	Iqtisodiyotni innovatsion ivojlantirishni soliqlar vositasida rag'batlantirishning samaradorligi	311-315

Тураев А. А.	Солиқ тўловчиларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини ошириш	315-319
Ziyayev D. S.	Soliq majburiyatlari va ularni bajarish tartibi	319-323
Аллаяров К. Р.	Ўзбекистон республикаси солиқ сиёсати ва унинг стратегик мақсадлари ривожланиш таҳлили	323-327
Хасанова С. И.	Ўсиш ва ривожланишнинг содда модели	327-330
Jo'rayev S. M.	Soliq ma'muriyatchiligini rivojlanishning asosiy tendensiyalari va yondashuvlari	330-333
Султанмуратова Д.Ш	Солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини амалга оширишда хориж тажрибаси	333-336
Shamsitdinova X. M.	Davlat mulkining xususiylashtirish orqali soliq siyosatini tartibga solish va ko'p ukladli iqtisodiyotga erishish yo'llari	336-341
Xolov N. Q.	Raqamli iqtisodiyotda elektron pul tizimi istiqbollari	341-344
Ismoilov M. Q.	Soliq ma'muriyatchiligini raqamlashtirish jarayonida soliq potensialini aniqlashga ta'sir etuvchi omillar	345-349
Boltaev J. Y.	O'zbekiston respublikasi soliq tizimi va davlat byudjeti daromadlarini shakllantirishda tutgan o'rni	349-353
Абдибоситова М. Л	Кичик бизнес вакиллари солиққа тортишнинг ҳуқуқий асослари	353-357
Қаршиев О. А.	Ўзбекистон тадбиркорлик тизимида рақобатбардошликни бошқариш истиқболлари	357-361
Зайнутдинов Б. О.	Солиқ интизомини мустаҳкамлаш истиқболлари	361-363
Ҳакимов Ҳ. А.	Ўзбекистонда бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлик кўрсаткичларини ўрта муддатли прогнозлаш	363-368
Mamadiyarov Z. T. Hamdamov A. T.	Innovatsion texnologiyalarni bank tizimida qo'llashning bank marketingiga ta'siri	368-372
Шамсиев Н. М.	Ўзбекистоннинг жаҳон молия бозорига чиқиш истиқболлари	372-375
Кенжаева З. Э.	Инвестициялар иқтисодий ривожланиш гарови сифатида	375-377

Қаршиев О. А.	Янги Ўзбекистон шароитида солиқ маъмурчилигини оптималлаштириш	377-379
Норова Н. Н.	Тижорат банклари дароматини масофавий хизмат турлари орқали ривожлантириш	379-382
Олимжанова Н. А.	Тижорат банклари капиталидаги давлат улушини роли уни камайтириш йўллари	382-384
Саипназаров Ш. Ш. Султанмуратова Д.Ш	Ўзбекистон фонд бозорида іро амалиёти ва молиявий инжинирингдан фойдаланиш имкониятлари	385-388
Мустафоев А. М. Рахимов Н. Т.	Инноватцияларни солиқ имтиёзлари орқали қўллаб-қувватланиш аҳамияти	388-392
Shamusarov S.	Suveren kredit reytinglarini baholashning o‘ziga xos jihatlari	392-393
Muratov A.T.	Moliya bozori instrumentlarilarini nazariy jihatlari	394-395
Эргашев. С. С.	Саноат корхоналарининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бошқаришни такомиллаштириш	395-399
Alimqulov H.B.	Soliq xavfsizligining nazariy jihatlari	399-401
Шамсиев Н.М.	Ўзбекистон республикаси тижорат банклари депозит базаси самарадорлигини ошириш истиқболлари.	401-404

I-SHO'BA
YANGI O'ZBEKISTONDA SOLIQ MA'MURIYATCHILIGINI
TAKOMILLASHTIRISH ORQALI
MAKROIQTISODIY BARQARORLIKKA ERISHISHNING USTUVOR
YO'NALISHLARI

DSc., профессор Тухлиев Бозор Каримович
ТДИУ, Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси мудури

ИҚТИСОДИЁТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада инвестиция фаолиятини молиялаштириш тенденцияларининг ўзгаришидаги тартиб ва тамойиллар таҳлил қилинади. Ўзбекистон иқтисодиётида жозибадор инвестиция муҳитини ташиқил этиш, инвестиция фаолиятини ташиқил этиш, унинг манбаларини шакллантириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Амалиётда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми таҳлили келтирилган.

Таянч сўзлар: инвестиция, асосий капитал, инвестицион муҳит, инвестицион жозибадорлик инновация, ялли ички маҳсулот, инвестор, инвестицион фаолият, инвестицияларни молиялаштириш.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида, бозор механизми ҳамда тамойилларига мос келадиган турли мулкчилик ва хўжалиқ юритишнинг турли шакллари пайдо бўлиши инвестиция ва инвестиция фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларга янгича ёндашувни талаб этмоқда. Натижада, ЯИМ қиймати, шунингдек давлат бюджетининг даромад қисмида ҳам молиявий тушум манбаларининг таркиби ўзгариб, капитал маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестициялашнинг марказлашмаган манба ва бозор субъектларини шакллантириш механизмларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди.

Асосий капиталга инвестициялар – янги асосий фондларни сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар мажмуини билдиради. Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида сўнгги 6 йилдаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, у деярли 4 мартага кўпайиб, ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Сўнгги йиллардаги уларнинг ўсиш суръатларини кўрадиган бўлсак, 2019 йилгача ўсиб боргани ва 138,1 % га етгани, 2020 йилда кескин тушгани – 95,6 %, ҳамда ҳозирги давргача яна ўсиш тенденциясига эга бўлаётганини

кўриш мумкин –100,9 %. Жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, 2021 йилга нибатан 3,8 % пунктга камайиб, 15,4 % ни ёки 41,5 трлн. сўмни ташкил этди. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 228,4 трлн. сўм ёки жами инвестицияларнинг 84,6 % инвестициялари ўзлаштирилиб, 2021 йилга нисбатан 3,8 % пунктга кўпайди. Жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, 2021 йилга нибатан 3,8 % пунктга камайиб, 15,4 % ни ёки 41,5 трлн. сўмни ташкил этди. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 228,4 трлн. сўм ёки жами инвестицияларнинг 84,6 % инвестициялари ўзлаштирилиб, 2021 йилга нисбатан 3,8 % пунктга кўпайди.

Таҳлилларимизга кўра, республикамиз иқтисодиётининг хусусий секторида инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизими фаоллиги ошганлигини ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим.

Ушбу жараёнлар тадрижий йўл билан босқичма-босқич равишда инвестиция капиталини шакллантириш тизимини мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш учун катта имкониятлар яратади деб, ҳисоблаймиз. Шу билан бирга инвестиция капитали таркиби ва инвестициялаш субъектлари ташкилий тузилмаларининг бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ўзгариши инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва иқтисодиётни трансформациялаш жараёнини янада такомиллаштириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиши табиийдир. Давлатнинг инвестиция фаолиятини амалга оширишдаги иштирокининг пасайиши ўтиш даврида инвестиция фаолияти турларига жалб этиладиган давлат даромадлари ҳажмининг камайиши оқибатида юз беради. Демак, иқтисодиётнинг устувор, айниқса реал тармоқларини давлат бюджети ҳисобидан инвестициялаш талабларининг пасайиб бориши молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни хусусий сектор орқали ҳал этиш мумкинлигини объектив ҳақиқатга айлантиради. Бироқ, ҳозирча хусусий сектордаги корхоналар, банклар ва аҳолининг молиявий ресурслари кўпайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, уларнинг жорий мавжуд имкониятлари инвестиция фаолиятидаги барча муаммоларни ҳал этиш учун етарли эмас.

Давлат бюджети ҳисобидан инвестиция фаолиятини амалга оширишда устувор тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қисқариши давлат инвестиция сиёсатининг эътибори хусусий тузилмалар: корхоналар, банклар ва аҳоли зиммасига кўчишини шарт қилиб қўйиши табиийдир. Бироқ,

хозирча хусусий сектордаги инвестиция фаолияти субъектлари миқдори ва сони ортганига қарамай, уларнинг инвестиция фаолиятлардаги ўрни ва мавқеи давлатнинг иқтисодийдаги роли ва ўрнини боса олмаяпти.

Мулкчилик шакллари ўзгариб бориши билан инвестиция фаолиятини молиялаштиришдаги давлат манбалари ўрнини тобора турли-туман хусусий инвестиция манбалари эгаллаб бориши, бу эса инвестиция фаолиятини кенг кўламда номарказлашувига ва пировардида, инвестиция фаолияти кўлами ва самарасининг ортишига олиб келиши лозим. Бугунги кунда бу ҳолат асосан давлат мулкни хусусийлаштириш ҳисобига амалга ошмоқда ва натижада инвестиция фаолияти молиявий захира имкониятларини шакллантириш муаммоси юзага чиқди.

Ушбу муаммога оид иқтисодий инвестиция-молия ресурсларининг реал, даставвал ишлаб чиқариш секторида таҳлил қилиш, жамғармаларни инвестицияларга айлантириш механизмини тараққий эттириш каби муҳим жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ишлаб чиқариш инвестицияларини молиялаштиришнинг барча мавжуд имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш бозор шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари тузилмаси ва мутаносиблигининг ўзгариши билан боғлиқ.

Инвестиция фаолиятини амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг таҳлили бўйича иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазалари турли хиллигини кўриш мумкин. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини назарий жиҳатлари тўғрисида проф. Я.Миркин, инвестицияларни молиялаштиришнинг реал, истиқболли шакли компанияларнинг жамғармаларини иккиламчи бозордан акциядорлик капиталига жойлаштиришни кўпайтириш ҳисобланади, аммо инвестицияларни молиялаштиришнинг бу манбаи даражаси жуда пастлигини қайд этади. Таниқли иқтисодчи олим У. Шарп ҳам инвестиция фаолиятини фонд бозори орқали молиялаштириш механизмига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрига кўра, қимматли қоғозларнинг даромадлилиги ва рисклилиги ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқага эга бўлган оқилна инвестиция стратегия ва сиёсати инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг асоси ҳисобланади. Молиявий воситачилар (тижорат банклари, жамғарма ва кредит уюшмалари, кредит иттифоқлари, суғурта компаниялари, ўзаро ёрдам фондлари, пенсия фондлари) эса, корпорацияларни фонд бозоридан кўшимча маблағлар жалб қилиш имкониятини билвосита таъминлайди.

Фикримизча, Я.Миркиннинг фонд бозори орқали инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизми хусусидаги фикри алоҳида илмий- амалий аҳамият касб этади. Бунинг боиси шундаки, кўпчилик МДХ мамлакатларида корпоратив

акция ва облигацияларга қилинадиган инвестицияларнинг риск даражаси юқорилиги ва инвесторлар ишончининг пастлиги фонд бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар эканлиги қатор илмий изланишларда ўз ифодасини топган. У.Шарп томонидан таъкидланганидек, инвестиция фаолиятини молиялаштиришда молиявий воситачиларнинг роли ва улар манбалари давлатнинг оқилона инвестиция стратегияси ҳамда сиёсатига боғлиқдир. Чунки инвесторлар ўз маблағлари самарадорлиги юқори ва ҳимояланган ҳудудларга инвестиция киритишни мақбул кўрадилар. Фикримизнинг исботи учун ҳозирда кенг муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлаётган Ангрен шина завоидига йўналтирилган инвестицияларни келтириш мумкин.

Иқтисодий адабиётларда ички инвестиция манбалари ҳисобига миллий манбалар, шу жумладан корхоналарнинг ўз маблағлари, молия бозори ресурслари, аҳоли жамғармалари, бюджетдан ажратиладиган инвестиция маблағлари тилга олинади.

Хорижий инвестициялар, кредитлар ва заёмлар ташқи манбалар ҳисобланади. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви шароитида хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб қилиш ва самарали ўзлаштириш масаласи ғоят муҳим аҳамиятга эга. Хорижий инвестициялар ривожланаётган мамлакатлар учун ташқи молиялаштиришнинг зарурий ва муҳим манбаи бўлгани ҳолда, ўзи билан бирга, жуда кўп пайқаладиган ва сезилмайдиган активлар, турли-туман технологик, ахборот, молия оқимларини, менежмент малакаларини, жаҳон бозорларидаги иш тажрибаларини ва бошқаларни олиб киради.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимининг аста-секин нодавлат сектори зиммасига ўзгариши ўз навбатида хусусий, жамоа, қўшма корхоналарни ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳамда инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларининг таркибий таснифига ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, хусусий ёки жамоа мулки бўлган корхоналар учун корхона эгаларининг шахсий жамғармалари ички манба вазифасини ўташи мумкин. Хорижий фирмалар билан биргаликда улушли эгалик қилинаётган корхоналар учун хорижий мулкдорнинг инвестициялари мазкур корхона учун ички манба деб қаралади. Демак, бозор муносабатлари тараққий этиб боргани сари корхоналарнинг инвестиция фаолиятини молиявий таъминлаш манбалари ҳам тобора ранг-баранг бўлиб бораверади.

Шу ўринда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш эвазига корхоналар томонидан иқтисодиётга киритилган инвестициялар ички ёки ташқи манба ҳисобланиш масаласи эътибордан четда қолаётганлигини кўриш мумкин.

Инвестиция манбаларига баҳо беришда ушбу тоифадага маблағларга ҳам баҳо беришимиз мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, ушбу манба корхона учун ташқи манба ҳисобланади. Чунки ушбу инвестиция маблағлари давлат бюджетига тушадиган даромад ҳисобига шаклланган. Давлат иқтисодий жараёнларни тезлаштириш ва улар самарадорлигини ошириш мақсадида инвесторларга ўз даромади бир қисмини мақсадли ажратмоқда. Шунинг учун ушбу маблағлар бухгалтерия ҳисобида ҳам алоҳида счетларда ҳисобга олинади ва мақсадли ишлатилиши назорат олинади. Агар маблағлар мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланса, солиқ имтиёзлари ҳисобидан жамланган маблағ бюджетга олиб қўйилади.

Инвестицияларни молиялаштириш манбалари маблағларини шакллантиришда солиқ преференциялари ва имтиёзлари муҳимлиги юқорида ҳам қайд этилди. Тадқиқотларимиз ушбу йўналишда корхоналарни инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг барча имкониятларидан тўғри фойдаланмаслик ҳолатлари мавжудлигидан далолат бермоқда. Муқаддам (2020 йил 1 январгача амал қилган Солиқ Кодексида) солиқ қонунчилигида корхоналарнинг инвестиция учун йўналтирилган маблағларининг Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи базасининг 30 фоизидан ошмаган қисми (амортизация ажратмасини камайтирган ҳолда) фойда солиғи базасидан чегиришга оид имтиёз мавжуд эди. Лекин, солиқ қончилиги имтиёзларини тарғибот қилиш тизими яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг бу имтиёз аҳамиятига тўғри баҳо бермаганлиги оқибатида солиқ имтиёзи самарасиз бўлиб қолди. Иккинчидан, ушбу даврда инвестиция фаолиятини амалга оширган солиқ тўловчилар имтиёзни қўллаш механизми ишлаб чиқилмагани сабабли ундан фойдалана олмасдилар. Ушбу объектив омиллар таъсири натижасида инвестиция фаолияти самарадорлиги пасаяди. Натижада ички инвестиция имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик ҳолати юзага келади.

Корхоналар даражасида инвестициялашнинг ташқи манбалари, яъни марказлашган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, хусусий инвесторлар (аҳоли, тижорат банклари, инвестиция фондлари ва компаниялари кабилар) фаолиятини фаоллаштириш ва хорижий инвестицияларни, имкон даражасида тўғридан тўғри, жалб этиш устувор вазифалар сифатида қаралиши ва ҳал этилиши лозим. Шу билан бирга давлатнинг инвестиция фаолиятидаги иштироки фаоллашуви инвестиция танқислигини енгиб ўтишнинг энг муҳим манбаи ва омили эканлигини ҳам унутмаслик керак. Жумладан, айниқса молиявий-иқтисодий инқирозлар шароитида давлатнинг иқтисодиёт соҳаларига аралашувининг кучайиши бозор механизмини шакллантириб бўлган мамлакатлар учун ҳам хосдир. Ўзбекистон шароитида эса давлатнинг

инвестиция жараёнига аралашуви долзарб ва зарурат бўлиб қолаверади. Бироқ, давлатнинг инвестиция фаолиятидаги иштироки турли шаклда, масалан, инвестициялашнинг марказлашмаган ва хусусий молиялаштириш манбаларини ривожлантириш ва улар фаолиятини рағбатлантириш асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Phd., доцент Боймуротов Содиқ Роззиқович

Фискал институт Солиқлар ва солиққа тортиш кафедра мудири

Ибрагимов Ҳамид

Фискал институт магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: *Мамалакатимиз солиқ тизимида солиққа тортиш жараёнларини рақамлаштириш бўйича амалга оширилган тадбирлар, уларнинг натижадорлиги таҳлил қилиниб, рақамлаштириш жараёнидаги муаммолар қайд этилиб, уларнинг ечими юзасидан таклиф ва тавсиялар изоҳланган.*

Калит сўзлар: *солиқ тизими, солиққа тортиш жараёнларини рақамлаштириш, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, электрон хизматлар, интерактив хизматлар, солиқ назорати, солиқ текишувлари, солиқ таҳлиллари.*

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизими ҳисобланиб, “1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte “Рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритган ва ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилиниб, нуфузли халқаро ташкилотлар олиб борган таҳлиллар натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга оширади, шунинг баробарида, хуфёна иқтисодиётга барҳам беради”[1].

Ўз навбатида, ҳар бир мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, улар рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, ахборот-технологиялар саноатига киритилган инвестициялар ҳажми, мамлакат ҳудудида интернат тизимининг жорий этилиши ва ундан аҳолининг фойдаланишдаги қулайликлар, электрон тижоратнинг ривожланиш даражаси, электрон ҳукуматлар тизимидаги давлат

хизматлари улуши ҳамда соҳани мутахассислар билан таъминланишга боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ ислохотлари солиқ маъмуриятчилиги жараёларини автоматлаштириш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш, бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш, “солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган бўлиб, бу кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада 2017-2023 йилларда Республикамиз Президенти ва Ҳукуматининг 50 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилиниб, уларда:

мамлакатимиз солиқ сиёсати ва солиқ тизимини ислоҳ қилиш;

солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш;

эркин тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва солиқ тўловчилар учун қулай “солиқ иқлими”ни яратиш;

“Солиқ хизмати – солиқ тўловчига кўмакчи” тамойили асосида, солиқ тўловчиларга замонавий ахборот хизматлари кўрсатишни кенгайтириш орқали хуфёна иқтисодиётни легаллаштириш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида солиқ тушумлари 2,5 баробарга, солиқ тўловчилар сони 1,8 баробарга, шу жумладан ҚҚС тўловчилар сони 2,7 баробарга, солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар сони 2,8 баробарга, шу жумладан электрон хизматлар 4,1 баробарга ўсди.

Ўз навбатида, солиқ органлари томонидан ўтказиладиган ҳужжатли солиқ текширувлари 2,5 баробарга қисқарди. Лекин солиқ текширувларининг “солиқ хавфи” дастулари хулосалари асосида ўтказилиш натижасида самарадорлиги кескин ошди.

Солиқ кўмитасининг “2022 – 2026 йилларда солиқ маъмурчилиги ва солиқ хизмати органларини ривожлантириш стратегиясида:

солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишга йўналтирилган хизматларини ривожлантириш;

давлат солиқ хизмати органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш

солиқ сиёсатини такомиллаштириб бориш ва иқтисодиётда хуфёна айланма даражасини қисқартириш йўналиши

солиқ таваккалчиликларини баҳолаш ва мониторинг қилишнинг замонавий тизимини яратиш йўналиши

давлат солиқ хизмати органларида коррупциянинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш солиқ органларининг асосий фаолият йўналишлари этиб белгиланган.

Ушбу фаолият йўналишлари бўйича ўтган давр мобайнида давлат солиқ хизмати органлари томонидан бир қатор ижобий тадбирларга эришилган.

Жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мустақил равишда рўйхатдан ўтиш ва солиқларни тўлаш, контерагентларнинг тадбиркор мақомини текшириш имкониятлари кенгайтирилди, ер ва кўчмас мулкнинг кадастр ҳисоби ва қийматини баҳолашда кадастр ва солиқ органлари маълумотлар базалари интеграция қилинди, солиқ тўловчилар аниқ эҳтиёжларидан келиб чиқиб реал вақт режимида кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтирилиб, хизматларни рақамли технологиялар орқали кўрсатиш тартиби жорий этилди;

тадбиркорлик субъектларига тенг фискал шароит ва рақобат муҳити яратилиб, уларга соддалаштирилган солиқ тартиби қайта кўриб чиқилиб, “яшил йўлак” тартибида солиқ таваккалчиликларини баҳолаш ва инсофлилик мезонлари асосида сегментлаш тизими асосида солиқ назорати механизми жорий этилди;

айрим турдаги маҳсулотларни маркировка қилишнинг ягона тизими ва солиқ органлари томонидан маҳсулотни ҳисобга олишнинг электрон базаси яратилиб, “яширин иқтисодиёт” кўламини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари белгиланиб, иқтисодий фаолиятни легаллаштириш мақсадида солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ва хуфиёна фаолият амалга ошириш фактларини аниқлашда ёрдам берган шахсларни моддий рағбатлантириш тартиби жорий этилди;

солиқ солиш мақсадида фаолиятни қонунийлаштиришни рағбатлантириш, ўзини ўзи иш билан банд қилган шахслар мезонлари ва тоифаларини аниқлаш бўйича илғор хорижий тажриба асосида таклифлар ишлаб чиқилди;

солиқ тўловчиларни, жумладан ҚҚС тўловчиларини таҳлил қилиш ва бошқариш тизими асосида солиқ назоратининг масофавий усуллари такомиллаштирилиб, фақат солиқ хавфи юқори бўлган солиқ тўловчиларни солиқ текшириш тартиби белгиланди;;

солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга реал вақт режимида сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этишда, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг замонавий усуллари билиш, халқаро солиққа тортиш ва солиқ маъмурчилигида илғор ахборот технологияларини қўллаш учун солиқ органларининг ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирлари амалга оширилди

Солиқ тўловчилар билан ахборот-коммуникация технологиялари орқали мулоқот қилишни кенгайтириш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўрсатилаётган электрон давлат хизматларнинг сони 45 тага етказилди.

Давлат солиқ қўмитасининг “Электрон давлат хизматлари - my.soliq.uz” портали орқали электрон давлат хизматларн шунингдек, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ қонунчиликда кўзда тутилган 12 турдаги электрон ҳужжатлар ҳамда 27 турдаги ҳисоботларни айрибошлаш йўлга қўйилиб, бошқа вазирлик ва идоралар ўртасида ўзаро маълумот алмашинуви бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

Давлат солиқ қўмитаси ҳамда вазирлик ва идоралар ўртасида ўзаро маълумот алмашинуви таҳлили¹

<i>Тўлов топшириқномалар</i>	<i>Йиллар</i>				
	<i>2018</i>	<i>2019</i>	<i>2020</i>	<i>2021</i>	<i>2022</i>
<i>Вазирлик ва идоралар сони</i>	32	36	41	49	53
<i>Маълумот сони</i>	201245128	244429515	333755792	496526824	411739655

Демак, солиқ органларининг вазирлик ва идоралар билан ахборот алмашинуви 2018 йилда 32 вазирлик ва идоралар билан амалга оширилиб маълумотлар адмашинуви сони 201245128 тани ташкил этган бўлса 2022 йилда маълумотлар алмашинувчи вазирлик ва идоралар сони 53 тани ташкил этиб маълумотлар алмашинуви 411739655 тани ташкил этган ёки маълумот берувчи вазирлик, идоралар сони бир ярим баробарга ва алмашмнилган маълумотлар сони икки баробардан ошган.

Қайд этиш жоизки, малакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини янада ошириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилаётган солиқ ислохотларини изчил давом эттириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилши давои этмоқда. Хусусан, Ҳукуматимизнинг 2023 йил 18 октябрдаги “Солиқ органлари томонидан айрим солиқ ҳисоботларини шакллантириш тартиби жорий этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори билан белгиланган тадбирлар эътиборга лойиқдир.

Жумладан, мазкур қарор билан, 2024 йил 1 январдан бошлаб солиқ тўловчиларнинг танловига кўра қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқлари

¹ ДСҚ маълумотлари асосида ишлаб чиқилган

бўйича солиқ ҳисоботларини солиқ органлари томонидан автоматик тарзда шакллантириш тартибини жорий этилиши рақамлаштириш борасидаги муҳим тадбирларидан бири ҳисобланади.

Қарор билан тасдиқланган “Солиқ тўловчининг танловига кўра солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, солиқ органлари жорий солиқ даврининг 15 январига қадар қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқлари бўйича 15 январга қадар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича 1 апрел ҳолатига ички ва ташқи манбалар асосида келиб тушган маълумотларни умумлаштириб, бир кун муддатда солиқ ҳисоботларини шакллантиради ва бир кунлик муддатда солиқ тўловчининг шахсий кабинетига орқали унга юборади.

Солиқ тўловчи шахсий кабинетига солиқ ҳисоботи келиб тушгандан сўнг солиқ органи томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботини тасдиқлайди. Агар, ҳисобот бўйича эътирозлар мавжуд бўлганда, солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатигача солиқ ҳисоботини қайта ишлайди ва солиқ органларига тақдим этади.

Мазкур тартиблар Солиқ тўловчиларнинг солиқ ҳамкорлигини янада кенгайтириши билан бирга, солиқ ҳисоботларининг ўз вақтида ишончли тақдим этилиши таъминлаш, солиқларнинг ўз вақтида ҳисобга олиниши ҳамда ундирилиши тезлаштириш, ўз навбатида солиқ текшириувларининг камайишига ҳам сабаб бўлади.

Қайд этиш жоизки, солиқ тўловчилар билан солиқ муносабатларини амалга оширишда солиқ органлари тизимида юқорида қайд этилган ижобий натижалар билан бирга қаторда айрим муаммолар ҳам бор. Жумладан:

- солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини ихтиёрий ва мустақил бажариш учун қулай шарт-шароитларнинг тўлиқ яратилмаганлиги, солиқ тўловчи имконияти ва талабларини ҳисобга олган ҳолда бизнес жараёнларни ўзгартириш йўлга қўйилмаганлиги ва солиқ назорати воситаларини фақат инсофсиз солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилмаслиги инсофли солиқ тўловчилар фақолияти самарадорлигини оширишга тўсиқ бўлмоқда;

- солиқ органларининг солиқ тўловчилар томонидан даромадлар ҳажмини яшириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемаларидан фойдаланишнинг кенг тарқалган амалиётига қарши курашиш бўйича ишлари изчил олиб борилмаётгани солиқ интизомининг пасайишига, яширин иқтисодиёт кўламининг сақланиб қолишига ва инсофли тадбиркорлар учун бизнес юритиш шартларининг ёмонлашишига олиб келмоқда;

- солиқ идораларида қарорлар қабул қилишда “инсон омили” таъсирининг мавжудлиги, улар томонидан катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш механизмларининг йўқлиги автоматлаштирилган тизимда қарорлар қабул қилиш, солиқ тушумини таъминлаш имконияти ва ҳақиқий даражаси ўртасида тафовутларни сақлаб қолинишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммоларнинг ечими сифатида қуйидагилар таклиф қилинади.

1. Солиқ органларида хизмат кўрсатишнинг мижозга йўналтирилган усулларини қўллаш орқали инсофли тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашиш, солиқ мажбуриятларини бажаришнинг қулай, тушунарли ва осон механизмларини амалиётга жорий этиш.

2. Солиқ маъмурчилигини сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда солиқ солинадиган базани қамраб олишни кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитларни яратиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар жорий этиш.

4. Солиқ органлари фаолиятини ва солиқ маъмурчилиги механизмларини рақамли трансформация қилиш, солиқ органлари фаолиятига янги дастурий маҳсулотларни жорий этиш.

*DSc., профессор Тўхсанов Қудратилло Нозимович
ТДИУ, Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси*

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Шу йилнинг 22 август куни Президент Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Ушбу мулоқот иккинчи маротаба ўтказилди ва мулоқотда бугунги кунга қадар энг долзарб муаммолар тизимлаштирилиб, уларни ҳал этишга қаратилган йўналишлар эълон қилинди. Солиқ тизимини такомиллаштириш ва бизнесга солиқ юкни имкон қадар камайтириш масаласи устувор йўналиш сифатида таъкидлаб ўтилди. Кейинги йилларда транспорт соҳасида солиқ юки – 3 баробар, озиқ-овқат саноатида – 2 баробар, тўқимачилик ва электр техникаси саноатида эса, 20 фоизгача камайгани эътироф этиб ўтилди [1].

Мамлакат миллий иқтисодиётига солиқ юкни таъсирини ўрганиш муаммоси давлат томонидан ундирилган солиқлар ва йиғимлар билан ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажми ўртасида иқтисодий жиҳатдан асослаб бериладиган улуши (нисбати)ни топиш билан узвий боғлиқ. Оптимал солиқ юки ҳажмини ҳисоблаб чиқишда мазкур муаммонинг ечими сифатида таклиф этилаётган услубий ёндашувлар жуда кўп ва хилма хил, олинган илмий натижалар моҳияти жиҳатидан бир-бирига зид келади. Шу билан бир вақтда

илмий ёндашувлар ва таҳлил услубларининг турличалиги солиқ юки муаммосини макроиктисодий даражада илмий таҳлил қилиш учун жуда кенг имкониятларни очиб бермоқда.

Давлат ўзининг вазифаларини бажариши учун лозим даражадаги молиявий ресурслар билан таъминлай оладиган миллий солиқ тизими солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Шу сабабли солиқ тўловчилар ўртасида вужудга келадиган солиқ юки кўрсаткичи мамлакат солиқ тизимининг сифатини баҳолаш учун етарли ҳисобланади. Миллий солиқ тизимида солиқ муносабатларининг натижавий кўрсаткичи ҳисобланган солиқ юки кўрсаткичи иқтисодий мазмуни жиҳатидан солиқ тўловчилар томонидан яратилган молиявий ресурсларнинг бир қисмини давлат фойдасига мажбурийундириш билан ифодаланади. Шу боис, солиқ юкининг миқдор кўрсаткичлари ёрдамида ифодалашга оид илмий мунозаралар доим долзарб бўлиб келган.

Замонавий рақобат бозоридаги барча тадбиркорлик субъектлари харажатларни оптималлаштириш орқали ўз фаолияти самарадорлигини оширишга интилишади. Бу жараёнда энг аввало асосий харажатларга эътибор қаратилади. Улар орасида солиқ қонунчилигида мавжуд бўлган солиқлар ва йиғимлар асосий ўринни эгаллайди. Шу сабабли, аксарият корхоналар ўз бизнесларига солиқ юкини камайтириш бўйича чора-тадбирларни режалаштиришади ва амалга оширадилар. Аммо бундай ҳаракат натижалари кўпинча солиқ хизматининг эътиборини ўзига қаратади. Улар учун қўшимча солиқлар ва жарималар шаклида тескари таъсирга олиб келади. Биз тадқиқот жараёнида солиқ харажатларини камайтириш бўйича ҳаракатларни солиқ қонунчилиги талабларига мос келиши учун қандай режалаштиришни кўриб чиқамиз.

Тадбиркорлик субъектларида солиқ юки одатда солиқларни тўлаш харажатлари даражаси кўрсаткичи орқали пул бирлигида белгиланади. Унинг товар (иш, хизмат)лар сотишдан тушган тушум билан бирга, солиқ харажатларининг асосий миқдори кўшилган қиймат солиғи ҳамда юридик шахслардан олинadиган фойда солиғига тўғри келади. Бу тўғридан-тўғри корхонанинг даромадлари ҳажмига боғлиқ бўлади.

Корхоналарга нисбатан солиқ юки қанча паст бўлса, тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида қоладиган фойда ҳажми юқори бўлади. Шу сабабли, барча корхоналар ўз бизнесларига солиқ юкини камайтириш учун турли хил схемалардан фойдаланадилар. Улар фойдаланадиган схемаларни учта гуруҳга ажратиш мумкин, уларнинг ҳар бири бир нечта кичик гуруҳларга батафсил баён этилган (1-расмга қаранг).



1-расм. Тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкини камайтириш йўналишлари таснифи. [2]

Солиқни оптималлаштириш - бу солиқ юкини камайтириш нуқтаи-назаридан энг даромадли бизнесни ташкил этишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Солиқларни оптималлаштириш усулларига қуйидагилар киради:

- ✓ солиқ режимини танлаш корxonани ташкил этиш босқичида ва ҳисобот йили охиридаги солиқ юки динамикасини таҳлил қилиш асосида амалга оширилиши керак;
- ✓ қонуний солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;
- ✓ солиқни режалаштириш ёрдамида корxона ҳисобланган солиқлар миқдори динамикасини ва келгуси молиявий йил учун солиқ юки даражасини башорат қилиши мумкин.

Солиқни минималлаштириш корxonанинг солиқ базасини камайтириш учун Солиқ Кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда рухсат этилган усуллардан фойдаланишдан иборат.

Корxonаларда солиқларни минималлаштиришнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат:

ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш. Бунда қонун билан рухсат этилган корxона фаолиятини ҳисобга олишнинг айрим усулларини киритиш ҳисобланган солиқлар миқдорини камайтиришга имкон беради.

корxона учун солиқларни минималлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган схемалар ёрдамида у ўз бизнесига солиқ юкини қонуний равишда камайтириши мумкин бўлади.

корxона бизнес жараёнига солиқ юкини минималлаштириш учун солиқ қонунчилигида назарда тутилган усуллардан фойдаланиш.

Солиқ юкини минималлаштириш учун солиқ тўлашдан бўйин товлаш юқори хавфлар билан боғлиқ бўлиб, ушбу усулдан фойдаланганлик учун жазо

чоралари солиқлардан қочиш схемаларини қўллашдан молиявий имтиёзлардан сезиларли даражада ошади.

Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг кўплаб вариантлари нафақат маъмурий, балки жиноий қонунчилик доирасига киради, шунинг учун биз солиқ юкини минималлаштиришнинг ушбу гуруҳини кўриб чиқмаймиз ва қўллашни тавсия бермаймиз.

Тадбиркорлик субъекти томонидан тўланадиган солиқлар миқдори ва солиқ юкининг ҳажмига энг кўп таъсир кўрсатадиган асосий параметрлар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтишни лозим топдик:

мулкчилик шаклини танлаш;

солиқ тизимини танлаш;

корхонанинг фаолият тури ва уни рўйхатдан ўтказиш жойи;

даромад ва харажатлар нисбати;

харид қилинган ва ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғининг нисбати.

Келинг, ушбу параметрларнинг ҳар бири солиқ миқдорига қандай таъсир қилишини кўриб чиқамиз.

Мулкчилик шаклини танлаш ташкилот қандай солиқларни тўлашига боғлиқ. Бизнесни бошлаш учун сиз корхонанинг қайси мулкчилик шаклига эга бўлишини дарҳол ҳал қилишингиз керак. Масалан масъулияти чекланган жамият ёки тадбиркорлик фаолияти билан якка тартибдаги шуғулланиш мумкин.

Ушбу шаклларнинг ҳар бири солиқ миқдорига таъсир қиладиган ижобий ва салбий томонларига эга. Масалан, масъулияти чекланган жамият эгалари олинган дивидендлар бўйича 5 фоиз миқдорида даромад солиғини тўлайдилар. Якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу солиқни тўламайдилар.

Шу билан бирга, тадбиркорлар ўз бизнесининг қарзлари учун шахсий мулклари билан жавобгар ҳисобланади. Улар юридик шахсларга бериладиган лицензиялар ва патентларни рўйхатдан ўтказишни талаб қиладиган айрим фаолият турларини амалга ошира олмайдилар.

Кўпгина ҳолларда, ташкил этилаётган корхона учун солиқ солишнинг қайси шаклидан фойдаланишни танлашни режалаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда якка тартибдаги тадбиркорлар учун даромад солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва умумбелгиланган тартибда солиқни тўлаш шаклида амалга ошириши мумкин.

Дунё иқтисодиётида тадбиркорлик субъектлари ўртасида солиқ юкини оптималлаштириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларда қуйидаги йўналишларга устуворлик берилмоқда. Булар, тадбиркорлик субъектлари ўртасида солиқ юкини камайтириш шароитида солиқ турлари ва ставкаларини эътиборга олган ҳолда унификация қилиш; давлат ва жамият учун устуворлик

касб этган соҳалардан келиб чиқиб тақдим этилган самараси паст солиқ имтиёзларидан воз кечиш; тадбиркорлик субъектларининг солиқ юки кўрсаткичи улар томонидан давлат бюджетига тўланган барча солиқлар ва тўловларни қўшилган қийматга нисбати орқали аниқлаш; ҳудудларда ундирилаётган солиқлар ва тўловлар суммасини ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан ҳисоблаш; кичик бизнес субъектларида солиқ юки кўрсаткичини соф ва умумий солиқ юки тарзида ҳисоблаш масаласини ўз ичига олади.

и.ф.д., доцент Исаев Фахриддин Икромович

*ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази*

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА СОЛИҚ ВА ФИСКАЛ МУНОСАБАТЛАР: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация. Мақолада ривожланаётган мамлакатларда солиқ ва фискал муносабатларнинг муаммо ва ечимлари очиб берилган, мақола якунида хулоса шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, фискал, даромад, солиқ тушуми, солиқдан бўйи товлаш.

Аннотация. Статья раскрывает проблемы и пути решения налоговых и фискальных отношений в развивающихся странах и завершается выводом в конце статьи.

Ключевые слова: налог, фискальный доход, налоговые поступления, уклонение от уплаты налогов.

Abstract. The article reveals the problems and solutions of tax and fiscal relations in developing countries, and concludes with a conclusion at the end of the article.

Key words: tax, fiscal, income, tax revenue, tax evasion.

Солиқ ва фискал сиёсат ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий муҳитини шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди, лекин ривожланаётган давлатлар дуч келадиган муаммолар кўпинча бир-биридан фарқ қилади.

Маълумки, фискал сиёсат ҳукуматнинг иккита ҳаракатини тавсифлайди. Биринчиси, солиққа тортиш. Солиқларни ундириш орқали ҳукумат аҳолидан даромад олади. Солиқлар кўп турларда бўлади ва ҳар хил аниқ мақсадларга хизмат қилади, аммо асосий тушунча шундаки, солиққа тортиш - бу активларни халқдан ҳукуматга ўтказиш.

Иккинчи ҳаракат - давлат харажатлари. Бу давлат хизматчиларининг иш ҳақи, ижтимоий суғурта имтиёзлари, инфратузилмалар шаклида намоён

бўлиши мумкин. Ҳукумат харажат қилганда, у ўз активларини ўзидан халққа ўтказди. Солиқ ва давлат харажатлари тескари активлар оқимини ифодалаганлиги сабабли, биз уларни қарама-қарши сиёсат деб ҳисоблашимиз мумкин. Ривожланаётган мамлакатлар солиқ йиғиш, ресурсларни тақсимлаш ва фискал барқарорлик билан боғлиқ муаммолар билан курашмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар дуч келадиган энг қийин муаммолардан бири бу ривожланиш харажатлари туфайли кўпайган бюджетни мувозанатлашдир. Бу муаммо ҳам даромадлар ўсишининг секинлиги, ҳам харажатларни назорат қилишдаги техник қийинчиликлар туфайли кучаяди.

Ривожланаётган мамлакатларга оид солиқ ва фискал муносабатлардаги муаммолар:

1. Ривожланаётган мамлакатлардаги асосий муаммолардан бири солиқ тушумларининг ундирилишининг нисбатан пастлигидир. Буни йирик норасмий сектор, кенг тарқалган солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва солиқ қонунчилигини амалга ошириш учун чекланган маъмурий имкониятлар билан боғлаш мумкин. Натижада ҳукуматлар муҳим давлат хизматлари ва инфратузилмасини молиялаштириш учун курашмоқда.

2. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда солиқ юки номутаносиб равишда кам даромадли шахсларга тушади. Истеъмол солиғи каби регрессив солиқ тизимлари даромадларнинг катта тенгсизлигига олиб келиши мумкин, чунки кам даромадли шахслар ўз даромадларининг муҳим қисмини асосий товарлар ва хизматларга сарфлайдилар.

3. Кенг тарқалган солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва коррупция ривожланаётган мамлакатларда солиқ тизимларининг самарадорлигини пасайтиради. Бу муаммолар нафақат давлат даромадларини камайтиради, балки аҳолининг ишончини ҳам йўқотиб, иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилади.

4. Кўпгина ривожланаётган давлатлар давлат даромадлари учун нефть ёки минераллар каби ягона ресурсга таянади. Ресурсга боғлиқлик жаҳон бозорида товарлар баҳоси ўзгариб турса, фискал беқарорликка олиб келиши мумкин, бу эса мамлакатнинг давлат хизматлари ва инвестицияларини молиялаш қобилиятига таъсир қилади.

5. Заиф молиявий интизом кўпинча давлатнинг ортикча харажатларига, бюджет тақчиллигига ва барқарор бўлмаган қарз даражасига олиб келади. Бу молиявий номутаносибликлар инфляция ва иқтисодий инқирозларга олиб келиши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатлар учун ечимлар:

Ривожланаётган мамлакатлар норасмий секторни ўз ичига олган ҳолда солиққа тортиш базасини кенгайтиришга интилиши ва корхоналар ўртасида

қонунчиликка риоя қилишни кучайтириши керак. Солиқ тизимини соддалаштириш ва бюрократик тўсиқларни камайтириш иштирок этишни рағбатлантиришга олиб келади.

Юқори даромадли шахслар ва корпорацияларга оғирроқ юк бўлган янада прогрессив солиқ тизимларига ўтиш. Бу умумий солиқ тушумларини ошириш билан бирга даромадлар тенгсизлигини камайтиришга ёрдам беради.

Солиққа тортишдан бўйин товлаш ва коррупцияга қарши курашиш учун солиқни қўллаш механизмларини кучайтириш. Бу солиқ маъмуриятчилигига сармоя киритиш, шаффофликни ошириш ва солиқларни йиғишнинг электрон тизимини жорий этишни ўз ичига олади.

Ресурсларга қарамликни юмшатиш учун ҳукуматлар ўзларининг даромад манбаларини диверсификация қилишлари керак. Бу қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш каби иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини рағбатлантиришни ўз ичига олиши мумкин.

Бюджетлаштириш, қарз олиш ва қарзни бошқариш бўйича аниқ қоидаларни белгилайдиган фискал жавобгарлик қонунларини қабул қилиш лозим. Бу молиявий интизомни мустаҳкамлаши ва ортиқча камомадларнинг олдини олиши мумкин.

Фискал ислоҳотлардан зарар кўрган аҳолининг заиф қатламларини ҳимоя қилиш учун ижтимоий хавфсизлик тармоқларини жорий этиш лозим. Бу солиққа тортишдаги ўзгаришлардан номутаносиб равишда таъсир қилиши мумкин бўлган шахсларга бевосита таъсирни юмшатишга ёрдам беради.

Ривожланаётган мамлакатлар солиқ ва фискал бошқарув соҳасида салоҳият ва тажрибани ошириш учун халқаро ёрдам ва ҳамкорликка мурожаат қилишлари керак. Халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатларнинг техник ёрдами бебаҳо бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, солиқ ва фискал муносабатлардаги муаммоларни ҳал қилиш ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Солиқ базасини кенгайтириш, прогрессив солиққа тортишни рағбатлантириш, мажбуриятларни кучайтириш ва даромад манбаларини диверсификация қилиш орқали ҳукуматлар янада мустаҳкам ва барқарор фискал тизимларни қуришлари мумкин. Бундан ташқари, фискал жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш ва ижтимоий хавфсизлик тармоқларини таъминлаш аҳолининг энг заиф қатламларини ҳимоя қилиш билан бирга иқтисодий барқарорликни сақлашга ёрдам беради. Халқаро ҳамкорлик ва ички ислоҳотлар орқали ривожланаётган давлатлар янада фаровон ва адолатли келажак сари ҳаракат қилишлари мумкин.

i.f.n., professor Mutalova Dilorom Maxamadjanovna

Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti Soliqlar va soliqqa tortish katedrasi

SOLIQ MA'MURCHILIGI ORQALI SOLIQ BYUDJET SIYOSATINI SAMARALI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Annotatsiya: Soliqlar davlat budjetining asosiy daromadi va faoliyatining davomiyligi bilan bevosita bog'liqdir. Shu o'rinda soliq kategoriyasi davlatni iqtisodiy siyosati orqali iqtisodiy voqelik sifatida yuzaga chiqishini ta'kidlash lozim. Soliq tushunchasi tor ma'noda davlat ixtiyoriga soliq to'lovchilardan majburiy tartibda undiriladigan pul tushumlarini ifodalaydi. Soliqlarning amal qilishini bozor iqtisodiyotiga o'tish sharoitida ikki holat bilan ifodalash mumkin: birinchidan, davlatning qator vazifalarini mablag' bilan ta'minlash zarurligi, ikkinchidan, bozor iqtisodiyoti qonun-qoidalari. Ushbu tezisda soliq ma'muriyatchiligi orqali soliq-byudjet siyosatini samarali rivojlantirish istiqbollari haqida ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: Soliq, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish, tadbirkorlik subyektlari, davlat budjeti.

Soliqlar to'g'risidagi qarashlar tarixan obyektiv va subyektiv omillarning ta'sirida shakllangan. Soliqlarga doir turli ta'riflarni tahlil qilish, ularning aniq iqtisodiy-ijtimoiy taraqqiyotlar jarayonidagi mohiyatini asoslash, soliqlarning iqtisodiy rolini va soliq qonunchiligiga asos bo'lgan soliq tamoyillarini belgilash hamda soliq tizimida, jamiyat taraqqiyotida mavjud bo'lgan soliqlarning tutgan o'rnini aniqlash zarurdir. Chunki, davlat paydo bo'lishi bilan soliqlar jamiyatdagi iqtisodiy munosabatlarning zaruriy talablaridan biri hisoblanib kelingan. Ko'pgina rivojlanayotgan mamlakatlarda samarali yoki adolatli soliq siyosati muvaffaqiyatsiz bo'lishi mumkin, chunki soliq ma'muriyati ushbu siyosatlarni amalga oshirishga qodir emas. Davlat soliqlarni yig'ishda ishtirok etganda, soliq ma'muriyatchiligini ko'rib chiqish yanada murakkablashadi. Markaziy hukumatlar o'zlarining kattaligi va resurslari tufayli daromadlarni yig'ishda qiyosiy ustunlikka ega, ammo mahalliy organlar aholini mahalliy jamoat tovarlarining kerakli miqdori va aralashmasi bilan ta'minlashda afzalliklarga ega.

Mamlakatda tadbirkorlikni rivojlantirish va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun soliq yukini izchillik bilan kamaytirish va qulay shart-sharoitlarni yaratishni ta'minlaydigan soliq tizimi shakllantirilgan.

Shu bilan birga, soliq ma'muriyatchiligi sohasida, shu jumladan soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni yig'ish, soliq solinadigan bazani kengaytirish va soliq to'lovchilarning huquqiy madaniyatini oshirishda muayyan muammolarning mavjudligi mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi dasturlarini moliyalashtirishning barqaror manbalarini ta'minlashga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda, xususan, soliq organlari faoliyatiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya

texnologiyalarini joriy qilish holati soliq ma'muriyatchiligining shaffofligini, soliq solish masalalarida manfaatdor vazirlik va idoralar bilan hamkorlik qilish hamda nazorat samaradorligini, shuningdek davlat xizmatlaridan foydalanish imkoniyatini ta'minlamayapti.

Soliq to'lovchilarning, eng avvalo, tadbirkorlik subyektlarining ularga to'g'ridan to'g'ri muloqotsiz xizmat ko'rsatishni ta'minlaydigan "soliq to'lovchining shaxsiy kabineti"dan foydalanish manfaatdorligini oshirish bo'yicha faol ish tashkil etilmagan;

ikkinchidan, soliq organlarining tashkiliy-shtat tuzilmasi soliq solish obyektlarini to'liq qamrab olish va soliq solinadigan bazani kengaytirish, shuningdek soliq va boshqa majburiy to'lovlarni o'z vaqtida yig'ish uchun mavjud resurslarni safarbar qilish imkonini bermayapti;

uchinchidan, soliqqa oid huquqiy munosabatlarning ahvoli va rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilish, soliq siyosatining o'rta muddatli va istiqbolli yo'nalishlarini ishlab chiqish, soliq solishning dolzarb muammolarini tadqiq etish, shuningdek budjetga soliq tushumlarini ishonchli prognozlashtirish faoliyati takomillashtirishni talab qilmoqda;

to'rtinchidan, soliq nazoratini tashkil qilish mexanizmlarining mukammal emasligi, shu jumladan soliq tekshiruvi obyektlarining zarur tahlilsiz belgilanishi soliqqa oid huquqbuzarliklarni aniqlash va ularni barvaqt profilaktika qilish samaradorligini pasaytirmoqda;

beshinchidan, soliq nizolarini sudgacha hal etish – soliq apellatsiyasi instituti imkoniyatlaridan yetarli darajada foydalanilmayotganligi soliq to'lovchilarning sud organlariga murojaatlari ko'payishiga olib kelmoqda;

oltinchidan, soliq solish tizimining murakkabligi va bir xil soliq solish bazasiga ega soliqlarning yetarli darajada unifikatsiya qilinmaganligi, soliq qonunchiligining o'zgaruvchanligi soliq to'lovchilar tomonidan o'z soliq majburiyatlarini to'liq bajarish imkonini bermayapti;

yettinchidan, soliq organlarining Davlat budjetiga tushumlar to'liqligini ta'minlash faoliyati ustidan tashqi nazorat mexanizmlarining mavjud emasligi soliq solinadigan bazani kengaytirish, soliqlarning yig'iluvchanligini oshirish va soliq to'lovchilarni hisobga olish imkonini bermayapti;

sakkizinchidan, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni yig'ish ko'rsatkichlarini yaxshilash, korrupsiya ko'rinishlarini profilaktika qilish, shuningdek soliq organlarida xizmat qilishga halol va yuqori malakali kadrlarni jalb etish maqsadida davlat soliq xizmati organlari xodimlarini moddiy rag'batlantirish mexanizmlarini takomillashtirish talab etiladi.

Soliq organlarining ma'lumotlar markazini modernizatsiya qilish loyihasi iqtisodiyotning "soya" va "xufiyona" sektorini qisqartirish, iqtisodiyotning

shaffofligini oshirish, teng raqobat sharoitlarini yaratish bilan bog'liq katta umidlarga ega edi. Soliq to'lovchilar uchun bu "aqlli" portallar va individual faol xizmatlarni yaratish, yanada qulay ish sharoitlari va minimal ma'muriy yukni kasb etadi. Yanada raqamli texnologiyalar rolini oshirish va xufiyona iqtisodiyotiga qarshi kurashish uchun muhim chora sifatida soliq ma'murchiligi samaradorligini oshirish, davlat iloji boricha tezroq ma'lumotlar markazi loyihasi vazifalarni amalga oshirilishini ta'minlash kerak. Ma'lumotlar markazini kengaytirish va soliq ma'murchiligining texnologik jarayonlarini modernizatsiya qilish qo'lda bajariladigan operatsiyalar hajmini, axborotni qayta ishlash vaqtini qisqartiradi, protseduralarni imkon qadar rasmiylashtiradi va avtomatlashtiradi hamda soliq to'lovchi xizmati sifatini sezilarli darajada yaxshilaydi. To'liq avtomatlashtirish soliq ma'murchiligini takomillashtirishning asosiy vektorlaridan biridir.

Soliqni to'lash xo'jalik yurituvchi subyektlar va fuqarolar bilan davlat o'rtasida yangidan yaratilgan qiymatni taqsimlashning asosiy vositasi hisoblanadi. Biror bir jamiyatni soliq tizimisiz tasavvur qilish mumkin emas. Chunki soliqlar budjet daromadlari (pul fondi)ni tashkil etishning asosiy vositasi bo'libgina qolmay mahsulot ishlab chiqarish hajmini oshirishga, ishlab chiqarishni rag'batlantirishda investitsiyalarni ko'paytirishga, raqobatbardosh mahsulotni ko'paytirishga, kichik biznesni rivojlantirishga, xususiy korxonalar ochish bilan bog'liq bo'lgan bozor infrastrukturasini barpo qilishga, umumdavlat ehtiyojlarini qondirishga va shu kabilarga xizmat qiladi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida davlat o'zining ichki va tashqi vazifalarini, har xil ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy chora-tadbirlarni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan mablag'larning asosiy qismini soliqlar orqali to'playdi. Jumladan, soliqlar respublika va mahalliy budjetlar daromadlarini shakllantiradi, davlat ijtimoiy dasturlari uchun moliyaviy negiz yaratadi, soliq to'lovchi shaxslarning tadbirkorlik faoliyatini boshqaradi, ularning tabiiy resurslardan unumli foydalanishga bo'lgan intilishini rag'batlantiradi, narx belgilashga ta'sir ko'rsatadi, aholining turmush darajasini tartibga solib turadi, imtiyozlar yordamida esa aholining kam ta'minlangan qatlamlarini ijtimoiy himoya qilishni tashkil etishga yordam beradi.

*DSc., Киясов Ш.У. проф. кафедры
«Налоги и налогообложение», ТФИ.*

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ДОХОДОВ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ

В реформах, проводимых в системе налогообложения физических лиц в Узбекистане, внимание уделяется формированию взаимосбалансированной налоговой системы, положительно влияющей на экономический рост за счет увеличения реальных доходов населения на основе обеспечения стабильных доходов от налогов, последовательного снижения налогового бремени. В

настоящее время возросшее значение обеспечения более полной и эффективной занятости населения, дальнейшего увеличения его доходов, гарантирования постоянного роста стоимости их имущества и активов свидетельствует о необходимости совершенствования практики налогообложения доходов физических лиц. «Для того чтобы поднять уровень жизни нашего народа, необходимо сформировать достойную систему оплаты труда и увеличить реальные доходы населения. Необходимо пересмотреть порядок определения минимальным месячным размером оплаты труда, прекратить увязку налогов и других платежей с минимальным месячным размером оплаты труда» [2]. Для решения данных вопросов необходимо равномерно распределить налоговое бремя между социальными слоями населения в нашей республике, оценить и оптимизировать эффективность действующих льгот, усовершенствовать механизм налогообложения физических лиц, что считается важным элементом налоговой системы в повышении реальных доходов населения.

Изучение теоретико-правовых основ механизма налогообложения доходов физических лиц показывает, что механизм налогообложения доходов физических лиц в нашей стране имеет актуальные системные проблемы, решая их, совершенствование данного механизма обеспечивает следующее: с введением необлагаемого минимума повысится прогрессивность налогообложения доходов физических лиц, а при строгом применении разумных вычетов ослабится налоговое бремя, снижение доходов от налогообложения доходов физических лиц из малообеспеченных слоев граждан и одновременное увеличение доходов из высокодоходных слоев населения позволяют в определенной степени обеспечить пропорциональность социальной справедливости и фискальной эффективности в системе налогообложения физических лиц. Это позволит увеличить располагаемый доход малообеспеченного слоя населения, что обеспечит экономический рост страны за счет роста потребления и сбережений.

Одним из принципиально важных направлений совершенствования любой системы и, в частности, системы налогообложения доходов физических лиц, является ее сравнительный анализ, направленный на выявление ее сильных и слабых сторон во всех аспектах ее изучения. При проведении подобного анализа целесообразно сравнить систему налогообложения доходов физических лиц в Республике Узбекистан с передовым опытом мировой налоговой практики и изучить ее достижения и недостатки, чтобы сопоставить особенности отдельных систем и определить их соответствие целям и задачам анализируемого объекта.

Известно, что важно стимулировать улучшение условий жизни населения через налоговый механизм, обеспечивая занятость населения, дальнейшее увеличение его доходов, гарантируя постоянный рост стоимости их имущества и

активов. В настоящее время возросшее значение обеспечения полной и эффективной занятости населения, дальнейшего увеличения его доходов, обеспечения постоянного роста стоимости их имущества и активов свидетельствует о необходимости совершенствования в Республике Узбекистан практики налогообложения доходов физических лиц.

В реформах, проводимых в Узбекистане в системе налогообложения физических лиц, уделяется внимание формированию взаимосбалансированной налоговой системы, положительно влияющей на экономический рост за счет обеспечения стабильных доходов от налогов, повышения реальных доходов населения на основе последовательного снижения налогового бремени [3], и этот процесс требует научного анализа теоретических моделей структуры налогообложения доходов физических лиц.

В зарубежной литературе приводятся сложная (the comprehensive income tax system – система налога на валовой доход) и пропорциональная (the flat income tax system – система равномерного налога на доход) системы налога на доход [4].

Сложная система, как правило, предусматривает налогообложение как доходов от труда, так и доходов от капитала (за вычетом всех установленных вычетов) по единой прогрессивной шкале ставок. Этот вид системы подоходного налога предусматривает значительные налоговые льготы и преференции, по мере увеличения процента которых увеличивается доход плательщиков.

Пропорциональная система гарантирует, что весь чистый доход (прирост капитала, трудовой доход и другие доходы за вычетом всех вычетов) облагается налогом по единой ставке. Доход от труда и доход от капитала облагаются налогом одинаково, и размер налоговой льготы не зависит от уровня дохода [5].

В настоящее время вопрос «создания новых рабочих мест в стране, увеличения доходов населения и, таким образом, сокращения бедности не менее чем в 2 раза к концу 2026 года» определено как важное направление цели 79 Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы [6].

В ходе исследования нами были даны следующие рекомендации по повышению эффективности администрирования налога на доходы физических лиц в налоговой практике нашей страны и удалось обосновать их практическими данными:

1. В целях повышения действенности льгот по налогу на доход для инвалидов с детства и инвалидов I и II групп предложено увеличить их масштаб.

С 1 марта 2022 года льгота по налогу на доход для инвалидов с детства и лиц с инвалидностью I и II группы будет увеличена с 1,41 до 3-кратного размера минимального размера оплаты труда, что позволит обеспечить факт того, чтобы

у этих лиц остался в распоряжении дополнительных доход в 18,9 млрд сум.

2. Разработано предложение об установлении ставки налога на доход физических лиц – нерезидентов, полученных из источников в Республике Узбекистан (за исключением дивидендов, процентных доходов и доходов, полученных от фрахта) в размере 12 процентов.

С внедрением с 1 мая 2022 года в практику данного предложения достигнута унификация ставки налога на доход для резидентов и нерезидентов Республики Узбекистан, что обеспечило создание равных условий для субъектов предпринимательства, резкое увеличение объема частных инвестиций и дальнейшее укрепление доверия деловых кругов.

3. Для индивидуальных предпринимателей разработано предложение по установлению фиксированного количества сумм налога с использованием понижающих или повышающих коэффициентов от 0,7 до 1,3 в зависимости от особенностей мест осуществления деятельности, а также сезонности видов деятельности.

Согласно данным, в 2017-2022 годах количество осуществляющих деятельность индивидуальных предпринимателей увеличилось в 1,3 раза, а сумма поступлений от фиксированной суммы налога, установленного для индивидуальных предпринимателей, увеличилась в 3,5 раза. В результате внедрения в практику данного предложения к концу 2021 финансового года был обеспечен факт того, что в распоряжении индивидуальных предпринимателей осталась сумма в 16,44 млрд сум, за счет применения повышающих коэффициентов к индивидуальным предпринимателям, осуществляющим деятельность в центрах баз отдыха и горных районах, за счет фиксированной суммы налогов в соответствующие бюджеты города и районов поступило дополнительно 29,86 млрд сум.

4. Предлагается освободить от налогообложения доходы являющихся налогоплательщиками старателей драгоценных металлов, полученных от реализации драгоценных металлов, приобретенных путем их добычи в установленном законодательством порядке.

Согласно данным, с марта 2019 года по 2022 год количество физических лиц-резидентов, занимающихся добычей драгоценных металлов методом старателей, увеличилось в 17,7 раза. Физические лица-резиденты, являющиеся старателями драгоценных металлов, уплатили налог на сумму 17,9 млрд сум со своих доходов от этой деятельности в 2019 году и 17,8 млрд сум в 2021 году, и причина подобного уменьшения связана с уменьшением количества продукции, добытой резидентами – физическими лицами подобным образом. В связи с тем, что доходы от данной деятельности

освобождены от уплаты налога на доход с 2022 года, количество драгоценных металлов, добытых нетрадиционными методами и способами, увеличилось в 2022 году на 31 процент по сравнению с 2019 годом, и в их распоряжении плательщиков осталось 36,1 млрд сум.

5. В связи с необходимостью пересмотра налоговых льгот по доходам физических лиц внесено предложение об освобождении доходов налогоплательщика от сдачи жилья в аренду студентам.

С учетом данного предложения с 1 января 2022 года в результате вычета из базы подоходного налога доходов от сдачи жилья в аренду студентам в первом полугодии 2022 года был обеспечен факт того, что средства на сумму 59,9 млрд сум оставались в распоряжении физических лиц.

доц. Юсупов Одил Аманович
кафедра «Налоги и налогообложение» ТГЭУ
Собиржонов Асрорбек Собитжон ўгли
ТГЭУ, Старший преподаватель

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИЯХ КАЧЕСТВЕННЫХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ НАЛОГОВОЙ СЛУЖБЫ

Аннотация: В этой научным тезисе исследуется реформирования налогового контроля, дальнейшего совершенствования и повышения эффективности деятельности государственных органов налоговой службы, формирования «цифровой экономики», являющейся логическим продолжением и развитием использование современных информационно-коммуникационных технологий, а также ускорения имплементации в национальное законодательство общепринятых международных норм и стандартов в сфере налогового контроля.

Ключевые слова: Налоговый контроль, налогоплательщики, сотрудник налоговой службы, налоги, другие обязательные платежи, прямые налоги, косвенные налоги, ресурсные платежи, государственный бюджет, государственные органы налоговой службы, инвестиционный климат, принципы налогового контроля, налоговая администрирования, налоговый мониторинг, камеральная налоговая проверка, выездная налоговая проверка, налоговый аудит.

Abstract. This article discusses the issues of reforming tax control, further improving and increasing the efficiency of state tax authorities, the formation of a “digital economy”, which is a logical continuation and development of the use of modern information and communication technologies as well as accelerating the

implementation of universally recognized international norms and standards in national legislation.

Key words: *Tax control, taxpayers, tax service employee, taxes, other mandatory payments, direct taxes, indirect taxes, resource payments, state budget, state tax authorities, investment climate, principles of tax control, tax administration, tax monitoring, cameral tax audit, field tax audit, tax audit.*

Проводимые работы по имплементации в национальное законодательство стандартов и рекомендаций Всемирной торговой организации, Всемирной таможенной организации, а также других международных организаций требуют совершенствования налогового контроля и упрощения налоговых процедур.

Методы борьбы с контрабандой и коррупцией, незаконными валютными операциями и уклонением от уплаты налоговых и других обязательных платежей требуют применения современных методов налогового контроля.

Реализация задач государственного регулирования экономики как объективной необходимости во многом зависит от бюджетных возможностей финансирования социально-экономических проектов, а также от активного использования государством инструментов воздействия на интересы хозяйствующих субъектов. Важнейшую роль при этом играют налоги и налоговый контроль.

В целях реформирования налогового контроля, дальнейшего совершенствования и повышения эффективности деятельности государственных органов налоговой службы, формирования «цифровой экономики», являющейся логическим продолжением и развитием использования современных информационно-коммуникационных технологий, а также ускорения имплементации в национальное законодательство общепринятых международных норм и стандартов в сфере налогового контроля.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев отметил своим послание Олий Мажлису Республики Узбекистан:

«Согласно принятому недавно Налоговому кодексу с этого года внедряется множество нововведений. В частности, количество видов налогов сокращено с 13 до 9. Введены облегченные механизмы уплаты налогов с возможностью отсрочки или рассрочки.

Каждый сотрудник налоговой службы, предприниматели, налогоплательщики должны хорошо понимать и применять нормы нового Налогового кодекса, для этого необходимо наладить их регулярное обучение.

В целях коренного изменения отношения сотрудников налоговой службы к своему делу и подготовки квалифицированных кадров предлагаю при

Государственном налоговом комитете создать Фискальный институт и привлечь для этого авторитетных зарубежных экспертов».[1]

Рост потребностей государства в финансовых средствах требует бесперебойного функционирования механизма сбора налогов. На практике налоговыми органами выявляются факты несвоевременной уплаты налогов, других обязательных платежей налогоплательщиками, что в настоящее время является проблемой для таких сторон финансовых отношений, как государство и налогоплательщики. По этой причине становится острой проблема эффективности и совершенствования контроля за правильностью, своевременностью и полнотой взимания налогов.

Следует различать понятия «налоговый контроль» и «налоговое администрирование». Если налоговый контроль является частью налогового механизма, то налоговое администрирование — частью управления налогообложением.

Налоговое администрирование является одной из функций государственного налогового менеджмента (управления налогообложением).

Цель налогового администрирования — достижение максимально возможного эффекта для бюджетной системы от налоговых поступлений при минимально возможных затратах.

Налоговый контроль — совокупность мероприятий, проводимых налоговыми и иными уполномоченными на то органами, направленными на выявление нарушений действующего законодательства по налогам и сборам, а также на их предотвращение» так утверждал М.М.Шадурская, Е.А.Смородина, Т.В.Бакунова в своем учебнике, посвященном сущности и формы налогового контроля [2].

Черник Д.Г. в своем учебнике, посвященном налогами и налогообложению считает, налоговый контроль – контроль за правильностью уплаты налогов и сборов юридическими и физическими лицами. Налоговый контроль понимается как проверка соблюдения налогоплательщиками законодательства о налогах и сборах; выявление налоговых нарушений; обеспечение поступлений налоговых платежей в бюджет всех уровней. Формирование налоговой политики представляет собой совокупность мероприятий, обеспечивающих своевременную и полную уплату налогов и сборов, в объемах, необходимых для финансирования государственной деятельности.[3]

Методология, формы и инструментарий проведения налогового контроля находят отражение в трудах Е.С. Вылковой, Л.И. Гончаренко, А.З. Дадашева, Т.А. Ефремовой, В.А. Красницкого, Ю.М. Крохиной, И.И. Кучерова, О.А. Мироновой, М.В. Мишустина, Н.Н. Нестеровой, О.А. Ногиной, К.В. Новоселова, С.Г. Пепеляева, А.В. Терзиди, Ф.Ф. Ханафеева, Д.М. Щекина.

Проблемам организации налогового контроля с учетом выявления налоговых рисков посвящены труды С.В. Барулина, А.В. Варнавского, Н.Г. Вишневской, В.А. Кашина, Н.П. Мельниковой, М.Р. Пинской, О.С. Семеновой, И.А.Эргашева, Б.А.Норматова, У.А. Бердиева, Ш.А.Аллаярова. [4]

Эффективная система налогообложения и слаженная работа органов государственной налоговой службы приобретают особое значение в условиях реализации масштабных реформ по долгосрочному развитию экономики страны.

Эффективность налогового контроля и собираемость налогов предопределяются макроэкономическими условиями, в которых, с одной стороны, осуществляют хозяйственную деятельность налогоплательщики, с другой осуществляют реализацию основных полномочий налогового контроля налоговые органы.

Налоговый контроль - это комплексная и целенаправленная систему экономико-правовых действий компетентных органов государственной власти, которая основывается на законодательстве в области налогообложения.

Главное направление налогового контроля - это сбор и анализ информации об исполнении налогоплательщиками обязательств по уплате налогов. Также он является важным условием функционирования налоговой системы.

Налоговым контролем является деятельность уполномоченных органов по контролю за соблюдением налогоплательщиками и налоговыми агентами налогового законодательства.

Налоговые органы осуществляют налоговый контроль в форме:

- 1.Налоговых проверок
- 2.Налогового мониторинга



Рисунок 1. Формы налогового контроля

Источник: Авторская разработка по результатам исследования.

Налоговая проверка осуществляется на основе изучения и анализа данных о налогоплательщике, имеющихся в налоговых органах.

Налоговые органы проводят следующие виды налоговых проверок:

- 1.Камеральная налоговая проверка

2.Выездная налоговая проверка

3.Налоговый аудит




Рисунок 2. Виды налоговых проверок

Источник: Авторская разработка по результатам исследования.

Камеральная налоговая проверка проводится налоговым органом на основе анализа представленной налогоплательщиком (налоговым агентом) налоговой отчетности, финансовой отчетности, а также других документов и сведений о его деятельности, имеющихся у налогового органа.

Выездной налоговой проверкой является проверка исполнения отдельных обязанностей налогоплательщиков в сфере исчисления и уплаты налогов и сборов, а также других обязанностей, предусмотренных налоговым законодательством.

Налоговым аудитом является проверка правильности исчисления и уплаты налогов и сборов за определенный период.

Налоговый аудит проводится в отношении налогоплательщика (налогового агента), относящегося к категории налогоплательщиков (налоговых агентов) с высокой степенью риска.

Предметом налогового мониторинга являются соблюдение налогового законодательства, правильность исчисления, полнота и своевременность уплаты (перечисления) налогов и сборов юридическим лицом, в отношении которого проводится налоговый мониторинг.

Налоговый мониторинг охватывает все налоги и сборы, в отношении которых юридическое лицо является налогоплательщиком.

Налоговый мониторинг для налогоплательщика является добровольным.

Налоговый мониторинг проводится налоговым органом на основании решения о проведении налогового мониторинга.

В настоящее время одной из главных задач государственных органов налоговой службы является контроль за соблюдением налогового законодательства. Обеспечение эффективности работы государственных органов налоговой службы и совершенствование налогового контроля

способствуют увеличению поступлений налоговых и других обязательных платежей в полном объеме. Развитие и совершенствование налогового контроля очень трудоемкий и длительный процесс. Ведь до сих пор не реализован полный налоговый контроль за правильностью исчисления и своевременностью перечисления налоговых и других обязательных платежей, также не раскрыты уклонения налогоплательщиков от уплаты налоговых и других обязательных платежей.

В Республики Узбекистан осуществляются масштабные реформы в сферах налоговой политики направленные на создание благоприятных условий для предпринимательской деятельности и улучшение инвестиционного климата.

Вместе с тем экспертные оценки и проводимые среди субъектов предпринимательства опросы свидетельствуют о сохранении в экономике высокого уровня теневого оборота, особенно в сферах торговли и общественного питания, автотранспортных перевозок, строительства и ремонта жилья, оказания услуг по проживанию, что ущемляет экономические интересы добросовестных предпринимателей и создает для них неравные условия для ведения бизнеса.

В целях сокращения уровня теневой экономики в стране, создания равных конкурентных условий для осуществления предпринимательской деятельности, в том числе за счет снижения регулятивного и административного бремени, автоматизации процедур и упрощения порядка соблюдения требований налогового контроля.[5]

Контроль, являясь функцией управления, занимает важное место в процессе экономической деятельности. На макроэкономическом уровне роль налогового контроля очевидна в составе налогового администрирования и реализации налоговой политики.

Совершенствование налогового контроля в системе государственных органов налоговой службы следует решить следующие задачи:

1. Совершенствование методов борьбы с контрабандой и коррупцией, незаконными валютными операциями и уклонением от уплаты налоговых и других обязательных платежей органы государственной налоговой службы должны применить современных методов налогового контроля.

2. Совершенствование форм и механизмов налогового контроля, в том числе за счет широкого внедрения современных информационно-коммуникационных технологий, обеспечивающих наиболее полный охват и учет объектов налогообложения и налогоплательщиков.

3. Повышение квалификации работников органов государственной налоговой службы и налогоплательщиков.

4.Проводить бесплатные консультации по наиболее сложным положениям Налогового кодекса и налоговому законодательству.

5.Давать бесплатные программы обучения налоговому законодательству.

6.Повышения эффективности деятельности государственных органов налоговой службы должны формировать «цифровой экономики», являющейся продолжением и развитием использование современных информационно-коммуникационных технологий.

Таким образом, развитие налогового контроля на уровне хозяйствующих субъектов имеет обоюдную выгоду для каждой из сторон налоговых отношений, и может стать с одной стороны одним из источников повышения эффективности бизнеса, а с другой стороны - гарантией финансовой безопасности государства в части формирования доходов бюджета.

Долиев Самандар Тоирович


Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (ТИИАМЭ)-Национальный исследовательский университет

DSc, проф. Исроилов Боходир Ибрагимович

Ташкентский государственный экономический университет

ВЛИЯНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО ДОЛГА НА РАЗВИТИЕ АГРОКЛАСТЕРЫ

Государственный долг играет значительную роль в формировании и развитии агрокластеров, оказывая влияние на различные аспекты их



функционирования. В данном контексте, агрокластеры представляют собой совокупность взаимосвязанных сельскохозяйственных предприятий, предприятий обрабатывающей промышленности, и соответствующей инфраструктуры, сотрудничающих для повышения конкурентоспособности и эффективности всего кластера. Ученные в своих работах анализировали

последствии влияние государственного долга на экономической безопасности². Но в этих работах не было изучено влияние государственного долга на развитие агрокластеров. По-нашему мнению влияние государственного долга на развитие агрокластеров можно структурировать следующим образом (рис.№1).

Рисунок №1. Классификация влияния государственного долга на развитие агрокластеров[1].

- **уровень государственного долга** – это фактор напрямую влияет на финансовые ресурсы, доступные для поддержки агрокластеров. Высокий долг может ограничивать возможности правительства финансировать программы развития, инновации и инфраструктурные проекты, необходимые для укрепления агрокластеров. Это может привести к недостаточной инвестиционной поддержке и затруднить реализацию стратегий развития, что в конечном итоге может сдерживать конкурентоспособность агрокластеров.

- **структура государственного долга** имеет значение. Например, если значительная часть долга состоит из внутренних обязательств, это может снизить зависимость от внешних финансовых рынков и обеспечить более стабильное финансирование для агрокластеров. Однако, если долг представлен в основном внешними обязательствами, агрокластеры могут столкнуться с риском изменения внешних финансовых условий, что в свою очередь повлияет на их устойчивость и развитие.

- **уровень государственного долга** может влиять на налоговую политику, что имеет прямое отношение к агрокластерам. С целью снижения долгового бремени, правительство может вводить новые налоговые меры, влияющие на сельскохозяйственные предприятия и промышленные секторы, входящие в состав агрокластеров. Это может повлиять на прибыльность и инвестиционные возможности предприятий, ослабляя их конкурентоспособность и инновационный потенциал.

- **стабильность экономической среды**, связанная с уровнем государственного долга, играет ключевую роль для развития агрокластеров. Неопределенность и риски, связанные с высоким уровнем долга, могут отпугнуть инвесторов и предпринимателей, что затруднит формирование и рост агрокластеров. Стабильная экономическая обстановка, напротив, способствует созданию благоприятного климата для инвестиций и развития сельскохозяйственного сектора.

² Б.Исроилов, Б.Ибрагимов. Взаимосвязь между экономической безопасностью и уровнем внешнего долга, стр. //«Известия» международный теоретический и научно-практический журнал, №2, 2022 г.. стр. 56-60.

• государственный долг может влиять на доступность кредитных ресурсов для предприятий агрокластеров. Высокий уровень долга может привести к ужесточению кредитных условий, что затруднит финансирование новых проектов и инноваций. Это может стать препятствием для сельскохозяйственных предприятий, стремящихся к модернизации и внедрению новых технологий в рамках агрокластеров.

Введём пример влияния государственного долга на агрокластеры на примере страны Чили.

Как всем нам известно, Чили является одной из крупнейших экономик в Латинской Америке с населением 19 миллионов (2022 год), и его сельское хозяйство играет важную роль в экспорте. Предположим, что Чили столкнулся с увеличением государственного долга из-за экономических трудностей и финансовых обязательств.

Ограниченные финансовые ресурсы для поддержки агрокластеров: Повышенный государственный долг может сократить доступные финансовые ресурсы для поддержки сельскохозяйственных программ и инфраструктурных проектов. Это может замедлить внедрение новых технологий и инноваций в агрокластерах.

Изменение в налоговой политике: В целях снижения долгового бремени, правительство Чили может решить ввести новые налоговые меры. Это может повлиять на прибыльность сельскохозяйственных предприятий, увеличивая налоговую нагрузку и снижая доступные средства для инвестиций.

Экономическая нестабильность: Высокий уровень государственного долга может вызвать экономическую нестабильность, что создаст неопределенность для инвесторов и предпринимателей. Это может затруднить привлечение инвестиций и создание новых предприятий в сельском хозяйстве.

Стимулирование стабильности: Если правительство Чили примет меры по снижению долгового бремени и улучшению экономической стабильности, это может способствовать созданию благоприятной среды для инвестиций и развития агрокластеров.

Ограниченный доступ к кредитам: Увеличение государственного долга может привести к ужесточению условий кредитования. Это может затруднить сельскохозяйственным предприятиям получение кредитов для реализации новых проектов и развития.

Таким образом делаем выводы, уровень государственного долга может существенно влиять на агрокластеры, ограничивая или стимулируя их развитие в зависимости от принятых правительственных политик и мер. А также, государственный долг оказывает комплексное воздействие на агрокластеры через финансовые, налоговые, экономические и кредитные механизмы.

Решения и политики, направленные на снижение долгового бремени и обеспечение стабильности экономической среды, могут способствовать развитию агрокластеров, повышению их конкурентоспособности и стимулированию инноваций в сельском хозяйстве. Учитывая высшее перечисленные данные, возникает вопрос, каким должен быть государственный долг для развития агрокластеров?

Ответ, Определение "идеального" уровня государственного долга для развития агрокластеров может быть сложной задачей и зависит от множества факторов, включая экономическую структуру страны, общий уровень развития, целевые задачи и приоритеты государственной политики. Тем не менее, есть несколько общих рекомендаций и рассмотрений:

- Устойчивость и способность к погашению: важно, чтобы уровень государственного долга был устойчивым и не создавал серьезных проблем с погашением долга. Платежи по процентам и возврат долга не должны создавать значительного давления на бюджет страны, чтобы были возможности выделять средства на поддержку агрокластеров и другие ключевые секторы.

- Финансирование инфраструктуры и инноваций: Идеальный уровень государственного долга должен обеспечивать достаточные финансовые ресурсы для развития инфраструктуры и инноваций в сельском хозяйстве. Это включает в себя инвестиции в современные технологии, исследования и разработки, а также обеспечение доступа к кредитам для сельскохозяйственных предприятий.

- Стабильность макроэкономической среды: Идеальный уровень долга должен способствовать стабильности макроэкономической среды. Это важно для привлечения инвестиций, как внутренних, так и внешних, в сельское хозяйство и связанные отрасли.

- Гибкость налоговой политики: Снижение долга может открывать возможности для налоговых стимулов и льгот, что может способствовать более эффективному функционированию агрокластеров и стимулировать инвестиции.

- Распределение долга: Структура долга важна. Внутренние обязательства могут быть более стабильными, чем внешние, и уровень внутреннего и внешнего долга должен быть сбалансированным, чтобы уменьшить риски, связанные с изменением внешних финансовых условий.

- Конкретные потребности агрокластеров: Оценка конкретных потребностей агрокластеров и сельского хозяйства в целом может помочь определить, какой уровень государственного долга является наилучшим для поддержки их развития.

Особо важно, настоятельно рекомендуется провести комплексный анализ, учитывающий все вышеупомянутые факторы, а также конкретные условия и потребности страны. Подход к определению идеального уровня государственного долга должен быть адаптирован к контексту каждой отдельной экономики страны.

доц. Юсупов Одил Аманович

ТДИУ «Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедре

Собиржонов Асрорбек Собитжон ўгли

ТДИУ мустақил изланувчиси

ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ ПРИНЦИПЛАРИ

Аннотация: Ушбу илмий тезисда давлат молиявий назоратини ислоҳ этиш, давлат молиявий назоратини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш ва ривожланиши бўлган «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириш, шунингдек, давлат молиявий назоратини умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш акс эттирилган.

Таянч иборалар: Давлат молиявий назорати, давлат бюджети, давлат солиқ хизмати органлари, давлат молиявий назорати тамойиллари, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ мониторинги, камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви, солиқ аудити.

Аннотация: В этой научным тезисе исследуется реформирования государственного финансового контроля, дальнейшего совершенствования и повышения эффективности деятельности государственных органов налоговой службы, формирования «цифровой экономики», являющейся логическим продолжением и развитием использование современных информационно-коммуникационных технологий в сфере государственного финансового контроля.

Ключевые слова: Государственный финансовый контроль, государственный бюджет, государственные органы налоговой службы, принципы государственного финансового контроля, налоговая администрирования, налоговый мониторинг, камеральная налоговая проверка, выездная налоговая проверка, налоговый аудит.

Давлат молиявий назоратини ислоҳ этиш, давлат молиявий назорати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш ва ривожланиши бўлган «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириш ва жадаллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ва ҳаёт сифатининг барқарор яхшиланишини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва «рақамли иқтисодиёт»ни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилиши таъкидлаб ўтилди:

«Яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича енгиллаштирилган механизмлар киритилди.

Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитиш зарур.

Солиқ хизмати ходимлари дунёқарашини тубдан ўзгартириш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Давлат солиқ кўмитаси қошида Фискал институтини ташкил этишни таклиф қиламан. Бу жараёнга катта тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий экспертларни жалб этиш зарур» .

Давлат молиявий назорати бюджет тўғрисидаги қонунчиликнинг давлат молиявий назорати объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик, шунингдек бюджет соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорати:

Республика даражасида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан.

Маҳаллий даражада Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорат органлари давлат молиявий назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширади.

Айрим ҳолларда режадан ташқари давлат молиявий назоратини амалга оширишга:


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг.

Давлат молиявий назорат органига бюджет тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги фактлари тўғрисида маълумотлар келиб тушган ҳолларда давлат молиявий назорат органлари раҳбарларининг қарорлари асосида йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар давлат молиявий назорат органларидир.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари қисми бўйича давлат молиявий назорати берилган ваколатлар доирасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назоратини ўтказишнинг қонунийлиги ва мустақиллиги, шунингдек давлат молиявий назорати натижаларининг ишончлилиги ва холислиги давлат молиявий назоратининг принципларидир.




1-расм. Давлат молиявий назоратининг принциплари

Манба: Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилди.

Давлат молиявий назорати тафтиш, текшириш (шу жумладан бюджет тўғрисидаги қонунчиликнинг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган

бузилиши ҳолларини баргараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текшириш) ва ўрганиш шаклида амалга оширилади.



2-расм. Давлат молиявий назоратининг шакллари

Манба: Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилди.

Давлат молиявий назоратининг турлари қуйидаги:

1. Дастлабки назорат молиявий операциялар бажарилгунига қадар фазначилик бўлинмалари молия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган;

2. Жорий назорат молиявий операциялар бажарилиши жараёнида фазначилик бўлинмалари, молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган;

3. Якуний назорат молиявий операциялар бажарилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар томонидан амалга ошириладиган назоратлардир.

Давлат молиявий назоратининг усуллари қуйидагилардир:

Ҳужжатларни текшириш ҳажмига қараб:

1. Ёппасига назорат текширилаётган давр учун барча бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни назорат қилиш.

2. Танлов асосидаги назорат муайян давр учун бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларнинг айрим қисмларини назорат қилиш.

Назоратнинг мақсадга йўналтирилганлиги ва предметиға қараб:

1. Комплекс назорат давлат молиявий назорати объектининг муайян давр учун молиявий-хўжалик фаолиятининг барча йўналишларини назорат қилиш.

2. Мавзули назорат давлат молиявий назорати объектининг муайян давр учун айрим масалалар бўйича фаолиятини назорат қилиш.

3.Муқобил назорат операциялар ягоналиги билан ўзаро боғлиқ бўлган ва турли давлат молиявий назорати объектларида турган ҳужжатларни солиштиришни ўз ичига олган текшириш.

Давлат солиқ хизмати органлари давлат молиявий назоратини солиқ тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширади.

Бюджет ташкилотларини назорат қилиш режалари давлат молиявий назорат органлари томонидан тасдиқланади.

Давлат молиявий назорат органлари давлат молиявий назорати объекти мансабдор шахсларининг ҳаракатларида жиноят аломатлари, шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг аломатлари бўлган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда назорат материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади.

Давлат молиявий назорати объекти мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материаллар судларга ёки тегишли ваколатли давлат органларига топширилади.

Якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назорати назорат режасига кўра амалга оширилади ва давлат молиявий назорат органининг қарори асосида ўтказилади.

Якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назоратини амалга оширувчи мансабдор шахс давлат молиявий назорат органи қарорининг кўчирма нусхасига ва хизмат гувоҳномасига эга бўлиши керак.

Якуний назорат тарзидаги давлат молиявий назоратини амалга оширишда давлат молиявий назорат органларининг мансабдор шахсларига қўйиладиган талаблар ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назоратидир.

Солиқ органлари солиқ назоратини:

1.Солиқ текширувлари.

2.Солиқ мониторинги шаклида амалга оширади.

Солиқ текширувлари солиқ тўловчилар, йиғимларни тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади.

Солиқ текшируви солиқ тўловчи тўғрисида солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Солиқ органлари солиқ текширувларининг қуйидаги турларини ўтказади:

1.Камерал солиқ текшируви.

2.Сайёр солиқ текшируви.

3. Солиқ аудити.

Қуйидагилар солиқ мониторингининг предметиدير: солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, ўзига нисбатан солиқ мониторинги ўтказилаётган юридик шахс томонидан солиқлар ва йиғимларни ҳисоблашнинг тўғрилиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказиб берилганлиги).

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқларни ортиқча ундирганлик учун давлат солиқ хизмати органларининг жавобгарлиги кучайтирилди, замонавий усулларни қўллаган ҳолда хорижий амалиётда синалган солиқ назорати шакллари жорий этилди, шунингдек, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соддалаштирилди.

Давлат молиявий назоратини амалий таҳлил қилиш ва назарий тадқиқ этиш қуйидаги камчиликлар мавжудлигини кўрсатди:

- Давлат молиявий назоратини умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилинмаган.

- давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизмларининг, электрон давлат молиявий назоратини амалга ошириш замонавий шакл ва услублари тўлиқ ривожлантирилмаган.

Баён этилганларидан кўришиб турибдики, ҳозирги пайтда давлат молиявий назорати самарадорлигини оширишнинг ягона методикаси мавжуд эмас. Бироқ давлат молиявий назоратидан самарали фойдаланишнинг замонавий методлари ва механизмлари жорий этиш, давлат молиявий назоратини хавфсизлигини таъминлашда илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда модернизация қилиш, давлат молиявий назоратини ташкил этишнинг замонавий шакл ва методларидан зарур даражада самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Давлат молиявий назорати самарадорлигини оширишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Давлат молиявий назорати самарадорлигини оширишда «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириш, шунингдек, давлат молиявий назоратини умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш лозим.

- Давлат молиявий назоратининг мутлақо янги тизимини яратиш, текширувдан олдинги таҳлил ва масофавий назорат-таҳлил ишларини амалга ошириш учун маълумотларни тўлиқ йиғиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чораларини янада кучайтириш.

SOLIQ MA’MURIYATCHILIGINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI MAKROIQTISODIY BARQARORLIKKA ERISHISH USULLARI

Annotatsiya: Tadqiqot ishi mamlakatlarda makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirishning muhim rolini o‘rganadi. Shuningdek, ishda soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish orqali makroiqtisodiy barqarorlikka erishishning turli usullari ko‘rib chiqiladi. Har bir usul turli mamlakatlardan misollar bilan tasvirlangan. Ushbu tadqiqot iqtisodiy barqarorlik va o‘shish vositasi sifatida samarali soliq ma’muriyatchiligining ahamiyatini ko‘rsatadi va uning zamonaviy iqtisodiy tizimlardagi rolini ta’kidlaydi.

Kalit so‘zlar: Soliq ma’muriyatchiligi, makroiqtisodiy barqarorlik, soliq siyosati, soliq tizimi, iqtisodiy o‘shish, soliq islohotlari.

Annotatsiya: В исследовательской работе рассматривается важная роль совершенствования налогового администрирования в обеспечении макроэкономической стабильности в странах. Также в работе рассматриваются различные пути достижения макроэкономической стабильности за счет совершенствования налогового администрирования. Каждый метод проиллюстрирован примерами из разных стран. Это исследование демонстрирует важность эффективного налогового администрирования как инструмента экономической стабильности и роста и подчеркивает его роль в современных экономических системах.

Ключевые слова: Налоговое администрирование, макроэкономическая стабильность, налоговая политика, налоговая система, экономический рост, налоговые реформы.

Abstract: The research work examines the important role of improving tax administration in ensuring macroeconomic stability in countries. The work also examines various ways to achieve macroeconomic stability by improving tax administration. Each method is illustrated with examples from different countries. This study demonstrates the importance of effective tax administration as a tool for economic stability and growth and highlights its role in modern economic systems.

Keywords: Tax administration, macroeconomic stability, tax policy, tax system, economic growth, tax reforms.

Soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish orqali makroiqtisodiy barqarorlikka erishish ko‘plab mamlakatlar kabi respublikamiz uchun ham muhim maqsad hisoblanadi. Samarali soliq ma’muriyatchiligi davlat byudjeti uchun yetarli miqdorda daromad olish, byudjet taqchilligini kamaytirish, yashirin iqtisodiyotni qisqartirish va moliya tizimining barqarorligini saqlashga yordam beradi.

O‘zbekistonda soliq ma‘muriyatchiligini takomillashtirish orqali makroiqtisodiy barqarorlikka erishish usullarini ko‘rib chiqamiz:

1. Soliq tizimini soddalashtirish. Haddan tashqari murakkab soliq tizimi biznes uchun to‘siqlar yaratib, soliq to‘lashdan bo‘yin tovlashga olib kelishi mumkin. Soliq tizimini soddalashtirish, jumladan, soliqlar soni hamda turlarini qisqartirish, ma‘muriy yuklarni kamaytirish va soliq yig‘ishni yaxshilash imkonini beradi. Bunda Singapur tajribasi alohida orin egallaydi. Singapur biznes va investitsiyalarni jalb qiluvchi, past soliq stavkalari bilan dunyodagi eng oddiy soliq tizimiga ega.

2. Soliq siyosatini takomillashtirish. Bu usul optimal soliq siyosati iqtisodiy o‘shishga va investitsiyalarni rag‘batlantirishga yordam beradi. Bu adekvat soliq stavkalarini belgilash, investitsiyalar uchun soliq imtiyozlari va soliq yuklarini soliq to‘lovchilarning turli guruhlariga o‘rtasida adolatli taqsimlashni o‘z ichiga olishi mumkin. Shvetsiya yuqori soliqlarni qo‘llash orqali, ushbu usuldan unumli foydalanadigan davlatga misoldir.

3. Soliq to‘lashdan bo‘yin tovlashga qarshi kurash. Ushbu usulning mohiyati soliq to‘lashdan bo‘yin tovlash, ruxsat etilmagan faoliyat va firibgarlikning oldini olishdan iborat. Soliq to‘lashdan bo‘yin tovlashga qarshi samarali kurashish nazoratni kuchaytirish, soliq ma‘lumotlarini yig‘ishni avtomatlashtirish, yashirin iqtisodiyotga chek qo‘yish va soliq jinoyatlari uchun jazo choralarini joriy etishni o‘z ichiga oladi. Singapur soliq to‘lashdan bo‘yin tovlash va korrupsiyaga qarshi qat‘iy siyosati bilan mashhur.

4. Axborot texnologiyalarini rivojlantirish. Bu usul soliq ma‘muriyatchiligida zamonaviy axborot texnologiyalari va raqamli tizimlardan foydalanishni o‘z ichiga oladi. Texnologiya ma‘lumotlarni yig‘ish va tahlil qilish jarayonlarini soddalashtirishga, soliq to‘lovchilar bilan muloqotni osonlashtirishga va shaffoflikni oshirishga yordam beradi. Estoniya raqamli soliq tizimini muvaffaqiyatli va to‘laqonli joriy etgan davlatlardan biri sifatida dunyoga mashhurdir.

5. Soliq ma‘muriyati xodimlarini tayyorlash va malakasini oshirish. Ushbu usul soliq ma‘muriyati xodimlarini o‘qitish va malakasini oshirishga sarmoya kiritishni nazarda tutadi. Malakasini oshirgan xodimlar qonunchilikdagi o‘zgarishlarga samaraliroq munosabatda bo‘lishlari, tekshiruvlar o‘tkazishlari va soliq to‘lovchilarga maslahatlar berishlari mumkin. Buyuk Britaniya bu borada peshqadam bo‘lib soliq inspektorlari uchun o‘quv dasturlari tizimli ravishda olib boriladi.

6. Soliq majburiyatlarini bajarishga ko‘maklashish. Ushbu usul soliq to‘lovchilarga soliq majburiyatlarini bajarishni osonlashtirish uchun axborot, maslahat va yordam berishni o‘z ichiga oladi. Bu soliq soliq hisobi ma‘lumotlari va vositalaridan foydalanishni ta‘minlashni o‘z ichiga olishi mumkin. Bu borada Kanadaga teng keladigan davlat topilmasa kerak. Kanada soliq to‘lovchilarga soliq

majburiyatlarini bajarishda yordam berish uchun keng ko‘lamli resurslar va ma‘lumotlarni taqdim etadi.

7. Shaffoflik va hisobdorlikni qo‘llab-quvvatlash. Bu usul shaffof tartib-qoidalar va moliyaviy hisob talablarini o‘rnatish, soliq majburiyatlarini suiiste‘mol qilishning oldini oladi va soliq to‘lashdan bo‘yin tovlash bilan kurashishga yordam beradi. Shveytsariya tajribasi bunga yaqqol misol bo‘ladi. Mamlakat soliq to‘lashdan bo‘yin tovlashning oldini olish uchun xalqaro standartlarga rioya qilgan holda moliyaviy shaffoflikni oshirish bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirdi.

Soliq ma‘muriyatchiligini takomillashtirishning ushbu usullaridan foydalanish iqtisodiyotda quyidagi ijobiy natijalarga olib kelishi mumkin:

1. Soliq tizimini soddalashtirish va soliq to‘lashdan bo‘yin tovlashga qarshi kurash soliq tushumlarini yanada samarali yig‘ishga olib keladi, bu esa hukumatning moliyaviy barqarorligini yaxshilash va muhim davlat dasturlarini moliyalashtirish imkonini beradi.

2. Soliq yuklarini kamaytirish va soliq siyosatini takomillashtirish tadbirkorlik, sarmoya va iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirishi mumkin.

3. Soliq tizimidagi shaffoflik va prognozlilik investitsiyalarni jalb qilish va biznesni rivojlantirishga yordam beradi.

4. Soliq to‘lashdan bo‘yin tovlash va firibgarlikka qarshi kurashish yashirin iqtisodiyot hajmini kamaytirishi mumkin, bu esa qonuniy iqtisodiy aktivlar va soliq tushumlarini oshirishga yordam beradi.

5. Soliq siyosatini takomillashtirish va soliq yuklarini soliq to‘lovchilarning turli guruhlari o‘rtasida taqsimlash jamiyatda daromadlarning yanada adolatli taqsimlanishiga yordam berishi mumkin.

6. Shaffof soliq tizimi soliq to‘lovchilarning hukumat va soliq organlariga ishonchini oshiradi, bu esa soliqqa rioya qilishni yaxshilashi mumkin.

7. Takomillashtirilgan soliq ma‘muriyati davlat dasturlari va infratuzilma uchun moliyaviy resurslarning barqarorligini ta‘minlash orqali barqaror iqtisodiy rivojlanishga yordam beradi.

Ushbu chora-tadbirlarning amalga oshirilishi mamlakatimizda makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va mamlakat iqtisodiyotining barqaror rivojlanishini ta‘minlashga xizmat qiladi.

Tadqiqotimizda mamlakatda makroiqtisodiy barqarorlikka erishishning asosiy vositasi sifatida soliq ma‘muriyatchiligini takomillashtirishning turli usullari va strategiyalarini ko‘rib chiqdik. Taklif etilayotgan usullarning har biri – soliq tizimini soddalashtirish, soliq siyosatini takomillashtirish, soliq to‘lashdan bo‘yin tovlashga qarshi kurashish, axborot texnologiyalarini rivojlantirish, soliq organlari xodimlarini malakasini oshirish, soliq qonunchiligining bajarilishini ta‘minlash hamda shaffoflik

va hisobdorlikni ta'minlash milliy iqtisodiyot barqarorligini ta'minlashda o'ziga xos o'ringa ega.

Soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish nafaqat soliq tushumlarini undirishni osonlashtiradi, balki biznes uchun qulay muhit, jamiyatda shaffoflik va ishonchni shakllantirishga xizmat qiladi, bu esa o'z navbatida barqaror iqtisodiy o'sish va taraqqiyotni ta'minlaydi. Bu chora-tadbirlar jamiyat farovonligining ajralmas qismi bo'lgan makroiqtisodiy barqarorlik va moliyaviy barqarorlikka erishish uchun asos bo'ladi.

Xulosa qilib aytganda, tadqiqotda makroiqtisodiy barqarorlik va mamlakatning barqaror rivojlanishini ta'minlash maqsadida soliq ma'muriyatchiligini doimiy ravishda takomillashtirish va bu borada ilg'or tajribalarni izlash muhimligi ta'kidlangan.

доц. Юсупов Одил Аманович

ТДИУ «Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедраси

Собиржонов Асрорбек Собитжон ўғли

ТДИУ мустақил изланувчиси

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА СОЛИҚ НАЗОРАТИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу илмий тезисда солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ этиши, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириши ҳамда самарадорлигини ошириши ва ривожланиши бўлган «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириши, шунингдек, солиқ назорати соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириши акс эттирилган.

Таянч иборалар: Солиқ назорати, солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, ресурс тўловлари, давлат бюджети, давлат солиқ хизмати органлари, инвестицион иқлим, солиқ назорати тамойиллари, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ мониторинги, камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви, солиқ аудити.

Аннотация: В этой научном тезисе исследуется реформирования налогового контроля, дальнейшего совершенствования и повышения эффективности деятельности государственных органов налоговой службы, формирования «цифровой экономики», являющейся логическим продолжением и развитием использование современных информационно-коммуникационных технологий, а также ускорения имплементации в национальное законодательство общепринятых международных норм и стандартов в сфере налогового контроля.

Ключевые слова: Налоговый контроль, налоги, другие обязательные платежи, прямые налоги, косвенные налоги, ресурсные платежи, государственный бюджет, государственные органы налоговой службы, инвестиционный климат, принципы налогового контроля, налоговая администрирования, налоговый мониторинг, камеральная налоговая проверка, выездная налоговая проверка, налоговый аудит.

Annotation: This scientific article reflects the reform of tax administration, further improvement of the activities of the state tax service and the formation of a "digital economy" with increasing efficiency and development, as well as accelerating the implementation of international norms and standards in this area. tax control.

Key words: Tax control, taxes, other mandatory payments, direct taxes, indirect taxes, resource fees, state budget, state tax authorities, investment climate, principles of tax control, tax administration, tax monitoring, internal tax audit, mobile tax audit, tax audit.

Ўзбекистон Республикасида солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар воситасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Солиқ маъмуриятчилигини ислох этиш, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш ва ривожланиши бўлган «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириш, шунингдек, солиқ назорати соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ва ҳаёт сифатининг барқарор яхшиланишини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва «рақамли иқтисодиёт»ни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилиши таъкидлаб ўтилди:

«Яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ

турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича енгиллаштирилган механизмлар киритилди.

Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитиш зарур.

Солиқ хизмати ходимлари дунёқарашини тубдан ўзгартириш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси қошида Фискал институтини ташкил этишни таклиф қиламан. Бу жараёнга катта тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий экспертларни жалб этиш зарур»[1].

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётини етакчи соҳа ва тармоқларининг замон билан ҳамнафас фаолият юритишига барча зарур шароит яратиб берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда солиқ назоратини ҳаётимизга изчиллик билан жорий этилаётгани эришилаётган самарали ютуқларимизнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда. Солиқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суъратлар билан ривожланиб ишбилармонлик муҳитини янада яхшиланишига замин яратмоқда.

Профессор Қ.А.Яҳёевнинг фикрича, ”Солиқ хизмати идоралари тизими бу солиқлар ва йиғимларни тўғри ҳисоблаш ва тўлиқ бюджетга (бюджетдан ташқари фондларга) тушишини назорат қилувчи давлат солиқ хизмати идоралари йиғиндисиدير.

Солиқ назорати турлари. Солиқ назоратининг турлари уч гуруҳга бўлинади:

1.Дастлабки назорат (режа прогнозлар тузиш, маълумотлар йиғиш ва бошқалар)

2. Жорий назорат (молиявий, солиқ ҳисоботлари, ҳисоботларни қабул қилиш текшириш шу ерда дастлабки, режалар бажарилишини таҳлил қилиш ва бошқалар)

3.Сўнгги назорат (жойларга бориб текширишлар ўтказиш, аудит, инвентаризация ва ҳар хил ревизиялар ўтказиш)

Давлат солиқ хизмати идоралари ҳамма турдаги назоратларни амалга оширадilar.”[2]. - деб таъриф берган.

Профессор А.В.Ваҳобов, А.Жўраевлар солиқ назоратига тўхталиб, “Солиққа оид қонунбузилишларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалдаги тадбирларни ва усулларни доимий равишда такомиллаштириб боришни тақазо қилади. Солиққа оид жинойтларнинг ўсиши давлатнинг молиявий ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга салбий таъсир

кўрсатади ва бунинг оқибатида давлат солиқсиз тушумларни қидиришга мажбур бўлади. Бу эса, ўз навбатида давлатнинг ички ва ташқи қарзларининг ўсишига олиб келади.”[3] деб фикр билдиришган.

PhD Б.А.Норматов томонидан солиқ текшируви бўйича жаҳон моделлари, хусусан Англо-саксон модели (Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия), Романо-герман модели (Германия, Франция, Япония), Аралаш модели (АҚШ, Канада) ва МДХ давлатлари модели таҳлил қилинган ҳолда «солиқ текшируви» тушунчаси хорижий давлатларда «tax audit» тушунчаси билан ифодаланиши қайд этилган, шунингдек жаҳон тажрибасига кўра солиқ текширувлари типик икки турга: камерал солиқ текшируви (desk audit) ва сайёр солиқ текширувига (field audit) бўлиниши, риск бошқарув тизими хорижий давлатларда турлича, хусусан «Risk management system», «Tax compliance management system», «Compliance Strategy» номаланиши қайд этилади, шунингдек риск бошқарув тизимини ишлаб чиқишдан мақсад солиқларни ундириш жараёнида солиқ органи ходимлари ва солиқ тўловчиларнинг қасдан ёки эҳтиётсиз ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида солиқ тушумлари камайиши ёки тўланмаслигини истисно этиш ҳисобланиши ҳамда мазкур тизим нафақат солиқ соҳасида балки молия, банк, божхона ва маъмурий соҳаларда ҳам қўлланилиши тўғрисида хулосага келинган.

Мамлакатда илғор хорижий тажриба асосида солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари билан ўзаро муносабатларида шаффофликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга солиқ маслаҳати давлатнинг янги солиқ сиёсатини самарали амалга оширишнинг профессионал институти ва солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш масалаларида солиқ тўловчиларнинг ишончли ёрдамчиси сифатида етарлича шакллланмаган.

Давлатнинг самарали солиқ соҳасидаги ислохатларни амалга оширишда солиқ тизимини ривожлантириш дастурлари ижроси амалиётининг жаҳондаги илғор тажрибалари ҳамда бу борада Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларнинг тадқиқи асосида солиқ назоратини таъминлашда мамлакатда ва унинг ҳудудларида, иқтисодиёт тармоқларида, юридик ва жисмоний шахсларни солиқ тортишда солиқ назорати методологиясининг самарали воситаларини шакллантириш лозим.

Солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.

Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, солиқ текширувлари воситасида ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назоратидир.

Солиқ органлари солиқ назоратини:

1. Солиқ текширувлари.

2. Солиқ мониторинги шаклида амалга оширади.

Солиқ текширувлари солиқ тўловчилар, йиғимларни тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади.

Солиқ текшируви солиқ тўловчи тўғрисида солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Солиқ органлари солиқ текширувларининг қуйидаги турларини ўтказди:

1. Камерал солиқ текшируви.

2. Сайёр солиқ текшируви.

3. Солиқ аудити.

Қуйидагилар солиқ мониторингининг предметиدير: солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, ўзига нисбатан солиқ мониторинги ўтказилаётган юридик шахс томонидан солиқлар ва йиғимларни ҳисоблашнинг тўғрилиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказиб берилганлиги). [6]

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқларни ортиқча ундирганлик учун давлат солиқ хизмати органларининг жавобгарлиги кучайтирилди, замонавий усулларни қўллаган ҳолда хорижий амалиётда синалган солиқ назорати шакллари жорий этилди, шунингдек, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соддалаштирилди. [7]

Давлат солиқ хизмати органлари тизимида солиқ назорати методологиясини амалий таҳлил қилиш ва назарий тадқиқ этиш қуйидаги камчиликлар мавжудлигини кўрсатди:

- солиқ назорати соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилинмаган.

- давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизмларининг, электрон солиқ назоратини амалга ошириш замонавий шакл ва услублари тўлиқ ривожлантирилмаган.

- инсофли тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашишларни камайтиришга тўсқинлик қилувчи солиқ назорати фаолиятини амалга ошириш замонавий шакл ва услублари етарлича тадбиқ этилмаган.

Ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни оширишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлашда солиқ назорати методологиясини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазибалари бири давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш, солиқларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тушишини таъминлашдан иборат.

Баён этилганларидан кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда солиқ назорати самарадорлигини оширишнинг ягона методикаси мавжуд эмас. Бироқ солиқ назоратидан самарали фойдаланишнинг замонавий методлари ва механизмлари жорий этиш, солиқ тизимини хавфсизлигини таъминлаш давлат солиқ хизмати органлари тизимида солиқ назоратида илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда модернизация қилиш, солиқ назоратини ташкил этишнинг замонавий шакл ва методларидан зарур даражада самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Давлат солиқ хизмати органлари тизимида солиқ назорати самарадорлигини оширишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда «рақамли иқтисодиёт»ни шакллантириш, шунингдек, солиқ назорати соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш лозим.

- солиқ назоратининг мутлақо янги тизимини яратиш, текширувдан олдинги таҳлил ва масофавий назорат-таҳлил ишларини амалга ошириш учун маълумотларни тўлиқ йиғиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чораларини янада кучайтириш.

- давлат солиқ хизмати органлари ходимларига корпоратив этикани ривожлантириш ва солиқ назорати самарадорлигини оширишда солиқ қонунчилиги ҳужжатларини ишлаб чиқиш методологияси такомиллаштириш.

- солиқ нозорати жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таҳлилнинг илғор автоматлаштирилган услублари тадбиқ этиш.

- давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизмларининг, электрон солиқ нозоратини амалга ошириш шакл ва услубларини ривожлантириш.

- инсофли тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралаштиришларни камайитиришга тўсқинлик қилувчи солиқ нозорати фаолиятини амалга ошириш шакл ва услубини тадбиқ этиш.

- солиқ хавфини таҳлил қилиш ва натижаларини баҳолаш дастурий маҳсулотни қўллашни янада такомиллаштириш лозим.

Солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини, солиқ солиш масалаларида солиқ нозорати самарадорлигини ошириш, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз хизмат кўрсатишни таъминлайдиган «солиқ тўловчининг шахсий кабинети»дан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш ва ташкил этишни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш, солиқ органларининг ташкилий-штат тузилмаси солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида йиғиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

PhD, dots., Jumaniyozova Feruza

TDIU “Soliqlar va soliqqa tortish” kafedراسи

Saliyeva Zuhra

TDIU 1-bosqich magistranti

O'ZBEKISTONDA AKSIZ SOLIG'INI HISOBLASH VA TO'LASH TARTIBI TAKOMILLASHTIRISH

Annotatsiya: *O'zbekistonda aksiz solig'ini hisoblash va to'lash jarayoni hukumat uchun muhim daromad manbai hisoblanadi, ammo uni yanada samarali va shaffof qilish uchun yaxshilash mumkin. Joriy jarayonni takomillashtirish uchun hisoblash jarayonini soddalashtirish, aniq ko'rsatmalar berish, soliq to'lovchilarning ta'lim va o'quv dasturlarini ko'paytirish, samarali elektron tizimni joriy etish va o'z vaqtida to'lovlarni rag'batlantirish kabi bir qancha protseduralarni amalga oshirish mumkin. Ushbu tartib-qoidalarni amalga oshirish orqali O'zbekiston soliq to'lovchilar o'rtasida muvofiqlikni oshirishi va soliq larni yanada samarali yig'ishi mumkin, natijada hukumat daromadlari ko'payadi.*

Kalit so'zlar: *aksiz solig'i, hisoblash, to'lov jarayoni, O'zbekiston, elektron soliq tizimi, muvofiqlik.*

O'zbekistonda aksiz solig'i turli xil tovarlar va xizmatlar, shu jumladan alkogol, tamaki mahsulotlari va hashamatli buyumlardan olinadi. Aktsiz solig'i hukumat uchun muhim daromad manbai bo'lib, muhim ijtimoiy dasturlar va infratuzilma loyihalarini moliyalashtirishga yordam beradi. Shu bilan birga, O'zbekistonda aksiz solig'ini hisoblash va to'lashning amaldagi tartibi yanada samarali va shaffof bo'lishi uchun takomillashtirilishi mumkin.

O'zbekistonda aksiz solig'ini hisoblash va to'lash jarayoni olimlar va siyosatchilar orasida qiziqish uyg'otdi. Ushbu adabiyotlarni ko'rib chiqishda biz mavzu bo'yicha mavjud tadqiqotlarni ko'rib chiqamiz.

Ruzimov va Rahmatullaev (2019) tomonidan o'tkazilgan tadqiqotda O'zbekistonda aksiz solig'ining sigaret iste'moliga ta'siri o'rganildi. Tadqiqot shuni ko'rsatdiki, aksiz solig'ining oshishi sigaret iste'molining pasayishiga va soliq tushumining oshishiga olib keldi. Shu bilan birga, tadqiqotda noqonuniy sigaret kontrabandasini kamaytirish uchun yanada samarali ijro mexanizmlari va ta'lim kampaniyalari zarurligi ta'kidlandi.

Abdullaevning yana bir tadqiqotida (2018) O'zbekistonda aksiz solig'i siyosatini amalga oshirish muammolari o'rganildi. Tadqiqot shuni ko'rsatdiki, aniq ko'rsatmalar va me'yoriy-huquqiy bazalarning etishmasligi, korrupsiya va soliq xodimlarining texnik imkoniyatlarining etishmasligi samarali amalga oshirishning asosiy to'siqlari hisoblanadi. Tadqiqot huquqiy va me'yoriy-huquqiy bazani mustahkamlash va soliq xodimlarining salohiyatini oshirishni tavsiya qildi.

Mualliflar xalqaro valyuta jamg'armasining (XVJ) 2021-yilgi siyosat qisqacha ma'lumotida onlayn to'lov tizimini joriy etish va aktsiz solig'i ma'muriyatini modernizatsiya qilish orqali O'zbekistonda aksiz solig'i yig'ish tizimini takomillashtirishni tavsiya etdilar. Siyosat qisqacha ma'lumotida soliq tekshiruvlari chastotasini oshirish va soliq to'lashdan bo'yin tovlash va qochishga qarshi kurashish uchun Qonunchilik bazasini mustahkamlash taklif qilingan.

Musaev va Tursunov (2017) tomonidan o'tkazilgan tadqiqotda aksiz solig'ining O'zbekistonda alkogolli ichimliklar ishlab chiqarish va iste'mol qilishga ta'siri o'rganildi. O'rganish aksiz solig'i o'sish alkogol ishlab chiqarish kamayishiga va soliq daromad [7] o'sishiga olib keldi, deb topildi. Shu bilan birga, tadqiqotda noqonuniy alkogol ishlab chiqarish va iste'mol qilishni kamaytirish uchun yaxshi ijro mexanizmlari va ta'lim kampaniyalari zarurligi qayd etildi.

Umuman olganda, mavjud tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, O'zbekistonda aksiz solig'ini hisoblash va to'lash jarayonini hisoblash jarayonini soddalashtirish, aniq ko'rsatmalar berish, soliq to'lovchilarning ta'lim va o'qitish dasturlarini ko'paytirish, samarali elektron tizimni joriy etish va o'z vaqtida to'lovlarni rag'batlantirish orqali

yaxshilash mumkin. Ushbu tavsiyalar soliq to'lovchilar o'rtasida muvofiqlikni oshirishga, soliq to'lashdan bo'yin tovlash va qochishni kamaytirishga va hukumat daromadlarini oshirishga yordam beradi.

O'zbekistonda aksiz solig'ini hisoblash va to'lashni quyidagi tartib-qoidalarni amalga oshirish orqali takomillashtirish mumkin:

Aksiz solig'ini hisoblash jarayonini soddalashtiring: O'zbekistonda joriy aksiz solig'ini hisoblash jarayoni soliq to'lovchilar uchun tushunarli bo'lishi uchun soddalashtirilishi mumkin. Bunga soliq to'lovchilarga o'z mahsulotlari yoki xizmatlari asosida aksiz solig'i bo'yicha majburiyatlarini osongina hisoblash imkonini beradigan foydalanuvchilar uchun qulay onlayn portal yoki dasturiy ta'minot yaratish kiradi. Alkogol mahsulotlarida joriy aksiz solig'i to'lovlarini ko'rishingiz mumkin. (1-Jadvalga Qarang.)

1-jadval.

O'zbekistonda alkogol mahsulotlarida aksiz solig'i bo'yicha yig'imlar³

T/r	Alkogol mahsulotlari turlari	Soliq stavkalari(1 litr uchun)		
		import qilinganda	ishlab chiqariladigan	
			2023-yil 1-yanvardan	2023-yil 1-fevraldan
1.	Oziq-ovqat xomashyosidan rektifikatsiyalangan etil spirti, rektifikatsiyalangan va efiroaldegidli fraksiyadan texnik etil spirti va etil spirtining boshlang'ich fraksiyasi	70%	7 450 so'm	
2.	Aroq, konyak va boshqa alkogol mahsulotlari(aksiz to'lanadigan tovar tarkibidagi suvsiz etil spirtining 1 litri uchun, bundan 3 va 4-bandlar mustasno)	106 800 so'm	34 500 so'm	38 000 so'm
3.	Vino:			
	tabiiy ravishda achitilgan tabiiy vinolar (etil spirti qo'shilmagan holda)	30 000 so'm	1 so'm	
	boshqa vinolar, shu jumladan vermut	42 750 so'm	1 980 so'm	2 200 so'm
4.	Pivo	50%, biroq 12 800 so'mdan kam bo'lmagan	1 380 so'm	1 550 so'm

³ Soliq kodeksi

Aksiz solig'i to'g'risidagi qonunlar bo'yicha aniq ko'rsatmalar bering: soliq to'lovchilarga aksiz solig'i to'g'risidagi qonunlarga rioya qilishda yordam berish uchun O'zbekiston hukumati aksiz solig'ini hisoblash va to'lash bo'yicha aniq ko'rsatmalar berishi mumkin. Bunga soliq to'lovchilarni aksiz solig'i to'g'risidagi qonunlar bo'yicha o'qitish uchun seminarlar, vebinarlar va boshqa o'qitish shakllari kirishi mumkin.

Soliq to'lovchilarni o'qitish va o'qitish chastotasini oshirish: soliq to'lovchilarning aksiz solig'i to'g'risidagi qonunlardagi o'zgarishlar to'g'risida xabardor bo'lishlarini ta'minlash uchun O'zbekiston hukumati soliq to'lovchilarni o'qitish dasturlarining chastotasini oshirishi mumkin. Buni muntazam axborot byulletenlari, seminarlar va seminarlar orqali amalga oshirish mumkin.

Aksiz solig'ini yig'ishning samarali tizimini joriy etish: O'zbekistonda amaldagi aksiz solig'ini yig'ish tizimini soliq to'lovlari va yig'implarning samarali elektron tizimini joriy etish orqali takomillashtirish mumkin. Bunga soliq to'lovchilar uchun soliq to'lovlarini taqdim etishlari uchun onlayn portal va soliq majburiyatlari va yig'implarini kuzatish uchun markazlashtirilgan ma'lumotlar bazasi yaratilishi mumkin.

Aksiz solig'ini o'z vaqtida to'lashni rag'batlantirish: aksiz solig'ini o'z vaqtida to'lashni rag'batlantirish uchun O'zbekiston hukumati soliqlarni o'z vaqtida yoki muddatidan oldin to'laydigan soliq to'lovchilar uchun chegirmalar yoki chegirmalar kabi imtiyozlarni taqdim etishi mumkin.

Ushbu tartib-qoidalarni amalga oshirish orqali O'zbekiston aksiz solig'ini hisoblash va to'lash jarayonini takomillashtirib, soliq to'lovchilarga aksiz solig'i to'g'risidagi qonunlarga rioya qilishni yanada shaffof, samarali va osonlashtirishi mumkin.

Adabiyotlar sharhida O'zbekistonda aksiz solig'ini hisoblash va to'lash jarayoni bilan bog'liq bir qancha muhim masalalar yoritilgan. Asosiy masalalardan biri bu aniq ko'rsatmalar va me'yoriy asoslarning yo'qligi, bu soliq to'lovchilarga soliq majburiyatlarini tushunishni qiyinlashtiradi. Ushbu masalani hisoblash jarayonini soddalashtirish va soliq to'lovchilarga aniq ko'rsatmalar berish orqali hal qilish mumkin.

Yana bir masala-soliq xodimlarining texnik imkoniyatlarining etarli emasligi, bu aksiz solig'i to'g'risidagi qonunlarning bajarilishiga ta'sir qiladi. Ushbu muammoni hal qilish uchun soliq xodimlarining salohiyatini kuchaytirish va soliq to'lashdan bo'yin tovlash va qochishga qarshi kurashish uchun soliq tekshiruvlari chastotasini oshirish kerak.

Adabiyotlar sharhi, shuningdek, soliq to'lovchilarga aksiz solig'i to'g'risidagi qonunlar va qoidalar to'g'risida ma'lumot berishning muhimligini ta'kidlaydi. Soliq to'lovchilarga ta'lim va o'quv dasturlarini taqdim etish soliq to'lovchilarga soliq

majburiyatlarini yaxshiroq tushunishga, qonunlarga osonroq rioya qilishga va bajarmaganlik uchun jazolardan qochishga yordam beradi.

Bundan tashqari, adabiyotlar sharhi soliq to'lovlari va yig'implar uchun samarali elektron tizim zarurligini ta'kidlaydi. Soliq majburiyatlari va yig'implarini kuzatish uchun onlayn to'lov tizimi va markazlashtirilgan ma'lumotlar bazasini joriy qilish orqali hukumat soliqlarni yanada samarali yig'ishi va soliq to'lovchilarga ma'muriy yukni kamaytirishi mumkin.

Umuman olganda, tahlil shuni ko'rsatadiki, O'zbekistonda aktsiz solig'ini hisoblash va to'lash jarayonini takomillashtirish me'yoriy-huquqiy baza, texnik salohiyat, soliq to'lovchilarning ma'lumoti va elektron tizim masalalariga kompleks yondashuvni talab qiladi. Ushbu chora-tadbirlarni amalga oshirish orqali O'zbekiston soliq to'lovchilar o'rtasidagi muvofiqlikni yaxshilaydi, hukumat daromadlarini oshiradi va iqtisodiy o'sishga yordam beradi.

Boshlash uchun aktsiz solig'ini hisoblash jarayonini soddalashtirish mumkin. Hozirgi vaqtda soliq to'lovchilarga aktsiz solig'i bo'yicha majburiyatlari qanday hisoblanishini tushunish qiyin bo'lishi mumkin, ayniqsa soliq qonunlari va qoidalari bilan tanish bo'lmaganlar uchun. Soliq to'lovchilarga o'z mahsulotlari yoki xizmatlari asosida aktsiz solig'i majburiyatlarini osongina hisoblash imkonini beradigan yanada qulay onlayn portal yoki dasturiy ta'minot amalga oshirilishi mumkin. Hisoblash jarayonini soddalashtirish orqali soliq to'lovchilar o'zlarining soliq majburiyatlarini yaxshiroq tushunishlari va qonunga osonroq rioya qilishlari mumkin.

Bundan tashqari, aktsiz solig'i to'g'risidagi qonunlar bo'yicha aniq ko'rsatmalar berilishi kerak. Bu soliq to'lovchilarni aktsiz solig'i to'g'risidagi qonunlar bo'yicha o'qitish uchun seminarlar, vebinarlar va boshqa o'qitish shakllari shaklida bo'lishi mumkin. Aniq va aniq ko'rsatmalar berish orqali soliq to'lovchilar chalkashliklardan qochishlari va soliq majburiyatlarini osonroq tushunishlari mumkin.

Bundan tashqari, soliq to'lovchilarni o'qitish va o'qitish dasturlarining chastotasini oshirish soliq to'lovchilarga aktsiz solig'i to'g'risidagi qonunlardagi o'zgarishlar to'g'risida xabardor bo'lishga yordam beradi. Soliq to'lovchilarni yangilab turish va so'nggi o'zgarishlar to'g'risida xabardor qilish uchun muntazam axborot byulletenlari, seminarlar va seminarlar o'tkazilishi mumkin. Bu soliq to'lovchilarga rioya qilishda yordam beradi va rioya qilmaslik uchun jazolardan qochadi.

Soliq to'lovlari va yig'implarning samarali elektron tizimini joriy etish aktsiz solig'ini hisoblash va to'lash jarayonini takomillashtirish yo'lidagi yana bir muhim qadamdir. Soliq to'lovchilar uchun soliq to'lovlarini taqdim etishlari uchun onlayn portal yaratilishi va soliq majburiyatlari va yig'implarini kuzatish uchun markazlashtirilgan ma'lumotlar bazasi yaratilishi mumkin. Samarali tizimga ega bo'lish orqali soliq to'lovchilar o'z to'lovlarini oson va o'z vaqtida amalga oshirishlari mumkin va hukumat soliqlarni yanada samarali yig'ishi mumkin.

Va nihoyat, aktsiz solig'ini o'z vaqtida to'lash uchun imtiyozlar berish soliq to'lovchilar o'rtasida muvofiqlikni rag'batlantirishi mumkin. Soliqlarni o'z vaqtida yoki muddatidan oldin to'laydigan soliq to'lovchilar uchun chegirmalar yoki chegirmalar taklif qilinishi mumkin. Bu soliq to'lovchilarni soliq qonunlariga rioya qilishni rag'batlantirishi va kechiktirilgan to'lovlar uchun jarimalardan qochishi mumkin.

Adabiyotlar sharhida tavsiya etilgan chora-tadbirlarning amalga oshirilishi O'zbekistonda aktsiz solig'ini hisoblash va to'lash jarayonida bir qancha ijobiy natijalarga olib kelishi mumkin.

Birinchidan, hisoblash jarayonini soddalashtirish va soliq to'lovchilarga aniq ko'rsatmalar berish soliqni to'lash jarayonidagi chalkashliklar va xatolarni kamaytiradi. Bu soliq to'lovchilar o'rtasida muvofiqlikni oshiradi, soliq to'lashdan bo'yin tovlashni kamaytiradi va hukumat daromadlarini oshiradi.

Ikkinchidan, soliq xodimlarining texnik salohiyatini oshirish va Qonunchilik bazasini takomillashtirish aktsiz solig'i to'g'risidagi qonunlarning yanada samarali bajarilishiga, soliq to'lashdan bo'yin tovlash va oldini olishning keng tarqalishiga olib keladi.

Uchinchidan, soliq to'lovchilar uchun ta'lim va o'qitish dasturlarini taqdim etish ularning soliq tizimi haqidagi tushunchalarini yaxshilaydi va soliq to'lovlaridagi xato va tushunmovchiliklarni kamaytiradi. Bu, shuningdek, soliq to'lovchilar o'rtasida ixtiyoriy muvofiqlikni rag'batlantiradi.

To'rtinchidan, soliq to'lovlari va yig'implarning samarali elektron tizimini joriy etish soliq to'lovchilar va hukumat oldidagi ma'muriy yuklarni kamaytiradi, shuningdek, soliq yig'ish jarayonida oshkoralik va hisobdorlikni oshiradi.

Umuman olganda, ushbu chora-tadbirlarni amalga oshirish natijalari O'zbekistonda aktsiz solig'ini hisoblash va to'lash jarayonini yanada samarali va shaffof bo'lishiga olib keladi. Bu, o'z navbatida, hukumat daromadlarini ko'paytiradi, soliq to'lashdan bo'yin tovlash va qochishning tarqalishini kamaytiradi va iqtisodiy o'sishga yordam beradi. Ammo shuni ta'kidlash kerakki, ushbu chora-tadbirlarning muvaffaqiyati ularning samarali amalga oshirilishi va samaradorligini ta'minlash uchun doimiy monitoringga bog'liq.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekistonda aktsiz solig'ini hisoblash va to'lash jarayonini me'yoriy-huquqiy baza, texnik salohiyat, soliq to'lovchilarning ma'lumoti va elektron tizimi kabi masalalarni hal qiluvchi kompleks yondashuv orqali takomillashtirish mumkin. Adabiyotlar sharhida hisoblash jarayonini soddalashtirish, soliq to'lovchilarga aniq ko'rsatmalar berish, soliq xodimlarining texnik salohiyatini oshirish va samarali elektron tizimni joriy etish kabi amalga oshirilishi mumkin bo'lgan bir qancha chora-tadbirlar ta'kidlandi.

Ushbu chora-tadbirlarning muvaffaqiyatli amalga oshirilishi bir qator ijobiy natijalarga olib keladi, shu jumladan soliq to'lovchilar o'rtasida muvofiqlikni oshirish, soliq to'lashdan bo'yin tovlash va qochishning kamayishi va hukumat daromadlarining ko'payishi. Bundan tashqari, samarali soliq yig'ish orqali iqtisodiy o'sishni rag'batlantirish mamlakat iqtisodiyotiga ijobiy ta'sir ko'rsatishi, barqarorlik va farovonlikni ta'minlashi mumkin.

Shuni ta'kidlash kerakki, ushbu chora-tadbirlarning muvaffaqiyati ularning samarali bajarilishi va doimiy monitoringga bog'liq. Shuning uchun O'zbekistondagi siyosatchilar ushbu chora-tadbirlarni foydalanuvchilar uchun qulay va samarali tarzda amalga oshirishga, shu bilan birga soliq to'lovchilarning ta'lim va o'qitish dasturlari muvofiqligini ta'minlash uchun yetarli darajada bo'lishini ta'minlashga e'tibor qaratishlari tavsiya etiladi. Shunday qilib, O'zbekistonda aksiz solig'ini hisoblash va to'lash jarayoni yanada sodda, samarali va shaffof bo'lib, natijada daromadlarning ko'payishiga va iqtisodiyotning yanada farovonlashishiga olib keladi.

O'zbekistonda aksiz solig'ini hisoblash va to'lashning amaldagi tartibi yanada samarali va shaffof bo'lishi uchun takomillashtirilishi mumkin. Hisoblash jarayonini soddalashtirish, aniq yo'l-yo'riq ko'rsatish, soliq to'lovchilarning ta'lim va o'qitish dasturlarini ko'paytirish, samarali elektron tizimni joriy etish va to'lovlarni o'z vaqtida amalga oshirishni rag'batlantirish orqali O'zbekiston soliq to'lovchilar o'rtasidagi muvofiqlikni yaxshilash va hukumat daromadlarini oshirish imkonini beradi.

Xalikchayeva Sadokat Ilxomjonovna

TDIU "Soliqlar va soliqqa tortish" kafedrasi katta o'qituvchisi

Ochilova Ibodat G'ulom qizi

TDIU Samarqand filiali "Moliya, soliq va bank ishi" kafedrasi assistenti

**SOLIQ BAZASINI ANIQLASH TARTIBINI YANADA
TAKOMILLASHTIRISH ORQALI SOLIQ-BYUDJET SIYOSATINI
SAMARALI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI**

Annotatsiya: *Ushbu tezisdagi soliq bazasini aniqlash tartiblarining to'g'ri va samarali tashkil etilishi bevosita soliq tushumlari miqdorini belgilab beruvchi omil ekanligi va bu davlat byudjetida muhim ahamiyatli manba ekanligidan kelib chiqqan tarzda fikr-mulohaza yuriltilgan hamda soliq bazasini aniqlashga doir tartiblarni yanada shaffoflashtiruvchi ilmiy-amaliy takliflar berilgan.*

Kalit so'zlar: *soliq bazasi, Soliq kodeksi, soliq yuki, soliq tizimi, moliyalashtirish, infratuzilma, ish haqi, QQS, foyda, aksiz solig'I, Jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i.*

Аннотация: *В данной диссертации высказывается мнение, основанное на том, что правильная и эффективная организация процедур определения налоговой базы является фактором, непосредственно определяющим размер*

налоговых поступлений, а также важным ресурсом государственного бюджета, а также как научно-практические предложения, делающие более прозрачными процедуры определения налоговой базы.

Ключевые слова: *налоговая база, Налоговый кодекс, налоговая нагрузка, налоговая система, финансирование, инфраструктура, заработная плата, НДС, прибыль, акциз, НДФЛ.*

Abstract: *In this thesis, there is an opinion based on the fact that the correct and effective organization of the procedures for determining the tax base is a factor that directly determines the amount of tax revenues and it is an important resource in the state budget, as well as scientific and practical proposals that make the procedures for determining the tax base more transparent. given*

Key words: *tax base, Tax Code, tax burden, tax system, financing, infrastructure, wages, VAT, profit, excise tax, personal income tax.*

So‘nggi yillarda mamlakatimiz soliq tizimida keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirilmoqdaki, buning natijasida soliq sohasida mutlaqo yangi — adolatli, shaffof va izchil tizim yaratildi. O‘tgan yetti yilda soliq tizimini isloh qilishga qaratilgan bir qator muhim hujjatlar qabul qilindi. Jumladan, yangi tahrirdagi Soliq kodeksi qabul qilinishi, unda to‘g‘ridan-to‘g‘ri qo‘llanuvchi normalar joriy etilishi, soliqlar sonining 13 tadan 9 taga kamaytirilishi, 2026-yilga borib iqtisodiyotda soliq yukini 25 foizgacha kamaytirish va 120 mlrd dollar hajmidagi investitsiyalarni jalb etish maqsadini nazarda tutadi.

Yuqorida ta’kidlangan jadal islohotlar natijasida soliq yuki bosqichma-bosqich kamaytirilishining tub zamirida esa soliq bazasi tushunchasi yotadi.

Ma’lumki, soliq bazasi bu soliqlarni undirishdagi eng asosiy bosqich sanalib, bu bosqichni samarali va shaffof tashkil etilishi bevosita soliq qonunchiligiga borib taqaldi. Qolaversa, bu borada ta’sirchan choralarni nazarda tutadigan alohida dastur ishlab chiqish masalasi soliq tizimining oldida turgan asosiy maqsadlardan biridir. Shuningdek, soliq bazasini aniqlashning samarali joriy etilgan tartibi iqtisodiy o‘shish va investitsiyalarga ijobiy bo‘lmagan ta’sir etuvchi subyektlar uchun ortiqcha soliq yuklarining oldini olishga yordam berib, adolatli va shaffof soliq tizimi orqali ijtimoiy tenglikni barqarorlashtiradi.


Soliq bazasini aniqlash tartibining puxta ishlab chiqilgan metodologiyasi soliq to‘lovchilar o‘rtasida soliq tizimini adolatli tashkil etilishini ta’minlab, o‘z majburiyatlarini ixtiyoriy ravishda bajarishini qo‘llab quvvatlaydi va umumiy soliq yig‘ish samaradorligini oshirishga xizmat qilishbarobarida davlat byudjetida solikli tushumlar miqdoriga bevosita ta’sir o‘tkazadi. Shu jihatdan, soliq bazasini aniqlash tartib va bosqichlarini ilmiy-nazariy tadqiq qilgan holda amaliyotga tatbiq qilish bugungi iqtisodiy islohotlar sharoitida dolzarb ahamiyatga ega bo‘lib kelmoqda.

Tadqiqotlar davomida shunga amin bo'ldikki, soliq siyosati soliq bazasiga quyidagi dastaklar orqali tasir o'tkazadi:



1-rasm. Soliq siyosatining soliq bazasi va uni aniqlash tartibiga tasir o'tkazish dastaklari tarkibining tahlili⁴

1-rasmda tasvirlangan chizmada soliq siyosatining soliq bazasini aniqlash tartibiga ta'sir o'tkazish dastaklari o'z ifodasini kasb etgan bo'lib, bu jarayon soliq bazasini samarali va adolatli joriy etishga oid qonunlar ishlab chiqish, soliq tushumlari jamg'arilishining innovatsion usullarini tadbqiq etish, soliq bazasini tahlil qilish orqali soliq mablag'larining ishlatilishi haqida ma'lumot to'plash, umumiy soliq tizimini tahlil qilish va soliq to'lovlarning elektron tizimini joriy etish, qolaversa xalqaro tajribalarni o'rganish orqali uni amaliyotga tatbiq etish kabi chora-tadbirlarni o'z ichiga qamrab oladi.



2-rasm. Soliq bazasiga ta'sir ko'rsatuvchi omillar tarkibining tahlili⁵

2-rasmda keltirilgan chizmaga muvofiq mulohaza qilajak, "foyda solig'i, qo'shilgan qiymat, aksiz solig'i va jismoniy shaxslardan olinadigan daromad

⁴ Muallif ishlanmasi

⁵ O'zbekiston Respublikasi soliq qonunchiligi asosida muallif tomonidan tayyorlangan.

solig'ining bazasiga ta'sir etuvchi omillarning umumiy jihatlari ko'rsatib o'tilgan hamda bu soliqlarga ta'sir etuvchi eng muhim va bog'iq omil sifatida soliq siyosatidagi o'zgarishlar e'tirof etilgan"⁶.

Yuqoridagi tahlillardan anglash mumkinki, soliq siyosatining soliq solinadigan bazaga ta'siri katta ahamiyatga ega ekanligidan kelib chiqqan holda, soliq siyosatining soliq bazasiga ta'siri muhim bo'lishining asosiy sabablarini birinchidan, daromadlarni shakllantirish sababi orqali izohladik. "Xususan, soliq siyosati davlat tomonidan yig'iladigan daromadlar miqdoriga bevosita ta'sir ko'rsatadigan stavkalar va imtiyozlarni belgilaydi. Bu orqali davlat xizmatlarni va ijtimoiy ta'minot dasturlarini moliyalashtirish, infratuzilmani rivojlantirish uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'lgan soliq tushumlari hajmiga ta'sir ko'rsatish e'tiborga olinsa, ikkinchi sabab sifatida iqtisodiy o'sish va investitsiyalar hisobga olinadi. Bunda soliq siyosati soliq bazasi tartiblarini o'zgartirishi muayyan faoliyatni rag'batlantirish yoki cheklashi mumkinligi nuqtayi nazaridan kelib chiqiladi"⁷.

Soliq yukining taqsimlanishi esa uchinchi sabab hisoblanib, soliq siyosatida soliq yukining soliq to'lovchilar o'rtasida adolatli taqsimlanishini ta'minlashda hal qiluvchi rol o'ynashi nazarda tutilgan bo'lsa, muvofiqlik va ma'muriyat masalalari to'rtinchi sabab bo'la oladi. Bu omil soliq solinadigan bazani to'g'ri belgilovchi samarali soliq siyosati orqali soliq to'lovchilar uchun o'z majburiyatlarini bajarishni soddalashtiradi va soliq organlari uchun ma'muriy yuklarni kamaytiradi. Beshinchi sabab hisoblangan xalqaro raqobatbardoshlik qobilyati sarmoyaviy qarorlar va transchegaraviy savdoga ta'sir ko'rsatuvchi soliq bazasini aniqlashga doir o'zgartirishlar orqali mamlakatning xalqaro raqobatbardoshligiga ta'sir ko'rsatishini nazarda tutadi.

Yuqorida qilgan tahlillar asosida quyidagi takliflarni ilgari surmoqchimiz:

1. Jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i bazasini aniqlash tartibini yanada takomillashtirish maqsadida va nomutanosib soliq og'irligini tartibga solishda soliqqa tortilmaydigan minimumni joriy etish va bu minimumni qo'llash uchun eng kam daromad miqdorini bazada belgilab olish lozim, ya'ni, soliq bazasi MHEKMning 1 barobaridan past daromad oluvchilar uchun soliqqa tortilmaydigan minimumni joriy etish kerak. Zero, bu nuqtayi nazardan, taklifning qabul qilinishi, ko'pgina mehnat munosabatlari rasmiy tus olishiga, norsmiy iqtisodiyot hajmining qisqarishiga xizmat qiladi;

⁶ Xalikchayeva, S. (2023). SOLIQQA TORTISH SOHASINI TARTIBGA SOLISHDA SOLIQ BAZASINI ANIQLASHNING METODOLOGIK ASOSLARI. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(3), 62–72. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss3-pp62-72>

⁷ Xalikchayeva, S. (2023). SOLIQQA TORTISH SOHASINI TARTIBGA SOLISHDA SOLIQ BAZASINI ANIQLASHNING METODOLOGIK ASOSLARI. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(3), 62–72. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss3-pp62-72>

2. Jismoniy shaxslar ko'chmas mulkini ijaraga berish orqali daromad olishga doir turar-joy ijara shartnomalarini tuzishda aslida boshqa narx, shartnomada boshqa narx yozilish holatlarini oldini olish maqsadida soliq bazasining hududlar miqyosidagi eng kam miqdorlarini qayta ko'rib chiqish va bozor qiymatidan kelib chiqqan tarzda belgilash lozim;

3. Jismoniy shaxslar daromad solig'i bazasini aniqlash taribini yanada samarali tashkil etish va bazani kengaytirish maqsadida mol-mulk obyektini ijaraga berishdan olingan daromaddan bu obyektga qilingan turli xarajatlar miqdorini (ta'mirlash, foiz va boshqalar) hamda ayni shu mol-mulk uchun to'langan soliqni chegirish orqali aniqlash lozim deb hisoblaymiz. Bu soliq bazasini aniqlash tartibida aniqlik tamoyillarini yanada yaqqolroq namoyon etadi, qolaversa, O'zbekiston soliq tizimini jahon soliqqa tortish tizimi andozalariga mosligini ta'minlashga zamin yaratadi.

Akrom A. Omonov,
Professor of TIF
Umida T. Abdujaliyeva
student of TIF

PRIORITY DIRECTIONS FOR ACHIEVING MACROECONOMIC STABILITY BY IMPROVING TAX ADMINISTRATION IN NEW UZBEKISTAN

Abstract: This article explores the possibilities of effectively promoting business entities through tax measures by providing the ways used by the government, the effects of those strategies, and an analysis of the procedures.

Key words: businesses, economic growth, tax policy, tax incentives, tax rates.

Improving of tax administration is crucial to attaining macroeconomic stability in Uzbekistan. Since better tax administration is a critical step towards enhancing revenue collection, ensuring compliance, and fostering economic stability.

It is worth noting that during the past years, Uzbekistan could facilitate tax policy and administration to some degree. The implementation of the objectives set out in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, back in September 2019, "On measures to further improve the tax policy of the Republic of Uzbekistan"⁸, led to significant changes in the fiscal system. As of July 2020, Uzbekistan had reduced the value-added tax (VAT) rate from 20% to 15%. By January 1, 2023, this index had been reduced from 15% to 12%. This reduction was part of the government's efforts to stimulate economic growth, promote investment, and support businesses in the country.

⁸ Decree of the president of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve the tax policy of the Republic of Uzbekistan" PP-5837 dated September 26, 2019 <https://lex.uz/docs/-4529995>

In addition, tax incentives were established in the free economic zones of Navoi, Urgut, Gijduvan, Kokand, Termez, Namangan, Sirdaryo, Bukhoro-agro, and Khazarasp; the pharmaceutical free economic zones of Nukus-pharm, Zaamin-pharm, Kosonsoy-pharm, Sirdaryo-pharm, Boysun-pharm, Bustanlik-pharm, Andijon-pharm, and Parkent-pharm; the special industrial zones of Angren and Djizzak; the fish production zone of Balik ishlab chikaruvchi; the free touristic zone of Charvak; and the special industrial hub of mechanical and electrical engineering in the region of Andijan are exempt from:

- land tax, property tax (for legal entities), and water usage tax
- customs payments (except for VAT and customs processing fee) for construction materials not produced in Uzbekistan and imported for implementation of projects as per the investment agreement for the period of construction
- customs payments (except customs processing fee) at importation of technological equipment not produced in Uzbekistan, as per approved list, and
- customs payments (except customs processing fee) at importation of raw materials, and materials and components used in production of goods intended for export⁹.

By virtue of the Law of the Republic of Uzbekistan of July 12, 2022, amendments have been introduced to the Tax Code of Uzbekistan.

“According to the amount of investments of participants in special economic zones are exempt from payment of CIT for specific periods:

- From 3 million US dollars to 5 million US dollars – a 3-year period;
- From 5 million US dollars to 15 million US dollars – a 5-year period;
- From 15 million US dollars and above – a 10-year period.”¹⁰;

These incentives encourage businesses to expand their operations and stimulate economic growth, which also creates more job opportunities. Furthermore, these are great opportunities for not only domestic entrepreneurs but also foreign ones. As a result, those changes were responsible for the increase in the State Budget revenues.

⁹ <https://taxsummaries.pwc.com/republic-of-uzbekistan/corporate/tax-credits-and-incentives>

¹⁰ On additions and amendments to the tax code of the Republic of Uzbekistan <https://lex.uz/en/docs/-6103271>

Table 1**The revenues of the State Budget in 2022, billion UZS¹¹**

In 2022, the revenues of the State Budget reached nearly 202 billion UZS, compared with the 2021, figure revenues increased by 37,064.2 billion UZS. Direct taxes accounted for 64,447.1 billion UZS of the State Budget revenues, which is 5,516.7 billion UZS, or 9.4 %, more than in 2021. Indirect taxes also saw a growth of 15,099.7 billion UZS, or 26.8 %, rising to 71,390.2 billion UZS. Same goes with the

Revenues	2021-year	2022-year
Total	164,799.4	201,863.7
Direct taxes	58,930.3	64,447.1
Indirect taxes	56,290.4	71,390.2
Resource taxes and property taxes	23,036.4	23,912.8
Other revenues and non-tax revenues	26,542.2	42,113.7

figure for resource taxes and property taxes – 23,912.8 billion UZS, which increased by 0.876.4 billion UZS more than in 2021. Generally, all sections generated more income in 2022.

During past few years, the executed initiatives for tax policies have been showing positive results to improve macroeconomic stability. The above examples can show that the government is utilizing the right strategies by providing tax incentives in regions and business sectors, reducing tax burdens, and creating a business-friendly environment. This can effectively promote businesses of all sizes, encourage investment, stimulate innovation, and drive economic growth. It is essential for the government to regularly review and adapt tax policies to ensure their effectiveness in promoting business entities and ensuring long-term economic prosperity.

Conclusion, we should be aware that in the market economy the tax policy and tax rate play vital economic mechanisms in promoting and growing national economy, nevertheless in some period in the past the authorities did not give enough possibility for these matters at should not be so, if we prefer to have strong and competitive consumer and service markets.

¹¹ Budget for citizens// https://api.mf.uz/media/document_files/%D0%98%D0%91_2022.

**YANGI O'ZBEKISTONGA TADIRKORLIK SUBYEKTLARINI
SOLIQQA TORTISHNING YANGI MEXANIZMLARI**

Аннотация: Dunyoning ko'plab mamlakatlarida inqirozdan keyingi davrdagi rivojlanish fazasiga chiqish bilan bog'liq islohotlarda yalpi talabni samarali rag'batlantirishning muhim instrumentlaridan biri sifatida soliq tizimida keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Bunda barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlashning muhim drayveri sifatidagi rolga tayangan holda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini qo'llab-quvvatlashning fiskal va monetar instrumentlari keng noan'anaviy usullaridan foydalanilmoqda.

Калит сўзлар: kichik biznes, fiskal va monetar instrumentlar, soliq, soliqqa tortish, soliq ma'muriyatchiligi, yalpi ichki mahsulot (YaIM)

Аннотация: Во многих странах мира масштабные реформы налоговой системы проводятся как один из важных инструментов эффективного стимулирования совокупного спроса в реформах, связанных с вступлением в фазу развития посткризисного периода. Для поддержки малого бизнеса и субъектов частного предпринимательства используется широкий спектр нетрадиционных методов фискальных и монетарных инструментов, опираясь на их роль важного драйвера обеспечения устойчивого экономического роста.

Ключевые слова: малый бизнес, фискальные и монетарные инструменты, налог, налогообложение, налоговое администрирование, валовой внутренний продукт (ВВП).

Annotation: In many countries around the world, large-scale reforms of the tax system are being carried out as one of the important tools for effectively stimulating aggregate demand in reforms associated with entering the development phase of the post-crisis period. To support small businesses and private enterprises, a wide range of non-traditional methods of fiscal and monetary instruments are used, based on their role as an important driver of sustainable economic growth.

Key words: small business, fiscal and monetary instruments, tax, taxation, tax administration, gross domestic product (GDP)

Bugungi jadal rivojlanayotgan globallashuv jarayonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subektlari jahon mamlakatlari iqtisodiy-ijtimoiy farovonligining muhim omili hisoblanadi. Ayniqsa, kichik biznesni davlat tomonidan tartibga solish mexanizmlari eng ilg'or tajribalarga asoslangan AQSh, Germaniya, Yaponiya, Buyuk Britaniya, Shvetsariya, Kanada, Norvegiya, Niderlandiya, Gonkong, Birlashgan Arab

Amirliklari va boshqa bir qator davlatlarda bu borada ijobiy holatlar kuzatilgan.¹² Shuningdek, «jahon tajribasida kichik biznes davlatning ko'magisiz juda sekin rivojlanayotganligi ham barchaga ma'lum».¹³ Shunday ekan, jahonning deyarli barcha mamlakatlarida kichik biznesni davlat tomonidan tartibga solish, tadbirkorlarga yaxshi shart-sharoitlar yaratish milliy iqtisodiyotimizning muhim masalalaridan biridir. Jahonda kichik biznesni davlat tomonidan tartibga solishning zamonaviy usul va vositalarini joriy etish, mazkur jarayonlarning samaradorligini oshirishda raqamli iqtisodiyot imkoniyatlaridan samarali foydalanish, kichik biznesning innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni amaliyotga joriy etish, yangi ish o'rinlarini yaratish va aholi daromadini oshirish borasidagi imkoniyatlaridan to'laroq foydalanishda turli infratuzilma xizmatlarini yo'lga qo'yishning tashkiliy-iqtisodiy masalalarini tadqiq etish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Dunyoning ko'plab mamlakatlarida inqirozdan keyingi davrdagi rivojlanish fazasiga chiqish bilan bog'liq islohotlarda yalpi talabni samarali rag'batlantirishning muhim instrumentlaridan biri sifatida soliq tizimida keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Bunda barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlashning muhim drayveri sifatidagi rolga tayangan holda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini qo'llab-quvvatlashning fiskal va monetar instrumentlari keng noan'anaviy usullaridan foydalanilmoqda.

Mamlakatimizda so'ngi yillarda olib borilayotgan islohotlar iste'mol bozorini raqobatbardosh sifatli mahsulotlar bilan to'ldirish, aholini ish bilan ta'minlash, mamlakat yalpi ichki mahsulotining barqaror yuqori o'sish suratini ta'minlash va iqtisodiyotni yanada rivojlantirish maqsadida olib borilayotgan barcha islohotlar - O'zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rag'batlantirishga nihoyatda katta hissa qo'shmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev « – Yagona yo'limiz – tadbirkorlar sonini ko'paytirish, odamlarni ishbilarmon qilish! Har bir hokim byudjetga qo'shimcha daromadlarni ta'minlashi uchun o'zi izlanishi, tadbirkorga sharoit yaratib, biznes vakillari bilan yelkama-elka ishlashi kerak,»¹⁴

Xususan, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning tashabbusi bilan mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash va ularning erkin faoliyat yuritishi uchun zarur imkoniyatlar yaratish maqsadida O'zbekiston Respublikasining 2022-2026 yillarga mo'ljallangan "Taraqqiyot strategiyasi"ning uchinchi ustuvor yo'nalishida «soliq yukini kamaytirish va soliqqa


¹² https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32436/9781464814402_ch06.pdf, Калинин А.В. Анато развития и состояние малого и среднего бизнеса в мире // Экономика, предпринимательство право. 2011. - № 4. - С.3-12

¹³ Ильин И.Е. Малый бизнес в России: проблемы и перспективы//Банковское кредитование - 2008 - №2 С. 153-156.

¹⁴ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 8 yanvardagi, "Davlat byudjeti parametrlarini ijro etish va hududlarda tadbirkorlikni rivojlantirish bo'yicha ustuvor vazifalarga bag'ishlangan videosektor yig'ilishi"dagi nutqi

tortish tizimini soddalashtirish siyosatini davom ettirish, soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish va tegishli rag'batlantiruvchi choralarni kengaytirish...»¹⁵, «milliy iqtisodiyotning mutanosibligi va barqarorligini ta'minlash, uning tarkibida sanoat, xizmat ko'rsatish sohasi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik ulushini ko'paytirish»¹⁶ masalalari davlat dasturiga kiritilishi O'zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni tartibga solish va rag'batlantirish mexanizmlarini takomillashtirishga bo'lgan katta e'tibor qaratilayotganligi isbotidir. Shuningdek, davlatimiz rahbari tashabbuslari bilan 20-avgustni "Tadbirkorlar kuni" sifatida nishonlash to'grisida O'RQ-739 sonli O'zbekiston Respublikasi Qonuni qabul qilindi.¹⁷ Ushbu kunda har yili O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning tadbirkorlar bilan ochiq muloqoti tashkillashtiriladi va ularning dardi, muammolari o'rganiladi va ularga yechim topiladi. Fikrimizcha, milliy iqtisodiyotimizni rivojlantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni muhim drayver qilib belgilanishi tadbirkorlikni rivojlantirishga zamin yaratadi.

O'zbekistonda olib borilgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar natijadorligini kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sektorida qo'lga kiritilgan yutuqlar va amaliyotga joriy etilgan texnika-texnologiya taraqqiyoti sifatida ko'rishimiz mumkin. Xususan so'ngi yillarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining YaIMdagi ulushi qariyb 2000-yildagi 31 foizdan 2022-yilda 54.9 foizga erishildi. (1-rasm)



1-rasm. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning O'zbekiston Respublikasi YaIMdagi ulushi foizda¹⁸

¹⁵ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 noyabrdagi PF-60 son farmoni

¹⁶ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 noyabrdagi PF-60 son farmoni

¹⁷ O'zbekiston Respublikasining Qonuni 2021 yil, 23-dekabr O'RQ-729

¹⁸ Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning YaIMdagi ulushi 2023 yil 25-apreldagi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi milliy hisoboti.

Bungungi kunda tadbirkorlik faoliyatini tartibga solish va ularni rag'batlantirish hamda ularning erkinligini ta'minlash uchun bir necha Qonunlar va Qarorlar qabul qilingan.

O'zbekistonda ishbilarmonlik va investitsiya muhitini tubdan yaxshilash, jahon amaliyotida umumqabul qilingan biznes yuritish sharoitlarini baholash mezonlari tizimini joriy etish maqsadida 2022 yil 22-avgust kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning tadbirkorlar bilan ikkinchi ochiq muloqotida beshta yo'nalishda tashabbuslarni ilgari surdi.

Birinchi tashabbus – korxonalarni toifalarga ajratib, ularni qo'llab-quvvatlash bo'yicha alohida yondashuvni belgilash. Bunda, korxonalar yillik aylanmasi bo'yicha toifalarga ajratiladi. Bular:

1 milliard so'mgacha bo'lgani — mikro biznes;

10 milliard so'mgacha bo'lgani — kichik biznes;

100 milliard so'mgacha bo'lgani — o'rta biznes toifasiga kiradi.

Shundan kelib chiqib, 2023 yil 1 yanvardan boshlab mikro biznes uchun aylanmadan olinadigan soliqning amaldagi 4 foizdan 25 foizgacha bo'lgan stavkalari o'rniga yagona 4 foizli soliq stavkasi joriy etildi.

Bunda, olis hududlardagi va alohida toifadagi tadbirkorlar uchun amaldagi 1 va 2 foizli stavkalar saqlab qolindi. Yoki, ular ixtiyoriy ravishda yiliga 20–30 million so'm to'lasa, buxgalteriya hisobini yuritish va soliq idoralariga taqdim etish majburiyatidan ozod etilishi bo'yicha taklif ishlab chiqildi.

Ikkinchi toifa, ya'ni aylanmasi 1 milliard so'mdan oshib, umumiy soliq to'lash tartibiga o'tgan korxonalar bir yil davomida foyda solig'ini 2 barobar kam to'laydi. «Ushbu imkoniyatlar 370 ming tadbirkorga yengilliklar yaratadi va ularga juda katta stimuly beradi», — dedi davlat rahbari.

2022 yilgi Prezident va tadbirkorlar ochiq muloqotida O'zbekiston Prezidenti tez o'sib borayotgan yuqori salohiyatli o'rta korxonalar sonini hozirgi 3,5 mingtadan 10 mingtaga yetkazish zarurligini ta'kidladi.

Buning uchun, 2023 yil 1 yanvardan:

kichikdan o'rta biznesga o'tgan korxonalar ikki yil davomida foyda solig'ining faqat 50 foizini to'laydi;

mulkni sug'urta qilish xarajatlarining 50 foizi davlat hisobidan qoplab beriladi; soddalashtirilgan soliq, moliyaviy va statistika hisobotlari joriy etiladi;

davlat xaridlarida 20 foiz kvota o'rnatilib, ushbu xaridlar doirasida ularga oldindan 50 foiz mablag' to'lab beriladi (amalda 15 foiz).

Ochiq muloqotda kichik va o'rta biznes uchun eng muammoli masalalardan biri qo'shilgan qiymat solig'ini hisoblash va qaytarish bilan bog'liqligi ta'kidlandi.

Prezident 2021 yilgi tadbirkorlar bilan ochiq muloqotida biznes uchun soliq yukini tushirish siyosatini davom ettirib, qo'shilgan qiymat solig'i stavkasini yanada

tushirishga va'da bergandi. «Lekin sizlarni ishontirib aytaman: biz islohotlar yo'lidan hech qachon ortga qaytmaymiz va 2023 yil 1 yanvardan boshlab qo'shilgan qiymat solig'i stavkasini 12 foizga tushiramiz!», — dedi Shavkat Mirziyoyev.

Prezident va'dasi ijrosini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasining «Soliq va budjet siyosatining 2023-yilga mo'ljallangan asosiy yo'nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan o'zbekiston respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida» gi O'RQ-812-sonli Qonun qabul qilindi. Mazkur qonunda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan jadal rivojlantirish, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash hamda teng raqobat sharoitlarini yaratish maqsadida soliq yukini pasaytirish va soliq to'g'risidagi qonunchilikni yanada takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqildi. Mazkur qonunda 2023-yil 1-yanvardan qo'shilgan qiymat solig'i amaldagi 15 foizdan 12 foizga tushirildi.

Joriy yil 1 iyuldan boshlab bo'sh bino, foydalanilmayotgan yer uchastkasiga nisbatan mol-mulk va yer soliqlarining oshirilgan stavkalarini qo'llash bekor qilingan edi. Lekin avval oshirib hisoblangan soliqlar nima bo'ladi, degan savol 19 ming tadbirkorni bezovta qilmoqda va bu bo'yicha ko'plab murojaatlar kelib tushgan.

«Shularni inobatga olib, tadbirkorlarning oshirilgan soliq stavkalari bo'yicha hisoblangan 2 trillion so'mlik qarzlardan butunlay voz kechsak, nima deysizlar?», — deya tadbirkorlarga murojaat qildi davlat rahbari.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining 2023-yilgacha amalda bo'lgan huquqiy-me'yoriy hujjatlariga muvofiq barcha hududlardagi tadbirkorlar uchun soliq stavkalari va soliqqa tortish me'yorlari bir xil edi. Bu o'z o'rnida faoliyatini yangi tashkil etgan tadbirkorlik subyektlari uchun juda og'riqli muammo bo'lib hisoblangan. Chunki hamma hududning va hamma tumanning ham iqtisodiy salohiyati, aholining pul bilan ta'minlangan darajasi bir xil bo'lmaydi. Misol uchun Toshkent shahrida va Qoraqalpog'iston Respublikasining To'rtko'l tumanida bir xil faoliyat bilan shug'ullanuvchi tadbirkor bir xil soliq to'lashi bu adolatli emas.

Birinchi sabab – Toshkent shahrining iqtisodiy salohiyati Poytaxt bo'lganligi uchun ham, aholi oqimining ko'pligi tufayli shaharda faoliyat yurituvchi tadbirkor Qoraqalpog'istonning To'rtko'l tumanida faoliyat olib boruvchi tadbirkorga nisbatan ko'p tovar va xizmatlar realizatsiya qiladi.

Ikkinchi sabab – Toshkent shahrida tadbirkorlik faoliyatini tashkil qilish va olib borish uchun yetarli infratuzilma va shart-sharoitlar yaratilgan. Qoraqalpog'iston Respublikasining To'rtko'l tumanida esa Poytaxtga nisbatan infratuzilma yaxshi rivojlanmagan bu esa tadbirkorlik faoliyatini yangi tashkil etganlarga ko'plab qiyinchiliklarni olib kelardi.

Hududlar o'rtasidagi iqtisodiy tengsizlikni qisqartirish, tuman va shaharlarni ularning sharoiti, salohiyati va imkoniyatlaridan kelib chiqib rivojlantirish bo'yicha

yangicha yondashuvlarni joriy etish, shuningdek, tadbirkorlik muhitini yanada yaxshilash, davlat ko‘magini berish tartibini takomillashtirish va uning samaradorligini oshirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti «Respublika hududlarini toifalarga ajratish va tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlashning tabaqalashtirilgan tizimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-287 son Farmoni imzoladi.¹⁹

Farmon ijrosini ta‘minlash maqsadida tuman va shahar toifasidan kelib chiqib, tadbirkorlik subyektlariga soliq imtiyozlari, subsidiyalar va ularni qo‘llab-quvvatlashning yangicha mexanizmi ishlab chiqilib amaliyotga joriy etildi.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, mazkur farmonda hududlar besh toifaga ajratilgan bo‘lib ma‘lum bir hududda ro‘yxatdan o‘tgan tadbirkorlik subyektlariga ro‘yhatdan o‘tgan hududi toifasiga qarab soliq imtiyozlari joriy etiladi va subsidiyalar ajratiladi.

Misol uchun 5-toifadagi tumanlarda ro‘yxatdan o‘tgan va shu hududlarda faoliyat yuritadigan tadbirkorlik subyektlari (yirik soliq to‘lovchilar, doimiy muassasa, budjet tashkiloti va davlat korxonasi, ustav jamg‘armasi (kapitali)da davlat ulushi 50 foiz va undan ko‘proq miqdorda bo‘lgan yuridik shaxslar bundan mustasno):

foydalar solig‘i, aylanmadan olinadigan soliq va ijtimoiy soliqni 1 foiz;

yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq va yuridik shaxslardan olinadigan yer solig‘ini mazkur soliqlar bo‘yicha hisoblangan summaning 1 foizi miqdoridagi soliq stavkalari bo‘yicha to‘laydi.

5-toifadagi tumanlarda ro‘yxatdan o‘tgan va shu hududlarda faoliyat yuritadigan yakka tartibdagi tadbirkorlar jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘ining qat‘iy belgilangan summalarini to‘lashdan ozod qilindi.

4-toifadagi tumanlarda ro‘yxatdan o‘tgan va shu hududlarda faoliyat yuritadigan tadbirkorlik subyektlari (yirik soliq to‘lovchilar, doimiy muassasa, budjet tashkiloti va davlat korxonasi, ustav jamg‘armasi (kapitali)da davlat ulushi 50 foiz va undan ko‘proq miqdorda bo‘lgan yuridik shaxslar bundan mustasno) uchun aylanmadan olinadigan soliqning bazaviy soliq stavkasi 3 foiz etib belgilanadi. Bunda, qonunchilikda nazarda tutilgan hollarda mazkur soliq bo‘yicha pasaytirilgan soliq stavkalari saqlab qolinadi.

¹⁹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Respublika hududlarini toifalarga ajratish va tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlashning tabaqalashtirilgan tizimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-287 son Farmoni

*Safarova Dilshodaxon Eshmuxammadovna,
FarDU tayanch doktoranti
Abdumannonova Nilufarxon Erkinjon qizi
ISMA Universiteti talabasi*

MAKROIQTISODIY BARQARORLIKNI TA'MINLASHDA SOLIQ IMTIYOZLARI VA ULARDAN SAMARALI FOYDALANISH

Annotatsiya: Mamlakatimizda iqtisodiy o'sishning barqarorligini ta'minlash davlat byudjeti daromadlarining ortishiga uzviy bog'liqdir. Soliq yukini kamaytirgan holda soliq bazasini kengayishtirish orqali davlat byudjeti daromadlari hajmini ko'paytirishga erishish soliq ma'murchiligini rivojlantirishni ko'zda tutadi.

Kalit so'zlar: barqaror iqtisodiy o'sish, davlat byudjeti daromadlari prognozi, soliq yuki prognozi, soliq imtiyozlari.

Аннотация: Обеспечение стабильности экономического роста в нашей стране неразрывно связано с увеличением доходов государственного бюджета. Достижение увеличения объема доходов государственного бюджета за счет расширения налоговой базы при одновременном снижении налогового бремени требует развития налогового администрирования.

Ключевые слова: стабильный экономический рост, прогноз доходов государственного бюджета, прогноз налоговой нагрузки, налоговые льготы.

Annotation: Ensuring the stability of economic growth in our country is inextricably linked to the increase in state budget revenues. Achieving an increase in the volume of state budget revenues by expanding the tax base while reducing the tax burden requires the development of tax administration.

Key words: sustainable economic growth, state budget revenue forecast, tax burden forecast, tax benefits.

Davlatimizda Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi asosida «O'zbekiston — 2030» strategiyasi ishlab chiqildi. Ushbu O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston — 2030» strategiyasi to'g'risidagi PF-158-sonli farmoni 2023 yil 11 sentyabrda qabul qilingan bo'lib, u quyidagi asosiy g'oyalarni o'z ichiga oladi:

-barqaror iqtisodiy o'sish orqali daromadi o'rtachadan yuqori bo'lgan davlatlar qatoridan o'rin olish;

-aholi talablariga va xalqaro standartlarga to'liq javob beradigan ta'lim, tibbiyot va ijtimoiy himoya tizimini tashkil qilish;

-aholi uchun qulay ekologik sharoitlarni yaratish;

-xalq xizmatidagi adolatli va zamonaviy davlatni barpo etish;

-mamlakatning suvereniteti va xavfsizligini kafolatli ta'minlash [1].

Yuqoridagi g'oyalardan biri bo'lgan iqtisodiy o'sishning barqaror sur'atlarini ta'minlash uchun esa iqtisodiyotga davlatning aralashuvi va tartibga solish mexanizmlari zarur hisoblanadi.

Davlatning iqtisodiyotga aralashuvi uning tartibga solish usul va vositalari orqali namoyon bo‘ladi. Davlatning iqtisodiyotni tartibga solishi ma‘muriy, huquqiy hamda iqtisodiy usullardan iborat. Ma‘muriy usullarga tashkiliy-institutsional usullar, monopoliyaga qarshi usullar, qonunchilik bajarilishi nazorati, kadrlarni o‘qitish va qayta tayyorlash kabi usullar kiradi. Huquqiy usullarga byudjetlararo munosabatlar va soliq qonunchiligini ishlab chiqish, mulkchilik munosabatlarini tartibga solish, investorlar huquqlarini himoya qilish, atrof-muhitni muhofaza qilish va hokazolardan tashkil topadi. Iqtisodiy usullarga esa byudjet orqali tartibga solish, pul-kredit orqali tartibga solish, soliq orqali tartibga solish, baho va tariflarni tartibga solish, investitsiya siyosati, ilmiy-texnika va innovatsiya siyosati, aholi daromadlarini tartibga solish siyosati hamda tashqi iqtisodiy siyosat kabilar kiradi.

Ma‘lumki, soliq tizimini takomillashtirish orqali soliq ma‘muriyatchiligi shaffofligini ta‘minlash, soliq to‘lovchilarning huquqiy savodxonligini oshirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni ishonchli himoya qilish borasida muayyan yutuqlarga erishilmoqda. Jumladan, 2023 yilda tadbirkorlik muhitini yanada yaxshilash borasida soliq stavkalarini pasaytirish va unifikatsiya qilish hamda qo‘shimcha qulayliklar yaratildi.

Qo‘shilgan qiymat solig‘i stavkasi amaldagi 15 foizdan 12 foizgacha pasaytirildi. Bu soliq stavkasining uch foiz pasaytirilishidan tadbirkorlar ixtiyorida qo‘shimcha 13 trln so‘m aylanma mablag‘ qolishi kutilgan bo‘lib, ushbu soliq bo‘yicha tushumlar joriy yilga nisbatan 16 trln so‘m ko‘p bo‘lishi prognoz qilingan.

Tadbirkorlarga qo‘shimcha yengilliklar yaratish uchun aylanmadan olinadigan soliqning amaldagi 14 faoliyat turi bo‘yicha 4 foizdan 25 foizgacha belgilangan stavkalari unifikatsiya qilinib, yagona 4 foiz etib belgilandi. Bunda hudud va faoliyat turiga qarab, 1 foizdan 3 foizgacha belgilangan pasaytirilgan stavkalar saqlanib qoladi.


Tovar aylanmasi 500 mln so‘mgacha bo‘lgan tadbirkorlar uchun yiliga 20 mln so‘m, aylanmasi 500 mlndan yuqori bo‘lganlar uchun yiliga 30 mln so‘m miqdorida qat‘iy belgilangan soliqni har oyda teng ulushlarda to‘lash huquqi berildi. Ushbu soliq to‘lovchilar buxgalteriya hisobini yuritishdan hamda foydasidan to‘lanadigan dividend solig‘idan ozod qilinadi.

Kichik va o‘rta biznesni rivojlantirishni rag‘batlantirish maqsadida tovar aylanmasi 1 mlrd so‘mdan oshgan kichik biznes toifasiga kiruvchi tadbirkorlar uchun 1 yil davomida foyda solig‘i stavkasini 2 baravarga kamaytirildi.

Mahalliy byudjet daromadlari barqarorligini ta‘minlash uchun qat‘iy belgilangan soliq stavkalari va bazalari inflyatsiya doirasida yoki 10 foiz indeksatsiya qilinishi nazarda tutilgan bo‘lib, bunda aksiz solig‘i stavkalari indeksatsiyasini 2023 yil 1 fevraldan amalga oshirish rejalashtirildi.

2023 yil uchun belgilangan soliq siyosatida asosiy soliq stavkalari foyda solig'ining bazaviy stavkasi 15 foiz, jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i 12 foiz, yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq stavkasi 1,5 foiz miqdorida saqlab qolindi.


2023 yil 1 apreldan boshlab byudjet mablag'lari hisobidan ko'rsatiladigan bir qator xizmatlar bo'yicha qo'shilgan qiymat solig'idan imtiyozlar bekor qilindi. Shu bilan birga, 2023 yilda boshqa normativ-huquqiy hujjatlar bilan berilgan soliq va bojxona imtiyozlarining muddatlari tugashi byudjet daromadlarida inobatga olingan.



1-rasm. 2023 yil davlat byudjeti daromadlari prognozining tarkibi, mlrd so'm[2].

2023 yilda davlat byudjeti daromadlari 232 607 mlrd so'm prognoz qilindi yoki YaIM ga nisbatan 21,8 foiz (2022 yilda 202 043 mlrd so'm yoki YaIM ga nisbatan 22,7 %). Bunda foyda solig'i 42848 mlrd so'm, aylanmadan olinadigan soliq 2812 mlrd so'm, jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i 17884 mlrd so'm, Qo'shilgan qiymat solig'i 6752 mlrd so'm, Aktsiz solig'i 4333 mlrd so'm, bojxona boji 5805 mlrd so'm, Mol-mulk solig'i 63775 mlrd so'm, yer solig'i 28296 mlrd so'm, yer qa'ridan foydalanganlik uchun soliq 15536 mlrd so'm, suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq 800 mlrd so'm va boshqalar 43767 mlrd so'm etib prognoz qilindi (1-rasm).

2023 yilda ayrim turdagi soliq stavkalarini pasayishi hisobiga soliq yukining kamayishiga qaramasdan Davlat byudjeti daromadlari o'sish bilan prognoz qilindi. 2021 yilda soliq yuki 22,4 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2022 yilda bu ko'rsatkich 22,7 foizga teng bo'lgan, 2023 yil uchun esa 21,8 foiz etib prognoz qilinmoqda (2-rasm).



2-rasm. 2021-2023 yillarda soliq yuki va davlat byudjeti daromadlari[2].

2023-yilning yanvar-avgust oylarida 135,3 mingdan ortiq tashkilot umumiy qiymati 15,1 trln so‘mdan ortiq soliq imtiyozlaridan foydalangan[3]. Bundan tashqari, 2212 ta korxonada moliyaviy xizmatlar bo‘yicha 9,4 trln so‘mlik QQSsiz operatsiyalar amalga oshirgan, 6683 ta korxonada 18,3 trln so‘m miqdorida QQS "nol" stavkasini qo‘llagan. Soliq turlari kesimida foydalanilgan soliq imtiyoz summalari Qo‘shilgan qiymat solig‘i – 7,9 trln so‘m, Foyda solig‘i – 2,2 trln so‘m, yer solig‘i – 1,6 trln so‘m, mol-mulk solig‘i – 1 trln so‘m, ijtimoiy soliq – 999,4 mlrd so‘m, aksiz solig‘i – 942,4 mlrd so‘m, jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i – 373,6 mlrd so‘m, aylanmadan olinadigan soliq – 47,9 mlrd so‘m, suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq – 4 mlrd so‘mga teng.

Yuqoridagi keltirilgan ma‘lumotlar orqali ko‘rishimiz mumkinki, jismoniy va yuridik shaxslarning soliq yuki sezilarli darajada kamaygan, demak 15,1 trln so‘mdan ortiq mablag‘ aholi turmush darajasining yaxshilanishiga sarflanadi hamda soliq bazasining kengayishiga olib keladi.

*u. f.n., docent Alimov Ilyhomjon Ikromovich
TDTpU “Ҳисоб ва бизнес” кафедраси
Рустамова Дилиода Бахтиёр қизи
TDTpU магистранти*

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ОРҚАЛИ
“СОЛИҚДАН ҚОЧИШ” ҲОЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ
МАСАЛАЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Аннотация.Мазкур тезисда Ўзбекистонда солиқдан қочиш ҳолатларининг моҳияти ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Тезисда ушбу ҳолатларни олдини олишда солиқ маъмуриятчилигининг олиб борадиган фаолиятини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: Давлат, қонун, бюджет, солиқлар, солиқдан қочиш, солиқ маъмуриятчилиги.

Аннотация. В данном тезисе раскрывается сущность и особенности фактов уклонения от налогов в Узбекистане. В тезисе предложена рекомендация по улучшению деятельности налогового администрирования по фактам уклонения от налогов.

Ключевые слова: Государство, закон, бюджет, налоги, уклонение от налогов, налоговое администрирование.

Abstract: This thesis reveals the essence and peculiarities of tax evasion in Uzbekistan. The thesis proposes a recommendation to improve the activity of tax administration on the facts of tax evasion.

Keywords: State, law, budget, taxes, tax evasion, tax administration.

Халқаро амалиётда “солиқдан қочиш” атамаси АҚШлик машҳур иқтисодчи Артур Леффер билан боғлиқ. Давлат бюджети тақчиллигини қисқартиришнинг усулларида бири бўлиб, бюджет даромадларини кўпайтириш ҳисобланади. Давлат бюджети тақчиллигини қисқартиришда ушбу усулдан фойдаланадиган мамлакат ҳукумати асосан, қуйидаги йўналишлардан фойдаланишлари мумкин:

1. Амалиётга янги солиқларни киритиш, яъни солиқлар турини кўпайтириши;
2. Мамлакатда амал қилаётган солиқларнинг фоиз ставкаларини кўтариши;
3. Амал қилаётган солиқлар бўйича солиқ тўловчиларга берилган имтиёзларни чеклаши ёки уларни умуман бекор қилиши.

Давлат бюджети тақчиллигини қисқартиришда мамлакат ҳукумати томонидан фақатгина ушбу усулдан фойдаланилганда иқтисодиётда “Леффер самараси” (Кривая Леффера) юзага чиқади. А.Леффер фикрича, солиқ ставкаларининг асосиз равишда ошириб юбориш натижасида маълум муддат давомида давлат бюджетига даромадларнинг ортиши кузатилади. Лекин солиқ ставкаси чегарадан ортиб кетса солиқ тўловчиларнинг “солиқлардан қочиши” юзага чиқади. Ушбу ҳолат эса, давлат бюджетига тўловларнинг камайишига олиб келади²⁰. Халқаро амалиётда кенг тарқалган солиқдан қочиш ҳолатлари сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юқини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими

²⁰ Современная экономика. Многоуровневое учебное пособие. Под.ред. проф. О.Ю. Мамедова. – Ростов-на Дону. 1998.

шакллантирилган. Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда эди. Мазкур камчиликларни ижобий ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сонли фармонида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги солиқ сиёсатига ўзининг диққат-эътиборини қаратиб “Тўртинчидан, фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак. 2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепсиясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутади. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин. Афсуски, ялпи ички маҳсулотда “яширин” иқтисодиётнинг улуши катта бўлиб, бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқишимиз зарур²¹” деб алоҳида таъкидлаган.

Мамлакатимизда 2018 йилда БМТТД ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистонда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилишга кўмаклашиш” деб номланган қўшма лойиҳаси доирасида “Фуқаролар учун 2019 йил бюджет лойиҳаси тўғрисида”ги статистик – кўрғазмали рисолани чоп этилиши мамлакатимиз аҳолиси учун қутилмаган воқеа бўлди. Бу ерда нима учун бюджет лойиҳаси тўғрисидаги ахборот мамлакатимиз фуқаролари учун фойдали бўлиши мумкинми? деган савол туғилади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси давлат бюджети маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишида иштирок этади. Шакллантиришда - солиқ тўловчи сифатида, фойдаланишда эса - давлат томонидан тақдим

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси.-Т: Ўзбекистон. 2019.

этиладиган хизмат ва имтиёзлар истеъмолчиси сифатида қатнашади. Айнан шу сабабли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат бюджетининг даромадлар қисмининг қандай шакллантирилиши ва улардан қайси мақсадларда фойдаланиш режалаштирилаётганлиги тўғрисида билишга ҳақлидирлар.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини оширишни таъминлаш мақсадида уларга бир қатор солиқ имтиёзлари берилган ва улар ҳозирда ҳам сақлаб қолинган. Бунинг натижасида, республикаимизда аҳоли турмуш даражасини ўсишига эришилмоқда. Миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратиш мақсадида уларга кенг миқёсда солиқ имтиёзлари берилган. Лекин сўнгги йилларда республикаимизда солиқдан қочиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ўзбекистонда фуқаролар ва тадбиркорлар ўртасида ўз фаолиятига тегишли бўлмаган солиқ имтиёзларидан ўз мақсадлари учун фойдаланиш орқали солиқдан қочиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда солиқдан қочиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида мутассади ташкилотлар томонидан аҳолини молия-солиқ саводхонлигини ошириш бўйича кенг қамровли ва мақсадли ишларни олиб бориш лозим. Ушбу йўналишда нафақат молия-солиқ органлари балки савдо-саноат палатаси, тадбиркор аёллар уюшмаси каби манфаатдор томонларни биргаликда ишлаши орқалигина аҳолини солиқ саводхонлигини оширишга эришиш мумкин бўлади деб ҳисоблаймиз.

Очилов Адҳам Музаффарович

ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази мустақил изланувчиси

СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Аннотация. Мақолада солиқ мажбуриятларини бажаришга таъсир этувчи омиллар ўрганилган ва тадқиқот якунида хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ мажбуриятлари, солиқлар, йигимлар, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, солиққа тортиш.

Аннотация. В статье изучены факторы, влияющие на исполнение налоговых обязательств, и сделаны выводы по итогам исследования.

Ключевые слова: налоговые обязательства, налоги, сборы, уклонение от уплаты налогов, налогообложение.

Abstract. In the article, the factors affecting the fulfillment of tax obligations are studied and conclusions are drawn at the end of the research.

Key words: tax obligations, taxes, levies, tax evasion, taxation.

Солиқ қонунчилигини ўрганиш миллий чегаралар билан чегараланиб қолмайди, чунки у универсал аҳамиятга эга бўлган глобал муаммодир. Хорижий мамлакатларнинг солиқ қонунчилигини ошириш борасидаги тажрибасини тушуниш ҳар қандай давлатнинг сиёсатчилари ва солиқ маъмурлари учун қимматли тушунчаларни бериши мумкин. Турли мамлакатлар томонидан қўлланиладиган стратегиялар ва мувофиқликка таъсир этувчи омилларни ўрганиш орқали ушбу тадқиқотимизда турли минтақаларда солиққа риоя қилиш ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга ҳаракат қилганмиз.

Солиқларга риоя қилишни тушуниш ички чегаралардан ташқарига чиқади. Турли мамлакатлар мувофиқликни ошириш учун турли стратегиялардан фойдаланадилар ва бу ёндашувлар ҳар бир миллатга хос бўлган маданий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар билан шаклланади. Солиқларга риоя қилиш бўйича халқаро истиқболлар бутун дунё бўйлаб стратегиялар ва тажрибаларнинг хилма-хиллигини баҳолаш учун жуда муҳимдир. Солиқ қоидаларига риоя қилиш омилларнинг мураккаб ўзаро таъсирига таъсир қилади, уларни урта асосий гуруҳга бўлиш мумкин: иқтисодий, ижтимоий ва институционал омиллар (1-расм).

Иқтисодий омиллар	<ul style="list-style-type: none"> • Солиқ юки • Даромад даражалари • Солиқнинг мураккаблиги
Ижтимоий омиллар	<ul style="list-style-type: none"> • Ижтимоий меъёрлар ва ахлоқ • Ҳукуматга ишонч • Тенгдошлар таъсири
Институционал омиллар	<ul style="list-style-type: none"> • Амалга ошириш ва аниқлаш • Солиқ тўловчи хизматлари • Солиқ тўловчиларни ўқитиш ва мулоқот • Адолатлилиқ ва шаффофлик

1-расм. Солиқ мажбуриятларини бажаришга таъсир этувчи омиллар²²

Энди расмдаги омилларни мазмунини очиб берсак, янада тушунарлироқ бўлишига хизмат қилади. Иқтисодий омиллар:

✚ солиқ юки - солиққа тортиш даражаси ва солиқ тизимининг қабул қилинган адолатлилиги риоя қилишга таъсир қилиши мумкин. Юқори солиқ

²² Муаллиф томонидан шакллантирилган

юки ёки ноҳақ солиққа тортишни идрок этиш риоя этишнинг пасайишига олиб келиши мумкин;

✚ даромад даражалари - юқори даромадга эга бўлган шахслар солиқ тўлашдан бўйин товлашдан кўпроқ фойда олишлари мумкин ва шунинг учун қоидабузарликларга кўпроқ мойил бўлишлари мумкин;

✚ мураккаб солиқ тизимлари хатолар эҳтимолини ошириши ва мувофиқликни камайтириши мумкин. Солиқ кодекси ва жараёнларини соддалаштириш риоя қилишни кучайтириши мумкин.

Ижтимоий омиллар:

✚ ижтимоий меъёрлар ва ахлоқ - ижтимоий меъёрлар моделида айтиб ўтилганидек, солиққа риоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий қадриятлар ва меъёрлар хатти-ҳаракатларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин;

✚ ҳукуматга ишонч ва солиқ тушумлари умумий манфаатлар учун ишлатилишига ишонч риоя қилишга ундаши мумкин;

тенгдошлар, оила аъзолари ва ҳамкасбларининг хатти-ҳаракатлари шахснинг мувофиқлик қарорларини шакллантириши мумкин.

Институционал омиллар:

✚ амалга ошириш ва аниқлаш - қонунбузарликларни аниқлашда солиқ органларининг самарадорлиги ва жаримага тортилиш эҳтимоли ҳал қилувчи омил ҳисобланади;

✚ йўл-йўриқ ва қўллаб-қувватлаш каби солиқ тўловчи хизматларининг сифати ва улардан фойдаланиш имконияти риоя қилишга таъсир қилиши мумкин;

✚ солиқ тўловчиларни ўз мажбуриятлари ва риоя қилишнинг афзалликлари ҳақида хабардор қилиш ижобий таъсир кўрсатиши мумкин;

✚ ҳар ким ўз улушини тўлайдиган адолатли ва шаффоф солиқ тизимини идрок этиш, риоя қилишни рағбатлантириши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу тадқиқотимиз доирасида хорижий давлатларнинг солиқ қонунчилигини кучайтириш борасидаги тажрибаларини ёритишга ҳаракат қилдик. Муваффақиятли ва муваффақиятсиз ташаббусларни ўрганиб чиқиб, биз солиқ сиёсати ва маъмурияти учун қимматли тушунчаларни топдик. Ушбу тажрибалардан олинган сабоқлар солиққа риоя қилиш бўйича янада самарали стратегия ва амалиётларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ишонч, ошкоралик, соддалик, рақамлаштириш ва мослашувчанлик муҳимлигини тушуниш ҳар қандай давлатда солиққа риоя қилишни яхшилашга интилишда муҳим аҳамиятга эга.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғининг тарихий ривожланиши ва эволюцияси бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, унинг мазмуни ва унга доир ислохотлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ, инфратузилма, товарлар, истеъмолчи, солиқ юки

Аннотация. В статье проведено исследование исторического развития и эволюции налога на добавленную стоимость в Узбекистане, рассмотрено его содержание и связанные с ним реформы.

Ключевые слова: налог, инфраструктура, товар, потребитель, налоговое бремя.

Abstract. In the article, research was conducted on the historical development and evolution of value added tax in Uzbekistan, its content and related reforms were considered.

Key words: tax, infrastructure, goods, consumer, tax burden

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳукуматлар учун муҳим даромад манбаи бўлиб, давлат хизматлари ва инфратузилмасини молиялаштириш учун ишлатилади. ҚҚС бутун дунёда кенг қўлланилади ва солиқларни ундиришнинг самарали усули ҳисобланади, чунки у солиқдан бўйин товлаш ва фирибгарликни камайтиради. Бироқ у истеъмолчиларга, айниқса даромади паст бўлганларга ҳам таъсир қилиши мумкин, чунки улар яқуний солиқ юкини кўтардилар.

Қўшилган қиймат солиғи мамлакат солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, давлат даромадлари ва иқтисодий ривожланишига сезиларли ҳисса қўшади. ҚҚС - ишлаб чиқариш ёки тарқатишнинг ҳар бир босқичида маҳсулот ёки хизматга қўшилган қийматдан ундириладиган истеъмол солиғи ҳисобланиб, билвосита солиқнинг бир тури бўлиб, у ҳукумат номидан корхоналар томонидан ундирилади ва пировардида истеъмолчилар томонидан тўланади.

ҚҚС одатда таъминот занжирининг турли босқичларида, ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчидан улгуржи сотувчига, чакана сотувчига ва яқуний истеъмолчигача қўлланилади.

Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғининг жорий этилишини мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида кузатиш мумкин. 1992 йилда Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин Ўзбекистонда бозорга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар, жумладан, ҚҚС қабул қилинди. Бу марказлашган, режали иқтисодиётдан бозорга йўналтирилган тизимга ўтиш халқаро

стандартларга кўпроқ мослаштирилган солиқ тизимини жорий этишни тақозо этди.

Ўзбекистоннинг ҚҚСнинг дастлабки тизими нисбатан паст стандарт ставкаси, солиққа тортиладиган товарлар ва хизматлар доирасининг чекланганлиги, соддалаштирилган маъмурий тузилмаси билан ажралиб турарди. Ушбу даврда солиқ тўлашдан бўйин товлаш, маъмурий имкониятларнинг етарли эмаслиги ва ижро механизмларининг йўқлиги каби муаммолар мавжуд эди.

2000 йилларнинг бошларида ҚҚС тизимида жиддий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғининг стандарт ставкаси оширилди, солиққа тортиладиган фаолият доираси кенгайтирилди, солиқ маъмуриятчилиги ва ижросини таъминлаш кучайтирилди. Ушбу ўзгаришлар даромадларни йиғишни яхшилаш, фискал барқарорликни ошириш ва Ўзбекистоннинг ҚҚС тизимини илғор халқаро тажрибага мослаштиришга қаратилган.

2015 йилда Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғи бўйича электрон ҳисоб-фактурани жорий этиш бўйича муҳим қадам ташланди. Ушбу модернизация ташаббуси шаффофликни ошириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш имкониятларини камайитиришга қаратилган. Электрон ҳисоб-фактура тизимлари реал вақт режимида мониторинг қилиш ва мувофиқликни яхшилаш имконини берди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда стандарт ҚҚС ставкасини пасайтириш сиёсати амалга оширилди. Бу ўзгаришлар ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, инвестицияларни рағбатлантириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган кенг қўламли иқтисодий ва фискал ислохотларнинг бир қисмидир.

Ўзбекистон ҚҚС тизимини уйғунлаштириш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Ушбу ҳамкорликлар Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи каби минтақавий ташкилотлар ва муассасалар билан мунозараларни ўз ичига олади, бу аъзо давлатлар ўртасида солиқ масалалари бўйича ҳамкорликни осонлаштиради.

Ўзбекистон ҚҚС тизимини ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришган бўлсада, муаммолар сақланиб қолмоқда. Улар маъмурий салоҳиятни доимий равишда такомиллаштириш, норасмий иқтисодиётни ҳал қилиш ва қонунларга риоя қилишни кучайтириш зарурлигини ўз ичига олади. Келгусида Ўзбекистон ҚҚС тизимини янада ислоҳ қилиш, жумладан, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш, ҚҚСни қайтариш тизимини кенгайтириш ва солиқ тўловчиларда ҚҚСга риоя қилиш маданиятини ошириш йўллариини ўрганишни кўриб чиқиши мумкин.

Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғининг тарихий ривожланиши ва эволюцияси мамлакатнинг янада замонавий ва самарали солиқ тизимини яратиш сари қилган йўлини акс эттиради. Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида жорий этилганидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаларини пасайтириш ва инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилган сўнгги сиёсат ўзгаришларигача ички муаммоларни ҳал этиш билан бирга солиқ тизимини халқаро стандартларга мослаштиришга интилди. Ўзбекистон ҚҚС тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда давом этар экан, асосийси даромадларни йиғиш ва иқтисодий ўсиш учун қулай муҳитни яратиш ўртасидаги мувозанатни топишдадир.

Алимардонов Ғайратжон Нуралиевич

ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистондаги норасмий иқтисодиёт ва солиққа тортиш муаммолари ва оқибатларини ўрганиб, уларнинг иқтисодий ривожланиш ва сиёсатни шакллантиришга таъсирига эътибор қаратилди.

Калим сўзлар: норасмий иқтисодиёт, солиққа тортиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, ижтимоий ҳимоя, давлат даромадлари, барқарор ўсиш, тенгсизлик, тадбиркорлик, солиқ маъмурияти, иқтисодий муаммолар.

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы и последствия неформальной экономики и налогообложения в Узбекистане, уделяя особое внимание их влиянию на экономическое развитие и выработку политики.

Ключевые слова: неформальная экономика, налогообложение, уклонение от уплаты налогов, социальная защита, государственные доходы, устойчивый рост, неравенство, предпринимательство, налоговое администрирование, экономические проблемы.

Abstract. The article examines the problems and consequences of the informal economy and taxation in Uzbekistan, focusing on their impact on economic development and policymaking.

Key words: informal economy, taxation, tax evasion, social protection, public revenue, sustainable growth, inequality, entrepreneurship, tax administration, economic problems.

Норасмий иқтисодий фаолиятнинг юқори даражаси ҳукумат учун солиқ тушумларининг камайишига олиб келади. Норасмий корхоналар кўпинча солиқ тўлашдан бўйин товлайди, бу эса расмий сектор корхоналари учун нотекис солиқ юкига олиб келади. Мураккаб ва оғир солиқ қоидалари корхоналарни

солиққа тортишдан қочиш учун норасмий фаолият юритишга ундаши мумкин. Солиқ тушумларини кўпайтириш ва норасмий иқтисодиётни расмийлаштиришни рағбатлантириш ўртасидаги мувозанатни сақлаш сиёсат муаммосидир.

Ўзбекистонда норасмий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари:


1. Ўзбекистонда иқтисодий фаолиятнинг маълум қисми норасмий секторда амалга оширилади, бу кўпинча расмий секторга киришдаги тўсиқлар, кредит олиш имкониятининг йўқлиги ва мураккаб бюрократик жараёнлар туфайли содир бўлади.

2. Иқтисодиётдаги норасмий операциялар кўпинча нақд пул тўловларини ўз ичига олади, бу эса ҳокимият учун ушбу фаолиятни кузатиш ва тартибга солишни қийинлаштириши мумкин.

3. Норасмий сектордаги иш ўринлари ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш ва меҳнат ҳуқуқлари каби расмий бандлик тақдим этадиган имтиёзлар ва ҳимоялардан маҳрум.

4. Норасмий иқтисодиёт расмий бандликни таъминлай олмайдиган шахслар учун мослашувчанликни таъминлаб, уларга турли хил даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш имконини беради.

Ўзбекистонда норасмий иқтисодиёт ва солиққа тортиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, мамлакат иқтисодий ривожланиши учун муаммолар ва имкониятларни тақдим этади. Ушбу муаммоларни самарали ҳал этиш расмийлаштиришга, давлат даромадларини оширишга ва норасмий сектор ишчиларининг меҳнат шароитларини яхшилашга ёрдам беради. Ўзбекистонда норасмий иқтисодиёт ва солиққа тортиш муаммоларини ҳал қилиш кўп қиррали ёндашувни талаб қилади. Потенциал сиёсат чоралари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин (1-расм):



1-расм. Ўзбекистонда норасмий иқтисодиёт ва солиққа тортиш муаммоларини бартараф этиш чоралари²³

Норасмий иқтисодиёт ва солиққа тортиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ҳар қандай давлатда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ривожланиш ва самарали сиёсат ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, биринчидан, норасмий иқтисодиёт динамикасини тушуниш ҳукуматларга ҳозирда расмий каналлардан қочиб кетиши мумкин бўлган потенциал солиқ тушумлари манбаларини аниқлашга ёрдам беради. Расмий секторга норасмий иқтисодий фаолиятни жалб қилиш сиёсатини амалга ошириш орқали ҳукуматлар солиқ базасини ошириши ва давлат хизматлари, инфратузилма ва ривожланиш лойиҳаларини молиялаштириш учун қўшимча даромад олишлари мумкин.

Иккинчидан, норасмий иқтисодий фаолият кўпинча солиқ тўлашдан бўйин товлашга олиб келади, натижада давлат даромадлари камаяди ва солиқ тўловчиларга адолатсиз юк тушади. Норасмий иқтисодиётда солиқ тўлашдан бўйин товлаш омилларини ўрганиш орқали солиқ органи ходимлари солиқ юкининг адолатли тақсимланишини таъминлаб, солиқ қонунчилигини оширишга қаратилган мақсадли стратегияларни ишлаб чиқишлари мумкин.

Учинчидан, норасмий иқтисодиётдаги ишчилар ва корхоналар кўпинча соғлиқни сақлаш, пенсия ва ишсизлик нафақалари каби ижтимоий ҳимоялардан фойдалана олмайди. Норасмийликни бартараф этиш ишчиларни яхши ижтимоий ҳимоялашга, қашшоқликни камайтиришга ва ижтимоий инклюзияни рағбатлантиришга олиб келиши мумкин.

²³ Муаллиф томонидан шакллантирилган

Тўртинчидан, норасмий иқтисодий фаолиятни расмий секторга интеграциялаш умумий иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиши мумкин. Расмийлаштирилган корхоналар кредит олиш, технология ва инновацияларга сармоя киритиш ва ўз фаолиятини кенгайтириш эҳтимоли кўпроқ. Бу иш унумдорлигини оширишга, янги иш ўринлари яратишга ва иқтисодий ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келиши мумкин.

Норасмий иқтисодиётнинг муаммолари ва хусусиятлари:

✓ расмий рўйхатдан ўтиш ва давлат органлари томонидан тан олинмаганлиги;

✓ норасмий ишчилар учун ижтимоий ҳимоя ва қонуний ҳуқуқлардан фойдаланишнинг чекланганлиги;

✓ норасмий бизнес кўпинча кичик миқёсда ишлайди ва кредит ва ресурсларга эга бўлмаслиги мумкин;

✓ норасмий ишчилар, одатда, расмий сектор ходимларига нисбатан камроқ иш хавфсизлиги ва камроқ имтиёзларга эга;

✓ норасмий иқтисодиётнинг тартибга солинмаганлиги сабабли унинг ҳажми ва кўламини аниқ ўлчашда қийинчилик.

Ўзбекистон норасмий иқтисодиёт ва солиққа тортиш муаммоларини ҳал қилиш мамлакатни янада барқарор ва динамик иқтисодиёт сари ундаши мумкин бўлган муҳим паллада турибди. Расмий иқтисодий фаолиятни рағбатлантирадиган, адолатли солиққа тортишни таъминлайдиган ва меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муҳитни яратиб, Ўзбекистон ўзининг тўлиқ иқтисодий салоҳиятини очиқ, фуқароларини юксалтириши ва келгуси йилларда барқарор ривожланишга ҳисса қўшиши мумкин.

Kamolov Mirjon Mirxonovich

“Mikrokreditbank” ATB Ichki nazorat bo‘limi boshlig‘i

JINOIY DAROMADLARNI LEGALLASHTIRISHGA QARSHI KURASHISH AMALIYOTINI TAKOMILLASHTIRISH

Avvalambor, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish deganda -pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk jinoiy faoliyat natijasida topilgan bo‘lsa, ularni o‘tkazish, mulkka aylantirish yoxud almashtirish yo‘li bilan ularning kelib chiqishiga qonuniy tus berishdan, xuddi shuningdek bunday pul mablag‘larining yoki boshqa mol-mulkning asl xususiyatini, manbaini, turgan joyini, tasarruf etish, ko‘chirish usulini, pul mablag‘lariga yoki boshqa mol-mulkka bo‘lgan haqiqiy egalik huquqlarini yoki ularning kimga qarashlilikini yashirishdan yoxud sir saqlashdan

iborat bo'lgan, jinoiy jazolanadigan ijtimoiy xavfli qilmish hisoblanadi.

Jinoyatning ob'yekti respublika iqtisodiy faoliyatining manfaatlari, jamoat xavfsizligi hisoblanadi. Obyektiv tomondan esa jinoyat yuqorida ko'rsatilganidek, noqonuniy topilgan daromadlar o'tkazish, aylantirish, almashtirish va boshqa usullar orqali amalga oshiriladi. Shunday ekan jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish iqtisodiyotning turli tarmoqlariga ta'sir ko'rsatadigan murakkab jarayon bo'lib, unga qarshi kurash choralariga, jumladan, ushbu salbiy hodisaning oldini olishga qo'yiladigan talablarni sezilarli darajada oshiradi.

O'z navbatida, jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashishni huquqiy ta'minlash moliyaviy, bank, bojxona munosabatlarini tartibga soluvchi, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish maqsadida kompaniyalarni litsenziyalash va ro'yxatdan o'tkazish tartibini belgilovchi qonunlar va qonunosti hujjatlari tizimi orqali amalga oshiriladi. Ko'pgina mamlakatlarda jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish bo'yicha huquqiy chora-tadbirlar uchun o'ziga xos asos bo'lib xizmat qiluvchi "namunali" qonunlar mavjud.

Jumladan, yurtimizda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish sohasi hozirgi paytda 2004-yil 26-avgustdagi "Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to'g'risida" qonun, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 20-sentabrdagi Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurash bo'yicha idoralararo komissiyani tashkil etish to'g'risida" gi PQ-3947-sonli qarori hamda boshqa ushbu sohada normativ-huquqiy hujjatlar bilan tartibga solinib kelinmoqda.

Zero, ushbu masalada Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish bo'yicha moliyaviy choralar ishlab chiquvchi guruh (Financial Action Task Force on Money Laundering — FATF) 2020-yilda O'zbekistonga tashrif buyurishi va baholashi ham muhim kasb etdi.

Ushbu o'zgarohlardan so'ng Prezidentimiz tomonidan 2021-yil 28-iyunda qabul qilingan PF-6252-son farmoniga ko'ra, yurtimizda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish milliy tizimini rivojlantirish strategiyasi tasdiqlandi.

Unga muvofiq, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish sohasida ishtirok etuvchi vazirlik va idoralar ro'yxati belgilandi, har uch yilda bir marta milliy darajada jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirish bilan bog'liq tavakkalchiliklarni baholash tartibi joriy qilindi hamda Bosh prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining axborotni

to'plash va unga ishlov berish bo'limi negizida yuridik shaxs maqomiga ega bo'lmagan Xavflarni baholash markazi tashkil qilinib, uning asosiy vazifalari belgilab qo'yildi.

Shunday bo'lishiga qaramasdan, ushbu sohada ko'plab kamchiliklar va muammoli holatlar o'z yechimi topmasdan kelmoqda. Jumladan, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish uchun ushbu daromadlar jinoiy yo'l bilan topilgani isbotlash hamda so'ng ushbu mol-mulklarni legallashtirish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Ammo ba'zi hollarda shaxsning daromadlari jinoiy yo'l bilan topilganligi sud tartibida tasdiqlanmasdan, ba'zi shaxslarning mulklari konfiskatsiya qilinish holatlari uchrab turmoqda.

Ikkinchidan, yurtimizda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish sohasini tartibga soluvchi yakdil qonun hujjarlarining mavjud emasligidir. Shu sababli, ushbu sohada ishlarni amalga oshirishda turli xil qarashlar, kelishmovchiliklar kelib chiqmoqda.

Xorij tajribasiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, Amerika Qo'shma shtatlarida ushbu sohani soluvchi bir qancha yakdil qonun hujjatlari mavjud. Jumladan, "Bank siri to'g'risida"gi qonun (Bank Secrecy Act-BSA), Korrupsiyalashgan va reketchilik tashkilotlari to'g'risida"gi qonun (RICO 1978 yil), Pul yuvishga qarshi kurash to'g'risidagi qonun (1986-yilgi qonun), Giyohvand moddalarni iste'mol qilishni nazorat qilish to'g'risidagi qonun

(1988-yil), "Federal depozitlarni sug'urtalash to'g'risida"gi qonun, "Jamiyatni rivojlantirish qonuni" (Annunzio-Wiley qonuni, 1992) va boshqa tartibga soluvchi hujjatlar mavjuddir[4].

E'tiborli jihati, barcha banklar va moliya tashkilotlari istalgan valyutadagi o'n ming AQSH dollari miqdoridagi barcha bank operatsiyalari, sayyohlik cheklari, pul o'tkazmalari haqidagi ma'lumotlarni doimiy ravishta saqlashlari va yangi mijozlar haqida barcha ma'lumotlarni o'rganib chiqishlari lozim.

O'z navbatida ushbu tartib aviakompaniyalar, moliyaviy kompaniyalar, mehmonxonalar, lombardlar, restoranlar va ulgurji sotuvchilarning operatsiyalariga ham taalluqlidir.

Shubhasiz, mansabdor shaxslar va butun jamiyat tomonidan bu kabi munosabatlarga faol munosabatda bo'lishi jinoiy faoliyatdan olinadigan daromadlarni legallashtirish jinoyatini oldini olishga xizmat qiladi. Ushbu masalada bir qancha xorijiy davlatlarda ham o'ziga xos tartiblar o'rnatilganiga guvoh bo'lishimiz mumkin. Xususan, Shveytsariya jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurash to'g'risidagi qonunning 9-moddasida keltirilishicha, Jinoyat kodeksida keltirilmagan bo'lgan taqdirda ham moliyaviy vositachilik bilan shug'ullanuvchilar jinoiy daromadlarni legallashtirish deb shubha ostida bo'lgan har qanday moliyaviy operatsiyalar haqida xabar berishlari lozim.

Hatto, bunday ma'lumotni taqdim etish majburiyatini buzish beparvolik natijasida sodir qilingan bo'lsa ham ushbu qilmish 200 000 Shveysariya frankigacha jarima bilan jazolanadi[6]. Bu kabi tartiblar va jazo tiziming o'rnatilishi va amaliyotda mustahkam qo'llash mexanizmi ishlab chiqish jinoiy faoliyatdan olingan daromadlar legallashtirish jarayonini kamaytirish xizmat qilishi, shubhasiz.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda ushbu jinoyatga qarshi faoliyatni yanada takomillashtirish uchun quyidagi xulosa va takliflarni ilgari surishimiz mumkin:

Birinchi, qonunchilikda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish tushunchasi aniqlashtirish va ushbu daromadlarni konfiskatsiya qilishning huquqiy mexanizmini yaratish

Ikkinchi, shubha ostidagi moliyaviy operatsiyalarni aniqlash, ularni ro'yxatga olish va ularni sodir etgan shaxslarni aniqlashga qo'yiladigan talablarni, shuningdek, tegishli materiallarni saqlashga qo'yiladigan talablarni belgilash.

Uchinchi, shubhali operatsiyalar to'g'risida davlat organlariga xabar berishga majbur bo'lgan moliyaviy institutlar doirasini aniq ravishda belgilab qo'yish.

To'rtinchi, shubhali moliyaviy operatsiyalar to'g'risida vakolatli organni xabardor qilish tartibini ishlab chiqish.

Beshinchi, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishda moliyaviy operatsiyalarni amalga oshiruvchi tashkilotlarga hamda shubhali moliyaviy operatsiyalarga aloqador bo'lgan hujjatlarini taqdim qilmagan yoki hujjatlarni yo'q qilgan mansabdor shaxslariga nisbatan javobgarlikni belgilash.

*Kuliyeva Feruza Ibragimovga
O'zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi tinglovchisi*

REAL SEKTORDA INVESTITSION LOYIHALARNI MOLIYALASHTIRISHNING RIVOJLANTIRISH YONALISHLARI

Real sektor korxonalarida investitsion loyihalarni moliyalashtirishni iqtisodiy tahlil qilish muhim ahamiyat kasb etsa, tahlil natijalariga asoslangan xulosalarni shakllantirish orqali korxonaning kelgusi yillarga mo'ljallangan strategik qarorlarni qabul qilishda foydalanish mumkin. Sifatli o'tkazilgan tahlil natijasida korxonada faoliyatida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan turli darajadagi xavf-xatar va risklarni oldindan ko'ra olish, aniqlash hamda ularni bartaraf etish yuzasidan strategik qarorlar qabul qilish, risklar darajasini kamaytirish maqsadida turli faoliyat yo'nalishlari bo'yicha diversifikatsiyalarni amalga oshirish imkoniyatlarini yuzaga keltiradi. Bu tadbirlar esa oxir oqibat korxonalarini inqirozli holatlarda ko'rishi mumkin bo'lgan

turli talafotlar darajasini qisqartirishga va bankrot bo'lishning oldini olishga xizmat qilishi mumkin.

Investitsiya faoliyatining bunday majmuaviy va chambarchas bog'langan tarkibiy tuzilmasi o'z o'rnida korxonalar uchun murakkab iqtisodiy tizim hisoblanadi. Shuning uchun zamonaviy iqtisodchi olimlar korxonalar iqtisodiy faoliyati tahlilini amalga oshirish jarayonida tizimli yondashuvdan foydalanishadi. Chunki korxonalar doirasida tahlilni amalga oshirish jarayonida iqtisodiy tahlil metodlaridan, xo'jalik yuritish faoliyati bilan bog'liq bo'lgan barcha aloqalarni tahlil qilishda foydalanishadi va butun bir iqtisodiy tizimni tahlil qilish jarayoni bilan uzviy bog'liqligidan dalolat beradi.

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, investitsiya faoliyatini samarali amalga oshirish korxonaning butun bir moliyaviy resurlarining tashkiliy tarkibiy tuzilmasi bilan bevosita bog'liq. Shuningdek, moliyaviy resurslar korxonalar ishlab chiqarish jarayonini vaqtinchalik tezlashtiradi. Chunki, moliyaviy resurlardan unumli foydalanmaslik, o'z vaqtida nazoratning izdan chiqishi va investitsiya faoliyati tahlilida yuzaga kelayotgan muammolar nuqtai - nazaridan bartaraf etmaslik korxonani og'ir oqibatlarga olib keladi. Agar korxonalar investitsiya faoliyatini amalga oshirmasa, o'z o'rnida asosiy va aylanma kapitalning eskirishiga olib keladi. Investitsiya faoliyatini sifat jihatdan amalga oshirilishi nafaqat asosiy kapitalning yangilanishiga, balki istiqbolli foydaga erishishga olib keladi. Natijada, korxonaning uzoq muddatli istiqbolli rivojlanishi ta'minlanadi.

Real sektor korxonalarining sof foydasi ortishi bilan ularning investitsiya faoliyatini moliyalashtirishga zarur bo'lgan mablag'lar ortishi kuzatiladi. Umuman, korxonalarining mavjud mablag'larini (investitsiyalar) yo'naltirish ob'ekti quyidagilar hisoblanadi:

- yangi uskuna, jihozlar, texnika vositalarini sotib olish va o'rnatish; - yangi innovatsion g'oyalarni moliyalashtirish;
- yangi bino-inshootlar qurish va foydalanishga topshirish;
- asosiy fondlarni ta'mirlash, yangilash va qayta qurollantirish;
- mahsulot assortimentini ko'paytirish va yangi bozorlarni zabt etish;
- kadrlar malakasini davriy ravishda oshirib borish.

Demak, O'zbekiston iqtisodiyotining taraqqiyotini ta'minlashda sanoat korxonalariga investitsiyalarni yo'naltirish muhim hisoblanib, eng avvalo, iqtisodiyotni intensiv rivojlantirish asosida va yangi texnika-texnologiyalar jalb qilish hamda o'zlashtirish negizida rivojlantirish bilan ifodalanadi.

Mamlakatimizda sanoat korxonalarining investitsiya faoliyatini moliyalashtirishda investitsiya manbalari (korxonaning o'z mablag'lari) yetishmasligi kuzatiladi. Korxonalarining moliyaviy natijalarining ijobiy emasligi zahirida korxonalarining moliyaviy ahvoli yomonlashadi, natijada, ular

investitsiya faoliyatini moliyalashtirishda tashqi moliyalashtirish manbalariga ehtiyoj sezadi. Sanoat korxonalarining investitsiya faoliyatini moliyalashtirishga mablag'larni jalb qilish shartlaridan biri investitsiya borasidagi hamkorlikda orttirilgan tajribani hisobga olgan holda investitsiyalarning tabiiy oqimini ko'paytirish hisoblanadi. Buning uchun mamlakatda investitsiya muhiti jozibadorligi va korxonalarining ichki investitsiya imkoniyatlarini oshirishning zarur choralari ko'rilishi lozim. Bu esa korxonalarining investitsiya faolligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi va investitsiya faoliyatini moliyalashtirishda o'ziga xos mexanizmning yaratilishiga zamin yaratadi.

Sanoat korxonalarini investitsiya faoliyatini moliyalashtirishda quyidagilarga e'tibor qaratish kerak:

- sanoat korxonalarida investitsiya faoliyatini moliyalashtirishda jalb etilgan mablag'lardan foydalanish mexanizmini yaratish;

- sanoat korxonalarini investitsiya faoliyatini moliyalashtirishga mablag'lar jalb qilishda an'anaviy usullar bilan birga, noan'anaviy usullardan (misol uchun venchurli moliyalashtirish) foydalanishga keng sharoitlar yaratish;

- sanoat korxonalarida investitsiya loyihalarini moliyalashtirishda innovatsion vositalardan foydalanish va ularni amalga oshirish.

Xulosa o'rnida alohida ta'kidlash mumkinki, xo'jalik yuritishning barcha darajasi biz tomonimizdan amalga oshirilgan maqolada to'laqonli o'rganildi. Ma'lumki, qator iqtisodchi olimlar tomonidan investitsiyalarni alohida olingan tahlili biz tomonimizdan amalga oshirilgan investitsiya faoliyati kompleks iqtisodiy tahlilini yuqori tartibda tizimlashtirishimiz uchun asos vazifasini o'tadi.

Fikrimizcha, milliy iqtisodiyotning real sektoridagi mavjud sharoit va imkoniyatlarni hisobga olgan holda, real sektor korxonalarida investitsion loyihalarni moliyalashtirishga qaratilgan bir qator chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur, shu jumladan:

- respublikamiz tijorat banklarida kreditlardan ko'rilgan zararlarni qoplashga mo'ljallangan zaxira ajratmalarini aktivlarni o'rtacha miqdoriga nisbatan darajasini 0,5% dan oshishiga yo'l qo'ymaslik lozim. Buning uchun birinchidan, tasniflangan kreditlarning umumiy hajmida yaxshi va standart kreditlarning salmog'ini pasayishiga yo'l qo'ymaslik va ikkinchidan, tijorat banklari aktivlarining barqaror o'sish sur'atlarini ta'minlash lozim.

- eksportni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish - bu borada an'anaviy eksport yo'nalishlaridan tushgan daromadlarni yangi texnologiyalarga va yangi sotuv bozorlarini egallashga qaratilgan investitsiyalarga aylantirish mexanizmini qayta ishlash jiddiy samara beradi;

- ishlab chiqaruvchilarni jahonning eng yaxshi namunalariga yo'naltiradigan xalqaro sertifikatlash va standartlash hamda mahsulotni attestatsiyadan o'tkazish

tizimini qayta ko‘rib chiqish orqali mahsulot sifatini baholash tizimini o‘zgartirish. Bu borada mahsulotning muayyan turlarini sertifikatlash bo‘yicha xalqaro tizim va bitimlarni hisobga olgan holda olib borish tartibini belgilovchi me‘yoriy hujjatlarni ishlab chiqish zarur.

- Respublikada ishlab chiqarilgan tovarlarni jahon bozoriga olib chiqish mahsulotning jahon standartlariga javob beradigan yuksak texnik saviyada bo‘lishidan tashqari marketing, reklama, maslahat, axborot va huquqiy xizmatlar uchun katta miqdordagi qo‘shimcha xarajatlarni ham talab qiladi. Shuningdek, xalqaro maslahat firmalari bilan yaqin aloqalarni yo‘lga qo‘yib, imkoniyatga qarab ularni eksport fondlari tarkibiga kiritish zarur.

Madvaliyev Azizbek Abdumalikovich

Markaziy bank Andijon viloyati bosh boshqarmasi bosh iqtisodchisi

MAMLAKAT IQTISODIYOTIDA KREDIT BOZORINING ROLINI OSHIRISH MEXANIZMLARI

Pul-kredit siyosatini amalga oshirish tartibi va ketma-ketligi turli mamlakatlarda iqtisodiyotning xususiyatlari hamda tarkibiy tuzilishiga qarab farqlanadi. Amaldagi O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonunga ko‘ra, Markaziy bankning bosh maqsadi milliy valyuta barqarorligini ta‘minlash hisoblanadi. Bunda “Milliy valyuta barqarorligi” tushunchasini ikki xil, ya‘ni almashuv kursining xorijiy valyutalarga nisbatan barqarorligi yoki uning ichki harid qobiliyati barqarorligi deb talqin qilish mumkin. Markaziy bankning pul-kredit siyosatining maqsadlari va asosiy yo‘nalishlari, shuningdek inflatsiyaning maqsadli ko‘rsatkichlariga erishish bo‘yicha majburiyatlarning aniq belgilanishi jamiyatda ijobiy iqtisodiy kutilmalarning shakllanishiga xizmat qiladi. Bugungi kunda aholining inflatsion kutilmalari ko‘p jihatdan valyuta bozoridagi almashuv kursining dinamikasi bilan bog‘liqligi inobatga olgan holda, qisqa muddatli davrda milliy valyuta kursining barqarorligini ta‘minlash pul-kredit siyosatining muhim vazifalaridan biri hisoblanadi.

Bugungi kunda bank tizimini rivojlantirishda banklarning texnik va texnologik rivojlanganligi alohida ahamiyat kasb etadi. Bu jarayonda zamonaviy innovatsion xizmatlar ko‘rsatishni qat‘iy yo‘lga qo‘yish, bank majburiyatini kafolatlash orqali unga aholi omonatlarini keng jalb etish tizim oldida turgan asosiy vazifalardan biridir.


Iqtisodiyotni modernizatsiyalash va liberallashtirish sharoitida kredit bozorining funksiyalarini takomillashtirish, uning asosiy ishtirokchisi bo‘lgan bank tizimini muqobil ishlash strategiyasini ishlab chiqish muhim vazifalardan biridir. Bunda tijorat banklarining innovatsion moliyaviy xizmat turlarini mijozlarga taqdim etishi, ularning ommabopligini ta‘minlashi asosiy vazifalardan biri hisoblanadi.

Ushbu vazifaning samarali amalga oshirilishini ta‘minlashda bank tizimining

jozibadorligini oshirish, ya'ni mijozlariga yaratilgan imtiyozlar, qulayliklar va eng asosiysi ularning ishonchini qozonish muhim ahamiyat kasb etadi. Iqtisodiyotning barcha bo'g'inarida shu o'rinda bank tizimida ham zanjirsimon ketma-ketlik uzluksiz tarzda faoliyat yuritishi lozim.

Pul-kredit siyosatini rivojlantirishning hozirgi bosqichda zamonaviy pul-kredit instrumentlarini joriy etish, amaldagilarni takomillashtirish va ularning ta'sir maxanizmini mustahkamlash, shuningdek ichki iqtisodiy cheklovlarni bartaraf etish bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirishga ustuvor ravishda e'tibor qaratilyapti. Bank nazoratini xalqaro amaliyot va andozalarga muvofiq holda takomillashtirilishi, bank tizimida raqobat muhitining kuchayishi hamda tijorat banklarining kredit siyosatida bozor mexanizmlarini keng qo'llashni davom ettirilishi, o'z navbatida, bank tizimiga bo'lgan ishonchni mustahkamlaydi va pul-kredit siyosati samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Milliy iqtisodiyot xususiyatlarini inobatga olgan holda, pul-kredit siyosati rejimlarinig o'ziga xos jihatlari va ta'sirchanligi tahlili o'rta muddatli istiqbolda Markaziy bankning ustuvor maqsadi sifatida narxlar barqarorligiga erishish vazifasiga inflatsion targetlash rejimi juda mos kelishini ko'rsatmoqda. Shundan kelib chiqqan holda, pul-kredit siyosatini amalga oshirishning tamoyil va usullarining inflatsion targetlashga bosqichma-bosqich yo'naltirish uchun zaruruiy huquqiy asoslar va tayanch iqtisodiy sharoitlar yaratildi.



1-rasm. O'zbekistonda yalpi ichki mahsulot (YAIM) va tijorat banklari kreditlari miqdorining ulushi hamda o'zgarish dinamikasi, trln.so'm.

2022 yilda O'zbekiston yalpi ichki mahsuloti 888,3 trln. so'mni tashkil qildi va

2021 yil bilan qiyoslaganda 16,8 foiz o'sishga erishgan. YaIM kishi boshiga 25,3 mln. so'mni tashkil qildi. 2014-2022 yillarda, O'zbekiston Respublikasining yalpi ichki mahsuloti va tijorat banklari kreditlarining hajmi o'sish tendentsiyasiga ega bo'lgan. Iqtisodiyotning real sektoriga yo'naltirilgan kredit qo'yilmalari hajmi o'tgan yilga nisbatan 2022 yilda 16,3 foizga oshib, 2022 yil holatiga 390,1 trln. so'mga yetdi, kreditlarning YaIM nisbatan darajasi 44 foizni tashkil etdi (1-rasm).

Xorijiy davlatlar tajribalarini ko'radigan bo'lsak Birlashgan Arab Amirliklari Pul-kredit siyosati narxlar barqarorligini saqlash va inflatsiya darajasini minimal darajada ushlab turishni samarali amalga oshirilsa, mamlakatning iqtisodiy o'sishida muhim ro'l o'ynaydi. Bunday maqsadlarga mamlakatning pul-kredit hokimiyati tomonidan pul taklifi, pul mavjudligi va pul qiymati yoki foiz stavkasini nazorat qilish jarayoni orqali erishiladi. Pul-kredit siyosati iqtisodiyotdagi o'zgarishlar bilan bevosita bog'liq. Shunday qilib, BAA ning asosiy maqsadi mamlakat ichidagi jozibador iqtisodiy vaziyat darajasini barqarorlashtirish uchun o'z vositalari, ya'ni foiz stavkasi, inflatsiya va pul taklifi orqali iqtisodiy o'sishni rag'banlantirishdan iborat.

Shvetsariya franki hech ham jiddiy inflyatsiyaga uchramaganligi bilan boshqa davlat pul birliklari orasida alohida o'ringa ega. Banklarning sarmoya bo'yicha xizmatlari va internet bank tizimlari ham qulay va mukammal tarzda ishlab chiqilgan. Ko'pchilik Shveysariya bankida omonatga ega bo'lishni orzu qiladi, chunki bu harakatlar foydali va ko'p afzalliklarga ega. Birinchidan, ular investitsiya qilingan pulni yo'qotish xavfi deyarli yo'qligini o'z ichiga oladi. Shveysariya bankining har qanday mijozi bank siri hech qachon oshkor etilmasligiga 100% ishonch hosil qilishi mumkin va barcha operatsiyalar faqat maxfiy tarzda amalga oshiriladi. Shveysariyaning eng yirik banki UBS mamlakat fuqarolari uchun smartfonlar yordamida hisob ochish imkoniyatini e'lon qildi.

Xulosa o'rnida shuni aytish o'rinliki – Dubay Islom Banki (Jamoat Aksiyadorlik Jamiyati) dunyodagi birinchi to'liq islom banki bo'lib, an'anaviy islomiy qadryatlarning eng yaxshilarini zamonaviy moliya institutini tavsiflovchi texnologiya va innovatsiyalar bilan uyg'unlashtirilgan kashshof muassasa sifatida o'ziga xos xususiyatga ega. Shu jumladan bizning mamlakatda ham islom moliyasi banki tizimini joriy qilinsa Dubay islom banki (BAA), Al-Baraka (Bahrayn), Kuwait finance House singari bir qator islom banki, moliya muassasalari kirib kelishi va ular mahalliy biznes loyihalarini moliyalashtirish, bank tarmog'iga sarmoya kiritishiga deyarli shubha yo'q. Shuningdek, bunday xizmatlarni yangi yangi moliyaviy texnologilarni qo'llash orqali mamlakatimizni yanada rivojlanishiga katta imkoniyatlar va yutuqlar bo'lar edi. Bular misol tariqasida quyidagi loyihalar bo'lishi mumkin:

- 1) Yagona ma'lumotlar bazasini tashkil etish. Bu degani biron bir biznes

yurituvchi tashkilot haqida ma'lumot (daromadi, sof foydasi, ishlab chiqarish yoki xizmatlar hajmi, ishchi personallar soni)ni onlayn ko'rishni imkonini beradigan platforma, saytlar va mobil ilovalar yaratish;

2) Ushbu yuqoridagi tashkilotlarda analiz tahlil olib borgan investor tomonidan biznesga onlayn, qulay va ishonchli pul tikish hamda daromadni ma'lum bir kelishilgan qismini (ulushini) olishi va ushbu biznes haqida jonli kunlik monitoringini yoritib beruvchi dasturlar yaratish;

Mansurova Arofatxon Shavkat qizi
Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar
instituti tayanch doktoranti

INNOVATSION MEXANIZMLAR ORQALI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI

Sanoat hozirgi kunda respublikamiz iqtisodiyotining asosiy tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Bunga asosiy sabablardan biri, sanoat boshqa sohalar va tarmoqlardan qo'shimcha qiymat yaratish, aholining ehtiyojlarini qondirishdagi o'rni va yuqori darajadagi ishlab chiqarish hajmi bilan ajralib turadi. Sanoat tarmoqlarining rivojlanishi milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlanishiga va aholi iqtisodiy farovonligi oshishiga olib keladi. Buni yuqorida ko'rib chiqqan rejalarimizda Sharqiy Osiyo mamlakatlari misolida tahlil qildik. Sanoat tarmoqlaridagi barcha qazib olingan va yetishtirilgan resurslarni qayta ishlash, ulardan yangi mahsulotlar ishlab chiqarish hisobiga diversifikatsiya jarayoni yaxshilanadi.


Prezidentimiz Sh.Mirziyoev ham Oliy Majlisga yo'llagan murojaatnomasida sanoat tarmoqlarini rivojlantirish va ulardagi ishlab chiqarish hajmini oshirish masalasi bugungi kundagi mamlakatimiz iqtisodiyoti oldida turgan dolzarb vazifa ekanligiga alohida to'xtalib, quyidagi fikrlarni ta'kidlab o'tdi: "...iqtisodiy o'sishga, avvalo, raqobatdosh sanoat zanjirlarini yaratish hamda bunday loyihalarga investitsiyalarni ko'paytirish orqali erishiladi. Garvard universiteti tadqiqotlariga ko'ra, mamlakatimiz 50 dan ortiqni ishlab chiqarishda barcha imkoniyatlarga va nisbiy ustunliklarga ega.

Ayniqsa, neftgaz-kimyoy, metallurgiya, mashinasozlik, elektrotexnika, farmatsevtika, qurilish materiallari, to'qimachilik, charmpoyabzal, oziq-ovqat hamda "yashil iqtisodiyot" bilan bog'liq sanoat tarmoqlari iqtisodiyotimiz "drayverlari"ga aylanishi uchun barcha yetarli sharoitlar mavjud". Bugungi kunda mamlakatimizda sanoat ishlab chiqarishining barqaror rivojlanishi nafaqat respublika, balki hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi va iqtisodiy xavfsizligini ta'minlashning muhim omillaridan biri sifatida qaralmoqda.

Adabiyotlar tahlili. Sanoatni rivojlantirishning dolzarbligi va iqtisodiyotni takomillashtirishda tutgan o'rnining nihoyat darajada kengligi bilan doimiy ravishda tadqiqotchi olimlarning diqqat markazida bo'lib kelgan. Xususan, mavzu yuzasidan xorijlik olimlardan Jon Xiksning fikricha “sanoat rivojlanishi hamda inqilobida xususiy mulk, samarali sud hokimiyatini shakllantirish, savdo rivojlanishi, yer savdosi erkin bo'lishi, moliya bozorlarining rivojlanishi, ilm-fanning rivojlanishi kabi iqtisodiy va ijtimoiy omillar muhim o'rin egallaganligini ko'rsatib o'tgan”.

A. Musson va Y. Robinsonlarning fikricha “Sanoat inqilobi shunchaki ilmiy tayyorgarlikdan mahrum bo'lgan savodsiz amaliy hunarmandlarning mahsuli emas edi. Bug' energetikasini rivojlantirishda, kimyo sanoatining o'sishida va boshqa turli sohalarda olimlar muhim hissa qo'shdilar va ilmiy tayyorgarlik ko'rgan sanoatchilar ham o'zlarining ishlab chiqarish jarayonlarida amaliy fandan foydalanganlar”.

Tahlil va natijalar muhokamasi. Mamlakatimizda izchil amalga oshirilayotgan istiqbolli loyihalar tufayli milliy va mintaqaviy sanoat salohiyati oshib bormoqda. Xususan, oxirgi yillarda iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida barqaror o'sish sur'atlariga hukumat tomonidan hududlarda qabul qilingan tarmoq dasturlari va qarorlarida belgilangan parametrlarni amalga oshirish hisobiga erishildi (1-rasm).



1-rasm. Respublikada sanoat mahsuloti ishlab chiqarishning o'sish sur'ati, o'tgan yilga nisbatan foizda [1]

Statistik ma'lumotlarga ko'ra 2020-yilda Respublika korxonalari tomonidan 367,1 trln. so'mlik sanoat mahsulotlari ishlab chiqarilgan bo'lib, o'tgan yilning tegishli davriga nisbatan sanoat ishlab chiqarishining fizik hajm indeksi 100,7 %ni tashkil etdi. Sanoat ishlab chiqarishi tarkibida eng katta ulush ishlab chiqaradigan sanoat hissasiga to'g'ri kelib, uning jami sanoat ishlab chiqarishidagi ulushi (83,0

%)ni tashkil etdi. Jami sanoat ishlab chiqarishi fizik hajmi pasayishining asosiy omili bo'lib, tog'kon sanoati va ochiq konlarni ishlash sanoatida - 21,9 %ga va suv bilan ta'inlash, kanalizatsiya tizimi, chiqindilarni yig'ish va utilizatsiya qilishda - 7,9 % ga pasayish kuzatildi. Shuningdek, ishlab chiqaradigan (qayta ishlash) sanoatning - 7,1 %ga hamda elektr, gaz, bug' bilan ta'minlash va havoni konditsiyalashning - 12,5 % ga o'sishi kuzatildi.

Endi mamlakatimizda faoliyat olib borayotgan hamda yangi tashkil qilingan sanoat korxonalari soni to'g'risidagi raqamlarni kuzatsak. Bugungi kunda respublikada 85,5 mingta sanoat korxonalari faoliyat ko'rsatmoqda, shundan 15,9 mingtasi (ro'yxatdan o'tgan korxonalar umumiy sonining 18,6 %) Toshkent shahriga, 9,4 mingtasi (10,9 %) Farg'ona viloyatiga, 8,8 mingtasi (10,3 %) Toshkent viloyatiga, 8,7 ming- tasi (10,1 %) Andijon viloyatiga, 7,3 mingtasi (8,5 %) Samarqand viloyatiga, 6,8 mingtasi (8,0%) Namangan viloyatiga to'g'ri kelmoqda.

Tahlil ma'lumotlari shundan dalolat beradiki, o'tgan davr mobaynida sanoatdagi tarkibiy o'zgarishlar natijasida sohaning mintaqa iqtisodiyotidagi ulushi, mahsulot ishlab chiqarish salohiyati sezilarli darajada oshdi. Lekin hali mintaqa sanoati rivojlanishi uchun mavjud imkoniyatlardan to'liq foydalanilmayapti. Bu jarayon quyidagi omillar bilan bog'liq:

- moddiy xomashyo resurslaridan foydalanish samaradorligini past darajada ekanligi;

- sanoat majmuiga kiritilgan investisiyalar tarmoq mahsulotlari eksporti salmog'ining oshishiga hissa qo'sha olmayotganligi, asosan ichki bozor uchun mahsulot yetkazib berish bilan cheklanishi;

- sanoat korxonalarida mavjud kapitalning moddiy va ma'naviy jihatdan eskirganligi, natijada mahsulot yaratishda tannarxning yuqori darajaga chiqib ketishi, sifat darajasi bo'yicha import mahsulotlar sifati bilan raqobatlasha olmayotganligi, elektr energiyasi va qo'l mehnatidan foydalanish qisqarmaganligi. Bu kabi muammolar sanoatda tarkibiy investitsion siyosatni yanada takomillashtirish yuzasidan aniq chora-tadbirlar ishlab chiqishni talab etadi. Shu bilan birga mamlakat sanoati rivojlanishini ta'minlovchi quyidagi yo'nalishlarni taklif etamiz:

- korxonalarda innovatsion salohiyatni takomillashtirish, ilm va yuqori texnologiya talab qiladigan yangi korxonalar tashkil etish va import mahsulotlari bilan raqobatlasha oladigan mahsulotlar ishlab chiqarish;

- sanoatda xususiy tarmoq va kichik tadbirkorlik ulushini oshirish;

- diversifikatsion faoliyatni takomillashtirish, ichki zahira va mavjud imkoniyatlardan to'liq foydalanishni ta'minlash lozim bo'ladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, amalga oshirilgan va oshirilayotgan islohotlarning barchasi mintaqaning iqtisodiy barqarorligining oshishi bilan birga,

aholi turmush farovonligiga ham ijobiy ta'sir etishi kerakligini davrning o'zi taqozo etmoqda.

Maxmarayimov Jahongir G'aznayevich
AT "Xalq banki" Ichki audit departamenti katta auditor

TIJORAT BANKLARDA AUDITORLIK DALILLARI VA ULARNI SHAKILLANTIRISH MASALALARI

Aholining bankdagi omonat jamg'armalari tijorat banklarining resurs bazasini tashkil etadi. Aholi bank xizmatlarining asosiy iste'molchisidir. Bozor munosabatlariga o'tilgach, aholiga bank xizmatlarining ko'rsatilishini rivojlantirish va takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu boisdan, mijozlarning bank depozitlariga bo'lgan ishonchini qozonish va ular uchun barcha qulayliklarni yaratish, shuningdek, xizmatlar turi, sifati va tezkorligini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi. Buning uchun tijorat banklari zamonaviy xizmatlarini joriy etishga, yangi texnologiyalardan foydalanishga yanada ko'proq ehtiyoj sezmoqdalar.

Xususan bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Mirziyoev o'z nutqida "Bank tizimini rivojlantirish uchun bu yil keskin choralar ko'rishimiz lozim. Afsuski, bank tizimi raqamli texnologiyalarni qo'llash, yangi bank mahsulotlarini joriy etish va dasturiy ta'minotlar bo'yicha zamon talablaridan 10-15 yil orqada qolmoqda. Keyingi yildan boshlab har bir bankda keng ko'lamli transformatsiya dasturi amalga oshiriladi. Bu borada banklarimizning kapital, resurs bazasi va daromadlarini oshirish alohida e'tiborimiz markazida bo'ladi" deya, ta'kidlab o'tgan edilar.

O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarida omonat operatsiyalari bank kredit resurslarini shakllantirishning muhim manbalaridan biri bo'lib, uni rivojlantirish zamonaviy bank biznesining ajralmas strategik yo'nalishi sanaladi. Shuni inobatga olgan holda, tijorat banklari omonat operatsiyalarida mijozlarni identifikatsiya qilishdan tortib, omonatlarni masofadan boshqarishga qaratilgan yangi texnologiyalarni amaliyotga joriy qilmoqdalar.

Hindiston hukumati tomonidan moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish bo'yicha quyidagi chora-tadbirlar amalga oshirilgan:

- Aadhaar UIDAI tizimida ro'yxatdan o'tish jarayonida shaxsni tasdiqlovchi hujjatlarga moslashuvchan talablar taqdim etiladi, bu ko'plab odamlarda asosiy identifikatsiya hujjatlari bo'lmagan yurisdiksiyalarda aholini to'liq qamrab olish va foydalaniladigan biometrik ma'lumotlarga asoslanadigan betakrorlikni o'rnatish.

- Ro'yxatdan o'tish butun mamlakat bo'ylab vakolatli registrlar ishtirokida (asosan, davlat hukumatlari, markaziy vazirliklar, banklar va davlat idoralari) biometrik ma'lumotlarni yig'ish dasturi va UIDAI tomonidan belgilangan boshqa uskunalardan foydalangan holda amalga oshiriladi.

- Ro'yxatga oluvchilardan ayollar, bolalar, qariyalar, nogironlar, malakasiz va uyushmagan ishchilar, ko'chmanchi qabilalar va doimiy yashash joyisiz qolgan barcha marginal / zaif aholini ro'yxatga olish bo'yicha maxsus choralar ko'rish talab qilinadi.

UIDAI ro'yxatga olish paytida asosiy xususiyatlarni tekshirish uchun shaxsni tasdiqlovchi hujjatlarning har xil turlarini qabul qiladi:

- ism va fotosuratni o'z ichiga olgan 32 turdagi shaxsni tasdiqlovchi hujjatlar;

- Oilaviy munosabatlarda bo'lganligini tasdiqlovchi 14 turdagi hujjatlar; • Tug'ilgan kunini ko'rsatadigan 10 turdagi hujjatlar;

- Manzilni ko'rsatgan holda 45 turdagi hujjatlar.¹

Agar biron bir shaxsda «e'lon qilingan» shaxsni tasdiqlovchi hujjatlar bo'lmasa, u Aadhaar tizimida ro'yxatdan o'tishi mumkin, agar uning familiyasi oilaviy huquqni tasdiqlovchi hujjatga kiritilgan bo'lsa va ushbu oila boshlig'i Aadhaar tizimida kerakli shaxsiy guvohnoma asosida ro'yxatdan o'tgan bo'lsa - shaxsni tasdiqlovchi hujjat yoki manzilni tasdiqlovchi hujjat - va uni ro'yxatdan o'tkazish paytida oila a'zosini anglatadi. Agar munosabatlarni tasdiqlovchi hujjatlar yoki boshqa zarur hujjatlar bo'lmasa, rezident shaxslarni ro'yxatga olish idorasi yoki mintaqaviy Aadhaar vakolatxonasi tomonidan ro'yxatdan o'tgan va ro'yxatga olish markazida bo'lishi mumkin bo'lgan vakillarni yoki faxriylarni jalb qilishi mumkin.

Identifikatsiyadan foydalanish: Muhimi, 2019 yil iyul oyida Oliy sudning 2018 yil 26 sentyabrdagi qaroriga binoan qabul qilingan Aadhaar sxemasiga o'zgartirishlar kiritish to'g'risidagi qonunga binoan va maxfiylik sababli asl Aadhaar sxemasi to'g'risidagi qonunning ba'zi qoidalarini bekor qilish. - Aadhaar raqami soliq maqsadlari va Hindiston hukumati jamg'armasi tomonidan moliyalashtiriladigan davlat imtiyozlari, grantlari va xizmatlari uchun hali ham talab qilinadi, ammo endi bankda hisob raqamini ochish (yoki mobil telefon raqamini olish) shart emas. Biroq, identifikatsiyaning maqsadlari uchun Aadhaar raqamidan foydalanish qat'iyan ixtiyoriy va mijozning xabardor roziligiga asoslanishi kerak. Tartibga solinadigan sub'ektlar o'z mijozlarining shaxsini quyidagilar asosida tekshirishlari mumkin: Aadhaar raqamini oflayn rejimda tasdiqlash, Pasport yoki markaziy hukumat tomonidan belgilangan boshqa hujjatlar.

O'zbekistonda tijorat banklari uchun raqamli identifikatsiyani ishlab chiqish moliyaviy sohaga xavfsizlik va jismoniy shaxslarni identifikatsiyalashning qulayligini ta'minlaydi. Bundan tashqari, bu tartibga solinadigan sub'ektlarning

xarajatlarini kamaytiradi va samaradorligini oshiradi. Shaxsni identifikatsiyalash tizimi "O'z mijozingni bil" (KYC - Know Your Customer) tartibini soddalashtiradi.

O'zbekiston tijorat banklari tizimida mijoz bankka kelgan holda bevosita unga xizmat ko'rsatayotgan xodim tomonidan avtomatlashtirilgan bank tizimiga kiritiladi va bunda inson omili bilan bog'liq xato kamchilikka yo'l qo'yish riski yuqori. Ushbu holatdan hamda FATF talablaridan kelib chiqqan holda ushbu jarayonda yuqori riskni minimallashtirish lozim. Hozirgi kunda mamlakatimiz tijorat banklarida ichki ishlar vazirligining jismoniy shaxslarning pasport ma'lumotlari olingan va undan faqatgina ma'lumot bazasi sifatida foydalanilmoqda. Taklifim ichki ishlar vazirligi ma'lumot bazasini bankning avtomatlashtirilgan mamlakatimiz bank tizimiga integratsiya qilib, har bir mijozga hisob raqam ochilish jarayonida avtomat identifikatsiya, verifikatsiyadan o'tkazilsa, yuqori riskni minimallashtirishga erishiladi. Bunda yangi mijoz bankka kelmasdan turib telefon raqami bo'yicha onlayn hisob raqam ochilishida pasport ma'lumotini kiritadi va barmoq izi bilan tasdiqlaydi hamda identifikatsiyani tasdiqlash videoni tanib olish orqali yuzni aniqlash yordamida amalga oshiriladi. Tekshirish jarayonini yakunlash uchun foydalanuvchi shaxsini tasdiqlovchi hujjat taqdim etadi. Bankning avtomatlashtirilgan bank tizimi esa o'z navbatida barcha ma'lumotni ichki ishlar vazirligi bazasi bilan solishtirib, tekshirib verifikatsiyadan o'tkazadi.

Oxinjonov Mirzoxid Mirkomilovich

"Mikrokreditbank" ATB Farg'ona viloyati mintakaviy filiali Chakana biznesni shu'basi mudiri

O'ZBEKISTONDA MIKROKREDIT TASHKILOTLARIDA KREDIT RISKLARINI KAMAYTIRISH YO'LLARI


O'zbekistonda mikrokredit institutlarining barqarorligi muhim masaladir, chunki bu ularning mamlakatdagi kam ta'minlangan aholiga moliyaviy xizmatlar ko'rsatishni davom ettirish qobiliyatiga ta'sir qiladi. Mikrokredit tashkilotlarining moliyaviy barqarorligiga bir qator omillar, jumladan, muassasaning biznes modeli, bozordagi raqobat darajasi va moliyalashtirish manbalarining mavjudligi ta'sir ko'rsatadi.

Mikrokredit tashkilotlari barqarorligining asosiy omillaridan biri bu ularning biznes modelidir. Har xil turdagi Mikrokredit tashkilotlar donor mablag'lariga tayanadigan notijorat tashkilotlardan tortib, kreditlar bo'yicha foizlar orqali daromad keltiradigan notijorat tashkilotlarigacha bo'lgan turli modellarga ega. O'zbekistondagi ba'zi Mikrokredit tashkilotlar ham notijorat va notijorat modellari jihatlarini birlashtirgan gibridd modelni qo'llagan.

Tadqiqot maqsadlariga erishish uchun aralash usulli tadqiqot loyihasini qabul qiladi. Ushbu yondashuv sifat va miqdoriy ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilish imkonini beradi. Yig'ilgan ma'lumotlar ham sifat, ham miqdoriy ma'lumotlarni tahlil qilish usullaridan foydalangan holda tahlil qilinadi. Intervyu va fokus-guruh muhokamalaridan olingan sifatli ma'lumotlar transkripsiya qilinadi va kontent-tahlil yordamida tematik tahlil qilinadi. So'rovning miqdoriy ma'lumotlari tavsiflovchi statistik ma'lumotlar, jumladan chastotalar, vositalar va foizlar yordamida tahlil qilinadi. O'zbekistonda mikrokredit xizmatlari muvaffaqiyatiga ta'sir etuvchi omillarni aniqlash uchun ma'lumotlar regression tahlil yordamida ham tahlil qilinadi. Tadqiqot ma'lumotlarni tahlil qilish uchun Statistik paket (Stata) dasturidan foydalanadi.

O'zbekistonda bir xil mijozlar jamg'armasi uchun raqobatlashayotgan Mikrokredit tashkilotlar soni ortib bormoqda, bu esa alohida muassasalar uchun qarz oluvchilarni jalb qilish va ushlab qolishda qiyinchiliklarga olib kelishi mumkin. Ba'zi Mikrokredit tashkilotlar raqobatchilardan ajralib turish uchun mobil banking va onlayn kreditlash platformalari kabi innovatsion mahsulot va xizmatlarni taklif qilish orqali ushbu muammoga javob berdi.

Natijada, hisobot yilida mikrokredit tashkilotlarining jami aktivlari o'tgan yilga nisbatan 47 foizga (409 mlrd.so'mga) oshib, 1,3 trln. So'mga yetdi. Bunda mikrokredit tashkilotlari aktivlari hajmining 409 mlrd.so'mga ortishi asosan kreditlarning 379 mlrd.so'mga va asosiy vositalarning 12 mlrd.so'mga oshishi hisobiga shakllandi.




1-rasm. Nobank kredit tashkilotlari aktivlari va kredit qoldig‘i, mlrd.so‘mda

O‘tgan yilda mikrokredit tashkilotlarining jami majburiyatlari 77 foizga oshib, 586 mlrd. so‘mni, lombardlar jami majburiyatlari esa 14 foizga oshib, 21 mlrd. so‘mni tashkil etdi. Mikrokredit tashkilotlari majburiyatlarining 95 foizi hamda lombardlar majburiyatlarining 60 foizi jalb qilingan mablag‘lar hisobiga shakllandi.

2021 yilda mikrokredit tashkilotlari jami kapitali 29 foizga, 686 mlrd. so‘mga, lombardlar jami kapitali 47 foizga, 188 mlrd. so‘mga yetgan bo‘lsa, ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotining jami kapitali 12 foizga oshib, 114 mlrd. so‘mni tashkil etdi. Bunda mikrokredit tashkilotlari kapitalining 155 mlrd.so‘mga ko‘payishi, asosan ustav kapitalining 51 mlrd. so‘mga va sof foydaning 88 mlrd.so‘mga o‘shishi hisobiga, lombardlar kapitalining ko‘payishi esa asosan ustav kapitalining 16 mlrd. so‘mga va sof foydaning 42 mlrd. so‘mga oshishi hisobiga shakllandi.

Mikrokredit tashkilotlar barqarorligining yana bir omili moliyalashtirish manbalarining mavjudligidir. O‘zbekistondagi ko‘plab MMTlar o‘z faoliyatini qo‘llab-quvvatlash uchun donor mablag‘lari va subsidiyalariga tayanadi, bu ishonchsiz yoki siyosiy va iqtisodiy o‘zgarishlarga duch kelishi mumkin. Biroq, MMTlarning uzoq muddatli moliyaviy barqarorligini ta‘minlashga yordam beradigan tijorat moliyalashtirish va kapital bozorini moliyalashtirish kabi barqaror moliyalashtirish modellariga nisbatan tendentsiya kuzatildi.



Umuman olganda, O‘zbekistonda mikrokredit institutlarining barqarorligi bir qator omillarga, jumladan, ularning biznes modeli, bozordagi raqobat darajasi va moliyalashtirish manbalarining mavjudligiga bog‘liq. O‘zbekistondagi Mikrokredit tashkilotlar innovatsion biznes modellari va barqaror moliyalashtirish strategiyalarini qo‘llash orqali ularning uzoq muddatli hayotiyligini ta‘minlashga yordam berishi va mamlakatdagi kam ta‘minlangan aholiga muhim moliyaviy xizmatlar ko‘rsatishni davom ettirishi mumkin.

MARKAZIY BANKNING SAMARALI MILLIY TO‘LOV TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH

Jahon hamjamiyatining ko'zlangan rivojlanish va farovonlikka erishish uchun, axborot texnologiyalariga (AT) bo'lgan ehtiyoji katta sur'atlar bilan oshib borayapti. Iqtisodiy o'sishning faollashuvi, dunyo aholisi yashash darajasining yaxshilanishi axborot texnologiyalarining kundalik hayotimizga singib ketagani natijasidir. Dunyo tajribasi shuni ko'rsatadiki erkin axborot oqimining ta'minlanishi bozor iqtisodiyotiga o'tishni tezlashtiradi va sotsial farovonlikni oshiradi.

O'zbekiston iqtisodiyotining ham bosqichma-bosqich rivojlanishi oqibatida biznes faoliyatini yuritishning yangi prinsiplari, ayniqsa elektron tijoratning ahamiyati juda oshdi. Bugungi kunga kelib, har bir internet foydalanuvchisi elektron tijorat so'zining ma'nosini tushunishga harakat qilib ko'rgan. Hali o'zining uzoq tarixini qurishga ham ulgurmagani bunday faoliyat bilan bog'liq AQSh bozorlarida yiliga o'rtacha 1,5-2 trln. AQSh dollari miqdorida mablag'lar aylanadi.

Axborot texnologiyalarining tez rivojlanishi iqtisodda ham o'z aksini topmasdan qolmaydi. Hozirgi kunda iqtisodda, ayniqsa tadbirkorlik sohasida erishilayotgan yutuqlar negizida aynan axborot texnologiyalari turli segmentlarining yuqori darajada rivojlanganligi va samarali qo'llanishi yotadi. O'zbekiston iqtisodiyoti ham bundan mustasno emas albatta. Yaqqol misol sifatida axborot texnologiyalarining bir qator segmentlari masalan, ma'lumotlar yetkazish tarmoqlari, axborot internet-resurslari va ular orasidagi elektron hujjat almashuv, biznes va tijoratning barqaror rivojlanayotganini keltirish mumkin.

O'zbekiston uchun axborot texnologiyalarini rivojlantirish yangi iqtisodiy aloqalarni ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Lekin bu jarayon, axborot texnologiyalari sohasida ta'lim standartlarining oshishi, milliy telekommunikatsiya tarmoqlarining modernizatsiyalashuvi, huquqiy bazaning shakllanishi oqibatida vujudga keladigan jamiyatning ma'lum darajadagi informatsion tayorligi mavjud bo'lgan holatdagina sodir bo'ladi.

O'zbekistonda to'lov tizimining rivojlanishi to'rt bosqichga bo'linadi:

1-bosqich.1991 yil viloyatlar ichida hisob-kitoblar pochta va tashuvchilar orqali yagona hisoblash markazida amalga oshiriladi. Bu jarayon bir haftani tashkil etar edi. Viloyatlararo hisob-kitoblar ham pochta orqali avizo hujjatlari asosida amalga oshirilgan. Bunda mablag'lar bir mijozning hisobvarag'idan ikkinchi mijozning hisobvarag'iga bir oydan ikki oygacha bo'lgan muddat mobaynida kelib tushar edi.

2-bosqich.1995- yil aprel oyida Markaziy bank Jahon banki mablag'lari hisobidan O'zbekiston Respublikasi banklararo to'lov tizimini takomillashtirishga

yo'naltirilgan xalqaro tanlov tender e'lon qildi. Markaziy bankda tashkil etilgan elektron to'lov tizimini yaratish ishchi guruhi o'tgan yillardan olingan tajribalar va xulosalar, shuningdek jahonning ilg'or davlatlari yutuqlarini o'rganish va tahlil qilish asosida elektron to'lov tizimi texnologiyasini yaratdilar. Eski tizim 19 avgustdan boshlab yangi texnologiya bilan almashtirila boshlandi. Bu paytga kelib Markaziy bank tizimida hisob-kitob markazlari tashkil etildi va tijorat banklariga elektron to'lov bo'yicha xizmat ko'rsatila boshlandi.

Yangi texnologiyaga o'tila borishi sababli yilning oxirigacha respublikada 2 tizim: elektron pochta va elektron to'lov tizimlari ishlab turdi. Yil oxiriga kelib esa barcha tijorat banklari Markaziy bankning hisob-kitob markazlari, kliring markazlari elektron to'lov tizimiga qo'shildi.

3-bosqich.1998 -yil Markaziy bank bilan Jahon banki o'rtasida 1998 yil dekabr oyida "Respublika moliya sohasini rivojlantirish" uchun zayom ajratish to'g'risida shartnoma imzolandi. Bu loyiha besh komponentga bo'linib, shulardan to'rtinchi komponent o'z ichiga quyidagi masalalarni oladi:

-to'lov tizimini takomillashtirish;

-boshqarish uchun axborot tizimini yaratish;

-bank telekommunikatsiya tizimini rivojlantirish; -axborot tizimi muhofazasini yaratish.

Yuqorida keltirilgan masalalar bo'yicha tadbirlarni nihoyasiga etkazish 2003 yilning ikkinchi yarmiga mo'ljallangan bo'lib, har bir masala bo'yicha rivojlanish yo'llari tijorat banklari bilan birgalikda aniqlandi va chet el ekspertlarining xulosalari olindi.

4-bosqich.2002 yil to'lovlarni real vaqtda o'tishini ta'minlash va tijorat banklariga yagona vakillik hisobvarag'i orqali xizmat ko'rsatish bo'yicha texnologiya tanlanib, ushbu bo'yicha texnik topshiriq, ishlab chiqildi va banklararo to'lovlarni yagona vakillik hisobvarag'i orqali o'tkazish hamda banklarda axborotlashtirilgan axborot tizimini tashkil etish bo'yicha dastur yaratildi. Plastik kartochkalar bilan hisob-kitoblarni yo'lga qo'yish maqsadida to'lovlarni amalga oshiradigan milliy tizim yaratish konsepsiyasi tavsiyanomalar va sxemalar ishlab chiqildi. Respublikamizda mavjud yirik banklar, xususan TIF Milliy bank, Asaka bank, Sanoatqurilish banki, Xalq banki va Paxta banklarida plastik kartochkalar orqali to'lovlarni tashkil qilish yo'lga qo'yildi.

Xalqaro to'lov tizimlari barcha mamlakatlardagi moliyaviy aylanmalarga kirishni ta'minlaydi, bu sizga hududlar va hududlarni hisobga olmagan holda xaridlar va xizmatlar uchun haq to'lashga imkon beradi. Bu to'lov tizimining eng xavfsiz turi. Mamlakatimizda eng mashhurlari Visa yoki MasterCard. Asosiy global tizimlar, shuningdek, American Express, Diners Club va JCB.

CLICK – bu mobil internet-banking tizimi hisoblanib, u orqali mobil aloqa xizmatlari, internet-provayderlar, kommunal xizmatlar uchun to'lovlarni,

shuningdek internet-do'konlaridan xaridlarni bevosita shaxsiy bank hisobidan yoki plastik kartochkasidan ustama haqisiz amalga oshirish imkonini beradi. Agar sizda O'zbekiston Respublikasidagi istalgan bankning UZCARD-Online plastik kartochkasi bo'lsa, unda CLICK interfeysi orqali bevosita plastik kartochkangizdan to'lovni amalga oshirishingiz uchun infokioskga (bankomat) yoki bankka borib mobil telefoningizga "SMS-xabardor qilish" xizmatini yoqtirishingiz va plastik kartochkangizni UZCARD-CLICK tizimiga ulashingiz kerak.

Xulosa o'rnida shuni aytish kerakki, mobil texnologiyalar va to'lov tizimlari odamlarni qog'oz ishidan ozod qiladi va moliyaviy resurslarning aylanishi va hisobini osonlashtiradi. Plastik karta zamonaviy hayotning ajralmas qismiga aylandi va qog'oz pullardan foydalanish tobora ommalashib bormoqda. To'lov tizimini tanlash foydalanuvchining ehtiyojlariga asoslanishi kerak, aks holda siz ko'proq komissiyalarga pul sarflaysiz va mahsulotning barcha funktsiyalaridan foydalana olmaysiz.

Sharipov Azimjon Kayumovich
"Turonbank" aksiyadorlik tijorat banki
Buxoro filiali "Samoniy" bank xizmatlari ofisi boshlig'i

O'ZBEKISTON MILLIY "SO'M"NING TO'LOV QOBILIYATINI OSHIRISH YO'LLARI

O'zbekiston Respublikasining "Markaziy bank to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq, Markaziy bankning strategik maqsadlari bank tizimi va to'lov tizimlari barqarorligini ta'minlovchi infratuzilmaga qarshi kurashish hisoblanadi. Ushbu strategik maqsadga erishish uchun pul-kredit siyosatining taktik maqsadlari sifatida inflyatsiya maqsadi va pul ta'minotining o'sish sur'ati qo'llanilmoqda.

Ayni paytda O'zbekistonda pul-kredit siyosatini takomillashtirish bilan bog'liq dolzarb masalalar mavjud. Hozirgi muammolarga pul ta'minotining o'sish sur'atlari va milliy valyutaning devalvalyatsiya darajasining yuqoriligi, iqtisodiyotga pul ta'minotining past darajasi, tijorat banklarining kreditlari bo'yicha milliy valyutadagi nisbati yuqori foiz stavkalari kiradi. O'z navbatida, pul-kredit siyosatini takomillashtirish bilan bog'liq hozirgi muammolarning ilmiy jihatdan to'g'ri echimini topish etakchi pul tushunchalarining tamoyillarini o'rganish va ularning amaliy ahamiyatini baholashni zarur qiladi.

Monetarizm pullik nazariyasining asoschisi AQShning Chikago universiteti professori, Nobel mukofoti laureate M.Fridmandir. M.Fridman iqtisodiy adabiyotlarda birinchi bo'lib pul ta'minotining yillik o'sishini qat'iy indikator sifatida

belgilash va unga erishish jarayonini Markaziy bank tomonidan nazorat ob'ekti qilib qo'yish zarurligini ilmiy asoslab berdi. Uning xulosasiga ko'ra, pul ta'minotining o'sishi yakuniy mahsulot narxining uzoq muddat davomida barqaror o'sishiga asoslanishi kerak. J.Keynsning fikricha, foiz stavkasi pul tushunchasida muhim rol o'ynaydi va foiz stavkalariga ta'sir ko'rsatish orqali ishsizlik va iqtisodiy o'sishga bevosita ta'sir ko'rsatishi mumkin. J.Keyns taklif etgan pul muomalasining translyatsiya mexanizmi uch bosqichdan iborat:

- birinchi bosqich: pul ta'minoti-foiz stavkasi;
- ikkinchi bosqich: pul ta'minoti -foiz stavkasi - investitsiya;
- uchinchi bosqich: pul ta'minoti - foiz stavkasi - investitsiya -milliy daromad.

T.Bobakulovning pul agregati M2 ning o'sish sur'ati Respublika Markaziy bankining pul-kredit siyosati ko'rsatkichi sifatida tanlanishi lozim degan xulosasi quyidagi faktlarga asoslanadi:

Pul-kredit siyosatining ko'rsatkichi sifatida pul ta'minoti o'sishidan foydalanishning huquqiy bazasi mavjudligi:

- Markaziy bankning pul ta'minotiga pul bazasi orqali bevosita ta'sir o'tkazish imkoniyati;
- Inflyatsiyaning strukturadagi etakchi omili pulsiz omillarning og'irligi, asosiy inflyatsiya darajasining inflyatsiyani targetlash jarayonida ishlatilmasligi.

M.Fridmanning pul ta'minotining o'zgarishi iqtisodiy vaziyatdagi o'zgarishlar tufayli emas, degan ilmiy xulosasi amalda isbotlanmagan. M.Fridman monetarizm nazariyasiga ko'ra, pulga bo'lgan talab naqd pul balanslari va nominal daromadning o'sishiga mutanosib ravishda kamaymaydi, balki o'zgarishsiz qolmoqda. Chunki pul ta'minotidagi har bir o'zgarish nafaqat investitsiya darajasiga, balki shaxsiy iste'mol hajmiga ham ta'sir qiladi. Shaxsiy iste'mol hajmi o'z navbatida nominal daromad dinamikasiga mutanosib ravishda farq qiladi. Natijada, olingan har bir alohida davr uchun pulga bo'lgan talab doimiylicha qolmoqda, pul ta'minoti esa doimiy ravishda o'zgarib turadi. Bu xulosa dunyoning ko'plab davlatlari amaliyotida isbotlangan.

Pul-kredit siyosatining asosiy ko'rsatkichlari, foizda

Ko'rsatkichlar	2018	2019	2020	2021	2022
Inflyatsiya darajasi	14,3	15,2	11,1	10	11,3
Markaziy bank qayta moliyalashtirish stavkasi	16,0	16,0	14,0	14	16
Tijorat banklarining kreditlari bo'yicha foiz stavkalari	20,5	24,2	22,3	22,5	23,2

1-jadvalga ko'ra, 2018-2020 yillarda O'zbekistonda yuqori inflyatsiya darajasi Markaziy bankning qayta moliyalashtirish stavkasini ta'minlashga olib keldi. Bu esa o'z navbatida tijorat banklarining milliy valyutadagi kreditlari bo'yicha foiz stavkalarining yuqori bo'lishiga olib keldi. O'z navbatida, tijorat banklari kreditlari bo'yicha yuqori foiz stavkalari korxonalariga to'sqinlik qildi

Shuni ta'kidlash kerakki, J.Keynsning pul-kredit siyosatini o'tkazish mexanizmi to'g'risidagi qoidasi O'zbekiston Respublikasining amaliyoti uchun muhim ahamiyatga ega. Bunga O'zbekiston Respublikasida tijorat banklarining kreditlari bo'yicha joriy yuqori foiz stavkalari kompaniya va firmalarning kredit olish imkoniyatini kengaytirishga to'sqinlik qilayotgani sabab bo'lmoqda. Chunki foizlar kreditlar bahosi hisoblanadi. Kreditlar bo'yicha foiz stavkalari qancha yuqori bo'lsa, jismoniy va yuridik shaxslarning ulardan va firmalardan foydalanish imkoniyati tijorat banklari kreditlariga kirish imkoniyatlarini kengaytirish imkoniyati past bo'ladi.

Milliy valyutaning, xususan, uning yuqori darajadagi devalvolyatsiya darajasining o'zgaruvchanlik darajasining yuqoriligi makroiqtisodiy o'sish sur'atlarining barqarorligiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Ayniqsa, yuqori devalvolyatsiya sharoitida korxonalar va banklarning investitsion faolligi kamayadi. Xulosa va takliflar. Ilmiy maqolani yozish davomida olib borilgan tahlillar shuni ko'rsatdiki:

- pul ta'minotining o'sish sur'atlaridan pul-kredit siyosatining taktik maqsadi sifatida foydalanilishi inflyatsiyaga qarshi kurashish, pul ta'minoti barqarorligini ta'minlashda muhim o'rin tutadi;

- * foiz stavkalarining pasayishi firmalar va kompaniyalarning rejali investitsiyalari hajmini oshiradi, bu esa milliy daromadni oshiradi;

- Narxlarning o'zgarishi va real ishlab chiqarishdagi o'zgarishlarga javoban Markaziy bankning o'zining muvozanat darajasiga nisbatan foiz stavkalarini o'zgartirishi iqtisodiyotdagi aylanma o'zgarishlarni minimallashtirish imkonini beradi;

- Markaziy bankning rezerv talabining yuqori darajasi va milliy valyutaning

nominal kursi bo'yicha o'zgaruvchanlikning yuqori darajasi - so'm pul-kredit siyosatini takomillashtirish bo'yicha dolzarb masalalardir.

O'zbekiston amaliyotida etakchi pul-kredit tushunchalarining tamoyillarini qo'llash orqali pul-kredit siyosatini takomillashtirish maqsadida quyidagi chora-tadbirlar amalga oshirilishi lozim:

1. Pul-kredit siyosati instrumentlaridan foydalanish amaliyotini takomillashtirish maqsadida, birinchi navbatda, tijorat banklarining xorijiy valyutadagi depozitlari uchun zarur bo'lgan rezerv nisbatini milliy valyutadagi depozitlar bo'yicha talab qilinadigan rezerv nisbati darajasigacha pasaytirish zarur; ikkinchidan, Markaziy bankning ochiq bozordagi operatsiyalari hajmini uning bojlari va davlat qimmatli qog'ozlarini chiqarish orqali oshirish lozim; uchinchidan, kredit resurslariga bo'lgan talabning oshishi natijasida kreditlar bo'yicha foiz stavkalarining keskin ko'tarilishi xavfini yo'qotish uchun maxsus rezerv fondini shakllantirish zarur; to'rtinchidan, Markaziy bank REPO auktsionlari orqali foiz stavkalaridagi o'zgarishlarni nazorat qilishi kerak.

2. Tijorat banklarining kredit kengayishini rag'batlantirish orqali iqtisodiyotning naqd pul bilan ta'minlanganlik darajasini oshirish uchun, birinchi navbatda, tijorat banklarining kreditlari bo'yicha nominal foiz stavkalarining barqarorligini ta'minlash zarur; ikkinchidan, umumiy talabni rag'batlantirishga qaratilgan fiskal siyosatni amalga oshirish orqali davlat qimmatli qog'ozlari hajmini oshirish orqali markaziy bankning ochiq bozor operatsiyalari orqali tijorat banklarining kreditlari bo'yicha foiz stavkalariga ta'sir ko'rsatish qobiliyatini oshirish zarur; uchinchidan, tijorat banklari kreditlarining resurs ta'minotini yaxshilash maqsadida tijorat banklariga faqat tranzaksiya depozitlarining barqaror balansidan foydalanishga ruxsat berilsin.

II SHO'BA
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA SOLIQ
MA'MURIYATCHILIGINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIY-NAZARIY
ASOSLARI

i.f.n., dotsent Sh.Sh.Saipnazarov

TDIU "Soliqlar va soliqqa tortish" kafedrası

RAQAMLI IQTISODIYOTDA MOLIYAVIY INJIRINGNING
ISTIQBOLLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada raqamli transformatsiyaga e'tibor qaratish, bank mijozlari uchun imtiyozlarga vositachilik qiladigan yangi texnologiyalarni yaratish va taklif qilish bizning bozor barqarorligimizni oshirishga imkon berishi bo'yicha amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan va ilmiy asoslab berilgan.

Аннотация: В этой статье разработаны и научно обоснованы практические рекомендации о том, как сосредоточение внимания на цифровой трансформации, создание и предложение новых технологий, которые опосредуют выгоды для клиентов банка, могут повысить стабильность нашего рынка.

Abstract: In this article, we will focus on digital transformation, the creation and supply of new technologies that provide benefits for bank customers, which will allow us to increase the stability of our market.

Raqamli iqtisodiyotda bank innovasiyalarini joriy etish jarayonini modellashtirish imkoniyatlari quyidagilardan iborat: mahsulot yangiliklar, biznes modeli jarayoni yangiliklar va innovasiyalarni amalga oshirish, ya'ni, biznes bank ekotizimni qurish, ideal bir oliy darajadagi ekotizimiga, samarali amalga oshirilishi mumkin va asos bo'lgan kross-kanal bank infratuzilmasi asosida ishlab chiqilishi kerak bo'ladi.

Shu sababli, raqamli iqtisodiyotga moliyaviy injiniring bank innovasiyalarini joriy etish jarayoni aynan kross-kanal bank infratuzilmasining muvaffaqiyatli rivojlanishiga asoslanadi, bu esa bank ekotizimini shakllantirishga va uni yuqori darajadagi raqamli ekotizimga moslashtirishga imkon beradi.

Raqamli bank ekotizimida uning uzluksiz va o'zaro manfaatli ishlashini ta'minlaydigan asosiy parametr o'zaro ishonch, moliyaviy injiniring asosida yangi mahsulotlar yoki xizmatlarni yaratishda va mavjudlarini taqdim etishda shaffoflik imkonini beradi. Bu zamonaviy kross-kanal bank infratuzilmasidan foydalanishga asoslangan rivojlanayotgan bank ekotizimining barcha ishtirokchilari tomonidan bir vaqtning o'zida yagona raqamli platformaga o'tish zarurligini anglatadi.

Zamonaviy bank mahsulotlarini yaratish va kelgusida joriy etishda qo‘llaniladigan texnologiyalarga qarab, kredit-moliya tashkilotidagi o‘zaro bog‘liq axborot infratuzilmasini uchta asosiy turga bo‘lish maqsadga muvofiqdir. (1-jadval)

Bank faoliyatida innovasiyalarni shakllantirish va amalga oshirishda kengaytirilgan va avtonom kross-kanal bank infratuzilmasidan foydalanishning odatiy misollari orasida biz quyidagi texnologiyalardan foydalanishni ajratib ko‘rsatishimiz mumkin:

- Robot texnikalarining bank ishlarida amaliy qo‘llanilishi mijozlarga maslahat berish, naqd pul to‘plash va ularni tanlash bo‘yicha qaror qabul qilish uchun o‘z imkoniyatlaridan foydalanishga imkon beradi.

1-jadval.

Asosiy kross-kanal bank infrastruktura yo‘nalishlari.

Joriy etilayotgan infratuzilmaning yo‘nalishlari	Xarakteristika
Yordamchi kross-kanal bank infratuzilmasi (Assisted Intelligence)	Kyeng tarqalgan texnologiyalardan foydalanishni takomillashtiruvchi axborot jarayonlari
Kengaytirilgan kross-kanal bank Infrastrukturasini	Zamonaviy axborot banklarga ruxsat beruvchi texnologiyalar va dasturchilar ilgari foydalanilmagan axborot jarayonlari
Avtonom kross-kanal bank infrastrukturasini (Autonomous Intelligence)	Kelajak uchun ishlab chiqilgan texnologiyalar asosida faoliyat yuritadi va mashinalarning yaratilishini ta‘minlash yoki mumkin bo‘lgan tizimlar inson aralashuvisiz mustaqil ravishda ishlashi.

- Sun‘iy intellekt texnologiyasi, ulardan foydalanish bankdagi mavjud biznes-jarayonlarning sifatini yaxshilash va operasion xarajatlar va risklarni kamaytirish imkonini beradi.

- Xususiyashtirish texnologiyalari va sun‘iy intellektning kombinasiyasi.

So‘nggi besh yil ichida bank sohasida sun‘iy intellekt texnologiyalaridan foydalangan holda kross-kanal bank infratuzilmasidan tijorat maqsadlarida foydalanish keng tarqaldi.

Mahsulot va jarayon bo‘yicha bank innovasiyalari faol ravishda amalga oshirilmoqda, ammo ularning qo‘llanilishi ilgari ham kuzatilgan va barcha faoliyat sohalari va biznes jarayonlarining raqamli o‘zgarishi kross-kanal bank

infratuzilmasini rivojlantirishga yangi yondashuv bo‘lib, u tashkilot ichidagi o‘zaro ta’sirdan tashqariga chiqadi, bu esa banklararo infratuzilmani qamrab oladi. Bankning barcha bo‘linmalarining tashqi muhit bilan, shu jumladan mijozlar, regulyatorlar, raqobatchilar, ularning moliyaviy va moliyaviy bo‘lmagan muhitining sheriklari bilan aloqasi hisoblanadi.

2-jadvalda kross-kanal bank infratuzilmasini rivojlantirishga joriy yondashuv va ilgari faol ishlatilgan an’anaviy yondashuv o‘rtasidagi asosiy farqlarni ko‘rsatadi va tuzadi.

2-jadval

Zamonaviy va an’anaviy kross-kanal bank infratuzilmasini rivojlantirishdagi yondashuvlar.

Taraqqiyot yo‘nalishi	An’anaviy yondashuv	Zamonaviy yondashuv
Strategiya	Axborotni boshqarish uchun texnologiyalar	Menejment biznes texnologiyalari
	Biznes ma’lumotlar tahlili	Intellektual mulk ob’yekti raqobat afzalliklari
	Determininant yondashuv	Yo‘naltiruvchi yondashuv
Loyiha	Foydalanuvchi tajribasi biri sifatida qaraladi	Foydalanuvchi tajribasi va asosiy ilova xarakteristikasi
	Qaror qabul qilish tartibi	Qaror qabul qilish uchun dastur o‘qitiladi
	Ma’lumotlar bazasidan olingan fakt	Olingan ma’lumotlar asosida eng yaqin ehtimoliy javob
Qayta ishlab chiqish	Liniya tyexnologiyalarini ishlab chiqish	Interaktiv rivojlanish tyexnologiyalar va biznes modellar
	Biznes rahbari spesifikasiya beradi, dasturiy ta’minotni ishlab chiqishda IT bo‘lim shug‘ullanadi	Ixtisoslashgan mutaxassislar biznes birliklari qismi
Operasion model	Doimiy va vaqti-vaqti bilan yangilangan texnologiya	Dinamik, moslashuvchan modellar.Doimiy rivojlanishga asoslangan test natijalari haqida
	Texnik xatarlar asosan quyidagilardan iborat. Tizimning ishlamay qolishi va tizimdagi xatolar.	Texnik xatarlarni va natijalarni o‘z ichiga oladigan model.
	Kiberxujum	Raqobat hujumlari

Kross-kanal bank infratuzilmasining samaradorligi uning rivojlanishi uchun ishlatiladigan ma'lumotlarga bog'liq. Axborot ma'lumotlarining yuqori sifatini saqlash va model samaradorligini doimiy ravishda baholash sun'iy intellektga asoslangan platformani muvaffaqiyatli amalga oshirishning kalitidir. Axborot ma'lumotlari va texnologiyalari o'tkazilganda, zamonaviy mahsulotni amalda ishlatishdan bankning tijorat afzalligi "intellektual mulk" hajmi va ko'lami bilan belgilanadi, chunki yetkazib beruvchi bilan har qanday sheriklik muqarrar manfaatlar to'qnashuvini o'z ichiga olishi mumkin. Shu munosabat bilan taqdim etilgan ma'lumotlarning qiymatini tushunish va bank tomonidan ushbu mahsulotni tayyorlash va ishlab chiqishda ularning uzatilishi va ishlatilishini diqqat bilan kuzatib borish muhimdir.

Zamonaviy bank mahsulotini ishlab chiqish va sinovdan o'tkazish jarayonida uni amalda qo'llashda paydo bo'layotgan risklar va imkoniyatlarni baholash muhim ahamiyatga ega, chunki zamonaviy texnologiyalardan foydalanish operasion jarayonlarni o'zgartirish algoritmini belgilaydi va olingan natijalarni baholash, paydo bo'layotgan risklarni aniqlash va rivojlanayotgan iqtisodiyotning bank sektorida imkoniyatlarni kuzatish uchun tahlilni talab qiladi.

Shunday qilib, rivojlangan banklararo bank infratuzilmasi zamonaviy bank mahsulotlarini ishlab chiqish va amalga oshirish loyihalariga nisbatan shaffoflikni va bank uchun kutilgan natijalarga erishishni kafolatlaydigan nazorat mavjudligiga ishonchni ta'minlaydi, jarayonlarga yangiliklarni kiritish va biznes modelini o'zgartirish imkoniyatlarini beradi.

Shuni ham ta'kidlash kerakki, O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotining bank sektoridagi moliya-kredit tashkilotining biznes jarayonlarida yangi bank mahsulotlarini yaratish va amalga oshirish texnologiyalarining evolyusion rivojlanishi bir necha ketma-ket bosqichlarga bo'linishi kerak. Bu bosqichlarni qat'iy ajratib bo'lmaydi, chunki yangi bosqich doirasida namoyon bo'ladigan yangi tendensiya paydo bo'lishiga qaramay, avvalgilari u bilan birgalikda mavjud bo'lib, uning asosida ajralmas elementni tashkil etadi (2-jadval).

Biznesning raqamli bank ekotizimini shakllantirishga imkon beradigan kross-kanal bank infratuzilmasini rivojlantirishning navbatdagi muhim yo'nalishi-bu eng keng tarqalgan usullari bo'lgan yangi bank mahsulotlarini reklama qilishdir:

1) Bepul xizmatlar, ya'ni mijoz mobil xizmat kanallaridan foydalanganligi uchun bankka pul to'lamaydigan usuli hisoblanadi. Bugun O'zbekiston Respublikasining aksariyat banklari masofadan turib xizmatlarni bepul taqdim etadilar, chunki yuqorida aytib o'tganimizdek, banklar o'zlarining operasion xarajatlarini kamaytirishdan manfaatdor bo'ladi. Bepul mobil bank xizmatidan foydalanish, ayniqsa o'z ishi uchun eng qulay kanallarni tanlashni istagan yosh avlod orasida tobora ko'proq foydalanuvchilarni jalb qilmoqda va shu bilan bankning

mijozlar bazasini ko'paytirmoqda va innovasion mahsulotlarini katta auditoriyaga taklif qilishlariga imkon bermoqda. Aynan mobil banking axborot dasturlaridan foydalanish nafaqat bank mahsulotlari va xizmatlari sifatini yaxshilaydi, balki ularni yanada rivojlantirish yo'nalishini ham belgilaydi.

2) To'lovlar va o'tkazmalari uchun past to'lovlari, axborot dasturlari yordamida tezkor to'lovlarni amalga oshirish uchun yangi ishlab chiqish onlayn va Internet-bankingning yangi yo'nalishi paydo bo'lishini oldindan belgilab qo'ydi, bu yerda mijoz mustaqil ravishda jismoniy yoki yuridik shaxsga pul o'tkazmasini amalga oshirishi mumkin, bu past bitim narxini ta'minlaydi. Ushbu xizmatlar hozirgi kunda dunyoning yetakchi internet foydalanuvchilari orasida eng ommabop ekanligini aytish kifoya qiladi. Bu O'zbekiston Respublikasining bank sektoridagi jismoniy shaxslarning hisob-kitob operasialaridan tushadigan daromadlarining 50-70 foizini tashkil etadi, bu ham bankning mijozlar qamrovini oshiradi va yangi mijozlarni yanada muvaffaqiyatli targ'ib qilishga yordam beradi.

Xalikchayeva Sadokat Iloxmjonovna

TDIU huzuridagi "O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolari" ITM doktranti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA SOLIQ SIYOSATINING SOLIQ BAZASIGA TA'SIRI MASALALARI

Annotatsiya

Ushbu tezisdagi bugungi Yangi O'zbekiston iqtisodiyoti sharoitida soliq bazasini aniqlashning ahamiyati, soliq siyosatini amalga oshirishda xizmat qiladigan soliq dastaklari va soliq bazasini aniqlash tariblariga soliq siyosatining ta'sir darajasi masalalari ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: soliq, soliq bazasi, soliq siyosati, soliq stavkasi, soliq imtiyozlari, soliq ma'muriyatchiligi, regressiv soliq siyosati, progressiv soliq siyosati, barqaror soliq siyosati.

Аннотация

В данной диссертации раскрывается значение определения налоговой базы в условиях современной экономики Нового Узбекистана, налоговые рычаги, служащие при реализации налоговой политики, и уровень влияния налоговой политики на методы определения налоговой базы. обдуманый.

Ключевые слова: налоги, налоговая база, налоговая политика, налоговая ставка, налоговые льготы, налоговое администрирование, регрессивная налоговая политика, прогрессивная налоговая политика, устойчивая налоговая политика.

Abstract

In this thesis, the importance of determining the tax base in the conditions of today's economy of New Uzbekistan, the tax levers that serve in the implementation of tax policy, and the level of influence of tax policy on the methods of determining the tax base are considered.

Key words: *taxes, tax base, tax policy, tax rate, tax relief, tax administration, regressive tax policy, progressive tax policy, sustainable tax policy.*

Mamlakatimiz iqtisodiyotini raqamli texnologiyalar asosida takomillashtirish sharoitida soliqqa tortish tizimida qoliq bazasini aniqlash tartibini jadal o'zgarishlar asosida yuritilishini hisobga olishni ixchamlashtirish, uni tegishli soha vakillarining operativ faoliyatini takomillashtirishda dasturlarga bo'lgan ehtiyoji, shuningdek, aholi daromadlarining barqarorligini ta'minlash, turmush tarzini oshirish maqsadida ijtimoiy soliq ko'maklarining huquqiy asoslarining izchilligini oshirish mavzuning dolzarbligini va ahamiyatini oshiradi. Shunga ko'ra, mamlakatimizning qonunchiligida soliq siyosatidagi o'zgarishlar va ularning huquqiy asoslariga tayangan holda aniqlash tartibini soha mutaxassislaridan tashqari, aholi uchun soddalashtirilgan holda ishlab chiqish davlat va fuqarolar o'rtasidagi munosabatlarning yanada mustahkamlanishiga manzilli yetaklaydi.


Ma'lumki, soliqlarni joriy etish, soliqlarni undirish mexanizmlarini shakllantirish va amalga oshirish, shuningdek, ushbu jarayonlarni yanada takomillashtirish kabi harakatlar yig'indisi soliq siyosati tartiblarini tashkil etadi.

Davlatning soliq siyosati mazmunan keng va boshqa iqtisodiy moliyaviy siyosat turlari bilan bog'langanligi uning murakkab jarayonlarni qamrab olishini ifodalaydi. Aslida, soliq siyosatining yadrosini jamiyatda ishlab chiqilgan yalpi milliy(ichki) mahsulotning va yangidan yaratilgan qiymat-milliy daromadning qancha qismini davlat manfaatlari yo'lida markazlashtirilgan pul fondlari(asosan davlat byudjeti)ga jalb qilish masalasini hal etish yotadi. Mana shu masalaning hal etilishiga qarab fiskal va byudjet siyosatining yo'nalishlari aniqlanadi. Agar, davlat milliy daromadni qayta taqsimlashda iqtisodiyotni qo'llab-quvvatlash maqsadida soliq yukini haddan tashqari kamaytirsa, u holda davlat byudjet siyosatini ham shunga moslashtirish zarur bo'ladi²⁴.

Soliq siyosatini amalga oshirishda xizmat qiladigan soliq dastaklari, ya'ni, imtiyozlar, stavkalar, soliqqa tortiladigan bazani shakllanishi va boshqalar kuchli ta'sir etuvchi va qiyin boshqariladigan soliq qurollaridir.

²⁴S.K.Xudoyqulov. «Молия ва солиқлар»: Дарслик. – Т.:“ИQTISODIYOT”, 2020. – 554 б.

Har qanday davrda va makonda olib boriladigan soliq siyosati va islohotlari shu xudud va zamon soliq bazasini aniqlash tartibi va mexanizmlariga chanbarchas bog'langan, qolaversa, yuqoridagi ta'sirlar iqtisodiy o'sishga va davlat byudjeti daromadlar qismiga bog'langan, shuningdek, bu butun iqtisodiy tizimning xarakteristik mexanizimning natijasi sifatida namoyon bo'ladi. Biz ushbu tezisda soliq siyosatidagi o'zgarishlarning bevosita soliq bazasiga ta'siri masalalarini ko'rib chiqamiz hamda baholaymiz.



1-rasm. Soliq siyosatining soliq bazasiga ta'sirini baholashning ierarxiyalik tahlili²⁵.

Yuqorida davlat soliq siyosatining soliq bazasiga ta'sirini baholash bilan bog'liq jarayonlarning ierarxiyalik chizmasi 1-rasmda aks ettirilgan bo'lib, bunda davlat o'z soliq siyosatini amalga oshirishda uch turli usuldan foydalanish yo'nalishlari va uning soliq bazasiga ta'siri tasvirlangan. Jumladan, davlat soliq siyosatining progressiv yo'nalishida asosiy maqsad soliqlarni ko'proq undirishga qaratilgan sababdan iborat bo'lganligi uchun qo'llaniladigan chora-tadbirlar soliq to'lovchilar uchun soliq bazasini kengaytirish vaziyatini keltirib chiqaradi. Bunda qo'llanuvchi choralarga maxsus soliq rejimlaridan voz kechish, imtiyoz va preferensiyalar ko'lamining qisqarishi yoxud umuman voz kechilishi, eksport-import

²⁵ Muallif ishlanmasi

hajmiga soliq stavkalarining ko'tarilishi, egri soliq turlariga nisbatan ko'proq urg'u berilishi kabilar misol bo'la oladi. Bu tadbirlarning ta'siri, albatta, soliq bazasining kengayishiga, davlat byudjetiga tushumlar miqdorining o'sishiga, natijada iqtisodiyotga investitsiyalar kiritishda davlatning ulushi ortadi.

Regressiv soliq siyosatida esa davlatning ko'zlagan maqsadi soliq yukini kamaytish orqali soliq to'lovchilarga ko'proq imkoniyatlar taqdim etish, buning zahirida real sektorlar qo'lida ko'proq kapital miqdorini qoldirish hisobiga ishlab chiqarish tarmoqlarini rivojlantirish va aholi farovonlik darajasini oshirishdan tashkil topgan bo'ladi. Ushbu vaziyatda qo'llanilgan soliq stavkalarining pasaytirilishi, maxsus soliq rejimlarini joriy etishi, turli soliq imtiyozlari va preferensiyalar taqdim etilishi kabi choralar hisobiga soliq to'lovchilarning soliq bazasining qisqarish holati yuz bersa, barqaror soliq siyosatida davlatning iqtisodiy vaziyatidan kelib chiqqan tarzda barcha soliq siyosati yo'nalishlarining zarur unsurlaridan muvofiq'ini tanlagan holda qo'llash natijasida soliq to'lovchilar uchun soliq bazasi mo'tadillikni kasb etadi. Bunda davlat soliq siyosati zahirida iqtisodiy vaziyatdan kelib chiqqan tarzda soliq rejimlari tanlanadi, soliq imtiyozlari va preferensiyalariga oqilona yondoshgan tarzda soliq yukining hajmi muvozanatlashtirish kabi choralardan samarali foydalanadi. Oqibatda esa soliq bazasining hajmi oshib ham kamayib ham ketmaydi.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash mumkinki, soliq siyosati soliq bazasini aniqlash tartiblariga, xususan, soliq bazasiga bevosita ta'sir etuvchi omil sanalib, har bir davlatning soliq siyosati shu davlatning etnik xususiyatlaridan, ijtimoiy-siyosiy mavqeyidan, geografik joylashuvidan kelib chiqqan tarzda belgilanadi. Bu siyosatning belgilanishi, o'z navbatida, davlat byudjeti daromadlar qismining shakllanishida muhim rol o'ynaydi. Shu nuqtayi nazardan, soliq solinadigan bazani aniqlash tartiblarini takomillashtirishning quyidagi yo'llarini e'tirof etish mumkin:

1. Soliq kodeksini soddalashtirish. Murakkab va samara bermayotgan soliq qonunlari soliq to'lovchilar uchun soliq bazasini to'g'ri aniqlanishini qiyinlashtirishi mumkin. Binobarin, ishlamaydigan imtiyozlar ko'lamini, foydalanish qiyin bo'lgan chegirmalar darajasini va bir-birini rad etadigan soliq qonunlarini qisqartirish, Soliq kodeksini xalqchil yo'sinda ishlab chiqish bazani aniqlash jarayonini soddalashtiradi va xatolarni bartaraf etadi.

2. Aniq ko'rsatmalar va misollar keltirish. Soliq organlari soliq to'lovchilarga soliq solinadigan bazani qanday to'g'ri hisoblashni tushunishlariga yordam beradigan aniq ko'rsatmalar va misollarni taqdim etishlari kerak. Bu har xil turdagi daromadlar, ruxsat etilgan chegirmalar va amaldagi soliq stavkalari bo'yicha batafsil tushuntirishlarni o'z ichiga olishi lozim.


3. Onlayn resurslar va vositalarni taklif qilish. Soliq to'lovchilar uchun qulay bo'lgan onlayn resurslar va soliq qonunchiligi bazasini ishlab chiqish ular uchun soliq bazasini aniqlash jarayonini oson boshqarishga yordam beradi. Bu chora-

tadbirlar sirasiga onlayn kalkulyatorlar, onlayn savol-javoblar va umumiy muammoli vaziyatlarni ko‘rib chiqadigan tizimning takomillashuvi kabilarni kiritish mumkin.

Sadullayev Rasulbek Palvanbayevich
Soliq qo‘mitasi huzuridagi Fiskal
instituti katta o‘qituvchisi
Boymurodov Ulugbek Sodiqovich
Fiskal instituti mustaqil tadqiqotchisi

CHAKANA SAVDO VA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASIDA ONLAYN NAZORAT KASSA MASHINALARIDAN FOYDALANISHNI YANADA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

O‘zbekiston Respublikasi prezidentining Farmoni ijrosini ta’minlash borasida aholi bilan pulli hisob-kitoblarni amalga oshiradigan barcha yuridik shaxslar, yakka tartibdagi va oilaviy tadbirkorlar tomonidan fiskal modulga ega bo‘lgan onlayn nazorat-kassa mashinalari va virtual kassalarni qo‘llash tartibi belgilangan.²⁶ Ushbu Farmonga muvofiq barcha tadbirkorlik subyektlari bosqichma bosqich online nazorat kassa mashinalarini yuritishga o‘tishi belgilangan.



1-rasm. Respublika bo‘yicha 2018-2022-yillarda pullik xizmat ko‘rsatuvchi shoxobchalarga o‘rnatilgan nazorat kassa texnikasi va virtual kassalar soni hamda ularga kirim qilingan summalar (mlrd.so‘mda)²⁷

²⁶O‘zbekiston Respublikasi prezidentining “Savdo va xizmat ko‘rsatish sohasida hisob-kitoblar tizimiga zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy qilish hamda ushbu sohada jamoatchilik nazoratini kuchaytirish chora-tadbirlarito‘g‘risida”2019-yil 6-sentabrdagi PF-5813-son Farmoni.

²⁷ [https://www.soliq.uz//rasmiiysaytidagi ma’lumotlar asosida tayyorlandi](https://www.soliq.uz//rasmiiysaytidagi%20ma%20lumotlar%20asosida%20tayyorlandi)

Tahliliy natijalarga ko‘ra 2022-yilda jami naqd pulda va to‘lov terminali orqali pullik hisob-kitoblarni amalga oshirilgan tovar aylanma summasi 405100,2 mln.so‘mni tashkil etgan bo‘lib, bu o‘z navbatida 2018-yilga nisbatan 303641, 3mln.so‘mga, 2019-yilga nisbatan 287448,5 mln.so‘mga, 2020-yilga nisbatan 211437,1 mln.so‘mga, 2021-yilga nisbatan 134732,3 mln.so‘mga oshishi kuzatilgan.

Onlayn NKT narxi - 3 million so‘mga olish majburiy, bank terminali sistemasiga ulatish - bazaviy hisoblash miqdorining bir baravari miqdorida, NKTni ishlatgani uchun har oy o‘rtacha 100 ming so‘m abonent to‘lovi ham to‘lanadi. Lekin shuni inobatga olishimiz kerakki mamlakatimizda barcha xo‘jalik yurituvchii subyektlar bir xilda foyda olmaydi va bir xilda tovar aylanmasi bo‘lmaydi. Kichik tovar aylanmasiga ega bo‘lan xo‘jalik yurituvchi subyektlar yoki yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun har oyda to‘lanadigan onlayn nazorat kassa mashinalari bo‘yicha abonent to‘lovi ham sezilarli darajada ta’sir qilishi mumkin.


Bizga ma’lumki hozirgi kunda mamlakatimizda tadbirkorlar 19 turdagi onlayn NKTdan foydalanib kelmoqda. Onlayn NKTga o‘tish orqali real vaqt rejimida sohadagi tushumlarni nazorat qilish imkoni paydo bo‘ladi, soliq bazasini shakllantirish manbalari yanada to‘liq qamrab olinadi, soliq xizmatlari organlari bilan bevosita aloqalar kamayadi, ma’lumotlar ishonchliligi kafolatlanadi va boshqa qulaylik tomonlari bor vaqt tasiri orqali tanganing ikki tomoni bo‘lgani kabi bu tizimning ham kamchiliklari mavjud. Birinchi o‘rinda NKTlarining mukammal dasturlanmaganlik muammosi, bunda onlayn NKTdan foydalanishga o‘tgan tadbirkorlar bir vaqtning o‘zida ikki yoki uchta nazorat kassa mashinalaridan foydalanishiga to‘g‘ri kelganligi. Misol uchun “**MERKURIY-115F-UZ**”, “**MERKURIY-185F-UZ**”, “**Uzkass-185**”, “**Simurg 001**”, “**ORION-100-F UZ**” nomli nazorat kassa mashinasidan foydalanib kelayotgan tadbirkorlik subyektlari qo‘shimcha yana ikkita nazorat kassa mashinalaridan foydalanishi kerak bo‘ladi. Uzkart kartasidan pul mablag‘larini yechib qolish va Humo plastik kartalaridan pul mablag‘larini yechib qolish uchun foydalanishi kerak. Qolgan 14 tudagi onlayn NKTdan foydalanayotgan tadbirkorlik subyektlari qo‘shimcha bitta nazorat kassa mashinasidan foydalanishi zarur hisoblanadi.

Ikkita yoki uchta nazorat kassa mashinasidan foydalanish ham tadbirkor uchun ham istemolchi uchun bir qancha vaqt talab qiladi. Ham istemolchi ham tadbirkor eng qimmatli nemat bo‘lmish vaqtni yo‘qotadi. Bizga ma’lumki onlayn NKTga yangi funktsiya kiritilganda onlayn NKTni dasturini yangilash lozim. Bu tadbirkor uchun yangilash bazaviy hisoblash miqdorining 1 baravari miqdorida harajatga sabab bo‘ladi. Agar onlayn NKT yangilash kerak bo‘lgan tadbirkorda bitta NKT mavjud bo‘lsa dasturni yangilamaguniga qadar faoliyatini to‘xtatib turushiga sabab bo‘ladi. Shunday bir dastur yaratilishi kerakki uzkart kartalarini ham humo kartalarini qabul

qilib undan pul mablag'larini yecha oladigan va fiscal belgili cheklar chiqarib beradigan onlayn NKT xo'jalik yurituvchi subyektlar uchun zarur. Dastur yangilansa masofadan tezlikda amalga oshirishning imkonini yaratilari va qimmatli vaqtini tejashi va dastur yangilanishi uchun vaqt va pul sarflamasligi kerak.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Chakana savdo va xizmat ko'rsatish sohasida nazorat-kassa texnikasidan foydalanishni takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi 2021-yil 4-oktyabrda PQ-5252-sonli qarorining birinchi bandida chakana savdo, umumiy ovqatlanish va aholiga maishiy xizmat ko'rsatish obyektlarida xaridni amalga oshirgan va ushbu xaridni soliq organlarining maxsus mobil ilovasida xarid chekining fiskal belgisini matritsali shtrix kod yordamida skanerlash orqali ro'yxatdan o'tkazgan jismoniy shaxslarning bank kartalariga oy yakuni bilan xarid summasining 1 foizi respublika byudjetidan qaytarilishi belgilangan.

2022-yil 1-yanvar oyidan boshlab O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 4-oktyabrda PQ-5252-sonli qaroriga asosan onlayn nazorat kassa mashinalari orqali ro'yhatdan o'tgan fiskal belgili cheklardan xaridning 1% miqdorida qaytarilishi yo'lga qo'yildi. 1% miqdorida (cashback) qaytarishda qarorda ko'rsatilgan vaqtda barcha cheklar uchun ham 1% miqdorida qaytarilmadi. Tekshiruvdagi cheklar bo'lib bir oy va undan ko'proq vaqt davomida kelib tushdi.



2-rasm. Respublika bo'yicha 2023-yil yanvar-iyul oylarida jismoniy shaxslarga to'lab berilgan (Cashback) (mlrd.so'mda)²⁸

²⁸ Soliq qo'mitasi ma'lumotlari asosida shakllantirildi.

2022-yilning yanvar-dekabr oylarida 7 660 892 nafar jismoniy shaxslarga, jami 805,7 mlrd.so‘m va 2023-yil yanvar-iyul oylarida 579,6 mlrd.so‘m plastik kartalariga budjet tomonidan keshbek qoplab berilgan.

Nazorat-kassa texnikasining va hisob-kitob terminallarining qo‘llanilishi majburiy bo‘lgani holda, ularni qo‘llamasdan savdoni amalga oshirganlik va xizmatlar ko‘rsatganlik, xuddi shuningdek sotib oluvchiga kvitansiyalar yozib berish, talonlarni, cheklarni yoki ularga tenglashtirilgan hujjatlarni berish majburiy bo‘lgani holda bunday hujjatlarni bermasdan tovarlarni realizatsiya qilganlik va xizmatlar ko‘rsatganlik, shuningdek hisob-kitob terminallari orqali to‘lovlarni qabul qilishni rad etganlik — besh million so‘m miqdorida jarima solishga sabab bo‘ladi²⁹.

Ushbu modda asosida barcha tadbirkorlik subyektlari cheklar yoki ularga tenglashtirilgan hujjatlarni bermaganlik uchun bir xil miqdorda jarimaga tortiladigan bo‘lishdi. Buning natijasida xo‘jalik yurituvchi subyektlar orasida adolatlilik kamydi deyishimiz mumkin. Barcha tadbirkorlik subyektlari bir xil miqdorda foyda olmasligi va bir xil miqdorda tovar aylanmasini malga oshirmasligini inobatga olgan holda jarimalar turlicha bo‘lishi kerak. Masalan ayrim Yakka tartibdagi tadbirkorlar yillik bir milliardgacha Tovar aylanmasini amalga oshirishi mumkin, biroq ayrim korxonalarining oylik, ayrimlarining haftalik tovar aylanmasi bir milliardga teng bo‘lishi mumkin. Bunday vaziyatlarni inobatga olgan holda jarimalarni har xil qo‘llashimiz kerak.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, onlayn nazorat-kassa texnikasi va virtual kassalarni qo‘llashda kamchiliklarga yo‘l qo‘ymaslik maqsadida qo‘yidagilar taklif etiladi:

-mamlakatimizda foydalanib kelinayotgan barcha turdagi onlayn nazorat kassa mashinalaridan foylanayotgan tadbirkorlar ikki yoki uchta nazorat kassa mashinalaridan foydalanmasdan barcha turdagi plastik kartalardan pul yecha oladigan hamda fiskal modulga ega bitta onlayn nazorat kassa mashinalaridan foydalanishga o‘tish.

-yillik tavar aylanmasi bir milliargacha bo‘lgan tadbirkorlik subyektlariga 5 million so‘m, yillik tovar aylanmasi bir milliarddan besh milliardgacha bo‘lgan tadbirkorlik subyektlariga 7,5 million, yillik tovar aylanmasi besh milliarddan o‘n milliardgacha bo‘lgan tadbirkorlik subyektlariga 10 million, yillik tovar aylanmasi o‘n milliarddan yuqori bo‘lgan barcha tadbirkorlik subyektlariga 15 million jarima qo‘llash.

²⁹ <https://www.soliq.uz//rasmiiy-saytidagi-ma'lumotlar-asosida-tayyorlandi>.

МАСОФАВИЙ БАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР

Аннотация: Мақолада банклар инновацион фаолиятининг моҳияти, банклар фаолиятида инновацияларнинг зарурияти, банкларнинг айрим инновацион хизматлари ҳолати таҳлил қилинган. Банк инновацион фаолиятининг аҳамияти юзасидан хулосалар келтирилган.

Таянч сўзлар: банк, инновация, банк инновацияси, рақамли банклар, банкнинг инновацион маҳсулотлари, инновацион механизм.

Тижорат банклари ўртасида рақобат кучайиб бораётган шароитда банклар томонидан ўз мижозларига қулай шароитларда хизмат кўрсатилишини таъминлаш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Айни вақтда рақамли депозит хизматларини кўрсатишда банкларда инновацияларни қўллаган ҳолда, мижозни ортқча оврагарчиликлардан холи этиш бугунги кунда ғоят муҳимдир. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий инқирозларга қарши чоралар дастурини амалга оширишда банк тизимининг ривожланишини таъминлаш замонавий усуллардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатилаётган молиявий хизматлар сифатини ошириш, уларнинг оммабоплигини таъминлаш, аҳолига молиявий хизматлар кўрсатишни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Буни таъминлашда эса ахборот коммуникацион технологияларининг ўрни бекиёс даражада катта бўлиб, улардан фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Хусусан, Президентимиз томонидан 2020 йил 12 май куни тасдиқланган «2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси»да замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизматларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш каби устувор вазифалар белгиланган. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида тижорат банкларининг корпоратив трансформацияси жараёнида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

– масофавий банк хизматлари, шу жумладан, контактсиз тўловларнинг сони ва қамровини кенгайтириш;

– скоринг, масофадан туриб идентификациялаш ва кредит конвейери тизимидан кенг фойдаланиш;

- банк ахбороти ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини кучайтириш;
- банк секторида янги концепциялар ва технологияларни кенг жорий этиш (финтек, рақамли банкинг).

Бу тадбир мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ўсишини таъминлашга, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига ва иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда эркин бозорга интеграциялашувини жадаллаштириш учун банк хизматларини рақамлаштиришга қаратилган.

Бугунги кунда анъанавий банк хизмати турларининг ўрнини рақамли банкинг хизмати турлари эгалламоқда. Чунки банклар хизмат турларини такомиллаштириб бормас экан, улар даромадини ва мижозлар сонини кескин ошириб бориш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин. Молиявий хизматлар саноатининг ривожланиши боис жадаллашмоқда. Биз юқорида муҳокама қилган FinTech тенденциялари мижозлар талабига жавобан пайдо бўлди. Улар аслида провайдерларга молиявий маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шаффофликни ошириш, транзакцияларни тезкор қайта ишлаш, масофадан хизматлар кўрсатиш, идентификация қилишнинг ишончли усуллари ва мижоз ҳаётининг айланиш жараёнини яхшироқ қўллаб-қувватлашга имкон берадиган янада сифатли хизматларни тақдим этишга ёрдам беради.

Бугунги кунда Республикамиз тижорат банклари томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларининг сифатини янада яхшилаш, янги банк хизматларининг турларини кўпайтириш асосий мақсад қилиб олинган. Бу мақсадларга эришишда банкларни замонавий модернизациялаш, рақамли трансформациялаш жараёнлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Республикамиздаги барча банклар ўзларининг рақамли хизматларини банк мобил иловалари ва банк сайтлари, интернет банкинг, СМС банкинг ва бошқа воситалар орқали кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда республика банклари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш мақсадида 27,1 млн. банк карталари муомалага чиқарилган бўлиб, улар орқали 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра 111,1 трлн. сўмга яқин транзакциялар ўтказилди. 2020 йил 11 апрелда Ягона умумреспублика процессинг маркази МЧЖга “Uzcard” тўлов тизими оператори лицензияси Марказий банк томонидан тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 19 сентябрь ПҚ-3945-сон қарорига асосан Миллий банклараро процессинг маркази ташкил этилиб, 2019 йилнинг 1-чорагидан бошлаб “Нумо” тўлов тизими ишга туширилди.

Замонавий тўлов технологиялари ва масофавий банк хизматлари ривожланиши билан бир каторда масофавий нақд пулсиз тўловлар сони ошиб бормоқда. Жумладан, ҳозирги кунда мобиль телефонлар орқали тўловларни амалга ошириш оммалашиб бормоқда. Бу борада банклар томонидан чиқарилган 3,7 млн.дан ортиқ банк карталарининг эгалари мобиль тўлов тизимларидан фойдаланмоқдалар. Бундай тўлов тизимлари тижорат банклари томонидан мустақил ёки нобанк тижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда жорий қилиниб, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Булардан кенг тарқалган тизимлар қаторида “Click”, “Payme”, “M-bank” ҳамда ЧЭКИ “Namkorbank” АТБ, ТИФ Миллий банки, “Агробанк” АТБ, “Асака” АТБ, “Микрокредитбанк” АТБнинг мобиль тўлов тизимларини кўрсатиш мумкин.

Нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш борасида 2022 йилда банклар томонидан мобиль тўлов дастурлари ёрдамида QR code ва NFC каби технологиялар асосида контаксиз тўловларни ўтказиш ҳамда қабул қилиш имконияти яратилди. Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимида сўнгги йилларда айнан шундай замонавий технологияларни қўллаш соҳада бирмунча қулайлик ва янгиликлар яратаётгани шундан далолат беради.

Шунингдек банкларда янги инновацион хизматларни татбиқ этиш билан шуғулланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки тадқиқотлар натижасига кўра, банкларда масофавий банк хизматларини ўз мижозларига таклиф этиш борасида анча оқсаётганлиги бир томондан, банк мижозларини бундай хизматлар имкониятларидан фойдаланмасдан қолишларига олиб келаётган бўлса, иккинчи томондан, банкнинг ўзида иш кўламини камайтириш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Жойларда масофавий хизматлардан фойдаланиш борасида шарт-шароитларни яхшилаш ҳам масалани ечишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Алоқа каналлари сифатини яхшилаш истеъмолчиларнинг янги инновациялардан фойдаланиш имкониятини ошириш билан бир каторда аҳолини ортиқча оворагарчиликлардан озод қилиши мумкин. Масалан, коммунал хизматлар учун тўловни амалга оширишда узун навбатларда туриш, банк ёки бу турдаги тўловларни қабул қилишга ихтисослашган шахобчаларга боришга вақт ҳамда маблағ сарфлагандан кўра уйда туриб хизмат учун ҳақ тўлаш имконияти ошади.

**XIZMAT KO'RSATISH KORXONALARIDA INNOVATSION
MARKETING STRATEGIYASI TUSHUNCHASI**

Annotatsiya. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar jarayoni xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatini sezilarli darajada o'zgartirishni, ular faoliyatini bozor talablariga moslashtirishni talab qilmoqda. Bozor raqobati sharoitida ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohalarini samarali rivojlanishini ta'minlovchi innovatsion faoliyatni boshqarishga alohida e'tibor qaratishni talab qilmoqda.

Kalit so'zlar: innovasion marketing, yangi xizmatlar, asl yangilik xizmatlar, yangilik-modifikasiyalar.

Аннотация. Процесс экономических реформ, реализуемых в нашей стране, требует существенного изменения деятельности хозяйствующих субъектов, адаптации ее деятельности к требованиям рынка. В условиях рыночной конкуренции особое внимание необходимо уделять управлению инновационной деятельностью, обеспечивающей эффективное развитие сферы производства и услуг.

Ключевые слова: инновационный маркетинг, новые услуги, оригинальные новые услуги, новые модификации.

Annotation. The process of economic reforms implemented in our country requires significant changes in the activities of economic entities, adapting their activities to market requirements. In the conditions of market competition, it is necessary to pay special attention to the management of innovative activities that ensure the effective development of the production and service sectors.

Key words: innovative marketing, new services, original new services, new modifications.

O'zbekistonda xizmat ko'rsatish sifatini oshirishni amalga oshirishda korxonalarda innovatsion marketing strategiyalaridan samarali foydalanish muhim ahamiyatga ega. Mazkur vazifalarning samarali bajarilishi O'zbekistonda xizmat ko'rsatish korxonalarida innovatsion marketing strategiyalarini ishlab chiqish va takomillashtirishni taqozo etadi.

Yangi texnologiyalarning rivojlanishi va ularning asosida tamomila yangi tovar va xizmatlar turlarini sotish tezligi shunga olib kelmoqdaki, bozordagi vaziyat va iste'molchilarning ehtiyojlari tobora o'zgarimoqda. Iste'molchi nimani, qayerdan, qanday ko'rinishda va qanday narxda sotib olishni istashini aytmoqda. Marketing konsepsiyasini tushunishga yangicha yondashuv ya'ni maqsadli guruhlar – strategik bozor segmentidan potensial mijozlar bilan yaqinroq ishlashga asoslanmoqda. Bozor tadqiqotlari yordamida bir xil iste'molchilar guruhlarini ajratib, strategik

segmentlarni aniqlagan holda, korxonalar sezilarli miqdorda mablag'lar tejab qoladi hamda mavjud va potensial mijozlar bilan kelgusi aloqalarda ko'proq unumdorlikka erishadi. Tanlab olingan bozor sektorlari bilan faol kommunikatsiyalar iste'molchilarning katta qismi e'tiborini jalb qilishga imkon beradi va ularning aksariyati kompaniya mijozlariga aylanadi. Mana shu sababdan XXI asrning boshlaridan boshlab turli tarmoqlarda bozor yetakchilarining ko'pchiligi reklama, PR, to'g'ridan-to'g'ri sotuvlar, ichki firma munosabatlari uchun javob beradigan bo'limlarni birlashtirgan kommunikatsiya xizmatlariga birlashtirishi ro'y berdi.

Integratsiyalangan marketing kommunikatsiyalaridan foydalanuvchi kompaniyalar soni o'smoqda. Innovatsion faoliyat yo'nalishlari eng avvalo, xizmat ko'rsatishni takomillashtirish vazifalari va imkoniyatlari bilan emas, balki iste'molchilarning yangi xizmat tavsifnomalari borasida nimalarni afzal ko'rishini o'rganish natijalari bilan belgilanishi lozim. Yangi mahsulot ishlab chiqarishni o'zlashtirishda ushbu mahsulotni laboratoriyada sinab ko'rishga emas, balki bozorda tekshirib ko'rishga ko'proq e'tibor qaratish kerak[2]. Yangi xizmatlar ishlab chiqish bilan shug'ullanuvchi mutaxassislar o'rtasida o'tkazilgan so'rovlar yangi xizmat muvaffaqiyatining quyidagi omillarini aniqlab berdi (1-jadval).

1-jadval.

Yangi mahsulotning muvaffaqiyat omillari³⁰

Muvaffaqiyat omili	%
Xizmatning bozor talablariga moslashganligi	8
Xizmatning korxonalar imkoniyatlariga muvofiqligi	5
Xizmatning texnologik ustunliklari	6
Yangi xizmatlarning korxonalar rahbariyati tomonidan qo'llab-quvvatlanishi	2
Yangi modellar tanlashda baholash jarayonlaridan foydalanish	5
Qulay raqobat muhiti	2
Tashkiliy tuzilmaning yangi xizmat tashkil etish vazifalariga muvofiqligi	4

Jadval ma'lumotlaridan kelib chiqadiki, asosiy muvaffaqiyat omili xizmatning bozor talablariga moslashganligi hisoblanadi. Bu innovatsion marketingning asosiy kompetensiyasi hisoblanadi.

Innovatsion marketing bu – yangi tovarlar yoki xizmatlar yaratish, kengaytirish va qo'llab-quvvatlashga yo'naltirilgan marketing texnologiyalari majmuidir. Innovatsion marketing texnologiyalarining o'ziga xos xususiyati shundaki, ular jismoniy jihatdan mavjud bo'lgan mahsulot bilan emas, balki uning ishlab chiqilayotgan konsepsiyasi bilan ishlaydilar. Bu esa an'anaviy marketingdan farqli

³⁰ Muallif ishlanmasi

ravishda, marketing tadqiqotlari o'tkazishda katta qiyinchiliklar yuzaga keltiradi. Innovatsion marketing innovatsiyalar bozori kon'yunkturasini o'rganish, innovatsion loyihani biznes-loyihalashtirish, uni amalga oshirishdan tortib innovatsiyalarni bozorga harakatlantirish, innovatsiyalar diffuziyasi va daromad olishgacha bo'lgan butun innovatsion siklning tizimli integratsiyasini ifodalaydi.

Innovatsion marketing obyekti intellektual mulk, yangi materiallar va tarkibiy qismlar, yangi mahsulotlar, yangi jarayonlar, yangi bozorlar, tovar va xizmatlarni siljitish yangi usullari, boshqaruvning yangicha tashkiliy shakllari hisoblanadi[1].

Asl yangilik xizmatlar bu – dunyo uchun yangi bo'lgan, o'xshash bo'lmagan va iste'mol muammosini sifat jihatidan yangicha hal etishni yoki ilgari uning uchun hech qanday tovar bo'lmagan ehtiyojni qondirish uchun taklif etiladigan xizmatlar.

Yangi xizmatlar bu – mavjud analoglarga nisbatan sifat jihatidan sezilarli takomillashuvga ega bo'lgan xizmatlar hisoblanadi. Bozor uchun yangilik xizmatlar bu – ushbu bozor uchun yangilik hisoblangan tovarlar Korxonaning ishlab chiqarish dasturi uchun yangi bo'lgan xizmatlar bu – ushbu korxonadan ishlab chiqarilmaydigan, lekin boshqa sotuvchilar tomonidan taklif etiladigan xizmatlar.

Yangilik-modifikatsiyalar bu – ishlab chiqaruvchi tomonidan mavjud xizmat negizida takomillashtirilgan mahsulotlar hisoblanadi. Innovatsiyalar yaratish mamlakatimizda doimo muhim ahamiyatga ega bo'lib kelgan. Innovatsiyalarni tijoratlashtirish esa yoki mukammallashtirmagan, yoki umuman bo'lmagan. Biroq bugungi kunga kelib, raqobat kurashida innovatsiyalar ishlab chiqarishni emas, ularni amaliy qo'llashni tashkillashtira oladiganlar g'olib kelmoqda.

PhD, доцент Абдуллаев Анвар Фархадович

ТМИ, кафедра «Международные финансы-кредит»

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ ЦИФРОВЫХ УСЛУГ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: Цифровизацию экономики можно определить как новый этап развития, который реализуется посредством разработки и внедрения инновационных цифровых технологий на постоянной основе, а также формирования соответствующих правовых, социально-экономических, организационных и других условий трансформации общества и экономики к новому уровню развития.

Ключевые слова: налоговое администрирование, программный комплекс, цифровая экономика, информационные системы, цифровые технологии.

Налоговая система как неотъемлемая часть экономики проявляется в качестве важнейшего механизма и драйвера в достижении приоритетных

направлений социального и экономического развития Республики Узбекистан. В направлении реформирования национальной экономики приняты действенные меры по либерализации внешнеторговой, налоговой и финансовой политики, поддержке предпринимательства и гарантированию неприкосновенности частной собственности, организации глубокой переработки сельскохозяйственной продукции, а также обеспечению ускоренного развития регионов. В условиях глобальной цифровой трансформации государствам необходимо адаптироваться к современным реалиям, принимая во внимание новые возможности интеллектуальных информационных технологий и потенциал технологического развития.

Развитие цифровых технологий и их активное использование в современной налоговой политике государства оказывает значительное влияние на вектор взаимоотношений между государством и экономическими агентами в сфере налогообложения. Из чего следует, что перед государством стоят две основные задачи для усовершенствования практики налогового администрирования: с одной стороны, модернизация инструментального и методологического аппарата существующей налоговой политики, с другой — внедрение цифровых технологий и платформенных решений в появляющиеся сектора цифровой экономики.

Государства оправдывают введение цифровых налогов тем, что значительная составляющая стоимости новых цифровых продуктов создается за счет данных пользователей, находящихся на территории соответствующих государств.

Налоги на цифровые услуги были введены в Венгрии (0 и 5,3%), Франции (3%), Италии (3%), Австрии (5%), Испании (3%). В том или ином виде налоги на цифровые услуги имеются в Индии, Уругвае и Чили. На наднациональном уровне в ЕС с 2018 г. обсуждается директива о налогообложении цифровых услуг по единой для всех стран ЕС ставке 3%.

Поэтому некоторые европейские страны приступили к практике введения временного цифрового налога в индивидуальном порядке, не дожидаясь всеобщего консенсуса с оговоркой о готовности отменить его в случае достижения договоренностей на уровне ЕС и/или Организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР).

Страны — участницы ОЭСР разработали и утвердили дорожную карту для разрешения проблем цифрового налогообложения и серьезного реформирования национальных налоговых кодексов. ОЭСР предлагает государствам — членам этой организации два подхода к введению цифрового налога.

Первый подход касается цифровых компаний, работающих непосредственно с потребителями их цифровой продукции. Предусмотрено, что страны смогут облагать налогом долю мировой прибыли транснациональных корпораций, таких как Google, Facebook, Amazon, Apple, получаемую на территории этих стран, даже если прибыль компаний выводится за границу. При этом основой для расчета налоговой ставки является оборот компании, генерируемый на территории того государства, где она зарегистрирована. ОЭСР планирует достичь глобального консенсуса и привести цифровой налог к общему знаменателю к концу 2025 г.

Второй тип налогообложения предназначен для стран с формирующейся рыночной экономикой, где транснациональные корпорации продают свои продукты и услуги, но зачастую не имеют физического присутствия: поэтому существует возможность облагать налогом деятельность по распространению продуктов, предполагая минимальную долю прибыли, полученную на таких рынках. В этом случае минимальный оборот транснациональной ИКТ-корпорации будет служить в качестве базы для налогообложения.

Государства определяют объект налога на цифровые услуги с некоторыми отличиями, но в основном к облагаемым цифровым услугам относятся рекламные продукты и платформенные бизнес-модели с объединением множества пользователей и сбором данных о них с соответствующей аналитикой, позволяющей влиять на потребительское поведение (эффекты «больших данных»).

Республика Узбекистан одновременно является рынком потребителей цифровых услуг и поставщиком цифровых услуг. В то же время Узбекистан ставит перед собой задачу стать региональным финансовым центром, и это прослеживается в векторе реформ, проводимых правительством.

Согласно новой редакции Налогового кодекса введены существенные новшества в систему налогового администрирования, в частности:

- усилена ответственность налоговых органов за несвоевременный возврат излишне уплаченных или излишне взысканных налогов;
- налоговым органам предоставлено право на основе риск-анализа назначать камеральные налоговые проверки, выездные налоговые проверки и налоговый аудит;
- все хозяйствующие субъекты разделены на три сегмента – зеленая, желтая и красная дорожки. Предприятиям с низкой степенью опасности уклонения от налогов, входящим в зеленую зону, не будут назначаться налоговые проверки.

В 2020 г. был введен налог на облачные и другие цифровые услуги зарубежных компаний и утверждены соответствующие законопроекты

в Узбекистане, Таиланде — странах Азии, намеренных увеличить налоговые поступления за счет прибыли международных ИКТ-компаний. В Республике Узбекистан ставка НДС установлена в размере 12%. По итогам первого квартала 2020 г., Google LLC выплатила в бюджет республики 85 тыс. евро. Предусматривается, что иностранные юридические лица, реализующие товары и услуги в электронной форме на территории страны, будут облагаться цифровым НДС.

Как правило, в этих странах налогом облагается прибыль ИКТ-компаний от трех основных видов услуг: услуги цифровых платформ и маркетплейсов; онлайн-реклама, таргетированная на пользователей в конкретной стране; продажа данных, полученных на основе предоставленной пользователем информации. Цифровую налоговую реформу на национальном уровне готовы поддержать Канада, КНР, Республика Колумбия, Израиль и другие страны. На сегодняшний день через специальный НДС-офис в Узбекистане в качестве налогоплательщиков добровольно зарегистрировались девять иностранных компаний, оказывающих интернет-услуги:

1. Xsolla;
2. Google Voice;
3. Google Commerce;
4. Apple Distribution International;
5. Google Ireland Limited;
6. Activision Blizzard International;
7. Netflix International;
8. Samsung Electronics.

Учитывая изложенное, можно сделать вывод, что сегодня необходимость налогообложения цифровой экономики является скорее средством дальнейшей цифровизации общества, чем дополнительной статьей дохода в государственный бюджет. В условиях информационной экономики проявляются все три тесно взаимосвязанные тенденции: рост ценности информации и ее превращение в ключевой ресурс, распространение информационных технологий и их трансформация в бизнес-актив, а также формирование и развитие интернет-предпринимательства.

СОЛИҚ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯСИНING КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Иқтисодиётнинг эркинлашуви жараёни, иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашда солиқ тизими фаол иштирокини таъминлаш, фискал сиёсат ва солиқ тўловчилар солиқ салоҳиятини ошириш муаммоларининг кескинлашуви, солиқ маъмуриятчилигининг самарали воситаларини давлат томонидан қўллаш кўп жиҳатдан солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини такомиллаштиришга ҳам бевосита боғлиқдир. Мазкур масала 29.06.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тугрисида”ги ПФ№5468-сонли Ўзбекистон Президенти Фармонида алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5116-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3802-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 320-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сон Қарори ва у асосида «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси» каби меъёрий ҳужжатлар айнан солиқ тизими модернизацияси концептуал асосларини такомиллаштириш масаласини кун тартибига куйди. Шунинг учун бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизими ислоҳининг, солиқ тизими модернизациясининг концептуал асослари билан бир қаторда жаҳон солиқ амалиётининг самарали солиққа тортиш моделларига, етакчи брендларига оид амалий масалалари концептуал асосларини алоҳида бир йўналиши сифатида комплекс ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да асосий устувор йўналиш сифатида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш»

белгиланган. Мазкур вазифалар “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”да ҳам янада қатъий ва кенг қамровли тарзда қўйилди: «...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими модернизациясининг концептуал асосларини такомиллаштириш солиқ тизими соҳасидаги назариётчи ва амалиётчи мутахассислардан қуйидаги вазифаларни чуқур тадқиқ этишни талаб этади:

- солиқ тизими модернизацияси: зарурлиги, мазмуни, генезиси ва ҳозирги замон шароитидаги трансформациясини тадқиқ этиш;

- солиқ тизими модернизациясининг концептуал асослари ва шартларини илмий асослаш;

- солиқ тизими модернизацияси самарали тадбирларига оид хориж тажрибаларини тадқиқ этиш;

- ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими модернизациясининг ривожланиш қонуниятлари, ундаги тизимли муаммолар ва уларни ҳал қилишга оид давлат тадбирлари таҳлилини амалга ошириш;

- солиқ тизими фаолияти самарадорлигини баҳолашга методик ёндошувлар, самарадорликни баҳолаш кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- солиқли даромадлар ижроси омилларини иктисодий моделлаштириш ва солиқ тизими самарадорлигининг интеграл кўрсаткичини ишлаб чиқиш;

- Янги Ўзбекистон солиқ тизимини модернизациялаш концепциясининг илмий-услубий жиҳатларини асослаш;

- солиқ тизими фаолияти самарали моделини шакллантириш истиқболларини илмий асослаш.

Солиқ тизими – бу юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, йиғимлар, божлар ва мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг тузилиш тамойиллари, усуллари, солиқ назоратининг йиғиндиси ҳамдир. Бу таъриф солиқ тизимини кенг маънода тушунишдир. Солиқ қонунчилигида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими ифодаланган бўлиб, улар солиқ тизимининг асосини ташкил этади.

Давлатнинг марказлашган пул фондини ва бошқа фондларини мажбурий ташкил этадиган солиқ ва йиғимлар турларининг йиғиндисига солиқлар тизими деб аталади.

Солиқ тизими тушунчаси мамлакатда амалда бўлган умумдавлат ва маҳаллий солиқлари ва йиғимлари бўйича мавжуд солиқ амалиётини ифодалайди.

Солиқ тизимини ислоҳ қилишга мукамал ёндошув ва самарали воситаларини танлашдан аввал нафақат солиқ тизими талқин этиш асосларини, балки шу билан бирга амал қилаётган солиққа тортиш тамойиллари ва уларни солиқ тизимини ислоҳ қилишга қўллаш мумкинлигини ҳам чуқур ўрганиш талаб этилади.

Солиқ тизими модернизациясининг ҳар қайси актида ушбу жараённи уни ташкил этишнинг фундаментал тамойилларига, унинг ўзига ҳос фарқли жиҳатларига таянган ҳолда иқтисодий тизим самарадорлигини оширишнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим.

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда мустақил солиқ сиёсати ишлаб чиқилди, унинг тактик ва стратегик вазифалари аниқланиб, изчил такомиллаштирилиб борилмоқда. Юртбошимиз томонидан миллий солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди, унинг асосий мақсади солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлашга қаратилган. Бундай уйғунликни таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири солиқ юкини оптимал белгилаш ва шу тариқа давлат бюджетини керакли миқдорда молиявий ресурслар билан таъминлаш билан бирга, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ мажбуриятлари уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этмаслигига эришишдан иборат.

Шундай қилиб, “мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилинган солиқ тизими модернизацияси амалга оширилиб келинмоқда ва бу шароитда давлатнинг самарали солиқ сиёсатини таъминлаш мақсадида “ҳалол (интизомли) солиқ тўловчиларни янада рағбатлантириш”, “даромадларни легаллаштириш ва “яширин иқтисодиёт” улушини камайтириш”, солиқ муносабатларида “солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг “ҳамкорликда ўсиш”га асосланган янги мулоқоти тизимига ўтиш”, “солиқ тизими ижтимоийлиги ва адолатлилигининг ўсиб бориши” каби мутаносибликларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш лозим.

катта ўқитувчи Рузиев Ғанишер Усарович

Фискал институти

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА СОЛИҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада ўзини ўзи банд қилишни тартибга солишда солиқ воситасидан фойдаланиш ва хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида уни янада такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: ўзини ўзи банд қилиш, ижтимоий солиқ, даромад солиғи, меҳнат стажи.

Аннотация: В статье описаны предложения по вопросам использования налогового инструмента в регулировании самозанятости и его дальнейшего совершенствования на основе опыта зарубежных стран.

Ключевые слова: самозанятость, социальный налог, подоходный налог, трудовой стаж.

Annotation: The article describes proposals on the use of a tax instrument in regulating self-employment and its further improvement based on the experience of foreign countries.

Keywords: self-employment, social tax, seniority, income tax.

Халқаро амалиётда ўзини ўзи банд қиладиган шахслар мустақил равишда ўзи учун иш ўринларини яратиши, бу эса мамлакатда иқтисодий ўсишга ҳамда ишсизликнинг камайишига хизмат қилганлиги боис ҳам давлат томонидан улар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланади ҳамда тартибга солиб турилади. Бу борада давлат тартибга солиш воситалари: давлат рўйхатидан ўтказиш, ходим ёллашга чеклов, даромадлар чеклови, харажатлар чегирмаси, турли кафолат ва қўллаб-қувватлашлар, сертификат, лицензия талаблари, фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси ҳамда махсус солиқлар ва ижтимоий суғурта тизимида иштирок этиш мажбурияти кабилардан кенг фойдаланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айрим талаб ва чекловлар жорий қилиниши улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриш заруриятдан келиб чиқади. Бу эса бир томондан, бандликни қонунийлаштириш, “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, солиқ тўловларидан қочишнинг олдини олиш, иккинчи томондан, давлат ижтимоий ҳимоя механизмини тўғри ишлашини таъминлаш, қўшимча солиқ тушумларини кўпайтириш ҳамда ижтимоий жамғармалар юқини камайитиришдан иборат бўлади. Бинобарин, кўпгина давлатларда ҳам бандликнинг ушбу турини тартибга солишда солиқ ва ижтимоий суғурта тўловларидан фойдаланилади. Масалан, АҚШда ўзини ўзи банд қилган шахслар тоифасидаги аҳоли вакиллари ижтимоий суғурта тизими ва соғлиқни сақлаш тизимига тўловларни ўз ичига олган Selfemployment tax (ўзини ўзи банд қилиш учун солиқ)ни тўлайди. Унинг ҳажми соф даромаднинг 15,3 фоизини ташкил этади. АҚШда йил давомида соф даромадингиз 400 доллардан ошмаса, ўзини-ўзи банд қилганлик учун солиқ тўланмаслиги мумкин.

Беларусия Республикасида эса ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланадиган фаолият турига қараб солиқ қатиъй ставкаларда (белорус рублида) белгиланган, шунингдек, уни амалга ошириш жойи Белоруссия ҳудудлари бўйича табақалаштирилган. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган

шахсларнинг айрим тоифалари учун солиқ ставкасини пасайтириш назарда тутилган. Жумладан: 20 фоизга - пенсионерлар, ўзини ўзи банд қилган ногиронлар, ногирон болаларнинг ота-оналари, шунингдек, кўп болали ота-оналар учун; 45 фоизга ставкани пасайтириш учун икки ва ундан ортиқ сабаблари бор фуқаролар учун; 100% - вояга етмаган болаларни ёки кундузги таълим олаётган болаларни тарбиялаётган I ёки II гуруҳ ногиронлари бўлган ўзини ўзи банд қилган шахслар учун.

Россия Федерациясида 2019 йилдан бошлаб йилига 2,4 млн. сўмгача даромадга эга бўлган жисмоний шахслар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун махсус солиқ режими: “касбий даромад солиғи” жорий этилган. Махсус солиқ режимига ўтиш ихтиёрий равишда амалга оширилади ва бу солиқ режимига ўтган ўзини ўзи банд қилган шахсларга 10 минг рублгача солиқ чегирмаси қўлланилгани ҳолда фаолиятдан олинадиган даромадларидан 4 фоизли имтиёзли ставкада (агар юридик шахсни ташкил этган бўлса 6 фоизлик ставкада) касбий даромад солиғини тўлайди. 10 минг рублгача бўлган солиқ чегирмаси қуйидаги тартибда қўлланилади. 3-жадвал.

Россияда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромадига чегирма билан солиқ ҳисоблаш тартиби

Ойлар	Ойлик даромад	Ҳисобланган солиқ (4%)	Чегирма (1%)	Тўланадиган солиқ
Январь	50 000 Р	2000 Р	500 Р	1500 Р
Февраль	60 000 Р	2400 Р	600 Р	1800 Р
Март	70 000 Р	2800 Р	700 Р	2100 Р
Апрель	80 000 Р	3200 Р	800 Р	2400 Р
Май	100 000 Р	4000 Р	1000 Р	3000 Р
Июнь	100 000 Р	4000 Р	1000 Р	3000 Р
Июль	150 000 Р	6000 Р	1500 Р	4500 Р
Август	200 000 Р	8000 Р	2000 Р	6000 Р
Сентябрь	400 000 Р	16 000 Р	1900 Р	14 100 Р
Октябрь	200 000 Р	8000 Р	2000 Р (10 000 Р чегарасидаги чегирма тугайди)	

Махсус солиқ режимининг амал қилиши ҳисобига 2021 йил охирида Россияда 3 миллионга яқин ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатга олинган. Федерал солиқ хизмати маълумотларига кўра, 2022 йилда ўзини ўзи иш билан банд қилганлар сони 6,562 миллион кишига етган, бу эса 2021 йил охирига нисбатан 1,7 баравар ёки 2,7 миллион кишига кўпдир.

Қозоғистон Республикасида ўзини ўзи банд қилганлар учун ягона ялпи тўлов (ЯЯТ) жорий этилган бўлиб, республика аҳамиятига молик шаҳарлар ва вилоятлар марказларида яшовчи ўзини ўзи банд қилган шахслар ушбу солиқни

хар ойда ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичи (ОХК)нинг бир баравари миқдорида тўлашлари шарт. 2023 йил август ҳолатига унинг миқдори 3450 тенгени ташкил этади. Бошқа аҳоли пунктларидан келган фуқаролар учун бу кўрсаткич ойига 1725 тенгегача камади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам бандликнинг ушбу тури учун ҳам йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 1 баравари миқдорида ижтимоий солиқ жорий қилинган, аммо тўлаш ихтиёрий ҳисобланади. Бу эса ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан ушбу солиқни тўламасликка ва соҳада “сохта ўзини-ўзи банд қилган шахслар” сонининг ортишига имкон бермоқда.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортишнинг хориж амалиётида кўпгина ўхшашликлар, жумладан: махсус солиқ ремининг амал қилиши, даромадларидан солиқ тўлашнинг мажбурийлиги, солиққа тортилмайдиган минимум (солиқ солинмайдиган даромад)нинг амал қилиши, солиқ ставкаларининг прогрессив тарзда қўлланилиши, солиқ ставкаларининг фаолият тури ва амалга ошириш жойига қараб табақаланиши, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг айриф тоифалари учун имтиёзли ставкаларни қўллаш кабилар амал қилинишини кузатиш мумкин.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солишнинг хорижий мамлакатлар амалиёти таҳлилидан келиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритишнинг ихтиёрийлиги, мазкур шахсларнинг ҳақиқатдаги даромадларини аниқлаш имконини бермайди. Қолаверса, ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадларининг солиққа тортилмаслиги солиқдан қочиш мақсадида кичик бизнес тоифасидаги тадбиркорларнинг ўзини ўзи банд қилган шахслар тоифасига ўтишига имконият яратади. Шунга кўра, давлат ўз саъй-ҳаракатларини ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан биргаликда, “сохта ўзини-ўзи банд қилган шахслар” билан курашишга, фаолиятларини солиқлар воситасида тартибга солишга қаратиши лозим.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва хулосалар асосида куйидагилар тавсия этилади:

1. Мамлакатимизда ҳам ўзини ўзи банд қилган шахслар учун даромадларига солиқ солишнинг “махсус солиқ ремими”ни жорий этиш. Бунда хар ойда даромади бир миллион сўмгача бўлган ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадлари солиққа тортилмаслиги лозим.

2. Мамлакатимиз қонунчилигида ёшга доир пенсиялар тайинлашда камида 7 йил иш стажи мавжуд бўлиш талабидан келиб чиққан ҳолда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун йилига БҲМнинг камида бир баравари миқдоридаги

ижтимоий солиқ тўлашни ихтиёрийликдан мажбурийликка ўтказиш мақсадга мувофиқ.

3. Фаолиятини яшаш учун мўлжалланмаган (нотурар) жойларда ташкил қилган юридик шахсларга хизмат кўрсатувчи ўзини ўзи банд қилган шахсларга даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш мажбуриятини жорий қилиш ҳамда уларнинг обороти календарь йил давомида маълум бир суммадан, масалан 36 миллион сўмдан ошганда кичик бизнес тоифасига мажбурий ўтказишни жорий қилиш.

Юқорида келтириб ўтилган таклиф ва тавсиялар ўзини-ўзи банд қилган шахслар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солишни янада такомиллаштирилиши ҳисобига бизнесни “соя”дан чиқариш, “сохта ўзини-ўзи банд қилган шахслар”га қарши курашиш, бандликнинг ушбу турида адолатлилиқни таъминлаш, , шунингдек имконият ва салоҳияти ошган ўзини ўзи банд қилган шахсларни кичик бизнес тоифаларига ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

магистр Шадыева Насиба Толибовна,

Бухарский инженерно-технологический институт,

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы повышения роли цифровых технологий в налоговых органах на современном этапе рыночных экономических реформ в нашей республике. При этом проанализирована важность использования цифровых технологий при формировании данных для расчета суммы налоговых обязательств. На новом этапе развития, который осуществляется за счет постоянного внедрения инновационных цифровых технологий в процесс развития предприятия, совершенствования налогового администрирования, изучены и предложены новые правовые, социально-экономические, организационные и другие условия жизни общества и экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, налоговое администрирование, программный комплекс, цифровые технологии, налоговая система, макроэкономические показатели, налогоплательщики

Современная налоговая система является одним из главных условий быстрого развития экономики, создания благоприятных условий для предпринимательской деятельности, улучшения инвестиционной среды, расширения производства и оказания услуг. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы особое место занимают вопросы упрощения налогового

администрирования и снижения налогового бремени за счет расширения налоговой базы. За последние годы приняты необходимые меры по сокращению проверок субъектов хозяйствования и прекращению необоснованного вмешательства в их предпринимательскую деятельность. Отменены процедуры внеплановых и альтернативных проверок субъектов хозяйствования, упрощены форма и сроки подачи налоговой отчетности, представляемой предпринимателями. При этом в связи с наличием ряда проблем в реализации системы налогового администрирования были определены следующие важные направления реформирования системы органов государственной налоговой службы:

- широкое внедрение современных информационно-коммуникационных технологий и передовых методов автоматизированного анализа в процесс государственного управления, оказание электронных услуг налогоплательщикам, в первую очередь, субъектам хозяйствования непосредственно без связи,

- повышается ответственность за обеспечение своевременного и достоверного учета объектов налогообложения и налогооблагаемой базы, своевременное предоставление достоверной информации по вопросам налогообложения уполномоченным органам и организациям;

Всестороннее содействие налогоплательщикам в выполнении их налоговых обязательств, разработка эффективных налоговых механизмов - предотвращения налоговых правонарушений и повышения правовой культуры налогоплательщиков, внедрение современных методов налогового контроля;

- динамика макроэкономических показателей и налогообложения регионов, реализация эффективных мер по обеспечению полного охвата объектов налогообложения и расширения налогооблагаемой базы путем систематического анализа ее потенциала.

- налоговую базу путем оказания всемерной помощи в восстановлении деятельности недействующих предприятий, улучшения финансового состояния низкорентабельных и убыточных предприятий, усиления механизмов взаиморасчетов, предотвращения увеличения налоговой задолженности;

- оказание всемерной помощи налогоплательщикам в исполнении их налоговых обязательств, разработка эффективных налоговых механизмов предотвращения налоговых правонарушений и повышения правовой культуры налогоплательщиков, внедрение современных методов налогового контроля;

- реализация эффективных мер по обеспечению полного охвата объектов налогообложения и расширения налоговой базы за счет системного анализа динамики макроэкономических показателей и налогового потенциала регионов;

-всестороннее содействие восстановлению деятельности неработающих предприятий, улучшению финансового состояния низкорентабельных и убыточных предприятий, укреплению механизмов взаиморасчетов, недопущению увеличения налоговой задолженности, расширению базы;

-Дальнейшее расширение сотрудничества с финансовыми органами, заинтересованными министерствами и ведомствами, а также местными государственными органами путем выявления дополнительных резервов увеличения доходов республиканского и местных бюджетов, в том числе по вопросам налогообложения.

-проведение системной работы по подбору и расстановке кадров, наполнению налоговых органов квалифицированными работниками, обладающими высокими морально-этическими качествами, а также обеспечение профилактики правонарушений среди работников и достойного обслуживания для них создают условия.

Кроме того, в целях обеспечения «здоровой конкуренции» между субъектами хозяйствования и прекращения «секретного бизнеса»: контрольно-кассовых машин, предоставляющих в режиме онлайн информацию о расчетах в налоговые органы, внедряется автоматизированная система контроля поступления денежных средств. Кроме того, в целях легализации реальных рабочих мест перед органами государственной налоговой службы поставлена задача систематического контроля за соответствием заявленной и фактической численности работников хозяйствующих субъектов.

В результате реализации концепции совершенствования налоговой политики Республики Узбекистан снижена налоговая нагрузка на фонд оплаты труда, оптимизированы налоги на оборотный капитал, отменены обязательные отчисления в государственные специальные фонды и налог на прибыль. была снижена ставка для юридических лиц, пересмотрена налоговая система.

В то же время налоговая система имеет следующие недостатки и проблемы, препятствующие повышению деловой и инвестиционной активности, формированию здоровой конкурентной среды, а также эффективной реализации налоговых реформ:

во-первых, принципы организации налогового администрирования устарели и не обеспечивают комплексного обслуживания налогоплательщиков, а также добровольного исполнения ими налоговых обязательств;

во-вторых, уровень административных затрат (времени и денег) остается высоким;

в-третьих, отсутствуют четкие критерии и механизмы стимулирования в налоговой сфере;

в-четвёртых, механизмы общественного контроля, направленные на снижение уровня теневой экономики, а также поощрение процессов легализации предпринимательской деятельности, несовершенны;

в-пятых, между налогоплательщиком и налоговыми органами отсутствуют единые стандарты и программные продукты, обеспечивающие обмен информацией.

В-шестых, слабо развито межведомственное информационное взаимодействие, что снижает качество налогового учета, препятствует расширению налоговой базы и обеспечению стабильных налоговых поступлений; недостатки и проблемы сдерживают быстрое развитие налоговой системы, повышение эффективности налоговой системы. налоговое администрирование и сбор налогов и обязательных платежей на необходимом уровне.

В связи с этим особое значение приобретает разработка стратегии совершенствования налогового администрирования, которая включает в себя следующие цели, задачи и основные направления. Дальнейшее совершенствование налогового администрирования и либерализация ответственности за нарушения законодательства сыграли важную роль в улучшении деловой среды. Поэтому в настоящее время в нашей стране реализуются реформы, направленные на создание справедливой, прозрачной и долгосрочной системы в этом плане.

В результате возникает совершенно новое налоговое администрирование. Практический эффект и результат этого предприниматели ощущают не на красивых словах, как раньше, а в своей повседневной деятельности. Сегодня в соответствии с сокращением видов налогов и их ставок, в первую очередь, виды налогов будут сокращены с 16 до 9, контрольные формы будут сокращены с 13 до 2, отменены сборы в размере 3,2 процента.

Около 7 тысяч предприятий были освобождены от уплаты налогов в среднем на 6 трлн в связи с отменой этих сборов во внебюджетные фонды. Также в 2 раза снижены ставки налога на имущество, подоходного и социального налога. Если выразить это на конкретных примерах, то налоговая нагрузка в транспортной сфере снизилась в 3 раза, в пищевой промышленности - в 2 раза, в текстильной и электротехнической промышленности - на 20 процентов.

Здесь необходимо прояснить еще один вопрос. В прошлом году, после вступления в силу нового Налогового кодекса, участники 23 особых экономических зон обратились к президенту с вопросом, сохранятся ли наши прежние льготы или нет. По этим вопросам предпринимателям, зарегистрировавшимся в экономических зонах с февраля 2020 года до принятия

закона об особых экономических зонах, были предоставлены гарантии сохранения льгот.

Согласно действующему закону, эти предприниматели освобождены от налога на имущество, землю и воду на срок до 10 лет в зависимости от суммы инвестиций. Теперь к этим льготам добавится налог на прибыль, и в распоряжении предприятий останется почти 300 миллиардов сумов в год. Одним словом, с первых дней независимости нашей страны были проведены эффективные реформы, направленные на совершенствование налогового администрирования и создание благоприятных условий для широкомасштабного развития предпринимательства в нашем обществе.

Примечательно, что принят ряд нормативных документов, законов и нормативных документов, касающихся предпринимательской деятельности, а их правовые гарантии все больше укрепляются.

*Safarova Dilshodaxon Eshmuxammadovna,
FarDU tayanch doktoranti
Ashiraliyeva Mastonaxon Ibroxim qizi
ISMA Universiteti talabasi*

IJTIMOYIY-IQTISODIY JARAYONLARNING RAQAMLASHUVI SHAROITIDA SOLIQ NAZORATINI TAKOMILLASHTIRISH YO‘NALISHLARI

***Annotatsiya:** Ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarning raqamlashuvi mamlakatimizda iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash, islohotlarning amaliy natijadorligini oshirishda muhim o'rin tutadi. Shuningdek, soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirishda ham ahamiyatli hisoblanib, soliq bazasini kengaytiradi, shaffoflik va ishonchni oshiradi.*

***Kalit so'zlar:** raqamli iqtisodiyot, elektron tizimlar, raqamli ko'nikmalar, raqamli transformatsiya, soliq nazorati.*

***Аннотация:** Цифровизация социально-экономических процессов играет важную роль в обеспечении экономической стабильности в нашей стране и повышении практической эффективности реформ. Это также считается важным для улучшения налогового администрирования, расширения налоговой базы, повышения прозрачности и доверия.*

***Ключевые слова:** цифровая экономика, электронные системы, цифровые навыки, цифровая трансформация, налоговый контроль.*

***Abstract:** Digitization of socio-economic processes plays an important role in ensuring economic stability in our country and increasing the practical effectiveness of reforms. It is also considered important in improving tax administration, expands the tax base, increases transparency and trust.*

Key words: *digital economy, electronic systems, digital skills, digital transformation, tax control.*

Ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarning raqamlashuvi bu o‘zaro bog‘liq bo‘lgan ishlab chiqarish, taqsimlash, almashish, iste‘mol qilish va boshqaruv jarayonlarining (insonlararo, mashinalararo, bulutlar va katta hajmdagi raqamlar (BIG DATA) orqali) raqamli texnologiyalar hamda internet yordamida ma‘lumot almashinishni optimallashtirish orqali katta foyda ko‘rishga qaratilgan faoliyat hisoblanadi.

“Raqamli O‘zbekiston – 2030” va “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi”da milliy iqtisodiyot, sanoat va umuman jamiyatda raqamli transformatsiyani amalga oshirishga qaratilgan bir qator chora-tadbirlar ko‘zda tutilgan bo‘lib, raqamli iqtisodiyotni asosiy "drayver" sohaga aylantirgan holda uning hajmini kamida 2,5 baravar oshirishga qaratilgan ishlar olib borilmoqda. Buning uchun raqamli infratuzilmani yanada rivojlantirish orqali barcha aholi maskanlarini va ijtimoiy ob‘ektlarni hamda magistral avtomobil yo‘llarini keng polosali ulanish tarmoqlari bilan qamrab olinishi lozim. Iqtisodiyotning real sektorida hamda moliya va bank sohalarida ishlab chiqarish va operatsion jarayonlarni raqamlashtirish darajasini 2026 yil yakuniga qadar 70 foizgacha oshirish kerak. Dasturiy mahsulotlar industriyasi hajmini 5 baravar, ularning eksportini esa 10 baravar oshirib, 500 million AQSh dollariga etkazishga erishish lozim.

Barcha iqtisodiy yo‘nalishlar qatori soliq sektorida ham soliq nazoratining shakl va mexanizmlarini, jumladan, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish hisobiga takomillashtirishga qaratilgan bir qancha soliq islohotlari amalga oshirilmoqda. Mamlakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarning raqamlashuvi sharoitida qonun buzilishi, soliq solinadigan bazani pasaytirish, soliq to‘lashdan bo‘yin tovlash holatlarining oldini olish uchun soliq tizimini takomillashtirish va soliq nazoratini modernizatsiya qilish ehtiyoji paydo bo‘lmoqda. Buning uchun so‘nggi yillarda soliq nazorati bo‘yicha axborot-kommunikatsiya texnologiyalari joriy etilmoqda. Ularning tarkibiga elektron tizimlar, soliq to‘lovchilar tomonidan soliq majburiyatlarini bajarmaslik yoki to‘liq bajarmaslik xavfi darajasiga qarab ularni segmentlash bilan soliq xavfi tahlili, soliq to‘lovchining shaxsiy kabinetini orqali soliq hisoboti, soliq to‘lovchilar va ularning hisobvaraqlarini ro‘yxatdan o‘tkazish, QQS to‘lovchilarni ro‘yxatdan o‘tkazishning maxsus tizimi, tovarlar va xizmatlarning identifikatsiya kodlarini joriy etish bilan elektron hisobvaraqa-fakturalar, shuningdek QQS bo‘yicha soliq uzilishi koeffitsienti to‘g‘risida ma‘lumot berish tizimi, QR-kodlari asosida maxsus nazorat belgilarini ro‘yxatdan o‘tkazish va skanerlash tizimi, onlayn-kassa apparatlari va onlayn-terminallarning axborot tizimi, ko‘chmas mulk ijara shartnomalarini hisobga qo‘yishga mo‘ljallangan E-Ijara (ijara.soliq.uz) elektron servisi, asosiy vositalar, nomoddiy aktivlar va tovar-moddiy resurslarni hisobga olish, tovarlarning kelib

tushishi va qoldig‘i tahlili, onlayn-hisobi va kuzatib borishni yuritish uchun “E-aktiv” (E-ombor, virtual ombor) axborot tizimi kabilarni kiritish mumkin.

Soliq sohasida raqamlashtirishning joriy etilishini o‘ziga xos ijobiy tomonlari shuki, bu soliq bazasini kengaytiradi, shaffoflik va ishonchni oshiradi, muvofiqlik yukini kamaytiradi, ma’muriy samaradorlikni oshiradi, iqtisodiy o‘sish va boshqa siyosat maqsadlarini ilgari suradi.

Biroq, bu sohada ma’lum bir muammolar bor, ya’ni ba’zi soliq to‘lovchilar soliq organi bilan o‘zaro aloqada raqamli usullardan foydalanishga qodir emasligi yoki istamasligi sababli o‘zgaruvchan talablarga rioya qila olmaydi. Buning sabablari ko‘p, masalan, raqamli ko‘nikmalarning etishmasligi, onlayn muloqotga ishonchsizlik, ishonchli internet infratuzilmasidan uzoqda joylashganligi, qashshoqlik yoki nogironlik kabi omillardir.

Shuning uchun ta’lim tizimining barcha bosqichlarida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish va zamonaviy iqtisodiyot uchun zarur bo‘lgan raqamli bilimlarning darajasini oshirish, ta’lim infratuzilmasini takomillashtirish lozim. Bir so‘z bilan aytganda, nafaqat tadbirkorlarning balki aholining raqamli ko‘nikmalarini oshirish ijobiy natija beradi.

*и.ф.д., профессор Исроилов Боҳодир Ибрагимович
ТДИУ “Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси
PhD, доцент Ибрагимов Бобуришох Боҳодир ўғли
ТМИ “Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси*

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ НАЗАРИЯСИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация: Солиқ сиёсатининг ижроси тўлиқ таъминланиши солиқ маъмуриятчилигини тўғри ва самарали таъмин этиши ҳамда маъмурий босимни пасайтиришига боғлиқдир. Шу боис солиқ маъмуриятчилиги ривожланиш тенденциялари ва улар ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиши ҳамда баҳолаш муҳимдир. Мақола доирасида жамият ҳаётининг барча соҳаларини рақамлаштириши бўйича амалга оширилаётган ислохотлар даврида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириши зарурияти, аҳамиятига баҳо берилган ҳамда уни такомиллаштириши йўналишлари асосланган.

Калит сўзлар: солиқ маъмуриятчилиги, давлат бюджети, солиқ сиёсати, фискал сиёсат, ислохотлар.

Аннотация: Полноценная реализация налоговой политики зависит от правильной и эффективной организации налогового администрирования и снижения административного давления. Поэтому важно исследовать и оценить тенденции развития налогового администрирования и их особенности. В рамках статьи оценена необходимость и важность

совершенствования налогового администрирования в период проводимых реформ по цифровизации всех сфер жизни общества и обоснованы направления его совершенствования.

Ключевые слова:налоговое администрирование, государственный бюджет, налоговая политика, фискальная политика, реформы.

Abstract:*The full implementation of the tax policy depends on the correct and efficient organization of the tax administration and the reduction of administrative pressure. Therefore, it is important to research and evaluate tax administration development trends and their specific features. In the framework of the article, the necessity and importance of improving the tax administration during the period of the reforms implemented for the digitalization of all spheres of society's life are evaluated and the directions for its improvement are based.*

Keywords: tax administration, state budget, tax policy, fiscal policy, reforms.

Кишилик жамияти шаклланиши ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши давлат унсурларни шаклланиши ҳамда уни такомиллаштириб бориши талаб этади. Шу сабабли классик олимлар, ҳукумдорлар ушбу масалага доим алоҳида ёндошган. Адолатли солиқ сиёсатнинг фуқаролар манфаатига тўла мослиги мамлакат тараққиётига хилмат қилиши тадқиқотларда эътироф этилган.

Солиқ маъмуриятчилиги давлат бюджети маблағларини шакллантиришдан ташқари, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш омили ҳам ҳисобланади. Шу боис ушбу мавзу кишилик жамияти ривожланиши барча формацияларида долзарб мавзу бўлган. А.Смитнинг фикрича, солиқ маъмуриятчилигида “тинчлик, меъёрдаги солиқлар ва бошқарувдаги сабр-тоқат асосий омиллар бўлиб, қолган ҳамма нарсаларни табиий жараённинг ўзи бажаради”, илгари суради. Ж.Кейнс ўз тадқиқотлари натижаси бўйича А.Смитга қарши “бозор иқтисодиёти давлат ёрдамсиз иқтисодий таназзулни (ишлаб чиқариш таназзули, ишсизлик ва шу кабилар) бартараф этишга қодир эмас”, деган фикрни билдиради.

Умуман, солиқ сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, давлатлар иқтисодий муносабатларни тартибга солишда солиқ механизмларидан фойдаланишга катта эътибор беради. А.Смит ва Ж.Кейнслар фикрлари бир-бирига қарши бўлсада, мазмунан яқиндир. Чунки А.Смит таъкидлаган меъёрдаги солиқ миқдорини давлат белгилайди.

Неокейнсианлик йўналишининг намояндалари бўлган П.Самуэльсон (АҚШ), А.Хансен, Р.Харрод (Буюк Британия), Ф.Нойрман (Германия) ва бошқалар солиқ иқтисодиётнинг ривожланиши шароитида ортиб борувчи даромадларнинг бир қисмини олиб қолиб, аҳоли даромадларининг камайишини чеклайди, деган фикрни билдиришган.

Давлатнинг муҳим функцияларини солиқ функциялари орқали қараб чиқиш мумкин, чунки бу диалектик жиҳатдан ўзаро боғланган икки элементдир ёки айни битта медалнинг икки томонидир. Солиқ давлатнинг ўз мақсадлари ва вазифаларини бажариш учун фойдаланадиган молиявий манба ҳисобланади. Демак, солиқнинг моҳият ва вазифалари давлат фаолияти билан боғлиқдир. К.Макконнелл, С.Брюлар фикрича солиқларга фискал сиёсат бўлиб, иқтисодий тартибдорлаштириш учун ҳал этиладиган вазифаларидан келиб чиқиб, ҳам рағбатлантирувчи сиёсат, ҳам тўсқинлик қилувчи сиёсат сифатида қараш мумкин, деб ҳисоблайди.

Француз иқтисодчиси Ж.Боден фуқаролар норозилиги олдини олиш мақсадида ўз асарларида давлат даромадларини давлат мулкани ишлатиш ва бож йиғимлари ҳисобидан шакллантириш, аҳолидан солиқ йиғиш заруриятга қараб жорий этилиши зарур, деган фикрни илгари сурган.

Ж.Бодендан фарқли равишда инглиз файласуф-иқтисодчиси Т.Хоббес давлат ўз даромадларини шакллантириш учун фуқароларга солиқ солиш ҳуқуқига эга, лекин солиқларни белгилашда меъёр ва барча қатламга тўғри тақсимлашга эътибор қаратиш зарур, деган ғояни таклиф қилган. Ушбу масала XV асрда Амир Темур ва темурийлар ҳукумронлик даврида амал қилган тартиб ҳисобланади. Дунё ҳамжамияти бугун ушбу назарияга яна ижобий ёндошмоқда.

XVII асрнинг охирига келиб, Буюк Франция инқилобининг таъсири остида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда Вольтер, Ж.Ж.Руссо, Ф.Кенэ, О.Мирабо томонидан молия, фалсафа, ҳуқуқ ва давлат соҳасида янги назариялар илгари сурилди. Ушбу олимлар томонидан молия фани йўналишида давлатнинг солиқларга бўлган ҳуқуқини асослайдиган илмий назарияларни ва ҳар бир давлатнинг давлат харажатларини молиялаштиришни шакллантиришда иштирок этиш ҳажми яъни, солиққа тортишда тенглик масаласи асосларини яратилди.

XIX-асрда социализм ғоялари молия фанининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади (К. Маркс, Ф. Лассалле). Бу таъсир солиқ назариясидаги ижтимоий-сиёсий тенденцияларнинг ривожланишида акс этади. К. Маркс солиқларнинг давлатнинг ўз вазифаларини бажаришда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди ва "Солиқ - ҳукуматни озиклантирувчи она кўкраги. Солиқ - мулк, оила, тартиб ва дин ёнидаги бешинчи худо, деган фикрни илгари сурган".

Қайд этиш зарурки, солиқ маъмуриятчилигини иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий таҳлилнинг истикболи бу соҳада илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун янги имкониятлар яратади. Ҳар қандай солиқ тизими ва солиқ низоларини негизида:

- *ижтимоий эҳтиёжлар учун солиқ тўловчиларнинг даромадларининг бир қисмини давлатга ажратиш;*

- *сиёсий жиҳатдан, давлат қонунчилик ижросини таъминлашда куч ишлатишга оид муносабатлар мужассамлиги ётади.*

Таҳиллар солиқ муносабатларини шаклланиш жараёнлари икки босқичдан иборат бўлишини кўрсатмоқда. Биринчи босқич солиқ тизимини шакллантиришни ўз ичига олади ва бунда давлат қонунчилик даражасида маълум бир солиқ тизимини ўрнатади; яъни бевосита ва билвосита солиқлар турларини; пропорционал ва прогрессив солиқ ставкалари; имтиёзлар турлари ҳамда уларни қўллаш тартибларини, махсус ва соддалаштирилган солиқ режими; солиқни йиғишнинг техник ва ҳуқуқий механизмларини белгилаб беради. Иккинчи босқичда эса солиқ муносабатлари субъектларининг солиққа оид муносабатларини тартибга солиш тизимини яратиш мақсадида солиқ маъмуриятчилиги механизмлари шакллантирилади.

Тадқиқотлар натижаларига асосланиб солиқ муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмларини яратиш ва уни такомиллаштириб бориш солиқ қонунчилигида муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш учун хизмат қилади, деб хулоса қилиш мумкин.

Давлат солиқ сиёсати ва тизимининг оқилона шаклланиши мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайди. Солиқ муносабатларини тартибга солиш тизими ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатлар давлат солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлиги, солиқ муносабатларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлиги ҳамда назорат самарадорлигини сусайишига сабаб бўлади.

Шу сабабли мамлакатимизда солиқ сиёсатини оптималлаштиришнинг асосий йўналишлари:

- солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар ва улар ривожланиш тенденциялари истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш;

- солиқ солишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш ва бюджетга солиқ тушумларини прогнозлаштириш фаолиятини такомиллаштириш;

- солиқ низоларини судгача ҳал этиш имкониятларидан самарали фойдаланиш тизимини яратиш;

- солиқ тўловчилар ҳуқуқий маданиятини ошириш эвазига уларни солиқларни тўлаш мажбурияти ва бурчларини ихтиёрий бажаришини таъминлаш ишларини такомиллаштиришга қаратилиши зарур.

Sa'dullaev Oybek Turdiali o'g'li

Independent researcher of the Tashkent Financial Institute

Islamova Iroda Jaxongir qizi

Student of the Shahrisabz branch of the Tashkent Institute of Chemical Technology

NAVIGATING TAX RISKS ARISING IN THE MANAGEMENT OF ENTERPRISES

Abstract: *In the intricate landscape of enterprise management, tax compliance is a paramount concern. This essay delves into the multifaceted world of tax risks arising in the management of enterprises. It explores the various dimensions of tax risks, their causes, consequences, and strategies to mitigate them. With seven keywords, this article encompasses tax compliance, tax evasion, tax planning, tax audits, legal implications, tax authorities, and corporate responsibility.*

Keywords: *tax compliance, tax evasion, tax planning, tax audits, legal implications, tax authorities, corporate responsibility.*

Taxation is a fundamental aspect of any modern economy, serving as the lifeblood of government revenue and an essential component in the management of enterprises. Tax risks encompass a multitude of potential pitfalls that can significantly impact a company's financial stability, reputation, and legal standing. This essay seeks to shed light on the intricate web of tax risks that businesses face, analyzing their origins, implications, and the strategies available to manage and mitigate them.

Tax Compliance: Tax compliance is the bedrock of responsible enterprise management. Staying in compliance with tax laws, regulations, and deadlines is crucial for avoiding legal penalties, fines, and reputational damage. Failure to meet tax obligations can lead to severe consequences, including tax audits and legal proceedings, with potentially substantial financial repercussions.

Tax authorities closely monitor tax compliance, and any discrepancies or inconsistencies in tax reporting can raise red flags. Therefore, businesses must invest in robust tax compliance processes and systems, ensuring that they accurately calculate and report their tax liabilities.

Tax Evasion: Tax evasion is the antithesis of tax compliance, representing a willful and illegal act to reduce or eliminate tax obligations. It encompasses a range of activities, such as underreporting income, hiding assets, and utilizing offshore accounts. Tax evasion is a serious offense with severe legal consequences, including criminal charges, fines, and imprisonment.

Enterprises often face the temptation of tax evasion to reduce their tax burdens, but the risks far outweigh any potential benefits. Engaging in tax evasion not only jeopardizes a company's financial health but also damages its reputation and corporate responsibility. Therefore, it is imperative for enterprises to understand the critical distinction between tax planning and tax evasion.

Tax Planning: Tax planning is a legitimate and responsible approach to managing tax risks. It involves the strategic use of tax laws and regulations to minimize tax liabilities within the boundaries of legal and ethical standards. Effective tax planning can help businesses optimize their financial resources and remain competitive in the marketplace.

Tax planning strategies may include structuring operations to take advantage of tax incentives, credits, and deductions, as well as optimizing the timing of income recognition and deductions. However, it is essential for enterprises to ensure that their tax planning practices are in line with the letter and spirit of the law, avoiding any aggressive or abusive schemes that could trigger tax audits and legal scrutiny.

Tax Audits: Tax audits are a critical component of tax risk management, as they are the primary means by which tax authorities assess and verify an enterprise's tax compliance. Tax audits can be initiated for various reasons, such as discrepancies in tax filings, red flags raised by data analytics, or random selection.

An audit can be a time-consuming and resource-intensive process, often causing disruptions to business operations. It is imperative for enterprises to be prepared for tax audits by maintaining accurate financial records, documentation, and transparency in their tax reporting.

Legal Implications: Non-compliance with tax laws can have significant legal implications for enterprises. Tax evasion and other forms of illegal tax activities can result in criminal charges, leading to fines, penalties, and even imprisonment for responsible individuals within the organization.

Moreover, even non-criminal tax disputes can escalate into legal battles, involving litigation, settlements, and court proceedings. The legal costs and reputational damage associated with such disputes can be substantial, further underscoring the importance of diligent tax compliance and responsible tax planning.

Tax Authorities: Tax authorities are tasked with enforcing tax laws and regulations, ensuring that enterprises and individuals meet their tax obligations. They possess extensive powers to investigate, audit, and collect taxes, and they use a variety of tools and techniques, including data analytics, to identify potential tax evasion and non-compliance.

Enterprises must maintain a cooperative and transparent relationship with tax authorities to effectively manage tax risks. Open communication and willingness to

address any concerns or inquiries from tax authorities can prevent escalations and legal complications.

Corporate Responsibility: Corporate responsibility extends beyond financial profitability and includes ethical and legal obligations to society and stakeholders. Responsible tax management is an integral part of corporate responsibility, as it safeguards the integrity and reputation of an enterprise.

By practicing ethical tax compliance and responsible tax planning, enterprises can not only fulfill their legal obligations but also demonstrate their commitment to contributing to the communities in which they operate. This proactive approach to tax risk management not only helps companies avoid legal complications but also enhances their standing in the eyes of customers, investors, and the public.

Conclusion: In the intricate world of enterprise management, tax risks are an ever-present challenge. Whether through responsible tax compliance, strategic tax planning, or effective engagement with tax authorities, businesses must navigate these challenges to thrive in a competitive environment. Tax evasion, tax audits, and legal implications underscore the importance of maintaining an ethical and responsible approach to tax management. Corporate responsibility dictates that enterprises uphold their commitment to society by ensuring tax compliance, thereby contributing to a more transparent and equitable tax environment. In an era of heightened scrutiny on tax practices, responsible tax management is not only a legal obligation but also a moral imperative for enterprises seeking to build lasting success and trust in the global marketplace.

i

Agency for assessment of knowledge and skills, consultant to the director:

Sa'dullaev Oybek Turdiali o'g'li

Independent researcher of the Tashkent Financial Institute

TAX RISK MANAGEMENT OF ENTERPRISES IN THE DIGITAL ECONOMY *d*

Abstract: *Tax revenue is a linchpin of national finances, but it faces persistent challenges from tax evasion and fraud. This article explores the evolution of tax risk detection, the rise of AI and data mining, and its objectives. Challenges, such as complex data and hidden evasion methods, demand innovative solutions. AI and data mining are emerging as promising tools to address these challenges. The article reviews existing methods, categorizes them, and suggests future research directions. It also discusses the shift from traditional to data-driven tax risk detection. In conclusion, this article highlights the critical role of efficient tax risk detection in maintaining fiscal health. Tax risks encompass a multitude of potential pitfalls that can significantly impact a company's financial stability, reputation, and legal*

standing. This essay seeks to shed light on the intricate web of tax risks that businesses face, analyzing their origins, implications, and the strategies available to manage and mitigate them.

Key words: *Tax risk detection, artificial intelligence, data mining, tax evasion, tax fraud, traditional case selection, data-driven tax governance.*

Аннотация: *Налоговые поступления являются стержнем национальных финансов, но они постоянно сталкиваются с проблемами уклонения от уплаты налогов и мошенничества. В этой статье рассматривается эволюция обнаружения налоговых рисков, развитие искусственного интеллекта и интеллектуального анализа данных, а также его цели. Проблемы, такие как сложные данные и скрытые методы уклонения, требуют инновационных решений. Искусственный интеллект и интеллектуальный анализ данных становятся многообещающими инструментами для решения этих проблем. В статье рассматриваются существующие методы, классифицируются и предлагаются направления будущих исследований. В нем также обсуждается переход от традиционного к выявлению налоговых рисков на основе данных. В заключение, в этой статье подчеркивается решающая роль эффективного выявления налоговых рисков в поддержании финансового здоровья.*

Ключевые слова: *выявление налоговых рисков, искусственный интеллект, интеллектуальный анализ данных, уклонение от уплаты налогов, налоговое мошенничество, традиционный отбор случаев, налоговое управление на основе данных.*

A
n K

a Tax revenue stands as a cornerstone of a nation's economic stability, providing **the** financial foundation for various public services and infrastructure development. **In** 2021, the Chinese tax authorities revealed that tax revenues, after deducting export **tax** rebates, accounted for a significant 76.3% of national general public budget **r**evue. However, despite the vital role of taxation in sustaining a nation's fiscal **h**ealth, tax governance worldwide faces formidable challenges, chief among them **b**eing the persistence of tax evasion, fraud, and other tax-related risks. These issues, **i**f left unaddressed, can lead to substantial revenue losses, erosion of the tax base, and **t**hreats to national tax security. Tax evasion and fraud not only result in significant **e**conomic losses but also disrupt the fair competition within the market. In the United **S**tates, for instance, it has been estimated that between 2011 and 2013, the country **i**ncurred an annual loss of \$441 billion USD due to tax-related malfeasance.

o In the European Union, the average tax loss share was recorded at 18.3% in 2015, with Switzerland, the country with the lowest rate, still facing tax losses **e**quivalent to 6.9% of its Gross Domestic Product (GDP). Moreover, the World Bank

q
t
u

reported that 54% of companies in 135 developing countries did not fully declare their income taxes to the tax authorities. To combat these challenges and rectify tax-related misbehavior, it is imperative to enhance tax risk detection, which serves as a linchpin in ensuring fair and just market competition, promoting national governance, and improving the tax collection process. The complexities involved in this endeavor, such as the volume of data and the sophistication of tax evasion methods, necessitate innovative and efficient solutions. This article explores the evolution of tax risk detection and the emergence of artificial intelligence and data mining as revolutionary tools in addressing tax evasion and fraud. Challenges in Tax Risk Detection Effective tax risk detection is a multifaceted challenge that encompasses several key aspects:

-Complex, High-dimensional, and Massive Data: Tax scenarios are characterized by an enormous volume of data from diverse sources, including industry and commerce, taxation, social security, customs, and more. These data sources generate various types of data, such as regulations, policies, statements, invoices, contracts, and transaction documents.

-The sheer quantity and diversity of data make it a Herculean task to manually process and analyze, rendering traditional detection methods inadequate.

-Hidden Tax Evasion Modes: Tax evasion and fraud have evolved over time, becoming increasingly sophisticated and elusive. Those who engage in tax evasion often employ intricate strategies, including the registration or acquisition of numerous shell companies, layering their activities, and conducting crimes across regions and industries.

While these methods may be effective to a certain extent, they struggle to uncover deeply concealed and complex tax-related crimes. Therefore, there is a pressing need to identify more efficient approaches for extracting hidden tax risk clues from vast, heterogeneous tax-related data sources. These technologies offer the potential to unravel the intricate web of tax data, uncover hidden patterns and connections, and greatly enhance the accuracy of tax risk detection. Artificial intelligence and data mining-driven tax risk detection methods have garnered significant attention and are becoming the cornerstone of modern tax governance.

They excel in uncovering hidden tax risk clues within the complex structural information and rich semantic data that make up the tax transaction network.

PhD Jumaniyozova Feruza Rajabovna

TDIU "Soliqlar va soliqqa tortish" katedrasi

**RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA
SOLIQ MA'MURIYATCHILIGINI RIVOJLANTIRISHNING
ILMIY-NAZARIY ASOSLARI**

***Annotatsiya:** Raqamlashtirish butun jahon iqtisodiyotiga ta'sir qiladi. Ushbu yangi texnologiyaning ta'siri to'lqin iqtisodiyotning muayyan tarmoqlari bilan chegaralanib qolishi yoki muayyan mamlakatlar yoki mintaqalar bilan chegaralanishi mumkin emas. Yangi raqamli foydalanish texnologiyasi nafaqat an'anaviy biznes modellarini o'zgartirdi, balki qiyinchilik tug'diradigan an'anaviy tarzda qanday soliqa tortilgan degan muammoni yangi raqamli biznes modellari orqali aniqlash imkonini berdi. Hududda jismoniy shaxslar ishtirok etmasdan tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish imkoniyati katta yutuq bo'ldi. Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida soliq ma'muriyatchiligini rivojlantirishning ilmiy-nazariy asoslari haqida fikr yuritamiz.*

***Kalit so'zlar:** Raqamlashtirish , soliq amaliyoti, soliq kodeksi, raqamli iqtisodiyot, elektron xizmatlar.*

Jahon soliq amaliyoti tasdiqlashicha, soliq siyosatining hozirgi zamon talablariga moslashuvchanligini ta'minlashning diqqat markazida – soliq ma'muriyatchiligi samarali tizimini shakllantirish masalasi yotmoqda. Mazkur jihat soliq ma'muriyatchiligi samarali tizimini shakllantirishga oid amaliyotning samarali tadbirlariga jiddiy e'tibor qaratilayotganligidan dalolat beradi. O'zbekiston Respublikasida zamonaviy talablarga javob beradigan soliq tizimi modernizatsiyasi va soliq ma'muriyatchiligi samarali tizimining shakllanishi, uning taraqqiyoti iqtisodiyot ravnaqi uchun muhim mexanizm ekanligi soliq tizimidagi shiddatli islohotlarning borishini, bu sohaga oid soliq amaliyotidagi tizimli o'zgarishlarni real baholashning ahamiyatini belgilaydi. Umuman, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning hozirgi bosqichida yangi talablar asosida soliq ma'muriyatchiligi samarali tizimini shakllantirish masalalarini o'rganish muhim ahamiyatga ega. Jahon soliq amaliyotida soliq ma'muriyatchiligi samarali tizimini shakllantirishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlarda xufiyona iqtisodiyot ulushini kamaytirish hisobiga soliq tushumlarini sezilarli tarzda oshirish, soliq ma'muriyatchiligidagi samarasiz xarajatlarni qisqartirish yo'nalishlari ochib berilgan. Tadqiqotlar natijalari ko'rsatishicha, ayrim mamlakatlarda soliq tushumlarining yuqori darajasi soliq ahloqi va madaniyatining yuqoriligi hamda soliq qonunchiligining barqarorligi bilan bog'liq bo'lsa, boshqalarida iqtisodiyotda soliq yukining yuqoriligi, samarasiz imtiyozlar va soliq qonunchiligining nobarqarorligi bois soliq tushumlarining past darajasi mazkur tizimdagi hal qilinishi lozim bo'lgan muammolarni ko'rsatmoqda. Yuqorida keltirilgan masalalar samarali soliq ma'muriyatchiligini shakllantirishning nazariy va amaliy muammolari mavjudligini ko'rsatmoqda va ularni chuqur ilmiy tadqiq etishni taqozo etmoqda.

Umuman olganda, raqamli iqtisodiyot – bu jarayonlarni tahlil qilish natijalaridan foydalanish va katta hajmdagi ma'lumotlarni qayta ishlash asosida turli xildagi ishlab chiqarishlar, texnologiyalar, asbob-uskunalar, tovar va xizmatlarni

saqlash, sotish va yetkazib berish samaradorligini jiddiy ravishda oshirishga imkon beradigan, raqamli ko'inishdagi ma'lumotlar asosiy ishlab chiqarish omili hisoblangan faoliyatdir. Zamonaviy taraqqiyotning keyingi istiqbolida katta hajmli ma'lumotlar bilan ishlash texnologiyalari (Big Data), sun'iy intellekt, neyrotexnologiyalar, kvant texnologiyalari, buyumlar interneti, robototexnika va sensorika, raqamli elektron platformalar, bulutli va mobil texnologiyalar, virtual va qo'shimcha reallik texnologiyalari, kraudsorsing, blokcheyn texnologiyalari, kriptovalyutalar va ICO, 3D-texnologiyalari singari raqamli texnologiyalar hal qiluvchi ahamiyat kasb etmoqda. Raqamli iqtisodiyot hozirgi mavjud sohalarning yarmidan ko'prog'ida beqiyos o'zgarishlar keltirib chiqarishi ta'kidlanmoqda. Jumladan, Jahon banki ekspertlari fikricha, tezkor internetdan foydalanuvchilar sonining 10 foizga ko'payishi milliy iqtisodiyotlar yalpi hajmini har yili o'rtacha 0,4-1,4 foizga oshirish imkonini beradi.

Quyida biz yangi Soliq kodeksi tomonidan kiritilgan ba'zi muhim o'zgarishlarni sarhisob qilamiz: 1. Raqamli xizmatlar 2020-yil 1yanvardan boshlab, O'zbekistonning norezidentlari O'zbekistonda istiqomat qiluvchi mijozlarga taqdim etiladigan bir qator raqamli xizmatlar uchun mahalliy QQSni (15%) to'lashlari shart.; Raqamli xizmatlarning xorijiy etkazib beruvchilar xizmat taqdim etilgandan keyin 30 kun ichida O'zbekiston soliq organlarida QQS to'lovchisi sifatida ro'yxatdan o'tishlari shart. Davlat soliq qo'mitasi rezident bo'lmagan elektron xizmatlarni etkazib beruvchilar soliq organlarida ro'yxatdan o'tishi va hisobotlarni topshirishlari mumkin bo'lgan veb-saytini ishga tushirdi. 2. Transfer narxlari Yangi Soliq kodeksi 2022-yil 1-yanvardan kuchga kiradigan transfertlar narxini batafsil tartibga solishni o'z ichiga oladi. Ilgari bunday tartibga solish bo'lmagan. Yangi qoidalarning ba'zi asosiy jihatlari quyida keltirilgan: Soliq maqsadlarida nazorat qilinadigan bitim bozor talablariga muvofiq bo'lishi kerak.

O'tgan yillar mobaynida tadbirkorlik subyektlari ustidan tekshirishlarni qisqartirish va ularning tadbirkorlik faoliyatiga asossiz ravishda aralashishlarga barham berish bo'yicha belgilangan tartibda zarur chora - tadbirlar ko'rildi. Tadbirkorlik subyektlari faoliyatini rejadan tashqari va muqobil tekshirish tartiblari bekor qilindi, tadbirkorlar tomonidan beriladigan soliq hisobotlarning shakli va taqdim etish muddatlari soddalashtirildi. Shu bilan birga, soliq ma'muriyatchiligi tizimini amalga oshirishda bir qator muammolar mavjudligi sababli davlat soliq xizmati organlari tizimini isloh qilishning quyidagi muhim yo'nalishlari belgilandi: - soliq ma'muriyatchiligi jarayoniga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ilg'or avtomatlashtirilgan tahlil uslublarini keng joriy etish, soliq to'lovchilarga, eng avvalo, tadbirkorlik subyektlariga to'g'ridan-to'g'ri muloqotsiz elektron xizmat ko'rsatishga to'liq o'tish; - soliq solish obyektlari va soliq solinadigan bazaning o'z vaqtida hamda ishonchli hisobga olinishini ta'minlash, vakolatli

organlar va tashkilotlar mansabdor shaxslarining soliq solish masalalari bilan bog'liq bo'lgan ishonchli axborotini o'z muddatida taqdim etish bo'yicha mas'uliyatini oshirish; - soliq majburiyatlarini bajarishda soliq to'lovchilarga har tomonlama ko'maklashish, soliqqa oid huquqbuzarliklar profilaktikasining ta'sirchan soliq mexanizmlarini ishlab chiqish va soliq to'lovchilarning huquqiy madaniyatini oshirish, soliq nazoratini amalga oshirishning zamonaviy uslublarni joriy etish; - makroiqtisodiy ko'rsatkichlar dinamikasi va hududlarning soliq salohiyatini tizimli tahlil qilish orqali soliq solish obyektlarini to'liq qamrab olish va soliq solinadigan bazani kengaytirishni ta'minlash bo'yicha samarali tadbirlarni amalga oshirish.

O'zbekistonda jahon andozalariga mos samarali soliq tizimiga tayanuvchi mustahkam iqtisodiy asos hamda real natijaga asoslangan istiqbolli taraqqiyot yo'nalishlarini belgilash, soliq yukini kamaytirish va soliqqa tortish tizimini soddalashtirish siyosatini davom ettirish, soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish va tegishli rag'batlantiruvchi choralarni kengaytirishga jiddiy ahamiyat berilmoqda. Soliq yukini pasaytirib borish, soliq to'lovchilar o'rtasidagi uning nomutanosib taqsimlanishini bartaraf etish, soliq ma'muriyatchiligidagi nomukammalliklar tufayli soliqlarni hisoblash va to'lashdagi muammolarni bartaraf etish, soliq to'lovchilar bilan soliq organlari o'rtasidagi iyerarxar munosabatlarga yo'l qo'ymaslik va ularning "hamkorlikda o'sishi"ni ta'minlashga erishish, tadbirkorlik subyektlari faoliyatiga to'sqinlik qiladigan asossiz soliq tekshiruvlarini bartaraf etish va soliq maslahati ko'rsatish hamda samarali nazorat tadbirlariga o'tish vazifasi belgilandi. O'zbekistonda samarali soliq ma'muriyatchiligi tizimini shakllantirish metodologiyasini yanada aniq tarzda ifodalab quyidagi xulosalarni chiqarish mumkin: Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish istiqbollari asoslangan yangi soliq siyosati asosida soliq to'lovchilar uchun yaratilgan sharoit va iqtisodiy bazis, rivojlanishning ustuvor yo'nalishlarini hisobga olgan holda "samarali solik ma'muriyatchiligi", "soliq ma'muriyatchiligi samaradorligi mezonlari va kursatkichlari" tushunchalari mazmuniga tizimli yondoshuvga asoslangan yangi ta'rif beriladi; Soliq amaliyoti tadqiqi asosida, samarali soliq ma'muriyatchiligini shakllantirishning tizimli muammolarini aniqlanadi va ularni hal etishga oid takliflar tizimi tavsiya etiladi.

доцент Адилова Гулнур

ТМИ "Суғурта ва пенсия иши" кафедраси

МИЛЛИЙ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

Хозирги кунда иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида барча тармоқларда хизмат кўрсатишнинг инновацион ва мотивацион ёндашув тизими орқали аниқ мақсадли режалар асосида ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Шунингдек суғурта соҳаси ҳам юридик ва жисмоний шахсларга қулай хизмат

кўрсатиш мақсадида рақамли технологиялар орқали суғурта хизматларини амалга оширишда. Суғурта нофаол талаб хизматлари турига кирганлиги сабаб истеъмолчи уларни сотиб олиш мумкинлиги ҳақида билмайди ёки буни ўйламайди. Суғурта хизматларини ўтказиш (сотиш) учун кўп ҳаракат талаб этилади. Шунинг учун суғурта компаниялари суғурта маҳсулотларини сотишда маркетинг стратегиясини пухта ишлаб чиқиши ҳамда потенциал суғурталанувчиларнинг ишончини қозонишда тўловлилик қобилиятини тўлиқ бажариши зарур ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жойизки, мамлакатимизда суғурта фаолиятига оид қонунчиликни мунтазам такомиллаштирилишга алоҳида эътибор бериб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонуни, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги қонуни ва “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинганлиги. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда суғурта фаолияти классификаторини кенгайтириш ва шу орқали ҳаёт суғурта соҳаси ва шахсий суғурта бозорида суғурта хизматлари турларини оммалаштириш, аҳоли ва иқтисодиётнинг эҳтиёжларига хизмат қиладиган суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўзгаришга йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 323-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги ягона низомнинг 6-иловасига асосан тасдиқланган Суғурта фаолияти классификаторига қўшимча суғурта классларини қўшиш орқали кенгайтирилди. Жумладан, ҳаётни суғурта қилиш соҳасига V-класс “Мажбуриятларни таъминлаш учун ҳаётни суғурталаш”, VI-класс “Узоқ муддатли ихтиёрий пенсия суғуртаси” ҳамда VII-класс “Капитални қайтариш билан ҳаётни суғурталаш” класслари киритилган бўлса, умумий суғурта соҳасига 18-класс “Тиббий суғурта” классы киритилди. Суғурта классификаторига киритилган ушбу қўшимчалар мамлакатимиз суғурта бозоридаги хизматлар турини кенгайтиришга ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек 2022 йил 5 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлаш

ҳақида” 694-сон қарори қабул қилинди. Низомга асосан, барча суғурта турлари бўйича суғурта полислари Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси билан биргаликда юритадиган ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатга олиниши йўлга қўйилади ҳамда Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси фаолиятини кенгайтириш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш амалга оширилади. Бундан ташқари суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда сотиш, расмийлаштириш, рўйхатга олиш ва суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи мижозлар ўртасида инсон омилисиз маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилиши. Жорий йилнинг 31 декабрга қадар тегишли вазирлик ва манфаатдор идоралар билан биргаликда барча суғурта полисларини рўйхатга олувчи ва уларнинг айланмасини назорат қилувчи ягона ахборот тизими жорий қилинади ҳамда бу тизимнинг барча суғурта ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашуви амалга оширилиши назарда тутилган. 2023 1 мартга қадар ички ишлар органи ходимларининг иштирокисиз расмийлаштирилган йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома (Европротокол)ни онлайн тарзда тўлдиришга ва кўриб чиқилишини амалга оширишга мўлжалланган ягона мобил илова ишга туширилиши асосий вазифалардан бири бўлиб белгиланган. 2023 йил 1 июлга қадар ягона мобил илова орқали бошқа мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта даъволарига оид аризалар онлайн тарзда юборилиши ҳамда кўриб чиқилиши амалиётга жорий этилиши белгиланган.

Мамлакатимизда суғурта бозори ривожланишида суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада такомиллаштирилиб тармоқларни ривожлантириш янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади, суғурта фаолиятини ривожлантиришни усуларидан бири суғуртанинг мажбурий тартибда киритилиши, бир томондан соҳанинг асосий муоммоларидан бири бўлган аҳоли суғурта маданиятининг кўтарилишига хизмат қилса иккинчи томондан етказилган зарарнинг суғурта механизми орқали кафолатли қопланиши тизимини яратди, натижада жабрланувчиларга тўланадиган суғурта қопламаларининг ҳажми кескин ортди. Бу эса аҳолини ижтимоий ҳимоясининг янада мустахкамланишига хизмат қилади.

Суғурта бозорида суғурталовчиларнинг кенг кўламли қатлами юзага келганлиги, улар томонидан тўлов қобилиятига эга мижозларни суғурта ҳимоясига жалб этишда ушбу субъектларнинг манфаатига мос келадиган янги суғурта хизматлари таклиф этилаётганлиги, улар ўртасида рақобат муҳити кучаяётганлиги суғурта жараёни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда суғурта соҳасини ривожлантириш юзасидан қабул қилинаётган катор фармон ва қарорлар суғурта хизматларини сифат жиҳатдан янги босқичга

чиқишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни қуйидаги расмларда кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорини такомиллаштиришга доир қуйидаги таклифларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик:

- Миллий суғурта бозорини модернизация қилиш ва ривожлантиришда назорат органилари фаолиятини яъни Давлат суғурта назорати органининг суғурта бозоридаги ролини янада кучайтириш:

- суғурта фаолиятини ривожлантириш ва улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

-суғуртада хизмат кўрсатишнинг онлайн тарзда кўпроқ олиб борилиши ва потенциал суғурталанувчиларга суғурта хизматларини кенгроқ тушунтириб бериш лозим;

- суғурта фаолиятини ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган халқаро шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

- Мижозларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:

- фуқаролар (мижоз) ларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйилмаслик бўйича компаниялар раҳбарияти томонидан барча зарур чораларини кўриш;

- суғурта ташкилотларининг бошқарув аппарати томонидан фуқаролар (мижоз) ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш юзасидан тегишли меъёрий-ҳужжатлар ёки чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

- фуқароларнинг суғуртага бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

- фуқароларнинг кўрган зарарлари юзасидан белгиланган суғурта копламаларини ўз вақтида олинишини таъминлаш.

- Молиявий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш:

- суғурта хизматларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўсишини таъминлаш;

- ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ҳар 2 йилда бир маротаба устав капиталининг минимал миқдорларини ошириб борилишини таъминлаш керак.

Таъкидлаб ўтиш жоизки келтирилган муаммо ва ечимлардан келиб чиқиб, ушбу берилган таклифлар суғурта хизматларини янада ривожланишида ёрдам беради.

**MAMLAKATIMIZDA O‘ZINI O‘ZI BAND QILGAN SHAXS SIFATIDA
FAOLIYATNI AMALGA OSHIRISHNING ME‘YORIY-HUQUQIY
ASOSLARI**

Ma‘lumki, fuqarolarimiz orasida biror korxonada, idora yoki tashkilotda o‘ziga qulay ish topolmasligi natijasida mehnat shartnomasi, doimiy ish haqiga ega bo‘lmagan, biroq turli mavsumiy mehnat bilan band bo‘lgan yoki oilasida tomorqa bilan shug‘ullanib, daromad topadiganlar ko‘pchilikni tashkil etadi. Lekin shu kungacha ularning faoliyati hech qayerda qayd etilmas edi. Bu esa pensiya yoshiga yetganda nafaqa tayinlash uchun talab qilinadigan mehnat staji yo‘qligi muammosini keltirib chiqarar edi. Ayni holat 2023 yilgi Davlat dasturida ham alohida qayd etilib, o‘zini o‘zi band qilgan fuqarolarga qator yengilliklar yaratish lozimligi belgilandi. So‘nggi vaqtlarda *«o‘zini o‘zi band qilish»* atamasi tez-tez tilga olinmoqda. Aslida ular kim? O‘zini-o‘zi band qilgan fuqarolar — mehnat daromadi olishga yo‘naltirilgan jismoniy va yuridik shaxslarga xizmatlar ko‘rsatish, ishlarni bajarish bo‘yicha shaxsiy mehnati bilan ishtirok etishga asoslangan faoliyatni mustaqil amalga oshiradigan, yakka tartibdagi tadbirkor sifatida ro‘yxatga olinmagan va o‘z faoliyatida yollanma xodimlar mehnatidan foydalanmaydigan jismoniy shaxslar mehnat stajini hisobga olish va rag‘batlantiruvchi imtiyozlardan foydalanish huquqiga ega bo‘lgan fuqarolar hisoblanadi.

Bugungacha ham aslida xalqimiz bunday faoliyat turlari bilan shug‘ullanib kelgan. Hunarmandchilik, ustachilik, zargarlik, novvoylik, duradgorlik, sataroshlik kabi kasb egalari shular jumlasidan. Endi esa bunday faoliyatga huquqiy baho berildi. Xususan, Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 9 iyuldagi 566-son «O‘zini o‘zi band qilgan fuqarolar uchun vaqtinchalik mehnat guvohnomasini joriy etish to‘g‘risida»gi qarori bilan «O‘zini o‘zi band qilgan fuqarolarga vaqtinchalik mehnat guvohnomasini berish tartibi to‘g‘risida»gi Nizom tasdiqlandi. Unga muvofiq, 2019 yil 1 sentyabrdan bunday shaxslarga vaqtinchalik mehnat guvohnomalari berildi. Mehnat guvohnomasi ariza beruvchining xohishiga ko‘ra, 1 oydan 12 oygacha muddatga, mehnat organlari tomonidan fuqarolarning doimiy yashash joyidan qat‘i nazar berildi. Guvohnomada ko‘rsatilgan davr pensiyani hisoblab chiqarish uchun fuqarolarning mehnat stajiga kiritildi. Shuningdek, o‘zini o‘zi band qilgan fuqarolarga banklardan Bandlikka ko‘maklashish jamg‘armalari hisobiga imtiyozli mikrokreditlar ajratildi. O‘zini o‘zi band qilayotgan, qo‘lida kasb-hunari bor odamlarga munosib sharoit yaratish maqsadida ular daromad solig‘idan ozod qilindi. Jumladan, 2020 yil 1 iyuldan o‘zini o‘zi band qilgan shaxslar shug‘ullanishi mumkin bo‘lgan faoliyat (ishlar, xizmatlar)

turlari ro'yxati kengaytirildi. Mazkur faoliyat (xizmatlar, ishlar) turlari faqatgina 24 ta edi. Endi ularning soni 68 tani tashkil etdi. Bu esa, norasmiy sektorda band bo'lganlar sonini yanada kamaytirishga xizmat qiladi. Eng e'tiborli jihati shundaki, amaldagi tartib bo'yicha fuqaro vaqtinchalik mehnat guvohnomasini 12 oylik muddatga olish uchun bazaviy hisoblash miqdorining 4,5 baravari miqdoridagi to'lovni amalga oshirishi kerak edi. Bu fuqarolarning oz bo'lsa-da e'tirozlariga sabab bo'layotgan edi. Ushbu mablag'ning faqat 60 foizi O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tashqari Pensiya jamg'armasiga — o'zini o'zi band qilgan fuqaro tomonidan yagona ijtimoiy to'lovni to'lashga yo'naltirilgan edi.

O'zini o'zi band qilgan shaxslar — ***o'z ishini o'zi topib, uni o'zi bajarish orqali daromad ko'radigan jismoniy shaxslardir***. Repetitorlar, enagalar, santexniklar, elektrchilar, sartaroshlar, kuryerlar, avtomobil yuvuvchilari, hunarmandlar, farroshlar, tikuvchilar, dasturchilar va yana ko'plab kasb egalari o'zini o'zi band qiluvchilar bo'lishlari mumkin. Aholini tadbirkorlik faoliyatiga yanada keng jalb qilish va qonuniy mehnat faoliyatini amalga oshirish uchun qo'shimcha shart-sharoitlarni yaratish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 8 iyundagi "Tadbirkorlik faoliyati va o'zini o'zi band qilishni davlat tomonidan tartibga solishni soddalashtirish choratadbirlari to'g'risida"gi PQ-4742-son qarori qabul qilindi. Va sohada yangi tartiblar joriy etildi. Mazkur qarorga ko'ra, 2020 yil 1 iyuldan o'zini o'zi band qilgan shaxslar shug'ullanishi mumkin bo'lgan faoliyat (ishlar, xizmatlar) turlari ro'yxati kengaytirildi.

Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 23-dekabrda 806-son qarori bilan "O'zini o'zi band qilgan shaxs sifatida faoliyatni amalga oshirish tartibi to'g'risida"gi nizom tasdiqlandi. Nizomga ko'ra O'zini o'zi band qilgan shaxslar tomonidan mehnat staji hisoblanishi uchun qonun hujjatlarida belgilangan miqdorda ijtimoiy soliq to'lanadi.

O'zini o'zi band qilgan shaxslar uchun nazarda tutilgan faoliyat turlari bilan shug'ullanuvchi, ishtirokchilari soni kamida uch nafar bo'lgan oilaviy korxonalar aylanmadan soliqni belgilangan miqdordan 50 foizga kamaytirilgan stavkada to'lashlari belgilab qo'yildi. Mamlakatimizda, 2022-yil 16-fevral holatiga o'zini o'zi band qilganlar 1 324 031 nafarga yetdi. Joriy yil 1-yanvardan 16-fevralga qadar 132 047 nafar fuqaro o'zini o'zi band qilgan shaxs sifatida ro'yxatdan o'tib, bu borada Farg'ona (20295), Samarqand (18988), Andijon (13901), Jizzax (10647) va Toshkent viloyati (10362) yetakchilik qilmoqda.

- Qishloq xo'jaligi yo'nalishi bo'yicha 50691;
- Sanoat yo'nalishi bo'yicha 32707;
- Maishiy xizmatlar bo'yicha 23641;
- Ijtimoiy yo'nalish bo'yicha 15183;
- Xalq iste'moli mollari ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatish bo'yicha 7551;
- Axborot-kommunikatsiya yo'nalishi bo'yicha 2274 nafar shaxs o'zini o'zi band qildi.

Soliq qo‘mitasi o‘tgan yili o‘zini o‘zi band qilgan fuqarolarga ham kassa apparat bilan ishlash talabini qo‘ygandi. Qo‘mitaning hozirgi paytdagi raisi, Sherzod Qudbiyev bu tartibni chek berish majburiyligi bilan izohlagan edi. Endi esa, o‘zini o‘zi band qilgan shaxslar tomonidan berilgan cheklar uchun keshbek to‘lanmasligi belgilab qo‘yildi.

O‘zbekistonda chekning 1 foizi qiymatida davlat tomonidan keshbek qaytarilmaydigan xaridlar toifalari bittaga ko‘paydi. Bu ro‘yxatga o‘zini o‘zi band qilgan shaxslar tomonidan berilgan xarid cheklari qo‘shildi.

Endilikda, o‘zini o‘zi band qilgan shaxslardan olingan xarid cheklari bo‘yicha davlat xaridorlarga 1 foiz keshbekni qaytarmaydi.

Bungacha keshbek qaytarilmaydigan xaridlar ro‘yxatida avtomobil, temiryo‘l va avia chipta, kommunal va aloqa xizmati uchun to‘lovlar bor edi.

Hukumatning tegishli qaroriga 2022 yilda kiritilgan o‘zgartirishga ko‘ra, o‘zini o‘zi band qilgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda **nazorat-kassa texnikasi va to‘lov terminallaridan** foydalanishi belgilangan.

2024 yildan boshlab o‘zini o‘zi band qilgan jismoniy shaxslar bo‘yicha – yillik daromadi **100 mln so‘mdan oshganda** yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun nazarda tutilgan soliqqa tortish tartibini joriy qilish taklif qilinmoqda. Bunda jismoniy shaxslarning yillik daromadi 100 mln so‘mgacha bo‘lganda soliqqa tortilmaslik tartibi saqlab qolinadi.

Umuman olganda, hozirgi kunda o‘zini o‘zi band qilgan shaxs sifatida ro‘yxatdan o‘tgan jismoniy shaxsning yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro‘yxatidan o‘tishi talab etilmaydi. Mazkur faoliyatni amalga oshirish natijasida olingan daromadlarga jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i tatbiq etilmaydi. O‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga ma‘lumotnoma cheklanmagan muddatga beriladi va ularni ro‘yxatdan o‘tkazishda haq undirilmaydi.

Jurayev Navruz Jurayevich

Buxoro davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi

OILAVIY KORXONANI BOSHQARISHNING IQTISODIY- HUQUQIY XUSUSIYATLARI

Annotasiya: O‘zbekistonda oilaviy korxonalarining iqtisodiy ko‘rsatkichlari yildan-yilga oshib bormoqda, bunga asosiy sabab mamlakatdagi oilaviy korxonalarni boshqarishda iqtisodiy-huquqiy huquqlarning davlat tomonidan himoyaga olib borilgani va davlat tomonidan huquqiy jihatdan himoyalaniishiga bog‘liq.

Kalit so‘zlar: oilaviy tadbirkorlik, oilaviy korxonalar, oila huquqi, oila qonunchiligi.

Аннотация: Экономические показатели семейных предприятий в Узбекистане растут из года в год, основная причина этого в том, что

экономические и юридические права при управлении семейными предприятиями в стране охраняются государством и охраняются законом.

Ключевые слова: семейный бизнес, семейные предприятия, семейное право, семейное законодательство.

Annotation: The economic indicators of family enterprises in Uzbekistan are increasing year by year, the main reason for this is that economic and legal rights in the management of family enterprises in the country are protected by the state and legally protected by the state.

Key words: family business, family enterprises, family law, family legislation.

O'zbekistonda oilaviy korxonani boshqarisni iqtisodiy-huquqiy tartibga solish dinamikasini o'rganish bizga nikoh va oila qonunchiligini rivojlantirishning yangi tendentsiyalari haqida, xususan, nafaqat an'anaviy tarmoq institutlaridagi o'zgarishlar, balki yangi institutlarning paydo bo'lishi haqida gapirishga imkon beradi. Oila qonunchiligi tarkibidagi o'zgarishlar to'g'risida, uning butun tizimining o'zgarishini ko'rsatadigan kichik tarmoqlar. Oila huquqini tartibga solish sohasining mazmuni va ko'lami sezilarli o'zgarishlarga duch kelmoqda. Umuman olganda zamonaviy ilmiy bilimlar va xususan yuridik fanlar rivojlanishining asosiy tendentsiyalaridan biri bu ko'rib chiqilayotgan hodisalarning mohiyatini o'rganishda tizimli yondashuvdan foydalanishni kengaytirishdir. Avvalambor oila va tadbirkorlik munosabatlari o'rtasida tarmoqlararo aloqalarni o'rnatishga e'tibor qaratish zarur.

Oilaviy korxonaning ishtirokchilari tomonidan tovarlar ishlab chiqarish (ishlar bajarish, xizmatlar ko'rsatish) va realizatsiya qilishni amalga oshirish uchun ixtiyoriy asosda, oilaviy korxonaning ishtirokchilarining ulushli yoki birgalikdagi mulkida bo'lgan umumiy mol-mulk, shuningdek oilaviy korxonaning ishtirokchilaridan har birining mol-mulki negizida tashkil etiladigan kichik tadbirkorlik subyektidir. Oilaviy korxonaning faoliyati uning ishtirokchilarining shaxsiy mehnatiga asoslanadi. Oilaviy korxonaning tadbirkorlik subyektlarining tashkiliy-huquqiy shakllaridan biridir.

Oilaviy korxonaning faoliyatini faqat yuridik shaxs tashkil etgan holda amalga oshirishi mumkin. Oilaviy korxonaning o'z mulkida alohida mol-mulkka ega bo'lishi, o'z nomidan mulkiy va shaxsiy nomulkiy huquqlarni olishi hamda amalga oshirishi, zimmasiga majburiyatlar olishi, sudda da'vogar va javobgar bo'lishi mumkin [1].

Huquqiy tizim rivojlangan mamlakatlarda jahon iqtisodiy inqirozi sharoitida keskinlashib borayotgan ijtimoiy muammolarni hal qilish bugungi kunda jamiyatning tabaqalanishini kamaytirish va iqtisodiy jihatdan kuchli o'rta sinfni yaratish uchun ijtimoiy mas'uliyatni o'z zimmasiga olgan oilaviy tadbirkorlik bilan bog'liq. Shuni tan olish kerakki, O'zbekistonda oilaviy tadbirkorlik turli xil oilaviy, kundalik va biznes muammolarini hal qilishda ulkan salohiyatga ega bo'lishiga qaramay, to'g'ri foydalanilmayapti va amalda huquqiy tartibga solish doirasidan tashqarida bo'lib, uni qo'llash samaradorligiga ta'sir qilishi mumkin emas.

O'zbekistonda me'yoriy-huquqiy hujjatlarda oilaviy tadbirkorlikning qonunchilik ta'rifi yo'q. Biroq adabiyotlarda oilaviy tadbirkorlik tushunchasi va huquqiy mohiyatini aniqlashga turlicha yondashuvlar mavjud. Oilaviy tadbirkorlikni oila va tadbirkorlik huquqining predmetini tashkil etuvchi ijtimoiy munosabatlar majmui sifatida ko'rish mumkin, u o'zaro ta'sirda va ikkita huquqiy institut: oila va kichik biznesning kesishmasida joylashgan. Shunday qilib, oilaviy tadbirkorlik institutini kompleks, tarmoqlararo tartibga solish mavjud degan xulosaga kelish mumkin.

Ushbu ijtimoiy-huquqiy hodisaga umumiy ijtimoiy munosabatdan kelib chiqqan holda, I. A. Plotnikova oilaviy tadbirkorlik - bu kichik biznesning ijtimoiy va institutsional shakli, iqtisodiy va mehnat faoliyatining uyushgan tizimi, faoliyat yuritishi, qarindoshlar yoki bir oila a'zolari o'rtasidagi ijtimoiy munosabatlar jarayonida jamiyat (mintaqa) ehtiyojlarini qondiradigan muhim ijtimoiy qadriyatlar, maqsadga muvofiq yo'naltirilgan standartlar va xatti-harakatlar normalari deb to'g'ri hisoblaydi[2].

Shunday qilib, oilaviy tadbirkorlik sub'ektlar o'rtasida oilaviy, tadbirkorlik, tashkiliy va mehnat munosabatlarining mavjudligini nazarda tutadi. Biroq, oilaviy tadbirkorlikning asosi aynan oilaviy huquqiy aloqalar bo'lishi kerak, buning asosida tadbirkorlik faoliyati tashkil etiladi.

Yuridik fanda oilaviy tadbirkorlikni mustaqil, tashabbuskor, tizimli, o'z tavakkalchiligi va mulkiy javobgarligi ostida oila a'zolari tomonidan emas, balki faqat manfaatdorlik maqsadida amalga oshiriladigan har qanday huquqiy tashkiliy- foyda olish, lekin iqtisodiy va ijtimoiy manfaatlarga erishish.mulk ehtiyojlarini qondirish va ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni bartaraf etishda oila manfaatlarini uyg'unlashtirishga qaratilgan samarali natijalar huquqiy shakldagi faoliyat deb tushunish taklif etiladi.

Oilaviy tadbirkorlik - bu alohida oila a'zosining biznesini yoki barcha oila a'zolarining xususiy mulkini tashkil etish. Mulkdor ishlab chiqarish faoliyati uchun zarur bo'lgan moddiy resurslar va kapital jihozlarga ega , mulkdor korxonada faoliyatini shaxsan nazorat qiladi.

Oilaviy tadbirkorlikning ijtimoiy ahamiyati BMT va Xalqaro mehnat tashkilotining xalqaro huquqiy hujjatlarida kambag'allikka qarshi kurashning strategik yo'nalishlaridan biri sifatida kichik biznes turi sifatida ko'rib chiqilishida alohida ta'kidlangan.

Demak, oilaviy tadbirkorlikni umumlashgan shaklda quyidagi jihatlar bo'yicha murakkab iqtisodiy va ijtimoiy-huquqiy sub'ekt (hodisalar) sifatida ko'rish mumkin:

- 1) iqtisodiy va ijtimoiy toifa;
- 2) oilaviy tadbirkorlikni tashkil etish usuli va shakli;
- 3) tadbirkorlik huquqi tizimidagi yuridik institut;

- 4) ijtimoiy birlikning iqtisodiy xatti-harakati turi - oila;

Рустамов Соҳиб Рустам ўгли
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ЙЎҚОТИШЛАРГА МАЖБУРИЙ РЕЗЕРВЛАРИ ВА КОРПОРАТИВ ФОЙДА СОЛИҒИ

Тижорат банклари кредит рискинни камайтириш мақсадида, асосан, банк кредитлари бўйича кутилаётган зарарни қоплаш учун ёстик сифатида маълум миқдорда маблағларни ажратади, бу маблағлар кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар ёки умидсиз қарзлар бўйича резервлар деб аталади. Кредитлар бўйича йўқотишларга резервларнинг баҳоланиши бу банклар томонидан банк кредит портфелидаги кутилаётган эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун қўлланиладиган кредит рискларини бошқариш инструменти ҳисобланади. Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун резервларга банк регуляторлари, назорат органлари ва халқаро молиявий ҳисоботлар стандартини ишлаб чиқувчилар томонидан катта эътибор берилмоқда, чунки банкларнинг балансидаги катта ҳажмдаги кредитлар уларнинг иқтисодий шароит ёмонлашувидан юзага келиши мумкин бўлган кредит дефолтига нисбатан заифлаштиради, бу қарз олувчиларнинг кредитларни қайтариш қобилиятига таъсир қилиши банклардан кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга етарли даражада резервларни шакллантиришни талаб этади. Шу билан бирга, Laeven ва Majnoniларнинг фикрича, турли мамлакатларда банклар томонидан кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервларни шакллантиришда фарқланишлар ва кредитлар бўйича йўқотишлар қопланишида турли усуллар қўлланишидаги муаммоларни ҳал этмасдан, Базелда белгиланган мақсадларга эришиш имконсиз. Базель IIIда кредитлар бўйича йўқотишларга резервлар тизимида кейинги берилган кредитлар бўйича банк ва молиявий муассасалардан кредитлар самарадорлигини белгиловчи қарздорнинг индивидуал характеристикасига асосланган резервларни шакллантириш талаб қилинади. Krüger ва бошқаларнинг таъкидлашича, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (International Financial Reporting Standards– IFRS) ва АКШнинг бухгалтерия ҳисоби тамойилларига (Generally Accepted Accounting Principles–GAAP) асосланган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар 1-даражали капитални камайтиришни назарда тутаяди. Таҳлилларга асосан бу ўзгаришлар қуйидаги ҳолатларда янада жиддийроқ кўринишда бўлади: иқтисодий пасайишлар давомида; паст сифатли кредит портфеллари учун; пасайишлар даврида капитал нормаларига амал қилмаган банклар учун, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича кредит

рискнинг сезиларли даражада ўсиши кенг қамровлиги аниқланганда. Шу билан бирга, резервларни камайтириш ҳамда соф фойда ва норматив капитални чегириб ташлашга проциклик таъсир кўрсатувчи қуйидаги омиллар кўрсатиб ўтилган: кредит rischi паст даражадаги портфель; иқтисодий пасайишлар даврида кредитлаш стандартлари кучайтирилиши туфайли доимий риск профили. Бундан ташқари, регуляторлар иқтисодий пасайишлар даврида буфер капитални камайтириш ёки банклар банкротликка яқин бўлганда резервлар режимини ўзгартириш орқали пасайишлар давридаги қўшимча талабларни юмшатишлари мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, дунёдаги кўплаб банкларда муаммоли кредитлар бўйича резервлар шакллантиришни циклик иқтисодий пасайишлар бошланган давргача кечиктириш иқтисодий циклни банк даромади ва капиталига таъсири кучайишига олиб келади. Шунингдек, Ozili ва Outаларнинг фикрича, кредитлар бўйича йўқотишларга резервлар банк капиталига талабларнинг циклга мойиллигини янада оширади ва банкларнинг кредитлар бўйича йўқотишларга резервлардан фойдани камайтириш мақсадларида фойдаланишга мойиллиги фойданинг миқдори ва тақсимланишига, иқтисодиёт ҳолатига (айниқса, пасайиш ва инқироз даврларига) ва регулятив капитал талабларига боғлиқ. Иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий изланишлар натижасида, банклар томонидан кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлардан капитални тартибга солиш мақсадида эмас, балки фойдани камайтиришда фойдаланишлари ва Базель келишувларидан кейинги даврларда мазкур ҳолат янада кўпроқ намоён бўлаётганлиги аниқланган. Хусусан, Anandarajan ва бошқаларнинг таъкидлашича, Базель келишувлари амалга оширилгандан кейин ҳам банклар кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлардан капитал ва фойдани бошқариш учун фойдаланишларида банк бошқарувининг хатти-ҳаракати янада аниқ намоён бўлиши аниқланган. Perez ва бошқалар ҳам банклар томонидан кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар фойдани корректив қилишда фойдаланишларини кўрсатиб ўтишган. Bouvatier, Lepetit ва Strobelларнинг Европа банкларининг панел маълумотлари асосида амалга оширган эмпирик таҳлиллари натижасида кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлар фойдасини камайтиришда фойдаланишлари мумкинлиги ва ушбу хатти-ҳаракатлар қаттиқ назорат режимлари ёки юқори сифатли ташқи аудит мавжуд бўлган мамлакатларда камроқ намоён бўлиши аниқланган. Шунингдек, Skała фикрича, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервлардан банклар ўз даромад оқимларини назорат қилишда фойдаланиш бўйича кучли эмпирик далиллар мавжуд. Таҳлил натижаларига кўра, банклар даромадлар жуда юқори ва қутилаётган дивидендлар жорий даромадлардан паст бўлган ҳолатларда кредитлар бўйича йўқотишларга резервлардан юқори даромаднинг даражаси ва ўзгарувчанлигини паст даражада ушлаб туриш учун фойдаланишлари аниқланган. Aristei ва Gallоларнинг

таъкидлашича, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга резервларнинг ўсишига нафақат банклар дуч келадиган юқори кредит рисклари таъсир қилади, балки даромадни бошқариш амалиётида вақт ўтиши билан даромадни барқарорлаштириш тенденцияси ҳам мавжуд. Cummings ва Duttanilar фикрича, банклар келажакда кредит ўсишини ҳисобга олган ҳолда резервларини ошириши, улар ҳисобидан келгусидаги кредит зарарларини олдиндан молиялаштириш учун меъёрий талаблардан ортиқча капиталнинг бир қисмини ажратади.

Фикримизча, банклар кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун шакллантирилган резервлар ёстиқ вазифасини бажаради ва ушбу резервлар чегириладиган харажатлар таркибига киритилган бўлиб, соф фойда ва тартибга солувчи капитални (тақсимланмаган фойда камайиши ҳисобига) қисқартиради. Солиқ солиш мақсадларида банкларга умумий резервларни чегиришга (қадрсизланган сифатида конкрет аниқланмаган мавжуд кредитлар бўйича резервлар) рухсат берилган бир вақтда, бошқа мамлакатларнинг солиқ тизимида эса маълум қадрсизланган кредитлар бўйича резервларга чегирмалар рухсат берилган ёки, умуман, солиқ чегирмалари мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, юқори даражадаги резервлар банк бошқарувчилари учун салбий ҳолатларни юзага келтириши мумкин, яъни капиталга нисбатан минимал талаб оширилиши ёки паст даромадлар олиниши оқибатида рентабеллик пасайиб кетишига олиб келади.

Турсуннулатов Соҳибназар Касимжон ўғли
“Renessans” таълим унверситети мутахассиси


ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатни иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқишнинг ҳамда аҳолининг бандлигини таъминловчи асосий йўналишларидан бири бу тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришдир. Жаҳондаги тараққий этган мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар, мамлакат ялпи ички маҳсулотларидаги улуши 70-75 фоизни ташкил этади. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг асосий қисми ҳам шу соҳада банд бўлиб, улар Японияда 70 фоизни, АҚШда 80 фоиздан кўпроқни ташкил қилади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг 90 фоизгача бўлган қисми тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ривожланган иқтисодиётга эга мамлакатлар тажрибасига кўра, тадбиркорлик субъектлари

фаолиятини молиялаштиришнинг асосий йўналиши бу тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳисобланади.

Бутун дунё бўйлаб тадбиркорликни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг январь ойида «Жаҳон банки тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қарийб 4,8 млн. АҚШ долларига тенг кредитларни дунёнинг 47 давлатига 61 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратди». тадбиркорлик субъектлари халқаро молия ташкилотлари ва тижорат банклари томонидан қўллаб – қувватлаб келинишига қарамай, тадбиркорлик субъектлари йирик компанияларга қараганда, кўпроқ молиявий тўсиқларга дуч келмоқдалар. Халқаро тажрибалар кўрсатишича, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда тижорат банклари ва кредит уюшмалари анъанавий тарзда кредитлаш усулидан фойдаланиб келмоқда. Жаҳон банки томонидан «45 та давлатнинг 91 та тижорат банкларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, тадбиркорлик субъекти – банк учун фойдали мижоз эканлиги маълум бўлди, лекин ривожланаётган мамлакатларда макроиктисодий беқарорлик ва тадбиркорлик субъектларини ривожланган мамлакатларнинг тадбиркорлик субъектлари билан таққослаганда асосий муаммолардан бири бўлиб, уларни молиялаштириш кўзга ташланмоқда».

Ўзбекистонда ҳам тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. «...Республикаимиз банк-молия тизимини ислоҳ қилиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ролини ошириш имконини берди. Шу билан бирга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончли институционал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш вазифалари долзарб бўлиб қолмоқда» (Ш.Мирзиёев 2017). Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг фаол таркибий субъекти ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барқарор ривожланиши банк тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, унда тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган инновацион комплекс банк хизматлари, шу жумладан, инновацион кредитлаш хизматларини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқишни тақозо этади. Хусусан, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 55-60 фоизи давлат дастурлари асосида берилаётганлиги, имтиёзли кредитлар улушининг кўплиги, банклар депозит базасининг барқарор эмаслиги, инфляция рискининг юқори эканлиги бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш зарурати ва аҳамиятини оширади ҳамда ушбу йўналишда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этади.



1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва тижорат банклари кредитлари миқдорининг улуши ҳамда ўзгариш динамикаси, трлн.сўм.

2022 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 888,3 трлн. сўмни ташкил қилди ва 2021 йил билан қиёслаганда 16,8 фоиз ўсишга эришган. ЯИМ киши бошига 25,3 млн. сўмни ташкил қилди. 2014-2022 йилларда, Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти ва тижорат банклари кредитларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан 2022 йилда 16,3 фоизга ошиб, 2022 йил ҳолатига 390,1 трлн. сўмга етди, кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси 44 фоизни ташкил этди.

Халқаро тажрибани кузатадиган бўлсак, мамлакатдаги тижорат банклари кредит қўйилмалари миқдори ЯИМга нисбатан Австралияда 190 фоиздан, Нидерландияда 279 фоиздан, Буюк Британияда 170 фоиздан ва АҚШда 150 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этган. Бундан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин, мамлакатимизда ажратиладиган кредитлар ҳақиқатан кенг қулоч ёйиб, пулга талаб ошмоқда аммо халқаро тажрибалар таҳлиliga кўра бугунги кунда кредит билан таъминланиш даражаси етарли даражада эмаслигидан далолат беради.

Фикримизча тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш бўйича тижорат банклари томонидан қуйидаги чора-тадбирларнинг бажалишига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Ўзбекистон банк амалиётида инновацион онлайн кредитлаш хизматларини йўлга қўйиш зарур.

Ривожланган давлатлар банк амалиётида кредитлаш амалиёти онлайн тарзда кенг қўлланилмоқда. Бу хизмат турини такомиллаштиришда интернет тезлиги ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг компьютер саводхонлигини ошириш лозим. Чунки, инновацион онлайн кредитлаш тадбиркорлик субъектларини кўп куч ва вақт сарфламасдан кредитлаш амалиётига бўлган талабини қондириш билан ифодалаш мумкин.

2. Тижорат банклари кредит амалиётида хўжалик субъектлари фаолиятидаги сунъий кредит боқимандаликни юзага келтириш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида уларга «кредит таътили» беришни йўлга қўйиш зарур.

Uraqova Dilfuza Rustam Qizi

BMA tinglovchisi

KORPORATIV BUYURTMACHILAR TOMONIDAN DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISH

Davlat xaridlari sohasini davlat tomonidan tartibga solishning asosiy maqsadlari davlatning strategik maqsadlari va vazifalariga erishish, davlat buyurtmachilarining tovarlarga (ishlarga, xizmatlarga) bo'lgan ehtiyojlarini ta'minlash, O'zbekiston Respublikasining Investitsiya dasturini va boshqa davlat dasturlarini bajarish, davlatning ijtimoiy vazifalarni hal qilish bo'yicha funksiyalarini bajarish, davlat xizmatlarini ko'rsatish uchun davlat xaridlari sub'ektlariga qulay muhitni shakllantirishdan, shuningdek, davlat xaridlarini amalga oshirishda korrupsiyaga va qonunchilikning boshqacha tarzda buzilishlariga qarshi kurashishdan iborat.

Davlat xaridlarini amalga oshirishda ijtimoiy-iqtisodiy siyosat ustuvorliklari, shu jumladan yuqori texnologik va innovatsion ishlab chiqarishlarning yaratilishi, qulay ekologik vaziyatning saqlanishi hisobga olinadi. Tovarlarning (ishlarning, xizmatlarning) davlat xaridlarida chet ellik yetkazib beruvchilar bilan bir qatorda kamida uchta mahalliy ishlab chiqaruvchilar ishtirok etsa, agar O'zbekiston Respublikasi xalqaro shartnomalarida boshqacha qoida nazarda tutilmagan bo'lsa, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlariga ko'ra ushbu mahalliy ishlab chiqaruvchilarga takliflarni baholashda foydalaniladigan imtiyozlar va preferensiyalar berilishi mumkin.

O'zbekiston Respublikasining ehtiyojlarini ta'minlash uchun zarur bo'lgan tovarlarning (ishlarning, xizmatlarning) davlat xaridi chet davlatlar bilan hamkorlikda amalga oshirilishi mumkin. Bunday davlat xaridini amalga oshirish tartibi O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomasida belgilanadi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi davlat xaridlari sohasida davlat

siyosati shakllanishi va amalga oshirilishini ta'minlaydi. Qolaversa, davlat xaridlari sohasida budjet tizimi budjetlari mablag'laridan oqilona foydalanish, xarid qilish tartib-taomillari turlarini takomillashtirish va ularning qo'llanilishini kengaytirish, shuningdek tadbirkorlik sub'ektlarining keng ishtirokini ta'minlash yuzasidan choralar ko'radi.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi davlat buyurtmachilarining davlat xaridlari sohasidagi faoliyati ustidan nazorat bo'yicha ishlarni muvofiqlashtiradi; xarid qilish tartib-taomillari ishtirokchilarining takliflarini baholash va taqqoslash usullarini hamda mezonlarini, shuningdek ular o'tkazilishini tashkil etish tartibini belgilaydi, xarid qilish tartib-taomillari ishtirokchilari tomonidan eng yaxshi takliflarni tanlab olish va tenderda ishtirok etish uchun elektron shaklda takliflar berish tartibini belgilaydi; davlat xaridlari sohasidagi shikoyatlarni ko'rib chiqish bo'yicha komissiya tarkibini tasdiqlaydi.

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi davlat xaridlari sohasidagi vakolatli organ sanaladi. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi:

- davlat xaridlari sohasida davlat tomonidan tartibga solishni va davlat siyosatini amalga oshiradi;

- davlat xaridlarini tashkil etish va o'tkazish tizimini, shu jumladan, elektron tizimni rivojlantirish bo'yicha dasturlarni ishlab chiqish hamda ro'yobga chiqarishning samaradorligi va ochiqligini oshirish bo'yicha choralar ko'radi;

- davlat xaridlari elektron tizimi operatorlarini hamda ularning davlat xaridlarini tashkil etish va amalga oshirishga taalluqli faoliyati tartibini, shuningdek maxsus axborot portali faoliyati tartibini belgilaydi;

- davlat xaridlarining elektron tizimiga nisbatan talablarni belgilaydi;

- iqtisodiy jihatdan eng foydali taklifni baholash usulini qo'llash tartibini (baholashning narxga asoslanmagan mezonlarini) ishlab chiqadi;

- davlat xaridlari bo'yicha axborotni joylashtirish, oshkor qilish va undan foydalanish tartibini hamda hajmlarini, shuningdek tovarga (ishga, xizmatga) hamda davlat xaridlarini amalga oshirish usuliga qarab e'lon qilishga doir qo'shimcha talablarni belgilaydi;

- xarid qilish tartib-taomillarini o'tkazish to'g'risidagi e'lonlarning, xarid qilish hujjatlarining namunaviy shakllarini tasdiqlaydi;

- Insofsiz ijrochilarning yagona reyestrini shakllantirish tartibini ishlab chiqadi va tasdiqlaydi;

- Shartnomalarning yagona reyestrini yuritish tartibini belgilaydi;

- davlat xaridlari sohasidagi normativ-huquqiy hujjatlarning bajarilishi ustidan monitoring va nazoratni ta'minlaydi;

- davlat xaridlari sub'ektlaridan axborotlarni so'rab oladi, jamlaydi, ularni tahlil qiladi va hisobotlarni shakllantiradi;

- davlat xaridlari sohasida xarid qilish va korrupsiyaga qarshi kurashish standartlari bo'yicha sertifikatlashtirish tizimini joriy etishga doir takliflarni ishlab chiqadi va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasiga ko'rib chiqish uchun kiritadi.

Davlat xaridlari sohasidagi monitoring davlat xaridlari to'g'risidagi qonun hujjatlariga rioya etilishini, davlat xaridlarining Qonunda belgilangan maqsadlari, printsiplari va cheklovlari amalga oshirilishini davlat xaridlarining o'tkazilishi haqidagi axborotni to'plash, umumlashtirish, tizimlashtirish va baholash vositasida doimiy asosda amalga oshiriladigan kuzatish tizimidan iborat bo'ladi.

Jamoatchilik nazoratini amalga oshiruvchi O'zbekiston Respublikasi fuqarolari, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari, shuningdek qonunchilikda belgilangan tartibda ro'yxatdan o'tkazilgan nodavlat notijorat tashkilotlari va ommaviy axborot vositalari: davlat xaridlari to'g'risidagi qonunchilikni takomillashtirishga doir takliflar tayyorlashga; xarid qilish tartib-taomillarini amalga oshirish va shartnomalarni bajarishning borishi to'g'risida axborot taqdim etish haqidagi so'rovlarni davlat buyurtmachilariga yuborishga; xarid qilish tartib-taomillari yuzasidan mustaqil monitoringni va davlat xaridlari samaradorligini baholashni, shu jumladan ularning "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonun talablariga muvofiqligini baholashni amalga oshirishga; tekshiruv tadbirlarini o'tkazish tashabbusi bilan davlat organlariga murojaat qilishga haqlidirlar.

Shuningdek, jamoatchilik vakillari davlat buyurtmachisi, davlat xaridlari elektron tizimi operatori, vakolatli organ, xarid komissiyalari va ularning a'zolari harakatlarida (harakatsizligida) qoidabuzarliklar aniqlangan hollarda huquqni muhofaza qiluvchi organlarga murojaat qilishga yoki qonunchilikka muvofiq sudga murojaat qilish vakolatiga ham ega hisoblanadilar.

Алижонов Илёсбек Алижонович
“Ипотека Банк” АТИБ Наманган вилоят филиали
Чакана хизматлар бўлими Бош мутахассиси


ЖАҲОНДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тижорат банкларининг кредитлари ёрдамида иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари молиялаштирилмоқда, янгидан-янги инвестицион лойиҳалар барпо этилмоқда, аҳоли учун кўшимча иш жойлари

шакллантирилмоқда ва янги маҳсулот турларини яратиш ишлари ривожлантирилмоқда.

Тижорат банклари фаолиятининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли борасида Ш.Мирзиёев томонидан “Банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак” дея таъкидлангани ҳамда, Ўзбекистонда 2020 йилни “Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” деб эълон қилингани ва унинг Дастурида инвестицион лойиҳаларни мамлакатда ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг ривожланишини барча босқичларида инвестицион лойиҳаларни молиявий таъминлаш масалалари инobatга олинганлиги ушбу мавзунинг бугунги кундаги долзарблигини кўрсатади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, инвестицион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатадиган корхоналарнинг банк кредитларига бўлган талаби ривожланаётган давлатларда бирмунча юқори ҳисобланади. Ривожланган давлатларда ўртача 40 фоиз корхоналарнинг кредит олишга эҳтиёжи мавжуд бўлса, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларига ушбу кўрсаткич 45 фоиздан 60 фоизгача бўлганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга кредитлаш жараёнида гаров талаб этилиши ривожланган мамлакатларда ўртача 60 фоиздан юқори бўлса, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида ўртача 80 %дан юқорилигини кўрсатиш лозим (1-расм).



1-расм. Жаҳонда инвестицион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатадиган кичик бизнес субъектлари даражасининг банк кредитларига бўлган талаби, фоизда [1]

Юқоридаги давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини кредитлаш аҳолининг турмуш

даражасини ошириш, аҳоли бандлиги, уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш каби аниқ ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим. Дунё амалиётида синалган инвестицион кредитлашнинг тажрибасидан Ўзбекистон Республикасида ушбу йўналишдаги бозорнинг шаклланаётганлиги шароитида унинг ижобий томонларидан фойдаланиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги ҳолат ўз навбатида банк рентабеллик кўрсаткичларига салбий таъсир қилмоқда. Шунинг учун, бугунги кунда тижорат банклари томонидан давлат инвестиция дастурларида инвестор сифатида иштирокини кенгайтириш йўлида қуйидаги муаммолар мавжуддир:

- банк капиталининг ўсиш суръатлари банкнинг ривожланиш эҳтиёжларидан ва иқтисодиёт реал секторининг банк молиялаштирилиши эҳтиёжларидан орқада қолмоқда;

- соф фойданинг сезиларди даражада ўсмаслиги фоиз харажатларини амалга оширган ҳолда кўшимча ресурс жалб қилишнинг самарадорлигини туширмоқда;

- узоқ муддатли кредит ва инвестицион ресурслар базасини кенгайтириш учун тижорат банклари ўз акцияларини сотишлари жуда паст суръатлар билан амалга оширилмоқда;

- банкнинг эмиссион ва инвестицион сиёсатлари ўзаро боғланмаган, банкнинг ўзлик улуший капиталининг ошиб бориши банкнинг бошқа акциядорлик жамиятларидаги улуший капиталнинг ўсишига олиб келмаяпти;

- натижада банкда инвестицион фаолият аҳамиятсиз иккинчи даражали фаолият секторига айланиб қолган.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларни банк кредитлари орқали молиялаштириш ва уни такомиллаштириш бўйича умумлаштирилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- инвестицион лойиҳаларни – кредитлаш амалиётининг қайтаришлик тамойилига кўра ҳар бир кредит бўйича кредит турига, лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш муддатига, кредит берилаётган иқтисодиёт тармоғига қараб кредитни бир неча босқичларга бўлган ҳолда қайтаришни ташкил этиш ҳамда кредитни кузатиб, мижозга маслаҳат хизматларини кўрсатиб бориш;

- мамлакатдаги асосий тармоқларни модернизация қилишни, хусусан инвестицион лойиҳаларини банклар томонидан молиялаштиришда лойиҳавий молиялаштириш усулидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш учун банкларнинг ўзлик активлари ҳажмини ошириш;

- тижорат банкларининг инвестиция сиёсатини такомиллаштириш жумладан, активлар тузилмасида инвестиция активлари улушини ошириш, инвестиция портфели тузилмасини оптималлаштириш, даромад бермайдиган

активларни сотиш орқали банк активларининг диверсификация даражасини ошириш ҳамда инвестицион бўлимларнинг ташкилий тузилмасини мустаҳкамлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Акбаров Хусниддинжон Мўйсин ўғли
ТДИУ “Банк иши ва инвестициялар” кафедраси
PhD катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА БОЗОРИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Тараққий этган мамлакатларда муддатли валюта битимлари бозори ривожланган бўлиб, улар орқали валюта захираларини валюта рискдан ҳимоялашнинг такомиллашган амалиёти мавжуд. Ушбу мамлакатларнинг марказий банклари муддатли валюта битимлари орқали валюта бозоридаги валюталар таклифига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Масалан, своп ва голд-своп операциялари орқали марказий банклар хорижий валюталар таклифига кескин таъсир кўрсатиши мумкин.

Мамлакат ташқи савдосининг барқарор суръатларда ривожланиши, хорижий инвестициялар, капиталлар ва кредитларнинг халқаро ҳаракатини таъминлаш зарурияти миллий валюта бозорининг эркинлаштирилишини тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида банклараро валюта бозорининг яхши ривожланмаганлиги, муддатли валюта битимлари бозорининг шаклланмаганлиги, валюта бозорини эркинлаштириш борасида қатор муаммоларнинг мавжудлиги уларни ҳал этишга қаратилган чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари валюта бозоринини ривожлантириш йўлида муҳим қадамлардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини ва миллий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш, республикага чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда унинг халқаро иқтисодий ва валюта-кредит муносабатларда тенг мавқеини таъминлаш каби долзарб муаммоларни

муваффақиятли ҳал қилиш ҳам миллий валютанинг барқарор муомалада бўлишига боғлиқдир.

Мамлакатда ички нархлар барқарорлиги таъминланиши макроиқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг кафолати бўлиб, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва ривожлантириш дастурларини муваффақиятли амалга оширишда зарурий шароит ҳисобланади.


Бунда инфляциянинг паст ва барқарор кўрсаткичлари мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги ва аҳолини яшаш даражасини оширишнинг муҳим омили саналади. Шу нуқтаи назардан, нархлар ўсиш суръатларининг пасайиши ва барқарорлашиши давлат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлиши керак.

Инфляциянинг паст ва барқарор даражаси аҳоли ҳамда юридик шахслар омонатларини узоқ муддатли инвестицияларга айланиши учун керакли шароит яратади ҳамда ички бозордаги нархлар номутаносиблигини камайтириб мавжуд иқтисодий ресурсларнинг самарали тақсимланишига хизмат қилади.

2022 йилда юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб 2021 йилга (10,5 млрд. АҚШ долл.) нисбатан 11 фоизга ўсиб 11,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Молия вазирлиги (ривожланиш дастурларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг кредитлари) ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан сотилган чет эл валютаси миқдори 1,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Ушбу даврда Марказий банкнинг валюта интервенциялари олтин-валюта захираларининг нейтраллиги принципига асосланган ҳолда амалга оширилди. Бунда Марказий банк томонидан сотилган чет эл валютасининг соф ҳажми йил давомида сотиб олинган монетар олтин ҳажми доирасида бўлиши таъминланди.



1-расм. 2021-2022 йилларда валюта биржасида амалга оширилган олди-сотди операциялари ва Марказий банк интервенциялари ҳажми (млн. АҚШ долл.)

Хусусан, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан сотиб олинган 56,0 трлн. сўмлик монетар олтин натижасида юзага келган қўшимча ликвидлиликни стерилизация қилиш мақсадида 53,0 трлн. сўм эквивалентидаги валюта маблағлари валюта биржасида сотилди.

2022 йилда импортни молиялаштириш манбалари таркибида хорижий валютадаги кредитлар ҳисобига импортни молиялаштириш улуши 25 фоиздан 18 фоизга пасайиши кузатилиб, ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар (конвертация) улуши 52 фоиздан 58 фоизга ошди.

Валюта бозори ривожлантиришни рағбатлантиришнинг муҳим йўналиши бозорни ахборот билан таъминлашдир. Бир қатор йирик олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра валюта бозорининг ахборот шаффофлигининг этарли эмаслиги унинг ривожланишини тўхтатувчи асосий омил ҳисобланади. Валюта валюта бозорининг ахборот шаффофлигини ошириш сиёсатининг асосий йўналишлари молиявий қонунчиликдаги яқинда юз берадиган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тезкор равишда ошкор этиш, деривативлар бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг долзарб устувор йўналишлари бўйича дастурий материалларни мунтазам равишда нашр этиш, шунингдек статистик маълумотлар. валюта бозорининг асосий сегментлари фаолияти тўғрисида ахборот бериб боришдир.

Валюта валюта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг самарали воситаси, шунингдек, деривативлар бозорида савдо қилишда давлат органларининг бевосита иштироки ҳисобланади. Бундай операциялар қисқа муддатли бозорни тартибга солиш муаммоларини самарали ҳал қилишга имкон беради, котировкаларнинг тебранишини юмшатиш, бозор ликвидлигини таъминлаш, ҳозирги валюта бозоридаги вазиятга таъсир кўрсатиш.

Марказий банк томонидан валюта валюта бозори структурасини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда фойдаланиладиган барча ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг тартиб-қоидалари, усул ва воситалари ҳамда механизмлари валюта сиёсатини йиғиндисидир.

Валюта сиёсатининг инструментлари ҳисобланган валюта курси режими ва валюта курси сиёсатининг самарали танлови унинг бошқа инструментлари (девальвация, ревальвация, интервенция, диверсификация, валюта чекловлари, валюта назорати ва ҳ.к.) нинг самарадорлигини белгилаб беради.

Каххарова Дилноза Шавкатовна
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқодлар институти
таянч докторанти

ПУЛ КРЕДИТ СИЁСАТИ ИНСТРУМЕНТЛАРИДАН Фойдаланишни такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонунга мувофиқ, инфляцияга қарши кураш, банк тизими ва тўлов тизимларининг барқарорлигини таъминлаш Марказий банк фаолиятининг стратегик мақсадлари ҳисобланади. Ушбу стратегик мақсадга эришиш учун инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи ва пул массасининг ўсиш суръатидан пул-кредит сиёсатининг тактик мақсадлари сифатида фойдаланилмоқда.

Айни вақтда, республикада пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар мавжуд. Пул массасининг ўсиш суръатини ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги, мамлакат иқтисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу мақола маълум даражада хизмат қилади.

Иқтисодий фаолликни сақлаб қолиш учун яхши мувозанатланган пул массаси жуда муҳимдир. Ҳаддан ташқари қаттиқ пул таклифи истеъмол харажатларининг қисқаришига, бизнес инвестицияларининг камайишига ҳамда иқтисодий ўсишнинг секинлашишига сабаб бўлиши илмий тадқиқотларда ўз исботини топган. Бошқа томондан, пул массасининг тез ўсиши харажатлар ва инвестицияларни рағбатлантириши мумкин, бу эса юқори иқтисодий ўсишга олиб келади.

Пул массасининг иқтисодий кўрсаткичларга чуқур таъсирини ҳисобга олган ҳолда, уни бошқаришда марказий банк ва пул-кредит органлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Фоиз ставкаларини ўзгартириш, очиқ бозор операциялари ва мажбурий резервлар каби пул-кредит сиёсати воситаларидан фойдаланиш орқали марказий банклар ўзларининг иқтисодий мақсадларига эришиш учун пул массасига таъсир кўрсатишлари мумкин.


Шунингдек, мамлакатнинг пул-кредит сиёсати асосининг муҳим қисми бўлиб, турли иқтисодий мақсадларга, жумладан, нархлар барқарорлиги, иқтисодий ўсиш ва молиявий барқарорликка эришиш учун фойдаланилади.

Тадқиқотда маълумотлар кўп ўзгарувчан вақтли қаторлар асосида шакллантирилганлиги сабабли, эконометрик тенгламаларни ишлаб чиқиш учун авторегрессив тақсимланган кечикиш ARDL (Autoregressive distributed lag) моделидан фойдаланилди. Миллий иқтисодиётда пул кредити сиёсати инструментлари таркибига кирувчи макроиқтисодий омилларни ва унга

таъсирини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги (www.stat.uz) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки (www.cbu.uz) маълумотларининг 22 йиллик кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Тадқиқотда асос сифатида ARDL моделидан фойдаланган ҳолда вақтли қаторларнинг график матричасини яратишни ўз ичига олди. Турли таҳлиллар, жумладан, боғлиқ ва мустақил ўзгарувчилар ўртасидаги корреляция матрицияларини баҳолаш, Unit-root тести орқали стационарликни текшириш, Bound тестлари ёрдамида коинтеграцияни баҳолаш ва ARDL модели ёрдамида регрессион тенгламалари ишлаб чиқилди.


Биз тадқиқот бўйича навбатдаги қадамда **ARDL (1,0,0,0)** модели CUSUM диогностик тести текширилди. (1 ва 2-расмларга қаранг).



1-расм. CUSUM диогностик тести графиги

ARDL(1,0,2,2) моделига қўлланиладиган CUSUM (Куммулятив сумма) диогностик тести контекстида H_0 (Нол гипотеза) ва H_1 гипотезаларини куйидагича ифодалаш мумкин: H_0 гипотезаларнинг параметр беқарорлиги мавжуд эмас.

Моделнинг коэффитсиентлари ва хато шартлари вақтга боғлиқ корреляцияни кўрсатади. H_1 (муқобил гипотеза): **ARDL (1,0,0,0)** модели тизимли беқарорлик ёки параметрларнинг ўзгарувчанлигини намоён этиши, бу вақт оралиғида коэффицентлар ёки хато шартларида жиддий ўзгаришларни таклиф этади.



2-расм. CUSUM диогностик тести графиги

Тадқиқот бўйича Миллий иқтисодиётда ЯИМ ўсиш суръати, марказий банк асосий фоиз ставкасининг ўсиш суръати, валюта курсининг ўсиш суръати ҳамда а инфляциянинг ўсиш суръати ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича олиб борган таҳлиллар ва хулосалар натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

ARDL модели тенгламаси бўйича эконометрик моделга кўра, ЯИМнинг ўсиши ва Марказий банк асосий фоиз ставкасининг ўсиш суръати: Ушбу натижага кўра ЯИМ ўсишининг 1% га ўсиши Марказий банкнинг асосий фоиз ставкасининг 0,36% га пасайиши билан боғлиқ. Бу салбий муносабат шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиёт кучли ялпи ички маҳсулот ўсишини бошдан кечирар экан, марказий банк ўз фоиз ставкаларини пасайтиришга интилади. Бу иқтисодий фаолликни рағбатлантириши мумкин бўлган қарз олиш ва харажатларни рағбатлантириш учун амалга оширилади.

Хулоса ўрнида, ушбу эконометрик натижалар марказий банкнинг асосий фоиз ставкасини миллий иқтисодиётга таъсир қилиш ва барқарорлаштириш воситаси сифатида ишлатаётганини кўрсатади. Иқтисодий фаолликни рағбатлантириш учун ЯИМнинг барқарор ўсишига жавобан асосий ставкаларни пасайтиради. Аксинча, айирбошлаш курси ошганида ҳамда инфляция ортиб бораётган пайтда иқтисодий барқарорликни бошқариш ва инфляцияни назорат қилиш учун асосий ставкаларни оширади.

III SHO'BA
SOLIQ MA'MURIYATCHILIGI ORQALI SOLIQ - BYUDJET SIYOSATINI
SAMARALI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

DSc, prof. Meliyev Obid Rahmatullayevich

Tashkent Financial Institute

Gofurova K.

TFI, student of the Faculty of Finance

**THE FORMATION OF BUDGET REVENUES AND THE ENSURING OF
TRANSPARENCY**

Annotatsiya. Maqolada O'zbekiston Respublikasi soliq byudjet tizimining shaffofligi va uni rivojlantirish yo'llari ko'rib chiqiladi. Bozor iqtisodiyotiga o'tishda makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash uchun soliq-byudjet tizimiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Byudjet-soliq tizimini rivojlantirish va shaffofligini ta'minlash maqsadida amaliy tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: Soliq tizimi, byudjet, davlat byudjeti, byudjet daromadi, soliq stavkasi, soliq ma'muriyati.

Аннотация. В статье рассматривается прозрачность налогово-бюджетной системы Республики Узбекистан и пути ее развития. В целях обеспечения макроэкономической стабильности при переходе к рыночной экономике особое внимание уделяется процессам, происходящим в налогово-бюджетной системе.

Даны практические рекомендации по развитию и обеспечению прозрачности бюджетно-налоговой системы.

Ключевые слова: Налоговая система, бюджет, государственный бюджет, доходы бюджета, налоговая ставка, налоговое администрирование.

Abstract. The article examines the transparency of the tax budget system of the Republic of Uzbekistan and the ways of its development. In order to ensure macroeconomic stability during the transition to a market economy, special attention is paid to the process that occurs in the tax-budget system. Practical recommendations are given in order to develop and ensure the transparency of the budget-tax system.

Key words: Tax system, budget, state budget, budget revenue, tax rate, tax administration.

In order to further improve this situation in the process of step-by-step transition to the mechanism of the market economy, to ensure that the state becomes the main reformer in this process, to further develop the transparency of the tax-budget policy and the implementation of a fair policy, to strengthen the competitiveness of the national economy, and to achieve macroeconomic stability, For this, it is necessary to form the budget and budget revenues in order to reform the financial system and find a solution to the current problems and issues arising with financial policy. Because finance is an economic category, and the budget is a main part of this category. In this way, the budget is divided into several categories. They are subservient to the "state budget" category and appear as its components, and this category is called "state budget revenues".

The state budget was manifested at a certain stage of the individual's society, and mainly its origin is directly related to the formation of the state as a political organization. The main features of production relations belonging to the social system of each period determine the content of state activity and the budget as a distribution mechanism.


Accordingly, in the current democratic era, the state budget is considered a part of social production, collecting a large part of the gross domestic product produced on the territory of the country and using it in the development of society in various areas, including health, economy, education, management, etc., which is collected and purposefully spent for the development of agriculture, scientific culture, social welfare, defense, etc.

The state budget plays a key role in solving not only economic but also social issues in our country. Therefore, ensuring the transparency and openness of the state budget's expenses and income and effective management are important in the economic and financial system. Based on the decision of the President of the Republic of Uzbekistan, "On the State Budget of the Republic of Uzbekistan for 2020," A new budget system was introduced aimed at further increasing the responsibility of those

who distribute funds, ensuring the freedom of local government bodies in the formation of local budget revenues and the use of funds. Based on this decision, in addition to the above-mentioned information, the following were identified as priority tasks:

- In order to implement a strategic approach to the tax-budget policy, develop medium-term budget bases, and introduce a new "result-oriented budget" system for forming the annual budget;
- Increase the institutional capacity and the responsibility of the participants in the budget process to ensure the reliability of macro-fiscal forecasts;
- Ensure the openness, completeness, and compliance of budget information with international standards has been set as a goal to increase state budget revenues and improve tax-budget policy, and on the basis of these tasks, significant changes are taking place in budget policy.

The implementation of these decisions creates an opportunity to ensure the stability of budget revenues and increase tax revenues.



1-picture. The structure of the state budget revenues of the Republic of Uzbekistan

According to the interregional tax inspection of large taxpayers, receipts in 2022 amounted to 88.3 trillion soums, which increased by 6.0 trillion soums, or 7.3%, compared to 2021.

According to the given figure, the main part of the state budget income is formed through taxes, and indirect taxes take the lead. In 2020, through indirect taxes, 46.4 trillion soums, and in the following years, 56.3 trillion soums and 70.6 trillion soums came to the state budget revenues. The majority of indirect taxes are value-added taxes, which amounted to 52.2 trillion soums in 2022, which is an increase of 13.8 trillion soums, or 35.8%, compared to 2021. The reason for this is the changes related to the value-added tax in our tax system in the first quarter of 2022, including

services provided by physical education and sports organizations (physical education is provided by budget organizations, except for sports services), and for banking institutions, value-added tax exemptions for banking transactions with a fixed amount have been canceled. As a result, 51.9 billion soums will be allocated to the state budget in 2022 by physical education and sports organizations and 292 billion soums by commercial banks for bank transactions in a fixed amount, value-added tax up had been paid.

The reason for the decrease in indirect tax revenues during 2021 is the abolition of excise tax rates on goods for 73 items in the importation of goods from the beginning of this year, as a result of which, compared to 2020, excise tax revenues will be 480.7 billion soums, or a decrease of 56%.

Although the state budget received less money than resource taxes and property taxes, compared to other types of taxes, revenues from this type of tax amounted to 23.9 trillion soums in 2022, which is 0.9 trillion compared to 2021. Trln soums increased by 3.8%. The share of property and land taxes in the composition of revenue from resource taxes increased by 5.7% and 4.2% compared to 2021, and the share of taxes for the use of subsoil and water resources increased by 10.5% and 0.1%, respectively. Due to the decrease, these tax revenues accounted for a small share of the state budget revenues.

Tax revenues are the main sources of certain state budget revenues, and it is necessary to establish a reasonable and transparent tax policy to increase budget revenues. Budget revenues are used to find solutions to socio-economic problems arising in the country and to stimulate these areas. Accordingly, it is important to introduce transparency in the tax-budget sector and ensure that this system is based on an effective policy.

In our opinion, in order to further improve state budget revenues;

- ✚ the tax policy should include a reduction in the tax rate on value-added tax,
- ✚ benefits from profit tax and social tax for certain categories of taxpayers, and tax rates on turnover tax,
- ✚ unification, indexation of absolute tax rates based on the expected inflation rate,
- ✚ tax administration measures aimed at the full collection of taxes to be paid to the budget should be applied.

*и.ф.н., доцент Алимов Ильхомжон Икромович
ТДТРУ “Ҳисоб ва бизнес” кафедраси*

**СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ОРҚАЛИ
ЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИНИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Аннотация.Мазкур тезисда халқаро амалиётда амал қилаётган бюджет тизимлари ва бюджет федерализмининг Америка, Германия ва Канада моделларининг моҳияти ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Мақолада муаллиф томонидан ҳар бир бюджет тизимлари ва бюджет федерализми моделига баҳо берилган.

Таянч сўзлар: Давлат, қонун, вазифалар, бюджет, бюджет тузилмаси, бюджет тизими, даромадлар, харажатлар, тақчиллик, профицит.

Аннотация: В данном тезисе раскрывается сущность бюджетной системы и особенности моделей Американского, Германского и Канадского бюджетного федерализма. В статье дана авторская оценка каждому бюджетной системы и модели бюджетного федерализма.

Ключевые слова: Государство, закон, функции, бюджет, бюджетное устройство, бюджетная система, доходы, расходы, дефицит, профицит.

Abstract: This article is exposed the nature and feature of budget system and budget federalization of USA, Germany and Canada. The article presents the author's assessment of the each model of budget federalization.

Keywords: State, law, functions, budget, budget system, earnings, expenses, deficit, surplus.

Дунёнинг ҳар бир мамлакатада бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди. Халқаро амалиётда даромадларнинг тақсимланиши дастури марказий ҳукумат ваколатлари устунлигига асосланган бюджет даромадларини марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида тақсимлашдаги ваколатларини тамойилларига асос бўлди. Бюджет федерализми эса ўз моҳиятига асосан ҳар бир алоҳида олинган давлатлар бюджет тизимидаги барча субъектларининг мўътадил фаолият олиб бориши учун молиявий манфаатларини ҳисобга олган бюджет тизимидир.

Бюджет федерализмига асосан маҳаллий бюджетларнинг даромадлари икки гуруҳга: яъни бириктирилган ва мувофиқлаштирилладиган даромадларга ажратилади. Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари ўз моҳиятига кўра, тегишли ҳудудга амалдаги қонунчиликка асосан, тўлиқ ва доимий тарзда, юқори бюджетни четлаб ўтган ҳолда тушадиган даромадлардир. Бириктирилган даромадларни маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда федерал солиқлардан қатъий белгиланган улуш ва доимий тушадиган солиқлар ташкил этади. Мувофиқлаштирилладиган даромадлар эса, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини сақлаб туриш учун юқори

бюджетдан ажратиладиган пул йиғиндисидан иборат. Мувофиқлаштириладиган даромадлар таркибига умумдавлат (федерал) солиқлардан фоизли ажратмалар, дотация, субвенция, субсидия, хуудларни молиявий қўллаб-қувватлаш фондидан маблағлар ва ўзаро ҳисоб-китоблар (траншлар) асосида юқори бюджетлардан олинган маблағлар киради.

Халқаро амалиётда бюджет федерализмининг қуйидаги моделлари амал қилади:

1. Бюджет федерализмининг Америка модели.
2. Бюджет федерализмининг Германия модели;
3. Бюджет федерализмининг Канада модели.

Биз қуйида бюджет федерализмининг барча моделларининг моҳияти ва хусусиятларини очишга ҳаракат қиламиз.

Бюджет федерализмининг америка модели АҚШнинг алоҳида штатларига нисбатан кенг мустақиллигига асосланади. Шунини таъкидлаш лозимки, АҚШ бюджет-солиқ тизимида даромадларни горизонтал улушли тақсимланиш амалиёти мавжуд эмас. АҚШда давлат бюджетига энг йирик ва мунтазам келиб тушадиган солиқлар федерал солиқлар ҳисобланади. Федерал бюджетнинг асосини фуқаролардан олинадиган даромад солиғи (ушбу солиқ федерал бюджет даромадларининг 45%га яқинини ташкил қилади), иш ҳақи фондига солиқ ва корпорациялар фойдасидан олинадиган солиқлар ташкил этади. АҚШда штатлари ва маҳаллий давлат органлари ўзларининг мустақил солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳуқуқига эгадилар. Шунини таъкидлаш лозимки, штатлар ўзларининг солиқ сиёсати бўйича бир-бирларидан фарқ қиладилар. Масалан, сотувдан олинадиган солиқ АҚШнинг 44-та штатида амал қилади. Лекин, уларнинг ставкалари турлича. Энг паст ставкалар Колорадо ва Вайомингда – 3%, Алабама, Луизиана, Мичиган, Жоржия, Жанубий Дакота, Айовада – 8%, Нью-Йоркда эса-8,25%ни ташкил этади. Калифорнияда эса бошқа барча штатлардан ташқари ишбилармонлик фаоллиги учун солиқ ундирилади. Ушбу солиқ корхоналарнинг умумий йиллик айланмасига нисбатан 1,0-2,5% ставкада ундирилади. Штатлар федерал солиқларнинг базавий ставкалари устига ўзларининг қўшимча ставкаларини қўшиш ҳуқуқига эгадилар. Масалан, ҳар бир штат ўз хуудида акцизнинг федерал ставкаси устига ўзларининг қўшимча ставкаларини қўллайдилар. АҚШ даги барча штатлар ўзларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолатда маҳаллий солиқларни ва уларнинг ставкаларини мустақил тарзда белгилайдилар.

Бюджет федерализмининг Германия модели учун хуудлар (земель) ўртасида молиявий ресурсларни тақсимлашда ягоналик тамойилини устунлиги характерлидир. Германия Федератив Республикаси бюджет тизими энг аввало федератив бюджетга келиб тушадиган ва сўнгра барча бюджет бўғинлари

ўртасида тақсимланадиган “умумий солиқлар”га асосланади. Бундай солиқларга иш ҳақидан олинадиган солиқ, бевосита даромад солиғи, корпорациялар фойдасидан олинадиган солиқ, кўшилган қиймат солиғи ва дивидендлардан ҳамда фоизли даромадлардан олинадиган билвосита солиқ ташкил этади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Германияда акциз солиғи фақатгина федератив бюджетга келиб тушади. Худудларнинг солиқларига транспорт солиғи ва мерос солиғи киради. Маҳаллий солиқларга кўчмас мулкдан солиқ, маҳаллий тадбиркорлик учун солиқ ва бошқалар киради.

Бюджет федерализмининг Канада модели ўз моҳиятига асосан америка моделига ўхшаш. Канадада провинциялар худудий ва маҳаллий солиқлар бўйича қонунлар қилиш ҳуқуқига эга. Қабул қилинган қонунлар асосида узларининг мустақил солиқ сиёсатини олиб борадилар. Канадада АҚШдаги сингари федерал ва маҳаллий солиқлар амал қилади. Канадада федерал солиқларга шахсий даромад солиғи, корпорациялар фойдасидан солиқ ва кўшилган қиймат солиғи киради. Провинциялар ва муниципалитетлар федерал солиқларнинг базавий ставкалари устига ўзларининг қўшимча ставкаларини кўшиш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин, шуни таъкидлаш лозимки, Канадада солиқларнинг ундирилишининг ягона тизими мавжуд эмас. Бу энг аввало шахсий даромад солиғи ва корпорациялар фойдасидан олинадиган солиқга тегишлидир. Масалан, Квебек провинциясида шахсий даромад солиғидан ўзига тегишли улушини мустақил тарзда ундириб олади ва сарфлайди.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юқини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилган. Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда эди. Мазкур камчиликларни ижобий ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сонли фармонида солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги солиқ сиёсатига ўзининг диққат-эътиборини қаратиб

“Тўртинчидан, фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак. 2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепсиясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутди. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин. Афсуски, ялпи ички маҳсулотда “яширин” иқтисодиётнинг улуши катта бўлиб, бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқишимиз зарур” деб алоҳида таъкидлаган.

Фикримизча, республикаимизда солиқ маъмуриятчилиги орқали маҳаллий бюджетларни субвенциядан чиқариш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- республикаимизнинг барча ҳудудларида замонавий корхоналар, савдо тармоқлари, умуман инфратузилмани ривожлантиришга маҳаллий ҳокимият ва тижорат банклари томонидан эътиборини кучайтириш лозим;

- республикаимизнинг барча шаҳар ва туманларида маҳаллий ҳокимият ва тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш ҳамда мамлакатда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш ва пировардида янги иш ўринлари яратиш кўламларини ошириш жараёнларида фаол иштирок этиш;

- мамлакатимизда 2022 йилнинг апрель ойида 30-та шаҳар ва туман ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари ҳамда кўп давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари ишдан олинди. 2023 йилнинг январь ойида Сурхондарё вилоятининг 14 туман ҳокимлари ва туманлардаги кўплаб раҳбарлар ишдан олинди. Ушбу жараён ҳозирги вақтда ҳам давом этмоқда. Албатта бу жуда салбий ҳолат ҳисобланади, лекин бу шаҳар ва туманларда “солиқдан қочиш” ҳолатлари мавжуд эмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Мазкур ҳолатни инобатга олган ҳолда республикаимизнинг барча шаҳар ва туманларида солиқ тўловчиларнинг қайтадан тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва олинган натижалар асосида солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Юқорида таклиф этилаётган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида республикаимиздаги шаҳар ва туманларда қўшимча ишчи ўринлари яратиш билан бир қаторда, маҳаллий бюджетларга қўшимча даромадларни олиб келади деб ҳисоблаймиз.

i.f.n., professor D.M. Mutalova
TDIU, "Soliqlar va soliqqa tortish" kafedrası
PhD, katta o'qituvchi F. R. Jumaniyazova
TDIU, "Soliqlar va soliqqa tortish" kafedrası

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA KICHIK BIZNES SUB'YEKTLARINI SOLIQLAR ORQALI RIVOJLANTIRISHTIRISH

Annotatsiya: Ushbu tezisda kichik biznes tushunchasi, uning afzalliklari, davlat byudjetini shakllantirishdagi roli, uning yangi Soliq Kontsepsiyasi joriy qilingandan keyin pasayib ketish muammolari hamda hozigi paytda shu muammolarni yechishdagi cheklashlarni olib tashlash lozimligi asoslab berilgan.

Kalit so'zlar: kichik biznes, kriteriy, soliq, soliqqa tortish, to'sqinlik qilish, byudjet daromadlari, takomillashtirish

Annotation: In this article the concept of small business, its advantages, role in the formation of the state budget, new tax concept problems of decline after introduction and at this moment it is justified that it should be removed restrictions in solving problems.

Key words: small business, criterion, tax, taxation, to avoid, budget revenues, improvement

Аннотация: В данной статье рассмотрена концепция малого бизнеса, ее преимущества, роль в формировании государственного бюджета, проблемы новой налоговой концепции, после ее введения наблюдается спад и на данный момент обосновывается необходимость снятия ограничений в решении проблем.

Ключевые слова: малый бизнес, критерий, налог, налогообложение, льгота, доходы бюджета.

М

а

м - bozor talablariga tez va aniq moslasha oladi. Buning uchun ular shu paytda bozorda talab katta bo'lgan maxsulot ishlab chiqarishga tez va kam xarajatlar bilan o'taoladilar;

к - bozorni katta biznes chiqarmaydigan turli - tuman "mayda-chuyda" ro'zg'or uchun zaruriy maxsulotlar bilan ta'minlaydilar;

т - kichik biznes subyektlarini barcha va xattoki eng kichik axoli punktlarida ham joylashtirish mumkin, chunki u juda katta miqdorda ishchi kuchi talab qilmaydi;

м - maxalliy va ikkilamchi xomashyodan maksimal darajada foydalanadi;

и - ularni boshqarish oson;

з - tez muddatlarda va kam xarajatlar bilan yangi ish joylari yaratadilar va shu yo'l bilan ishsizlarni ish bilan ta'minlash kabi qiyin ijtimoiy masalalarni hal qilishga yordam beradi;

т

и

с

с

- byudjetni ishsizlikka to'lanadigan "posobiya"ni to'lashdan ozod etadlar;
- mamlakatimizda sog'lom raqobatni faollashtiridhga yordam beradi va boshqalar.

Kichik biznesning yuqori samaradorligini e'tiborga olib. mamlakatimiz raxbariyati doimiy ravishda uni rivojlantirish va samaradorligini oshirishga qaratilgan chora - tadbirlarni katta e'tibor bilan amalga oshlrib kelmoqda.

Ma'lumki, kichik biznesning rivojlanishiga ko'plab omillar ta'sir qiladi va ularning ichida yetakchi o'rinni soliqqa tortishni takomillashtirish jarayonlari egallaydi, chunki O'zbekiston iqtisodiyotining o'ziga xos xususiyati shundan iboratki, davlat byudjeti daromadlarini asosan soliq tushimlari beradi (1 - jadval).

1 - jadval

O'zbekiston davlat byudjeti daromadlarini shakllantirishning asosiy ko'rsatkichlari, (ja'miga nisbatan % da)

No	Ko'satkichlar		
	Davlatning byudjetdan tashqari jamg'armalaridan tashqari		
	To'g'ri soliqlar		
	Resurs to'lovlari va mol-mulk solig'i		
	Ustama foyda solig'i		
	Soliqsiz to'lovlar		

J
a O
M
x
M
h
B
k
a
k A
h
h
h

jadval

O'zbekiston Respublikasida yillik aylanma miqdoriga qarab qo'llanilaigan soliq turlari

No	Yillik aylanma miqdori	Soliq turlari
	300 million so'mgacha	Qat'iy belgilangan summa
	300 million so'mdan 1 milliard so'mgacha	

ho'jalik yurituvchi subyektlarga mikrobiznes, kichik biznes va o'rta biznes maqomini

h
h
g

Jadvaldan ko'rinib turibdiki, yillik aylanma (oborot) miqdori o'sgan sari qo'llaniladigan soliq turlari xam o'zgarib borayotir, ya'ni qo'llaniladigan soliq turi subyekt maqomiga qarab emas, balki fikrimizcha, bu xol to'g'ri emas, chunki:

- xattoki 3-5 kishi ishlaydigan qimmatbaxo xomashyo ishlatuvchi (zebu - ziynat buyumlari ishlab chiqaruvchi) xo'jalik yurituvchi subyekt 1 milliard so'mlik maxsulotni 1 -10 kun ichida ishlab chiqarishi mumkin;

- doimiy o'zgarib turuvchi inflyatsiya natijasida 1 milliard so'mning zalvari (qiymati) ni to'g'ri aniqlab bo'lmaydi. Bundan tashqari maxalliy` investorlarning joylarda "o'z ishlari" ni ochishga bo'lgan ishtiyoqini so'ndiradi, chunki yangi Soliq Kontseptsiyasida soliqqa tortish soxasida kichik biznesga xech qanday imtiyoz berishni ko'zda tutilmagan;

Ma'lumki, xar qanday mamlakatlar o'z iqtisodiyotini maksimal darajada rivojlantirishga xarakat qiladi, ammo O'zbekiston Respublikasida soliq turlarini qo'llashning xozirgi usuli ishlab chiqarishni tobora rivojlanib borishini rag'batlantirishga emas, balki "tormozlash" ga sabab bo'lmoqda. Natijada kichik biznes subyektlari o'z ishlab chiqarishlari xajmini ko'paytirib borishni xoxlamaydilar, chunki ishlab chiqarishning xar qanday ko'payishi soliqqa tortishning bir tizimidan soliq yuki ko'proq bo'lgan va xisob-kitob ishlari murakkabroq bo'lgan tizimiga o'tishni ko'zda tutadi (2 jadvalga qarang). Bu yerda yana shuni ta'kidlab o'tish lozimki, yuqoridagi sharoitda faoliyat yurituvchi kichik biznes subyektlari aylanma (oboroti) lari miqdori oshishi natijasida miqyosi (razmeri) va ishlovchilaru soni oshmasa ham "kichik biznss subyekti" maqomini yo'qotadi.

Soliq yukini oshirmaslik maqsadida quyidagi qonunchilikda ko'zda tutilmagan faoliyat bilan shug'ullanishga, ya'ni o'z aylanma (oborot) larining xaqiqiy miqdorini turli yo'llar bilan yashirishga majbur bo'lmoqdalar:

- aylanma (oborot) ning bir qismini keyingi xisob davriga ko'chirish;
- maxsulot sotishdan tushadigan aylanmaning kassa apparati yoki bank orqali rasmiylashtirmaslik (naqd pulga sotish);

- agar xozir qat'iy belgilangan summa to'lab turgan kichik korxonalar quvvati 300 million so'mdan oshib ketsa, uni quvvati 300 million so'mdan kam bo'lgan birnecha korxonalarga parchalab tashlash yo'li bilan, yoki xozir aylanmadan soliq to'lovchi quvvati 1 milliardgacha bo'lgan korxonaning quvvati 1 milliarddan oshib ketsa, bu korxonalar quvvatini 1 milliarddan kam bo'lgan birnecha korxonalarga parchalab tashlash yo'li bilan.

Amalda shunday usul qo'llanilganligini misol orqali isbotlab berishimiz mumkin. Statistik ma'lumotga ko'ra yangi Soliq Kontseptsiyasi kuchga kirgan 2019 yilda O'zbekiston Respublikasida 93 ming dona, ya'ni oldingi yilga nisbatan 2

baravar ko'p yangi kichik biznes subyektlari barpo etilgan. Ammo, yuqorida keltirilgan yangi korxonalarung bir qismi yangidan qurilgan bo'lmay, balki ishlab turgan korxonalarni parchalab tashlash natijasida paydo bo'lgan. Bu fikrni isbotlash uchun quyidagi raqamlarni keltirishimiz mumkin. Yangi Soliq Kontseptsieasi kuchga kirmagan 2018 yilda kichik tadbirkorlikning O'zbekiston Respublikasi yalpi ichki maxsulotidagi ulushi 56,9 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2019 yilda esa 54,2 foizni tashkil etgan, ya'ni yangi tashkil kichik biznes subyektlari sonining deyarli 2 baravar o'sishi, ularning yalpi ichki maxsulotdagi ulushini tegishli ravishda o'sishiga olib kelmadi, balki o'sish o'rniga 2,7 foizga pasayishiga olib keldi. Undan tashqari 2018 yilda kichik tadbirkorlik subyektlarida iqtisodiyotda barcha ishlovchilarning 77 foizini tashkil etardi, ishlab chiqarilgan barcha sanoat maxsulotining uchdan bir qismi va qishloq xo'jalik maxsulotimimg 98 foizini ishlab chiqargan edilar. 2019 yilda soxada ishlovchilar soni 2018 yilga nisbatan deyarli o'zgarmay, ya'ni kamaymagan bo'lsa xam kichik tadbirkorlik subyektlarining yalpi ichki maxsulotidagi ulushi 2,7 foizga pasaygan. Bu ko'rsatkich yuqorida keltirilgan fikrimizning to'g'riligini isbotlab turibdi.

Fikrimizcha, iqtisodiyotimizning yetakchi soxasi bo'lgan - kichik biznesni soliqqa tortishdagi muammolarni tubdan xal qilish uchun kichik biznesning o'ziga xos xususiyatlariga chuqur axamiyat beradigan soliqqa tortish tartibini joriy qilish lozim.

Agar, tadbirkor deb maksimal foyda olish maqsadida qonunchilik tomonidan man qilinmagan biror - bir faoliyat olib boruvchi jismoniy yoki yuridik shaxs tushunilishiga e'tibor qilsak, xarbir tadbirkorlik subyekti maksimal foyda olish maqsadida doimiy ravishda o'z ishlab chiqarishini rivojlantirishga xarakat qiladi, ammo bunga xozir O'zbekiston Respublikasida amalda bo'lgan Soliq Kodeksi tomonidan kichik biznes aylanmasi bo'yicha qo'yilgan cheklovlar yo'l qo'ymaydi.

Shuning uchun, agar kichik biznesni va shu orqali mamlakatimiz iqtisodiyotini yuksaltirishni xoxlar ekanmiz, xo'jalik yurituvchi subyektlarga "kichik biznes subyekti" maqomini beruvchi kriteriy sifatida faqat "ishlovchilar soni" ko'rsatkichining o'zini saqlab qoldirib, ikkinchi ko'rsatkichni, ya'ni ishlab chiqarilgan "aylanma miqdori" ko'rsatkichini olib tashlash lozimligini taklif etamiz. Shunda kichik biznes subyekti surunkali ravishda o'z ishlab chiqarishining miq'yosiini tobora kengaytirib borishga, ya'ni xarqanday aylanmadan cheklovlarsiz rivojlanishga intiladi. Bu esa iqtisodiyotimiz yuksalishini tezlashtirishga va axolimiz farovonligi oshirishga muxim asos bo'ladi.

Oldingi Soliq Kodeksiga muvofiq "Yagona soliq to'lovi" umumbelgilangan tartibdagi quyidagi soliqlar va majburiy to'lovlar o'rniga to'lanar edi:

- yuridik shaxslar foyda solig'i;
- qo'shilgan qiymat solig'i;

- suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq;
- mol-mulk solig'i;
- yer solig'i;
- davlatning maqsadli jamg'armalariga to'lovlar.

Yuqoridagi kichik biznes subyektining o'ziga xos xususiyatlarini e'tiborga oluvchi yagona soliq to'lovini qo'llash natijasida kichik biznes subyektlarining soni jadal sur'atlar bilan o'sdi va ularning byudjet daromadlaridagi ulushi "O" foizdan 2018 yilda 56,2 foizgacha ko'tarildi (hozir 52,6 foizgacha pasaygan).

Hozirgi sharoitda kichik biznes subyektlari aylanma miqdori 1 milliardgacha bo'lgan xolda aylama solig'i to'laydilar. O'z navbatida aytish lozimki, yagona soliq to'lovi xam aylanma (oborot) dan so'lar edilar.

Yuqorida keltirilgan fikrlardan kelib chiqib aytish mumkinki, hozirgi sharoitda kichik biznes subyektlari uchun qo'llaniladigan soliq turi ayianma miqdoriga qarab o'zgarmasligi lozim. Shunda biznes maqomlari soni 3 tadan 2 taga, ya'ni "biznes" va "kichik biznes" maqomlariga bo'linadi va "o'rta biznes" maqomiga xojat qolmaydi. Shunday qilib, qo'llaniladigan soliq turlarini tanlash aylanma miqdoriga qarab emas, balki biznes maqomiga qarab tanlanishi lozim, ya'ni kichik biznes subyektlari uchun aylanma miqdoridan qat'iy nazar faqat aylanma solig'i to'lashlari lozim. Shunday bo'lganda qo'llanilgan soliq turi iqtisodiyotimiz rivojlanishiga to'sqinlikdan rag'batlantiruvchi omilga aylanadi va iqtisodiyotimizning yuksalishiga xamda xalqimiz farovonligining oshishiga sabab bo'ladi.

PhD., katta o'qituvchi Salimov Sherzod Baxtiyorovich
TDIU, "Soliqlar va soliqqa tortish"
Azimov Bekzod Aziz o'g'li
TDIU, 3-kurs talabasi

IQTISODIYOTNI ERKINLASHTIRISH VA BARQARORLASHTIRISHDA SOLIQ ISLOHOTLARINING O'RNI

Annotatsiya: Hozirgi kunda tadbirkorlikni va ishlab chiqarishni rag'batlantirishda soliq islohotlari muhim rol o'ynamoqda. Soliqlarni hisoblash va ularni to'lash jarayonidagi yengilliklar odatda soliq imtiyozlari tushunchasi orqali ifodalanadi.

Kalit so'zlar: soliq islohoti, soliq imtiyozlari, tadbirkorlik, davlat budjeti, soliq kodeksi, soliq to'lovchilar, iqtisod, sotsial, imtiyoz, afzallik, raqobat, ishlab chiqarish, soliqlarni hisoblash, yengillik.

Аннотация: В настоящее время налоговые реформы играют важную роль в стимулировании предпринимательства и производства. Упрощение

процесса исчисления и уплаты налогов обычно выражается через понятие налоговых кредитов.

Ключевые слова: Налоговая реформа, налоговые льготы, предпринимательство, государственный бюджет, Налоговый кодекс, налогоплательщики, экономика, социальная, преимущество, конкуренция, производство, расчет налогов, льготы.

Abstract: Currently, tax reforms play an important role in stimulating entrepreneurship and production. Simplification of the process of calculating and paying taxes is usually expressed through the concept of tax credits.

Key words: tax benefits, entrepreneurship, state budget, Tax Code, taxpayers, economy, social, advantage, competition, production, tax calculation, benefits.

Soliq islohotlari — soliq nazariyasi va amaliyotini muvofiqlashtirish asosida soliq yukini kamaytirish, soliqqa tortishni soddalashtirish, soliq yordamida iqtisodiy rivojlanishni ta'minlash maqsadlarida amalga oshiriladigan davlat tadbirlari. Iqtisodiyotni isloh qilishining muhim, ajralmas qismi. O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan Soliq islohotlari strategiyasi huquqiy va demokratik davlatni barpo etish konsepsiyasi asosida shakllanmoqda.

Soliq islohotlarini amalga oshirishda asosiy manba bo'lib xizmat qiladigan yangi tahrirdagi Soliq kodeksi, shuningdek, soliq siyosatini, shu jumladan, davlat soliq xizmati organlari faoliyatini tubdan takomillashtirishga qaratilgan Muhtaram Prezidentimizning bir qator farmon va qarorlari bilan adolatli, shaffof va uzoqqa mo'ljallangan xalqaro andozalarga javob bera oladigan hamda soliq to'lovchilar uchun qulay bo'lgan soliq tizimi yangi bosqichga olib chiqildi.

2018-yildan boshlangan soliq islohotlari, soliqlarni turlarini qisqartirilishi, soliq stavkalari pasayishi va soliq bazasini kengayishi, budjetga tushumlar hajmi o'sishda davom etib kelmoqda.

Iqtisodiyotda biznesga soliq yukini imkon qadar kamaytirish maqsadida soliq turlari 16 tadan 9 tagacha kamaytirildi. O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi qabul qilindi, 2019-yil 1-yanvardan boshlab majburiy ajratmalarni (3,2%) bekor qilindi. Yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'i stavkasi tijorat banklari uchun — 22 foizdan 20 foizga, dividendlar va foizlar ko'rinishidagi daromadlar bo'yicha to'lov manbaidan ushlab qolinadigan foyda solig'i stavkasi 10 foizdan 5 foizga, mol-mulk solig'i stavkasi 5 foizdan 2 foizga, ijtimoiy soliq stavkasi 15 foizdan 12 foizga pasaytirildi. Shuningdek, jismoniy shaxslarning ish haqidan olinadigan 8 foizli sug'urta badali bekor qilindi hamda soliq stavkasi 22,5 foizgacha bo'lgan 4 pog'onali daromad solig'ining yagona stavkasi 12 foiz etib belgilandi.

Budjetdan tashqari jamg'armalarga mazkur yig'imlarni bekor qilish hisobiga 7 mingga yaqin korxonalarda har yili o'rtacha 6 trln so'm soliq to'lashdan ozod etildi.

Iqtisodiyotga soliq yukini adolatli taqsimlash hamda qo‘shilgan qiymat solig‘i zanjiri uzluksizligini ta‘minlash maqsadida tovar aylanmasi 1 mlrd so‘mdan oshgan soliq to‘lovchilar QQS to‘lashi belgilandi va mazkur soliq stavkasi 20 foizdan bugungi kundagi 12 foizga qadar tushirildi hamda qo‘shilgan qiymat solig‘ini qoplab berish amaliyoti joriy etildi. Tadbirkorlik subyektlarini qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan umumiy tarzda berilgan yengillik va imtiyozlar natijasida ularning ixtiyorida 2017-2021-yillarda 119,5 trln so‘m, 2022-yilda 72,9 trln so‘m mablag‘ qoldirildi.

Soliq tizimidagi korrupsiya bilan bog‘liq shikoyatlar haddan tashqari ko‘payib ketgani ham aynan “tax gap” bilan bog‘liq. Ildingi tadbirkorlarni xavf guruhiga kiritish tizimi yopiq bo‘lib, intizomli soliq to‘lovchilar ham qaysidir hamkori qachonlardir xato qilgan bo‘lsa, uning uchun ham javob berib kelgan. O‘tkazilgan so‘rovlarda qo‘shilgan qiymat solig‘i to‘lovchilarning 70 foizi ushbu soliqni qaytarishda soliq uzilishi koeffitsientini qo‘llash, ya‘ni “tax gap” tizimi adolatsiz ekanini bildirgan. Shu boisdan, 1 oktyabrdan boshlab, qo‘shilgan qiymat solig‘ini qaytarishda soliq uzilishi koeffitsientini qo‘llash amaliyoti, ya‘ni “tax gap” bekor qilinadi.

Endilikda kameral nazoratda tadbirkordan hujjat talab qilish yoki uni idoraga chaqirish qat‘iyan taqiqlanadi.

Mamlakatimizda soliq yukini kamaytirish orqali tadbirkorlarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash borasida amalga oshirilgan bir qator ijobiy ishlar natijasida umumbelgilangan soliq to‘lovchilar soni 23 barobarga ortib, 2018-yildagi 7,6 mingdan 2023-yilda 178 mingga yetdi.

Soliq islohotini amalga oshirishda ishbilarmonlik muhitini yaxshilash, soliq ma‘muriyatchiligini yanada takomillashtirish va soliqlarni undirish mexanizmini takomillashtirish zarurligiga e‘tibor qaratmoq lozim. Shuningdek, soliq to‘lovchilarning soliq sohasida bilim va ko‘nikmasi yetarli emasligi natijasida soliq qarzi yuzaga kelishiga olib kelmoqda.

Shu sababdan, soliqqa oid misollardan foydalangan holda roliklar tayyorlash va OAV orqali aholiga keng targ‘ib qilish, bunda hayotiy misollar keltirish orqali soliqlar aholining yashash sharoitlariga ijobiy ta‘sir qilishini aks ettirishga e‘tibor qaratish lozim.

Tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish istagida bo‘lgan aholiga qulaylik yaratish maqsadida faoliyat turiga qarab soliqlarni oldindan hisoblash tartibini joriy etish. Shuningdek, tadbirkorlik subyektlarining soliq yukini pasaytirish orqali xususiy sektorda norasmiy band bo‘lgan jismoniy shaxslarning ish o‘rinlarini legallashtirish choralarini ko‘rish.

Iqtisodiyotda ishbilarmonlik muhitini yaxshilashda soliq ma‘murchiligini yanada takomillashtirish va biznesga soliq yukini kamaytirish maqsadida qo‘shilgan qiymat solig‘ini qaytarish mexanizmini soddalashtirish, jismoniy va yuridik shaxslarning “soliq tarixi” bo‘yicha tegishli davlat organlari bilan birgalikda

markaziy ma'lumotlar bazasini yaratish, aholi bandligini ta'minlashni qo'llab-quvvatlash maqsadida xususiy sektorda soliq yukini pasaytirish orqali norasmiy bandlik amaliyotiga barham berish va barcha uchun adolatli, shaffof va mutanosib soliq tizimini yaratish. Soliq solish tizimi soliq to'lovchilarni moliyaviy salohiyati, investitsiya imkoniyatini oshirish va raqobat muhitini yaxshilashga xizmat qilishi kerak.

*к.э.н., доцент Джамалов Хасан Нуманжанович
ТФИ, кафедра «Налоги и налогообложение»*

ИНТЕРАКТИВНЫЙ ПОДХОД К СОДЕРЖАНИЮ НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ НДС

Одной из стратегических задач социально-экономического развития экономики Республики Узбекистан на средне- и долгосрочную перспективу является создание стабильных и предсказуемых условий, обеспечивающих повышение эффективности, конкурентоспособности и прозрачности налоговой системы на основе внедрения новых технологий и формирования единого информационного пространства администрирования доходов бюджетной системы.

На сегодняшний день остаются нерешенными ряд серьезных проблем в области функционирования системы налогового администрирования, связанных как с несовершенством нормативно-правовой базы, несмотря на постоянное внесение изменений в законодательные акты, так и с недостатками в организации налогового контроля, призванного обеспечить гармонизацию финансовых интересов государства и налогоплательщиков. Развитие новых форм налогового контроля, предполагает оперативное решение вопросов по снижению рисков проведения необоснованных проверок, выявлению сокрытой информации, повышению уровня исполнения обязанностей по уплате налогов и сборов, в том числе на добровольной основе, что дает возможность повысить налоговую культуру, налоговую дисциплину и способствует эффективной мобилизации доходов в бюджетную систему Республики Узбекистан.

В связи с этим возникает серьезная научно-практическая проблема, связанная с оценкой эффективности деятельности налоговых органов и совершенствованием налогового администрирования.

Важное место в налоговой системе большинства стран мира и современной Республики Узбекистан, занимает налог на добавленную стоимость (НДС), преимуществом которого является значительный фискальный потенциал. В результате совершенствования налоговой системы Республики Узбекистан и, в частности, налогового законодательства в области механизма исчисления и уплаты НДС снижается риск роста теневой экономики.

На фоне общей модернизации экономики Республики Узбекистан совершенствование практики налогового администрирования предполагает переход от реализации фрагментарных инициатив по борьбе с теневой экономикой к полномасштабному пресечению уклонения от исполнения налоговых обязательств налогоплательщиками НДС. Для этого необходимы новые научные подходы к исследованию налогового администрирования НДС и его использованию в качестве инструмента пресечения уклонения от исполнения налоговых обязательств в современной Республике Узбекистан.

Вышеуказанные причины указывают на актуальность совершенствования практики налогового администрирования НДС в современной Республике Узбекистан, нацеленной на обеспечение минимизации расходов на администрирование и исполнение требований налогового законодательства в условиях цифровизации социально-экономических процессов.


На основе критического осмысления различных точек зрения на сущность налога на добавленную стоимость и, учитывая важность развития налогового администрирования НДС с целью увеличения фискального потенциала НДС, пресечения уклонения от уплаты налога и сокращения объемов теневой экономики, можно отметить, что НДС гармонично вписывается в концептуальную модель рыночной экономики современной Республики Узбекистан и является перспективным инструментом ответа налоговой системы Республики Узбекистан на глобальные вызовы современности.

Предпочтение НДС отдается благодаря его способности к устранению двойного налогообложения (каскадного эффекта налогообложения), снижению рисков уклонения от уплаты налога в условиях автоматизации налоговых процессов и других многочисленных преимуществ. НДС отличается косвенным характером налогообложения и поэтапным процессом уплаты налога, а объектом налогообложения является добавленная стоимость продукта (работ, услуг). НДС позволяет избежать множественности налогообложения, что особенно востребовано в экономике Республики Узбекистан, характеризующейся длинными цепями добавленной стоимости.

НДС обеспечивает целостность цепи добавленной стоимости, позволяя вернуть уплаченный налог при покупке, способствуя росту благосостояния и повышению уровня жизни населения, гарантирует устойчивый объем поступлений в государственный бюджет, независимо от результатов предпринимательской деятельности, позволяет переносить бремя инфляции с потребителей на продавцов, а также характеризуется простотой исчисления, открывая перспективы для автоматизации налогового учета бизнеса,

содействуя цифровой модернизации экономики современной Республики Узбекистан.

До настоящего времени в экономической литературе не достигнуто единства мнений о термине «налоговое администрирование», целях, задачах и специфике налогового администрирования НДС. Анализ действующих методических подходов к содержательной характеристике налогового администрирования НДС (директивный и инициативный) на основе исследования их позитивных и негативных характеристик показал, что эти методические подходы не стали отвечать современным требованиям. Учитывая эти обстоятельства, на наш взгляд, необходимо применение альтернативного - интерактивного методического подхода к трактовке содержания, целей и задач налогового администрирования НДС, позволяющего подбирать меры налогового администрирования отдельно для каждого налогоплательщика и благодаря этому, соблюдая принцип императивности налогов, предотвращать налоговый оппортунизм и, в то же время, стимулировать налоговую дисциплину и формировать рейтинг налогового доверия между государством и налогоплательщиками (рис.1).






Рис. 1. - Алгоритм применения интерактивного подхода к налоговому администрированию НДС

В отличие от традиционно существующих - директивного и инициативного - подходов, предложенный интерактивный подход требует от налоговых инспекторов, осуществляющих налоговое администрирование НДС, высокой гибкости, логического мышления, способности оценивать ситуацию и быстро принимать обоснованные решения, обеспечивая исполнение требований налогового законодательства.

Преимуществами данного подхода являются высокая эффективность (подбор наиболее оптимальных мер налогового администрирования НДС для каждого отдельного налогоплательщика), объективность (в интересах обеспечения справедливости, соблюдения налогового законодательства НДС) и гармонизация интересов заинтересованных сторон при налоговом администрировании НДС (определение одной из сторон, пострадавшей в результате нарушения налогового законодательства, в каждом отдельном случае для обеспечения защиты ее интересов), что будет способствовать формированию доверительной налоговой среды, в которой добросовестно исполнять налоговые обязанности и иметь соответствующий статус будет экономически более выгодно и престижно для субъекта, нежели уклоняться от уплаты налога.

Сафарова Ш.А.

ТМИ таянч докторанти

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК
СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА УНДИРИШ ТАРТИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Халқаро солиқ амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, мулкый солиқлар ичида кўчмас мулк солиғи энг асосийси ҳисобланиб, маҳаллий бюджетлар даромадларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Жаҳон мамлакатларида

жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ставкаларини қўллаш ўзига хос хусусиятларга эга (1-жадвал).

1-жадвал.

Жаҳон мамлакатларида жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ставкалари

Мамлакат	ЖШ мол-мулк солиғи ставкалари
1. Арманистон	Кадастр қийматидан 0,05-1,5 %гача прогрессив шкалада
2. Англия	Мол-мулк солиғи компаниялар зиммасида. Унинг ўрнига герб йиғими(ер ва мол-мулк солиғини бирлаштиради): М: уй 860 000 ф.ст. туради 1-сотиб олишда 125000-0%, кейинги 125000-2%, 610000-5%. Жами 33000 герб йиғими
3. Германия	Федерал даражада-0,35%, жойларда мультипликаторга кўпайтирилади(0,35% x M). Самарали ставка – 0,98-2,84%
4. Жанубий Корея	Мулкни сотиб олиш қийматидан стандарт ставка-2,0% (Қарорга кўра стандарт ставканинг 50%гача оширилиши мумкин) 3та уй-жойга эга шахслар(марказий шаҳарларда 2та)-3,2%
5. Россия	Уйлар-0,1%, кўчмас мулк-2%, бошқа мол-мулк-0,5%
6. Тожикистон	Кўчмас мулк солиғи-3-18%
7. Туркия	Яшаб турган уй кадастр қийматидан 0,1%, қиймати 173000 АҚШ долл.дан -0,2%, ундан юқори қийматдагисига-0,3%
8. Қозоғистон	Солиққа тортиш объекти қийматига қараб 0,5дан 2,0%гача
9. Хитой	ЖШ мол-мулк солиғи ўрнига герб йиғими: 0,005-0,1% гача, сотиб олишда махсус йиғим-3-5%гача
10. Эстония	Мол мулк солиғи компаниялар зиммасида

Кўчмас мулкни солиққа тортишнинг ягона ставкаси Германия, Белгия, Исландия ва Люксембургда қўлланилади. Солиққа тортишнинг прогрессив тизими Швеция, Финландия, Норвегия ва бошқа давлатларда амал қилади.

Жаҳон амалиётида жисмоний шахсларнинг мол мулкига солинадиган солиқларни ҳисоблаш масалалари ҳам тадқиқот объекти сифатида кенг ўрганилмоқда. Лекин амалга оширилаётган тадқиқотларда мол-мулк солиғини ҳисоблаш хусусиятлари ва корхоналар фаолиятига таъсири таҳлили, маҳаллий бюджет даромадларини оширишда мол-мулк солиғидан оқилона фойдаланиш, иқтисодий аҳамияти солиқнинг мазмунидан келиб чиқади. Мол-мулкни солиққа тортиш орқали биринчидан, жамият бойлиги, у кимга тегишли бўлишидан қатъий назар солиққа тортиш механизми орқали мол-мулк тартибга солинади ва иккинчидан эса, бойликнинг муайян қисми давлат бюджетига - харажатларини молиялаштириш мақсадида қонунларда белгиланган тартибда қайта тақсимланади. Давлат жисмоний шахслар мол-мулкнинг кўпайишидан манфаатдор. Жисмоний шахслар эса ўз мол-мулкларининг дахлсизлигидан манфаатдор бўладилар, бунинг эвазига ўз мол-мулкдан давлатга белгиланган тартиб ва ставкаларда солиқ тўлаб борадилар. Мол-мулкни солиққа тортишнинг умумий тартиби бўйича мол-мулк икки гуруҳга: кўчмас ва кўчар мулкларга бўлиб солиққа тортилади. Кўчмас мулкларга ер участкалари киради, унда турган бино, иншоат ва бошқа доимий жойлашган қурилишлардир. Мазкур ёндашувдан келиб чиқиб, кўчар мулклар ҳам ўз навбатида ер билан боғлиқ ва боғланмаган бойликларга ажратиш мумкин. Кўчмас мулкларга

кўпроқ эгаллик қилиш ҳозирги шароитда баъзи шартларни келтириб чиқаради, сабаби мол-мулк солиғининг объекти асосан кўчмас мулкларга қаратилган. Мол-мулк солиғи объектининг бундай табақаланиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга солиқларнинг самарали таъсир ричаглари кўллашда имкониятларни чегаралаб қўяди, чунки аксарият ҳолларда кўчмас мулк объектлари ишлаб чиқаришда бевосита фойдаланиладиган ёки фойдаланмайдиган мол-мулк бўлиши мумкин. Шу нуқтаи-назардан ривожланган давлатларда, мол-мулкни солиққа тортишда тижорат фаолиятида қатнашадиган ва тижорат фаолиятида қатнашмайдиган асосий воситаларга ажратган ҳолда солиққа тортилади.

Шундай қилиб, жисмоний шахслардан мол-мулкдан олинadиган солиқнинг аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағалликни камайтириш мақсадларидаги вазифалар ижросини инобатга олган ҳолда уларнинг тартибга солувчи ва рағбатлантирувчи восита сифатидаги таъсирчанлигини ошириш, мазкур солиқ маъмуриятчилиги самарали усуллари кўллаш, жисмоний шахслар мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштиришда қўйидагилар инобатга олиниши зарурдeб, ҳисоблаймиз:

1. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар мол-мулкни солиққа тортиш тизими самарадорлиги кўп жиҳатдан жисмоний шахслар мол-мулк солиғи маъмуриятчилигини ташкил этишнинг негатив ҳолатини хусусиятловчи омилларни очиб бериш билан хусусиятланувчи амал қилувчи модел натижавийлиги билан аниқланадики, улар қўйидагиларда яққол намоён бўлмоқда:

- кўшимча ундирилган тўловлар ҳажмида жарима санкциялари ва пенялар улушининг юқорилиги, айрим ҳудудларда жойларга чиқиб ўтказилувчи солиқ текширувлари самарадорлигининг пастлиги;

- давлат фискал тадбирлари ижросини таъминлаш мақсадида давлатнинг солиқ ва бошқа маъсул органлари ўзаро ҳамкорлигининг заифлигидан келиб чиқувчи солиқ тушумларини ўстириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги;

- солиққа тортиш субъектларига информацион хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиги.

2. Жисмоний шахслар мол-мулкни солиққа тортиш амалиётини давлат томонидан тартибга солиш умумий иқтисодий вазиятни яхшилашга, хуфёна иқтисодиёт айланмасини қисқартириш ва бартараф этишга, жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар ижтимоий аҳамиятини оширишга қаратилмоғи лозим. Шу боисдан солиқ муносабатлари иштирокчиларининг янгича мазмун ва ташкилий асосдаги ижтимоий алоқаларини йўлга қўйиш

зарурияти юзага келадики, унинг мазмуни ҳамкорликдан келажакда олиниси мумкин бўлган манфаатни ифодалайди.

3. Жисмоний шахслар мол-мулкни солиққа тортиш амалиётида жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар маъмуриятчилиги самарадорлигини оширишда Давлат солиқ хизмати томонидан солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган сервис хизматига эътиборни кучайтириш лозим.

4. Жисмоний шахслар мол-мулкни солиққа тортиш амалиётида жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг йиғилувчанлиги, фискал аҳамияти, бюджет даромадларининг барқарор ҳамда истиқболли манбаи сифатидаги янги тавсифини таъминлашга қаратилган давлатнинг тезкор тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ундириш тизимини такомиллаштириш мазкур солиқ барча элементларидаги тегишли ўзгаришлар билан бормоқда:

- янги тартибга кўра, солиқ тўловчига солиққа тортиш объектини сотиб олганлиги хабарини солиқ органларига етказиш маъсулияти юклатилди;

- солиққа тортиш объектлари сони кескин ўсиши кузатилмоқда;

- мулкнинг илгариги инвентаризация қийматидан унинг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қийматида баҳолаш тизимига ўтилганлиги оқибатида солиқ базаси ва тўланаётган солиқ суммасининг кескин ошиши;

- 2023 йилдан солиқ ставкаларининг ўсиши орқали прогрессив ставканинг фискал аҳамиятини ошириш тадбирлари ижросига ўтилганлиги;

- солиққа тортиш объектлари эгалари бўлган барча солиқ тўловчиларини яқин келажакда кўчмас мулк солиғи юкининг секин, лекин барқарор ўсиши кутмоқдаки, бу ҳолат айрим фуқароларни кўчмас мулкни солиққа тортиш объектининг бирмунча паст чекка ҳудудларига кўчибўтишларигамажбур қилиши мумкин ва бошқа томондан эса бу стратегия маҳаллий бюджет фискал базасини мустаҳкамлашга қаратилган.

Тожибаев Фаррух Бахтиёрович

ТДИУ мустақил изланувчиси

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Солиқ маъмурияти солиқ муносабатларини давлат бошқаруви институти бўлиб, унинг мақсади давлатнинг самарали солиқ сиёсатини амалга оширишдир. У ҳар қандай давлатнинг амалдаги солиқ тизимида солиқ қонунчилиги доирасида солиқ органларининг муайян функциялари ва солиқ муносабатлари иштирокчилари ўртасида шаклланган муносабатлар мажмуи бўлиб, у қулай ва мотивацион шароитларни яратишга қаратилган, шунингдек,

у солиқ тўловчилар ва солиқ муносабатларида иштирок этувчи бошқа субъектлар ўртасидаги қонуний ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган.

Давлатнинг солиқ тизими иқтисодиёт ва ижтимоий жараёнларни давлат томонидан бошқаришнинг ажралмас қисмидир. Солиқ маъмуриятчилиги ва давлатнинг солиқ сиёсати давлатнинг ижтимоий-сиёсий тизимини шакллантиришда ўзаро боғлиқ омиллардир. Солиқ ва молия тизимидаги ҳар қандай ислохотлар солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши керак.

Маъмуриятни менежмент сифатида ҳам, бошқарув сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин. Солиқ маъмурияти маъмурий фаолият билан аниқланмаган, чунки иккинчисининг хусусиятларидан бири бу маъмурий тартибга мувофиқ ташкилий ва бошқа чораларни амалга оширишга имкон берадиган мажбурлашдан фойдаланишдир. Маъмурий фаолиятнинг ўзига хос хусусияти, шунингдек, буйруқ усуллари ва усуллариининг мавжудлиги, солиқ маъмуриятининг асоси эса солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажаришдир. Солиқ маъмуриятининг муҳим хусусиятларидан бири, шунингдек, солиқ маъмуриятида, умуман, маъмурий фаолиятдан фарқли ўлароқ, мажбурлаш ишлатилмайди.

«Маъмурият» тушунчаси нафақат назорат жараёнини, балки интеграциялашган бошқарувни ҳам англатади. Шу мақсадда замонавий иқтисодий адабиётларда «солиқ маъмурияти» ва «солиқ тизимини бошқариш» тушунчалари мавжуд. Солиқ маъмурияти, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштирадиган солиқ муносабатларини ривожлантиришнинг динамик тизими сифатида тушунилади. «Солиқ маъмурияти» концепциясининг муаллифлари солиқ маъмуриятчилиги бўйича кўплаб иқтисодчи олимлар тадқиқот олиб борган.

Иқтисодий луғатда солиқ маъмурияти бирор нарсани расмий ва бюрократик тарзда бошқариш деб таърифланади. Давлат бошқаруви жараёни давлат бошқаруви тизимининг бир қисмидир. Бюрократик бошқарув усули буйруқ билан назорат қилинади. Шундай қилиб, маъмуриятни бошқарувнинг алоҳида тури деб ҳисоблаш мумкин.

Солиқ маъмуриятчилигининг моҳиятига энг машҳур нуқтаи назарни М.Оспанов ўзининг «Солиқ ислоҳоти ва солиқ муносабатларини уйғунлаштириш» асарида баён этган. У солиқ маъмуриятини давлат ва солиқ қонунчилигида белгиланган функциялар ва ҳуқуқий муносабатлар доирасида солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш сифатида белгилайди. Унинг асосий компоненти солиқни бошқариш механизми, яъни, солиқ тизимини

оптималлаштирадиган, солиқ тўловчиларга бухгалтерия ҳисоби ва хизмат кўрсатишни яхшилайдиган ҳаракатлар тизими.

Л. Гончаренко солиқ маъмуриятчилигининг тўрт гуруҳини белгилайди:

1) солиқ маъмуриятчилиги солиқ муносабатларини бошқаришга тенглаштирилади, яъни, солиқлар ва солиқ тизимини бошқаришга;

2) солиқ маъмуриятчилиги субъектларига (давлат органлари ёки солиқ тўловчиларга) қараб, у давлат солиқ бошқармаси ёки солиқ менежменти тушунчаларига тенглаштирилади;

3) солиқ маъмуриятчилиги солиқ субъектлари ўртасида ҳуқуқий тартибга солиш тизими сифатида қаралади;

4) солиқ маъмуриятчилиги солиқ органлари раҳбарияти билан белгиланади.

Л.Абрамчик солиқ маъмуриятчилигини солиқ соҳасидаги ўзига хос бошқарув механизми сифатида кўриб чиқади, бу орқали солиқ органлари ўзларининг кундалик фаолиятини амалга оширадилар ва солиқ тўловларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлайдилар.

Бошқа бир рус иқтисодчиси И. Перонконинг сўзларига кўра, солиқ маъмуриятчилиги давлат томонидан солиқ муносабатларини бошқаришнинг ажралмас тизимидир. У солиқ тушумлари прогнози, бюджетни тасдиқлаш, солиқ ставкаларини оптималлаштириш ва бошқаларни ўз ичига олади.

А.Аронов ва В.Кашин, солиқ маъмуриятчилиги - бу солиқ органлари амалдаги солиқ қонунлари доирасида солиқ механизмларини қўллаш ва ушбу жараёнларни ўзгарувчан иқтисодий ва сиёсий шароитларда йўналтириш усулларининг комбинацияси сифатида эътироф этади.

Баъзи муаллифлар солиқ маъмуриятчилигига бошқача таъриф бериб, уни минимал ҳаражатлар билан солиқларни вақтида тўлашга қаратилган ҳаракатлар тизими сифатида тақдим этадилар.

Юқоридаги муаллифлар билан таққослаганда Г.Чухнина солиқ маъмуриятчилигининг соддароқ таърифини беради. Солиқ маъмуриятчилиги ҳақида гапирганда, у солиқ муносабатлари субъектлари фаолиятини юқори самарадорлик кўрсаткичлари бўйича шакллантириш ва амалга оширишни тушунади.

Солиқ маъмуриятчилигининг моҳияти билан боғлиқ барча нуқтаи-назарларни умумлаштириб, иккита асосий хулосага келишимиз мумкин. Биринчидан, солиқ маъмуриятчилигининг моҳиятини шарҳловчи тадқиқотлар унинг мазмунини ошкор қилишнинг хилма-хиллиги билан фарқ қилади, бу ерда у “солиқ маъмурияти” билан аниқланади. Иккинчидан, солиқ маъмуриятчилигининг моҳияти тўғрисида ҳукм чиқариш учун услубий асослар мавжуд эмас. Улар назарий асосга эга бўлмаган аксиомалар сифатида қаралади.

“Солиқ маъмуриятчилиги” тушунчаси уч томондан кўриб чиқилади. Биринчидан, бошқарув органлари тизими сифатида (қонун чиқарувчи ва маъмурий солиқ органлари). Уларнинг вазифаларига кейинги режалаштириш даври учун солиқ тушунчаларининг ўтишини таъминлаш, яъни тақдимот ва муҳокама қилиш, қонунчилик кетма-кетлигида тасдиқлаш киради. Бундан ташқари, улар бюджетнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этишлари ва уни ҳар томонлама ўрганишлари керак.

Иккинчидан, бу солиқ фаолиятини тартибга солувчи, шунингдек солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайдиган қоидалар ва қоидалар тўпламидир.

Учинчидан, бу бошқарув функцияларини амалга ошириш учун ахборот муҳити. Солиқ органлари ва бошқа бошқарув органлари ўртасидаги ахборот ҳамкорлиги солиқ маъмуриятчилиги функцияларини ўрганишнинг алоҳида мавзуси ҳисобланади.

Солиқ маъмуриятчилиги махсус илмий жараён сифатида ўзининг мазмуни ва ташкил этилишида жуда катта аҳамиятга эга. У тарих давомида шаклланган ва фан билан биргаликда модернизация қилинган солиққа тортиш тамойилларини ўз ичига олади. У иқтисодий бошқарув тизимида етакчи ўринни эгаллайди.

Назарий ва услубий илмий тадқиқотларни умумлаштириб, солиқ маъмуриятчилигининг қуйидаги характерли хусусиятлари ажратилади:

- ижтимоий фанлар ўртасидаги муносабатларни таъминлаш ва иқтисодий ва молиявий фанлар ютуқлари тўғрисида жамоатчиликка хабар бериш;
- норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масаласида давлатнинг ҳуқуқий таъминоти ва ташаббуси;
- солиқ тизимида мавжуд солиқ турларини бошқариш;
- бюджетдан тушадиган солиқ тушумларини рағбатлантириш;
- солиқ тўловларининг ўз вақтида ва яхлитлигини назорат қилиш;
- солиқ тушумларининг прогнози;
- давлат бошқаруви ва ҳужжатлари;
- жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга қаратилган солиқ турларини такомиллаштириш.

Солиқ маъмуриятчилиги солиқ жараёнини бошқариш тизими сифатида солиққа тортишнинг умумий қоидаларига мос келадиган муайян қоидаларга бўйсунди.

Биз солиқ маъмуриятчилигининг қуйидаги замонавий тамойилларини қуйидагича таъкидлаймиз:

- қонунийлик принципи, яъни солиқ маъмуриятчилиги солиқ тизимини бошқаришнинг қуйи тизими бўлиб, давлатнинг молиявий ва солиқ қонунчилигига бўйсунуши керак. Солиқ маъмуриятчилиги доирасида амалга ошириладиган назорат ишлари қонун доирасида бўлиши керак.

- объективлик принципи, бу ҳолда солиқ органлари солиқ маъмурияти чораларини амалга оширишда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги керак.

- бирлик принципи, бу ҳолда солиқ маъмуриятчилигининг усуллари ва ҳаракатлари давлатнинг барча қисмларига нисбатан қўлланилади.

- самарадорлик принципи. Солиқ маъмуриятчилигининг натижалари молия шаклида ҳам, кўрсаткичлар шаклида ҳам қилинган харажатлардан юқори бўлиши керак. Бундан ташқари, солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлиги солиқ текширувлари натижалари, солиқ мажбуриятларини тартибга солиш билан ифодаланади.

Солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш, иложи бўлса, солиқ органларига ажратилган кичик маблағлар билан самарали бўлиб, солиқ қонунчилиги талабларининг сақланишини ва давлат бюджети томонидан режалаштирилган солиқ тушумларини йиғишни таъминлайди.

Солиқ тўловчиларнинг фаолияти қисман солиқларни камайтиришга, солиқ маъмуриятчилиги эса давлат даромадларини оширишга қаратилган. С.Заполскийнинг таъкидлашича, солиқ субъектлари ўртасида воситачи бўлиб, у бюджетда тўпланган маблағлар солиқ тўловчининг иқтисодий ҳолатига мос келадиган иқтисодий тизимни яратишга мўлжалланган. Бундан ташқари, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигининг кўрсаткичларидан бири бу солиқ тўловчи томонидан сарфланган маблағ ва солиқ мажбуриятларини бажариш вақти ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, солиқ маъмуриятчилиги солиқ сиёсати томонидан қабул қилинган стратегик мақсад ва вазифалар орқали солиқ муносабатларини бошқаришдир.

Маъмурий қарорлар солиқ сиёсатини амалга оширишга қаратилган, яъни. солиқни режалаштириш, бошқариш ва маъмурий чоралар тизими. Солиқ сиёсатида қарор қабул қилишнинг семантик томони устунлик қилади ва оқланади, маъмуриятда эса уларнинг ташкилий томони инобатга олинади. Шунинг учун маъмуриятни нафақат солиқ сиёсати жараёни, балки бошқарувнинг ҳақиқий жараёни сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин.

Солиқ маъмуриятчилиги солиқ сиёсатининг ташкилий механизми бўлиб, иккинчиси солиқ маъмуриятчилигининг мақсадли йўналишларини белгилайди. Шу сабабли солиқ сиёсатидаги мавжуд камчиликлар солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигининг пасайишига олиб келиши мумкин.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Аннотация: *Хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортиш ўзига хос хусусиятга эгадир. Жаҳон амалиётида хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортишнинг умумий ўзига хос хусусиятлари ҳамда дунё мамлакатларининг айримлари мисолида ушбу корхоналарни солиққа тортиш амалиётини қисқача қиёсий таҳлил қилинади. Хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортишнинг халқаро амалиётида ҳали етарлича муаммолар мавжуд. Мазкур мақолада ана шу масалалар кенг ёритилади.*

Калит сўзлар: *солиқ, солиққа тортиш, хизматлар соҳаси, хизмат, давлат, молиявий қўллаб-қувватлаш, солиқ имтиёзлари, преференция, солиқ қарзи, ортиқча тўлов, солиқ сиёсати, аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш, истеъмол нархлар индекси, солиқ тушумлари.*

Аннотация: *Налогообложение предприятий сферы услуг имеет свои особенности. Общие особенности налогообложения предприятий сферы услуг в мировой практике и краткий сравнительный анализ практики налогообложения этих предприятий на примере некоторых стран мира. В международной практике налогообложения предприятий сферы услуг еще достаточно проблем. В этой статье подробно рассматриваются эти вопросы.*

Ключевые слова: *налог, налогообложение, сфера услуг, услуга, государство, финансовая поддержка, налоговый кредит, преференция, налоговая задолженность, переплата, налоговая политика, обслуживание на душу населения, индекс потребительских цен, налоговые поступления.*


Abstract. *Taxation of service sector enterprises has its own characteristics. General features of taxation of service sector enterprises in world practice and a brief comparative analysis of the practice of taxation of these enterprises using the example of some countries of the world. There are still a lot of problems in the international practice of taxation of service sector enterprises. This article discusses these issues in detail.*

Key words: *tax, taxation, service sector, service, state, financial support, tax credit, preference, tax debt, overpayment, tax policy, per capita service, consumer price index, tax revenues.*

Дунё бўйлаб хизмат кўрсатувчи корхоналарни солиққа тортиш биринчидан ҳар бир давлатнинг миллий солиқ тизими хусусиятларидан келиб чиқиб, иккинчидан, иккиёқама солиққа тортишнинг тамойиллари ва

қоидаларига мос ҳолда, учинчидан, хизмат кўрсатиш корхоналарининг жойлашуви ва уларнинг фаолият турларидан келиб чиқиб солиққа тортилади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортишда жаҳон амалиётида бир қатор солиқлар жорий қилинган. Жумладан, дунёнинг аксарият мамлакатлари товарлар ва хизматларнинг чакана савдосидан ундириладиган қўшилган қиймат солиғини қўллайди. ҚҚС ставкалари мамлакатдан мамлакатга фарқ қилади ва 0% (нол ставка) дан юқори фоизгача бўлиши мумкин. Кўпгина мамлакатлар товарлар ва хизматларнинг чакана савдосидан олинадиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ёки шунга ўхшаш солиқни қўллайди. Қўшилган қиймат солиғи ставкалари ўзгариши мумкин ва одатда 5% дан 27% гача. Баъзи мамлакатларда хизматларнинг айрим турлари учун пасайтирилган тарифлар ҳам мавжуд.



Аксарият давлатларда (масалан, АҚШ, Германия, Россия, Қозоғистон, Арманистон, Япония, Бразилия, Норвегия ва шу каби) хизмат кўрсатиш корхоналаридан ундириладиган солиқлар Ўзбекистондаги амалиётга ўхшаш ҳолда кўпинча маҳаллий солиқлар сифатида маҳаллий (муниципал) бюджетларга жалб қилинади. Айрим давлатларда масалан, АҚШ, Германия, Бразилия, Россия каби давлатларда хизмат кўрсатиш корхоналари учун минтақалар ёки муниципалитетлар томонидан ўрнатилган маҳаллий солиқлар жорий қилиниши мумкин. Булар мулк солиғи, ер солиғи ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин. Сўнгги йилларда дунёда хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортиш учун солиқ ставкалари мамлакат ва хизмат турига қараб сезиларли даражада фарқ қилиб бормоқда.

Кўпгина мамлакатларда хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортишда бир хил даромадга бир нечта мамлакатларда солиқ солинадиган ҳолатлардан қочиш учун икки томонлама солиқ тўлаш бўйича шартномалардан

фойдаланилади, айниқса, транспорт, ресторан бизнеси ва рақамли (интернет савдо) савдо корхоналарини солиққа тортишда айнан ана шу иккиёқлама солиққа тортиш жараёнларни бартараф этиш (мувофиқлаштириш) билан боғлиқ келишув шартномалар асосида солиқ ҳуқуқларини мамлакатлар ўртасида тақсимлаш қоидаларини белгилайди. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, солиқ тизимлари ва сиёсатлари вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин ва солиққа тортиш хизматларининг ўзига хос қоидалари мамлакатлар кесимида фарқланиб боради. Кўпгина мамлакатларда мамлакатлар ўртасидаги хизматларга солиқ солишни тартибга солувчи икки томонлама ёки кўп томонлама солиқ шартномалари мавжуд. Ушбу шартномалар икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ва низоларни ҳал қилиш қоидаларини ўз ичига олиши мумкин.

Баъзи мамлакатлар муайян хизматлардан фойдаланиш ёки сотиш учун махсус солиқларни ўрнатадилар. Бу кўнгилочар, коммунал хизматлар, туризм ва бошқа турдаги хизматларга солиқлар бўлиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда ишчилар, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳаси ишчилари даромадларидан олинadиган солиқлар иш ҳақидан ушлаб қолинади. Баъзи ҳолларда маълум секторларда кўрсатиладиган хизматлар (масалан, меҳмондўстлик) кўчмас мулк ёки ер солиғига тортилса, айрим олинган мамлакатларда хизматларнинг айрим турлари учун махсус солиқлар ёки йиғимлар қўлланилиши мумкин. Мисол учун, баъзи мамлакатлар сайёҳлик солиғи ёки қимор ўйинларига солиқ солади. Баъзи штатлар ва муниципалитетларда меҳмондўстлик ёки чакана савдо каби муайян хизматлар ёки секторлар билан боғлиқ махсус солиқ ва тўловлар амал қилади.

Жаҳон амалиётида хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортишнинг умумий ўзига хос хусусиятлари мавжуд, яъни,

биринчидан, хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортишнинг халқаро амалиёт хусусиятларида қуйидаги уч йўналишни: ҳар бир давлатнинг миллий солиқ тизими хусусиятларидан келиб чиқиб солиққа тортилиши, иккиёқлама солиққа тортишнинг тамойиллари ва қоидаларига мос ҳолда солиққа тортилиши ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарининг жойлашуви ва уларнинг фаолият турларидан келиб чиқиб солиққа тортилишини кўриш мумкин;

иккинчидан, дунёнинг аксарият мамлакатлари (АҚШдан ташқари) товарлар ва хизматларнинг чакана савдосидан ундириладиган қўшилган қиймат солиғини қўллайди. ҚҚС ставкалари мамлакатдан мамлакатга фарқ қилади ва 0% (нол ставка) дан юқори фоизгача бўлиши мумкин. Кўпгина мамлакатлар товарлар ва хизматларнинг чакана савдосидан олинadиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ёки шунга ўхшаш солиқни қўллайди;

учинчидан, аксарият давлатларда (масалан, АҚШ, Германия, Россия, Қозоғистон, Арманистон, Япония, Бразилия, Норвегия ва шу каби) хизмат кўрсатиш корхоналаридан ундириладиган солиқлар Ўзбекистондаги амалиётга ўхшаш ҳолда кўпинча маҳаллий солиқлар сифатида маҳаллий (муниципиал) бюджетларга жалб қилинади. Айрим давлатларда масалан, АҚШ, Германия, Бразилия, Россия каби давлатларда хизмат кўрсатиш корхоналари учун минтақалар ёки муниципалитетлар томонидан ўрнатилган маҳаллий солиқлар жорий қилиниши мумкин. Булар мулк солиғи, ер солиғи ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин;

тўртинчидан, хизмат кўрсатиш корхоналари орқали аҳолини солиқ тизими орқали ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари ҳам қўлланилади. Масалан, Россияда айрим турдаги хизматларга ноллик ставка (чунки, ноллик ставкани қўллаш корхонани эмас, балки, истеъмолчини ҳимоя қилиш мақсадида қўлланилади)дан фойдаланилади. Шундан келиб чиққан ҳолда Россияда бўлгани сингари, аҳоли энг кўп фойдаланиладиган хизматлар турларидан келиб чиқиб, аҳолини молиявий қўллаш ҳамда бу турдаги хизмат турига талабни рағбатлантириш мақсадида айрим хизмат турлари, масалан, мехмонхона хизматлари, транспорт хизматлари, даволаниш хизматлари кабиларга ҳам ноллик ставкани қўллаш зарур деб ҳисоблаймиз.

доцент в.б., Шодиев Олимжон Абдурахмонович
ТМИ “Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ЭГРИ СОЛИҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мазкур тезисда эгри солиқларнинг иқтисодий моҳияти, ўзига хос-хусусиятлари ва аҳамияти тадқиқ этилган ва билвосита солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш юзасидан хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ тизими, солиққа тортиш, эгри солиқлар, тушум, солиқ юки, истеъмол солиқлари, билвосита солиққа тортиш, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи

Аннотация: В тезисе исследованы экономическая сущность, особенности и значение косвенных налогов и сформулированы выводы по совершенствованию системы косвенного налогообложения.

Ключевые слова: налоговая система, налогообложение, косвенные налоги, выручка, налоговое бремя, налоги на потребление, косвенное налогообложение, налог на добавленную стоимость, акцизный налог

Abstract: *The thesis examines the economic essence, features and significance of indirect taxes and formulates conclusions on improving the system of indirect taxation.*

Keywords: *tax system, taxation, indirect taxes, revenue, tax burden, consumption taxes, indirect taxation, value added tax, excise tax*

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия ва солиқ муносабатларини такомиллаштириш ўта муҳим ва мураккаб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Республикамиз солиқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар ушбу масалаларни ижобий ҳал этишда турли иқтисодий дастаклар орқали амалга ошириш имконини бермоқда. Солиқларнинг жамият молия тизимида тутган ўрнини ёритиш ҳамда иқтисодий мазмунини очиб беришда уларни ундириш таснифланишини билиш муҳимдир. Солиқлар ундириш нуқтаи назаридан тўғри ва эгри солиқларга бўлинади. Тадқиқот объектидан келиб чиқиб, эгри солиқлар хусусида тўхталамиз.

Эгри солиқлар тўғри солиқлардан ўзининг ниқобланганлиги билан фарқланади. Ушбу солиқлар сотилаётган товар баҳосига устама сифатида белгиланади ва бунинг натижасида ҳақиқий тўловчининг даромади ёки мулки билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Қонун товар ишлаб чиқарувчи ва сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхонага тушум ҳисобидан солиқни бюджетга тўлашдек юридик мажбуриятни юклайди. Ҳақиқатда эса, солиқ юки ушбу товарларни (хизматларни) эгри солиқ суммасига оширилган нархда сотиб олувчи ёки охирги истеъмолчи зиммасига юклатилади.

Айрим иқтисодчилар эгри солиқлар ҳақида фикр юритганларида унинг адолатсизлигини таъкидлашадилар, чунки одам қанчалик қашшоқ бўлса, ушбу солиқлар кўринишида давлатга ўзининг даромадидан шунчалик кўп ҳисса ажратади. Бизнинг фикримизча, эгри солиқларга фақат солиқ тўловчилар нуқтаи назаридан ёндошиш унчалик ҳам тўғри эмас. Аҳолини давлат бюджети ҳисобидан ижтимоий ҳимоя қилиш анъанасининг йилдан йилга ўсиб бориши, уни барқарор даромад манбаи билан таъминлаш муаммосини қўяди. Эгри солиқлар, кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар бюджетида, ана шундай барқарор молиявий манба ҳисобланмоқда.

Хўш, ушбу солиққа тортиш шаклининг афзаллик томони нима билан изоҳланади? *Биринчидан*, эгри солиқлар, бу йирик солиқ тушумларини ҳам амалий, ҳам барқарор равишда олиш имкониятларини берувчи, бюджетга даромадни жалб қилишнинг энг қулай бўлган шакли бўлса, *иккинчидан*, уларда иқтисодиётга таъсир эта олиш, яъни у ёки бу йўналишда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ёки истеъмолни тартибга солиш имкониятлари ҳам мужассамлашгандир. Ушбу механизмдан амалда фойдаланишда миллий

иқтисодиёт хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда тадбиқ қилиш оқибатларини комплекс таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли, ривожланган давлатларда билвосита солиққа тортишнинг салбий томонлари мавжудлигига қарамасдан, улар иқтисодиёт юксалишига тўқинлик қила олмаслиги тасодиф эмас. Қайд этиш лозимки, тўғри ва эгри (ёки истеъмол солиқлари) солиқларнинг иқтисодий жараёнларга таъсир этиш доираси турличадир. Бинобарин, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, оборотдан солиқ, яъни истеъмол солиқлари, солиқ тизимининг “ривожланувчан”лигини пасайтириб, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларига солиқ юқини оғирлаштиради.

Айни вақтда бундай солиқлар даромад солиқларига нисбатан “адолатлироқ” бўлиб кўринади. Ваҳоланки, даромад солиқлари муайян шарт-шароитларда жамғармаларни секинлаштиради ва меҳнатга рағбатни сусайтиради, чунки улар ишловчилар даромадини камайтиради. Истеъмол солиқларидан пухта ўйланган ҳолда фойдаланиш мамлакат тўлов баланси ҳолатини яхшилайти, бутун молиявий тизим элементларининг эгилувчанлигини оширади.

Бизнинг фикримизча, тўғри ёки эгри солиқларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирини ўрганишда маълум иқтисодий воқелиқдан келиб чиқиб ёндошиш тўғрироқ бўлар эди. Солиқ юқини белгилашда у ёки бу солиқларнинг улушини қандай нисбатларда бўлиши, ишлаб чиқаришнинг характери, мамлакатдаги ресурслар нисбати, аҳолининг реал даромадлари даражаси, шунингдек, иқтисодий субъектлар билан бюджет ўртасидаги муносабатлар таъсир этади. Айтайлик, мамлакатда солиқ тизими яхши ривожланмаган ва ишлаб чиқарувчилар олдида махсулотни сотиш муоммоси долзарб бўлмаган пайтда эгри солиқлар нисбатини ошириш бюджет даромадларини самарали тўплаш имкониятини беради. Ёки барқарор иқтисодий ривожланишга эга иқтисодиётда ушбу ҳолат ишлаб чиқарувчилар махсулотининг омборларда сотилмасдан қолишига ва натижада бюджетга маблағларни ўз вақтида келиб тушмаслигига олиб келиши мумкин эди.

Иқтисодий таназзул даврида иқтисодий субъектлар реал даромадларининг пасайиши тўғри солиқлар орқали молиявий ресурсларни жамлаш имкониятларини пасайтирса, барқарор ҳолатдаги иқтисодиётда эса тўғри солиқлар молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини юзага чиқаради.

Янгибоев Ҳ.А.

Фискал институт мустақил тадқиқотчиси

БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада бевосита солиқлар ҳамда маъмуриятчилигини такомиллаштириш зарурлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, назари-ҳуқуқий масалаларини бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг фикрлари ўрганилган. Шунингдек мавзуга доир олиб борган тадқиқотлари натижаси бўйича солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга оид хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ сиёсати, солиқ назарияси, бевосита солиқлар, ҳуқуқ, ҳуқуқий асослар.

Аннотация: В данной статье рассматриваются мнения отечественных и зарубежных ученых о необходимости совершенствования прямых налогов и администрирования, их социально-экономическом значении, теоретических и правовых вопросах. Также по результатам исследования, проведенного по теме, разработаны выводы и предложения по совершенствованию налогового администрирования.

Ключевые слова: налог, налоговое администрирование, налоговая политика, теория налогообложения, прямые налоги, право, правовые основы.

Annotation: This article examines the opinions of local and foreign scholars on the need to improve direct taxes and administration, its socio-economic significance, theoretical and legal issues. Also, based on the results of the research conducted on the topic, conclusions and suggestions for improving the tax administration were developed.

Keywords: tax, tax administration, tax policy, tax theory, direct taxes, law, legal foundations..

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорликларни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш – амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш борасида қулай шарт-шароитлар яратилиб келинмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини эркин фаолиятини таъминлаш, улар фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим устувор вазифалари сифатида эътироф этилади.

Бевосита солиқларнинг маъмуриятчилиги назарий ва амалий тадқиқ қилиш, энг аввало уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тартибга солиш орқали

бевосита солиқлар маъмуриятчилиги институтининг мазмун-моҳияти ва унинг замонавий концепцияларини таҳлил қилиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Бевосита солиқларни маъмуриятчилигининг бош мақсади фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда айланмадан олинадиган солиқлар бўйича, солиқ муносабатлари иштирокчиларининг фаолиятини Солиқ кодекси меъёрлари асосида тартибга солиш орқали далватнинг солиқ сиёсатини аниқ ва бир меъёрда амалга оширишга қаратилган.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан доимий тартибда тўлашга ўрганиб қолган солиқларнинг ҳам кўп йиллик ривожланиш тарихи мавжуд бўлиб дунёда илк маданият (цивилизация) даврлариданоқ солиқ муносабатлари шакллана бошлаган. Биринчи солиқ йиғими жорий этилиши тарихи милоддан аввалги учинчи минг йилликда қадимги Миср давлатида пайдо бўлган. Муқаддас ҳисобланган диний китоблар ва рисоалар мажмуаси “Библия”нинг 47-бўлимида, Миср фиръавнлари аҳолини етиштирган ҳосилнинг бешдан бир қисмини солиқ сифатида тўлашга мажбур қилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Қадимий юнон давлатда ҳам кейинчалик солиқ амалиёти ташкил топган бўлиб, яъни 1799 йилда тарихий Александрия шаҳрининг шарқий ҳудудидан топилган «Розетта ёдгорлиги» бунинг исботи бўла олади. Унда милоддан аввалги 196 йилларда Птоломейлар сулоласида солиқ муносабатлари амалда бўлгани тасвирланган.

Европада мерос, эгалик ва харид учун янги солиқ турлари ўрта асрларда амалга киритила бошланди. Бу солиқлардан олинадиган тушум, асосан, уруш даврларида мудофаа учун зарур сарфланган.

Хитой халқ Республикасида эса Тан сулоласи (618-907) ва Сонг сулоласи даврида (1127-1279) илк солиқ тартибларини жорий этган бўлиб унда аҳоли рўйхатга олиган ва шу асосида уларга солиқ тўлаш мажбуриятларини юклаган.

Солиқлар ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда қабилаларнинг дастлабки сиёсий бирлашувлари туфайли пайдо бўлган. Солиқнинг дастлабки тури пул ва натура тарзида жон бошига ва ер майдонига солинадиган солиқ сифатида пайдо бўлиб, фуқаролардан олинган. Бу давлат молиясининг дастлабки манбалари бўлиб, ҳисобланган. 651 йилдан бошлаб, Марказий Осиё ҳудудида араблар ҳукмронлиги ўрнатилади. Бу даврда солиққа тортиш тизими мураккаблашган ва турли хилдаги солиқлар пайдо бўлган.

Амир Темур давригагача бўлган даврда солиқ йиғувчиларнинг иш ҳақи солиқ тўловчилар ҳисобидан бўлган. Шунинг учун солиқ йиғувувчилар қонунда кўзда тутилмаган солиқларни ҳам ундиришган. Амир Темурнинг солиқ маъмуриятчилиги солиқ ундирувчиларга халқнинг устига юк бўлмаслиги учун уларга маош тайинлаган.

Амир Темур даврида асосан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган хирож ва ушр солиқлари амал қилган бўлса, савдогарлар ва ҳунармандлар тамға ёки закот тўлашган, чегарадан ўтган маҳсулотлардан бож ундирилган. Бу солиқлар давлат хазинасининг асосий манбайи бўлиб ҳисобланган.

Европа олимлари Амир Темурдан 4 аср кейин ушбу масалалар бўйича ўз қарашларини билдирган. Хусусан, инсоннинг фаоллашувчи принципи ва бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиши қонунлари тарафдори бўлган Европалик олим А. Смитнинг фикрича, солиқ маъмуриятчилигида “тинчлик, меъёрдаги солиқлар ва бошқарувдаги сабр-тоқат асосий омиллар бўлиб, қолган ҳамма нарсаларни табиий жараённинг ўзи бажаради”, деган ғояни илгани сўради.

Ж.Кейнс ўз тадқиқотлари натижаси бўйича А.Смитга қарши фикрни билдиради ва “бозор иқтисодиёти давлат ёрдамсиз иқтисодий таназзулни (ишлаб чиқариш таназзули, ишсизлик ва шу кабилар) бартараф этишга қодир эмас”, деган ғояни илгари сўрган. Солиқ сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида ривожланаётган барча мамлакатларда иқтисодий муносабатларни тартибга солишда солиқлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Француз иқтисодчиси Ж.Боден фуқаролар норозилиги олдини олиш мақсадида ўз асарларида давлат даромадларини давлат мулкани ишлатиш ва бож йиғимлари ҳисобидан шакллантириш, аҳолидан солиқ йиғиш заруриятга қараб жорий этилиши зарур, деган фикрни илгари сурган.

Ж.Бодендан фарқли равишда инглиз файласуф-иқтисодчиси Т.Гоббс давлат ўз даромадларини шакллантириш учун фуқароларга солиқ солиш ҳуқуқига эга, лекин солиқларни белгилашда меъёр ва барча қатламга тўғри тақсимлашга эътибор қаратиш зарур, деган ғояни тақлиф қилган.

С.Г. Верещагин А.Темурнинг солиққа тортиш, солиқларни ундириш бўйича қарашларини ўрганмасдан солиқларнинг сиёсий моҳияти тўғрисидаги XVIII асрдаги ғоялар етакчиси шотландия иқтисодчиси Адам Смит солиқларни белгилашда ягоналик, ишонччилик, тўловнинг қулайлиги ва арзонлиги тамойилларига амал қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикрни биринчи бўлиб билдиради, деб хулоса қилади.

Бизнинг фикримизча, бевосита солиқларни маъмуриятчилиги солиқ тизими ва давлат иқтисодиёти самарали фаолият юритишининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Бевосита солиқларни маъмуриятчилигидаги камчилик ва нуқсонлар солиқ ҳуқуқбузорликларнинг кўпайишига ҳамда давлат бюджетига фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ҳамда айланмадан олинadиган солиқлар тушумининг камайишига олиб келади.

Т.А.Слесарова ўз тадқиқотларида: “солиқ маъмуриятчилиги – бу бюджет тизимининг турли даражадаги мажбуриятларини бажариши жараёнида солиқларни йиғиш ва уларнинг ундиришини назорат қилиш вазифаларини бажарувчи солиқ органлари фойяти доирасида юзага келадиган солиқ ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ўзаро характланиш жараёнини бошқаришдир”. деган фикирни илгари сўради.

Умуман олганда, солиқ маъмуриятчилигини солиқ соҳасида ўзига хос бошқариш механизми сифатида кўришимиз мумкин. Солиқ маъмуриятчилигининг муҳим элементларидан бири бу солиқ назорати ҳисобланди. Ўз навбатида солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишни шунингдек солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидир.

Солиқ маъмуриятчилиги бўйича мамалакатимида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси, шунингдек, солиқ сиёсатини, шу жумладан, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари билан адолатли, шаффоф ва узоққа мўлжалланган халқаро андозаларга жавоб бера оладиган ҳамда солиқ тўловчилар учун қулай бўлган солиқ тизими янги босқичга олиб чиқилди. Хусусан, бизнесга солиқ юкини имкон қадар камайтириш мақсадида солиқ турлари 16 тадан 9 тагача камайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони қабул қилинди.

2019 йил 1 январдан бошлаб мажбурий ажратмаларни (3,2%) бекор қилинди. Бевоста солиқларнинг маъмуриятчилиги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси тижорат банклари учун — 22 фоиздан 20 фоизга, дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фоизга, пасайтирилди. Мол-мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 2 фоизга, ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиздан 4 фоизга ва ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинадиган 8 фоизли суғурта бадали бекор қилинди ҳамда солиқ ставкаси 22,5 фоизгача бўлган 4 поғонали даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз этиб белгиланди. Концепцияга асосан бюджетдан ташқари жамғармаларга мазкур йиғимларни бекор қилиш ҳисобига 7 мингга яқин корхоналарда ҳар йили ўртача 6 трлн сўм солиқ тўлашдан озод этилди.

Хулоса қилиб айтганда, бевосита солиқлари маъмуриятчилигининг такомиллаштириш, солиқ тўловчилар билимини ошириш ва маълумот

таҳлилларидан фойдаланган ҳолда солиқ органлари самарадорликни ошириш учун муҳим имкониятларни очиши мумкин.

Солиқ тўловчилар билан солиқ муносабатларини амалга оширишда солиқ хизмати органлари тизимида айрим муаммолар ҳам бор. Жумладан:

- солиқ органларининг солиқ тўловчилар томонидан даромадлар ҳажмини яшириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемаларидан фойдаланишнинг кенг тарқалган амалиётига қарши курашиш бўйича ишлари изчил олиб борилмаётгани солиқ интизомининг пасайишига, яширин иқтисодиёт кўламининг сақланиб қолишига ва инсофли тадбиркорлар учун бизнес юритиш шартларининг ёмонлашишига олиб келмоқда;

- солиқ идораларида қарорлар қабул қилишда “инсон омили” таъсирининг мавжудлиги, улар томонидан катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш механизмларининг йўқлиги автоматлаштирилган тизимда қарорлар қабул қилиш, солиқ тушумини таъминлаш имконияти ва ҳақиқий даражаси ўртасида тафовутларни сақлаб қолинишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммоларнинг ечими сифатида қуйидагилар таклиф қилинади.

1. Солиқ маъмурчилигини сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда солиқ солинадиган базани қамраб олишни кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

2. Бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитларни яратиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар жорий этиш.

3. Солиқ органлари фаолиятини ва солиқ маъмурчилиги механизмларини рақамли трансформация қилиш, солиқ органлари фаолиятига янги дастурий маҳсулотларни жорий этиш.

*и.ф.д, проф. Исроилов Боҳодир Ибрагимович
ТДИУ “Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси
Тўраев Алижон Акмал ўғли
ТДИУ мустақил изланувчиси*

ФИСКАЛ СИЁСАТНИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ РОЛИ

Аннотация: Иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат фискал сиёсати оптималлиги муҳим аҳамиятга эга. Мақолада муаллифлар фискал сиёсат ва унинг солиқ тўловчилар фаолиятини тартибга солишдаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат, солиқ тўловчилар, фискал сиёсат, иқтисодий ўсиш, бюджет даромадлари.

Аннотация: Оптимальная государственная фискальная политика важна для обеспечения экономического роста. В статье авторы проанализировали

фискальную политику и ее значение в регулировании деятельности налогоплательщиков.

Ключевые слова: государство, налогоплательщики, фискальная политика, экономический рост, доходы бюджета.

Abstract: *Optimum state fiscal policy is important in ensuring economic growth. In the article, the authors analyzed the fiscal policy and its importance in regulating the activities of taxpayers.*

Key words: *state, taxpayers, fiscal policy, economic growth, budget revenues.*

Солиқ тўловчи ва давлат ўртасидаги пул муносабатларини чуқур ўрганиш, уларни тўғри ташкил қилишни таъминлаш солиқ тизимининг моҳияти ҳисобланади. Солиқ муносабати иштирокчиларининг иқтисодий манфаатларини инобатга олиш ва улар манфаатлари муштараклигини таъминлаш ушбу муносабатларни тўғри ташкил этиш ҳисобланади. Тарафлар манфаатлари муштараклигини таъминлаш учун эса классик ва умумэтироф этилган солиққа тортиш тамойилларига амал қилиш зарур бўлади.

Давлат фискал сиёсати ва уни таъминлашда солиқ муносабатларини роли хусусида С.Я. Боженок, Е.П. Антипова, А.Ю. Смагина, И.И. Кучеров, Ж. Зайналов, Т. Маликов, Н. Хайдаров, Ш. Тошматов, Э. Гадоев, Б. Тошмуродова, Ж. Ўрмонов каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Иқтисодий жараёнларни глобаллашуви мазкур мавзудаги тадқиқотлар узлуксиз бўлиши зарурлигини талаб қилади.

Мавзуга оид тадқиқотларимизда ўрганилган масалалар аҳамияти ва изланишлар натижаларини асослашда анализ, мантиқий фикрлаш, синтез, таққослаш ва гуруҳлаш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Кишилик жамияти ва давлатчилиқни ривожланиши солиқ муносабатларини ривожлантиришни талаб этади. Натижада давлат иқтисодий сиёсатнинг муҳим қисми бўлган фискал сиёсатни шакллантириши ва уни мунтазам такомиллаштириб бориш заруриятига дуч келди. Ушбу зарурият олимлар ва амалиётчиларни фискал сиёсатни тадқиқ этиш ҳамда уни такомиллаштиришга оид тадқиқотларга йўналтирди. Фискал сиёсат қадимий хусусиятга эга бўлсада, ҳамон мазкур масалага турлича ёндошувлар мавжуд.

Расмий манбаларда эса фискал сиёсатга қисқа мазмунда “ фискал сиёсат – бу давлатнинг солиқ солиш ва бюджет харажатлари соҳасидаги иқтисодиётни тартибга солиш мақсадида олиб борадиган сиёсатидир” мазмундаги таъриф берилган.

Юридик энциклопедияда эса фискал сиёсатга “-ҳукуматнинг солиққа тортиш, давлат харажатлари, давлат бюджети, аҳолини бандлигини таъминлаш ва мамлакатнинг иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган фаолиятидир”, деб таъриф берилган.

С.Аллаяровнинг фикрича:”Фискал сиёсат – давлатнинг бюджетга солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловлар турлари ва ставкаларини ўзгартириш орқали давлат даромадлари манбалари таркиби орқали ҳамда давлат бошқарувининг барча даражаларида давлат харажатлари, тўловлар, дотациялар, трансфертлар, субсидиялар, мақсадли дастурларни молиялаштириш кўринишида давлатнинг мажбурий харажатлари ҳажми ва таркибини аниқлаш орқали иқтисодиёт самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлари комплекси”. С.Аллаяров томонидан фискал сиёсат элементларини ҳаддан зиёд ўз таърифида қайд этади. Ушбу таърифдаги айрим сўзлар мазмунан бири-бирини такрорлайди. Фикримизча, ҳар қандай атаманинг таърифи қисқа ва унинг мазмунини ўзида тўлиқ акс эттириши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтирилган таърифлар турли туман бўлсада, лекин фискал сиёсатнинг мазмунини ўзида тўлиқ ифода этмайди. Айрим атамалар мазмун жиҳатдан яқин бўлсада, таърифларда мазмунан бир-бирини такрорловчи иборалар қўлланилган. Фуқаролар учун бюджетда берилган таърифда “фискал сиёсат” иқтисодиётни тартибга солиш сиёсат, деб алоҳида баҳолайди. Ҳолбуки, фискал сиёса давлат иқтисодий сиёсатининг таркиби ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз натижасида ушбу атамага ”Фискал сиёсат – давлат концилидациялашган бюджети даромадларини шакллантириш манбалари ва харажатлар йўналишларини белгилаш ҳамда иқтисодиётни барқарор ўсишни рағбатлантиришга оид давлат иқтисодий сиёсати таркибий қисмидир”, мазмунида таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Солиқ сиёсат қадимдан давлат арбоблари ва классик олимлар диққатини ўзига жалб этиб келган. Давлат ишлари юритишнинг асосий қонун ҳужжати ҳамда фарзандлари ва авлодларига қолдирган сиёсий васиятномаси бўлган “Темур тузуклари” асарида соҳибқирон Амир Темур «Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушиб қолишидан сақлансинлар. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашувига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради». Соҳибқироннинг ушбу қондаси ўзида давлат фискал сиёсат моҳиятини белгилаб берувчи қуйидаги назарий асослар ишлаб чиқилган. Пасайтириш ёки ошириш билан боғлайдилар.

Ушбу қарашларда фискал механизмлар ёрдамида иқтисодиётни тартибга солишнинг маълум бир қисмини ўзида ифодалаган, деб ўйлаймиз. Лекин фискал сиёсатдан фойдаланишда уни солиқ тўловчилари кесимида самарали

қўллаш ҳамда солиқ тўловчилар ва бюджет даромадларига солиқ ундиришда тарафлар манфаатдорлиги уйғунлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

Фикримизча, ҳар қандай ҳолатда солиқ тўловчилар молиявий фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш механизми, солиқ тўловчиларининг молиявий имкониятларидан тўғри ва оқилона фойдаланиб, солиқ тўловчилар фаолиятини оптималлаштириш билан боғлиқ:

- солиқ ставкалари солиқ тўловчиларни ихтиёрий ва оптимал солиқ тўловларини ўз вақтида, тўлиқ бюджетга тўлашини рағбатлантирадиган нормада белгилаш;

- солиқ солиш тизими солиқ тўловчиларни молиявий потенциали, инвестиция имкониятини ошириш ва фирмани яшовчанлик даражасини узайтиришга рағбатлантириш тизимига асосланиши зарур.

Шу боис ҳам, солиққа тортиш механизмини амалийлигини таъминлаш ҳар бир солиқ тўловчи субъектлар фаолиятига баҳо бериш бир қатор мезонларга асосан олиб борилиши зарур бўлади. Айниқса, солиқ тўловчиларни молиявий фаолиятини баҳолаш мезони уларнинг инновацион технологиялар асосида фаолиятдан оладиган молиявий натижалари, ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) фойдалилик даражаси бўлиши мумкин.

магистр Музафарова Сусанна Диляверовна

Ташкентский государственный экономический университет

ПЕРСПЕКТИВЫ ЭФФЕКТИВНОГО РАЗВИТИЯ ФИСКАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ ЧЕРЕЗ НАЛОГОВОЕ АДМИНИСТРИРОВАНИЕ

Перспективы эффективного развития фискальной политики через налоговое администрирование обозначают важность налоговой системы в обеспечении устойчивых и уравновешенных финансов государства. Ниже представлены ключевые аспекты и перспективы, влияющие на эффективное развитие фискальной политики через налоговое администрирование:

1. Инновации в налоговом администрировании:

- Использование новых технологий, цифровизация и автоматизация процессов сбора, анализа и отчетности, что повышает эффективность налоговой системы.

2. Развитие современных методов налогообложения:

- Налоговое законодательство должно быть адаптировано к современным условиям, включая новые виды деятельности и цифровую экономику. Это позволит устранить проблемы двойного налогообложения и сбора налогов в цифровой среде.

3. Улучшение управления налоговыми рисками:

- Разработка и внедрение механизмов для выявления налоговых рисков и устранение налоговых уклонений, что поможет увеличить налоговые поступления.

4. Фокус налоговой политики на развитии:

- Проектирование налоговой политики с учетом стимулирования экономического роста, инвестиций и инноваций для поддержки развития страны.

5. Содействие устойчивому и сбалансированному финансированию государства:

- Налоговая система должна обеспечивать устойчивые и сбалансированные доходы для финансирования различных секторов и программ государства.

6. Развитие международного сотрудничества:

- Сотрудничество между странами для устранения проблем двойного налогообложения, развития международных стандартов и обмена информацией для борьбы с налоговыми уклонениями.

7. Увеличение прозрачности и доверия:

- Прозрачность налоговой системы и доверие налогоплательщиков к налоговым органам играют важную роль в сборе налоговых поступлений.

Развитие фискальной политики через налоговое администрирование требует системных изменений, инноваций, сотрудничества и адаптации к новым условиям, чтобы обеспечить эффективное управление налоговыми процессами и достижение финансовой устойчивости государства. Инновации в налоговом администрировании играют ключевую роль в оптимизации сбора налогов и улучшении эффективности налоговых систем. Вот некоторые аспекты, связанные с инновациями в этой области:

1. Цифровизация и автоматизация процессов:

- Использование современных информационных технологий для упрощения и автоматизации налоговых процессов, включая онлайн-подачу деклараций, электронные платежи и обработку данных.

2. Большие данные и аналитика:

- Применение методов аналитики данных для улучшения прогнозирования налоговых поступлений, выявления налоговых рисков и уклонений, а также улучшения стратегического планирования.

3. Использование технологий блокчейн:
 - Использование технологии блокчейн для обеспечения прозрачности и неподдельности налоговых данных и сделок.
4. Искусственный интеллект (ИИ) и машинное обучение:
 - Применение методов искусственного интеллекта и машинного обучения для автоматического анализа данных, определения паттернов и оптимизации налоговых процессов.
5. Улучшение клиентского опыта:
 - Создание онлайн-платформ и инструментов для налогоплательщиков, что улучшает доступность и удобство взаимодействия с налоговыми органами.
6. Безопасность данных:
 - Использование современных методов шифрования и защиты данных для обеспечения безопасности конфиденциальной информации.
7. Прозрачность и открытость данных:
 - Фокус налоговой политики на развитии направлен на создание благоприятной среды для бизнеса и экономического роста, что в конечном итоге способствует повышению доходов и социальному развитию общества.

Содействие устойчивому и сбалансированному финансированию государства является важным аспектом для обеспечения устойчивого развития экономики и общества в целом. Ниже представлены ключевые направления, касающиеся этой темы:

1. Разнообразие источников доходов:
 - Развитие многосторонних источников доходов государства помимо налогов, таких как доходы от инвестиций, сборы за лицензии, продажа государственного имущества и другие.
2. Эффективное управление долгом:
 - Управление государственным долгом, чтобы обеспечить его устойчивость и не наносить ущерб финансовой устойчивости страны.
3. Развитие финансового рынка:
 - Укрепление и развитие финансового рынка для привлечения инвестиций, создания финансовых инструментов и обеспечения финансовой устойчивости.
4. Прозрачность и ответственность в финансовых операциях:
 - Обеспечение прозрачности и ответственности в финансовых операциях государства для предотвращения коррупции и злоупотреблений.
5. Эффективное расходование средств:
 - Рациональное и целевое использование бюджетных средств на приоритетные секторы, инфраструктуру, образование, здравоохранение и другие области, способствующие устойчивому развитию.

6. Реформа налоговой политики:

- Оптимизация налоговой системы и налоговой политики для максимизации доходов государства, минимизации налоговых уклонений и обеспечения справедливости в системе налогообложения.

7. Финансовая инклюзия:

- Содействие доступу к финансовым услугам для всех слоев населения, включая малые и средние предприятия, для поддержки развития и роста экономики.

Содействие устойчивому и сбалансированному финансированию государства включает в себя широкий спектр действий по управлению доходами, расходами и долгом государства для обеспечения устойчивого и сбалансированного финансирования государственных программ и развития экономики.

Развитие международного сотрудничества в налоговой сфере имеет стратегическое значение для современной экономики и финансов. Оно способствует повышению прозрачности, предотвращению налоговых уклонений и обеспечению сбалансированного подхода к налогообложению. Вот некоторые аспекты этой темы:

1. Обмен информацией:

- ✓ Международное сотрудничество в обмене информацией между налоговыми органами для борьбы с налоговыми уклонениями и улучшения прозрачности.

2. Борьба с уклонением от уплаты налогов:

- ✓ Совместные меры по предотвращению уклонения от уплаты налогов через международные соглашения и стандарты.

3. Международные налоговые соглашения:

- ✓ Разработка и соблюдение международных налоговых соглашений для предотвращения двойного налогообложения и улучшения условий для международной торговли и инвестиций.

4. Совместные налоговые проекты:

- ✓ Реализация совместных налоговых проектов между странами для обмена опытом, обучения и разработки совместных стратегий по улучшению налоговой системы.

5. Установление стандартов и практик:

- ✓ Содействие разработке и принятию международных стандартов и лучших практик в налоговой сфере для обеспечения согласованного подхода в различных странах.

6. Поддержание диалога между странами:

✓ Постоянное ведение диалога между странами для решения возникающих проблем, обмена мнениями и установления общих подходов к налоговой политике.

Международное сотрудничество в области налогов обеспечивает эффективное функционирование налоговых систем и обмена информацией между странами, способствует справедливому налогообложению, борьбе с уклонениями от уплаты налогов и созданию благоприятной среды для бизнеса и инвестиций.

Концепция увеличения прозрачности и доверия в налоговой сфере включает в себя создание открытых и понятных налоговых систем, которые способствуют повышению доверия налогоплательщиков и содействуют эффективному сбору налогов. Вот некоторые факторы, способствующие увеличению прозрачности и доверия в налоговой сфере:

1. Прозрачные налоговые правила и законы: Четкие, понятные и доступные налоговые законы уменьшают возможность ошибок и недоразумений, способствуют соблюдению законодательства и увеличению доверия налогоплательщиков.

2. Открытость налоговых данных и отчетности: Публичный доступ к информации о налоговых обязательствах и выплатах повышает уровень прозрачности и доверия к системе налогообложения.

3. Эффективная система контроля и мониторинга: Надлежащий контроль и мониторинг со стороны налоговых органов помогают предотвращать уклонения от уплаты налогов и обеспечивают соблюдение налогового законодательства.

Увеличение прозрачности и доверия в налоговой сфере содействует лучшему выполнению налоговых обязательств, снижению риска налоговых уклонений и созданию стабильной и справедливой налоговой системы.

и.ф.н., профессор Хужамкулов Дилмурод Юсупалиевич,

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ *р*
ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ *и*

Солиқ маъмуриятчилиги – бу давлатнинг молиявий натижаларини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатадиган, молиявий сиёсатнинг самарали ва тизимли олиб борилишини таъминлайдиган воситадир. *т*

Бюджетнинг даромад қисмини режалаштириш, солиқ тушумлари ҳажмини тўғри башорат қилиш, солиқларнинг тўғри йиғилишини назорат қилиш имконини берувчи солиқ маъмурчилиги турли даражадаги бюджетлар *у*

тақчиллигини олдиндан башорат қила олади. Буларнинг барчаси давлатнинг молиявий сиёсати тўғри ва самарали йўлга қўйилганидан далолат беради.

Бутун давлат учун жуда катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли солиқ маъмуриятчилиги доимий равишда такомиллаштирилишини талаб қилади. Зеро, солиққа тортиш тизими қанчалик содда бўлса, солиқ тушумлари шунчалик самарали бўлади ва солиқ соҳасида юзага келадиган ҳуқуқбузарликлар шунчалик кам бўлади. Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш зарурати солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, солиқ тизими талабларига риоя этиш, солиқларни назорат қилиш ва ундиришда қулайлик яратишни назарда тутди.

Солиқ маъмуриятчилиги давлат бошқарувининг элементи сифатида иқтисодий муваффақиятли ривожлантириш воситасидир. Халқаро иқтисодий ҳамжамият, ўз навбатида, солиқ маъмуриятчилигини ташкил этишга таъсир қилади, бу эса жаҳон иқтисодийнинг глобаллашуви шароитида миллий чегаралар ичида бўлиши мумкин эмас. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмуриятчилиги амалиётида катта тажриба тўпланган ва унинг элементлари ва моделларини ўрганиш, шунингдек, ижобий тажрибани маҳаллий солиқ органлари тизимига мослаштириш жуда фойдали бўлиши мумкин.

Солиқ маъмуриятчилиги давлат бошқарувининг ажралмас элементи ва муваффақиятли иқтисодий ривожланишнинг муҳим атрибутидир. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмуриятчилиги соҳасида катта тажриба тўпланган, уларни ўрганиш ва қарз олиш жуда фойдали бўлиши мумкин ва ундан фойдаланишда давлатдаги иқтисодий ва сиёсий вазият, фуқароларнинг менталитети ва солиқ қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарур. Хорижий амалиётда солиқ маъмуриятчилигини ташкил этишнинг турли хил вариантлари ва шакллари мавжуд. Кўпгина ривожланган давлатлар орасида энг илғор тизимлардан бири сифатида АҚШда солиқ маъмуриятчилиги тажрибаси эътиборга лойиқдир. Буни ушбу мамлакатда қонунларга риоя қилиш даражаси дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бири эканлиги ҳам тасдиқланиши мумкин: солиқларнинг 83 фоизи ихтиёрий равишда тўланади. Бундай натижага кейинги 15 йил давомида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали эришилди.

АҚШда солиқ маъмуриятчилиги амалиёти, масалан, солиқ органининг айрим функцияларини хусусий қўлларга ўтказиш, хусусан, банк орқали солиқ йиғиш ва мустақил аудиторларнинг назорат ишларидан фойдаланиш қизиқиш уйғотади. Ўз навбатида, тижорат корхоналари солиқ органларидан танлов асосида иш олишлари мумкин.

Қўшма Штатларда солиқ маъмуриятчилигини амалга оширишга қаратилган тадбирлар жуда самарали. Айни пайтда оммавий ахборот

воситалари солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг ҳеч қандай шаклига йўл кўймасликни фаол тарғиб қилмоқда. Солиқ маъмуриятчилигининг турли шаклларини амалга ошириш ва солиқлар тўланиши устидан назоратни амалга оширишда солиқ тўловчиларнинг фуқаролик бурчини шакллантириш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш лозимки, уларда солиқ тўламаслик тушунилиши учун шарт-шароитлар яратилиши керак. мамлакатнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатади.

Солиқ қонунчилигининг бузилишида шубҳалари ёки ишончли далиллари бўлган ҳар қандай солиқ тўловчи билан боғланиши мумкин бўлган ишонч телефони билан ишлаш тажрибаси жуда ижобийдир. Шу билан бирга, маълумот берувчилар аниқланган қарзлар миқдоридан 10% гача, лекин 100 минг доллардан кўп бўлмаган бонуслар оладилар.

“Ягона декларация – ягона ҳисоб – ягона тўлов – ягона манзил (тўлов)” – бу ҳомийлик остида Швеция солиқ маъмуриятчилиги амалга оширилади. Ҳар бир солиқ тўловчи учун солиқ органида шахсий ҳисобварақ очилади, жорий ҳисобварақ сифатида фойдаланилади ва солиқлар ягона тўлов топшириқномаси орқали тўланади. Кейин солиқ органи олинган суммаларни тўловчининг тегишли солиқ ҳисобварақларига мустақил равишда тақсимлайди.

Солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилиги тартиб-қоидаларига тоқат қилишининг сабабларидан бири бу солиқ органлари билан алоқа қилиш қулайлигидир. Швецияда навбатлар, зерикарли кутиш ва бюрократия йўқ ҳамда мамлакат аҳолиси АҚШ аҳолиси билан бир даражадаги энг самарали солиқ тўловчилардир. Ижтимоий сўровлар шуни кўрсатадики, кўпчилик керак бўлса, кўпроқ солиқ тўлашга тайёр бўлади, чунки солиқ тўловчилар ҳукумат ва унинг солиқ органларига ишонишади.

Германияда Молия вазирлигининг бўлимларидан бири бўлган “Штойф” солиқ полицияси солиқ маъмуриятчилигининг давлат функциясини бажарадиган орган ҳисобланади. Мамлакатда солиқ маслаҳатчилари институти ҳам мавжуд бўлиб, уларга Молия вазирлиги тегишли лицензия беради, бу эса солиқ тўловчига пуллик маслаҳатлар бериш имкониятини беради. Солиқ маслаҳатчиси касби жуда муҳим ва масъулиятли ҳисобланади, чунки, Германия солиқ қонунчилиги жуда чалкаш. Германияда умумий қабул қилинган шаклда Солиқ кодекси мавжуд эмас, солиқ қонунларини кодификация қилиш “Солиқлар ва йиғимларни ундириш тўғрисидаги низом” билан чекланади. Солиқ тўловчилар солиқ соҳасида фаолият юритувчи ҳуқуқшунослар ва аудиторлардан ҳам маслаҳат олишлари мумкин. Рухсатсиз солиқ маслаҳати берган бошқа барча юридик ва жисмоний шахслар жарима шаклида жавобгарликка тортилади. Ушбу тартиб “Солиқ маслаҳатлари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Агар солиқ тўловчи солиқ органларининг қарорига рози бўлмаса, у

ихтисослаштирилган молиявий судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Бундай мурожаат фақат низо суддан ташқари ҳал этилмаган тақдирдагина мумкин.

Канада амалиётини ўрганар экан, кўплаб экспертлар у ерда қулай солиқ маъмуриятчилигига эга деярли идеал тизим яратилганлигини таъкидламоқдалар. Канадада маъмурият солиқ тузилмаси томонидан таъминланади. У риоя қилиш учун рағбатни белгилайди ва маъмурий харажатлар асосланади ва солиқ тушумларига боғлиқ.

Канадада солиқ маъмуриятчилигининг асосий фарқловчи хусусияти шундаки, давлат ҳар қандай даромаддан, шу жумладан, ноқонуний товарларни сотишдан солиқ тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Шунинг учун тергов жараёнида уни амалга ошириш натижасида олинган даромад миқдори белгиланади. Амалдаги ихтисослаштирилган солиқ суди Канада даромад агентлиги қарорларини мустақил кўриб чиқишни таъминлаш учун мўлжалланган. Солиқ тўловчиларнинг мурожаатлари Канаданинг 80 дан ортиқ жойларида жойлашган Солиқ суди идоралари томонидан қабул қилинади.

Ҳозирги вақтда Канада солиқ органлари максимал даражада самарадорликни таъминлаш мақсадида солиқ маъмуриятчилигига янги ёндашув ва усулларни жорий этиш бўйича ишларни давом эттирмоқда. Инновацион маҳсулотлардан фойдаланиш бўйича мавжуд тизимга ўзгартиришлар аллақачон қабул қилинмоқда.

Солиқ маъмуриятчилиги нуқтаи назаридан Австралиянинг солиқ тўловчилар билан ўзаро муносабатлардаги инновацион тажрибаси эътиборга молик:

– солиқ органи ходимлари Кенгаш, Солиқ тўловчилар уюшмаси каби ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

– мобил илова орқали солиқ тўлашда фойдаланиш учун қулай бўлган “биометрия” ва “блокчейн” каби маҳсулот жорий этилди – бу тарқатилган маълумотлар базаларининг замонавий технологияси бўлиб, солиқ органи электрон имзо ўрнига нутқ ва овозни тан олишнинг биометрик хусусиятларидан фойдаланади. Шу билан бирга, ушбу технология ҳужжатни турли хил ўзгаришлардан ҳимоя қилиш имконини беради, тизимни шахсийлаштиришга имкон беради, солиқ тўловчи ўз тўлови йўналишини назорат қилиши мумкин.

Австралия солиқ органлари ходимларининг таркиби 20% ИТ мутахассисларидан таркиб топганлиги билан ижобий натижаларга эришимокда ерда.

Янги қоидалар орасида “дастлабки қарор” механизмини алоҳида таъкидлаш керак, чунки, унинг ёрдами билан солиқ тўловчиларга солиқ органи муайян битим бўйича қандай ҳаракат қилишини олдиндан билиш имконияти берилади. Агар солиқ тўловчи дастлабки қарорга мувофиқ ҳаракат қилса, солиқ органи унга нисбатан жарима солмайди.

Тадқиқот натижаларига кўра таъкидлаш мумкинки, бир қатор бошқа хорижий мамлакатларда солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш шакллари назорат фаолиятини амалга ошириш, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларда, хизматларни автоматлаштиришда жуда самарали ҳисобланади. Кўпгина мамлакатларда солиқ маъмуриятчилиги ва солиқ назоратини такомиллаштириш давлат назорати органи ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Asamxodjayeva Sh.Sh.

Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti katta o'qituvchisi

IQTISODIYOTGA INVESTITSİYALARNI JALB QILISHDA SOLIQ YUKINI KAMAYTIRISH MASALALARI

Annotatsiya. Maqolada soliq yukining mohiyati, iqtisodiyotni tartibga solishdagi ahamiyati ko'rib chiqilib, iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilishda soliq yukini kamaytirish masalalari o'rganilgan. Soliq yukini kamaytirish yo'llari bo'yicha xulosalar shakllantirilgan.

Kalit so'zlar: soliqlar, soliq yuki, iqtisodiyot, davlat budjeti, soliq stavkasi, soliq imtiyozlari, investitsiya, xorijiy investitsiya, daromad, xarajat.

Аннотация. В статье рассматривается сущность налоговой нагрузки, его значение в регулировании экономики, а также рассматриваются вопросы снижения налоговой нагрузки при привлечении инвестиций в экономику. Сформированы выводы о путях снижения налоговой нагрузки.

Ключевые слова: налоги, налоговая нагрузка, экономика, государственный бюджет, налоговая ставка, налоговые льготы, инвестиции, иностранные инвестиции, доходы, затраты.

Abstract. The article examines the nature of the tax burden, its importance in regulating the economy, and examines the issues of reducing the tax burden in attracting investments to the economy. Conclusions on ways to reduce the tax burden have been formed.

Key words: taxes, tax burden, economy, state budget, tax rate, tax benefits, investment, foreign investment, income, cost.

Soliqlar qanday darajada bo'lishi kerakligi to'g'risidagi masala soliqqa tortishning azaliy muammolaridan biri hisoblanadi. Soliqlarni kamaytirish borasidagi talablarni to'g'ri va haqqoniy baholagan holda, davlatning xo'jalik tizimiga yuklatilgan boshqa vazifalarini ham, xususan, ijtimoiy masalalar, fundamental fanlarni rivojlantirish, davlatning mudofaa qobiliyatini ta'minlash kabi vazifalarni yoddan chiqarmaslik zarur. Shu bilan birga, soliqlarning kamaytirilishi masalasi ham o'zining ma'lum chegarasiga ega bo'lishi lozim.

Shuni e'tiborga olish lozimki, bir soliq to'lovchi zimmasidagi soliq yukini pasaytirilishi boshqa bir soliq to'lovchi soliq yukini ko'paytiradi. Buning natijasida bozor uchun muvaffaqiyatli ishlayotgan korxonalar imtiyozga ega bo'lganlar hisobiga bu ro'yxatdan tushib qolishadi. Shuning uchun soliqlardan beriladigan imtiyozlar har doim ham kutilgan natijani bermasligi mumkinligini esdan chiqarmaslik lozim.

Mamlakatimizni 2030 yilgacha rivojlantirishning huquqiy asosi hisoblangan Yangi O'zbekiston Taraqqiyot strategiyasida "2026-yilga borib tadbirkorlik subyektlariga soliq yuklamasini yalpi ichki mahsulotning 27,5 foizidan 25 foizi darajasiga kamaytirish" eng ustuvor maqsadlardan biri sifatida e'tirof etilgan. Mamlakatimizda soliq yukini pasaytirish muammosini faqatgina soliq stavkalarini pasaytirish yoki ular bo'yicha ayrim imtiyozlarni joriy etish bilangina hal etib bo'lmaydi. Chunki, soliqlar, nafaqat, iqtisodiyotni tartibga solish, balki, davlat budjeti xarajatlarini qoplashdek ulkan vazifani amalda ijro etadi. Shuning uchun soliqlar stavkasini pasaytirish borasida gap ketganda, u, avvalo, davlat budjeti daromadlarini shakllantirilishiga salbiy ta'sir o'tkazmasligi lozim. Soliqlardan birining pasaytirilishi va boshqalarining ham o'zgarmay qolishi soliq og'irligining kamayishiga ta'sir o'tkazmasligi mumkin. Masalan, soliq stavkasi pasaytirilib, uning bazasi kengaysa, soliq yukining kamayishi yuz bermaydi.

Milliy ishlab chiqarishni rivojlantirish masalasi, o'z navbatida, hozirgi paytdagi mablag' yetishmovchiligi sharoitida xorijiy sarmoyalar ishtirokidagi korxonalarni barpo etish va ularda tayyor sifatli tovarlar ishlab chiqarish orqali ichki bozorni to'ldirish hamda jahon bozorlarida O'zbekiston tovarlarining raqobatbardoshligini ta'minlash vazifasini qo'yadi.

Ushbu vazifalarni samarali joriy qilishning muqobil yo'llaridan biri bu xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalarni soliqlar vositasida rag'batlantirishdir. Chunonchi, iste'mol bozorida tovar va xizmatlar taqchilligini bartaraf etishda xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalarining soliqlar vositasida rag'batlantirilishi bu turdagi mahsulot va xizmatlar sohasining kengayishiga zamin yaratadi. Shuning uchun ham, hozirgi kunda Respublikamiz hukumati mamlakatda xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalarni rivojlantirishga katta ahamiyat berib kelmoqda va unga mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining eng asosiy omillaridan biri sifatida qaramoqda. Bu borada mamlakatimiz hukumati tomonidan eksportga yo'naltirilgan va importning o'rnini bosuvchi mahsulotlar ishlab chiqaruvchi xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalarni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan bir qator qonun va qarorlarning ishlab chiqilishini bu turdagi korxonalariga yaratilayotgan qulay shart-sharoitlar sifatida qarash mumkin.

Xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalariga berilgan soliq imtiyozlari, nafaqat, korxonaning budjet oldidagi majburiyatlarini kamaytirish uchun xizmat

qiladi, balki, uning aylanma mablag'larining ham ko'payishiga olib keladi. Bu mablag' evaziga korxonalar investorlari qo'shimcha daromadga ega bo'ladi. Ya'ni imtiyozlar hisobiga ishlab chiqarishga investitsiya kiritishni rag'batlantirish uchun zamin tayyorlanadi.

Mamlakatda yaratib berilayotgan bunday shart-sharoitlar natijasi xorijiy investitsiyali korxonalarining ishlab chiqarish, investitsiya va innovatsiya faoliyatlarini jadallashtirishda, shuningdek, ular eksport salohiyatini yuksaltirishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

Soliqqa tortish tizimini takomillashtirishning muhim yo'nalishlaridan biri soliq tizimini tartibga solish, soliq turlarini kamaytirish, hisob-kitob mexanizmini soddalashtirish va ular bo'yicha to'lov davriyligini kamaytirish hisoblanadi. Soliq soni qanchalik kam bo'lsa, ular shunchalik sodda bo'ladi va demak, tadbirkorlar va aholiga shuncha ko'p qulaylik yaratiladi.

Soliq yukining pasaytirilishi, boshqa sharoitlar teng bo'lgan taqdirda, xo'jalik yurituvchi subyektlar, ya'ni soliq to'lovchilar ixtiyorida soliq shaklida budjet ixtiyoriga olinayotgan mablag'lar bir qismining shu subyektlar ixtiyoriga qoldirilishini anglatadi. Bu esa, o'z navbatida, shuncha miqdordagi mablag'larning budjetga borib tushmaganligi bilan barobardir. Bunday vaziyatda soliq yukining pasaytirilishi natijasida budjetga borib tushmaydigan mablag'larni budjet manfaatlari nuqtai nazaridan qayta tiklash, o'rnini to'ldirish, qoplash masalasi alohida ahamiyat kasb etadi.

Soliq tizimi va soliq siyosatining rivojlanishi ko'pgina obyektiv va subyektiv omillarga bog'liq, chunki ularga jamiyatning iqtisodiy manfaatlari ta'sir qiladi. Zamonaviy iqtisodiy hayotda davlatning samarali soliq tizimi va malakali soliq siyosati jamiyatning iqtisodiy va siyosiy yetuklik darajasini aks ettiradi. Amaldagi soliq tizimining samaradorligi to'g'risida gapirganda, uni bozor boshqaruvi bilan birgalikda ko'rib chiqish, asosiy e'tiborni davlat darajasida, iqtisodiy kompleks tarmoqlarida, turli tashkiliy-huquqiy shakldagi alohida subyektlarda, aholining soliqqa tortish tizimiga ta'siriga qaratish lozim. Davlat soliqlarini rejalashtirish va boshqarishni samarali amalga oshirish uchun soliq tizimi sifatining o'lchovi soliq yukining darajasi bo'lishi mumkin. Optimal soliq darajasi korxonalarining takror ishlab chiqarish, ularning asosiy sanoat va moliyaviy tuzilmalari va umuman ijtimoiy iqtisodiyotning chegaralari, imkoniyatlari va ehtiyojlari bilan belgilanadi.

Xulosa qilib aytganda, soliq jamiyat jami daromadining bir qismini davlat budjetiga majburiy olib qo'yish shakli sifatida o'ziga xos iqtisodiy makonning, muayyan siyosat va boshqaruvning barcha ijobiy va salbiy tomonlarini aks ettiradi. Soliqlar davlat organlari tomonidan nafaqat davlatning asosiy funksiyalarini amalga oshirish uchun moliyaviy resurslarni shakllantirishni ta'minlash manbai, balki jamiyat daromadlarini taqsimlashni tashkil etish imkonini beradigan nazorat harakati

vositasi sifatida ham ko'rib chiqiladi. Real iqtisodiyotda mavjud bo'lgan jami mablag'dan qancha kam moliyaviy resurslar majburiy ravishda olib qo'yilsa, ishlab chiqarishning o'sishi uchun imkoniyatlar shunchalik katta bo'ladi, lekin aslida korxonalaridan moliyaviy resurslarni sezilarli darajada qayta taqsimlash zarurati iqtisodiyot tomonidan belgilanadi.

Shunday qilib, soliq yuki davlatga to'lanadigan soliqlar va iqtisodiyotga umumiy ta'sir etish nuqtai nazaridan alohida soliq to'lovchilarga belgilangan soliqlar miqdoridir.

Abdumurutov Shoxrux Shavkat o'g'li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti mustaqil izlanuvchisi

YANGI O'ZBEKISTONDA KORXONALAR RAQOBATBARDOSHLIGINI TA'MINLASH YO'LLARI

Milliy iqtisodiyotimizning, jumladan, elektrotexnika sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini oshirishga qaratilgan me'yoriy-huquqiy baza yaratilmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi «2022 – 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida»gi PF-60-son Farmonida, xususan, «milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash» vazifalari belgilab berilgan. Yuqoridagi vazifalarni amalga oshirishda elektrotexnika sanoati korxonalarining iqtisodiy barqarorligini ta'minlash, mavjud ichki imkoniyatlaridan va resurslaridan samarali foydalanishni, moddiy-texnik bazasini tubdan yangilashga qaratilgan tadqiqotlarni amalga oshirish muhim masala bo'lib qolmoqda.

MDH iqtisodchisi E.P. Golubkov korxonaning raqobatbardoshligini uning faoliyatining 16 ta omilidan foydalangan holda baholashni taklif qiladi (imidj, mahsulot kontsepsiyasi, mahsulot sifati, biznes turlarining diversifikatsiya darajasi, biznesning asosiy turlarining umumiy bozor ulushi, ilmiy-tadqiqot bazasining quvvati, quvvati). ishlab chiqarish bazasi va boshqalar). Muallif ushbu omillarni mahsulotlarning raqobatbardoshligi va marketing faoliyati samaradorligi omillari hisobiga batafsil yoritadi va to'ldiradi, lekin kadrlar rolini ham hisobga olmaydi.

Tashkilotning raqobatbardoshligini rivojlantirishda, albatta, korxonada mavjud bo'lgan resurslar va atrof-muhit omillari muhim ahamiyatga ega, ammo har qanday korxonada resurslar to'plamiga ega. Bizning fikrimizcha, korxonaning raqobatbardoshligini aniqlash uchun asosiy resursni ajratish kerak bo'ladi. O'z navbatida D.Xusbi korxonaning raqobatbardoshligi mahsulot sifati, ularning nisbiy bahosi, mahsulotning bozorlarga ilgari surilishi, savdo tarmog'ining sig'imi bilan belgilanadi, deb ta'kidlaydi.

Mahsulotlar korxonasi faoliyatining yakuniy natijasidir. Ammo D.Xusbi raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqaruvchi korxonasi qanday bo'lishi kerakligini tushuntirmaydi.

MDH iqtisodchi olimasi N.K. Moiseeva korxonaning raqobatbardoshligini belgilaydigan mezonlar sifatida quyidagilarni ko'rib chiqishni taklif qiladi:

- dinamikada iste'molchining qoniqish darajasini aks ettiruvchi mezon;
- ishlab chiqarish samaradorligining vaqt mezon.

Korxonani nima raqobatbardosh qiladi, degan savolga boshqa bir olim V.A.Vinokurov javob beradi: birinchidan, resurslar (potentsial), ikkinchidan, ulardan unumli foydalanish qobiliyatidir. Biroq, ma'lumki, o'z faoliyati davomida bir xil resurslar mavjud bo'lganda, korxonasi raqobatbardosh bo'lishi yoki bankrot bo'lishi mumkin.

Boshqa bir iqtisodchi V.L.Belousov korxonaning raqobatbardoshligining mumkin bo'lgan mezonlarini marketing aralashmasining individual elementlariga (mahsulot, narx, mahsulotni iste'molchiga yetkazish, mahsulotni ilgari surish yoki marketing kommunikatsiyalari) ko'ra guruhlaydi, shuningdek, tadbirkorlik faoliyati va samaradorligini hisobga oladi, ya'ni, olim D. Husbi kabi, u hamma narsani asosan mahsulotning raqobatbardoshligi va sotish funksiyasiga qisqartiradi, xodimlarni hisobga olmaydi deb ta'kidlaydi.

1990 yillarda I.Maksimov korxonasi raqobatbardoshligining asosiy mezonlariga uning ishlab chiqarish faoliyati samaradorligi, moliyaviy ahvoli, tovarlarni sotish va bozorda ilgari surishni tashkil etish samaradorligi, mahsulot raqobatbardoshligini nazarda tutadi. Yuqoridagi barcha olimlar singari u ham raqobatbardosh kadrlar mavjudligiga e'tibor bermaydi.

Korxonaning raqobatbardoshligini shakllantiradigan barcha omillarni ikki guruhga bo'lish mumkin: raqobatbardoshlik tushunchasini MDH iqtisodchilari V.A. Barinov va A.V. Sinelnikovlar moslashuvchanlik va innovatsiya – deb ta'kidlashadi. Korxonaning moslashuvi moslashuvchanlik xususiyati, korxonasi va tashqi muhit o'rtasidagi munosabatlar shakli, ichki tashkiliy qayta qurish jarayoni sifatida tushuniladi.

Qolgan mualliflar ma'lum darajada qayd etilgan asarlarning asosiy qoidalaridan foydalanib, ularni faoliyatning muayyan sohalari uchun ishlab chiqishga harakat qilishadi.

O'rganilgan material asosida biz ushbu ilmiy ishimizda iqtisodiy beqarorlik sharoitida korxonaning raqobatbardoshligini belgilovchi omillar majmuasini shakllantirdik. Raqobatbardosh korxonasi ichki muhitining uzoq muddatli va barqaror rivojlanishini ta'minlaydigan asosiy omillari quyidagilardan iborat:

1. Vazifalar, rollar, vakolatlar va mas'uliyatlarning ma'lum tartibini qurishga, tashkilot faoliyatini amalga oshirish uchun shart-sharoitlarni yaratishga va

belgilangan maqsadlarga erishishga, korxonaga uchun tez va minimal yo'qotishlarga ega bo'lgan o'zgarishlarga javob beradigan moslashuvchan tashkiliy tuzilma. tashqi muhit.

2. Talabga to'g'ri javob beradigan mahsulot ishlab chiqarishni ta'minlovchi texnik resurslar, asbob-uskunalar, shuningdek, raqobatbardosh tovar ishlab chiqarish, mehnat unumdorligini oshirish va ishlab chiqarish tannarxini kamaytirish uchun tashkilotda qo'llaniladigan texnologik resurslar, zamonaviy texnologiyalar.

3. Marketing, tashqi muhitning doimiy monitoringi, shuningdek, raqobatbardosh mahsulot va reklama siyosatini ishlab chiqish.

4. Tovarlar massasi aylanmasini amalga oshirish imkonini beruvchi moliyaviy resurslar.

5. Korxonani boshqarish tizimini qurish imkonini beruvchi ma'lumotlar va bilimlar majmuini ifodalovchi axborot resurslari.

6. Korxonaga maqsadlariga muvaffaqiyatli erishish imkonini beruvchi raqobat strategiyasi.

7. Korxonaga xodimlari - ishlab chiqarish yoki boshqaruv operatsiyalarini bajaradigan va mehnat vositalaridan foydalangan holda mehnat ob'ektlarini qayta ishlash bilan shug'ullanadigan barcha xodimlar kiradi.

Iqtisodiy adabiyotlarda resurslar va omillar kabi tushunchalardan faol foydalaniladi. Korxonaga iqtisodiyoti nuqtayi nazaridan resurslar - bu uskunalar va texnologiya, moliya, axborot, xodimlar va materiallar, ammo korxonaning raqobatbardoshligi nazariyasi doirasida ular omillar sifatida qaraladi.

Shu bilan birga, raqobatbardoshlik omillariga tashkiliy omillar, masalan, strategiya, moslashuvchan tashkiliy tuzilma, mehnatni rag'batlantirish tizimi, nazorat, muvofiqlashtirish va boshqalar kiradi. Shunday qilib, korxonaga raqobatbardoshligining barcha omillarini ikki guruhga bo'lish mumkin: resurs va tashkiliy.

Ammo shuni ta'kidlash kerakki, bu omillarning barchasi korxonaning raqobatbardoshligini oshirishi va kamaytirishi mumkin. Va eng muhimi, har bir omil ortida korxonaning muvaffaqiyatli ishlashi va rivojlanishi uchun mas'ul bo'lgan korxonaga xodimlarining faoliyati turadi. Korxonaning raqobatbardoshligi masalasini o'rganayotgan deyarli barcha mualliflar xodimlarni e'tibordan chetda qoldiradilar. Biroq, mahsulot sifati va korxonaga xarajatlari bevosita ushbu mahsulotlarni ishlab chiqaruvchi ishchilarning malakasiga bog'liqdir. Kadrlarsiz ishlab chiqarish quvvatlari va texnologiyalarini qo'llash mumkin emas.

Moliyaviy resurslarni oqilona boshqarish kerak, bu ham ushbu boshqaruv uchun mas'ul bo'lgan xodimlarning malakasiga bog'liq bo'ladi. Innovatsion imkoniyatlar ko'p jihatdan korxonaga xodimlarining ijodiy salohiyati bilan belgilanadi. Raqobat strategiyasiga muvofiq ishlab chiqish, amalga oshirish va bevosita faoliyat korxonaga xodimlari tomonidan amalga oshiriladi. Ishlab chiqilgan strategiyaga muvofiq,

tarqatish siyosati va dilerlik tarmog'ini shakllantirish korxonalarining (boshqaruvining) funksiyasidir. Obro' (imidj) hosil qiluvchi mijozlarga xizmat ko'rsatish yana butunlay korxonalariga bog'liq. Har bir omil ortida korxonalarining xodimlari turgani odatda e'tibordan chetda qoladi.

Азизов Фарход Аманович
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси мустақил изланувчиси

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИДА АҲОЛИ ХАБАРДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАР ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан инсон кадрини улуғлаш, мамлакатда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, маҳалла тизими ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ фаровонлиги, маҳалла ва мамлакат ободлиги, ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг барқарорлиги солиқ тушумлари ва давлат даромадларининг етарли даражада таъминланишига бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шартлиги, солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўққинлик қилмаслиги кераклиги ўз ифодасини топган.

Фуқаролар бир томондан конституциявий бурчларини бажариш орқали солиқлар ва йиғимларни тўлашда ҳамда бюджет даромадларини шакллантиришда бевосита қатнашса, иккинчи томондан бюджет даромадларини тақсимланиши ва ҳудудларни ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишлари муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорига асосан Давлат бюджетининг шаклланиши ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ва жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш имкониятлари яратилди. Жумладан:

республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилди;

туман ва шаҳар бюджетлари қўшимча маблағларининг камида 30 фоиз қисми ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида шаклланган қўшимча маблағларнинг 30 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши кўзда тутилди;

жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағида жамланиши ва ушбу маблағларнинг бошқа мақсадларга ишлатилиши қатъиян тақиқланиши белгиланди.

Шу билан бирга, “Очиқ бюджет” порталида жамоатчилик томонидан таклиф қолдириш ва овоз бериш жараёнларини услубий, техник жиҳатдан қўллаб-қувватланганлиги ҳам ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш ва аҳолига муносиб шарт-шароитлар яратишда кенг имкониятларни пайдо қилди.

Умуман олганда, молия, бюджет сиёсати давлатнинг умум иқтисодий сиёсатининг асосий таркибий қисми ҳисобланади ҳамда бюджет тизимида давлат даромадлари ва харажатларини самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, бюджет тизимидаги икки муҳим йўналиш – давлат даромадларини шакллантириш ва харажатларини самарали бошқаришнинг айрим жиҳатларига ҳамда бюджет жараёнида фуқаролар иштирокига тўхталиб ўтамиз.

I. Мамлакат фуқароларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳолига муносиб турмуш тарзини яратиш, таълим, тиббиёт, маданият, спорт, аҳолини тинч фаровон ҳаёт кечирishi, инфратузилма объектлари ҳолатини яхшилаш ва давлатнинг шу каби бошқа вазифаларини амалга оширишни маблағ билан таъминлашнинг асосий дастаги солиқлар ҳисобланади.

Солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан солиқ маъмурчилигининг тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Бунда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолининг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардорлигини ошириш, ҳуқуқий билим савиясини юксалтириш алоҳида эътибор қаратилиши бўлган масалалардан ҳисобланади.

Чунки солиқлар ва йиғимларни тўлаш заминида давлат билан аҳоли, солиқ тўловчилар ўртасидаги иқтисодий муносабат ётади.


Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар солиқ-бюджет сиёсатини, жумладан солиқ маъмурчилигини мунтазам такомиллашишини, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратишни талаб этади.

Солиқ маъмурчилигида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш натижасида солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш билан бир қаторда давлат бюджетига ихтиёрий равишда тўланган солиқлар улушини кўпайишига имкониятлар пайдо бўлади.

Солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида, давлат солиқ хизмати органлари томонидан 45дан ортиқ электрон хизматлар, шундан, 25 та - ахборот давлат хизматлари, 21 та – интерактив давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Интерактив хизматлардан фойдаланган ҳолда солиқларни тўлаш, солиқ мажбуриятини бажариш ҳам солиқ тушумларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқлари бўйича тўловларни “Мунис”, “Click”, “Рауме” каби электрон тўлов тизимлари орқали амалга ошириш маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда ўз самарасини берди.

2021-2022 йил бюджет тушумлари



Лекин, ўтказилган тадқиқотлар солиқ тўловчиларнинг барчаси ҳам жорий этилган интерактив ва электрон хизматлардан хабардор эмаслигини, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича бир қатор ишларни амалга оширилиши лозимлигини кўрсатди.

Шу нуқати назардан, солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажарилиши учун қулай шароитлар яратиш, замонавий интерактив хизматларни кенг жорий этиш, электрон шаклда ёки “Call-марказ” орқали ахборот ва маслаҳатлар кўрсатиш сифатини яхшилаш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий билимлари ва маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот тадбирларини кенгайтириш, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ва рақамлаштиришни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

II. Мамлакатимизда кейинги йилларда “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили асосида давлат идораларининг фуқаролар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича самарали тизим яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари, давлат хизматлари марказлари, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти йўлга қўйилиб, аҳоли муаммоларини “маҳаллабай”, “хонадонбай” аниқлаб, ҳал этиш тизими жорий этилиши натижасида йиллар давомида ҳал этилмасдан келинаётган тизимли масалалар ўз ечимини топмоқда.

Республикамизнинг 9400дан ортиқ маҳаллаларида янги институт – ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчилари фаолиятининг йўлга қўйилиши аҳоли муаммолари билан ишлаш ва уларни ҳал этиш, ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим топиш, ҳудудлар инфратузилмаси ва бошқа объектлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш масалаларини янги босқичга олиб чиқишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-31-сонли қарорига асосан биргина ҳоким ёрдамчилари вазифаларини амалга оширишда 2022 йилда молиявий инструмент сифатида фойдаланиш учун 14,0 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Ушбу маблағлардан манзилли ва самарали фойдаланиш халқ фаровонлигини оширишга, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилди.

Шу билан бирга, маҳаллада яшовчи фуқароларга мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, яратилаётган имкониятлар хусусида кенг тарғиб қилиниб, уларнинг “Очиқ бюджет” порталида овоз бериш жараёнларида фаол иштироки таъминланса ва таклифлар берилса, ҳудудлардаги долзарб муаммоларни бартараф этиш бўйича яна бир қатор имкониятлар пайдо бўлади.

Таҳлилларга кўра, Президент Виртуал ва Халқ қабулхоналарига бир йилда йўлларни таъмирлаш масаласида – 36,1 мингта, ичимлик суви таъминоти – 32,2 минг, электр энергия – 65,1 минг, газ таъминоти – 67,5 минг, таълим муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича – 3,3 мингта, шунингдек тиббиёт муассасалари масаласида – 954 та мурожаатлар келиб тушган.

Аҳолининг ўз маҳалласидаги бажариладиган ишлар ва режалардан, жумладан йўл, ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминоти, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларни қуриш, таъмирлаш ва яхшилаш билан боғлиқ тадбирлардан, шунингдек “ташаббусли бюджет” орқали муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари мавжудлигидан хабардор бўлмаганлиги учун юқори ташкилотларга мурожаат қилишга сабаб бўлмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш учун яратилаётган имкониятлар, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари тўғрисида аҳоли хабардорлигини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, бунда маҳаллада жорий этилган ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли имкониятларидан кенг фойдаланиш;

2. Аҳолига қулай шароитлар яратиш мақсадида, айрим банк, молия, солиқ ва фуқаролар томонидан кўп талаб этиладиган давлат хизматларини маҳалланинг ўзида кўрсатишни жорий этиш;

3. Ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш ва бошқа муаммоларни ҳал этиш бўйича “Очиқ бюджет” порталида жамоатчилик томонидан таклиф қолдириш ва овоз бериш жараёнларига маҳаллалар аҳолисини кенг жалб этиш;

4. “Маҳаллабай”, “хонадонбай” ўрганишлар натижасида аниқланган муаммолар ва уларнинг ҳал этиш натижалари юритиладиган ягона электрон ахборот платформасини жорий этиш ҳамда бунга тегишли вазирлик ва идораларни интеграция қилиш, статистик ҳисобот ва бошқа маълумотларни маҳаллалар кесимида юритиш;

5. Маҳаллалар кесимида ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар (фото ёки видеолавҳалар билан биргаликда) ҳамда фуқаролар таклифларини юқори ташкилотларга етказиб борадиган электрон тизим жорий этиш.

Рустамов Соҳиб Рустам ўғли
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

КОРХОНАДА ФОЙДА СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Корхона фаолияти турлари бўйича олинадиган даромад ва харажатлар соф молиявий натижа ҳисобланувчи соф фойданинг асосини ташкил қилади. Фойданинг абсолют ошиши ёки камайиши даромад ва харажатларнинг динамик ўзгариш суръатига боғлиқ. Буни соф фойда ўзгаришининг омилли моделини ўзида мужассамлаштирувчи қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\Delta P = \Delta E - \Delta S, \quad (1)$$

бу ерда: ΔP – фойда йиллик динамик ўзгаришининг мутлақ кўрсаткичи; ΔE – даромадлар йиллик динамик ўзгаришининг мутлақ кўрсаткичи ҳисобланиб, ΔS – жами харажатлар йиллик динамик ўзгаришининг мутлақ кўрсаткичини ифодалайди.

Мазкур динамик тавсифдаги мутлақ ўзгаришлар ички таркибий ўзгаришларга боғлиқ бўлиб, таркибий ўзгаришларнинг мутлақ кўрсаткичларини ҳисоблаш орқали солиққа тортилгунга қадар фойда ($\Delta P^{стф}$) шаклланишида фаолият турлари ҳиссасини аниқлаш имкониятига эга бўлиш мумкин. Буни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\Delta P^{стф} = (\Delta E^{аф} + \Delta E^{мф} + \Delta E^{бф}) - (\Delta S^{аф} + \Delta S^{мф} + \Delta S^{бф}). \quad (2)$$

2-формулани фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича соф фойда шаклланишидаги улушини ҳисоблаш нуқтаи назаридан қуйидагича қайта тизимлаштириш мумкин:

$$\Delta P^{стф} = (\Delta E^{аф} - \Delta S^{аф}) + (\Delta E^{мф} - \Delta S^{мф}) + (\Delta E^{бф} - \Delta S^{бф}), \quad (3)$$

бу ерда: $(\Delta E^{аф} - \Delta S^{аф})$ - асосий фаолият фойдасининг (даромад ва харажатлари орқали) йиллик динамик ўзгаришининг мутлақ кўрсаткичини ифодалайди. Тенгламанинг $(\Delta E^{мф} - \Delta S^{мф})$ -ҳади молиявий фаолият фойдасининг (даромад ва харажатлари орқали) йиллик динамик ўзгаришидаги мутлақ кўрсаткични, $(\Delta E^{бф} - \Delta S^{бф})$ -ҳади эса фаолиятнинг бошқа манбаларидан олинган фойданинг (даромад ва харажатлари орқали) йиллик динамик ўзгаришидаги мутлақ кўрсаткични ифодалайди.

Молиявий натижаларни оператив бошқариш тизимида фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича соф молиявий натижаларни максималлаштириш ва интенсив ривожланиш суръатини таъминлаш учун қуйидаги мезонларга риоя қилиш тавсия этилади:

$$\begin{cases} \text{Агар, } \Delta E^{аф} > \Delta S^{аф} \text{ бўлса, } \Delta P^{аф} \rightarrow \mathbf{max} \\ \text{Агар, } \Delta E^{мф} > \Delta S^{мф} \text{ бўлса, } \Delta P^{мф} \rightarrow \mathbf{max}, \end{cases} \quad (4)$$

Бу мезонлар, аввало, фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича олинadиган фойданинг моддий негизини ташкил қилувчи пул даромадларини максималлаштириш (маҳсулот сотишдан тушумни ошириш) билан боғлиқ экстенсив ривожланиш омилларини акс эттиради. Қолаверса, ҳар бир фаолият тури бўйича соф фойда камайишига олиб келувчи харажатларни максимал иқтисод қилиш (ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш) фойдани максималлаштиришдаги интенсив ривожланиш тизимини ўзида мужассамлаштиради.

1-жадвал

Фаолият турлари бўйича даромад ва харажатлар ҳамда солиққа тортилгунга қадар фойданинг йиллик мутлақ ўзгариши тўғрисида маълумот [1] (минг. сўм)

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
$\Delta E^{аф}$	10448,9	9490,5	2987,5	18514,4	29809,7	62718,7
$\Delta S^{аф}$	10585,7	9212,2	2166,4	24915,7	19239,1	46541,9
$\Delta P^{аф} = \Delta E^{аф} - \Delta S^{аф}$	-136,8	278,3	821,1	-6401,3	10570,7	16176,8
$\Delta E^{мф}$	-15,1	386,8	-254,9	3184,9	-2625,6	-684,7

$\Delta S^{мф}$	17,2	673,8	548,9	9300,5	-8390,2	-1618,7
$\Delta P^{мф} = \Delta E^{мф} - \Delta S^{мф}$	-32,4	-286,9	-803,9	-6115,5	5764,6	933,9
$\Delta P^{снф}$	-0,16	-0,08	-0,17	-12,5	3,93	17110,8

1-жадвалдан кўринадикки, асосий фаолият пул даромадларининг ($\Delta E^{аф}$) йиллик мутлақ ўзгариши камайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2017 йилга нисбатан 2018 йилдаги мутлақ ўсиш 10448,9 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 9490,5 млн. сўмни ташкил қилган. 2018 йилга нисбатан мутлақ ўсиш 958,3 млн. сўмга камайган. Демак, 2017-2020 йилларда даромадларнинг номинал миқдорида ошиши кузатилиб, бу йиллик ўсиш нисбатан пасайиш тенденциясига эга бўлган ($\Delta E^{аф}_{2014} > \Delta E^{аф}_{2015}$). 2019 йилдаги кўрсаткич эса (-17490,3 млн. сўм) шуни англатадики, даромадларнинг номинал миқдори ўтган йилларга нисбатан паст кўрсаткични ташкил қилган. 2020-2022 йилларда эса аксинча юқори ўсиш кузатилган.

Бундай тенденцияни асосий фаолият билан боғлиқ харажатларда ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда харажатларнинг мутлақ ўсиши 10585,7 млн. сўмни, 2019 йилдаги мутлақ ўсиш эса 9212,2 млн. сўмни ташкил қилган. 2019 йилда 2014 йилга нисбатан харажатларнинг мутлақ камайиши ($\Delta S^{аф}_{2014} > \Delta S^{аф}_{2015}$) -1373,5 млн. сўмни ташкил қилган.

Натижада асосий фаолиятдан фойда олинган бўлса-да, унинг йиллик мутлақ ўсиш кўрсаткичи ($\Delta P^{аф} = \Delta E^{аф} - \Delta S^{аф}$) 2013 йилга нисбатан 2018 йилда аксинча пасайиш тенденциясига эга бўлиб, пасайишнинг мутлақ миқдори 136,8 млн. сўмни, 2019 йилда эса мутлақ ўсиш тенденцияси 278,3 млн. сўмни ташкил қилган. 2020 йилдаги кўрсаткич эса (-17684,1 млн. сўм) харажатларнинг номинал миқдори ўтган йилларга нисбатан паст кўрсаткични ташкил қилганлигини англатади.

Мазкур йилда асосий фаолият пул даромадлари ва харажатларининг мутлақ ошиши эмас, балки пасайиши кузатилган бўлса-да, асосий фаолият фойдасининг мутлақ ўсиши 193,8 млн. сўмни ташкил қилган. Бу, ўз навбатида, корхонада фойданинг манбаи бўлган маҳсулот сотишдан тушумнинг ўтган йилга нисбатан пасайиш тенденциясига мувофиқ харажатларни максимал иқтисод қилиш ҳисобига таъминланган.

Таҳлиллар кўрсатадики, корхонада молиявий фаолият бўйича даромадлар ($\Delta E^{мф}$) 2017 йилга нисбатан 2018 йилда -15,1 млн. сўмга пасайган. Молиявий фаолият бўйича харажат ($\Delta S^{мф}$) эса 2017 йилга нисбатан мутлақ кўрсаткичда 17,2 млн. сўмга ошган. Натижада, молиявий фаолият бўйича фойда эмас балки, зарарнинг мутлақ ошиши -32,4 млн. сўмни ташки қилиб, солиққа тортилганга қадар фойданинг йиллик мутлақ камайишига ижобий таъсир этмоқда. Бу кўрсаткич таҳлил қилинаётган барча даврлар мобайнида ҳам кузатилаётган

бўлиб, корхонада молиявий фаолият натижалари солиққа тортилгунга қадар фойдани камайтириш тавсифига эга бўлмоқда.

Бу, ўз навбатида, молиявий хизмат тизими олдида соф фойдани максималлаштиришда молиявий фаолият бўйича харажатларни минималлаштириш ва тузилмавий қайта тизимлаштириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

IV SHO'BA
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARI FAOLIYATINI SOLIQLAR
VOSITASIDA SAMARALI RAG'BATLANTIRISH YO'NALISHLARI

и.ф.д., профессор Алмардонов Мухамади Ибрагимович

Oriental universiteti

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва амалга татбиқ этишда, шунингдек халқаро молия институтлари ва чет эл инвесторлари билан инвестициявий ҳамкорликни амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги доимий вакилларининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, инвестициялар жалб қилишни давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизмини такомиллаштириш амалиётини таҳлил қилиш, ҳамда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ва инновацион ривожлантириш дастурларини амалга ошириш йўлларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш, мазкур жараёнлар билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг иқтисодий моҳиятига изоҳ бериш ва илмий-услубий баҳолаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Муаммоларнинг туб моҳиятини очиб беришда бир қатор иқтисодчи, сиёсатчи олимлар ҳамда ижтимоий соҳа вакиллари сабабий боғлиқликда ўз тадқиқотларини олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг чет мамлакатлар, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматлар молия институтлари, етакчи хорижий инвесторлар ва банк тузилмалари билан инвестициявий ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномаларини тайёрлашда, келишишда ва имзолашда иштирок этиш ҳамда тармоқ инвестиция дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурлари, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурлари билан уйғунликда чет эл, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестицияларни, молиявий-техник кўмак воситаларини жалб қилиш, шунингдек, инвестиция лойиҳалари бажарилишининг бориши устидан тизимли мониторинг олиб бориш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятининг, шунингдек инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг таҳлилин

Ўтказиш, чет эл инвестициялари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар қабул қилиш асосида мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл инвестицияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида экспортчи корхоналар фаолиятини кўллаб-қувватлаш тизимини фаол давом эттириш орқали республика экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилиш, хусусий секторнинг экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш, саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини яқунлашнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган. Бундай шароитда Ўзбекистонда олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати мамлакат миллий иқтисодиётини истиқболдаги рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим молиявий омили бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида, бозор муносабатлари талабидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий кескин кураш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир.

Белгиялик олим Хилберн Воys нинг фикрича, “Қатта иқтисодий, минерал-хом ашё ва инсон салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон хорижий сармоядорларни, аввало, мамлакатдаги барқарор сиёсий вазият билан ўзига жалб этади. Ушбу мамлакатда тадбиқ этилаётган барча янгиланишлар республикани янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва гуллаб-яшнатишга кафолат бўлади”.

Я.С.Мелкумов ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантиришда фойда олиш мақсадида инвестицияларни молиялаштиришда молиявий, мулкый ва интеллектуал қўйилмалардан самарли фойдаланишни таҳлил қилган. Муаллиф бу ерда инвестицияларни даромад манбаи сифатида ўрганиб, инвестиция фаолиятининг турларини кўрсатиб берган. Бу ерда баҳсга сабаб

бўлаётган ҳолат инвестиция объектларининг турлари. Бу ҳақда бошқа илмий ишларимизда фикр юритилган.

С.В. Валдайцев ва П.П.Воробьев томонидан чоп этилган дарсликда ижтимоий соҳани инвестициялашда молиялаштириш манбалари таҳлил қилинади. Ижтимоий даромад олиш жараёнларига сарфланган пул маблағлари келажакда янада юқорироқ даромад ёки ижтимоий самара топишдан иборат деган хулосага келинади . Бу ерда муаллифлар инвестицияларни ижтимоий соҳаларга йуналтириш бу реал инвестицияларга нисбатан каттароқ фойда келтириш манбаи эканлигини уқтирмоқчи бўлаяпти. Тўғри, мисол учун таълимга қилинган инвестиция худди шунга мисол бўла олади.

Ҳар қандай инвестиция лойиҳасини молиявий-иқтисодий баҳолаш мазмунини жуда содда саволга, яъни келгусидаги пул тушумлари ҳозирги қилинган харажатларни қоплайдими ёки йўқми, деган саволга жавоб топиш ташкил этади. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш услублари деганда харажатларнинг фойдалилиги ва қопланиши нуқтаи назаридан турли объектларга (лоийҳаларга, тадбирларга) инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш усуллари тушунилади.



1-расм. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш усуллари³¹

Ўз фаолиятини янгидан бошлаётган ҳар қандай инвестор молиявий қарорлар қабул қилиш билан корхона фаолиятининг қолган бошқа барча жиҳатларини - жамоа, персонал, кадрлар, маркетинг, интеллектуал мулкни

³¹ Муаллиф ишланмаси

химоя қилиш, ҳуқуқий жиҳатлар кабилар ўртасида узвий алоқа мавжуд. Бундан ташқари, одатда, катта корпорацияларда бўлгани каби, алоҳида молия бўлими ёки бўлинмасини ташкил этиш учун ўз фаолиятини янгидан бошлаётган инвесторларда етарлича маблағ бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга, ҳар бир босқичда бизнесни ривожлантириш учун зарур молиявий ресурсларнинг даражаси ҳам ўзгариб боради.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, инвестициялар жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш, уларнинг молиявий – иқтисодий самарадорлигини таъминлаш бўйича ривожланган давлатларнинг етакчи халқаро молия институтларининг тажрибаси ўрганиш лозим. Бунда:

Инвестициялар жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш мақсадида инвестиция босқичларини доимий равишда мониторинг қилиб бориш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш. Инвестицион лойиҳа молиялаштирилгандан кейинги даврда лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишларни, лойиҳага ажратилаётган маблағлар мақсадли сарфини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, лойиҳа ишга тушурилгандан сўнг даромадлар киримини ўз муддатида амалга оширилиши, муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини кўриб бориш талаб этилади. Шунингдек, инвестициялар жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш масаласини янгидан амалга оширилаётган лойиҳа жараёнларида бевосита иштирок этиш, лойиҳаларни комплекс баҳолаш стандартларни ишлаб чиқишни давом эттириш лозим.

Тўхсанов Қудратилло Нозимович
ТДИУ, Солиқлар ва солиққа тортиш
кафедраси профессори, DSc.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ГА ТАҚДИМ ЭТИЛАЁТГАН БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакат ташқи савдо фаолиятини имтиёзлар механизми воситасида тартибга солиш божхона тартибга солишнинг муҳим йўналишларидан биридир. Давлат фаровонлиги нафақат иқтисодиётнинг ички ҳолати, балки ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш даражаси билан ҳам белгиланади ҳамда унинг барқарор иқтисодий ўсишига бевосита ҳисса қўшади. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишга ёндашувлар нуктаи назаридан шуни таъкидлаш керакки, миллий ва хорижий амалиётда протекционистик ва эркин савдо ёндашувлари анча ривожланган.

Протекционистик савдо импорт қилинадиган товарларга юқори ставкаларни ўрнатишни ва шу билан маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутди. Эркин савдо эса, аксинча, чет эл товарлари импортини рағбатлантириш мақсадида камайтирилган импорт божлари белгиланади. Божхона имтиёзларининг ўзига хослиги шундаки, улар айрим турдаги товарларни олиб киришни (экспорт қилишни) рағбатлантириш учун ҳам, давлатнинг халқаро ҳуқуқ тамойилларига риоя қилиш зарурати билан боғлиқ ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин, масалан, ривожланаётган ёки кам ривожланган мамлакатлардан товарларни олиб кириш учун пасайтирилган ёки ноль даражали ставкаларни белгилаш ва бошқалар мисол бўлади³².

Бундан ташқари, божхона имтиёзлари одатда махсус иқтисодий мақомга эга бўлган зоналар(МИЗ) да савдо қоидаларини ўрнатишда қўлланилади³³.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 296-моддасига мувофиқ, ушбу Кодексга, бошқа қонунларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари асосида солиқ субъектларига тақдим этилган тариф имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона йиғимларидан имтиёзлар ҳамда тариф преференциялари тақдим этилиши мумкинлиги белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида божхона тўловлари бўйича таъриф имтиёз ва преференциялари кўпгина ҳолларда умумий ҳолда эмас балки, хусусий ҳолда берилаётганлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда божхона тўловларидан имтиёзлар ва преференциялар қўлланилиши назарда тутувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиб чиқилганда, 1200 дан ортиқ расмий ҳужжат асосида тариф имтиёз ва преференциялари тақдим этилган. Хусусан, улардан 658 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари асосида, 509 таси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида, 2 та Ўзбекистон Республикаси кодекси (божхона ва солиқ), 5 та Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 31 та халқаро шартномалар асосида амалга тақдим этилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Мамлакатимиз божхона соҳасида божхона тўловлари бўйича берилаётган имтиёз ва преференцияларни қўллашда қуйидаги камчиликлар мавжуд:

³² Кочубей И.С. Классификация правовых льгот в области таможенного дела / И.С. Кочубей // Право и государство: теория и практика. — 2007. — № 10 (34). — С. 122–127.

³³ Синенко О.А. Практика применения таможенных льгот в рамках территорий с особым экономическим статусом АТЭР / О.А. Синенко // Инновационное развитие экономики. — 2020. — № 3 (57). — С. 123–134.

- товарлар божхона расмийлаштирувидан ўтказилаётганда уларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича (ТИФ ТН) код рақамларини имтиёз берилаётган код рақамларига ўзгартириш орқали расмийлаштириш ҳолатлари;

- имтиёз берилган товарларни расмийлаштиришда ҳужжатларни сохталаштириш ҳолатлари;

- имтиёз берилган товарлар нархини сунъий равишда ошириш ҳамда пасайтириш ҳолатлари.

Умуман олганда, божхона тўловларидан берилаётган имтиёз ва преференциялари самарадорлигини оширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси эркин савдо зонаси тўғрисидаги битимга эга давлатлар орасида 2020-йилда 2 та давлат билан фаол ташқи савдо балансига эга яъни Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари билан. Қолган ҳамкор давлатлар билан ўтган йилда нофаол баланс кузатилган. Тариф преференцияларини самарадорлигини ошириш ва юқоридаги давлатлар билан фаол ташқи савдо балансига эришиш учун тариф преференцияларидан давлатларга квота белгилаш таклиф этилади.

- божхона тўловларидан бериладиган имтиёзларнинг мақсадли ишлатилиши ва айрим хато-камчиликлар натижасида қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини тўлиқ ундириб олинишига эришиш ҳамда товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг “Товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назорати” номли 201-моддасининг иккинчи қисмини “Товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назорати ҳамда божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш товарларнинг божхона назорати остида бўлиши тугаган пайтдан эътиборан уч йил (амалда 1 йил) ичида амалга оширилиши мумкин” деб ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- Ўзбекистонга божхона тўловларидан берилган имтиёзлар 2020-йилда давлат бюджетига ўтказилган маблағлар ҳажмидан 1,6-мартага кўп эканлигини, бу эса импорт ҳажмини кўпаётганлигига ижобий таъсир этаётганлигини ва бу ҳолат ташқи савдода салбий салдога олиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Республикамизда импорт товарларини оптималлаштириш ва рақобат муҳитини яхшилаш, миллий товарларни чет элларда харидоргирлигини ошириш мақсадида монопол корхоналарни камайтириш ва божхона тўловларидан имтиёзлар бериш механизмини хусусий-манзилли механизмдан умумий – товарларга нисбатан қўллаш механизмини жорий этиш тавсия этилади.

- alohida tovarlarning importiga nisbatan bojxona bojlaridan imtiyozlarni bekor qiliش, davlat ehtiёji uchun zarur айrim tovarlarга квота bojxona bojlarini (maълum miқdorдаги tovarlarга past stavkalarни) belgilash va respublikamizning ehtiёjидан ortiqча қисмидаги tovarlarга yuқori ставка belgilash тавсия этилади.

PhD Salimov Sherzod Baxtiyorovich

TDIU "Soliqlar va soliqqa tortish" kafedrası

TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA SOLIQ IMTIYOZLARINING AHAMIYATI

Annotatsiya: Soliq imtiyozlari davlat byudjeti uchun ham soliq to'lovchilar uchun ham ham iqtisodiy jihatdan ham sotsial-ijtimoiy jihat muhim jarayon hisoblanib, davlat tomonidan iqtisodiyotda tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlashda aosiy dastaklardan hisoblandi.

Kalit so'zlar: soliq imtiyozlari, tadbirkorlik, davlat budjeti, soliq kodeksi, soliq to'lovchilar, iqtisod, sotsial, imtiyoz, afzallik, raqobat, ishlab chiqarish, soliqlarni hisoblash, yengillik.

Аннотация: Налоговые льготы считаются важным процессом для государственного бюджета и налогоплательщиков, а также с экономической и социально-социальной точки зрения.

Ключевые слова: налоговые льготы, предпринимательство, государственный бюджет, Налоговый кодекс, налогоплательщики, экономика, социальная, преимущество, конкуренция, производство, расчет налогов, льготы.

Abstract: Tax incentives are considered an important process for the state budget and taxpayers, as well as from an economic and socio-social point of view.

Key words: tax benefits, entrepreneurship, state budget, Tax Code, taxpayers, economy, social, advantage, competition, production, tax calculation, benefits.


Hozirgi vaqtda Soliq kodeksining yangilangan tahririda soliq imtiyozlari faqat Soliq kodeksi bilan berilishi qa'tiy qilib belgilandi. Bunga qadar esa mamlakat Prezidentidan tashqari Vazirlar Mahkamasi va hatto mahalliy hokimliklar ham imtiyoz bera olardi. Shu bilan birgalikda kodeksda soliq imtiyozlari individual xususiyatga ega bo'lishi mumkin emasligi belgilanib, bu bilan manzilli imtiyoz berishga butunlay barham berildi.

O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksida (75 - moddasida) soliq imtiyozlari tushunchasiga- " Soliq to'lovchilarning айrim toifalariga boshqa soliq to'lovchilarga nisbatan soliq to'g'risidagi qonunchilikda nazarda tutilgan afzalliklar, shu jumladan soliqni to'lamaslik yoki ularni kamroq miqdorda to'lash imkoniyati soliq imtiyozlari deb e'tirof etiladi." deb ta'rif berilgan.

Soliq imtiyozlariga ega bo'lish soliq to'lovchi uchun iqtisodiy ahamiyati shundaki, ma'lum bir mablag'lar ularning o'zlarida qoldirilishi moliyaviy imkoniyatlarni yaxshilashga imkon bersa, sotsial ahamiyati imtiyozga ega bo'lgan korxonalarda bozorda raqobat muhitiga moslashishi imkoniyati paydo bo'lib "yashab qolish" imkoniyati paydo bo'ladi va soliq imtiyozlari qo'llaniladigan soha va faoliyat turlariga qiziqish uyg'onadi.

Aksariyat hollarda soliq imtiyozlari aynan ma'lum bir sohada ishlab chiqarishni yoki ma'lum bir hududni rivojlantirishni rag'batlantiruvchi muhim vosita hisoblanadi. Bu borada bizda ham soliq imtiyozlari, avvalo mamlakatning eksport salohiyatini kengaytirishga xamda ichki bozorni sifatli, hayot uchun eng zarur iste'mol tovarlari bilan ta'minlashga xizmat qiladigan ishlab chiqarishning ustuvor tarmoqlarini maqsadli rivojlantirishda va samarali byudjet-soliq siyosatini yuritishda muhim o'rin tutmoqda desak mubolag'a bo'lmaydi.

2023-yilning yanvar-avgust oylarida foydalanilgan soliq imtiyozini ko'radigan bo'lsak, 135,3 mingdan ziyod tashkilot umumiy qiymati 15,1 trln so'mdan ortiq soliq imtiyozlaridan foydalangan.



1-rasm. 2023 yil yanvar-avgust oylarida soliq turlari kesimida foydalanilgan soliq imtiyozlari³⁴ (foizda).

2023 yil yanvar-avgust oylarida soliq turlari bo'yicha foydalanilgan soliq imtiyozlarini ko'radigan bo'lsak, eng ko'p imtiyoz QQS bo'yicha - 7928,4 mlrd.so'm (jamiga nisbatan 52.3%), foyda solig'i - 2210,3 mlrd.so'm (14.6%), yer solig'i - 1641,1 mlrd.so'm (10,8%)ni tashkil qilgan bo'lib, eng kam miqdori jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i - 373,6 mlrd.so'm (2,5%), aylanmadan

³⁴ O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasi ma'lumotlari asosida tuzilgan

olinadigan soliq - 47,9 mlrd.so'm (0,3%), suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliqlari – 4 mlrd.so'm (0,03%) tashkil qilgan.

Bundan tashqari (xalqaro ekspertlar xulosasiga asosan, QQS bo'yicha moliyaviy xizmatlar va nol stavka hisobi alohida yuritiladi):

- 2 212 ta korxonalar moliyaviy xizmatlar bo'yicha 9,4 trln so'mlik QQSsiz operatsiyalar amalga oshirgan.

- 6 683 ta korxonalar 18,3 trln so'm miqdorida QQS "nol" stavkasini qo'llagan.

Iqtisodiyotimizning rivojlanishimizda o'tish davrida kichik biznes sub'ektlarini mamlakat iqtisodiyotidagi salmog'ini yanada oshirish, ularni rivojlanish davrida har tomonlama qo'llab-quvvatlash maqsadida soliq imtiyozlarini berish mazkur sohaning iqtisodiyotdagi o'rnini yanada oshirishga va ularda xizmat qilayotgan minglab fuqarolarning real daromadi oshishini ta'minlashga xizmat qilayotgani ham ayni haqiqat.

Davlat soliq imtiyozlaridan berilishidan asosiy maqsad ma'lum bir sohadagi ishlab chiqarishni rivojlantirish maqsad qilib, davlat budjetining ma'lum bir qismidan voz kechadi. Ya'ni soliqlar orqali yig'iladigan pul mablag'larining ma'lum bir qismini korxonani o'zida qoldiradi. Korxonalar esa to'lashi kerak bo'lgan soliqlarni ma'lum bir qismini o'zida olib qolib, ishlab chiqarishini kengaytirishga, xodimlar maoshini oshirishga yoki yangi texnologiyalar olib kelishga sarflashi mumkin. Bu vaziyatda davlat budjetiga tushumlar kamayishi mumkin, lekin boshqa tomondan ishlab chiqarishni o'sishiga va xizmatlar ko'rsatishning oshishiga olib keladi.

u.f.n., doцент Баева Джамила Баймамаатовна

САМДВМЧУнинг Тошкент филиали,

“Иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси

МИЛЛИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ДАВРИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолияти ривожланиб, тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Ўзбекистон миллий ривожланишининг янги даврида тадбиркорлик йўналиши ўзининг иқтисодиётдаги муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири билан алоҳида ўрин тутди. Президентимиз томонидан 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилингандан сўнг, инсон омилига, шу жумладан хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти эркинликларини ишончли муҳофаза қилиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай бизнес муҳитини яратиш, шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга кенг эътибор қаратилмоқда. Республикаимизда 2022 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг

мутаносиблиги таъминланди, солиқ юкини камайтириш бўйича ишлар давом эттирилди. Барча мамлакатларда иқтисодий ривожланиш кўп жihatдан иқтисодиётида солиқ юкини пасайтиришга ва изчил амалга оширилаётган солиқ сиёсати билан боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганларидек, бу йил бошланган “Янги Ўзбекистон-рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури ўз самарасини бермоқда. Бир йилнинг ўзида 2 мингга яқин тадбиркорлар илк бор ташқи бозорларга чиқишди. Келгуси йилда ҳам экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа харажатларини компенсация қилиш давом эттирилади. Умуман 2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор 23 миллиард доллардан ортади.¹

Тадбиркорлик субъектлари турли йўналишларда фаолият юритмоқдалар. Мамлакатдаги ялпи ички маҳсулот таркибида кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорларнинг улуши кўпайиб, иқтисодиётни ривожлантиришда бу секторнинг роли маълум даражада ошганида янада намоён бўлмоқда. Аҳолини касб-хунарли қилиш, уларнинг бизнесига кенг йўл очиш, ҳақиқий мулкдор бўлиб, даромад топиши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Аҳолини фаровонлигини оширишда мактаб, боғча ва шифохоналарни кўпайтириш, таълим тиббиёт сифатини ошириш, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларни ҳал қилиш учун иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорларга янги имкониятлар яратиш ва уларга солиқ юкини пасайтириш лозим бўлади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа қилиб белгиланди. Мактабгача таълим, уй-жой коммунал, “маҳаллабай” ишлаш, инвестиция, давлат хизматлари, давлат-хусусий шериклик соҳаларида катта натижаларга эришилди. Хусусий сектор ва тадбиркорликнинг ривожланиши ортга қайтмас жараёнга айланди. Аҳолимизнинг фаоллиги замонавий технология ва касб-хунарларга интилиши ошиб бормоқда. Иқтисодиётимизда кундан-кунга янги-янги йўналиш ва соҳалар яратилмоқда. Хусусий сектор ва тадбиркорликни ривожлантиришга аҳолини янада кенгроқ жалб қилиш учун бу соҳаларни солиққа тортишда фаол инвестицияларни жалб қилишда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадида 1 мингга яқин корхона савдога чиқарилиши мўлжалланган.

Экспорт салоҳиятини ошиши барча мамлакатлар учун доимо манфаат келтиради. Ўзбекистоннинг мева-сабзавотлари ва полиз экинларига бўлган талаб дунёда ошиб бормоқда. Шу сабабли республикаимизда тадбиркорларни ташқи бозорларга чиқиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Экспорт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси 2022 йил 20 декабрь.

салоҳиятини ошириш учун ташқи бозорга чиқаётган тадбиркорларни солиққа тортиш жараёнидаги келиб чиқадиган муаммолар ўрганилиб, уларга маълум муддатларга имтиёзлар ва бошқа енгилликлар бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда мажбуриятларни енгиллаштириш республикамизда тадбиркорлар сафини кенгайтиришга ва иқтисодий ривожланишига олиб келади.

PhD Баева Шахзода Хабибуллаевна

ТДИУ, “Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси

ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти ривожланиб, аҳолини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Тадбиркорлик фаолияти турли кўринишларда шаклланиб, ўзининг республикамиз иқтисодийётидаги муҳим ва самарали ҳиссаси, ўрни ва таъсири, яъни бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан иқтисодийётнинг ривожланишида алоҳида ўрин тутаяди. Президентимиз томонидан эълон қилинган қарор ва фармонлар ҳамда кўпгина норматив ҳужжатлар ва бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари эркинликларини ишончли муҳофаза қилиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай бизнес муҳитини яратиш, шу асосда аҳоли бандлиги доирасини кенгайтириш ва фаровонлигини оширишга қаратилмоқда.

Кенг қўламли ва самарали ислохотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодийётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса 19 миллиард долларга етди. Одамларимизни касб-хунарли қилиш, уларнинг бизнесига кенг йўл очиш, ҳақиқий мулкдор бўлиб, даромад топиши учун зарур шароитларни яратмоқдамиз. Ер муносабатлари бўйича катта ишларни бошлаб, шу йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ерини аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб бердик. Бунинг ҳисобидан 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат етиштирилди. Қишлоқларда 400 мингга яқин деҳқон хўжалиги ташкил қилинди. 1 миллион 200 мингдан зиёд одамларимиз банд бўлиб, даромад олаёпти.³⁵

Республикамизда тадбиркорлар иқтисодийётнинг кўпгина тармоқларида фаолият олиб бормоқдалар. Бугунги кунга келиб мамлакатдаги ялпи ички маҳсулот таркибида тадбиркорлик йўналишларининг ҳиссаси кўпайгани ҳамда

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси 2022 йил 20 декабрь.

иқтисодиётнинг ривожланишида бу секторнинг роли ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун давлатимиз томонидан кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада 2023 йилги устувор йўналишларининг бешинчи йўналиши эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган. 2023 йилда 750 мингта деҳқон хўжалиги тадбиркорга, ер эгасига берилиши мўлжалланган. Бу қишлоқларда жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало ишсизлик ва қамбағаллик масаласининг ечилишига ҳамда ички бозорни ўз маҳсулотларимиз билан тўйинишига олиб келади.

2023 йилда иқтисодий ислохотларни қатъий давом эттириш, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаш, бунинг учун биринчи навбатда тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислохотларни жадаллаштиришга эътибор қаратилади. Туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилди. Тоифага қараб тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар ажратилади. Шу билан бирга улар учун солиқ ставкалари ҳам ҳар хил бўлиши белгиланди.

Тадбиркорлик субъектларини солиқ ва тўлов воситасида рағбатлантиришда бешинчи тоифага кирувчи, шароити оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз миқдорида белгиланди. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайдиган бўлди. Бу тоифага кирувчи туманларда фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилди. Бошқа тоифадаги туманларда кредитларга пасайтирилган фоиз ставкаларини қўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш каби қатор энгилликлар ҳам берилмоқда.

Тадбиркорлар учун солиқ юкини камайтириш мақсадида 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қоладиган бўлди. Тадбиркорлар фаолиятини солиққа тортишда ҳужжатларни тақдим этиш, ўз ишини йўлга қўйиш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга тадбиркорларга солиқ, божхона, хокимият, электр, кадастр, ёнғин хавфсизлиги, санитар назорат каби идоралар томонидан айрим босимлар бўлиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2023 йил давомида назорат

килувчи ва рухсат берувчи идоралар фаолиятини танқидий кўриб чиқиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда иқтисодийнинг барча соҳаларини жадал ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Бунинг учун илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмурчилигини ислох қилиш ва давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий қилиниши кўзда тутилган. Тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни егиллаштириш борасида тадбиркорларни ҳисоботларни топшириш муддатлари ва солиқ тўловлари бўйича берилаётган қулайликлар ва имкониятлар ҳамда сервис хизматлари янада кенгайтирилса, мамлакатимизда тадбиркорлар ва ишбилармонлар сафи янада кенгайиб боради. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан янада тўлишига, асосан ёшларни иш билан таъминланишига ва аҳоли фаровонлигини ошишига олиб келади. Мамлакатимизда кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан савдо, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш каби йўналишларда олиб борилмоқда. Бундан ташқари тадбиркорлик субъектлари фаолияти ишлаб чиқаришга кенгроқ йўналтирилиб, кичик корхоналар, мини- цехлар кўпроқ ташкил этилса, солиқ тўловлари ишлаб чиқараётган маҳсулотига қараб қулай ва маълум муддатга имтиёзли равишда белгиланса, республикаимизда кичик, ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик янада ривожланиб боради.

Н.А. Карабаев

Тошкент Кимё Халқаро Университети мустақил изланувчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАШДА СОЛИҚЛАРНИНГ РОЛИ

Мақола аннотация: Ушбу мақолада солиққа тортишнинг банкнинг рейтингига турли омилларнинг таъсирининг назарий шарт-шароитлари ўрганилган, шунингдек, солиқ рискларини ҳисобга олиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва илмий асослаб берилган.

Таянч сўзлар: банк, солиққа тортиш, банк гуруҳлари, адолатли улуш, AML («Anti-Money Laundering» – «Пул ювишга қарши кураш»), КҮС («Know Your Customer» – «Ўз мижозингни бил»).

Аннотация: В данной статье изучены теоретические условия влияния различных факторов налогообложения на рейтинг банка, а также разработаны и научно обоснованы практические рекомендации по учету налоговых рисков.

Ключевые слова: банковское дело, налогообложение, банковские группы, справедливая доля, AML (борьба с отмыванием денег), КҮС («Знай своего клиента»).

Abstract: In this article, the theoretical conditions of the influence of various factors of taxation on the bank's rating are studied, as well as practical recommendations on accounting for tax risks are developed and scientifically substantiated.

Key words: banking, taxation, banking groups, fair share, AML (Anti-Money Laundering), KYC (Know Your Customer).

Иқтисодиётда банк секторининг ролини ошириш муаммосини ҳал этиш кўп жиҳатдан ҳуқуқий муҳитнинг ҳолати, инвестиция ва ишбилармонлик муҳити, солиқ шароитлари, банк фаолиятини тартибга солиш ва банк назорати тизимини такомиллаштиришга боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш” стратегиясида таъкидланганидек, банк секторини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, кредит ташкилотларини солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши керак. Республикамиз солиқ қонунчилигини ва халқаро тажрибани қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг операцияларини қайта кўриб чиқш зарур. Шу билан бирга, “банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда”³⁶. Давлатнинг банк секторига таъсири кредит ташкилотлари фаолияти ва молиявий хизматлар бозори фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бажарилишини назорат қилиш орқали амалга оширилиши керак.

Шу билан бирга, банкларнинг солиққа тортилишини такомиллаштириш фақат солиқ қонунчилигини алоҳида банк операцияларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тузатиш билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Банк сектори мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимининг ажралмас элементи бўлганлиги сабабли, банкларнинг солиққа тортишни такомиллаштириш йўналишлари амалга оширилаётган солиқ сиёсатини тўлдириши, ундан алоҳида мавжуд бўлмаслиги керак. Шу муносабат билан солиққа тортишнинг банк соҳасида содир бўлаётган жараёнларга, хусусан, банкларнинг рейтингини баҳолашда ҳамда рейтингни амалга ошириш учун

³⁶ <https://lex.uz/docs/4811025>

зарур бўладиган барча омилларга, банклар молиявий оқимларининг инвестиция йўналишига, шунингдек, банк гуруҳлари ва холдингларида трансферт нархларига таъсирини ўрганиш муаммоси айниқса долзарбдир.

Мамлакатимиз тижорат банклари янги таҳрирда тасдиқланган Солиқ кодексида йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган. Жумладан, тижорат банклари йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилганлиги ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмалари ҳисобга олиниб, Солиқ кодексининг 20-моддасига асосан банклар (Бош банк) марказлашган ҳолда солиқ ҳисоботини тақдим этиши ва белгиланган тартибда солиқларни (йиғимларни) тўлаши қайд этилди.

Айниқса тижорат банкларидан олинадиган фойда солиғи ставкасининг алоҳида 20 фоиз ставкада белгиланиши, муддати ўтган кредитлар салмоғининг ошиши, мазкур молиявий институтларнинг ушбу шароитда инвестицион фаолиятини рағбатлантириши ва аҳолининг кенг қатламларини банк хизматлари билан камраб олиш мақсадида банк инфратузилмаларини яратиш, бунинг учун янги дастурий технологиялар жорий этиш, асбоб-ускуналарни харид қилишга имкониятларини ошириш лозим.

Аксарият хорижий мамлакатлар тижорат банкларида AML («Anti-Money Laundering» – «Пул ювишга қарши кураш») ва KYC («Know Your Customer» – «Ўз мижозингни бил») тизимлари ишлайди. Тижорат банклари улардан фойдаланиш жараёнида шубҳали операцияларни таҳлил қилади ва ноқонуний пул оқимлари белгилари аниқланса, бу ҳақда солиқ идораларига ва иқтисодий жиноятларга қарши кураш органларига хабар беради. Ўзбекистонда солиқ органлари тижорат банкларидан бундай маълумотларни олмайди. Бу борада назорат йўқлиги «яширин иқтисодиёт»нинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий омилларидан биридир³⁷.

Банк ҳақиқий тижорат фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган солиқни режалаштириш билан шуғулланмаслиги керак.

Битимлар банк учун солиқ натижаларини келтириб чиқарадиган ва асосий иқтисодий оқибатларга мос келмайдиган тарзда тузилмаслиги керак, агар бундай натижани бериш учун махсус қонун ҳужжатлари мавжуд бўлмаса. Бундай ҳолда, банк битим парламентнинг ниятларига зид бўлмаган банк учун солиқ натижасини берадиган тарзда тузилган деб асосли равишда ишониши керак.

Агар банк бошқа томонлар учун ушбу келишувларнинг солиқ натижалари парламент ниятларига зид эмас деб асосли равишда ишонмаса, келишувларни бошқа томонларга тарғиб қилиш мумкин эмас.

³⁷ <https://zamin.uz/iqtisodiyot/70605-banklar-jashirin-itisodietga-baram-berish-uchun-mizhozlarning-isobvaralari-aida-soli-idoralariga-ahborot-beradi.html>

Банк ходимлари, шу жумладан юқори лавозимли ходимлар учун иш ҳақи пакетлари шундай тузилган бўлиши керакки, банк солиқ ва давлат суғурта бадаллари тўғри миқдорда меҳнат мукофотлари бўйича тўланади, деб асослантирсин.

Бизнес қарорларини қабул қилишда солиқ сиёсати эътиборга олиншини таъминлаш учун маҳсулотни тасдиқлаш комиссиялари ёки бошқа воситалар ёрдамида тегишли жараёнларни сақлаб туриш керак. Банкнинг солиқ департаменти муҳим роль ўйнаши керак ва унинг фикри бизнес бўлинмалари томонидан эътибордан четда қолмаслиги керак. Солиқ департаменти ва бизнес бўлинмаси рози бўлмаган ҳолларда юқори раҳбариятга ҳужжатлаштирилган мурожаат қилиш жараёни бўлиши мумкин.

HMRC узоқ вақтдан бери банклар ўзларининг солиқ мажбуриятларини ёки мижозларининг солиқ мажбуриятларини камайтиришга ҳаракат қилишлари мумкин бўлган операцияларни амалга оширишлари мумкинлигидан хавотирда. Ҳукумат, шунингдек, банклар ва уларнинг мижозлари солиқларнинг "адолатли улушини" тўлашлари керак, деб ҳисоблайди, айниқса, банк тизимини солиқ тўловчиларнинг пуллари билан барқарорлаштириш керак³⁸.

Тижорат банкларини рейтинг асосида баҳолашда солиқларни таъсирини баҳолашда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

алоҳида банк операцияларини солиққа тортиш механизмининг ўрганишга асосланган банк фаолиятининг солиққа тортишни ўрганишнинг анъанавий ёндашувларидан фарқли ўлароқ, солиққа тортишнинг банкнинг молиявий оқимларига таъсирини баҳолашга комплекс ёндашув илмий асосланган бўлиши ва у қуйидагилардан иборат: солиқ юки ва банк фаолияти рентабеллиги динамикасини таҳлил қилиш, иқтисодий мақсадга мувофиқлигини, банкнинг молиявий оқимларига таъсир қилиш йўналишлари ва чегараларини прогнозлаш, шунингдек, банк соҳасида солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини тартибга солиш ва назорат қилиш;

солиқ юкининг ўзаро боғлиқ кўрсаткичлари асосида солиқ солишнинг банк фаолиятининг рентабеллигига таъсирини баҳолашнинг назарий модели ишлаб чиқиш. Бу банкка солиқни режалаштириш чора-тадбирлари самарадорлигини баҳолаш имконини беради ва давлат - солиқ назоратини янада чуқурроқ талаб қиладиган банкларни аниқлашга ёрдам беради.

³⁸ <https://www.jonesday.com/en/insights/2010/03/code-of-practice-on-taxation-for-banks>

Режапов Сайдулла Хикматуллаевич

Alfraganus университети, “Ижтимоий фанлар” факультети

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация: Мақолада давлат харидларининг аҳамияти, электрон савдо орқали амалга оширилган давлат харидлари бўйича битимлар сони ва улардаги кичик бизнес субъектларининг улуши таҳлил қилинган. Давлат харидларини амалга оширишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: давлат харидлари, савдо, электрон савдо, битим, кичик бизнес.

Аннотация: В статье проанализировано значение государственных закупок, количество сделок государственных закупок, осуществляемых посредством электронной коммерции, и доля в них субъектов малого предпринимательства. Разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию осуществления государственных закупок.

Ключевые слова: государственные закупки, торговля, электронная коммерция, сделка, малый бизнес.

Abstract: The article analyzes the importance of public procurement, the number of public procurement transactions carried out through e-commerce, and the share of small businesses in them. Proposals and recommendations have been developed to improve the implementation of public procurement.

Key words: government procurement, trade, e-commerce, transaction, small business.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётига барқарор ривожланишни таъминлашда давлат молиясини бошқаришнинг ислоҳ этиш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришларнинг таркибий қисми сифатида, давлат харидини ташкил этишни тубдан ислоҳ этиш, уни тартибга солувчи ҳуқуқий базани шакллантириш, давлат харажатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бюджет маблағларини тежаш ва кичик бизнес субъектлари ўртасида эркин рақобатни ривожлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш механизмининг самарали ташкил этилиши, асосан, соҳада фаолият олиб бораётган малакали мутахассисларнинг малака даражаси, профессионал тайёргарлиги боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда давлат хариди билан шуғулланадиган ходимларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бевосита ҳуқуқатнинг зиммасига юклатилган вазифаси ҳисобланади.

Давлат харидини бошқаришга тизимли ёндашув мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай экан, давлат эҳтиёжлари учун товар (иш, хизмат)ларни харид

қилишни режалаштириш, электрон савдоларда рақобат муҳити шаффофлигини таъминлаган ҳолда амалга ошириш жараёни давлат хариди тизимини юзага келтиради[1].

Хорижлик иқтисодчи олим А.Филиппов[2] “давлат харидларини инновацияга йўналтирилганлиги жиҳатидан уч турга ажратиб кўрсатади: – стандарт танлов мезонлари асосида “стандарт” товар (хизмат) (автомобиль, офис жиҳозлари)лари бўйича давлат харидларини расмийлаштирилиши; – “мураккаб” танлов мезонлари асосида технологик ва илмий сиғимкорлиги юқори бўлган товар (хизмат) (саноат ва тиббий жиҳозлар, архитектура лойиҳа)лари бўйича давлат харидларини расмийлаштирилиши; – илмий тадқиқот натижалари бўйича давлат харидлари, бунда танлов мезонлари хусусий аҳамиятга эга бўлиши билан ажралиб туради” деб таъкидлаб ўтган.

В.Овчинский “давлат эҳтиёжларини таъминлаш иқтисодий самарадорлигини аниқлаш давлат буюртмачилари талабларини шакллантириш билан боғлиқлигини таъкидлайди. Бунда, биринчидан, давлат харидларини режалаштиришда буюртмаларни етказиб бериш бошланғич (максимал) нархларини асослаш муҳим ҳисобланади ва буюртмачи асосий ролни ўйнайди. Иккинчи босқичда шартномаларни бажариш учун ишларни амалга ошириш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, етказиб берувчи асосий ролга эга бўлади”[3], деб таъкидлаб ўтади.

Давлат харидлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тадбиркорларнинг электрон харидларни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар берди. Мамлакатимизда мазкур механизмнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, соҳага оид 30 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Давлат харидларини амалга оширишга йўналтирилган давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалардан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш, харидларнинг кенг ва қулай бўлиши учун кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига фаол жалб этиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2020-йилга қадар тадбиркорлик субъектларига маълумотларни етказиш, давлат харидлари соҳасида тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш, электрон харидлар бўйича иш механизмини соддалаштириш натижасида тадбиркорларнинг давлат харидларидаги иштироки фаоллашди.

1-жадвал**Электрон савдо орқали амалга оширилган давлат харидлари бўйича битимлар сони ва улардаги кичик бизнес субъектларининг улуши**

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Электрон давлат харидларида амалга оширилган битимлар сони	347 038	470 285	301 230	419 758	490 677	473 661
Улардан: кичик бизнес субъектлари томонидан бажарилган битимлар сони	345 456	467 825	299 047	417 239	487 998	468 071
Битимлар сонига нисбатан улушлар	99,5	99,5	99,3	99,4	99,5	98,8

Келтирилган 1-жадвалда 2022-йилда давлат харидларида иштирок этаётган тадбиркорлик субъектлари сони 58 минг 701 тани ташкил этди, шундан 85,6 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. Электрон давлат харидлари бўйича амалга оширилган битимлар сони ва улардаги кичик бизнес субъектларининг улушини таҳлил қиладиган бўлсак, 2017-йилда 347 038 та битим тузилган бўлиб, шундан 99,5 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган . 2022 йилга келиб, электрон савдолар орқали тузилган битимлар сони 473 661 та битимни ташкил этди, шундан 98,8 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилди.

Давлат харидлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг шаклланишига бевосита таъсир қилади. Давлат харидлари тизимини изчил такомиллаштириш орқали уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ҳам оширишга эришилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2022-йилда мамлакатимизда давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган харидлар улуши ялпи ички маҳсулотнинг 21,4 фоизини ташкил этди.

Мамлакатда давлат харидларини амалга оширишда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар:

1. Ахборотнинг етарли эмаслиги: Асосий муаммолардан бири давлат харидлари бўйича ахборотнинг етарли эмаслигидир. Бунинг сабаби маълумотларнинг ўз вақтида нашр этилмаслиги ёки фақат тор доирадаги манбаларда нашр этилиши ва уни кенгроқ аудиторияга кириш имконига эга бўлмаганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Маълумотлар тўлиқ ёки тушунарсиз бўлиши мумкин, бу харид жараёнини тушунишни қийинлаштиради.

2. Коррупция ва қонунбузарликлар: Давлат харидларини ахборот билан таҳминлаш ҳам коррупция ва қонунбузарликлар муаммосига дуч келмоқда. Баъзи миждозлар пора ёки бошқа имтиёзлар эвазига фақат маълум етказиб берувчиларга маълумот бериши мумкин. Маълумотлар ўзгартирилиши ёки сохталаштирилиши мумкин, бу нотўғри қарорларга олиб келиши мумкин;

3. Тизимнинг номукамаллиги: Ниҳоят, давлат харидларини ахборот билан таҳминлаш тизими номукамал бўлиши мумкин. Масалан, электрон платформалар етарли даражада функционал бўлмаслиги ёки халқаро стандартларга жавоб бермаслиги мумкин. Мониторинг ва назорат қилиш тизимлари самарасиз бўлиб, улар коррупция ва қонунбузарликларнинг олдини олишга етарли имконият бермайди.

4. Самарадорликнинг йўқлиги: Яна бир муаммо давлат харидлари жараёнида самарадорликнинг йўқлиги бўлиши мумкин. Бу лойиҳани амалга оширишнинг кечикишига, шунингдек, давлат харидлари харажатларининг ошишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда давлат харидларини амалга оширишни такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- барча давлат харидлари, иштирокчилари, муддатлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган ягона маълумотлар базасини яратиш;

- харидлар жараёнини мониторинг қилиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, янада замонавий технологиялар ва электрон тизимларни жорий этиш;

- кенг жамоатчилик ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг ахборотдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бу жараённинг рақобат ва шаффофлигини оширади.

- ҳужжатларни электрон имзолаш ва тасдиқлаш жараёнини такомиллаштириш ва соддалаштириш зарур.

Умуман олганда, давлат харидларини амалга оширишни такомиллаштириш Ўзбекистонда бюджет харажатларини ишлатилишини самарадорлиги ва шаффофлигини оширади ва жамият эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАТИЖАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишни солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва солиқ муносабатлари иштирокчиларининг фаолиятини Солиқ кодекси нормалари асосида тартибга солиш иқтисодий аҳамиятга эга.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини ошириш йўллари куйидаги йўналишлар деб ҳисоблаймиз:

- солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш;
- масафавий солиқ назорати шакллари ва солиқ текшируви турларидан фойдаланиш;
- солиқ маслаҳати институтини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларидан бири бу замонавий ахборот технологияларини қўллаш асосида рақамлаштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 сонли Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтишнинг стратегиясини белгилаб берди.³⁹ “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси бевосита солиқ назоратини рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда иқтисодиётини рақамлаштиришни ривожлантириш шароитида қонун бузилиши, солиқ солинадиган базани пасайтириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш учун солиқ тизимини такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришга трансформация қилиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш зарурияти хусусида С.Гупта[2] куйидагиларни таъкидлайди: “Рақамлаштириш солиқ маъмуриятлари фаолиятини ўзгартириб, жараён самарадорлиги ва хизматлар кўрсатишни яхшилашга ёрдам беради. Ёрқин мисол – фирмалар ва солиқ органи ўртасида ҳисоб-китоб маълумотларини автоматик тарзда ўтказиш имконини берувчи электрон ҳисобварақ-фактуранинг (е-инвойсинг) қабул қилиниши”

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 сонли Фармони.

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш асосида такомиллаштириш борасида Европада маълум ишлар амалга оширилмоқда. Европада алоҳида мамлакатларда ягона ҳисобот стандарти жорий қилинган. ИХТТ(иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Organisation for Economic Cooperation and Development) томонидан ишлаб чиқилган ягона ҳисобот стандарти SAF-T(Standard Audit File for Tax) Европа Иттифоқининг турли мамлакатларида фаол амалга оширилмоқда. Масалан, 2020 йилда ушбу ягона стандарт Норвегия томонидан жорий этилган.[3]

Солиқ назоратига А.С.Адвокатова[4] куйидагича таъриф берган: “Солиқ назорати, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг ажралмас қисми сифатида, жамиятнинг барча жабҳаларида давлат олдида турган муаммоларни ҳал этишни таъминлайдиган, давлатнинг молиявий ресурсларини энг самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш учун йўналишлар ва йўллари таъминлайдиган давлатнинг молиявий сиёсатини амалга ошириш.”.

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришнинг жорий этилишини ижобий томонлари куйидагилар деб ҳисоблаймиз:

- солиққа тортишнинг баъзаси кенгайди;
- шаффофлик ва ишончни оширади;
- рақамли технологиялар солиқларни тўлаш учун сарфланадиган вақтни камайтиради;
- солиқ маъмуриятчилигини самарадорлигини оширади;
- солиқ назоратининг натижавийлиги ошади.

Бизнинг фикримизча иқтисодчилар қайд этган мезонлардан ташқари солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш натижасида:

- солиқ базаси билан боғлиқ ахборотлар электрон базасини шакллантириш;
- солиқ тўловчиларга контрагентлар тўғрисидаги ахборотларни етказиб бериш;
- солиқ қарздорлик ҳолати тўғрисидаги тезкор ахборотларни шакллантириш;
- солиқ тўловчилар учун зарур қонунчиликдаги янгиликлар, услубий-тушинтириш ҳужжатларини тезкор етказиш;
- солиқ тўловчилар, ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик масалаларда тезкор ва сифатли ахборот алмашувини амалга ошириш йўлга қўйилади.

Таҳлиллар натижасига кўра рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ органлари маъмурий босим тамойилидан воз кечиб, солиқ маъмуриятчилигини

рақамли тизим асосида солиқ тўловчилар билан ҳамкорликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларидан бири бу замонавий ахборот технологияларини қўллаш асосида солиқ назоратининг замонавий шакллари қўллашдир.

Жаҳон амалиётида маълумки, мамлакатларда солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ҳамда солиқ тўловчилар томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик оқибатида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш солиқ текширувларининг пировард натижаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**”ги 717-И-сон Қонунинг 2 моддасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқ текшируви орқали тартибга солиш белгилаб қўйилган⁴⁰. Ушбу қонунга асосан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқ органлари томонидан солиқ назорати ўтказилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимиздаги солиқ назорати бўйича меъёрий ҳужжатларни таҳлил қиладиган бўлсак, аввало, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 136-моддасида солиқ назоратининг солиқ текширувлари ва солиқ мониторинги шаклида амалга ошириш кўзда тутилган (1-расм).



1-расм. Солиқ назоратининг шакллари⁴¹

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини оширишда солиқ назоратининг солиқ мониторинг шаклидан кенг фойдаланишдир.

Солиқ мониторингининг асосий мақсади солиқ органлари томонидан назорат қилинадиган солиқ, валюта ва бошқа қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хавфли операцияларига ўз вақтида чора кўриш ва уларнинг олдини олиш орқали солиқ органлари ва йирик солиқ тўловчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини яратишдан иборат. Шунингдек,

⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги 717-И-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 21.01.2023 й., 03/23/815/0044-сон.

⁴¹ Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

солиқ мониторинги бизнес ва солиқ органлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўлиб, солиқ текширувларидан озод қилиш эвазига тўлиқ шаффофликни назарда тутди.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини ошириш йўлларида бири бўлиб камерал солиқ текшируви ҳисобланади. камерал солиқ текширувининг хусусияти шундан иборатки, солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ ва йиғимлар масафодан туриб янги технологияларни қўллаган ҳолда ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини оширишда солиқ маслаҳати институтидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ маслаҳатчилари молиявий масалалар, шу жумладан солиққа тортиш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатувчи, солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муносабати билан хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат билан молиявий ва солиқ муносабатларини бошқариш муаммоларини ҳал қилади.

Бугунги кунда солиқ маслаҳатчиси касби дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида меҳнат бозорини фаол равишда забт этмоқда. Ҳар бир мамлакатда бу касбнинг ўзига хос тарихи ва анъаналари бор. Қонунчиликни қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан бутун дунё бўйлаб иқтисодчилар солиқ маслаҳати давлат томонидан тартибга солинадиган ва ўзини ўзи тартибга солувчига ажратадилар.

Россия солиқ маслаҳатчиларининг ўзини ўзи тартибга солувчи бозорига эга мамлакатлардан биридир. Улар орасида Буюк Британия, Ирландия, Голландия, Белгия, Финляндия ва Швейцария каби давлатлар ҳам бор. Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун мавжуд бўлган мамлакатларга Ўзбекистон Республикаси, Германия, Чехия, Словакия, Польша, Австрия, Венгрия, Италия, Франция, Хорватия, Люксембург ва Португалия киради.

Хориж мамлакатлари тажрибасини ўрганиш асосида солиқ маслаҳатчиларининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектлар, яъни солиқ тўловчиларга солиқ тўловлари ва йиғимлари бўйича мавжуд саволлар бўйича ёрдам бериш бўлиб ҳисобланади.

Солиқ маслаҳати фаолиятини тартибга солиш борасида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 4 августда қабул қилинган **“Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-787-сон қонунида** солиқ маслаҳатига оид фаолият — солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатишга

доир фаолияти деб эътироф этилган⁴². Ушбу қонунда миждозга (ишонч билдирувчига) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш, солиқ ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш масалалари бўйича маслаҳат бериш кўзда тутилган бўлиб, бу хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда, яъни 2023 йил 1 сентябрь ҳолатига мамлакатимизда 73 та солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари 73 та бўлиб, уларда 186 нафар солиқ маслаҳатчилари фаолият кўрсатмоқда.

Биринчидан, солиқ тўловчилар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини ошириш йўллари бўлиб, солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш, масафовий солиқ назорати шакллари ва солиқ текшируви турларидан фойдаланиш, солиқ маслаҳати институтини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш ҳисобланади.

Иккинчидан, солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришнинг жорий этилишини ижобий томонлари қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

солиққа тортишнинг баъзаси кенгайди;

шаффофлик ва ишончни оширади;

рақамли технологиялар солиқларни тўлаш учун сарфланадиган вақтни камайтиради;

солиқ маъмуриятчилигини самарадорлигини оширади;

солиқ назоратининг натижавийлиги ошади.

Учинчидан, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларидан бири бу замонавий ахборот технологияларини қўллаш асосида солиқ назоратининг замонавий шаклларини қўллашдир.

Исаев Аслиддин Икром ўғли

ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН МОНИТОРИНГ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада тадбиркорлик субъектларида солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш учун мониторинг ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш масалалари ўрганилган бўлиб, илмий хулоса шакллантирилган.

⁴² Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 4 августда қабул қилинган “Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-787-сон қонуни.

Калит сўзлар: солиқ, имтиёз, кредит, тадбиркорлик. Шаффофлик, самарадорлик.

Аннотация: В статье исследованы вопросы совершенствования системы мониторинга и оценки для повышения эффективности налоговых льгот субъектов предпринимательства, а также сформирован научный вывод.

Ключевые слова: налог, льгота, кредит, предпринимательство. Прозрачность, эффективность.

Abstract: In the article, issues of improving the monitoring and assessment system to increase the effectiveness of tax benefits in business entities were studied, and a scientific conclusion was formed.

Key words: tax, benefit, credit, entrepreneurship. Transparency, efficiency.

Солиқ имтиёзлари мамлакатнинг фискал сиёсатида ҳал қилувчи ўрин тутиб, муайян хатти-ҳаракатларни рағбатлантириш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, жисмоний шахслар ва корхоналарга мақсадли ёрдам кўрсатиш учун кучли восита бўлиб хизмат қилади. Аммо солиқ имтиёзларининг муваффақияти уларни самарали амалга ошириш ва баҳолашга боғлиқ. Ушбу рағбатлантиришлар ўз олдига қўйилган мақсадларга эришишини таъминлаш учун мониторинг ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарур.

Солиқ кредитлари ёки имтиёзлар шаклида бўлиши мумкин бўлган солиқ имтиёзлари бутун дунё бўйлаб ҳукуматлар томонидан турли мақсадларга эришиш учун фойдаланилган. Буларга инвестицияларни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратишни рағбатлантириш, тадқиқот ва ишланмаларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш киради. Солиқ имтиёзлари тўғри ишлаб чиқилган ва бошқарилса, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий мақсадларига эришиш учун кучли восита бўлиши мумкин.

Солиқ имтиёзлари катта ваъдаларга эга бўлсада, уларни амалга ошириш ва таъсирни баҳолаш кўпинча қийинчиликларга дуч келади:

Биринчидан, солиқ имтиёзларини бошқаришда шаффофликнинг етарли эмаслиги имтиёзлар мезонлари ва имтиёзлар доираси ҳақида аниқлик йўқлигига олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ва таъсири бўйича тўлиқ ва аниқ маълумотларни олиш қийин бўлиши мумкин, бу эса самарали баҳолашга тўсқинлик қилади.

Учинчидан, Солиқ кодексининг бир нечта қоидалари ва тез-тез ўзгартирилиши билан мураккаблиги, муайян имтиёзларнинг самарадорлигини кузатиш ва баҳолашни қийинлаштириши мумкин.

Тўртинчидан, баъзи солиқ имтиёзлари тартибга солувчи бўшлиқлардан азият чекиши мумкин, бу эса мақсадсиз фойдаланиш ёки сууистеъмол қилиш имконини беради.

Бешинчидан, кўпгина мамлакатлар солиқ имтиёзларини жиддий баҳолашни амалга оширмайдилар, бу эса улар ўз мақсадларига эришяптими ёки йўқлигини аниқлашни қийинлаштиради.

Солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш учун мониторинг ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш орқали ушбу муаммоларни ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун эса қуйидаги амалларни бажариш лозим бўлади:

Аниқ ва шаффоф йўриқномалар - солиқ имтиёзлари дастурлари аниқ мувофиқлик мезонлари ва мақсадлари билан яхши ҳужжатлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Чунки бу шаффофликни оширади ва бошқарув жараёнини соддалаштиради.

Маълумотлар тўплаш - самарали маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун тизимлар ва технологияларга сармоя киритиш керак. Сабаби жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларининг солиқ имтиёзларидан фойдаланишини кузатувчи тўлиқ маълумотлар базалари муҳим аҳамиятга эга.

Доимий таъсирни баҳолаш - солиқ имтиёзларининг таъсирини мунтазам равишда баҳолашнинг тизимли тизимини жорий этиш керакки, бу баҳолашлар имтиёзлар мўлжалланган мақсадларга эришяптими ёки йўқлигини баҳолаши ва керак бўлганда тузатишларни тавсия қилиши керак.

Манфаатдор томонларнинг иштироки - қимматли тушунчаларга эга бўлиш ва адолатли ва мувозанатли баҳолашни таъминлаш учун тегишли манфаатдор томонларни, жумладан корхоналар, солиқ тўловчилар ва экспертларни баҳолаш жараёнига жалб қилиш лозим.

Норматив назорат - солиқ имтиёзларидан нотўғри фойдаланиш ёки сууистеъмол қилишнинг олдини олиш учун тартибга солувчи назоратни кучайтириш керак бўлади. Бу мавжуд қоидаларни қайта кўриб чиқиш ёки ҳар қандай бўшлиқларни бартараф этиш учун янгиларини киритишни ўз ичига олиши мумкин.

Солиқ кодексини соддалаштириш - мураккабликни камайтириш ва солиқ имтиёзларини бошқариш ва баҳолашни осонлаштириш учун солиқ кодексини тартибга солишни кўриб чиқиш лозим. Чунки ҳар қандай имтиёз Солиқ кодекси билан тартибга солинади.

Аҳолини хабардор қилиш - солиқ тўловчилар ва тадбиркорлик субъектларини мавжуд солиқ имтиёзлари тўғрисида ўргатиш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш керак, бунда малакали шахслар улардан фойдаланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, солиқ имтиёзлари ҳукуматлар учун иқтисодий ва ижтимоий мақсадларга эришиш учун кучли воситадир, аммо уларнинг муваффақияти самарали мониторинг ва баҳолашга боғлиқ. Шаффофлик, маълумотларни тўплаш ва мураккаблик муаммоларини ҳал қилиш ҳамда таъсирни мунтазам баҳолаш, тартибга солиш назорати ва жамоатчиликни хабардор қилиш кампаниялари каби стратегияларни амалга ошириш орқали мамлакатлар солиқ имтиёзлари дастурлари самарадорлигини ошириши мумкин. Бу нафақат белгиланган сиёсат мақсадларига эришишга ёрдам беради, балки жисмоний шахсларга ҳам, тадбиркорларга ҳам фойда келтирадиган адолатли солиқ тизимини таъминлайди.

Файзиев Умуркул Шухратович

Докторант Ташкентского финансового института

Приемы аналитических процедур используемые в ходе аудиторской проверки.

Annotatsiya. Ushbu ish tahliliy tartiblarni ko'rib chiqish, korxonalarining moliyaviy holatini tahlil qilish va shu bilan baholash, kamchiliklarni aniqlash va mahalliy korxonalarining moliyaviy ahvolini yaxshilash bo'yicha chora-tadbirlarni ishlab chiqishga bag'ishlangan. Ham xorijiy, ham mahalliy modellar kafolatlangan barqarorlik va iqtisodiy o'sish imkoniyatlarini hisobga olmaydi. Shu munosabat bilan o'rganilayotgan hodisalarni tahlil qilish va audit qilish va xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning moliyaviy holatini baholashga yangi yondashuvlarni izlash dolzarbligi tug'iladi.

Kalit so'zlar: audit protseduralari, audit texnikasi, moliyaviy samaradorlik, iqtisodiy o'lchov, mintaqalararo savdo, moliyaviy resurslar.

Аннотация. Данная работа посвящена рассмотрению аналитических процедур, анализу и таким путем оценке финансового состояния предприятий, выявлению недостатков и разработке мер по улучшению финансового положения отечественных предприятий. Как зарубежные, так и отечественные модели не учитывают возможность гарантированной стабильной устойчивости и экономического роста. В связи с этим возникает актуальность поиска новых подходов к анализу и аудиту исследуемых явлений и оценке финансового состояния хозяйствующих субъектов.

Ключевые слова: аудиторские процедуры, приемы аудита, финансовая эффективность, экономическое измерение, межрегиональная торговля, финансовые ресурсы.

Annotation. This work is devoted to the consideration of analytical procedures, analysis and thus assessment of the financial condition of enterprises, identification

of shortcomings and development of measures to improve the financial situation of domestic enterprises. Both foreign and domestic models do not take into account the possibility of guaranteed stable sustainability and economic growth. In this regard, the relevance of searching for new approaches to the analysis and audit of the phenomena under study and assessment of the financial condition of business entities arises.

Key words: audit procedures, audit techniques, financial efficiency, economic measurement, interregional trade, financial resources.

Повышение эффективности аудита невозможно без применения аналитических процедур, которые не только снижают трудоемкость работ, но и существенно повышают интеллектуальную составляющую аудиторской деятельности на основе более глубокого понимания бизнеса клиента, его особенностей и закономерностей.

В целях дальнейшего укрепления многоплановых отношений и развития практического регионального взаимодействия считаем целесообразным сфокусировать наши общие усилия на углублении партнерства в следующих ключевых измерениях. Первое – это экономическое измерение. Анализ показывает, что несмотря на положительную динамику потенциал торгово-экономического сотрудничества наших стран все еще остается нераскрытым. Сегодня на внутрирегиональную торговлю приходится от 5 до 10 процентов от общего товарооборота стран региона. В этой связи мы предлагаем активно внедрять новые формы и механизмы стимулирования взаимной торговли. Речь идет о создании системы зон приграничной торговли, с унифицированными правилами и процедурами поставок товаров. Здесь важны понимание и поддержка усилий по замещению дорогостоящего и не всегда качественного импорта из третьих стран продукцией наших производителей.⁴³ В вышесказанной речи главы государства, абсолютно все соответствует решению снабженческих процедур хозяйствующих субъектов в целом сырьем, материалом и всем необходимо нужным для ведения полноценного и эффективного производства. Не секрет, что чаще всего, именно нехватка или дефицит сырья и материалов становятся причиной остановки производства, прекращения выпуска продукции, искусственного завышения их цен, что отрицательно сказывается на рынке в целом, соответственно негативно влияет на финансовое состояние предприятий. Исходя из этого, можно твердо сказать, что все слова приведенные из речи президента на консультативной встрече глав

⁴³ Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на четвертой Консультативной встрече глав государств Центральной Азии 21 июля 2022года

государств Центральной Азии имеют место в межгосударственных торговых отношениях и смогут положительно повлиять на развитие предприятий всех соседних стран и нашей страны в том числе. Так как, это значительно снизит дефицит сырья и поспособствует снижению цен на данное сырье, что в свою очередь также положительно скажется на себестоимости данного товара. Анализ и аудит соответственно помогут нам раскрыть уровень истинного выполнения данных задач.

Основные причины возрастания роли аналитических процедур в аудите можно свети к следующим обстоятельствам:

- необходимость квалифицированного понимания бизнеса клиента, отрасли его деятельности, существенных закономерностей бизнеса и взаимосвязей между показателями, его характеризующими;

- необходимость снижения трудоемкости аудита; концентрации внимания аудитора на наиболее важных моментах или на «зонах риска», что сокращает объем проверок и, как следствие, сроки их проведения;

- необходимость решения специфических задач, стоящих перед аудитором, которые могут быть решены только с использованием аналитических процедур. В частности, это вопросы оценки эффективности ведения дел руководством организации, а также оценка способности аудируемого лица непрерывно продолжать свою деятельность.

Аналитические процедуры в аудите – это комплекс процедур, с помощью которых оценивается достоверность отчетности, исследуется текущее состояние организации с целью оценки допущения непрерывности деятельности организации и эффективности ведения дел ее руководством, а также прогнозируется будущее развитие организации в самых существенных аспектах деятельности: финансовом, производственном, рыночном. Решение о целесообразности тех или иных аналитических процедур проверки по существу обусловлено характером предпосылки и оценкой аудитором риска существенного искажения. Например, если средства контроля за процессами обработки заказов на продукцию являются недостаточно эффективными, то в отношении предпосылок, связанных с дебиторской задолженностью, аудитор может в большей степени полагаться на детальные тесты, чем на аналитические процедуры проверки по существу. Для проведения аналитических процедур могут использоваться различные методы - от простого сопоставления до комплексного анализа с применением передовых статистических методик. Аналитические процедуры могут быть проведены в отношении консолидированной финансовой отчетности, ее компонентов и отдельных элементов информации. В ходе проведения аудита доходов аудитору необходимо получить представление об оформлении поступления целевых

средств в бухгалтерском учете. Аудитор проверяет ведение аналитического учета по назначению средств в разрезе источников поступлений.

Новому аудитору целесообразно связаться со своим предшественником, от которого он может получить информацию о намерениях руководства, спорных вопросах по поводу применения принципов учета, аудиторских процедур или оплаты. Но предварительно аудитор должен согласовать возможность такого контакта с клиентом. Кроме того, он сможет узнать о методах примененных при проведении анализа данного предприятия с целью оценки влияния различных факторов на объем продаж или объем реализованной продукции. Как известно, на сегодняшний день многие аудиторские компании оказывают сопутствующие услуги, в числе которых, услуги по проведению анализа финансового состояния предприятия в целом, что дает организации еще большую уверенность в своем будущем.




Рис.1. Основные факторы, влияющие на надежность аналитических процедур

Результатами выполнения аналитических процедур является выявление аудитором наличия или отсутствия необычных отклонений показателей бухгалтерской отчетности экономического субъекта. В ходе аналитических процедур нередко выясняется, что компания клиента столкнулась с серьезными финансовыми затруднениями. При оценке аудиторского риска, равно как и в связи с тем, что администрация, составляя финансовую отчетность, исходит из предпосылки, что ее предприятие останется действующим, аудитор должен

иметь в виду некоторую вероятность банкротства клиента. Предвидеть такую вероятность помогают определенные аналитические процедуры.

Существуют три аспекта проектирования аналитических процедур: во-первых, выбор наиболее подходящего типа аналитической процедуры, во-вторых, выбор подходящей даты, в –третьих, установление правила принятия решения при определении необычных колебаний. Большая часть компаний делает расчеты по различным аспектам своих хозяйственных операций и финансовых результатов. Поскольку расчеты отражают прогнозы клиента на данный период, то исследование наиболее важных сфер (в которых есть резкие отклонения фактических показателей от плановых) может выявить свидетельства потенциальных ошибок. Равным образом отсутствие подобных расхождений может говорить о том, что ошибки маловероятны.

Таким образом, при сопоставлении фактических данных о клиенте с данными его прогнозов следует учитывать два особых момента. Прежде всего аудитор должен оценить, насколько реалистичны были прогнозные расчеты, поскольку в некоторых хозяйственных системах они составляются не очень продуманно или не очень старательно, а поэтому им нельзя полностью доверять. Такая информация не может служить ценным свидетельством для аудитора. Второй момент – это вероятность того, что персонал клиента изменил текущую финансовую информацию, согласовав ее с прогнозными расчетами. Если это было, то аудитор не найдет расхождений при сравнении фактических и прогнозных данных даже при наличии ошибок в финансовой отчетности. Чтобы решить первую проблему, аудитор беседует о процедурах составления прогнозов с персоналом клиента и изучает все влияния на протяжении лет применив трендовый анализ, что даст ответ на то, насколько правдоподобным может быть прогноз, насколько правильно произведены расчеты по ожиданиям.

PhD, dotsent Razzakov Jasur Xamraboyevich

Toshkent moliya instituti

BIZNES LOYIHALARINI QIMMATLI QOG‘OZLAR ORQALI MOLIYALASHTIRISHNING XORIJ TAJRIBASI

Annotatsiya. Mazkur maqolada biznes loyihalarini qimmatli qog‘ozlar orqali moliyalashtirishning amaldagi holatini tahlil qilishda aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyoti bosqichlari, O‘zavtomotors AJ tomonidan o‘tkazilgan IPO amaliyoti ko‘rsatkichlari hamda joylashtirish tartibi o‘rganilgan. Amalga oshirilgan tadqiqotlar asosida tegishli xulosalar va takliflar shakllantirilgan.

Tayanch so‘zlar: aksiya, obligatsiya, aksiyalarni ommaviy joylashtirish, IPO, SPO, biznes loyihalarini moliyalashtirish, emissiya.

Аннотация. В данной статье исследуются этапы практики публичного размещения акций, показатели практики проведения IPO АО «Узавтомоторс» и процедуры публичного размещения при анализе текущего состояния финансирования бизнес-проектов за счет ценных бумаг. На основании проведенного исследования формируются соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: акции, облигации, публичное размещение акций, IPO, SPO, финансирование бизнес-проектов, эмиссия.

Abstract. In this article, the stages of the practice of public offering of stocks, the indicators of the practice of IPO conducted by Uzautomotors JSC and the procedure of public offering are studied in the analysis of the current state of financing of business projects through securities. Relevant conclusions and proposals are formed based on the conducted research.

Keywords: stock, bond, public offering of stocks, IPO, SPO, financing of business projects, issue.

Bugungi kunda mamlakat iqtisodiyotini kuchaytirish iqtisodiyotning turli tarmoqlarida biznes loyihalarini samarali amalga oshirish orqali amalga oshirilmoqda. Shu bois hozirga qadar biznes loyihalarini moliyalashtirishning ko‘plab shakllari vujudga kelgan hamda xususiyatlaridan kelib chiqqan holda barcha mamlakatlarda xilma-xil biznes loyihalarini moliyalashtirish shakllari qo‘llanmoqda. Mazkur biznesni moliyalashtirish shakllari orasida qimmatli qog‘ozlar orqali moliyalashtirish dunyo bo‘yicha keng tarqalgan amaliyotlardan biri hisoblanadi. Shu sababli ko‘plab tadqiqotchilar tomonidan mazkur masalalarda izlanishlar olib borilgan.

Biznes loyihalarini qimmatli qog‘ozlar orqali moliyalashtirish bo‘yicha ko‘plab tadqiqotlar olib borilgan. X.Lu va boshqalar fikricha, “yashil moliya bozorlaridagi eng yirik bozor kapitallashuvlaridan biri sifatida yashil obligatsiyalar bugungi kunda katta emissiya salohiyati ega hamda yashil moliyalashtirishning boshqa shakllaridan ko‘ra ko‘proq ommalashgan. Xususan, yashil obligatsiyalar emissiya hajmining ortib borayotganligi uning likvidligining ortib borayotganidan dalolat beradi, shuning uchun ular ko‘plab investorlarning e‘tiborini tortmoqda”⁴⁴. Mazkur tendensiya biznes loyihalarini yashil obligatsiyalar orqali moliyalashtirish amaliyotining kengayib borayotganligini ko‘rsatadi.

M.Abdullah va boshqalar tomonidan biznes loyihalarini boshqarishda islom qimmatli qog‘ozlarining o‘rni tadqiq qilingan. “Islom qimmatli qog‘ozlari ham COVID-19 pandemiyasi va global moliyaviy inqiroz davrida biznes loyihalarini

⁴⁴ Xunfa Lu, Nan Huang, Jianlei Mo, Zhitao Ye. Dynamics of the return and volatility connectedness among green finance markets during the COVID-19 pandemic. // Energy Economics, Volume 125, September 2023. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0140988323003584>

moliyalashtirishda yaxshi samaradorlik taqdim etishi kuzatilgan. Islom qimmatli qog'ozlari islom qonunlari yoki shariat qoidalariga muvofiq ishlaganligi sababli islom qimmatli qog'ozlari tizimli risk va noaniqlikning tegishli ta'sirini kamaytirishga intilayotgan investorlar uchun muqobil moliyaviy instrument sifatida qaralmoqda"⁴⁵. Shu sababli islom qimmatli qog'ozlari orqali biznes loyihalarini moliyalashtirish bugungi kunda nafaqat aholisining asosiy qismi musulmon bo'lgan davlatlarda, balki aholisining asosiy qismi musulmon bo'lmagan g'arb davlatlarida ham kengayib bormoqda.

Sh.Li va boshqalar tomonidan obligatsiyalarning biznes loyihalarini moliyalashtirishda qo'llanilishi o'rganilgan. "Sug'urta kompaniyalari, pensiya jamg'armalari va suveren jamg'armalar o'zlarining uzoq muddatli majburiyatlarini muvofiqlashtirish va portfellarini diversifikatsiya qilish uchun infratuzilma loyihalariga uzoq muddatli investitsiyalar kiritishga harakat qiladi. Mazkur jarayonda qarz moliyalashtirish instrumenti sifatida obligatsiyalardan foydalanilmoqda"⁴⁶. Bundan ko'rinadiki, biznes loyihalarini moliyalashtirishda obligatsiyalardan foydalanish xalqaro amaliyotda keng uchraydi.


"Iqtisodiyotni moliyalashtirish va investitsiyalar bo'yicha kuzatilgan tendensiyalar turli ko'k moliyalashtirish (blue financing) instrumentlari orqali qirg'oq va okean bilan bog'liq loyihalarda muhim rol o'ynamoqda. Sektorlarning ko'k iqtisodiyotga o'tishi va ushbu sektorlar taklif etayotgan salohiyatdan foydalanishi uchun bir qator kengaytiriladigan moliyalashtirish vositalarini ishlab chiqish mamlakatlar duch kelayotgan eng dolzarb muammolardan biridir"⁴⁷. Biznes loyihalarini moliyalashtirishda hamda iqtisodiyotning turli tarmoqlarida mazkur instrumentlardan foydalanish imkoniyatlarini o'rganish bugungi kunda aksariyat mamlakatlar uchun muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Xalqaro amaliyotni tahlil qilish orqali qimmatli qog'ozlar emissiyasi biznes loyihalarini moliyalashtirishda keng qo'llanilayotganligini kuzatish mumkin. Xususan, biznes loyihalarini moliyalashtirishning turli shakllari amalda keng qo'llaniladigan davlatlardan biri AQSh hisoblanadi. AQShda so'nggi o'n yillikda aksiyalarni birlamchi ommaviy joylashtirish (IPO) amaliyotiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, 2013-2022-yillarda ko'plab IPO amaliyotlari tashkil etilgan (**1-rasm**).

⁴⁵ Mohammad Abdullah, Mohammad Ashrafur Ferdous Chowdhury, Zunaidah Sulong. Asymmetric efficiency and connectedness among green stocks, halal tourism stocks, cryptocurrencies, and commodities: Portfolio hedging implications. // Resources Policy, Volume 81, March 2023. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0301420723001277>


⁴⁶ Shuai Li, Dulcy Abraham, Hubo Cai. Infrastructure financing with project bond and credit default swap under public-private partnerships. // International Journal of Project Management, Volume 35, Issue 3, April 2017, Pages 406-419. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S026378631730056X>

⁴⁷ Raghu Dharmapuri Tirumala, Piyush Tiwari. Innovative financing mechanism for blue economy projects. // Marine Policy, Volume 139, May 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0308597X20303262>



1-rasm. AQShda 2013-2022-yillarda o‘tkazilgan IPO amaliyotlari soni⁴⁸

So‘nggi o‘n yillikda eng ko‘p IPO amaliyoti 2021-yilda o‘tkazilgan bo‘lib, 1035 tani tashkil etgan (1-rasm). 2016-yilda esa eng kam IPO (133 ta) amaliyotlari tashkil etilgan.



2-rasm. AQShda 2023-yilda o‘tkazilgan IPO amaliyotlari soni⁴⁹

⁴⁸ <https://stockanalysis.com/ipos/statistics/> - qimmatli qog‘ozlar tahlilini amalga oshiruvchi sayt ma’lumotlari

⁴⁹ <https://stockanalysis.com/ipos/statistics/> - qimmatli qog‘ozlar tahlilini amalga oshiruvchi sayt ma’lumotlari

AQShda 2023-yilda o'tkazilgan IPO amaliyotlari tahlil qilinsa, yanvar-iyul oylarida jami 94 ta IPO amaliyoti o'tkazilganligini ko'rish mumkin. Fevral-aprel oylarida AQShda eng ko'p IPOlar tashkil qilingan (2-rasm).

Xalqaro amaliyotda qimmatli qog'ozlar orqali kapital jalb qilish keng qo'llanilayotgan bo'lsada, O'zbekiston singari rivojlanayotgan mamlakatlar uchun biznes loyihalarini moliyalashtirishda qimmatli qog'ozlardan foydalanishda bir qator muammolar saqlanib qolmoqda. Xususan, mamlakatda fond bozorining rivojlanmaganligi, fond bozori rentabelligining pastligi, xalqaro fond bozori bilan integratsiyaning deyarli shakllanmaganligi kabilar shular jumlasidandir. Shu boisdan biznes loyihalarini qimmatli qog'ozlar orqali moliyalashtirish hamda mazkur amaliyotning xorijiy mamlakatlar tajribasini o'rganishda mazkur jihatlarga e'tibor qaratish lozim.

Biznes loyihalarini qimmatli qog'ozlar orqali moliyalashtirish amaliyotini tahlil qilish asosida quyidagi xulosalar va takliflar shakllantirilgan.

Birinchidan, mamlakatimizda biznes loyihalarini qimmatli qog'ozlar orqali moliyalashtirishda aksiyalar va obligatsiyalardan foydalanilmoqda. Biroq biznes loyihalarini qimmatli qog'ozlar orqali moliyalashtirishni samarali tashkil etishda zamonaviy qimmatli qog'ozlar turlarini ko'paytirish lozim.

Ikkinchidan, aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotlarini tashkil etish bosqichlarini to'g'ri tashkil etish lozim. Shuningdek, potensial investorlar uchun roadshoularni tashkil qilishda potensial investorlar faoliyat yuritayotgan mamlakatdagi soliqqa tortish darajasini ham inobatga olish lozim.

Uchinchidan, IPO operatsiyalarining samaradorligini oshirishda aksiyalarning narx diapazonini to'g'ri belgilashi lozim. Mazkur jarayonda aksiyalarning bozor bahosini aniqlash muhim ahamiyatga ega.

*доцент Мавлянова Дилобар Махкамовна
ТГЭУ, кафедра "Бухгалтерский учет"
Жумабаева Жадыра Абдикадировна
Магистр ТГЭУ*

ПОРЯДОК ИСЧИСЛЕНИЯ ИМУЩЕСТВЕННОГО И ТРАНСПОРТНОГО НАЛОГОВ НА ПРЕДПРИЯТИИ ОБЩЕСТВА С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "ТЕХНОПАРК"

В условиях рыночных отношений основным видом государственного контроля за финансово-хозяйственной деятельностью хозяйствующих субъектов считается налоговый контроль. Принимая во внимание ограниченность финансовых ресурсов в нашей стране, которая переходит к рыночной экономике, основными направлениями которой являются такие вопросы, как постепенный перенос реформ во все аспекты жизни общества,

последовательный путь рыночных реформ, налоговая политика также направлена на стимулирование приоритетов социально-экономические процессы.

Независимо от формы собственности, юридические и физические лица с независимым балансом, расположенные на территории Республики Узбекистан, уплачивают налоги на имущество. Согласно Налоговому кодексу Республики Узбекистан, плательщики налога на имущество:⁵⁰

- все юридические лица, ассоциации и организации, которые считаются юридическими лицами;

- банки и кредитные учреждения;

- компания, фирма и другие организации;

- филиалы и другие подразделения, которые стоят на независимом балансе и имеют схему расчета;

- бюджетные организации, издающие конунги и исполнительные органы Государственной власти, местного самоуправления;

- руководство деятельностью коммерческих общественных организаций;

- вновь созданные юридические лица сроком до 2 лет;

- налог уплачивается исходя из стоимости остатка от арендованного имущества:

- арендные организации, которые организованы на базе государственных структур, платят налоги на свою собственную и арендуемую недвижимость.

Значения актива соответствующего баланса вычитаются из его сумм до того, как они будут облагаться налогом:

- основные инструменты;

- капитальные вложения и авансы;

- кредиты и другие заемные средства;

- в вычислительной технике и других пассивных областях;

- использование прибыли за квартал;

кроме того, сумма, подлежащая налогообложению, будет вычтена из;

- стоимость жилищно-коммунальных, культурно-бытовых объектов;

- объекты разборки, отбора, бальзамирования, охоты и переработки сельскохозяйственной продукции;

- естественная сушка, санитарная очистка и средства бережливой безопасности;

- дороги, связь, передача энергии, объекты, которые способствуют их деятельности, и выделенные земли;

- спутники связи;

⁵⁰ Налоговый кодекс Республики Узбекистан-2017г.

- сохраненные объекты в соответствии с решением хукумати;
- транспортные средства субъектов;
- сооружения, за строительство которых был уплачен налог.

Рассчитывается налог в размере 2% от стоимости имущества субъекта, сумма этого налога связана с расходами и выплачивается в первую очередь в местный бюджет.⁵¹

Исходя из бухгалтерской информации, 1/4 годовой суммы в каждом блоке выплачивается в бюджет. Аванс налога осуществляется до 20 числа каждого месяца, и 1/3 квартальной суммы выплачивается в бюджет в микдори.

Субъект предоставляет налоговому контролю в начале года роялти и сумму не облагаемого налогом имущества, предоставляемого с дополнительными льготами.

Средняя стоимость недвижимости рассчитывается в следующем порядке:

- четверть = половина стоимости недвижимости в начале блока + половина стоимости недвижимости в конце блока;

- полугодовой = половина 1 января и половина 1 июля + половина суммы полных сумм за 1 апреля;

- 9 месяцев = половина сумм за 1 января и 1 октября + суммы за 1 апреля и 1 июля соединены и берется 1/3 часть:

- годовой = 1/2 от значения отчетного года до 1 января + 1/2 от значения до 1 января следующего года + полные значения за 1 апреля, 1 июля и 1 октября суммируются и берется 1/4 от общей суммы.

Для расчета средней стоимости имущества используются следующие счета баланса: 0100 - "Основные средства" и 0300 - "Основные средства, сданные в долгосрочную аренду" (- сумма амортизации 0200); 0400 - "Нематериальные активы" (- сумма амортизации 0500); 1000 - "Материалы"; 2010 - "Основное производство"; 2110 - "Полуфабрикаты собственного производства"; 2300 - "Вспомогательное производство"; 2800 - "Готовая продукция"; 2900 - "Товары" (по закупочной цене, НДС не связан); 3000 - "Некапитальные работы"; 3100 - "Расходы следующего периода"; 9410 - "Расходы периода (расходы на лечение)"; 9450 - "Обслуживающие фермы и производство"; расчет с бюджетом по налогам на имущество учитывается на аналитическом счете "налог на имущество" счетов 6410.

Налоги, начисленные по кредиту этого счета:

Дебетовые счета затрат на соответствующие объекты и

Кредит 6410 - "Задолженность по платежам в бюджет"

К сумме налога на имущество, уплаченного в бюджет:

⁵¹ Налоговый кодекс Республики Узбекистан-2017 г.

Дебет 6410 - "Задолженность по платежам в бюджет"

Кредит 5110 - " расчетный счет ".

Если сумма бунака по налогу на имущество уплачена в течение отчетного периода:

ДТ 4410 - " Авансовые платежи по налогам "

Кт 5110 - "расчетная счет".

В процессе расчета за квартал и в конце года эта выплаченная сумма бунака вычитается из общей выплаченной суммы.

Дт 6410 - "Задолженность по платежам в бюджет"

Кт 4410 - "Авансовые платежи по налогам"

На основании приведенных пунктов можно сделать вывод, что в учетной политике, проводимой во всех секторах экономики, роль и значение видов налогов неодинаковы и являются определяющим показателем их места, служащим характерной чертой частного производства. Показал, что необходимо заново настроить описание в процессе учета НДС на предприятиях.

ООО "Технопарк" предполагает правильную организацию расчета налога на добавленную стоимость на частном производственном предприятии и с учетом их специфических организационных и технологических особенностей.

Бабахонов Жаъфар Мухиддинович

ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази мустақил изланувчиси

**КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ
РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ ВА УНИ
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

Аннотация. Корхоналар молиявий фаолиятини солиқлар орқали раъбатлантиришнинг халқаро тажрибаси ўрганилган бўлиб, ривожланган хорижий давлатларнинг солиқ тизими орқали раъбатлантиришнинг муҳим жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз солиқ амалиётида корхоналарнинг солиқ механизми орқали раъбатлантиришнинг устувор йўналишлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: солиқлар, солиқ механизми, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ юки.

Аннотация. Изучен международный опыт стимулирования финансовой деятельности предприятий посредством налогов, а также выделены важные аспекты и особенности стимулирования через налоговую систему развитых зарубежных стран. Также в налоговой практике нашей страны отмечены

приоритетные направления стимулирования предприятий через налоговый механизм.

Ключевые слова: налоги, налоговый механизм, налоговые льготы, налоговое администрирование, налоговая нагрузка.

Annotation. The international experience of stimulating the financial activities of enterprises through taxes has been studied, and the important aspects and specific features of stimulation through the tax system of developed foreign countries have been highlighted. Also, in the tax practice of our country, the priority areas of incentives of enterprises through the tax mechanism have been mentioned.

Key words: taxes, tax mechanism, tax benefits, tax administration, tax burden.

Корхоналарнинг молиявий фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш кўплаб мамлакатларда иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибасидан кўриш мумкинки, мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, инвестицияларни жалб қилиш ва корхоналар ривожланишини қўллаб-қувватлашда солиқларнинг турли хил рағбат чораларидан кенг фойдаланилади.

Корхоналарни солиққа тортишда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш, ўз навбатида, солиқ юкини камайтириш, корхоналарнинг солиқ стратегиясини оптималлаштириш, корхонанинг рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга имкон беради.

Олиб борилган тадқиқот доирасида Хитой, Япония ва АҚШ мамлакатларида корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришнинг илғор тажрибалари ўрганилди.

Хитой иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритиб боради.

Ҳозирги вақтда Хитойда асосий солиқ имтиёзлари хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарга йўналтирилган. Ушбу солиқ имтиёзлари Хитойда камида 10 йилдан ортиқ фаолият кўрсатаётган, товарлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарга берилади.

Мамлакатнинг суёт ривожланган минтақалари иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш мақсадида алоҳида солиқ режимлари белгиланган. Айрим ҳудудлар ва тармоқлар учун корхоналар маълум муддатга мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилиниши мумкин. Шенчжен ва Шанхай каби махсус иқтисодий зоналарида фаолият юритувчи корхоналарга алоҳида солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этилган.

Японияда солиқ тушумлари давлат учун муҳим даромад манбаи бўлиб, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва инфратузилма лойиҳалари каби турли давлат дастурлари ва хизматларини молиялаштириш

учун ишлатилади. Ушбу солиқ тушумлари федерал ва маҳаллий бюджет даражасида йиғилади, бу эса мамлакат бюджети учун барқарор даромад манбасини таъминлайди.

Япония мамлакатада корхоналарнинг молиявий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган турли хил солиқ имтиёзлари ва чоралари мавжудлигини кўришимиз мумкин, хусусан:

- Япония ҳукумати инвестициялар, ўсиш ва иш ўринлари яратишни рағбатлантириш учун корпоратив даромад солиғи ставкаларини пасайтириши мумкин.

- мамлакатда хорижий инвесторлар учун алоҳида солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этилган.

- тадқиқот ва ишланмалар, инновацияларни қўллаб-қувватлаш учун солиқ имтиёзлари ёки кредитлар белгиланган.

- мамлакатнинг кам ривожланган ҳудудларига инвестицияларни жалб қилиш учун махсус солиқ режимлари жорий қилинган⁵².

Бугунги кунда АҚШда олиб борилаётган солиқ ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири – солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, тадбиркорларга ва кичик бизнес субъектларига солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳисобланади.

АҚШ да хўжалик юритувчи субъектларини молиявий рағбатлантириш - бу мамлакатда ишбилармонлик фаоллигини, сармояни ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган солиқ сиёсатини юритиш ҳисобланади. У турли солиқ имтиёзлари ва преференциялари, амортизация йиғимлари ва компанияларнинг ўсиши ва иш ўринлари яратишга ёрдам берадиган бошқа механизмларни ўз ичига олиши мумкин. АҚШ ҳукумати инвестициялар ва компания ўсишини рағбатлантириш учун корпорациялар фойдасига солиқ ставкаларини пасайтиришни назарда тутди.

Кичик бизнес корхоналари учун соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилган бўлиб, янги иш ўринларини яратиш учун солиқ имтиёзлари назарда тутилган.

АҚШнинг айрим штатлари ва минтақаларига сармоя ва ишчи кучини жалб қилиш мақсадида махсус солиқ имтиёзлари тақдим этилган. Компаниялар ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш ёки муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш учун солиқ имтиёзларини олишлари мумкин. Иқтисодий жиҳатдан суст ривожланган ҳудудларга ёки иқтисодиётнинг айрим тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш ва иш ўринларини яратиш

⁵²Кочетков Г.Б. Проблема инноваций в экономике США // США – Канада. 2009. № 4.

мақсадида алоҳида солиқ имтиёзлари берилган бўлиб, солиқ тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби рухсат этилган.

Хорижий мамлакатларда қўлланиладиган солиқ имтиёзларини таҳлилларидан кўриш мумкинки, корхоналар молиявий фаолиятини қўллаш мақсадида тақдим этилган солиқ имтиёзлари асосан мамлакат солиқ сиёсати ва чоралари орқали тартибга солинади. Ушбу имтиёзлар тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни рағбатлантириш ва иш ўринлари яратишга қаратилган.

Солиқлар ёрдамида корхоналарнинг молиявий фаолиятини рағбатлантириш бўйича халқаро тажриба бизнесни рағбатлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган турли солиқ сиёсати ва чора-тадбирларини ўз ичига олади. Солиқлар орқали корхоналарнинг молиявий фаолиятини рағбатлантиришнинг илғор халқаро тажрибаларини ўрганиш ва Ўзбекистонга тадбиқ этишда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган турли хил солиқ сиёсати ва чораларидан самарали фойдаланишни тақозо этади, хусусан:

1. Самарали ва оптимал солиқ имтиёзлари ва преференцияларни тақдим этиш. Ҳукумат томонидан айрим турдаги бизнес субъектлари, хорижий инвестицияларни жалб этганлар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти билан банд бўлганлар, замонавий технологияларга сармоя киритганлар, янги иш ўринлари яратганлар учун солиқ имтиёзлари ва преференцияларни берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Худудий солиққа тортиш тартибини жорий этиш. Баъзи мамлакатлар худудий солиққа тортиш тизимини қўллайди, унда мамлакатдан ташқарида олинган ва қайта инвестиция қилинган фойда солиқдан озод қилинади. Бу эса корхоналарни халқаро миқёсда ўз фаолиятини кенгайтиришга ундаши мумкин.

3. Солиқ таътилларини мақсадли бериш. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ёки худудлардаги корхоналарга солиқ юкини камайтириш мақсадида муддатли солиқ таътиллари берилиши мумкин.

4. Махсус иқтисодий зоналарда қўлланиладиган солиқ режимларини такомиллаштириш. Кўпчилик мамлакатларда махсус иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи субъектлар учун мол-мулк солиғи, фойда солиғи ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар ва соддалаштирилган рўйхатга олиш тартиб-таомиллари каби муайян имтиёзлар берилган. Бу эса, ўз навбатида, инвестицияларни жалб қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга хизмат қилади.

**TADBIRKORLIK SUB`EKTLARI FAOLIYATINI SOLIQLAR
VOSITASIDA SAMARALI RAG`BATLANTIRISHNING XORIJ
TAJRIBALARI.**

Annotatsiya. Mazkur maqolada tadbirkorlik sub'ektlarining faoliyatini soliqlar vositasida rag'batlantirishning Germaniya, Fransiya va Rossiya kabi davlatlar tajribasining o'rganilgan. Amalga oshirilgan tadqiqotlar asosida ularni O'zbekiston soliq siyosatiga joriy qilish bo'yicha tegishli xulosalar va takliflar shakllantirilgan.

Tayanch so'zlar. Soliq tizimi, ilmiy-tadqiqot, korxonalar, biznes, innovatsiya.

Germaniya soliq tizimi ba'zi istisnolarni hisobga olmaganda masalan to'g'ridan-to'g'ri biznesga taalluqli bo'lmagan hollarda imtiyozlarini taklif qilmaydi. Bunga bir tomondan davlat byudjetining taqchilligini oldini olish maqsadida bo'lsa, ikkinchi tomondan barcha soliq to'lovchilarga teng munosabatda bo'lish to'g'risidagi konstitutsiyaviy talab sabab bo'ladi.

Biroq 2019-yilda ilmiy-tadqiqot ishlari uchun federal subsidiyani joriy qiluvchi Germaniya tadqiqot to'g'risidagi qonun (Forschungszulagengesetz) qabul qilingan. Ushbu Qonunga ko'ra, tadbirkorlik sub'ektlariga ma'lum ilmiy-tadqiqot ishlarini amalga oshirishini rag'batlantirish maqsadida ularga 500 000 yevrodan ko'p bo'lmagan miqdorda soliqlarsiz subsidiyalar ajratilgan.

COVID-19 pandemiyasi davrida 2020-yil 1-iyuldan 2026-yil 30-iyungacha bo'lgan muddatga ilmiy-tadqiqot ishlari uchun beriladigan soliq imtiyozlari oshirilgan.

Agar chet el manbalaridan olingan daromad Germaniya soliqqa tortishdan ozod etilmasa, amalda to'langan xorijiy soliq uchun kredit beriladi va boshqa tarzda undirib bo'lmaydi. Biroq, kredit tegishli xarajatlar chegirib tashlangandan so'ng sof daromaddan korporatsiya solig'i bilan cheklangan. Rivojlanayotgan mamlakatlar bilan tuzilgan soliq shartnomalari bo'yicha (shartnoma hamkorining investitsiya imtiyozlarini himoya qilish uchun) xorijiy soliq imtiyozlarining bir nechta holatlari hali ham mavjud, ammo Germaniya xalqaro soliq shartnoma siyosati birinchi imkoniyatda bunday qoidalardan voz kechishdir.

Soliq imtiyozlari asosan bozordagi muvaffaqiyatsizliklar va kelib chiqadigan kamchiliklarni qoplashga qaratilganligi sababli, agar ular faqat faol va passiv farqiga asoslangan bo'lsa, ko'p hollarda noto'g'ri yo'naltiriladi. Masalan, firmaning kichik deb hisoblanishi aktsiyadorlarning soniga emas, balki to'plangan kapitalning mutlaq miqdoriga bog'liq bo'lishi kerak. Boshqa tomondan, buxgalteriya kapitali nafaqat hajmga, balki tanlangan moliyalashtirish shakllariga va firmaning rentabelligiga ham bog'liq. Xuddi shu narsa soliqqa tortiladigan daromad uchun ham amal qiladi, chunki

hatto eng yirik korxonalar ham minimal yoki hatto salbiy soliqqa tortiladigan daromadga ega bo'lishi mumkin. Shuning uchun faqat foydaga asoslangan rag'batlantirish noto'g'ri yo'naltirilgan rag'batlantirishga olib kelishi mumkin. Bundan tashqari, soliqqa tortiladigan daromad, ayniqsa, manipulyatsiyaga moyil bo'ladi, chunki u daromad solig'ining hisob-kitob bazasi va soliq to'lovchilar tomonidan soliqni rejalashtirish va soliqdan qochish faoliyatining asosiy maqsadi hisoblanadi.

Fransiyada tadqiqotga pul sarflaydigan korxonalariga soliq imtiyozlari berilishi mumkin, bu esa ular qarzidor bo'lgan korporatsiya solig'i bilan qoplanishi mumkin.

Sxema uchun mos bo'lgan ilmiy yoki texnik tadqiqotlar fundamental va amaliy tadqiqotlarni, shuningdek, eksperimental ishlanmalarni o'z ichiga oladi. 2013 yildan boshlab tadqiqot soliq krediti kichik va o'rta biznes sub'ektlari tomonidan ma'lum innovatsion investitsiyalarni qoplash uchun kengaytirildi. Bu hali bozorda bo'lmagan yoki yuqori xususiyatlarga ega bo'lgan yangi mahsulotlarning prototiplarini loyihalash operatsiyalari bilan bog'liq.

Ilmiy-tadqiqot va ishlanmalar uchun soliq krediti stavkasi yiliga 100 million evrogacha bo'lgan xarajatlarning 30 foizini va ushbu chegaradan 5 foizni tashkil qiladi. Innovatsion xarajatlar uchun soliq krediti stavkasi yiliga maksimal 400 000 yevrogacha bo'lgan xarajatlarning 20 foizini tashkil qiladi. Ba'zi hollarda soliq krediti stavkasi tadqiqot xarajatlarining 100% dan ko'prog'ini tashkil qilishi mumkin.

Birinchi moliyaviy yil yoki foyda solig'iga tortiladigan birinchi davr uchun (bu 12 oydan ortiq bo'lmasligi mumkin) to'liq ozod qilinish, so'ngra ular foyda ko'rgandan keyingi yil uchun 50% ozod qilinish;

Mahalliy hukumat qaroridan keyin etti yil davomida mahalliy iqtisodiy hissa (The territorial economic contribution) va mulk solig'i;

Foyda solig'idan ozod qilish tadqiqot soliq krediti bilan birlashtirilishi mumkin va innovatsion startaplar o'zlarining debitorlik qarzlarini darhol qaytarib olishlari mumkin.

Davr	Ozod qilish miqdori
Birinchi ikki yil (dastlabki 24 oylik operatsiyalar)	100 %
Uchinchi yil (12 oylik operatsiyalar)	75 %
To'rtinchi yil (12 oylik operatsiyalar)	50 %
Beshinchi yil (12 oylik operatsiyalar)	25 %
Keyin	0 %

1-jadval. Korxonalar tashkil etilgandan boshlab foyda solig'idan ozod qilishning miqdorini kamayib borishi.

Muayyan sohalarda biznesni tashkil etish faoliyatning birinchi yillari uchun foyda solig'idan ozod qilish yoki yengillik olish huquqini beradi. Yangi korxonalar uchun ushbu imtiyozlarning maqsadi bandlikni oshirishdir.

O'zbekistonda tadbirkorlik sub'ektlarining rivojlanishini rag'batlantirish uchun ko'mlab soliq imtiyozlari berilmoqda. Xususan, 2023-yil 7-iyuldagi Hukumat qarori bilan "20 ming tadbirkor – 500 ming malakali mutaxassis" dasturi doirasida tadbirkorlik subyektlariga soliq va bojxona imtiyozlari hamda preferensiyalarni qo'llash tartibi to'g'risida"gi nizom qabul qilindi.

Nizomga ko'ra, "Ijtimoiy himoya yagona reyestri"ga kiritilgan fuqarolar kamida 1-yil davomida ish bilan ta'minlangan va ular jami ishchilar sonining kamida 20 foizini tashkil etgan tadbirkorlar mol-mulk va yer solig'i bo'yicha soliq imtiyozlaridan foydalanish huquqiga ega bo'ladi.

Dasturga kiritilgan tadbirkorlar tomonidan bojxona tartib-taomillariga rioya etilgan holatlarda ularga nisbatan "yashil yo'lak" tartibi qo'llaniladi.

Tadbirkorlik sub'ektlari faoliyatini soliqlar vositasida samarali rag'batlantirishning xorij tajribalarini tahlil qilish asosida quidagi xulosa va takliflar shakllantirildi.

Birinchidan, tadbirkorlarga faqatgina daromad va foydalariga solinadigan soliqlargagina emas balki ular innovatsiyon yangilik va kashfiyotlarini rag'batlantirish uchun ushbu yangiliklarni qilishga undovchi imtiyozlarni ham joriy etish lozim.

Ikkinchidan, korxonalarga berilgan soliq imtiyozlaridan ozod qilishni birdaniga emas, balki bir necha yil bosqichma bosqich kamaytirish tizimini ishlab chiqish kerak.

V SHO'BA
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA SOLIQ
MA'MURIYATCHILIGINI RIVOJLANTIRISHNING ILMIIY-NAZARIY
ASOSLARI

PhD, dotsent Xalliyeva Nargiza Rozikovna

BuxMTI, "Menejment" kafedrası

SOLIQ MA'MURIYATCHILIGINI RIVOJLANTIRISHNING
ASOSIY YO'NALISHLARI VA SOLIQQA OID YANGI YONDASHUVLAR.

Annotatsiya: Mamlakat iqtisodiyotini uzoq muddatli rivojlantirish borasida keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilayotgan sharoitda samarali soliqqa tortish tizimi va davlat soliq xizmati organlarining uyg'unlashgan faoliyati alohida ahamiyat kasb etadi. Maqolada soliq siyosatini takomillashtirish, soliq ma'muriyatchiligi samaradorligini oshirish, soliq yukini izchil kamaytirish, soliq tizimini soddalashtirish va soliq hisobotlarini tubdan qisqartirish yuzasidan amalga oshirilgan kompleks chora-tadbirlar, aylanma mablag'lardan olinadigan soliqlar optimallashtirish, davlat maqsadli jamg'armalariga majburiy ajratmalarni bekor qilish va yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'i stavkasini kamaytirish orqali soliq tizimi qayta ko'rib chiqish masalalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: soliq siyosati, raqamlashtirish, elektron ma'lumotlar, soliq risklari, axborot texnologiyalari, adbirkor, soliq stavkalari.

Soliq tizimi, soliqlar - davlat tomonidan iqtisodiyotni tartibga solishda eng samarali vositalaridan biri hisoblanadi. Shunga ko'ra, mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki yillaridanoq barcha sohalar singari soliq sohasida ham ko'plab islohotlar amalga oshirildi. Ushbu masala yuzasidan olib borilgan ishlar nafaqat soliqlar va yig'imlarni undirish orqali, balki soliq qarzdorligini kamaytirgan holda davlat budjetini to'ldirishga qaratilgan.

O'zbekiston Respublikasi davlat budjeti daromadlarining asosiy qismi aynan soliqlar hisobidan shakllanishi bizga ma'lum. Soliqlar belgilangan muddatda va to'liq hajmda tushishi davlat miqyosida amalga oshirilayotgan barcha chora-tadbirlarning ya'ni budjet va maqsadli jamg'armalarning xarajat qismini o'z vaqtida moliyalashtirishga xizmat qiladi. Mamlakatda soliq siyosatini takomillashtirish, soliq ma'muriyatchiligi samaradorligini oshirish, soliq yukini izchil kamaytirish, soliq tizimini soddalashtirish va soliq hisobotlarini tubdan qisqartirish yuzasidan kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasining amaliyotga joriy etilishi natijasida mehnatga haq to'lash jamg'armasiga soliq yuki kamaytirildi, aylanma mablag'lardan olinadigan soliqlar optimallashtirildi, davlat maqsadli jamg'armalariga majburiy ajratmalarni bekor

qilish va yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'i stavkasini kamaytirish orqali soliq tizimi qayta ko'rib chiqildi.

Mamlakat iqtisodiyotini uzoq muddatli rivojlantirish borasida keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilayotgan sharoitda samarali soliqqa tortish tizimi va davlat soliq xizmati organlarining uyg'unlashgan faoliyati alohida ahamiyat kasb etadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida" gi PF-4947-sonli Farmoni asosida soliq ma'muriyatchiligining zamonaviy uslublarini joriy etish, soliq yukini kamaytirish va soliqqa tortish tizimini soddalashtirish siyosatini davom ettirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi davlat soliq xizmati organlari tizimini isloh etishning muhim yo'nalishlari belgilab berilgan. Mamlakatda soliq siyosatini takomillashtirish, soliq ma'muriyatchiligi samaradorligini oshirish, soliq yukini izchil kamaytirish, soliq tizimini soddalashtirish va soliq hisobotlarini tubdan qisqartirish yuzasidan kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Raqamlashtirish – soliq to'lovchilarning tranzaksiyalari bo'yicha ma'lumotlarni operativ tahlil qilish imkoniyatini oshirish orqali soliq qonunchiligiga rioya qilinish darajasini yaxshilashga xizmat qiladi. Raqamli texnologiyalardan foydalanish dunyo bo'ylab tez va keng tarqalmoqda.

Hozirgi kunda fuqarolar, xo'jalik yurituvchi sub'ektlar va davlatlar o'rtasida o'zaro elektron bog'lanish imkoniyatiga ega tarmoq mavjud va bu ma'lumotlarni umumiyashtirish va o'zaro foydalanish imkoniyatini yaratadi. So'nggi 20 yillikda elektron ma'lumotlarni to'plash, saqlash, qayta ishlash, kuzatish va tarqatish bo'yicha sezilarli rivojlanish kuzatildi. Huqumatlar yildan-yilga elektronlashib bormoqda. Deyarli, barcha davlat idoralari o'zlarining rasmiy veb-sayt va avtomatlashtirilgan tizimlariga egadirlar. Raqamlashtirish soliq organlariga elektron hisobotlar to'ldirishni soliq to'lovchilarga taklif etish, elektron xizmatlar ko'rsatish va soliq to'lovchilarning bojxona va xo'jalik faoliyati yuzasidan nazoratni olib borish imkoniyatini taqdim etadi. Bu esa o'z navbatida soliq qonunchiligiga rioya etilish darajasini, soliq tushumlarini real vaqtda monitoring qilish, soliq auditlarini o'tkazish va soliq risklarini aniqlashda keng va katta hajmdagi ma'lumotlardan foydalanish imkoniyatini kengaytiradi. Shu bilan bir qatorda, elektron ma'lumotlar tranzaksiyalarni bilvosita soliqlar bo'yicha ma'lumotlar bilan bog'lash imkoniyatini ham taqdim etadi va ma'lumotlarning o'zaro muvofiqligini kuzatish imkoniyatini yaratadi. Rivojlangan davlatlar allaqachon raqamlashtirish jarayonida bir qator muvoffaqqiyatlarga erishganlar. Shu bilan bir qatorda, ayrim rivojlanayotgan davlatlar tajribasida ham ushbu yo'nalishda ijobiy yutuqlarni kuzatish mumkin. Bunga misol sifatida, Yevropada Estoniya, Lotin Amerikasida Chili, Osiyoda Singapur va Afrika mintaqasida Janubiy Afrikani misol keltirish mumkin.

Kundan-kunga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlanishi, biznes yuritish modellarini yangilanishiga ham olib kelmoqda. Maxsulotlarni sotish yoki xizmatlar ko'rsatish jarayonlari kompyuter tizimlaridan foydalangan holda elektron amalga oshirilmoqda (elektron tijorat). Ushbu jarayonlar o'z navbatida, yangi soliq risklarining yuzaga kelish ehtimolini kuchaytiradi. Raqamlashtirish rivojlanishi bilan yuzaga keladigan risk faktorlari quyidagilardan iborat: To'g'ri soliq yurisdiksiyasini aniqlash imkonini beradigan, ba'zi daromad manbalarining jismoniy joylashuvi mavjud emasligi; Tovar va xizmatlarni ko'rsatishda ularni oqimini fizik o'lchovini nazorat qilish mexanizmlarini qo'llash imkoniyati mavjud emasligi; Savdo maydonlari tashkillashtirilgan veb-saytlar masofadan nazorat qilinishi sababli istalgan joyda, istalgan davlatda joylashishi; Moddiy ko'rinishga ega bo'lmagan tovar va xizmatlarni internet orqali realizatsiya qilish bo'yicha yangi biznes modellarining qo'llanilishi;

Bank tizimlaridan tashqarida amal qiluvchi to'lov tizimlarining mavjudligi. Ushbu omillar soliq ma'muriyatlaridan soliq risk menedjmentini olib borish uchun risklarni tahlil qilish vositalarini raqamli iqtisodiyot bilan bog'lashni talab etadi. Ushbu yangi yondashuv axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish va foydalanishga asoslangan elektron soliq ma'muriyatchiligi tushunchasini yuzaga keltirib, quyidagilarni tizimli amalga oshirishni talab etadi: Soliq hisobotlari topshirish jarayonlarini osonlashtirish; Soliq munosabatlarini raqamlashtirish choralari ko'rish; Soliq to'lovchi to'g'risidagi axborotlar ko'lamini kengaytirish; Tahlillarni amalga oshirish jarayonlarini tezlashtirish; Soliq to'lovchilarni soliqqa tortishga oid ma'lumotlar bilan ta'minlash; Soliq ma'muriyatchiligi protsesslari narxini arzonlashtirish.

Iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkilotiga fikriga ko'ra, soliq ma'muriyatlari raqamli iqtisodiyot qiyinchiliklariga moslashish uchun quyidagi tadbirlarni amalga oshirishi lozim: Soliq ma'muriyatchiligi uchun zarur bo'lgan ishonchli ma'lumotlardan foydalanish imkoniyatini saqlab qolish; Elektron tijorat bilan shug'ullanuvchi biznes sub'ektlarini identifikatsiyalash tizimini joriy etish; Elektron yozuvlarni olish, ularning formati, uchinchi tomon ma'lumotlaridan foydalanish va yozuvlarni saqlash muddati bo'yicha xalqaro darajadagi normativlarni qabul qilish; Soliq qonunchiligiga oid, soliq tushumlari va hisobot formalari bo'yicha ma'lumotlarni saqlovchi veb-saytlarni takomillashtirish. Virtual voqelikni nazorat qilish uchun soliq ma'muriyatlari 2 ta asosiy yo'nalishni o'z ichiga olishi lozim.

Birinchiidan, axborot texnologiyalarini keng joriy etish orqali elektron tijorat modellari va ulardagi soliq riski menedjmenti o'rtasidagi assimetriyani kamaytirish. Bunda, Risk menedjment uchun "BIG DATA" texnologiyasini qo'llash va risk doirasidagi sub'ektlarni ajratib olish muhim ahamiyat kasb etadi.

Ikkinchidan, davlatlararo soliq ma'muriyatlari o'rtasida elektron axborot almashishni yo'lga qo'yishdir. Xalqaro darajada axborot almashish, sub'ektlarning davlatdan tashqarida topgan daromadlarini to'g'riligini nazorat qilish imkonini beradi.⁵ Soliq risk menedjmenti soliq organlarining turli manbalardan olingan ma'lumotlarni tahlil qilish qobiliyatiga asoslanadi. Ma'lumotlarni tahlil qilish imkoniyatidan kelib chiqib, soliq risk menedjmenti strategiyasi belgilab olinadi. Ma'lumotlarni samarali tahlil qilishni axborot texnologiyalari vositalarisiz amalga oshirib bo'lmaydi.

Shu o'rinda taqidlab o'tish lozimki joriy yilning 5-iyun kuni O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Soliq ma'muriyatchiligida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etishga doir qo'shimcha choratadbirlar to'g'risida"gi qarori tasdiqlandi. Qarorga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasining axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish strategiyasi va xamda Davlat soliq qo'mitasining axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish strategiyasini amalga oshirish chora-tadbirlari rejasi tasdiqlandi. Quyidagilar Strategiyani amalga oshirishning ustuvor yo'nalishlari etib belgilandi:

- davlat soliq xizmati organlari va soliq to'lovchilar o'rtasida o'zaro aloqani masofaviy tarzga o'tkazish, barcha ishtirokchilar o'rtasidagi munosabatlarni axborotkommunikatsiya texnologiyalarini keng qo'llash orqali to'liq avtomatlashtirish va interaktiv davlat xizmatlari sonini kengaytirish; Ya'ni hozirgi globalashuv zamon talabidan kelib chiqan xolda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy qilish orqali korrupsion va navbatda turish salbiy xolatlarni bartaraf etgan xolda soliq to'lovchilarga masofaviy interaktiv xizmatlar sonini oshirish;
- davlat organlari va boshqa tashkilotlar axborot tizimlari bilan elektron hamkorlik orqali axborot almashinuvini samarali tashkil etish hamda bu borada mavjud muammolarni bartaraf qilish; Ya'ni davlat soliq xizmatiga soliq majburiyati yuzaga kelgan jismoniy va yuridik shaxslar to'g'risidagi ma'lumotlarni taqdim etivchi mas'ul idora va tashkilotlar bilan aloqalarni elektronlashtirish va mavjud kavchliklarni bartaraf etish;
- katta hajmdagi ma'lumotlarni saqlash, qayta ishlash va ulardan samarali foydalanishni tashkil etish; Ya'ni katta sig'imdagi axborotlarni saqlash, qayta ishlov berish va ushbu axborotlardan samarali foydalanish tashkil qilish;
- «Onlayn nazorat kassa mashinalari», «Elektron hisobvaraq-fakturalar» va boshqa markazlashgan tizimlarni keng joriy etish;
- iqtisodiyotda xufiyona faoliyatni qisqartirish, shaffoflik darajasini oshirish hamda tadbirkorlik uchun teng raqobat muhitini yaratish maqsadida soliq organlari faoliyatiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish; Ya'ni soliq

solish prinsiplariga amal qilgan xolda yashirin, xufiyona, nazoratsiz va kriminal iqtisodiyotni qisqartirish orqali, tadbirkorlar uchun raqobatbardosh bozorni yaratish maqsadida soliq organlarida innovasion axborot-kommunikatsiyalarini joriy qilish; -zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va masofadan o'qitish usullaridan foydalangan holda soliq sohasida ilg'or va innovasion texnologiyalarni egallash hamda ularni amaliyotda samarali tatbiq etish ko'nikmalarini rivojlantirish mexanizmlarini joriy qilish; Ya'ni eng so'ngi rusumdagi axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish va ularni amaliyotda samarasini yanada oshirish yo'llarini joriy etish;

- soliq nazorati tizimini soliq to'lovchilar faoliyatiga aralashishni, shuningdek, davlat soliq xizmati organlarida «inson omili»ni hamda korrupsiya holatlarni kamaytirish imkonini beruvchi masofaviy tahlil ishlari asosida tashkil etish. Ya'ni soliq nazoratida soliq to'lovchilar faoliyatiga asossiz aralashish, soliq xizmati organlarida o'tkaziladigan taxlillarda korrupsion xolatlarni kamaytirish uchun masofaviy nazorat tizimini tashkil etgan xolda inson omilni kamaytirish.

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Qonunchilik palatasining navbatdagi majlisida "Soliq va budjet siyosatining 2023 yilga mo'ljallangan asosiy yo'nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qonun loyihasi ham ko'rib chiqildi.

Ta'kidlanganidek, keyingi yillarda mamlakatimizda tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash hamda ularga teng raqobat sharoitlarni yaratish maqsadida soliq yukini pasaytirish va soliq qonunchiligini yanada takomillashtirish bo'yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda.

Mazkur qonun loyihasida 2023 yil uchun soliq siyosatining asosiy yo'nalishlarida qo'shilgan qiymat solig'i bo'yicha soliq stavkasi pasaytirilishi, aylanmadan olinadigan soliq bo'yicha soliq stavkalarini unifikatsiya qilinishi, mutlaq summalarda belgilangan soliq stavkalarining kutilayotgan inflyatsiya darajasidan kelib chiqib indeksatsiya qilinishi nazarda tutilmoqda.

Xususan, 2023 yil uchun belgilangan soliq siyosatida asosiy soliq stavkalari foyda solig'ining bazaviy stavkasi 15 foiz, jismoniy shaxslardan olin'yicha soliq stavkalarini unifikatsiya qilinishi, mutlaq summalarda belgilangan soliq stavkalarining kutilayotgan inflyatsiya darajasidan kelib chiqib indeksatsiya qilinishi adigan daromad solig'i 12 foiz, yuridik shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq stavkasi 1,5 foiz miqdorida o'zgarishsiz qoldirilyapti.

Shuningdek, tamaki, alkogol va neft mahsulotlari bo'yicha aksiz solig'i, yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun qat'iy belgilangan miqdordagi soliq, yer va mol-mulk solig'i, suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq stavkalari inflyatsiya darajasidan kelib chiqib qariyb 10 foizga indeksatsiya qilinmoqda.

Majlisda qayd etilganidek, qonun loyihasida Prezidentimiz tomonidan tadbirkorlar bilan bo‘lib o‘tgan “Ochiq muloqot” doirasida berilgan topshiriqlariga asosan biznes uchun qo‘shimcha yengilliklar berilmoqda. Ya’ni, qo‘shilgan qiymat solig‘i (QQS) stavkasi 15 foizdan 12 foizgacha, jami daromadi ilk marta 1 mlrd. so‘mdan oshgan tadbirkorlik subyektlari uchun 1 yil, jami daromadi ilk marta 10 mlrd. so‘mdan oshgan tadbirkorlik subyektlari uchun esa 2 yil davomida foyda solig‘i stavkasi 2 baravarga pasaytirilmoqda.

Shu bilan birga, barcha toifadagi soliq to‘lovchilar uchun aylanmadan olinadigan soliq stavkalari unifikatsiya qilinib, yagona 4 foizlik soliq stavkasi belgilanyapti. Bunda, pasaytirilgan soliq stavkalari saqlab qolinadi. Qolaversa, aylanmadan olinadigan soliqning qat’iy belgilangan summadagi stavkasi joriy etilmoqda. Ya’ni, tadbirkor soliq organlariga majburiy tartibda moliyaviy hisobotlarni taqdim etmaydi va dividend tarzidagi daromadlaridan soliq to‘lamaydi.

Bundan tashqari, loyihada aholi va tadbirkorlik subyektlariga qo‘shimcha yengilliklar yaratish maqsadida jismoniy shaxslar o‘z daromadlarini ipoteka kreditlarini qoplashga yo‘naltirganda soliqqa tortilmaydigan daromadlar miqdorini amaldagi 15 mln. so‘mdan 73,6 mln. so‘mgacha oshiriladi. Bunda, uy-joyning qiymatiga qo‘yilgan talab bekor qilinmoqda.


***Норов Акмал Рузидаматович**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Банк иши ва инвестициялар” кафедраси профессори., DSc*

МАМЛАКАТДА ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Жаҳон амалиётида хуфиёна иқтисодиёт даражасини камайтиришнинг муҳим йўлларида бири нафақат норасмий (яъни яширин иқтисодиётда фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахслар учун жарималарни ошириш), балки аниқ ва оқилона қонун-қоидаларни яратиш ва қонунчиликдаги мураккаб жараёнларни камайтиришдир. Хуфиёна иқтисодиёт даражасини меҳнат бозори стандартлари орқали камайтириш, макроиқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида қисқартириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Аммо ҳозирги кунда хуфиёна иқтисодиёт даражасини молиявий механизмлардан фойдаланган ҳолда аниқлаш ва камайтириш, шу билан бир қаторда рақамли молиявий технологиялар орқали камайтириш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Хуфиёна иқтисодиётда амалга оширилаётган фаолиятлар тури ва шакли ўзгарган бўлишига қарамасдан, бир қатор ривожланаётган ва ривожланган давлатлар унинг даражасини камайтириш мақсадида чуқур ислохотлар олиб бормоқдалар.

Халқаро амалиётда чегаралараро транзакциялардаги тўсиқлар умуман камайганлиги сабабли, улар ноқонуний товарларни масофадан сотиш орқали хуфиёна иқтисодиёт фаолияти учун янги имкониятлар яратдилар. Масофавий савдо - бу трансчегаравий сотиш учун Интернетга асосланган онлайн воситачилардан фойдаланиш. Бундай онлайн воситачиларнинг айрим фойдаланувчилари ҚҚС ва тегишли божхона тўловлари тўламасдан сотадилар. Жаҳон миқёсида тобора глобаллашиб бораётган дунё иқтисодиёти, шунингдек, жаҳон савдосининг катта ҳажми ва электрон тижоратнинг тез суръатлар билан ўсиб бориши туфайли қалбаки ёки контрабанда маҳсулотларнинг ноқонуний айланишини осонлаштирди. Кўпинча ноқонуний равишда сотиладиган ва ҳеч қандай бож тўламайдиган ушбу ноқонуний маҳсулотлар тайёр маҳсулотлардан тортиб оралик товарларга (масалан, саноат қисмлари ва кимёвий моддалар) ва озиқ-овқат, дори-дармон ва ўйинчоқлар каби оммавий истеъмол товарларига қадар кенг турдаги маҳсулотларни қамраб олади.

Тўртта асосий омил - глобаллашув, ривожланган халқаро ҳамкорлик, технологиялар ривож ва юридик бизнес бозорига тобора кириб келаётган жиноятчилар - бу солиқ идораларига имкониятлар ва қийинчиликларни келтириб чиқармоқди, чунки бу таъсирлар асосида хуфиёна иқтисодиётдаги фаолиятлар турлари кенгаймоқда бу хуфиёна иқтисодиёт даражасини ошишига сабаб бўлмоқда. Хуфиёна иқтисодиёти фаолиятида ёки бундай фаолиятни амалга ошириши мумкин бўлган кенг муҳитда юз берадиган баъзи асосий ўзгаришлар кўриб чиқилади: нақд пулдан фойдаланиш шакллариининг ўзгариши; янги бизнес моделлари ва ишлаш усуллариининг пайдо бўлиши; технологиядан нотўғри фойдаланиш мумкин бўлган амалиётлар ва уларга қарши ишлаб чиқилаётган молиявий механизмлар халқаро даражада ўрганилади.



1-расм. Айрим давлатларнинг йиллар кесимида Хуфиёна иқтисодиёт даражаси динамикаси [1]

1-расм маълумотларидан кўришиб турибдики ривожланиш даражаси паст бўлган давлатларда хуфиёна иқтисодиёт даражаси жуда ҳам юқори бўлиб, ушбу кўрсаткич йиллар кесимида ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Энг юқори кўрсаткич бу ерда Зимбабведа бўлиб, у қарийб мамлакат ЯИМ миқдорининг деярли 70%ига тенгдир. Ўзбекистонга яқин ва қўшни давлатларда эса бу кўрсаткич 30%дан юқорирокдир. Сингапур ва Буюк Британия каби ривожланган давлатларда эса 10%дан камдир.

Хуфиёна иқтисодиёт иқтисодиётнинг барча тармоқларига таъсир кўрсатиб, унинг даражасининг юқорилиги давлатдаги иқтисодий, ижтимоий муаммоларнинг мавжудлигидан ва молиявий механизмларнинг самарали фаолият юритмаслиги билан изоҳланади.

Хуфиёна иқтисодиёт даражасини аниқлашнинг бир қатор методлари мавжуд бўлиб, улардан самаралиси нақд пул ва талаб қилиб олунгунга қадар депозитлар нисбати орқали аниқлашдир.

Хуфиёна иқтисодиёт, унинг даражасини аниқлаш ва камайтириш бўйича тадқиқот ишларини олиб борган тадқиқотчиларнинг хуфиёна иқтисодиётга берган таърифлари ҳам бир биридан тубдан фарқ қилади.

Хуфиёна иқтисодиёт даражасини камайтиришда асосий воситалар булар фискал ҳамда монетар воситалардир.

Хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, ахборот технологияларининг ривожланиши хуфиёна иқтисодиётни оширувчи усулларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Хуфиёна иқтисодиёт даражасини паст даражага туширган мамлакатлардан бири бу Грузия бўлиб, унинг иқтисодиётдаги солиқлар турлари ва уларнинг ставкалари 2004 йил охирида мамлакатдаги энг паст даражага туширилган.

Kabilova Nigina Shuhratovna

BDU “Marketing va menejment” kafedrasi o’qituvchisi

BUXORO VILOYATIDA JOYLASHTIRISH VOSITALARIDA

MEHMONXONALARNING O’RNI

Kalit so’zlar: joylashtirish vositasi, mehmonxona, xonalar soni, o’rinlar soni.

Annotasiya. Buxoro azaldan chet ellik sayyohlarni o’zining madaniy, tarixiy destinasiyalari bilan jalb qilib keladi. Ammo kelgan sayyohlarni viloyat hududida joylashtirish va ularga sifatli xizmat ko’rsata olish mehmonxonalar zimmasidagi asosiy vazifalardan biri sanaladi. Ushbu xizmatlarni tashkil etish va sayyohlar xohishiga yarasha xizmat ko’rsata olish kerak.

Ключевые слова: место размещения, гостиница, номерной фонд, количество мест.

Аннотация. Бухара издавна привлекала иностранных туристов своими культурными и историческими достопримечательностями. Однако одной из главных задач гостиниц является размещение туристов в регионе и предоставление им качественных услуг.

Keywords: placement tool, hotel, number of rooms, number of seats.

Annotation. Bukhara has long attracted foreign tourists with its cultural and historical destinations. However, one of the main tasks of hotels is to accommodate tourists in the region and provide them with quality services.

Xizmat ko’rsatish sohasidagi eng muhim faoliyat turlaridan biri mehmondo’stlik tamoyillariga asoslangan xizmatlar, mehmonlarga nisbatan saxiylik va samimiylik bilan tavsiflanadi. Mehmonxona sanoati bir joydan ikkinchi joyga ko’chib o’tadigan fuqarolar uchun turli xil xizmatlarni o’z ichiga oladi. Qoidaga ko’ra, turizm va sayohat sohasi yoki turizm sanoati sayyohlarga xizmat ko’rsatish faoliyat sohasi sifatida (ma’lum bir toifadagi sayohatchilar) ajralib turadi.

O’zbekistonda turizm sohasi qonuniy ravishda mehmonxonalar va boshqa joylashtirish vositalari, inshootlari yig’indisi, transport, umumiy ovqatlanish ob’ektlari, ko’ngilochar ob’ektlar, ta’lim, biznes, dam olish, sport va boshqa maqsadlarda, turoperator va sayyohlik agentliklari faoliyati bilan shug’ullanuvchi tashkilotlar, shuningdek ekskursiya xizmatlari va gid-tarjimonlik xizmatlarini ko’rsatuvchi tashkilotlar faoliyati bilan belgilanadi. Buxoro viloyatida ham kerakli darajada mehmonlarni joylashtirish vositalari tashkil etilgan(1-jadval). 2022 yil avgust holatiga ko’ra jami joylashtirish vositalari 461 ta, xonalar soni 5168 ta, o’rinlar soni 11851 ta, shulardan mehmonxonalar soni 178 tani tashkil etadi.

Buxoro viloyatida joylashtirish vositalari ko'rsatkichlari (2017-2022 yillar).


	O'lchov birligi	2017 yil	2018 yil	2019 yil	2020 yil	2021 yil	2021 yil avgust	2022 yil avgust	2017/2021 nisbatan o'sish yoki kamayish
									Raqamda (+;-)
Jami joylashtirish vositalari	birlik	114	168	337	372	415	408	461	53
Xonalar soni	birlik	1802	2192	3403	3933	4463	4252	5168	916
O'rinlar soni	birlik	3720	4729	7813	8978	10323	9879	11851	1972
Buxoro shahrida	birlik	101	151	292	325	353	348	391	43
Xonalar soni	birlik	1622	1992	3017	3516	3857	3766	4483	717
O'rinlar soni	birlik	3210	4189	6764	7890	8694	8505	10008	1503
Mehmonxonalar soni jami	birlik	114	126	142	155	163	160	178	18
Xonalar soni	birlik	1802	1972	2590	3008	3320	3130	3811	681
O'rinlar soni	birlik	3720	4143	5445	6307	6974	6586	7945	1359
Buxoro shahrida	birlik	101	112	126	140	145	144	159	15
Xonalar soni	birlik	1622	1795	2331	2738	2956	2888	3436	548
O'rinlar soni	birlik	3210	3653	4765	5656	6086	5958	7035	1077
Mehmonxonalar darajasi (soni):									
5* (yulduzli)	-/-	-	-	-	-	-	-	-	x
4* (yulduzli)	-/-	3	1	1	1	1	1	2	1
3* (yulduzli)	-/-	18	2		1	1	1	4	3
2* (yulduzli)	-/-	0	0	1	1	1	1	0	-1
Oddiy daraja	-/-	93	165	328	370	406	397	455	58

Umumjahon insoniy nuqtai nazardan, mehmondo'stlik hech bo'lmaganda ovqatlanish, dam olish va uxlash uchun insonning asosiy ehtiyojlari qondirishi kerak. An'anaga ko'ra mehmondo'stlik sektorining asosiy elementlari turar joy, ovqatlanish, transfer(transport), dam olishni o'z ichiga oladi. Turizm va sayohat sohasidagi turar joy ob'ekti har qanday ob'ektni doimiy yoki vaqti-vaqti bilan turistlarni turar joy bilan ta'minlaydigan binolar tunash anglatadi.

Xalqaro miqyosda har qanday turar joy sifatida belgilanadi "Sayohatchini bir kechada joylashtirishni ta'minlaydigan turar joy xona yoki boshqa binolar, lekin undagi o'rindiqlar soni alohida oiladan kattaroq shaxslar guruhlari uchun ma'lum bir minimaldan oshadi birlik va ushbu muassasadagi barcha joylar yagona boshqaruvga bo'ysunishi kerak foyda olishni maqsad qilmasa ham".

Mehmondo'stlik sektoridagi turar joy xizmatlari sektori band bo'lganlarning 65% gacha to'playdi va 68% turizm va sayohat sohasidagi daromadlar. Mutaxassislarning fikricha, turar joy ob'ektlari "miniatyurada turizm sanoati" ni ifodalaydi, chunki kompleks, keng qamrovli xizmatlar ko'rsatish qobiliyatiga ega.

Joylashtirish yo‘li bilan bozorga taqdim etilgan mahsulot qabul qilinadi “xizmat ko‘rsatish bozorida mehmonxona korxonasi taklifi” sifatida qaralishi mumkin mehmondo‘stlik, bu odatda ikkita yoki uchta asosiy kombinatsiyadir xizmatlar hisoblanadi". Buxoro viloyatida joylashtirish vositalari sonining 2017-2022 yillar o‘rtasida oshib borganligini 1-chizmada ko‘rish mumkin.



1-chizma. Buxoro viloyatida joylashtirish vositalari (2017-2022 yillar).


Turar joy xizmatining bir qismi sifatida ikkita asosiy ajratish odatiy holdir: komponent: moddiy baza (texnik jihozlar, infratuzilma) va xizmat (kadrlar faoliyati). Boshqacha qilib aytganda, bir tomondan, vaqtincha foydalanish uchun maxsus binolar (xonalar) taqdim etiladi. Boshqa tomondan, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xodimlar tomonidan amalga oshiriladigan xizmatlar ko‘rsatiladi: qabulxona xizmatlari mehmonlarni qabul qilish va ro‘yxatga olish, mehmonxona xonalarini tozalash uchun xizmat ko‘rsatish, taksiga buyurtma berish xizmatlari yoki axborot-ma'lumotnoma xizmatlari va boshqalar.

Xonalar turar joy xizmatining asosiy elementi hisoblanadi. Bu dam olish, uxlash, ishlash uchun mo‘ljallangan ko‘p funktsiyali xonalar doimiy mehmonlar. Mehmonxona xonalarining boshqa funktsiyalarining ahamiyati birinchi navbatda maqsadga bog‘liq turar joy vositalari va maqsadli mijozlar segmentining ehtiyojlari. Qoida tariqasida, turar joy binolari turli toifadagi xonalarga ega, maydoni, mebellari, jihozlari, jihozlari va boshqalar bilan farqlanadi. Biroq kategoriyadan qat’iy nazar, xonada quyidagi mebel va jihozlar bo‘lishi kerak: karavot, stul va kreslo, tungi stol, shkaf, umumiy yoritish, axlat qutisi va ovqat tashiydigan arava. Bundan tashqari, har bir nashrda mahsulot haqida ma’lumot, yong‘in sodir bo‘lganda joylashtirish va evakuatsiya qilish rejasi bo‘lishi kerak. Keyingi eng muhim element - bu tashkilotning

mehmonlar uchun ovqat imkoniyatlari. Turar joy binolarida, qoida tariqasida, quyidagi turlar ajratiladi:

Xizmat narxini aniqlashda hisobga olinadigan xizmatlar:

- oziq-ovqat xizmatlarining yetishmasligi;
- nonushta bilan ta'minlash;
- yarim pansion ("nonushta va kechki ovqat" yoki "nonushta va kechki ovqat" sxemalari bo'yicha kuniga ikki marta ovqatlanish bilan ta'minlash);
- to'liq pansion (kuniga uch marta ovqatlanish);
- hammasini o'z ichiga olgan (to'liq pansion va bepul foydalanish ba'zi kafe / bar xizmatlari);
- qo'shimcha hamma narsa inklyuziv (to'liq pansion, qo'shimcha ovqat va huquq kafe/barlarning barcha xizmatlaridan foydalanish, joylashtirish vositalari).



2-chizma. Buxoro viloyatida jami joylashtirish vositalari xonalar va o'rinlar soni (2017-2022 yillar).

Boshqa xizmatlar turar joy va ovqatlanish xizmatlari taklifini to'ldiradi. Ularga suzish havzasi xizmatlari, konferentsiya zallari, yig'ilish xonalari, sport anjomlari, avtomobil ijarasi, kimyoviy tozalash, kir yuvish xizmatlari, sartaroshxona, massaj saloni va boshqalar. Shu munosabat bilan turar joy xizmatlari to'g'ridan-to'g'ri turar joy xizmatlarini, shu jumladan, har tomonlama xarakterga ega bir qator qo'shimcha va tegishli xizmatlar. Mutaxassislarning fikriga ko'ra, ro'yxat qo'shimcha xizmatlar turar joy ob'ektining toifasiga bog'liq va o'z ichiga olishi mumkin 30 dan ortiq xizmat turlarini o'z ichiga oladi. Buxoro viloyatida joylashtirish vositalarida xonalar va


o'rinlar soni ham 2017-2022 yillarda mos ravishda 1802 dan 3811 taga, o'rinlar soni esa 3720 tadan 7945 taga yetganini ko'rish mumkin(2-chizma).

Xizmatlarning to'liq assortimenti turar joy muassasasi rahbariyati tomonidan belgilanadi va ular qanday ishlab chiqilganligi va yagona kompleksga birlashtirilganligiga qarab, hashamatli mehmonxona, mehmonxona kabi korxonaning ma'lum bir turi paydo bo'lmoqda.

Shunday qilib, turar joy ob'ektlarining yangi turlarini ishlab chiqish mehmonxona xizmatlari bozori to'yinganlikka olib keldi. Natijada, muayyan guruhlarga muvaffaqiyatli sotish maqsadida mehmonxona xizmatlarini batafsil segmentatsiyasini amalga oshirish zarurati paydo bo'ldi. Bugungi kunda Buxoroda ko'proq ixtisoslashgan turar joy binolari mashhur bo'lmoqdi: butik, kongress, konferensiya, SPA mehmonxonalar va boshqalar. Mehmonxonalarining dastlabki diqqat markazida faqat turar joy va ovqatlanish xizmatlari bugungi kunda kengaymoqda. Dastlabki xizmat paketi turli xil qo'shimcha xizmatlar bilan to'ldiriladi. Qadimgi qurilish tendentsiyasi bugungi davrda transport markazlari yaqinidagi mehmonxonalar bog'liq bo'lgan yangi ko'rinishga ega bo'lmoqda. Buxoro viloyatida mehmonxonalar asosan tristik destinasiyalarida yaqin hududlarida barpo etish tendentsiyasi ustunlik qilib kelmoqda.

Mutaxassislar mehmonxona biznesi rivojlanishning quyidagi zamonaviy asosiy tendentsiyalarini ishlab chiqarishgan:

- mehmonxona biznesining qiziqish doirasini mahsulotlarga kengaytirish va ilgari boshqa sanoat korxonalar tomonidan ko'rsatilgan xizmatlar (masalan, tashkilotlar oziq-ovqat, dam olish, o'yin-kulgi, ko'rgazma faoliyati va boshqalar);
- mehmonxona biznesining ixtisoslashuvini kuchaytirish, aniqroq qilish imkonini beradi turli xil xususiyatlarni hisobga olgan holda aniq iste'molchi segmentlarini yo'naltirish;
- mehmonxona biznesining globallasuvi va kontsentratsiyasi;
- yangi aloqa va axborot vositalarini keng joriy etish chuqur va tizimli iqtisodiy diagnostika qilish imkonini beruvchi texnologiyalar;
- mehmonxonalar biznes strategiyasiga yangi texnologiyalarni joriy etish korxonalar, xususan, Internetdan keng foydalanishni targ'ib qilish mehmonxona mahsulotlari va xizmatlari.



3-chizma. Buxoro viloyatida mehmonxonalar soni (2017-2022 yilar).

Yuqorida aytilganlarning barchasi turar joy xizmatlarining farqlanishiga, paydo bo'lishiga olib keladi xizmat ko'rsatishning yangi shakllari va shartlari. Ushbu jarayonlar sifatga bevosita ta'sir qiladi xizmatlar va texnik xizmat ko'rsatish, turistlar va sayohatchilar xavfsizligiga ta'sir qiladi.

Shuning uchun Buxoro viloyatida xizmatlarni tasniflash, standartlashtirish, sertifikatlashtirish va litsenziyalash masalalari mehmondo'stlik sanoatini rivojlantirish uchun turar joy juda muhim bo'lib bormoqda va ularga bo'ysunadi yoki davlat va/yoki uning vakolatli organlari tomonidan tartibga solinishi yoki o'z-o'zini tartibga solish. Viloyatda turar joy turlarining ro'yxati va ularning xizmatlar qonunchilik darajasida belgilanadi.

Buxoro viloyatida mehmonxonalar soni jami 2017 yilda 114 ta bo'lgan bo'lsa, 2022 yil avgust holatiga kelib 178 taga yetgan(3-chizma).

Turar joy xizmatlarini tasniflash yondashuvlarining evolyutsiyasi turizm va sayohatning rivojlanishi bilan ta'siri kuchayib borayotganini ko'rsatadi mamlakat/mintaqa iqtisodiyoti, alohida bozorlarning kengayishi va yangi bozorlarning paydo bo'lishi ushbu sektorda xizmat ko'rsatish yanada murakkablashib bormoqda va aniqroq tuzilmani talab qiladi. Turar joy binolarining xilma-xilligi diqqat bilan tasniflashni talab qiladi ularning faoliyatini tartibga solish, faoliyat xususiyatlarini o'rganish, turizm xizmatlari bozori monitoringi va boshqalar. Vositalar tipologiyasini ishlab chiqishga urinishlar joylashtirish turli darajadagi ko'plab tashkilotlar tomonidan amalga oshirildi, shuningdek individual mutaxassislar tomonidan.

ОПТИМИЗАЦИЯ НАЛОГОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ КАК ФАКТОР РЕГИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

Аннотация: в статье рассматривается состав доходов государственного бюджета Республики Узбекистан за 2021 г., обоснованы подходы и инструменты оптимизации налогового регулирования в контексте устойчивого развития социально-экономических систем. Результаты исследования могут использоваться на государственном и региональном уровнях управления при разработке средне- и долгосрочных социально-экономических проектов и программ.

Ключевые слова: региональная экономика, устойчивое развитие, налогообложение, налоги, инвестиции, государство, регулирование.

Abstract: the article discusses the composition of the state budget revenues of the Republic of Uzbekistan for 2021, substantiates approaches and tools for optimizing tax regulation in the context of sustainable development of socio-economic systems. The results of the study can be used at the state and regional levels of government in the development of medium and long-term socio-economic projects and programs.

Key words: regional economy, sustainable development, taxation, taxes, investments, state, regulation.

В условиях преодоления негативных социально-экономических последствий пандемии коронавирусной инфекции и, обусловленных ей структурных изменений глобальной экономики, особую актуальность приобретают научные исследования, направленные на формирование эффективного инструментария государственного регулирования деловой активности в контексте устойчивого развития социально-экономических систем. В данном контексте, оптимизация механизма налогообложения является одной из приоритетных задач.

Исследованию различных аспектов построения современных налоговых систем посвящены работы Ivar Kolstad, Arne Wiig, Odd-Helge Fjeldstad [1], Joseph E. Stiglitz [3]. Влияние государственного (в том числе налогового) регулирования на развитие промышленности анализируется в трудах Andreoni, A. [2], [Matías Dewey](#), [Donato Di Carlo](#) [4], Michael Baggesen Klitgaard, Thomas Paster [5]. Рассмотрим особенности налоговой политики Республики Узбекистан на современном этапе. Состав доходов государственного бюджета Республики Узбекистан за 2021 г. представлен в таблице 1.

Таблица 1

Состав доходов государственного бюджета за 2021 г⁵³.

Показатель	I полугодие 2021 г.		II полугодие 2021 г.		Динамика	
	Млрд сум	%	Млрд сум	%	В абс. значениях	В %
Прямые налоги, всего	28 366,40	37,89	30 564,00	34,03	2 197,60	7,75
налог на прибыль	18 621,90	24,88	19 741,40	21,98	1 119,50	6,01
налог с оборота	932,40	1,25	717,00	0,80	-215,40	-23,10
налог на доходы физических лиц	8 812,10	11,77	10 105,60	11,25	1 293,50	14,68
Косвенные налоги, всего	25 408,70	33,94	30 881,80	34,38	5 473,10	21,54
налог на добавленную стоимость	16 816,70	22,46	21 622,30	24,07	4 805,60	28,58
акцизный налог	6 304,70	8,42	6 782,00	7,55	477,30	7,57
таможенная пошлина	2 287,30	3,06	2 477,60	2,76	190,30	8,32
Ресурсные налоги и платежи	11 305,90	15,10	11 730,50	13,06	424,60	3,76
налог на имущество	1 237,30	1,65	1 220,00	1,36	-17,30	-1,40
земельный налог	1 780,10	2,38	2 302,70	2,56	522,60	29,36
налог за пользование недрами	7 970,60	10,65	7 841,40	8,73	-129,20	-1,62
налог за пользование водными ресурсами	317,90	0,42	366,50	0,41	48,60	15,29
Прочие доходы и неналоговые поступления	9 778,70	13,06	16 644,40	18,53	6 865,70	70,21
Доходы государственного бюджета	74 859,60	100	89 820,70	100	14 961,10	19,99

Анализ информации, представленной в таблице 1, позволяет сказать о том, что за период наблюдения отмечается рост доходов государственного бюджета Республики Узбекистан (+14961,1 млрд сум, +19,99 %). Наибольшую положительную динамику (+6865,7 млрд сум, +70,21 %) показали прочие доходы и неналоговые поступления.

Поступления налога на прибыль возросли за период наблюдения на 1119,5 млрд сум (+6,01 %). Поступления налога с оборота сократились на 215,4 млрд сумм (-0,45 %). В структуре доходов государственного бюджета наблюдается разнонаправленная динамика укрупнённых групп классификации доходов. Доля прямых налогов в структуре доходов госбюджета снизился с 37,89 % до 34,03 % (-3,86 %), удельный вес косвенных налогов увеличился с 33,94 % до 34,38 % (+0,44 %), доля ресурсных налогов и платежей также

⁵³ <https://openbudget.uz/publicbudget>

уменьшилась с 15,1 % до 13,06 % (-2,04 %). Доля прочих доходов значительно возросла (+5,47 %).

В завершение необходимо сформулировать следующие основные выводы:

1. Анализ мирового опыта показывает, что государственная налоговая политика, ориентированная на развитие частного предпринимательства, является мощным драйвером экономического роста, среди важных социальных последствий которого необходимо отметить, прежде всего, сокращение безработицы. Наблюдаемое при развитии деловой активности постепенное расширение деловой активности способствует увеличению ёмкости внутреннего рынка страны, что делает её экономику более конкурентоспособной и инвестиционно привлекательной. Подобная закономерность характерна как для экономической системы страны, в целом, так и для её региональных компонентов.

2. Современная государственная налоговая политика, ориентированная на устойчивое развитие, представляет собой сложную систему, обеспечивающую пополнение доходной части бюджетной системы государства – с одной стороны и, в тоже время, стимулирующую деловую активность, рост реальных доходов бизнеса, граждан – с другой. Достижение указанного баланса обеспечивается реализацией в налоговом праве фискально-стимулирующих инструментов, поощряющих с помощью налоговых преференций экономических агентов к созданию добавленной стоимости посредством экономической активности в различных отраслях реального сектора экономики. При реализации подобного подхода, основными объектами налогообложения является собственность, а также извлекаемый из неё рентный доход. Результаты деловой активности в виде прибыли, входящего денежного потока и т. п. играют второстепенную роль в системе налогообложения, что позволяет мотивировать экономических агентов к перманентному усилению деловой активности, выражающейся в росте производства, объёма оказанных услуг и т. п.

3. Как показывает практика, в целях ускоренного развития каких-либо регионов, отраслей, направлений экономической деятельности государство может успешно применять различные виды налоговых преференций, в частности: применение дифференцированных (в том числе нулевых) ставок по различным видам налогов и сборов; предоставление налогоплательщикам права так называемых «налоговых каникул», то есть отсрочки по уплате в бюджетную систему каких-либо налогов и сборов, что позволяет экономическому агенту использовать временно свободные финансовые ресурсы в качестве оборотных средств; упрощение государственного

администрирования налогообложения (упрощение отчётных налоговых форм, сокращение частоты сдачи обязательной отчётности, либерализация стандартов бухгалтерского учёта); изменение порядка оценки налогооблагаемой базы (что способствует сокращению объёма налоговых платежей). Реализация подобных мер способствует достижению следующих экономических эффектов: сокращению сроков окупаемости реализуемых инвестиционных проектов; укреплению финансовой устойчивости экономических агентов; увеличению рентабельности капитала, инвестированного в реальный сектор экономики страны.

4. В связи с вышеизложенным, нам представляется целесообразным формирование для Хорезмской области специального налогового режима, стимулирующего развитие высокотехнологичных отраслей экономики. Элементами подобного режима могут являться упомянутые ранее налоговые преференции для экономических агентов, функционирующих в инновационных сферах деятельности, например: IT-индустрия, разработка наноматериалов. Научный потенциал Хорезмской области формирует благоприятную институциональную среду для динамичного развития указанных отраслей экономики.

T.M.Urakov

Navoiy innovatsiyalar universiteti o'qituvchisi

IQTISODIYOTNI INNOVATSION IVOJLANTIRISHNI SOLIQLAR VOSITASIDA RAG‘BATLANTIRISHNING SAMARADORLIGI.

Annotatsiya. Maqolada mintaqada iqtisodiy o‘shishni soliqlar vositasida rag‘batlantirish omillari tahlil qilingan. Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni soliqlar vositasida rag‘batlantirishning ustivor yo‘nalishlari aniqlangan.

Kalit so‘zlar: mintaq, iqtisodiy o‘shish, innovatsiya, soliq tizimi, innovatsion rivojlanish, soliq yuki, soliq samaradorligi, innovatsion infratuzilma.

Аннотация. В статье рассматриваются факторы экономического роста региона на основе стимулирования посредством налогов. Разработаны приоритетные направления стимулирования посредством налогов при формировании инновационной экономики региона.

Ключевые слова: регион, экономический рост, инновация, налоговая система, налоговая нагрузка, налоговая эффективность, инновационная инфраструктура.

Annotation. The article examines the factors of economic growth of the region on the basis of tax incentives. Priority areas have been developed: tax incentives, the formation of an innovative economy in the region.

Keywords: region, economic growth, innovation, tax system, tax burden, tax efficiency, innovation infrastructure.

Jahon tajribasi ko'rsatishicha, hozirgi kunda innovatsiyalar nafaqat alohida tashkilotlarning rivojlanishida, balki milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini ta'minlash, aholining hayot sifatini yaxshilash va uning farovonligini oshirishda muhim rol o'ynaydi.

Muvaffaqiyatli innovatsion rivojlanishning asosiy omillaridan biri xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatini davlat tomonidan tartibga solish va qo'llab quvvatlashning samarali tizimi hisoblanadi. Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda davlat o'z qo'lidagi barcha iqtisodiy instrumentlardan, jumladan fiskal, tarif, pulkredit, sug'urta va boshqa iqtisodiy mexanizmlardan foydalanadi.

Iqtisodiy o'sishning yangi turini shakllantirish va barqaror innovatsion rivojlanishga o'tish vazifasini amalga oshirishda xo'jalik yurituvchi subyektlarning innovatsion faoliyatini rag'batlantirishga qaratilgan qator chora-tadbirlar majmui amalga oshirildi, bunda soliq sohasidagi chora-tadbirlarga muhim o'rin berilgani holda innovatsiyalarni rag'batlantirishga qaratilgan soliq qonunchiligiga ko'plab o'zgartirishlar kiritildi. Biroq, soliq qonunchiligidagi o'zgarishlar tahlili shuni ko'rsatdiki, qabul qilingan o'zgarishlarda rag'batlantirish kerak bo'lgan soliq to'lovchilar toifasini aniqlashga hamda ularning har bir toifasi uchun foydalaniladigan samarali soliq mexanizmlari tarkibiga yagona metodologik yondashuv mavjud emasligini ko'rsatdi. Bu esa, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda xo'jalik yurituvchi subektlarni innovatsion faoliyat bilan faol shug'ullanishlarini soliqlar vositasida rag'batlantirishning kompleks tizimini va amaldagi soliq mexanizmlaridan samarali foydalanishga yagona metodologik yondashuvni ishlab chiqish zaruratini taqazo etadi.

Ma'lumki, zamonaviy iqtisodiyot rivojini innovatsiyalar va investitsiyalarsiz ta'minlab bo'lmaydi. Shu sababli, tadbirkorlik subyektlarini ilmiy tadqiqot va innovatsion faoliyat bilan shug'ullanish, mazkur faoliyatlarga investitsiyalarni faol jalb qilish, innovatsion mahsulotlar ishlab chiqarishga rag'batlantirish har qanday zamonaviy davlatning iqtisodiyotini tartibga solishdagi asosiy vazifasi bo'lib hisoblanadi. Shu jumladan, O'zbekiston iqtisodiyotini jadal rivojlantirish, investitsiyalar oqimini kuchaytirish, fan-texnika yutuqlarini iqtisodiyot tarmoqlariga, ijtimoiy va boshqa sohalarga keng qo'llagan holda zamonaviy innovatsion texnologiyalarni tezkor joriy etish bugungi kunda va yaqin kelajakda davlat hal qilishi lozim bo'lgan juda muhim, dolzarb masaladir. Soliq mexanizmi iqtisodiyotni tartibga solishda, shu jumladan innovatsion rivojlanishni qo'llab quvvatlash va rag'batlantirishda davlat qo'lidagi eng samarali ta'sir ko'rsatish vositasi hisoblanadi.

[2]

Soliq mexanizmidan foydalanish asosida innovatsion rivojlanishni ta'minlash odatda soliq imtiyozlari va yengilliklarining innovatsion korxonalar faoliyatiga rag'batlantiruvchi ta'siriga asoslanadi. Ayni paytda soliqlar iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish vositasi sifatida foydalanilishi soliqlarning tartibga solish, shu jumladan rag'batlantirish, cheklash va qoplab berish funksiyalaridan foydalanishga asoslangan. Tartibga solish funksiyasining ta'siri soliq to'lovchilarning turli obyektlari va toifalarini notekis soliqqa tortilishi bilan asoslanadi. Soliq yukining notekisligi, o'z navbatida, kerakli samarani yaratadi. Bunda, ustuvor yo'nalishda soliq yukini yumshatish orqali davlat ushbu yo'nalishda iqtisodiy rivojlanish uchun yanada qulay sharoitlar yaratadi, boshqa yo'nalishda soliq yukining oshishi rivojlanish uchun qo'shimcha to'siqlarni keltirib chiqaradi.

Ta'kidlash joizki, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda nafaqat rag'batlantirish (pasaytirilgan soliq stavkalari, soliq ta'tillari, soliq chegirmalari va boshqa imtiyozlar) xususiyatiga ega choralarni qo'llash, balki innovatsion faollikni oshirish bo'yicha choralarni ko'rmayotgan subyektlarga nisbatan cheklash (soliq stavkalarini oshirish, qo'shimcha soliqlarni joriy etish, imtiyozlardan foydalanishga cheklovlar) hamda qoplab berish (nol stavkasini qo'llash) xususiyatiga ega mexanizmlarni qo'llash maqsadga muvofiq. [3]

O'zbekistonda ilmiy tadqiqot va innovatsion faoliyatni soliq mexanizmi orqali tartibga solish, shu jumladan rag'batlantirish amaliyotini tahlil qilish natijasida shunday xulosaga kelish mumkinki, rag'batlantirish obyektlari aniq bo'lmasdan, erishilishi lozim bo'lgan ko'rsatkichlar belgilanmasdan, muayyan va nomuayyan muddatga asosan QQS, foyda solig'i va aylanmadan soliq kabi soliq turlaridan to'liq ozod qilish shaklidagi soliq imtiyozlari qo'llanib kelingan. Zero, hozirgi kunda xalqaro tajribada ushbu faoliyat turlarini samarali rag'batlantirish instrumentlari sifatida asosan soliq kreditlari, soliq chegirmalari, soliq ta'tillari, pasaytirilgan va tabaqalashtirilgan soliq stavkalari qo'llanilmoqda.[4]

Bundan tashqari, soliq mexanizmi vositasida innovatsion infratuzilmani yaxshilashga investitsiyalarni jalb qilish holati tahlili shuni ko'rsatdiki, texnik va texnologik jihatdan qayta jihozlashga, yangi texnologik jihoz xarid qilishga yo'naltiriladigan mablag'lar summasiga, tegishli soliq davrida hisoblangan amortizatsiyani chegirib tashlagan holda, biroq soliq solinadigan foydaning 30 foizidan ko'p bo'lmagan miqdorda korxonalarining soliq solinadigan foydasini kamaytirish mexanizmi innovatsion mahsulot yoki texnologiya iste'molchilarining investitsion faolligiga ta'sir etish darajasi pastligi kuzatilgan. Shuning uchun mazkur mexanizm o'rniga investitsion soliq chegirmani joriy qilish taklifi ilgari surilgan.

Soliqlar orqali rag'batlantirish samaradorligi hamda iqtisodiy o'sishga ta'siri masalasi davlat va alohida tashkilotlarga muammoligicha qolmoqda. Shu sababli, innovatsion rivojlanishni rag'batlantirishga yo'naltirilgan soliq instrumentlari

samaradorligi, shuningdek, ularning xo‘jalik yurituvchi subyektlar soliq yukiga ta’siri darajasini baholash, rag‘batlarni daromadlar darajasiga ta’sir etishini aniqlashga imkon beruvchi baholash me‘zonlari tizimini rivojlantirish masalalarini ko‘rib chiqish lozim.

Soliqlar vositasida rag‘batlantirish ko‘lamining o‘sishi, ularning samaradorligi muammosiga e’tiborni qaratishni talab etadi. Zero, rag‘batlantirish dastaklari natijalarini baholash va monitoring qilish mexanizmining mavjud emasligi ular samaradorligini to‘xtatuvchi omillardan biri hisoblanadi. Bu muammo hal qilinishi uchun yetarli darajada murakkab hisoblanadi. Murakkabligi shundaki, birinchidan, aksariyat hollarda zaruriy statistik ma’lumotlar aniq va yetarli emasligi bilan bog‘liq bo‘lsa, ikkinchidan, turli iqtisodiy sharoitlarda korxonalar holatining o‘ziga xosligi bilan bog‘liqdir. Shunga qaramasdan, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishda soliq mexanizmlari samaradorligini baholash muhim ahamiyat kasb etadi.

Soliq mexanizmidan samarali foydalanish orqali iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirish maqsadida innovatsion faoliyatni voqealar zanjiri sifatida ham ifodalash mumkin.

Xususan, yangi bilimlar (g‘oyalar) paydo bo‘lishi – g‘oyaning intellektual mahsulotga (innovatsiyalarga) aylanishi – innovatsiyalarning ishlab chiqarishga joriy etilishi – innovatsiyalarning tijoratlashtiruvchi (innovatsion mahsulotni tijoriy jihatidan muvaffaqiyatli ishlab chiqarish) – innovatsion mahsulotning iste’moli.

Ushbu zanjirning quyidagi uch asosiy yo‘nalishini soliqlar orqali rag‘batlantirish mumkin: innovatsiyalarni ishlab chiqarish; innovatsiyalarni ishlab chiqarishga joriy qilish; innovatsion mahsulot iste’moli.

Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni soliqlar vositasida rag‘batlantirishning belgilangan yo‘nalishlari faoliyatini rag‘batlantirish talab etiladigan subyektlar doirasini aniqlashga imkon beradi:

- Innovatsiyalarni yaratuvchi korxonalar. Hozirgi kunda iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni rag‘batlantiradigan soliq vositalarining aksariyati ushbu toifadagi korxonalar faoliyatiga qaratilgan. Biroq, iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishni soliqlar orqali rag‘batlantirishning natijadorligi rag‘batlantiruvchi ta’sirini boshqa toifadagi subyektlarga ham teng taqsimlashga bog‘liq. Aks holda iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirish uchun muhim bo‘lgan “innovatsiyalarni ishlab chiqarish - joriy qilish – tijoratlashtirish - iste’mol” zanjiri uziladi.

- Innovatsiyalarni ishlab chiqarishga joriy qiluvchi korxonalar. Fikrimizcha, ushbu toifadagi subyektlar ko‘proq rag‘batlantirishga muhtoj. Chunki, ishlab chiqarishga innovatsiyalarni joriy etish iqtisodiyotni innovatsion rivojlanishini ta’minlashning asosiy shartidir. Bundan tashqari, innovatsiyalar ishlab chiqarishni alohida rag‘batlantirish innovatsiyalarni eksport qilish imkoniyatiga olib keladi

. - Innovatsion mahsulot iste'molchilari bo'lgan korxonalar. Ushbu korxonalar ham innovatsion mahsulotlarga bo'lgan talabni oshirish maqsadida soliqlar vositasida rag'batlantirishga muhtoj. Shuningdek, innovatsion mahsulotlarni iste'mol qilishni alohida rag'batlantirish innovatsion mahsulotlarni import qilish imkoniyatiga olb keladi. - Innovatsion infartuzilma korxonalari. Ushbu toifaning soliqlar vositasida rag'batlantirish talab etiladigan subyektlar tarkibiga kiritilishi innovatsion infratuzilma korxonalarining faoliyati innovatsion faoliyatning barcha bosqichlari bilan bog'liq bo'lib, innovatsion iqtisodiyotni normal ishlashi uchun muhimdir.

Тураев Алижон Акмал ўғли

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти катта ўқитувчиси

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАТИЖАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ

Аннотация: Мақолада солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни тартибга солишда солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш, масафавий солиқ назорати шакллари ва солиқ текшируви турларидан фойдаланиш ўрганилган. Тадқиқот солиққа муносабатларини ўзгарувчан солиқ шароитига мослашиш зарурлигини ифодалаб, мавзу сўнгида хулоса шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, даромад, солиқ юки, хўжалик юритувчи субъект, солиққа тортиш, рақамлаштириш, назорат, текшириш.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишни солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва солиқ муносабатлари иштирокчиларининг фаолиятини Солиқ кодекси нормалари асосида тартибга солиш иқтисодий аҳамиятга эга.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини ошириш йўллари куйидаги йўналишлар деб ҳисоблаймиз:

- солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш;
- масафавий солиқ назорати шакллари ва солиқ текшируви турларидан фойдаланиш;

- солиқ маслаҳати институтини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларидан бири бу замонавий ахборот технологияларини қўллаш асосида рақамлаштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 сонли Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтишнинг стратегиясини

белгилаб берди.⁵⁴ “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси бевосита солиқ назоратини рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда иқтисодиётини рақамлаштиришни ривожлантириш шароитида қонун бузилиши, солиқ солинадиган базани пасайтириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш учун солиқ тизимини такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришга трансформация қилиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш зарурияти хусусида С.Гупта[2] куйидагиларни таъкидлайди: “Рақамлаштириш солиқ маъмуриятлари фаолиятини ўзгартириб, жараён самарадорлиги ва хизматлар кўрсатишни яхшилашга ёрдам беради. Ёрқин мисол – фирмалар ва солиқ органи ўртасида ҳисоб-китоб маълумотларини автоматик тарзда ўтказиш имконини берувчи электрон ҳисобварақ-фактуранинг (е-инвойсинг) қабул қилиниши”

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш асосида такомиллаштириш борасида Европада маълум ишлар амалга оширилмоқда. Европада алоҳида мамлакатларда ягона ҳисобот стандарти жорий қилинган. ИХТТ(иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Organisation for Economic Cooperation and Development) томонидан ишлаб чиқилган ягона ҳисобот стандарти SAF-T(Standard Audit File for Tax) Европа Иттифоқининг турли мамлакатларида фаол амалга оширилмоқда. Масалан, 2020 йилда ушбу ягона стандарт Норвегия томонидан жорий этилган.[3]

Солиқ назоратига А.С.Адвокатова[4] куйидагича таъриф берган: “Солиқ назорати, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг ажралмас қисми сифатида, жамиятнинг барча жабҳаларида давлат олдида турган муаммоларни ҳал этишни таъминлайдиган, давлатнинг молиявий ресурсларини энг самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмининг такомиллаштириш учун йўналишлар ва йўللарни таъминлайдиган давлатнинг молиявий сиёсатини амалга ошириш.”

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришнинг жорий этилишини ижобий томонлари куйидагилар деб ҳисоблаймиз:

солиққа тортишнинг баъзаси кенгайди;

шаффофлик ва ишончни оширади;

рақамли технологиялар солиқларни тўлаш учун сарфланадиган вақтни камайтиради;

солиқ маъмуриятчилигини самарадорлигини оширади;

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 сонли Фармони.

солиқ назоратининг натижавийлиги ошади.

Бизнинг фикримизча иқтисодчилар қайд этган мезонлардан ташқари солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш натижасида:

- солиқ базаси билан боғлиқ ахборотлар электрон базасини шакллантириш;

- солиқ тўловчиларга контрагентлар тўғрисидаги ахборотларни етказиб бериш;

- солиқ қарздорлик ҳолати тўғрисидаги тезкор ахборотларни шакллантириш;

- солиқ тўловчилар учун зарур қонунчиликдаги янгиликлар, услубий-тушинтириш ҳужжатларини тезкор етказиш;

- солиқ тўловчилар, ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик масалаларда тезкор ва сифатли ахборот алмашувини амалга ошириш йўлга қўйилади.

Таҳлиллар натижасига кўра рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ органлари маъмурий босим тамойилидан воз кечиб, солиқ маъмуриятчилигини рақамли тизим асосида солиқ тўловчилар билан ҳамкорликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларидан бири бу замонавий ахборот технологияларини қўллаш асосида солиқ назоратининг замонавий шакллари қўллашдир.

Жаҳон амалиётида маълумки, мамлакатларда солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ҳамда солиқ тўловчилар томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик оқибатида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш солиқ текширувларининг пировард натижаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги 717-І-сон Қонунинг 2 моддасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқ текшируви орқали тартибга солиш белгилаб қўйилган⁵⁵**. Ушбу қонунга асосан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқ органлари томонидан солиқ назорати ўтказилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимиздаги солиқ назорати бўйича меъёрий ҳужжатларни таҳлил қиладиган бўлсак, аввало, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 136-моддасида солиқ назоратининг солиқ текширувлари ва солиқ мониторинги шаклида амалга ошириш кўзда тутилган (1-расм).

⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги 717-І-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 21.01.2023 й., 03/23/815/0044-сон.



1-расм. Солиқ назоратининг шакллари

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини оширишда солиқ назоратининг солиқ мониторинг шаклидан кенг фойдаланишдир.

Солиқ мониторингининг асосий мақсади солиқ органлари томонидан назорат қилинадиган солиқ, валюта ва бошқа қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хавфли операцияларига ўз вақтида чора кўриш ва уларнинг олдини олиш орқали солиқ органлари ва йирик солиқ тўловчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини яратишдан иборат. Шунингдек, солиқ мониторинги бизнес ва солиқ органлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўлиб, солиқ текширувларидан озод қилиш эвазига тўлиқ шаффофликни назарда тутади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини ошириш йўлларида бири бўлиб камерал солиқ текшируви ҳисобланади. камерал солиқ текширувининг хусусияти шундан иборатки, солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ ва йиғимлар масафодан туриб янги технологияларни қўллаган ҳолда ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини оширишда солиқ маслаҳати институтидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ маслаҳатчилари молиявий масалалар, шу жумладан солиққа тортиш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатувчи, солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муносабати билан хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат билан молиявий ва солиқ муносабатларини бошқариш муаммоларини ҳал қилади.

Ҳозирги вақтда, яъни 2023 йил 1 сентябрь ҳолатига мамлакатимизда 73 та солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари 73 та бўлиб, уларда 186 нафар солиқ маслаҳатчилари фаолият кўрсатмоқда.

Биринчидан, солиқ тўловчилар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини ошириш йўллари бўлиб, солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш, масафавий солиқ назорати шакллари ва солиқ текшируви турларидан фойдаланиш, солиқ маслаҳати институтини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш ҳисобланади.

Иккинчидан, солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришнинг жорий этилишини ижобий томонлари қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

солиққа тортишнинг баъзаси кенгаяди;

шаффофлик ва ишончни оширади;

рақамли технологиялар солиқларни тўлаш учун сарфланадиган вақтни камайтиради;

солиқ маъмуриятчилигини самарадорлигини оширади;

солиқ назоратининг натижавийлиги ошади.

Учинчидан, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларидан бири бу замонавий ахборот технологияларини қўллаш асосида солиқ назоратининг замонавий шаклларини қўллашдир.

Ziyayev Dilshodjon Salimjonovich

Farg'ona davlat universiteti o'qituvchisi

SOLIQ MAJBURIYATLARI VA ULARNI BAJARISH TARTIBI.

Annotatsiya: Soliqlarni to'lash majburiyligi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 51-moddasida asoslangan. Har bir shaxs Soliq kodeksida belgilangan soliqlar va unda nazarda tutilgan yig'imlarni to'lashi shart. Hech kimga Soliq kodeksida nazarda tutilmagan yoxud uning normalari buzilgan holda belgilangan soliqlar va yig'imlarni to'lash majburiyati yuklatilishi mumkin emasligi belgilangan. Ushbu maqolada soliq majburiyatlari va ularni bajarish tartibi haqida fikrlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Soliq majburiyatlari, soliq hisoboti, deklaratsiya, qo'shilgan qiymat solig'i, aksiz solig'i, aylanmadan olinadigan soliq, yer solig'i.

Аннотация: Обязательность уплаты налогов основана на статье 51 Конституции Республики Узбекистан. Каждый человек обязан уплачивать налоги, установленные Налоговым кодексом, и предусмотренные в нем сборы. Установлено, что ни на кого не может быть возложена обязанность по уплате налогов и сборов, не предусмотренных Налоговым кодексом или установленных с нарушением его норм. В данной статье даны представления о налоговых обязательствах и порядке их исполнения.

Ключевые слова: налоговые обязательства, налоговая отчетность, декларация, налог на добавленную стоимость, акциз, налог на оборот, земельный налог.

Annotation: The obligation to pay taxes is based on article 51 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. Everyone is obliged to pay the taxes established by the Tax Code and the fees provided for in it. It is established that no one can be charged with the obligation to pay taxes and fees that are not provided for by the Tax Code or established in violation of its norms. This article gives an idea of tax obligations and the procedure for their execution.

Keywords: tax liabilities, tax reporting, declaration, value added tax, excise tax, turnover tax, land tax.

Soliq majburiyati - bu ma'lum bir davrda, jismoniy shaxslar va tashkilotlar tomonidan davlat va mahalliy hukumatlarga qarzdorlikning umumiy miqdori hisoblanadi. Korxonalar uchun soliq majburiyatlari bu balansda qayd etilgan va bir yil ichida to'langan qisqa muddatli majburiyatlardir. Jismoniy shaxslar uchun soliq majburiyatlari ish haqi yoki ish haqidan ushlab qolish bilan qoplanadi yoki o'z cho'ntagidan to'lanadi. Jismoniy shaxslar va tashkilotlar har bir soliq solinadigan hodisa bilan daromad olish, savdo-sotiq qilish va ish haqi berish kabi soliq majburiyatlarini hisoblashadi. Har bir soliq solinadigan hodisa ma'lum miqdordagi soliq majburiyatini keltirib chiqaradi, bu umumiy miqdorga nisbatan foiz hisoblanadi.

Ishlab chiqarilgan ish haqi soliq majburiyatlarini keltirib chiqaradi. Shaxsiy soliq to'lovchilarning majburiyatlarini qoplash uchun ish beruvchilar ish haqi va ish haqining bir qismini ushlab qolishadi. Agar bu miqdor soliq to'lovchining yil uchun umumiy soliq majburiyatidan kam bo'lsa, to'lanmagan farq jismoniy shaxs tomonidan to'lanishi kerak; agar u soliq to'lovchining umumiy soliq majburiyatidan oshsa, farq soliqni qaytarib beradi.

Soliq tulovchining Soliq tugrisidagi qonun xujjatlariga muvofik yuzaga keladigan majburiyati Soliq majburiyati deb e'tirof etiladi.

O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksining 20-moddasida qayd etilishicha. Soliq to'lovchilar etib quyidagilar takidlangan:

Soliq Kodeksida belgilangan xollarda davlat Soliq xizmati organlarida hisobga turishi;

Soliq solish ob'ektlari va Soliq solish bilan bog'liq ob'ektlarni aniklashi xamda ularning hisobini yuritishi;

moliyaviy va Soliq hisobotini tuzishi xamda uni davlat Soliq xizmati organlariga takdim etishi;

Soliqlar va boshqa majburiy tulovlarni uz vaktida xamda tulik miqdorda tulashi shart.

Soliq majburiyatini bajarish bevosita Soliq tulovchi tomonidan amalga oshiriladi, ushbu Kodeksga va boshqa qonunlarga muvofik Soliq majburiyatini bajarish boshqa shaxsga yuklatiladigan xollar bundan mustasno.

Yuridik shaxsning aloxida bulinmalari buyicha Soliq majburiyati mazkur aloxida bulinmalar tomonidan, agar ularga aloxida mol-mulk ajratilgan bulsa va ular mustakil balansga ega bulsa, mustakil ravishda bajariladi.

Soliq solinadigan mol-mulk ishonchli boshqaruvga topshirilganda boshqaruv muassisi bulgan Soliq tulovchining Soliq majburiyati, agar bu majburiyat unga boshqaruv muassisi tomonidan yuklatilgan bulsa, ishonchli boshqaruvchi tomonidan bajarilishi mumkin.

Soliq majburiyati bajarilmagan yoki lozim darajada bajarilmagan takdirida, Soliqlar to'lovchiga nisbatan soliq Kodeksida nazarda tutilgan tartibda uning bajarilishini ta'minlash choralari kullaniladi.

Soliq majburiyati soliq Kodeksida belgilangan muddatlarda Soliqlar to'lovchi tomonidan bajarilishi kerak.

Soliqlar to'lovchi Soliqlar majburiyatini muddatidan ilgari bajarishga xakli.

Soliqlar majburiyatini bajarish muddatlari kalendar sana yoki vakt davri (yil, yil choragi, oy, un kunlik va kun) utishi bilan belgilanadi.

Muddatning utishi kalendar sanadan yoki muddatning boshlanishi belgilab kuyilgan vokea yuz berganidan keyingi kundandan boshlanadi. Soliqlar majburiyati bu majburiyatni bajarish muddatining sunggi kuni soat yigirma turtga kadar bajarilishi kerak.

Agar Soliqlar majburiyatini bajarish muddatining sunggi kuni dam olish (ishlanmaydigan) kuniga tugri kelib kolsa, shundan keyingi birinchi ish kuni muddatning tugash kuni hisoblanadi.

Jismoniy shaxsning Soliqlar majburiyati kuyidagi xollarda tugatiladi:

uning vafot etishi bilan;

uni vafot etgan deb e'lon kilish tugrisidagi sud karori qonuniy kuchga kirishi bilan.

Yuridik shaxsning Soliqlar majburiyati quyidagi xollarda tugatiladi:

u tugatilganidan keyin;

u qushib olish (qushib olingan yuridik shaxsga nisbatan), qo'shib yuborish, bulish va uzgartirish orkali kayta tashkil etilganidan keyin.

Davlat Soliqlar xizmati organi Soliqlar davri tugaganidan keyin besh yil ichida Soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni hisoblashi yoki ularning hisoblangan summasini kayta kurib chikishi mumkin.

Soliqlar to'lovchi Soliqlar davri tugaganidan keyin besh yil ichida Soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarning ortiqcha tulangan summalarini hisobga olishni yoki qaytarishni talab qilishga xaqli.

Soliqlar majburiyati buyicha da'vo qilish muddatining o'tishi fuqarolik qonun xujjatlariga muvofiq to'xtatib turiladi va tiklanadi.

Soliqlar ma'muriyatchiligini yanada takomillashtirish va soliq qonunchiligini buzganlik uchun javobgarlikni liberallashtirish orqali ishbilarmonlik muhitini yaxshilash, shuningdek, tadbirkorlarning muammo va takliflarini bevosita o'rganish hamda tadbirkorlikni kelgusida rivojlantirishning asosiy yo'nalishlarini belgilab olish bo'yicha 2021 yil 20 avgust kuni o'tkazilgan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining tadbirkorlar bilan ochiq muloqoti doirasida belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash maqsadida:

1. 2022 yil 1 yanvardan boshlab: kameral soliq tekshiruvi natijalari bo'yicha aniqlangan huquqbuzarliklar uchun moliyaviy sanksiyalar qo'llanilmasligi takidlandi.

tadbirkorlik sub'ektlari tomonidan soliq hisobotini belgilangan muddatlarda taqdim etmaganlik uchun moliyaviy sanksiyalar bekor qilinadi.

2. Davlat soliq qo'mitasining 2022 yil yanvar – iyul oylarida eksperiment tariqasida Xorazm viloyati davlat soliq boshqarmasida hisobda turgan soliq to'lovchilarning qo'shilgan qiymat solig'i, aksiz solig'i, aylanmadan olinadigan soliq va yuridik shaxslardan olinadigan yer solig'i bo'yicha soliq hisobotlarining soliq organlari tomonidan hisoblab chiqarilishi va shakllantirib berilishi to'g'risidagi taklifi qo'llab-quvvatlanishi muhtaram Prezidentimiz tomonidan belgilab berildi.

Soliq majburiyatini bajarish tartibi

Soliq majburiyatini bajarish bevosita soliq to'lovchi tomonidan amalga oshiriladi, ushbu Kodeksga va boshqa qonunlarga muvofiq soliq majburiyatini bajarish boshqa shaxsga yuklatiladigan hollar bundan mustasno.

Yuridik shaxsning alohida bo'linmalari bo'yicha soliq majburiyati mazkur alohida bo'linmalar tomonidan, agar ularga alohida mol-mulk ajratilgan bo'lsa va ular mustaqil balansga ega bo'lsa, mustaqil ravishda bajariladi.

Soliq solinadigan mol-mulk ishonchli boshqaruvga topshirilganda boshqaruv muassisi bo'lgan soliq to'lovchining soliq majburiyati, agar bu majburiyat unga boshqaruv muassisi tomonidan yuklatilgan bo'lsa, ishonchli boshqaruvchi tomonidan bajarilishi mumkin.

Soliq majburiyati bajarilmagan yoki lozim darajada bajarilmagan taqdirda, soliq to'lovchiga nisbatan ushbu Kodeksda nazarda tutilgan tartibda uning bajarilishini ta'minlash choralari qo'llaniladi.

Soliq majburiyatini bajarish muddatlari

Soliq majburiyati ushbu Kodeksda belgilangan muddatlarda soliq to'lovchi tomonidan bajarilishi kerak.

Soliq to'lovchi soliq majburiyatini muddatidan ilgari bajarishga haqli.

Soliq majburiyatini bajarish muddatlari kalendar sana yoki vaqt davri (yil, yil choragi, oy, o'n kunlik va kun) o'tishi bilan belgilanadi.

Muddatning o'tishi kalendar sanadan yoki muddatning boshlanishi belgilab qo'yilgan voqea yuz berganidan keyingi kundan boshlanadi. Soliq majburiyati bu majburiyatni bajarish muddatining so'nggi kuni soat yigirma to'rtga qadar bajarilishi kerak.

Agar soliq majburiyatini bajarish muddatining so'nggi kuni dam olish (ishlanmaydigan) kuniga to'g'ri kelib qolsa, shundan keyingi birinchi ish kuni muddatning tugash kuni hisoblanadi.

Soliq majburiyatining tugatilishi

Jismoniy shaxsning soliq majburiyati quyidagi hollarda tugatiladi:
uning vafot etishi bilan;
uni vafot etgan deb e'lon qilish to'g'risidagi sud qarori qonuniy kuchga kirishi bilan.

Yuridik shaxsning soliq majburiyati quyidagi hollarda tugatiladi:
u tugatilganidan keyin;
u qo'shib olish (qo'shib olingan yuridik shaxsga nisbatan), qo'shib yuborish, bo'lish va o'zgartirish orqali qayta tashkil etilganidan keyin.

Soliq majburiyati bo'yicha da'vo qilish muddati

Davlat soliq xizmati organi soliq davri tugaganidan keyin besh yil ichida soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni hisoblashi yoki ularning hisoblangan summasini qayta ko'rib chiqishi mumkin.

Аллаяров Камолбек Рахмонберганович

Фискал институт магистранти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ СИЁСАТИ ВА УНИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИ РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ

Ҳар қандай иқтисодий тизимда давлатнинг фискал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда унинг солиқ сиёсати доирасида стратегик мақсадлари шакллантирилади ва унда аниқ мақсадларни кўзлаб қисқа, ўрта ва узок муддатли даврларни ўз ичига олган мўлжаллар қамраб олинади. Албатта, Собик иттифоқ давридаги солиқ сиёсатининг стратегик мақсадлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида маълум бир қисмлари сақланиб қолинган бўлсада, Ўзбекистон ўзининг миллий солиқ сиёсатида стратегик мақсадларни белгилаб олди ва у маълум бир илмий-амалий ва услубий жиҳатдан эволюцион ривожланиш йўлини босиб ўтмоқда.

Бундай шароитда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, мамлакатнинг молиявий аҳволини яхшилаш масалалари муҳим аҳамият касб этди. Шу муносабат билан 1992-йилда республикада бозор муносабатлари шаклланиши шароитида суверен давлат бюджетига тушумларни таъминлаш учун мўлжалланган солиқ тизимини шакллантириш бошланди.

Солиқ соҳасидаги ислохотларнинг стратегик йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти - давлат ва ижро этувчи ҳокимияти раҳбари фармонлари билан бошланган ва мақсадли йўналишлар ҳамда уларни амалга ошириш усуллари белгиланган.

Шу муносабат билан, мустақилликка эришгандан сўнг (1991-2001-йиллар) миллий солиқ тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг биринчи босқичи мамлакатда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда

амалга оширилди, яъни бу фискал йўналтирилган солиқларнинг кўплиги билан ажралиб турарди.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш зарурати дастлабки босқичдаги солиқ сиёсатининг асосий хусусиятларини белгилаб берди, унинг асосий вазифалари ўта юқори инфляция ва бюджет тақчиллиги шароитида қисқа муддатли муаммоларни ҳал қилишга қаратилган солиқларнинг фискал ва қайта тақсимлаш функцияларида намоён бўлди.

Солиқ тизимини шакллантиришда 1991-йил 12-августда Молия вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат молия-солиқ бошқармаси негизида ташкил этилган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош давлат бошқармаси муҳим рол ўйнади.

Дастлабки босқичда солиқ сиёсатининг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат бўлган:


- ўтиш даврига мос келадиган тубдан янги солиқлар ва тўловлар тизимини яратиш ва уларни иқтисодий амалиётга жорий этиш;

- юзага келадиган иқтисодий вазиятга тезкор жавоб бериш, солиқ қонунчилигига тезкор ўзгартиришлар киритиш;

- бюджетнинг даромад қисмини унинг катта тақчиллиги, прогрессив инфляция жараёнлари, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва фойдасиз корхоналар сонининг кўпайиши шароитида таъминлаш;

- солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилишини таъминлашга мўлжалланган мустақил тизим сифатида давлат солиқ хизматини шакллантириш ва шу кабилар.

Ислохотларнинг иккинчи босқичи (2002-2015 йиллар) биринчи Президент ва ҳукумат томонидан жамият ҳаётининг барча жабҳаларини либераллаштириш, иқтисодий ислохотлар йўлида олдинга силжиш вазифаларига асосланади. Шу муносабат билан ушбу даврда солиқ сиёсати кўйидагиларга йўналтирилди:



Иккинчи босқичнинг иккинчи ярмидан бошлаб (2010-2016-йиллар) солиқ сиёсати қуйидаги йўналишларга қаратилди:

- Ставкаларни бирлаштириш, солиқ солинадиган базани қайта кўриб чиқиш орқали солиқ юкини янада камайтириш**
- Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва маҳаллийлаштириш жараёнларини солиқ билан рағбатлантириш**
- Солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ва шу кабилар**

Ислохотларнинг учинчи босқичи (2016-2022-йиллар) 2016-йилдан бошлаб Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида иқтисодий ўсишнинг янги омилларини фаоллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислохотларга асосланди.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси доирасида солиқ юкини камайтириш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантириш чораларини кенгайтириш назарда тутилди.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида солиқ соҳасида бир маромда иқтисодий ўсишга, ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни оширишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлашга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар аниқланди, хусусан:

биринчидан, умумбелгиланган солиқларни тўловчилар учун солиқ юки даражасининг юқорилиги, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги фарқнинг сезиларлилиги;

иккинчидан, қўшилган қиймат солиғини ундиришнинг самарасиз тизими, солиқ тўловчиларнинг айланма маблағларини жалб қиладиган, шунингдек, истеъмол маҳсулотининг оралиқ ва якуний қиймати қимматлашишига олиб келадиган ҳамда йирик ва кичик бизнес ўртасидаги кооперациянинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган мажбурий тўловларнинг мавжудлиги;

учинчидан, солиқ тўловчилар томонидан ходимларнинг реал сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини яширишга олиб келувчи меҳнатга ҳақ тўлаш фонди солиқ ставкаларининг юқорилиги;

тўртинчидан, имтиёзларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимнинг мавжуд эмаслиги сабабли соғлом рақобатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи, хўжалик юритувчи субъектларни солиқ ва божхона, шу жумладан индивидуал хусусиятга эга бўлган имтиёзлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш амалиётининг кенг тарқалганлиги;

бешинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизмларининг, электрон солиқ маъмуриятчилиги ҳамда солиқ назоратини амалга ошириш шакл ва услубларининг такомиллашмаганлиги;

олтинчидан, ўтказиладиган назорат тадбирларининг сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ва инсофли тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралаштиришларни камайтиришга тўсқинлик қилувчи назорат фаолиятини амалга оширишда хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг аниқ тизими йўқлиги;

еттинчидан, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг мавжуд эмаслиги.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган солиқ юкини камайтириш ва солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари ҳамда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва халқаро экспертларнинг тавсияларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари белгиланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2018-йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармонида ўз аксини топди.

Шу билан бирга солиқ маъмурчилиги соҳасида бир қатор муҳим ўзгаришлар амалга оширилди, жумладан, солиқ органларининг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди, унда хизмат қилишга йўналтирилган ва очиқлик тамойиллари максимал даражада жорий этилди.

Сўнгги беш йил ичида мамлакатда “мутлақо янги солиқ тизими” яратилди, шунингдек, янги Ўзбекистон руҳига мос келадиган Солиқ кодексининг янги таҳрири қабул қилинди.

Мамлакатда кенг кўламли ислохотлар бошланиши ва янги Ўзбекистон қурилиши билан солиқ соҳаси ҳам тубдан ўзгарди. Ўша пайтда амалдаги Солиқ кодекси янги талабларга жавоб бермаслиги ҳаммага аён бўлди.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 30-декабрдаги ЎРҚ-599-сонли “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Солиқ кодексининг янги таҳрири амалиётга жорий қилинди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг барқарорлигини таъминлашга, солиқ қонунчилигини соддалаштиришга, солиқ муносабатлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршилиқлар ва тўқнашувларни бартараф этишга, виждонли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида режадан кейинги иқтисодиётни бозорга айлантиришнинг энг мураккаб молиявий-иқтисодий шароитида Ўзбекистонда тубдан янги солиқ тизими яратилди, бу нафақат давлат ижтимоий-иқтисодий дастурларини молиялаштириш учун зарур бўлган ресурсларни шакллантиришни таъминлашга, балки айни пайтда бюджет тақчиллигини изчил қисқартириш, бюджет харажатларини рационализация қилиш, янги молия бозорлари ва молия институтларини шакллантириш орқали макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишга имкон берди.

Хасанова Ситора Исламовна

*Бухоро давлат университети Иқтисодиёт мутахассислиги
1-босқич магистранти*

ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ СОДДА МОДЕЛИ.

Аннотация. Ўсиш ва ривожланишнинг содда модели инсоларнинг танловлари иқтисодий ўсиш суратларига қандай тасир қилишини ва қолоқ

мамлакатлар нега бой мамлакатларни кувиб ета олмаслиги сабабларини тушунишга катта хисса қўшди. Ўсиш ва ривожланишнинг содда модели технологик тараккиет иктисодий субектларнинг даромад олиш учун янги технологияларга инвестиция киритиш максадли фаолиятнинг натижасидир. Мақолада ҳам Ўсиш ва ривожланишнинг содда модели муҳим омил эканлиги мисоллар асосида таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Соло , Харрод – Домар, Ramsey-Kass-Kormans, кесишган авлодлар, Mankiw-Rohmer-Weil ва Pol Romer моделлари, ekzogen, endogen, оралик товарлар, Якуний товарлар,Таддикот ва ишланмалар тармоги,патент.

Иктисодий узишнинг биринчи **Соло ва Харрод – Домар** моделларида иктисодий узиш сурати пировард натижада боғлиқ булиб бунда "тежамкорлик даражаси" ва "илмий тараккиет сурати" **ekzogen** параметрларидан фойдаланган. Таддикотчилар эса иктисодий узиш суратларини ички (**endogen**) омиллар билан асосламочки эдилар, бунга сабаб жамгарма даражаси булган моделларда камчиликлар мавжуд эди. Ушбу моделлар ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар уртасидаги узиш даражаси ва суратларидаги доимий фаркларни тушунтириб бермади. **Ramsey-Kass-Kormans** ва кесишган авлодларнинг кейинги моделлари **ekzogen** жамгарма даражасининг етишмаслигини бартараф этди. Бирок, ушбу моделларда илмий тараккиет сурати ekzogen булиб колди, шу сабабдан улар мамлакатлараро фаркларни тушунтира олмадилар. Иктисодий узишни "**капитал**" тушунчасини белгилаш ва ишлаб чиқариш функциясига инсон капиталини киритиш моделлари---- **Mankiw-Rohmer-Weil** модели ҳам узиш суратлари ва ривожланиш уртасидаги фаркларни тушунтириб беролмайди, хатто турли мамлакатлар инсон капиталидаги фаркларни хисобга олгандан кейин ҳам. Ишлаб чиқариш функциясига илмий тараккиетнинг узгарувчисини бевосита киритишга уринишлар даромадларнинг чекланишига олиб келди. Доимий даромадли мукамал ракобат шароитида компаниянинг даромадлари тулик меҳнат ва капитални тулашга сарфланди. Бундай шароитда **Pol Romer** технологик тараккиет суратларини тушунтириш учун моделларда монополистик ракобатдан фойдаланишни таклиф килди. Усиб бораётган товар хилма- хиллиги модели (**Pol Romer модели деб ҳам аталади**) "Иктисодий ривожланиш муаммоси: эркин тадбиркорлик орқали иктисодий ривожланишни урганиш " конференциясида такдим этилди.

Моделнинг асосий тахминлари: Модел епик иктисодиетни куриб чиқади. Фирмалар уз фойдаларини максимал даражада оширадилар, истемолчилар эса фойдалилик даражаларини максимал оширадилар. Иктисодиетда учта тармок мавжуд:

1. Оралик товарлар тармоги монополистик ракобат шароитида ишлайди
2. Якуний товарлар тармоги мукамал ракобат мухитида ишлайди

3. Таддикот ва ишланмалар тармоги ихтиро килинган махсулотларга патентларини оралик товарлар тармогида сотади.

Моделдаги иктисодий усиш оралик товарлар сонининг купайиши хисобига содир булади. Чексиз яшайдиган шахс еки уй хужалиги моделда ходим ва истемолчи сифатида ишлайди. Турли авлодлар уртасида **altruistik** алокалар мавжуд деб тахмин килинади; қарор қабул қилишда уй хужалиги нафақат ҳозирги, балки келажақдаги авлодларнинг ресурслари ва эҳтиёжларини ҳам хисобга олади.

Вақт t доимий равишда узгариб туради.

Моделда доимий хисобланган L меҳнат ресурслари ($L=const$) яқуний махсулот ишлаб чиқариш ва илмий – тадқиқот ишлари тармоқлари уртасида тақсимланади:

$$L=LY+LRD$$

Бу ерда LY - ишлаб чиқаришда қулланиладиган меҳнат ресурслари, моделда вақт утиши билан доимий булади, $LY=const$, LRD – тадқиқот ишчи кучи, $LRD=const$.

Ишлаб чиқариш функцияси маржинал махсулдорликка, улчовнинг доимий даромадига эга ва **Dixit-Stiglitz** функциясидир.

$$Y_t = A L_y^{1-\alpha} \int_0^{N_t} x_j^\alpha dj$$

Бунда Y_t – яқуний махсулотнинг чиқиши, A – иктисодиётдаги технологик унумдорлик даражаси, $A=const$, α – оралик товарнинг чиқиш эгилувчанлиги, $0 < \alpha < 1$, $\alpha=const$, x_j – ишлатилган j -чи оралик махсулот миқдори, N_t - иктисоддаги оралик махсулот миқдори бир вақтнинг узиди t .

Жисмоний капитал K ҳар бир ишлаб чиқариш сиклида тулик фойдаланиладиган оралик махсулотлар йигиндисига тенг.

$$K_t = \int_0^{N_t} x_j dj$$

Моделдаги яқуний махсулот ишлаб чиқариш бирлиги нархи: $P=1$. Бунда, оралик махсулотнинг нархи яқуний махсулот нархига нисбати сифатида берилган: $p_j = \frac{P_j}{P}$

$$\text{Реал иш ҳақки} \dots w = \frac{W}{P}$$

Моделдаги инвестиция I жамгармага тенг S ва миллий ҳисоблар идентификатори тизимидан хисобланади

$$I_t = K = Y_t - C_t$$

Бунда $C_t=c_tL$ – умумий истемол, c_t – бирлик учун истемолнинг вақтдаги меҳнати t , K – капиталнинг вақт ҳосиласи.

Якуний махсулотлар сектори мукамал ракобат шароитида ишлайди. Якуний махсулот ишлаб чиқарувчи фирманинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

$$AL_y^{1-a} \int_0^{N_t} x_j^a dj - \int_0^{N_t} p_j x_j dj - wL_y \rightarrow \max_{x_j, L_y}$$

Моделдаги патент монополияга бир турдаги оралик махсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини беради. Патентнинг нархи монополист фирманинг келажакдаги дисконтланган фойдасининг қийматига тенг. q – патентнинг нархи, r = фоиз ставкаси.

$$q = \pi_x \int_t^{\infty} e^{-\int_t^s r v dv} ds$$

Бутун жамият туктаи назаридан оптимал узиш суратлари қуйидаги марказий режалаштириш муаммосини ҳал қилиш натижасида топилади.

$$\max \int_0^{\infty} \frac{C^{1-\theta}}{1-\theta} e^{-\rho t} dt$$

$$\text{Бунда: } K = Y_t - C_t = K_t^a AL_y^{1-a} N^{1-a} - C_t$$

$$N = bL_{RD}N_t$$

$$L_y + L_{RD} = L \text{ булса.}$$

Иқтисодий узишнинг олдинги моделларида (масалан, АК модели, кесишувчи авлодлар модели, Ramsey-Kass-Kopmans модели) иқтисодий агентларининг фойда олиш мақсадида янги технолошияларга сармоя қиритиш бўйича мақсадли фаолияти очиб берилмаган. Pol Romer модели бу камчиликни инвестиция харажатлари ва фойдаларини аниқ акс эттириш орқали бартараф этади. Шунинг учун моделдаги иқтисодий узиш **exzogen** берилган узгарувчи эмас, балки шахснинг қарорлари натижасидир, бу унинг шубҳасиз афзаллиги.

Jo‘rayev Sirojiddin Muxiddin o‘g‘li

Termiz Iqtisodiyot va Servis universiteti, magistranti

SOLIQ MA‘MURIYATCHILIGINI RIVOJLANISHNING ASOSIY TENDENSIYALARI VA YONDASHUVLARI.

Annotatsiya. Dunyoda soliq ma‘muriyatchiligini rivojlantirishning hozirgi tendensiyalari va soliqqa tortishning yangi yondashuvlarini o‘z ichiga oladi. Bu yondashuvlar turli mamlakatlardagi iqtisodiy, texnologik va ijtimoiy sharoitlarning o‘zgarishiga qarab rivojlanmoqda hamda yanada samaraliroq va adolatli soliqqa tortishga erishishga asos bo‘lmoqda. Soliqqa tortishni raqamlashtirish, xalqaro soliq

islohotlari va ekologik soliqlar kabi yondashuvlarga misollar ushbu maqsadlarga erishish uchun qo'llaniladigan chora-tadbirlarning xilma-xilligini ko'rsatadi. Soliq tizimidagi bu o'zgarishlarning soliq to'lovchilarga ta'sir ko'rsatishi ortidan soliq siyosati va soliqqa tortish bo'yicha izlanishlar ortib bormoqda.

Kalit so'zlar: soliq ma'muriyati, soliqqa tortish, raqamli soliqqa tortish, xalqaro soliqqa tortish, ekologik soliqqa tortish, soliqni soddalashtirish, ijtimoiy adolat, soliq islohoti

Bugungi kundagi jahon soliq ma'muriyati va soliq tizimlari tez o'zgarib borayotgan iqtisodiy, texnologik va ijtimoiy sharoitlarga mos ravishda jiddiy o'zgarishlarni boshdan kechirmoqda. Ushbu o'zgarishlar mamlakatlar va soliq ma'muriyatlariga soliq to'lovchilar, biznes va butun jamiyatga ta'sir ko'rsatadigan bir qator muammolar va imkoniyatlarni taqdim etadi. Ushbu ishda biz soliq ma'muriyatchiligini rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari va soliqqa tortishga yangi yondashuvlarni ko'rib chiqamiz, shuningdek, turli mamlakatlarda amalga oshirilayotgan chora-tadbirlarga misollar keltiramiz.

Raqamli soliqqa tortish, xalqaro soliqqa tortish, yashil soliqlar, raqamli aktivlarga soliqlar, soliqlarni soddalashtirish, kichik va o'rta korxonalarini qo'llab-quvvatlash, daromadlarni soliqqa tortish va soliq etikasi masalalari zamonaviy soliq tizimlarining asosiy elementlariga aylanmoqda. Ushbu chora-tadbirlar soliqqa tortishning yanada adolatli, samarali hamda barqarorligini ta'minlashga, shuningdek, daromadlarning yangi turlarini hisobga olish va ijtimoiy adolatni ta'minlashga qaratilgan. Bu o'zgarishlar tadbirkorlik sub'yektlariga, soliq to'lovchilarga va davlat byudjetlariga ta'sir ko'rsatadi va shuning uchun soliq siyosati va iqtisodiy barqarorlik sohalariga e'tibor va tadqiqotlarni kuchaytiradi.

Soliq ma'muriyatchiligini rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari va soliqqa tortishga yangi yondashuvlar mamlakat, uning iqtisodiy va siyosiy holatiga qarab o'zgarishi mumkin. Biroq, aniqlanishi mumkin bo'lgan umumiy tendensiyalar quyidagilar:

1. Raqamli iqtisodiyotning o'sishi bilan ko'plab mamlakatlar daromadlarning yangi turlari va biznes modellarini moslashtirish uchun soliq tizimlarini qayta ko'rib chiqmoqda. Onlayn savdo va raqamli xizmatlar orqali olingan daromadlarni soliqqa tortishda soliq solishni raqamlashtirish tobora kengayib bormoqda. Masalan, 2018-yilda Frantsiyada raqamli xizmatlardan olingan daromadga daromadning 3% miqdorida raqamli soliq joriy etildi. Ushbu soliq Google, Amazon va Facebook kabi texnologiya gigantlarining soliq to'lashdan bo'yin tovlashiga qarshi kurashishga qaratilgan edi. Bu raqamli soliqlarni joriy etish global tendensiyasining bir qismiga aylandi.

2. Globallashtirish sharoitida soliq ma'muriyatlari soliq to'lashdan bo'yin tovlash va ikki tomonlama soliqqa tortishga qarshi kurashda hamkorlik qiladi. OECD

(Iqtisodiy Hamkorlik va Taraqqiyot Tashkiloti) BEPS dasturi (Bazel Anti-Avoidance Program) soliq to'lashdan bo'yin tovlash va ikki tomonlama soliqqa qarshi kurashish uchun mo'ljallangan. Uning chora-tadbirlaridan biri foydaning past soliq rejimlari orqali o'tishini oldini olish uchun mamlakatlar o'rtasidagi moliyaviy operatsiyalar to'g'risida hisobot berish standartlarini joriy etish edi.

3. Ko'pgina mamlakatlar barqaror amaliyotlarni rag'batlantirish va atrof-muhitga salbiy ta'sirlarni kamaytirish uchun ekologik soliqlarni joriy qilmoqda. Shvetsiyadagi ekologik soliq islohoti uglerod solig'ini joriy qiladi, bu esa kompaniyalarni ugleroddan kamroq foydalanishga va toza texnologiyalarga o'tishga undaydi.

4. Kriptoalyutalar va boshqa raqamli aktivlarga bo'lgan qiziqish ortib borayotganligi sababli, ko'plab mamlakatlar raqamli aktivlar bo'yicha operatsiyalarni tartibga solish va soliq solishni amalga oshirmoqda. Misol uchun, IRS (AQSh Ichki daromad xizmati) soliq to'lovchilardan kriptoalyuta operatsiyalarini deklaratsiya qilishni va soliqlarni to'lashni talab qiladi.

5. Ko'pgina mamlakatlar soliq ma'muriyatchiligini soddalashtirish, byurokратиyani kamaytirish va raqamli texnologiyalar orqali soliq to'lovchilar tajribasini yaxshilashga intilmoqda. Estoniyada elektron soliq tizimini joriy qildi, bu esa korxonalariga soliq deklaratsiyasini minimal byurokратиya bilan onlayn tarzda to'ldirish imkonini beradi va soliq ma'muriyatchiligini soddalashtirishga yordam beradi.

6. Ko'pgina mamlakatlarda kichik va o'rta korxonalar rivojlanishiga ko'maklashish maqsadida soliq imtiyozlari va soliq yukini kamaytirish choralari ishlab chiqilmoqda. Masalan, AQSH COVID-19 pandemiyasi davrida kichik biznesga ish o'rinlarini saqlab qolish va moliyaviy yordam olishda yordam berish uchun ish haqini himoya qilish dasturini (PPP) joriy qildi.

7. O'sib borayotgan ijtimoiy tengsizliklar nuqtayi nazaridan, ayrim mamlakatlar soliq yukini yanada adolatli taqsimlash va tengsizlikni yumshatish uchun soliq siyosatini qayta ko'rib chiqmoqda. Frantsiyada 2019-yilda yuqori daromad solig'i joriy etildi, bu yiliga 250 000 evrodan ortiq daromadlar uchun 45% ni tashkil etdi. Bunday qaror ijtimoiy tengsizliklarni kamaytirish va davlat byudjeti daromadlarini oshirish maqsadida qabul qilingan.

8. Soliq etikasi va korporativ javobgarlik masalalari tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda va soliq ma'muriyatlari soliq to'lashdan bo'yin tovlash va bo'yin tovlash holatlarini ko'rib chiqishda faolroq bo'lishi mumkin. Masalan, yirik xalqaro kompaniyalarga nisbatan adolatliroq soliq to'lash uchun jamoatchilik bosimi ba'zi mamlakatlarda soliq siyosatining o'zgarishiga olib keldi.

Soliq boshqaruvi va soliqqa tortishning ushbu tendensiyalari va yondashuvlari har bir mamlakatda farq qilishi va vaqt o'tishi bilan o'zgarishi mumkin, ammo

umumiy tendensiya shundan iboratki, soliq tizimlari zamonaviy iqtisodiy va ijtimoiy muammolarga ko‘proq moslashmoqda.

Ushbu natijalar tahlili shuni ko‘rsatadiki, soliq ma‘muriyati va soliqqa tortish zamonaviy muammolar va maqsadlarga erishish uchun rivojlanishda davom etmoqda. Samarali soliqqa tortish davlat dasturlarini moliyalashtirishda ham, ijtimoiy adolat va iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda ham muhim ahamiyatga ega. Hukumatlar va iqtisodchilar ilg‘or tajribalar va soliq siyosati yechimlarini ishlab chiqish uchun ushbu o‘zgarishlarni tahlil qilish va muhokama qilishda davom etishlari kerak.

Zamonaviy soliq ma‘muriyati va soliqqa tortish iqtisodiy va ijtimoiy siyosatning asosiy yo‘nalishi bo‘lib, ular davlat dasturlarini moliyalashtirish, tenglik va iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda muhim rol o‘ynaydi. Soliq yo‘nalishlari va yondashuvlari raqamli inqilob, xalqaro shartnomalar, atrof-muhit muammolari va daromadlarning yangi turlari kabi rivojlanayotgan muammolar va imkoniyatlarga javoban rivojlanmoqda.

Umuman olganda, soliq ma‘muriyati va soliqqa tortish zamonaviy muammolar va maqsadlarga erishish uchun rivojlanishda davom etmoqda. Iqtisodchilar bugungi kunda moliyaviy barqarorlik, ijtimoiy adolatni ta‘minlash uchun soliq siyosatining ilg‘or amaliyotlari va strategiyalarini ishlab chiqish uchun ushbu o‘zgarishlarni tadqiq etish hamda muhokama qilishni davom ettirishlari kerak.

Султанмуратова Дилрабо Шайлавбековна

TIFT университети катта ўқитувчиси

**СОЛИҚ ТИЗИМИДА
ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ОИД СОЛИҚ
МАЪМУРЧИЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА
ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

Аннотация. Мазкур тезисда халқаро амалиётда амал қилаётган солиқ йирик солиқ тизимлари ва моҳияти ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Муаллиф томонидан йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарни аниқлаш, уларнинг фаолиятини солиқлар воситада оптимал бошқариш масалаларини ривожлантириш очиб берилган.

Таянч сўзлар: Йирик солиқ тўловчилар, қонун, вазифалар, айланма, акциз солиғи, бюджет тизими, даромадлар, харажатлар.

Аннотация: В этом тезисе налог, действующий в международной практике, раскрывает крупные налоговые системы и их сущность, а также их особенности. Автор раскрывает идентификацию предприятий, относящихся к категории крупных налогоплательщиков, разработку вопросов оптимального управления их деятельностью в сфере налогообложения.

Ключевые слова: крупные налогоплательщики, закон, пошлины, оборот, акцизный налог, бюджетная система, доходы, расходы.

Abstract: In this thesis, the tax operating in international practice reveals large tax systems and their essence, as well as their features. The author reveals the identification of enterprises belonging to the category of large taxpayers, the development of issues of optimal management of their activities in the field of taxation.

Keywords: large taxpayers, law, duties, turnover, excise tax, budget system, income, expenses.

Солиқ тўловчиларни турли хил хусусиятларига кўра, тоифаларга ажратиш, уларнинг бу хусусиятларини ижтимоий-иқтисодий нуфузи жиҳатидан ёндашган ҳолда уларга нисбатан алоҳида солиқ режимларига асосланган маъмурчиликни қўллаш тажрибаси дунё мамлакатларида анчайин такомиллашиб бормоқда. Албатта, бундай ёндашувларнинг асосий ўзагига қарайдиган бўлсак, бир томондан солиқ тўловчиларнинг фаолиятини давлатнинг молиявий инструментларидан самарали фойдаланиш асносида давлатнинг молия сиёсатини соддалаштиришга қаратилган бўлса, бошқа томондан ҳар қайси давлатнинг бош фискал масаласи бўлган давлат бюджети даромадларини қулай ва максимал даражада шакллантиришга қаратилган сиёсатнинг самарадорлигига эришишдан иборат бўлади. Бу эса, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарни аниқлаш, уларнинг фаолиятини солиқлар воситада оптимал бошқариш масалаларини ривожлантириш боришни тақозо этади.

Германияда йирик солиқ тўловчиларни аниқлашда қўлланиладиган тармоқ мезонлари қуйидагилардан иборат: савдо - 7,3 миллион евродан ортиқ товар айланмаси ёки 280 000 евродан ортиқ фойда, ишлаб чиқариш - 4,3 миллион евродан ортиқ товар айланмаси ёки 250 000 евродан ортиқ фойда, Фринлансерлар - 4,7 миллион евродан ортиқ товар айланмаси ёки 580 000 евродан ортиқ фойда, молия муассасалари - 140 миллион евродан ортиқ ҳақиқий соф активлар қиймати ёки 560 000 евродан ортиқ фойда, суғурта компаниялари - 30 миллион евродан ортиқ суғурта мукофотларидан тушум - кишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик компаниялари - ерга асосланган иқтисодий қиймати 230 000 евро ёки 125 000 евродан ортиқ фойда, бошқа корхоналар - 5,6 миллион евродан ортиқ товар айланмаси ёки 330,000 евродан ортиқ фойда.

Францияда эса товар айланмаси 400 миллион евродан ортиқ (ҚҚС ёки ялпи активлардан ташқари) ва 50 фоиздан ортиқ боғланган (тўғридан-тўғри ёки билвосита) компаниялар йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилади.

Шунингдек, Австралияда 250 миллион Австралия долларидан ортиқ товар айланмасига эга корхоналар йирик солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланса,

Грецияда эса, 20 миллион евро дан ортиқ товар айланмаси мавжуд корхоналар, фонд биржасида рўйхатга олинган ва товар айланмаси 10 миллион евродан ортиқ бўлган барча банклар, суғурта бошқа компаниялар, шунингдек, ҳажмидан қатъи назар трансчегаравий операцияларни амалга оширадиган барча солиқ тўловчилар йирик солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида юритилиши бўйича хорижий давлатлардаги мезонларни қуйидаги 1-расм маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.



1-расм. Хорижий давлатларда йирик солиқ тўловчиларни аниқлаш мезонлари

Юқоридаги 1-расмдан кўриш мумкинки, ўрганилган Австралия, Австрия, Чили, Финляндия, Германия, Италия, Япония, Янги Зеландия, Норвегия, Буюк британия, АҚШ, Колумбия, Коста Рика, Кипр, Индонезия, Морокко, Сингапур, Таиланд, Канада ва Финляндияда йирик солиқ тўловчилар асосан товар айланмаси, даромади ва активлари йирик солиқ тўловчиларни аниқлашнинг мезони сифатида белгиланган бўлса, Дания, Швеция, Аргентина ва Бразилияда товар айланма ва ходим сони мезон ҳисобланади. Ҳиндистонда маълум бир товар айланма ва акциз солиғи тўловчилар йирик солиқ тўловчилар ҳисобланса, Белгия, Чехия, Греция, Венгрия, Ирландия, Исроил, Мексика, Нидерландия, Португалия, Польша, Словакия, Испания, Туркия, Болгария, Хорватия, Латвия, Литва, Руминия, Саудия Арабистони ва ЖАРда товар айланма, тўланган солиқлар ва аниқ соҳалар бўйича йирик солиқ тўловчилар шакллантирилади. Шу билан бир қаторда Исландия, Корея, Люксембург, Швейцария, Мальта ва Эстонияда солиқ тўловчилар алоҳида йирик солиқ тўловчилар тоифага

ажратилмаганлиги, улар учун умумий тартибда солиқ маъмуриятчилиги юритилиши маълум бўлди.

Илмий-назарий таҳлилларимиздан келиб чиқиб айрим хулосаларни келтириш мумкин:

биринчидан, айрим хорижий давлатлардаги амалий ҳолатни ҳамда бу борада давлатнинг иқтисодий (солиқ) сиёсатининг хусусиятларидаги умумий ўхшашликлар шундан иборатки, аксарият давлатларда йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарни аниқлаш мезонларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, йиллик товар айланмаси, ишловчи ходимлар сони каби мезонларга асосланган;

иккинчидан, жаҳон амалиётида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини амалга оширишда уларнинг солиқ тўлаш имкониятларини эътиборга олган ҳолда солиқ имтиёзларини бериш, уларда солиқ назоратини ўтказиш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда уларнинг мавқеидан келиб чиқиб ёндашувларни кузатиш мумкин;

учинчидан, жаҳо амалиётида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги ва Ўзбекистондаги бу борадаги солиқ сиёсатида ўхшаш ва фарқли жиҳатларда миллий иқтисодиётнинг хусусиятлари муҳим рол ўйнамоқда. Ўзбекистонда асосий ёндашув солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ва давлат бюджетини даромадларини бир маромда шакллантириш нуқтаи назар асосий омил бўлса, бу хорижий тажриба хусусиятларига мос келади, шу билан биргаликда, солиқ тўловчилар мезонини аниқлашда Ўзбекистондаги амалиёт хорижий давлатлар тажрибасидан анчайин фарқланиш ҳолатига эга.

Shamsitdinova Xonzoda Mardonbek qizi

TDIU "Moliya va buxgalteriya hisobi" fakulteti talabasi

DAVLAT MULKINING XUSUSIYLASHTIRISH ORQALI SOLIQ SIYOSATINI TARTIBGA SOLISH VA KO'P UKLADLI IQTISODIYOTGA ERISHISH YO'LLARI.

Annotatsiya: Ushbu maqolada davlat mulkini xususiylashtirish orqali iqtisodiyotni yanada rivojlantirish hamda bozor iqtisodiyotiga o'tishning istiqbollari hamda mamlakatimizning bugungi kundagi iqtisodiy holati, uning ilmiy nazariy jihatlari tadqiq qilindi. Bir qancha iqtisodchi olimlarning fikr-mulohazalari tahlil qilindi. Shuningdek, mulkni xususiylashtirishdagi bir qancha dolzarb muammolar aniqlandi va ularni bartaraf etish yuzasidan tegishli taklif va xulosalar berildi.

Kalit so'zlar: davlat mulki, xususiy sektor, mol-mulk solig'i, bozor iqtisodiyoti, liberallashtirish, investitsiya.

Annotation: In this article, the study of the economy and the market economy through the privatization of state property, as well as the economic situation of our country today. The opinions of a handful of economist scientists were analyzed. A number of pressing issues in the privatization of property have also been identified and appropriate proposals and conclusions have been made to address them.

Keywords: public property, private sector, market economy, liberalization, investment.

Аннотация: В данной статье исследованы перспективы дальнейшего развития экономики и перехода к рыночной экономике посредством приватизации государственной собственности, а также современное экономическое положение нашей страны, его научные и теоретические аспекты. Проанализированы мнения ряда экономистов. Также выявлен ряд актуальных проблем при приватизации имущества и даны соответствующие предложения и заключения по их устранению.

Ключевые слова: государственная собственность, частный сектор, рыночная экономика, либерализация, инвестиции.

Global rivojlanish davrida yashar ekanmiz, shuni guvohi bo'lishimiz mumkinki, jahon amaliyotiga ko'ra davlat mulkining xususiylashtirilishi iqtisodiy rivojlanishning tamal toshidir. Davlat mulkini xususiylashtirish — davlatning o'z ixtiyoridagi ichki vositalari, mol-mulk obyektlarini, korxonalar, uy-joy, transport vositalari, tabiat resurslari va buni davlat tasarrufidan chiqarishi va fuqarolar, jamoalar, shuningdek, davlatga tegishli bo'lmagan yuridik shaxslarga berishi yoki sotilishi; davlat mulki asosida turli (aksiyali, xususiy, oilaviy, qo'shma, aralash, korporativ) mulk shakllarini vujudga keltirishdan iboratdir.

Xo'jalik yuritishning ma'muriybuyruqbozlik tizimidan bozor munosabatlariga asoslangan xo'jalik yuritish tizimiga o'tishda xususiylashtirish alohida o'rin tutadi. Iqtisodiy rivojlangan mamlakatlar tajribasi aynan xususiy mulk iqtisodiy usishni ijtimoiy larzalarga yo'l qo'ymay ta'minlashini tasdiqlaydi. Bozor iqtisodiyotiga o'tish davrining umumiy mazmuni iqtisodiy munosabatlarning alohida unsurlarini isloh qilish yoki iqtisodiy siyosatga tuzatishlar kiritish emas, balki butun iqtisodiy munosabatlar tizimini o'zgartirishdan iboratdir.

Bugungi kunda davlat mulkini xususiylashtirish sohasi davlat mustaqilligining ilk yillarida qabul qilingan "Davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish to'g'risida"gi qonun, shuningdek, tarmoq va sohalar bo'yicha qabul qilingan qarorlardan tashqari yana 20 dan ortiq normativ-huquqiy hujjatlar asosida tartibga solib kelinmoqda. Mazkur qonun loyihasida davlat unitar korxonalari va davlat muassasalari, davlat ko'chmas mulk ob'ektlari, shu jumladan mulkiy majmualar, davlat ulushlari xususiylashtiriladigan davlat mulki ob'ektlari hisoblanishi hamda davlat mulkini boshqarish to'g'risidagi qonunchilikda belgilangan

xususiylashtirilmaydigan davlat mulkidan tashqari, davlat mulki to'liq yoki qisman xususiylashtirilishi aniq ko'rsatib o'tilmoqda. Davlat mulkini xususiylashtirish jarayonlarini to'liq qamrab oladigan yagona qonun hujjati mavjud emas. Qonun tashabbuskorlarining fikricha, sohadagi jarayonlarni tartibga solish bilan bog'liq qonunosti hujjatlarining ko'pligi, ular o'rtasida ziddiyatlarning mavjudligi sababli yangi qonun loyihasi ishlab chiqildi.

Prezident Mirziyoyev 2020-yil 27 - oktabrda imzolagan "Davlat ishtirokidagi korxonalarni isloh qilishni jadallashtirish hamda davlat aktivlarini xususiylashtirishga oid chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmon 22 banddan iborat keng qamrovli hujjatdir. Prezident farmonida belgilab qo'yilgan choralarning har biri uchun amalga oshirish muddatlari belgilab qo'yilgan bo'lib, eng so'nggi muddat kelasi yilning 1-iyulidir.

Prezident farmoniga binoan : 274 ta davlat ulushlari bor korxonalar, 109 ta gazeta, nashriyot va jurnallar, 26 ta axborot texnologiyalari korxonalar va kompyuter xizmatlari ko'rsatish markazlari, 27 ta xususiy sektor rivojlangan sohadagi tibbiyot muassasalari, 12 ta yog'-moy sanoati korxonalar, 31 ta vinochilik tarmog'i va sharob savdo korxonalar to'liqligicha ommaviy savdolar orqali xususiy sektorga sotiladi.

Modomiki erkin bozor munosabatlari orqali taraqqiyotga erishish yo'lida qadam tashlayotgan ekanmiz, nega iqtisodiy erkinlikni yo'qqa chiqarayotgan byurokratik aralashuvlardan hali ham voz kechmayapmiz, nega xalq emas, balki shaxslar manfaatiga xizmat qilayotgan davlat monopoliyalari hamon o'zgarishsiz qolyapti va aksariyat qarorlar iqtisodiy erkinlikni ko'zlasa-da, nega ularning amaliyotdagi ijrosi qo'pol ravishda buzilyapti yoki ijrosi ba'zi toifalarning manfaatlari bilan bog'liq bo'lib qolyapti?

Kichik biznes, xususiy sektor va aholining ijtimoiy rivojlanishi to'liqligicha isloh qilingani yo'q. Shuning uchun ham yaqin yillarda mulkchilik o'rtasidagi munosabatlarni yanada rivojlantirish, tartibga solish, mulkdorlarning huquqlarini yanada mustahkamlash yuzasidan bir qancha dasturlar amalga oshirilishi lozim.

Iqtisodiyotga aloqador adabiyotlarda mulkni xususiylashtirish orqali iqtisodiyotni liberallashtirish, dolzarb muammolar, ayniqsa, mulkni davlat tasarrufidan chiqarish va unga to'siq bo'layotgan bir qancha omillar hamda ularni bartaraf etish yuzasidan olib borilgan izlanishlar natijasidagi tadqiqot va tahlillar mavjud.

Ko'plab iqtisodchilar bizdagi muammolarning asosiy sababi davlatning iqtisodga uzluksiz aralashuvi ekanligini ta'kidlab kelishyapti. Ya'ni, davlat bozor munosabatlari ishlab ketishi uchun bunga to'sqinlik qiluvchi turli monopolistik harakatlardan voz kechishi lozimligini, narxni belgilashni erkin bozorga qo'yib berilsagina bizga kerakli bozor munosabatlari shakllana olishini bot-bot ta'kidlashmoqda.

Y. Caoning fikriga ko'ra davlat korxonalari samaradorligini oshirish maqsadida bir qator islohotlarni amalga oshirish kerak, ularning ichida davlat korxonalarini xususiylashtirish eng ta'sirchanlaridan biri bo'ldi.


Megginson va Randenborghlarning ta'kidlashlaricha 1980-yillardan boshlab, turli mamlakatlar xususiylashtirishni joriy etishga ruxsat berish orqali davlat korxonalarini xususiylashtirdilar va ko'pchiligi ijobiy natijalarga erishdi, masalan, Italiya, Biroq, salbiy natijalar Rossiya kabi ba'zi mamlakatlarda ham kuzatilgan.

Xia Pan, Wenyin Cheng, Yuning Gaoning tadqiqotlariga ko'ra, birinchidan, davlat korxonalarini xususiylashtirish innovatsiyalarni sezilarli darajada rag'batlantiradi va uzoq muddatda, asosan, firmalarning agentlik xarajatlarini kamaytirish orqali katta ta'sir ko'rsatadi. Ikkinchidan, davlat korxonalari xususiylashtirilgan yoki xususiylashtirilmaganligini ko'rib chiqqan holda ikkita yangi xulosaga ega bo'ldik: xususiylashtirilgan korxonalar mahalliy nodavlat kapital tomonidan nazorat qilingan taqdirdagina davlat korxonalarini xususiylashtirish innovatsiyalarni joriy qilishga yordam beradi va innovatsiyalar radikal xususiylashtirishdan ko'ra ko'proq foyda keltiradi. Uchinchidan, davlat korxonalarini xususiylashtirishning innovatsiyalarga rag'batlantiruvchi ta'siri tijorat davlat korxonalari, markaziy davlat korxonalari, yirik davlat korxonalari va yuqori texnologiyali tarmoqlardagi davlat korxonalari uchun yuqori darajada samarali hisoblanadi.

Mazkur maqolada xorijiy va mahalliy olimlarning mulkni xususiylashtirish va hozirgi kunda bunga to'sqinlik qilayotgan bir qancha omillar va ularni oldini olish chora-tadbirlari to'g'risidagi ilmiy- nazariy qarashlar tahlil qilindi. Tadqiqot davomida baholash, monitoring, analiz, sintez kabi bir qancha usullardan foydalanildi.

U yoki bu mamlakatdagi xususiylashtirish miqyosi ilgari xususiylashtirish milliyashtirish qay darajada qo'llanilganiga bog'liq. Milliyashtirish usuli qisman o'tkazilgan mamlakatlarda (AQSH, Germaniya, Yaponiya) xususiylashtirish ko'rinishlari kam uchraydi.

Xususiylashtirishning peshqadami bo'lgan Buyuk Britaniyada davlat mulkini xususiylashtirish aksiyalarni tekin taqsimlash va sotish; xizmat ko'rsatish uchun pudratlar; davlat uy-joylarini kvartirani ijaraga oluvchilarga sotish; raqobatni rivojlantirish maqsadida davlat monopoliyalaridan voz kechish kabi usullari qo'llanildi. Jahon tajribasi davlat mulkini va uning vazifalarini to'liq yoki qisman xususiylashtirishning 22 usuli borligini ko'rsatadi. Xususiylashtirish — uzoq, muddatli jarayon. U Yaponiyada 10 yil, G'arbiy Yevropada 10—15 yil davom etadi.



1-rasm. Rivojlanayotgan mamlakatlarda infratuzilma loyihalarni amalga oshirishda xususiy sektor investitsiyalari (mlrd AQSH dollar)

Investitsiya darajasi biroz past bo'lishiga qaramay, 2018-yilda rivojlanayotgan mamlakatlarda infratuzilma loyihalarni amalga oshirishda xususiy sektor investitsiyalari kiritilgan hajmi kam bo'lishiga qaramay, amalga oshirilgan loyihalar soni 2017-yilga qaraganda nisbatan ko'proqni tashkil etgan, yani 2017-yilda loyihalar soni 309 tadan 2018-yilda 335 taga yetgan. Loyihalarning ko'payishi asosan Janubiy Afrika, Hindiston, Braziliya va Vetnam hissasiga to'g'ri keladi.

O'zbekistonda xususiylashtirish bir necha bosqichda o'tkazilmoqda. Birinchi bosqichda (1992—1993) „kichik xususiylashtirish“ amalga oshirildi. Bu davrda uy-joy, savdo va umumiy ovqatlanish, aholiga maishiy xizmat ko'rsatish, mahalliy sanoat korxonalari xususiylashtirildi. Kichik xususiylashtirish natijasida 21800 aksiyadorlik, 633 jamoa, 18184 xususiy, 661 ijara korxonalari vujudga keldi. 1994—1995-yillarda xususiylashtirishning 2-bosqichi amalga oshirildi. Bu davrda xalq xo'jaligining barcha tarmoqlaridagi qonun yo'li bilan cheklashlar qo'yilmagan korxonalar — xalq xo'jaligining bazaviy tarmoqlari bo'lgan mashinasozlik, yoqilg'i-energetik korxonalari, sanoat, qurilish, transport, kommunal uy-joy xo'jaligi, agrosanoat majmuining tayyorlov va qayta ishlash korxonalari xususiylashtirildi.

1996-yildan davlat mulkini xususiylashtirishning yangi — 3-bosqichi boshlandi. Bu bosqich eng yirik korxonalarni xususiylashtirish, tarmoqlar ichida institutsional o'zgarishlar, yangicha xo'jalik yuritish tuzilmalarini yaratishni nazarda tutadi. Davlat tasarrufidan chiqarilgan korxonalarni xususiylashtirishdan keyingi davrda qat'iy ishlashi uchun maxsus investitsiya fondlari va banklar tashkil etilgan, xususiylashtirishdan kelgan mablag'lar jamg'arilib, ular xususiylashtirilgan korxonalarni rivojlantirish uchun sarflanmoqda. Davlatga tegishli aksiyalarga olingan dividendlar asosiy fondlarni yangilash va ularni texnik qayta jihozlashga yo'naltirilmoqda. Shu yo'l bilan mamlakatning siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy

barqarorligini oshirish hamda davlat uchun tayanch bo‘ladigan mulkdorlar sinfini shakllantirish asosiy maqsad qilib qo‘yilgan.

Demak, mulkni davlat tasarufidan chiqarib, xususiy sektorga o‘tkazish orqali mamlakatimizda tijorat va savdo faoliyatini rivojlantirish, moliyaviy resurslarning samarali foydalanishini ta'minlash, xususiylashtirilgan sohalar va tashkilotlar, investitsiyalar va innovatsiyalar uchun qulay sharoitlar yaratish, mamlakatimizda ish o‘rinlarini kengaytirish va ishlab chiqarishni rivojlantirish kabi maqsadlarga erishishimiz mumkin. Shuningdek bozor iqtisodiyotiga o‘tishni jadallashtirish hamda iqtisodiy liberallashtirishda davlat mulkini xususiylashtirish muhim ahamiyat kasb etar ekan.

Bundan tashqari mavjud muammolarni bartaraf etish maqsadida, taxlillardan kelib chiqib xulosa va takliflar shakllantirildi:

1. Investitsiya qiluvchilar uchun biznes muhiti va moliyaviy qo‘llab-quvvatlashning yanada yaxshilanishi kerak.

2. Qonuniy normativ-huquqiy hujjatlarni amalga oshirishda ko‘proq transparensiyani ta'minlash kerak va bevosita soliqlarni kamaytirish lozim .

3. Xususiylashtirilgan sohalar va tashkilotlar uchun, qulay sharoitlar yaratishda davlatning moliyaviy qo‘llab-quvvatlashining yanada kuchaytirilishi kerak.

4. Xususiylashtirilgan sohalar va tashkilotlar uchun, yuridik va moliyaviy masalalarda yordam ko‘rsatish kerak.

5. Xususiylashtirilgan sohalar va tashkilotlar uchun, investitsiyalar va innovatsiyalar uchun qulay sharoitlar yaratishda davlatning aktiv roli kuchaytirilishi kerak.

TDIU mustaqil tadqiqotchisi

PhD., Xolov Nabijon Qaxramonovich

RAQAMLI IQTISODIYOTDA ELEKTRON PUL TIZIMI ISTIQBOLLARI

Raqamli iqtisodiyot sharoitida yuqori banknotalarni demonetizatsiya qilishning ko‘payishi mamlakatning umumiy moliya tizimida katta o‘zgarishlarga olib keldi. Aksariyat odamlar naqd pulsiz bozordagi vaziyatni yengish qiyin bo‘lganligi sababli juda ko‘p muammolarga duch kelishdi. Shunday qilib, demonetizatsiya raqamli to‘lovlardan pulni bir tizimdan boshqasiga o‘tkazishning ishonchli vositasi sifatida foydalanishda ham kuchaygan. Mamlakat naqd pulsiz, raqamli iqtisodiyotga o‘tayotganda, raqamli to‘lov vositalari, shu jumladan elektron hamyonlar va Internet banking o‘rniga mobil banking ommalashib bormoqda. Hozirgi davrda yuqori darajadagi raqamli yechimlar paydo bo‘lmoqda va mamlakatda tobora ko‘proq odamlar to‘lovlarni amalga oshirish va pul o‘tkazish uchun raqamli mablag‘lardan foydalanmoqdalar.

Internet banking o'rniga mobil banking joriy etilishi deyarli har qanday moliyaviy bitimni bir necha oddiy qadamlar orqali onlayn bajarish uchun tashkil etildi. Kommunal to'lovlarni to'lashdan tortib kino chiptalarini, samolyot chiptalarini bron qilish, pulni bitta bank hisobvarag'idan boshqasiga o'tkazish va hokazolarga qulaylik yaratdi. Onlayn-banking yoki onlayn-bank tushunchasi raqamli texnologiyalarni joriy etishning eng qulay va xavfsiz usullaridan biri hisoblanadi.

Hozirgi vaqtda naqd pulsiz raqamli texnologiyalarni joriy etishning bir necha mashhur usullari mavjud. Elektron hamyonlardan onlayn-banking, debet, kredit kartalar va boshqalar.

Mobil moliyaviy xizmatlar (MMX) tobora ommalashib bormoqda. Raqamli texnologiyalar va mobil aloqa rivojlanib borayotganligi sababli, banklarning moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish uchun cheklangan imkoniyatlari endi muammo emas.

An'anaviy bank mahsulotlari bilan ishlash uchun juda murakkab va chalkash bo'lishi mumkin degan fikr bor. Aksincha, raqamli va mobil moliyaviy xizmatlardan foydalanish va sotib olish juda oson, bu mijozlar va korxonalar uchun hayotni osonlashtiradi.⁵⁶

Agar siz naqd pulsiz operatsiyalarning quyidagi usullarini taqqoslasangiz, umuman tarmoq bankiga nisbatan elektron hamyonlarning ba'zi afzalliklarini ko'rasiz:

Kirishning qulayligi: bizning smartfonlarimiz deyarli har doim bizning qo'limizda bo'lsa, elektron hamyonlarga kirish va tezkor pul o'tkazmalari kabi operatsiyalarni bajarish juda oson hisoblanadi.

Qulay pul: bir elektron hamyon bilan, osongina onlayn bank va debet yoki kredit kartalari yordamida muammosiz pul olish imkoningi beradi.

O'z vaqtida to'lovlar: ba'zi ye-hamyon foydalanuvchilar belgilangan vaqtda bir zumda to'lovlarni amalga oshirish imkonini beradi avtomatik to'lov xususiyati bilan jihozlangan bo'ladi.

Takliflar: raqamli hamyon har bir moliyaviy bitim bo'yicha foydali keshbek takliflar va boshqa takliflar bilan foydalanuvchilarga taqdim takliflar o'z fotoalbomlarda bilan keladi.

Tezroq pul o'tkazmalari: ye-hamyon tezkor pul o'tkazmalari tizimi foydalanuvchilarga qo'shimcha tranzaksiya to'lovlarisiz muammosiz pul o'tkazish imkoniyatini beradi.

Shu bilan birga, ilovada shaxsiylashtirilgan elektron hamyonlarni ochish imkoniyati, bu foydalanuvchilar va mijozlarga so'm pul birligini tejashni foizsiz

⁵⁶ Соловьева, Н.Е. Проблемы и перспективы развития наличных и электронных денег / Н.Е.Соловьева // Экономика и предпринимательство. 2020. № 1 (114). С. 1233-1237.

ravishda darhol chet el valyutasiga aylantirish imkoniyatini beradi, shuningdek bankning mobil ilovasi foydalanuvchilari sonini ko‘paytiradi. Faqatgina sharti shuki mobil banking va elektron hamyon xizmatlarining to‘liq spektridan foydalanish uchun ushbu bankning bank kartasiga ega bo‘lishingiz yoki ochishingiz kerak bo‘ladi.

Bundan tashqari, bank kartasi bilan Aqsh (USD) dollarini va yevro (EUR) qulay vaqtda qulay kurs bilan xar qanday joyda masofadan turib xarid qilishingiz mumkin bo‘ladi.⁵⁷

Bir necha yillar davomida naqd pulsiz savdoda katta o‘shish kuzatildi. 2022-yilda elektron hamyon kredit / debet kartalari va vertual valyutalar kabi to‘lov usullariga raqamli alternativaga aylandi. Mobil qurilmalar yordamida amalga oshirilgan uzluksiz operatsiyalar elektron hamyonni ishlab chiqishni bugungi kunda eng mashhur sohalardan biriga aylantirdi.

Elektron hamyon dasturini ishlab chiqish haqida batafsil ma’lumot berishdan oldin elektron hamyon toifalarining har xil turlarini ko‘rib chiqamiz:

1. Sotuvchining elektron hamyoni.

Chakana savdo bilan shug‘ullanuvchilar o‘z mijozlari uchun sotib olish va to‘lov jarayonini soddalashtirish uchun o‘zlarining elektron hamyonlarini yaratishni boshladilar. Ular hatto turli xil mahsulotlarga tegishli chegirmalar va kuponlarni saqlashlari mumkin. Ushbu usul xavfsiz operatsiyalar uchun yaxshi, shuningdek mijozlarning faolligini va sodiqligini oshiradi.

Uolmartning Scan & Go ot Walmart dasturi raqamli hamyonning eng yaxshi namunalaridan biridir. Bu yerda mijoz faqat mahsulotda mavjud bo‘lgan shtrix-kodni skanerlashi kerak va pul avtomatik ravishda hisobdan chiqariladi.⁵⁸

2. Moliyaviy tashkilotlar uchun elektron hamyon

- Banklar va turli moliya institutlari mikrotransaksiyalarni yengillashtirish uchun o‘zlarining elektron hamyon dasturlarini ishlab chiqishlari mumkin. Bu ushbu moliyaviy muassasaning karta egalari uchun foydalidir.

3. Bank kartalari uchun elektron hamyonlar

- Ushbu turdagi eWallet dasturini Google Pay va PayPal misolida tushunishingiz mumkin. Foydalanuvchi o‘z debet yoki kredit kartasini ushbu dasturlarga bog‘lashi kerak. To‘lovni ushbu ilovalar orqali bog‘langan debet yoki kredit karta yordamida amalga oshirish mumkin. Bu eng xavfsiz to‘lov usullaridan biridir, chunki to‘lovni amalga oshirishda CVV raqamingizni yoki hisob

⁵⁷ Колкарева, И.Н. Проблемы и перспективы развития электронных денег в современном мире / И.Н.Колкарева // Сборник научных статей профессорско-преподавательского состава и студентов Российских научно-образовательных учреждений. Берлин, 2020. С. 161-167.

⁵⁸ Пономарева, С.П. Оценка противоречий и перспектив развития электронных денег в национальной и мировой платежной системе / С.П.Пономарева // Современные направления теории и практики экономического анализа, бухгалтерского учёта, финансового менеджмента. 2017. С. 154-161.

ma'lumotlarini kiritishingiz shart emas. To'lov siz elektron hamyon hisob raqamiga o'tkazgan mablag' yordamida amalga oshiriladi.

O'zbekiston Respublikasida raqamli bankni rivojlantirish konsepsiyasiga muvofiq Markaziy Bank ayrim tijorat banklari bilan hamkorlikda maxsus QR kodiga asoslangan "QR-online" ko'p funktsiyali turdagi to'lov xizmatini ishlab chiqdi va ishga tushirdi.



1– Rasm QR-online tizimida ro‘yxatdan o‘tgan mijozlar soni va ular tomonidan amalga oshiriladigan operatsiyalar.⁵⁹

QR kodlarini jalb qilishning bir qismi shundaki, ular turli sohalaridagi bir qator korxonalar uchun to'lovlarni amalga oshiradilar. Mashxur butiklari, taksi xizmatlari, barlar, restoranlar, va yana bu hayajonli va nisbatan yangi texnologiyalar amalga oshirish uchun juda ko'p imkoniyati bor bo'ladi.

QR kodi bilan to'lovlarni qabul qilishning ba'zi afzalliklari quyidagilar:

Qulay va tejamkor sozlash: QR kodidan foydalangan holda to'lovlarni qabul qilish uchun faqatgina smartfon kerak bo'ladi.

Tezroq to'lovlarni qabul qiling: QR kodlari bir vaqtning o'zida bir nechta mijozlardan to'lovlarni qabul qilishga imkonini beradi va mijozlar sizning ishtirokingsiz operatsiyalarni boshidan oxirigacha yakunlashlari mumkin, demak siz mijozlarga xizmat ko'rsatishning boshqa sohalariga e'tibor qaratishingiz mumkin.

Xavfsizlik: QR kodlari eng xavfsiz to'lov usullaridan biridir. Barcha ishlov berish Visa yoki Mastercard kabi kartalar tarmog'ida amalga oshiriladi, bu xavfsiz va barqaror operatsiyani ta'minlaydi va barcha karta ma'lumotlari tokenlangan va shifrlangan, shuning uchun mijozlaringizning shaxsiy ma'lumotlarini saqlashdan xavotir olmaysiz.

⁵⁹ <https://cbu.uz/oz/statistics/>

SOLIQ MA'MURIYATCHILIGINI RAQAMLASHTIRISH JARAYONIDA SOLIQ POTENSIALINI ANIQLASHGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR

***Annotatsiya:** Ushbu maqolada hududlarning soliq potensialiga ta'sir etuvchi makroiqtisodiy ko'rsatkichlar tahlil qilingan. Hududlarni soliq potensialini oshirishga doir budjet-soliq siyosatiga doir chora-tadbirlar tizimi, hududlarni soliq to'lay olish qobiliyati, ularni oshirish va soliqlarni undirish jarayonida sodir bo'ladigan munosabatlar xorij tajribasi asosida yoritib berilgan.*

***Kalit so'zlar:** soliqlar, soliq potensial, reprezentativ soliq tizimi, soliq tushumlari, soliq tekshiruvlari.*

***Аннотация:** В данной статье анализируются макроэкономические показатели, влияющие на налоговый потенциал регионов. Система мер бюджетно-налоговой политики по повышению налогового потенциала регионов, возможность регионов платить налоги, взаимоотношения, возникающие в процессе их повышения и взимания налогов, освещены на основе зарубежного опыта.*

***Ключевые слова:** налоги, налоговый потенциал, репрезентативная налоговая система, налоговые поступления, налоговые проверки.*

***Abstract:** This article analyzes the macroeconomic indicators affecting the tax potential of the regions. The system of budget-tax policy measures to increase the tax potential of the regions, the ability of the regions to pay taxes, the relations that take place in the process of increasing them and collecting taxes are highlighted on the basis of foreign experience.*

***Key words:** taxes, tax potential, representative tax system, tax revenues, tax audits.*

Mamlakatimizda olib borilayotgan keng qamrovli iqtisodiy islohotlarni amalga oshirishda avvalombor, soliq siyosati samaradorligini oshirish, soliq turlari va ularning amal qilish mexanizmini soddalashtirish, soliq yuki xo'jalik yurituvchi sub'ektlar o'rtasida optimal taqsimlash soliq tizimi oldida turgan eng muhim masalalardan biri hisoblanadi.

O'zbekistonda bozor iqtisodiyotini rivojlanishining zamonaviy davrida soliq yukini izchillik bilan kamaytirish, soliq solish tizimini soddalashtirish va soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish iqtisodiyotni jadal rivojlantirish ustuvor ahamiyatga ega.

“Harakatlar strategiyasidan — Taraqqiyot strategiyasi sari” tamoyiliga asosan ishlab chiqilgan quyidagi yettita ustuvor yo'nalishdan iborat 2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi Prezident farmoni asosida tasdiqlandi.

Uchinchi yo'nalishda “milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash” sifatida belgilandi. Albatta bu yo'nalishning 29-maqsadida

2026-yilga borib tadbirkorlik subyektlariga soliq yuklamasini yalpi ichki mahsulotning 27,5 foizidan 25 foizi darajasiga kamaytirish vazifasi qo'yildi⁶⁰.

Har bir iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatda soliq potensialini aniqlash muhim ahamiyat kasb etadi. Rus tadqiqotchilari tomonidan soliq potensialini baholash metodologiyasini tasniflash uchun bir nechta variantlar taklif etgan:

- iqtisodiy daromadlar ko'rsatkichlari bo'yicha baholash metodi; reprezentativ soliq sistemasini shallantirish asosida; soliq hisoboti ma'lumotlariga asoslanib va haqiqiy yig'ilgan soliqlar to'g'risidagi ma'lumotlarga tuzatishlar; soliq potentsiali indekslariga asoslangan holda⁶¹;

- iqtisodiy daromadlar ko'rsatkichlariga asoslangan usul; soliq bo'yicha amalda to'plangan soliqlar va yig'imlar to'g'risida hisobot berish va ma'lumotlarni tuzatish; indeks yondashuvidan foydalangan holda;

- makroiqtisodiy ko'rsatkichlardan foydalanadigan va ularga asoslangan usullar guruhi reprezentativ soliq tizimini shakllantirish⁶².

Soliq potensialini aniqlashning zamonaviy usullaridan quyidagi ekstrapolyatsion usullarni ko'rishimiz mumkin:

- soliq hisobotlari ma'lumotlariga va haqiqiy to'plangan soliq to'lovlari bo'yicha baholash usullari;

- hududlarni soliq potentsiali indeksiga asoslangan baholash usuli;

- reprezentativ soliq tizimini shakllantirish usuli;

- jami soliq solinadigan resurslar usuli⁶³.

Hududlarni soliq potensialini modellashtirish usullari:

- asosiy iqtisodiy ko'rsatkichlar orqali baholash usullari (aholi jon boshiga o'racha pul daromadi; YaHM ko'rsatkichi);

- korrelyatsiya va regressiya tahlili usuli;

- yashirin faoliyatni baholash usuli.

Reprezentativ soliq tizimini shakllantirish usuli taqdim etilgan ekstrapolyatsiya usullaridan biri hisoblanib, buni qo'llash orqali soliq tushumlarini prognoz qilish soliq stavkalarini aniqlangan soliq bazalariga qo'llash orqali aniqlanadi. Bu usulni formula bilan ifodalash mumkin:

$$\text{НПП} = \sum_{i=1}^n \text{НБ}_i * t_i \quad (2)$$

Bu yerda: НБ_i - i-soliq bo'yicha hududni soliq bazasi; t_i - i-soliq bo'yicha soliq stavkasi.

Bu usulning ham o'ziga yarasha kamchiliklari mavjud. Bu usul ko'plab omillarning hudud soliq potentsialiga ta'sirini hisobga olishga imkon bermaydi. Masalan sub'ektlarning rivojlanishidagi farqlarni hisobga olmaydi.

⁶⁰ <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

⁶¹ Каратаев, А. С. (2010) ИНСТРУМЕНТАРИЙ ОЦЕНКИ НАЛОГОВОГО ПОТЕНЦИАЛА КРУПНЕЙШЕГО НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА, Вектор науки Тольяттинского государственного университета.

⁶² Рошупкина, В. В. (2014) 'Теория и методология комплексной оценки налогового потенциала региона'

⁶³ Пугачев, А. А. (2016) 'Развитие налогового потенциала региона в рамках совершенствования налогового федерализма'. с-72-76

Yuqoridagi fikrlarni o'rganib representativ soliq tizimi deganda, bu soliq bazalariga mos keladigan mamlakatda o'rtacha soliq stavkalari bo'yicha mintaqaviy budjetga mumkin bo'lgan soliq tushumlarini prognoz qilishga asoslangan usulni tushunamiz. Representativ soliq tizimida regressiya usuli yordamida soliq potensialini quyidagi tenglama yordamida baholashimiz mumkin:

$$Y_j = X_{1j} * B_1 + X_{2j} * B_2 + \dots + X_{mj} * B_m + E_j \quad (3)$$

Bu yerda: Y_j - hududda budjetga to'lanadigan to'lovlar; $j=1,2,3,\dots,n$ -ko'rib chiqilgan hududlar soni; X_{mj} - i-mintaqaning soliq bazasi ko'rsatkichlari; B_m - tasodifiy omillar; E_j -tasodifiy o'lchov xatosi.

Soliq salohiyatini aniqlashning eng oddiy usullaridan yana biri sifatida professor I.Gorskiy tomonidan quyidagi usul ishlab chiqilgan⁶⁴:

$$NPR = F + Z + L \quad (4)$$

Bu yerda: NPR — hududning soliq salohiyati, (pul qiymatida);

F — xaqiqiy soliq tushumlari, (pul qiymatida);

Z — hisobot davrida soliq qarzdorligining ortishi (pul qiymatida);

L — hududga to'g'ri keluvchi soliq imtiyozlari (pul qiymatida).

1-jadval.

2022-yilda “Avtokameral” tizimi va Kameral soliq tekshiruvlari natijasida aniqlangan qo'shimcha soliqlar(mlrd.so'm)⁶⁵.

	Hududlarni nomlari	2022-yilda "Avtokameral" tizimi orqali aniqlangan qo'shimcha soliq	2022-yilda Kameral soliq tekshiruvi natijasida aniqlangan qo'shimcha soliq	2022-yilda “Avtokameral” tizimi va Kameral soliq tekshiruvlari natijasida aniqlangan qo'shimcha soliqlar
1	Qoraqalpog'iston Respublikasi	60,80	217,50	278,30
2	Andijon viloyati	123,60	315,10	438,70
3	Buxoro viloyati	99,40	365,80	465,20
4	Jizzax viloyati	139,30	158,90	298,20
5	Qashqadaryo viloyati	177,60	302,90	480,50
6	Navoiy viloyati	57,70	98,60	156,30
7	Namangan viloyati	81,90	704,20	786,10
8	Samarqand viloyati	178,80	410,20	589,00
9	Surxandaryo viloyati	110,90	290,70	401,60
10	Sirdaryo viloyati	56,10	144,70	200,80
11	Toshkent viloyati	159,30	667,90	827,20
12	Farg'ona viloyati	175,20	536,60	711,80
13	Xorazm viloyati	46,40	168,00	214,40
14	Toshkent shahri	286,40	1 625,60	1 912,00
15	Yirik soliq to'lovchilar bo'yicha hududlararo DSI	2 264,80	2 777,50	5 042,30
	Jami	4 018,20	8 784,20	12 802,40

⁶⁴ Пугачев, А. А. (2016) ‘Развитие налогового потенциала региона в рамках совершенствования налогового федерализма’.с-72-76

⁶⁵ www.soliq.uz sayti ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

1-jadval ma'lumotlaridan ko'rishimiz mumkinki "Avtokameral" tizimi orqali 2022-yilda Toshkent shahrida qo'shimcha 286,4 mlrd.so'm soliq aniqlangan. Eng kam ko'rsatkich esa Xorazm viloyatida 46,4 mlrd.so'mni tashkil etgan.

Kameral soliq tekshiruvi natijasida aniqlangan qo'shimcha soliqlar eng yuqori ko'rsatkich 1625,6 mlrd.so'm bilan Toshkent shahri egallab turibdi. Navoiy viloyati 98,6 mlrd.so'm bilan oxirgi o'rinda turibdi. Umumiy ko'rsatkichlardan Toshkent shahrining soliq potentsiali boshqa hududlarga qaraganda bir necha barobar yuqori ekanligini ko'rishimiz mumkin.

2-jadval

2022-yildagi hududlarning soliq salohiyati(mlrd.so'm).

		2022-yilda Budjetga tushumlar	2022-yilda foydalanilgan soliq imtiyozlari	2022-yilda tekshirishlar natijasida aniqlangan qo'shimcha soliqlar	I.Gorskiy usuli NPR=F+Z+L
1	Qoraqalpog'iston Respublikasi	2 385,00	456,70	278,30	3 120,00
2	Andijon viloyati	2 928,00	1 442,20	438,70	4 808,90
3	Buxoro viloyati	3 232,00	766,80	465,20	4 464,00
4	Jizzax viloyati	1 787,00	569,60	298,20	2 654,80
5	Qashqadaryo viloyati	3 678,00	745,70	480,50	4 904,20
6	Navoiy viloyati	1 691,00	463,80	156,30	2 311,10
7	Namangan viloyati	2 875,00	1 254,00	786,10	4 915,10
8	Samarqand viloyati	4 214,00	1 634,80	589,00	6 437,80
9	Surxandaryo viloyati	2 445,00	561,70	401,60	3 408,30
10	Sirdaryo viloyati	1 252,00	549,60	200,80	2 002,40
11	Toshkent viloyati	5 347,00	2 426,50	827,20	8 600,70
12	Farg'ona viloyati	4 325,00	1 763,40	711,80	6 800,20
13	Xorazm viloyati	2 568,00	995,70	214,40	3 778,10
14	Toshkent shahri	21 358,00	8 966,80	1 912,00	32 236,80
15	Yirik soliq to'lovchilar bo'yicha hududlararo DSI	88 304,00	41 485,20	5 042,30	134 831,50
	JAMI	148 389,00	64 082,50	12 802,40	225 273,90

1-jadvalning uzviy davomi sifatida 2-jadvalda ko'rishimiz mumkinki, I.Gorskiy usuli orqali hududlarning 2022-yilda soliq salohiyati ko'rsatilgan. Viloyatlar kesimida Sirdaryo viloyatining soliq salohiyati 2 002,40(mlrd.so'm) tashkil qilgan. Haqiqatda, Sirdaryo viloyatida 2022-yilda 1 252,00(mlrd.so'm) soliqdan tushum tushgan. Gorskiy usulida qo'shimcha 750,40(mlrd.so'm) Sirdaryo viloyatining soliq to'lash qobiliyati aniqlangan. Eng yuqori ko'rsatkich bo'yicha hududlar ichida Toshkent shahri o'rin olganini ko'rishimiz mumkin. Toshkent shahridan 2022-yilda 21 358,00(mlrd.so'm) soliq budjetga tushgan. Gorskiy usuli orqali Toshkent shahrini 2022-yilda soliq salohiyati 32 236,80(mlrd.so'm)ni tashkil etgan. Bu esa Toshkent

shahrining qo'shimcha 10 878.80(mlrd.so'm) soliqni budjetga to'lash qobiliyati mavjudligini bildiradi.

Mazkur usul iqtisodchilar o'rtasida "haqiqiy usul" deb nom olgan bo'lib, unda hududning soliq salohiyati budjetga kelib tushgan haqiqiy soliq tushumlariga nisbatan hisoblanadi. Albatta, bunday usul umumiy xarakterga ega. Ya'ni, budjetga kelib tushgan soliq tushumlari bo'yicha soliq salohiyatini aniqlash miqdoriy xususiyatga ega bo'lib, sifat ko'rsatkichlarini e'tiborga olmaydi. Shu bilan birgalikda, soliq turlari bo'yicha soliq bazalari qiymati soliq xizmati organlari tomonidan hisoblab chiqiladi. Bunda soliq bazalarini hisoblab chiqish ancha murakkabdir.

Bugungi kunda soliq siyosati sohasida hududlarni soliq potensialini aniqlash, soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish va uning samaradorligini oshirish, soliq tizimini soddalashtirish hamda soliq hisobotlarini tubdan qisqartirish yuzasidan kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Amalga oshirilayotgan ushbu chora-tadbirlarning asosiy maqsadlaridan biri bu – soliqlarning yig'iluvchanligini oshirish va budjet daromadlar bazasini kengaytirishdir. Bunday qilishga sabab, Davlat budjeti daromadlarining asosiy qismini soliqlar tashkil etadi. Soliqlarni o'z vaqtida budjetga undirilishi esa, davlatning oldindan rejalashtirilgan zarur xarajatlarini amalga oshirishni ta'minlaydi. Davlat budjeti daromadlarining ortishi, uning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga va moliyaviy barqarorlikka erishishiga xizmat qiladi. Shu sababli soliqlarni yig'iluvchanligini oshirish, budjetga qo'shimcha daromad zaxiralarini aniqlash hamda yashirin iqtisodiyot darajasini qisqartirish davlat tomonidan bajarilishi muhim bo'lgan vazifalardan biri sanaladi.

TDIU Jurabek Boltaev
«Soliqlar va sug'urta ishi»
kafedrasi mustaqil izlanuvchisi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI **SOLIQ TIZIMI VA DAVLAT BYUDJETI DAROMADLARINI** **SHAKLLANTIRISHDA TUTGAN O'RNI**

***Annotastiya:** Ushbu ilmiy maqolada soliq tizimini isloh etish, soliqlar mexanizmini yanada takomillashtirish hamda samaradorligini oshirish va rivojlanishi bo'lgan «raqamli iqtisodiyot»ni shakllantirish, shuningdek, soliq sohasidagi umume'tirof etilgan xalqaro norma va standartlarni milliy soliq qonunchilikka implementastiya qilishni jadallashtirish lozim. Mamlakatimizda yashirin iqtisodiyot darajasini pasaytirish, tadbirkorlik faoliyatini yuritish uchun, shu jumladan tartibga solish va soliqlar yukini kamaytirish hisobiga teng raqobat sharoitlarini yaratish, soliq qonunchiligi talablariga rioya qilish tartib-taomillarini zamonaviy axborot texnologiyalari asosida isloh qilish aks ettirilgan.*

***Tayanch iboralar:** Davlat byudjeti, bevosita soliqlar, bilvosita soliqlar, soliq tizimi, soliqlar yuki, soliq qonunchiligi, soliqlar mexanizmi, soliq imtiyozlari, egri soliqlap, to'g'ri soliqlap, soliq tushumlari*

Аннотация: В данной научной статье необходимость реформирование налоговой системы, дальнейшее совершенствование механизма налогообложения и создание «цифровой экономики», что повысит ее эффективность и развитие, а также ускорит внедрение общепризнанных международных норм. и стандартов в области налогообложения в национальное налоговое законодательство. Для снижения уровня скрытой экономики в нашей стране, для ведения предпринимательской деятельности, в том числе создания равных условий конкуренции за счет снижения бремени регулирования и налогов, реформирования процедур соблюдения требований налогового законодательства на основе современных информационных технологий.

Ключевые слова: Государственный бюджет, прямые налоги, косвенные налоги, налоговая система, налоговая нагрузка, налоговое законодательство, налоговый механизм, налоговые льготы, косвенный налог, прямой налог, налоговые поступления.

Soliq qonunchiligi talablariga rioya qilish tartib-taomillarini soddalashtirishni Erkin bozor mexanizmlarini joriy qilish, sog‘lom raqobat va xususiy mulk daxlsizligini ta‘minlash, tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash Konstitustiyada alohida o‘rin tutadi. Hozirgi kunda mamlakat iqtisodiyotini etakchi soha va tarmoqlarining zamon bilan hamnafas faoliyat yuritishiga barcha zarur sharoit yaratib berilmoqda. Biznes va xususiy tadbirkorlikka keng yo‘l ochib berilayotgani, ilg‘or axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llagan holda biznesni soliqqa tortish hayotimizga izchillik bilan joriy etilayotgani erishilayotgan samarali yutuqlarimizning mustahkam poydevorini tashkil etmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2022 yil 20 dekabrda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlis va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasida ilg‘or tajribalar asosida soliq va bojxona ma‘murchiligi jiddiy isloh qilinishi ta‘kidlandi:

«Byudjet xarajatlari, aholi va tadbirkorlar oldidagi majburiyatlarimizni qisqartirmagan holda, biznesga soliq yukini kamaytirish bo‘yicha ishlarni davom ettiramiz. Jumladan, 1 yanvardan boshlab qo‘shilgan qiymat solig‘i stavkasini 15 foizdan 12 foizga pasaytirish hisobidan tadbirkorlar ixtiyorida yiliga kamida 14 trillion so‘m mablag‘ qoladi. Lekin biznes muhitini yaxshilash uchun faqat soliqni kamaytirishning o‘zi etarli emas.

Birinchi navbatda, ilg‘or tajribalar asosida soliq va bojxona ma‘murchiligi jiddiy isloh qilinadi».

Soliq sohasida amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohatlar natijasida mamlakatimiz iqtisodiyoti barqaror su‘ratlar bilan rivojlanib ishbilarmonlik muhitini yanada yaxshilanishiga zamin yaratmoqda.

O'zbekiston Respublikasida soliq siyosati sohalarida tadbirkorlik faoliyatini yuritish uchun qulay sharoitlar yaratish va bilvosita soliqqa tortish tizimini yaxshilashga qaratilgan chora-tadbirlar vositasida keng ko'lamli soliq sohasida islohotlar amalga oshirilmoqda.

Bilvosita soliqqa tortish tizimini isloh etish, davlat soliq xizmati organlari faoliyatini yanada takomillashtirish hamda samaradorligini oshirish va rivojlanishi bo'lgan «raqamli iqtisodiyot»ni shakllantirish, shuningdek, soliq sohasidagi umume'tirof etilgan xalqaro norma va standartlarni bilvosita soliqqa tortish tizimiga tatbiq etishni jadallashtirish lozim.

Mamlakatimizda yashirin iqtisodiyot darajasini pasaytirish, tadbirkorlik faoliyatini yuritish uchun, shu jumladan bilvosita soliqqa tortish tizimini tartibga solish va soliq yukini kamaytirish hisobiga teng raqobat sharoitlarini taqozo etadi.

Iqtisodiy mohiyatiga qarab soliqlar to'g'ri va egri soliq'larga yoki bevosita

v
a

b Bilvosita soliqlarni huquqiy to'lovchilari mahsulot (ish, xizmatni) yuklab yuboruvchilar hisoblanadi. Lekin, soliq og'irligini haqiqatdan ham byudjetga to'lovchilari tovar (ish, xizmat)ni iste'mol qiluvchilardir, ya'ni bilvosita soliqlarning barchasi bevosita iste'molchilar zimmasiga tushadi. Bu soliqlar tovar (ish, xizmat) qiymati ustiga qo'shimcha ravishda qo'yiladi.

s Bilvosita soliqlarning ijobiy tomoni shundaki, ular respublikada ishlabchiqarilgan tovarlarni respublikadan tashqariga chiqib ketishini chegaralaydi, mamlakat ichida tovarlarning serob bo'lishiga yordam beradi hamda inflyatsiya darajasini (muomaladagi ortiqcha pul massasini) birmuncha jilovlab turadi. Bilvosita soliqlar stavkasining asosli ravishda oshirilishi korxonalar faoliyatining moliyaviy yakuniga to'g'ridan-to'g'ri ta'siretmaydi, ya'ni investistion faoliyatini qisqartirmaydi.

l Soliq siyosatini takomillashtirish va soliq sohasini isloh qilishga, investistiyaviy faollikni oshirishga, tadbirkorlik muhitini shakllantirishga, shuningdek, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlar yig'iluvchanligining zarur darajasini ta'minlash bo'yicha soliq siyosatini takomillashtirishga to'sqinlik qilayotgan muammolarni mavjud bo'lib, ularni bartaraf etish, soliq yukini kamaytirish va soliq solish tizimini soddalashtirish, soliq ma'muriyatchiligida shaffoflikni ta'minlash vazifalarini amalga oshirish lozim.

Mamlakatimizda ilg'or xorijiy tajriba asosida soliq siyosatini takomillashtirish va soliq ma'muriyatchiligida shaffoflikni ta'minlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirildi.

o
,

l
i

Soliq maslahati davlatning yangi soliq siyosatini samarali amalga oshirishning professional instituti va soliqlarni hisoblash va to'lash masalalarida soliq to'lovchilarning ishonchli yordamchisi sifatida shakllantirish kerak.

Davlat tomonidan tartibga solish, soliq maslahatchilarini tayyorlash va malakasini oshirish tizimini takomillashtirish, ular kasbining huquqiy maqomi va nufuzini mustahkamlash lozim.

1- jadval

**2023 yil uchun O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti daromadlari
prognozi**

		mlrd so'm
T/r	Ko'rsatkichlar	Summa
Jami — daromadlar		232 607,1
1.	Bevosita soliqlar	73 955,9
1.1.	Foyda solig'i	42 848,3
	<i>shu jumladan:</i>	
	«Navoiy kon-metallurgiya kombinati» akstiyadorlik jamiyati	11 252,6
	«Olmaliq kon-metallurgiya kombinati» akstiyadorlik jamiyati	5 265,5
1.2.	Aylanmadan olinadigan soliq	2 811,7
1.3.	Jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i	28 295,8
2.	Bilvosita soliqlar	88 411,3
2.1.	Qo'shilgan qiymat solig'i	63 775,4
2.2.	Akstiz solig'i	17 883,9
	<i>shu jumladan:</i>	
	<i>alkogol mahsulotlari, shu jumladan pivo</i>	2 339,0
	<i>tamaki mahsulotlari</i>	2 439,4
	<i>mobil aloqa xizmati uchun akstiz solig'i</i>	1 003,3
2.3.	Bojxona boji	6 752,0
3.	Resurs soliqlari va mol-mulk solig'i	26 473,2
3.1.	Mol-mulk solig'i	4 332,6
3.2.	Er solig'i	5 805,5
3.3.	Er qa'ridan foydalanganlik uchun soliq	15 535,6
	<i>shu jumladan:</i>	
	<i>noruda qurilish materiallari bo'yicha</i>	755,5
3.4.	Suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq	799,5
4.	Dividendlar	29 532,2
	<i>shu jumladan:</i>	
	«Navoiy kon-metallurgiya kombinati» akstiyadorlik jamiyati	16 050,4
	«Olmaliq kon-metallurgiya kombinati» akstiyadorlik jamiyati	9 481,7
5.	Boshqa daromadlar va soliq bo'lmagan boshqa tushumlar	14 234,6

2023 yil uchun O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti daromadlari prognozi bo'yicha jami daromadlar 232 607,1 mlrd. so'm bo'lib, shundan bevosita soliqlar 73 955,9 mlrd. so'm, bilvosita soliqlar 88 411,3mlrd. so'm, resurs soliqlari va mol-mulk solig'i 26 473,2 mlrd. so'm, boshqa tushumlar 14 234,6 mlrd. so'm, va dividendlar 29 532,2 mlrd. so'mni tashkil etgan.(1-jadval)

Yuqorida aytib o'tilganidek, bevosita va bilvosita soliqlar yagona soliq tizimini tashkil etib, bir-biri bilan o'zaro bog'langandir. Evropa mamlakatlarida bilvosita soliqlarning roli AQSh, Yaponiya, Kanada va Avstraliyaga qaraganda yuqoridir. Jahon soliq amaliyotida Davlat byudjeti daromadlari tarkibida bevosita va bilvosita soliqlarning nisbatiga qarab u yoki bu mamlakat iqtisodiyotining rivojlanganlik darajasiga baho berish mumkin. Evropa mamlakatlarida jami soliq tushumlarining hajmida bilvosita soliqlarning salmog'i 45-48 foizdan yuqori bo'lib, ayrim mamlakatlarda 55-56 foizni tashkil etadi. Mazkur ko'rsatkich 55 foizdan yuqori bo'lgan mamlakatlar guruhiga Meksika, Turkiya va Koreya kiradi. AQSh, Yaponiya, Kanada va Avstraliyada esa ushbu ko'rsatkich 18-21 foizni tashkil qiladi.

Soliqlarni O'zbekiston Respublikasi soliq tizimida ahamiyatini oshirishda quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish lozim:

-O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish doirasidagi eng ustuvor vazifa bo'lib, bilvosita soliqlar yukini izchillik bilan kamaytirish, soliq solish tizimini soddalashtirish va soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish iqtisodiyotni jadal rivojlantirish hamda mamlakatning investitsiyaviy jozibadorligini yaxshilashning eng muhim shartlari hisoblanadi.

-Bilvosita soliqlar bo'yicha soliq qonunchiligiga kiritilayotgan o'zgarishlar va qo'shimchalar O'zbekiston aholisi turmush darajasini yaxshilash va yalpi daromadlarni oshirishda asosiy omillardan biri bo'lib hisoblanadi.

-Tadbirkorlik sub'ektlariga ham bilvosita soliqlar yukini tizimli engillashtirish orqali ularni real daromadlarini oshirib mahsulot tannarxiga ta'siri kam bo'lishini ham hisobdan chetda qolmasligi kerak. Buning natijasi ishlab chiqarilgan maxsulotlar (ko'rsatilgan xizmatlar) doirasini izchil o'rganib chiqish va soliq mexanizmini ko'zda tutilgan imtiyozlar doirasini yanada kengaytirish taklif etiladi.

ТДИУ. М.Л. Абдибоситова

Магистр, МЕКР-11 гурухи талабаси

КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес вакилларини солиққа тортишнинг механизмлари, уларни солиққа тортишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ёритилган.

Калим сўзлар: кичик бизнес, солиқ, солиққа тортиш, якка тартибдаги тадбиркорлик, микрофирма, кичик тадбиркорлик.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти халқимиз фаровонлиги, яшаш шароитларини яхшилаш билан бирга, ушбу ислохотлардан кўзланган мақсад халқимизга ўз турмуш шароитларини ва молиявий аҳволини яхшилаш учун янги имкониятлар

яратишдан иборатдир. Албатта, ушбу ислохотлар ўз маҳсулини бермоқда. Бунга исбот сифатида Глобал Инновацион индексининг 2022 йилнинг 22 сентябрь кунигаги натижаларига асосан Ўзбекистон 132 та мамлакатлар ичида 82-ўринни эгаллади ва ушбу соҳада 2021 йилга нисбатан 4 поғона кўтарилди[1]. Қуйидаги жадвалдан Глобал Инновацион индекси бўйича сўнгги йилларда мамлакатимизнинг кўрсаткичларини кўришимиз мумкин:



Бу каби муваффақиятларнинг бош омилларидан бири — мамлакатимизда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳамда унинг таркибидан ўрин олган чора-тадбирлар йўналишларининг тўғри шакллантирилгани билан боғлиқ. Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг муҳим ва самарали йўналишларидан бирига айланди.

Бундан ташқари, республикаимизда кичик бизнеснинг яқка тартибдаги тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик ва бошқа турлари ривожланаётганлигини кўришимиз мумкин. Бугун Янги Ўзбекистон иборасини фахр билан айтаётганимиз бежиз эмас. Боиси, яқин 4-5 йил олдин ана шу икки жумла замирида бошланган улкан ислохотлар одамларнинг ўз имкониятларидан кенг фойдаланиш, исталган соҳада янгиликлар яратишга қўрқмай қадам ташлаш, энг муҳими, мустақил тадбиркор сифатида ўзини синаб кўриш имкониятини беряпти. Бу борада, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз”, дея таъкидлаган сўзлари халқимизга янада ишонч, куч берди[2].

Давлатимиз кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожини ҳар қандай воситалар, шу жумладан солиқ механизми орқали рағбатлантириш йулидан бормоқда, сабаби, кичик бизнес мамлакат учун нафакат жорий имкониятлар, балки келажак иқтисодий салоҳиятни ҳам таъминлайди. Рағбатлантирувчи

солиқ механизми одатда кичик бизнес учун имтиёзли солиқ режимларини назарда тутди. Аммо, ушбу солиқ имтиёзлари тадбиқ этиладиган тадбиркорлик субъектлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланганми, ушбу имтиёзлардан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган ўрта ва йирик бизнес вакиллари ўғринча фойланиши учун қонунчилигимизда тирқишлар мавжуд эмасми, умуман кичик бизнес вакиллари солиққа тортиш тизими норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қанчалик тартибга солинган?! Юқоридаги саволлар ва шу каби бошқа саволларга ушбу мақоламизда жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ривожлантириш ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари кўплаб миллий тадқиқотчи олимларимизнинг илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган. Жумладан, Гафуров Убайдулло Вахобович кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга эътибор қаратган[3], Рўзиева Дилобар Исомжоновна кичик бизнесни инвестициялаш жараёнларини ташкил этишда давлатнинг роли, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Кичик бизнесни ривожлантиришнинг тўсиқлари ва уларни олдини олишга эътибор қаратган[4,5], М.Ишонқулова кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришда солиқ механизмининг ролига эътиборини қаратган[6], Б.Атамуродов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларига эътиборини қаратган[7]. Уларнинг илмий-тадқиқот ишларида кичик бизнеснинг мамлакат тараққиётидаги ўрни, уни ривожлантириш, мамлакатимизда ва хорижда кичик бизнесни солиққа тортиш, уларга берилган имтиёз ва бошқа масалалар ёритилган.

Кичик бизнес вакиллари солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари бир қанча хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ҳам ёритилган бўлиб, жумладан, Перевозкина Ю.А. кичик бизнес вакиллари солиққа тортишнинг махсус солиқ тизимига эътиборини қаратган[8], Ессина Л.Ю. ва Якушева А.А.лар соддалаштирилган солиқ тизими кичик бизнес рақобатдошлигининг ижобий омили каби мавзуга эътиборларини қаратишган[9], Бугадова С.П. Россия Федерациясида кичик бизнесни солиқ тортиш механизмига эътиборини қаратган[10].

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда тадбиркорлик фаолияти давлат химоясига олиниб, давлат тадбиркорларга қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши белгилаб қўйилди[11]. Солиқ соҳасида ҳам бир қанча нормалар киритилди. Жумладан, Конституциямизнинг 149-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиши ва солиқларни жорий қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон

Республикасининг Олий Мажлисига тегишли эканлиги белгилаб қўйилган. Янги тахрирдаги Конституциямизда тадбиркорлик химоя қилинганлигини, ҳар ким эркин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкинлигини, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятлар учун солиқ тизими ягона эканлигини, солиқларни фақатгина биргина орган Олий Мажлис жорий қилиши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

Солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади. Кичик бизнес вакилларини солиққа тортиш бўйича қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилишдан олдин “кичик бизнес” субъектлари тушунчасининг мазмунини билиш лозим. Амалдаги Солиқ кодексига “кичик бизнес” ёки “кичик тадбиркорлик” субъектларига таъриф берилмаган. Ушбу тушунчага Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февраль кунидаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сонли Фармонида қуйидагича таъриф берилган:

“кичик тадбиркорлик субъектлари:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

микрофирмалар — таъсисчилари (иштирокчилари) жисмоний шахслар бўлган ҳамда жами даромади календар йил давомида бир миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

кичик корхоналар — жами даромади календар йил давомида 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлган ҳамда таъсисчилари (иштирокчилари) юридик шахслар бўлиб жами даромади календар йил давомида 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари”.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, кичик бизнеснинг энг кичик, аммо мамлакат иқтисодиёти учун сезиларли таъсир кўрсатувчи вакили сифатида календар йилида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар даромад солиғини икки хил усулда:

1) ҳар ойда қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқни тўлаши;

2) тадбиркорлик фаолиятдан олинган ҳақиқий даромади бўйича ушбу даромадларни олиш билан боғлиқ харажатлар суммасини чегириб ташлаган ҳолда доимий яшаш жойидаги давлат солиқ инспекциясига декларация топшириш йўли билан даромад солиғини тўлаши мумкин.

Микрофирмалар, яъни таъсисчилари (иштирокчилари) жисмоний шахслар бўлган ҳамда жами даромади календар йил давомида бир миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, календар йилида

товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган бироқ бир миллиард сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар Солиқ кодексининг 462-моддасига асосан икки хил усулда солиқларни тўлашни танлаши мумкин:

календар йилида реализация тушуми юз миллион сўмдан ошганда, ошган суммадан айланмадан олинадиган солиқни тўлаши;

календар йилида реализация тушуми юз миллион сўмдан ошганда, айланмадан олинадиган солиқни тўлаш ўрнига ихтиёрий тарзда қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашни танлаши мумкин[12].

Кичик корхоналар, яъни жами даромади календар йил давомида бир миллиард сўмдан ўн миллиард сўмгача бўлган ҳамда таъсисчилари (иштирокчилари) юридик шахслар бўлиб жами даромади календар йил давомида 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, календар йилида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини юридик шахслар учун белгиланган тартибда тўлашга ўтади.

PhD., доцент Қаршиев Отабек Абдуллаевич
ТДИУ Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси

ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛИК ТИЗИМИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ БОШҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ташқи бозорга интеграция Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш шартларидан биридир, чунки, одатда, бу савдо ҳажмини ошириш, қўшимча даромад олиш, капитал қийматини ошириш, шунингдек мамлакат ишлаб чиқарувчиларини олдида бир қатор янги вазифаларни ҳал қилишга олиб келади. Мамлакат иқтисодиётини ташқи иқтисодий соҳаси жадал ривожланаётганига қарамай, мамлакат иқтисодий имкониятларини тўла намоён қилиш учун тизимли ёндашувларни талаб этади.

Айниқса, ўзгарувчан молиявий – иқтисодий муҳит миллий иқтисодиётнинг ривожланиш омилларига ўз таъсирини ўтказиши натижасида бир томондан иқтисодий ресурслар ва савдо бозорларини эгаллаш учун мамлакатлар ўзаро рақобатнинг кучайиши, иккинчи томондан эса, мисол учун, Марказий Осиё мамлакатларининг рақобатбардошлик имкониятларини ошириш мақсадида турли туман халқаро ташкилотларга иштирок этиши кузатилмоқда. Бу каби интеграцион жараёнларнинг кучайиши иқтисодиётнинг ривожланиши учун салбий кўриниш олиб, мамлакатимизни турли молиявий ва иқтисодий ресурслар манбаидан фойдаланиш имконини чеклаб қуймоқда.

Шунингдек, интеграцион жараёнларда компаниялар ўз манфаатларидан, аввало бозорларда етакчиликни ушлаб қолиш нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда, турли мамлакатларда жойлашган компаниялар билан шерикчилик муносабатлари ривожлантирилиб, ўзаро рақобатлашиш, стратегик шерикчилик асосидаги компаниялар ташкил қилинмоқда. Сўнгги ўн йилликларда интеграциялашув жараёни янада чуқурлашуви туфайли АҚШ, Европа ва Осиёда турли фирмалар ва банкларнинг ўзаро қўшилишларини кузатиш мумкин. Бундай тартибдаги битимлар халқаро характерга эга бўлиб, халқаро тадбиркорликда янги тенденцияни, яъни трансмиллий компанияларнинг ташкил топишига асос бўлди⁶⁶.

Бу каби компанияларнинг тузилиши, таркиби ва ихтисослашуви турли туман бўлсада, ушбу бирлашмаларнинг негизини йирик капитал ташкил этади. Демак, миллий тадбиркорликда молиявий ва саноат капиталини концентрация қилмасдан иқтисодиётни кўтариш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш мушкул. Хусусан, мисол учун саноат ишлаб чиқариш корхоналарига сезиларли миқдорда молиявий ресурслар киритиш эвазига капитал сиғими юқори бўлган йирик лойиҳаларда иштирок қилиши мумкин. Чунки саноат ишлаб чиқариши катта миқдорда капитални жалб қилиш ва зарур тармоқларга йўналтиришнинг самарали ташкилий шаклларидан ҳисобланади. Саноат корхоналарининг янги технологияларга инвестиция киритиши натижасида илмий техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга татбиғи тезлашади⁶⁷.

Компаниялар фаолиятини молиялаштиришда тижорат банклари ҳам ҳар бир мижоз учун бўлган рақобат шароитида ишлаб чиқариш тармоқларига катта эътибор қаратадилар. Шу билан бирга тижорат банклари рискларни камайтириш мақсадида компанияларнинг молиявий ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишга ҳамда корхонанинг бошқарув жараёнига фаол иштирок қилишга интилади. Замонавий тадбиркорлик тузилмаларининг ташкилий жиҳатлари бундай имкониятни таъминлайди. Чунки тижорат банклари тўғридан тўғри маблағ киритиш билан бирга катта миқдордаги акцияларни харид қилишдан манфаатдор бўладилар. Молиявий ва саноат тузилмаларнинг бирлашишига асосий мотив кафолатланган молиявий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб, бизнесда қатор молия саноат гуруҳларининг шаклланиши саноат компанияларида стратегик мақсадларни ҳал қилиш заруриятидан келиб чиқади⁶⁸.

⁶⁶ Бортова М.П. Современные проблемы транснационализации производства и капитала // www.cfin.ru/management/200-3/13.shtml

⁶⁷ Ерочкин А. Механизмы государственной поддержки инноваций: зарубежный опыт // *Мировая экономика и международные отношения*, 2011, № 10


⁶⁸ Косолапов. М. Глобализация: сущность и международно-политические аспекты // *Мировая экономика и международные отношения*, 2001, № 3.

Тадбиркорликни йириклаштиришда ташаббус саноат ёки банк томонида бўлиши қатъий назар истиқбол режаларини асосли бўлиши, ҳисоб-китобларнинг аниқлиги, давлат органлари томонидан қўллаб – қувватлаши шарт.

Бу каби тадбиркорлик тузилмасини шакллантиришда ташкилий тузилманинг шаклини танлашнинг муҳим жиҳатларидан саналади. Чунки янги тузилманинг қулай шакли бошқа турли тузилмалар билан ишлаб чиқариш заруриятлари билан ўзаро муносабатларини ривожлантириш имконини беради. Айниқса, халқаро тадбиркорлик йирик молия-саноат гуруҳ фаолиятини самарали ташкил қилиш ва молиявий ресурслар ҳаракатини таъминлашда турли туман акционерлик жамиятлари тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади⁶⁹.

Айнан бундай тузилмалар юқори технологик ишлаб чиқаришни нисбатан тез ва кам маблағ сарфлаб ташкил қилиш имконига эга, одатда вертикал корпоратив равишда ўзаро боғланган илмий тадқиқот муассалари, савдо фирмалари, банклар, инвестицион фондлар кўринишида бўлиб, бунда ресурсларни жамғариш, ишлаб чиқариш масштаби эвазига тежамкорликка эришилади.

Молия – саноат гуруҳларини ривожланаётган бозорларда белгиланиш шарт-шароитлари қуйидаги расмда келтирилган:



⁶⁹ Шимаи. М. Роль и влияние транснациональных корпораций в глобальных сдвигах в конце 20 столетия // Проблемы теории и практики управления. 1999. № 3. С. 27.

1-расм. Молия – саноат гуруҳларини ривожланаётган бозорларда белгиланиш шарт-шароитлари.

Тадбиркорликда молия - саноат гуруҳларини ташкил қилишнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, гуруҳнинг иқтисодий, ташкилий, технологик ва интеллектуал салоҳияти интеграцияси натижасида инвестицион ресурсларни мақсадли йўналтирилади ва юқори самарали ишлаб чиқаришга эришилади.

Айнан шунинг учун йирик тадбиркорликнинг бундай шакли ишлаб чиқаришнинг истиқболли тармоқларини ривожлантириш, саноатда таркибий ўзгартириш сиёсатини амалга оширишнинг амалий дастаги ҳисобланади. Молиявий ресурслар ва илмий-ишлаб чиқаришнинг сезиларли қисмини йирик бизнесда тўплаш товар ва хизматларга бўлган давлат эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Шундай қилиб, молия - саноат гуруҳларни қуйидаги тамойиллар асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир:

- йирик ҳажмдаги ишлаб чиқаришда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, инвестициялар ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар ва технологияларни жорий этиш, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир;

- йирик ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг асосий тури бу синдикатлашган кредитлаштириш бўлиб, унда турли инвестор ва кредиторлар ўз rischi ва маблағлари билан иштирок этади. Айниқса, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган ҳар бир манба ўз қийматига эга, яъни молиявий ресурсдан фойдаланганлик учун тўлов тўланади;

- йирик ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг жаҳон амалиётида турлича усуллари ва манбалари мавжуд бўлиб, ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва инвестицион сиёсати, бозор механизмининг амал қилиш даражасига қараб бу усуллардан фойдаланиши мумкин.

- молия-саноат гуруҳлари ташкил қилиш, аввола, унинг ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги ва узок муддат мобайнида амалга оширилиши билан изоҳланади.

- ривожланаётган мамлакатларда молия - саноат гуруҳларининг инвестицион фаолиятини таҳлил қилиш ва шу асосда чет эл инвестициясини фаол жалб этиш, ҳудудлар, тармоқларнинг инвестицион жозибадорлик рейтингини таҳлил этиш, баҳолаш муҳим. Бу ерда, асосан, чет эл инвестициясини миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича тўғри жалб этишнинг тизимини шакллантириш ва молия-саноат гуруҳларини устувор даражада реал

секторга жалб қилиб, бу соҳадаги стратегик аҳамият касб этувчи инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтириш зарур.

- Замонавий шароитларда инвестиция капиталини ресурслари манбалари ичида тижорат кредити стратегик жиҳатдан алоҳида аҳамиятга касб этади. Сабаб, янги бозорни ўзлаштириш шароитида йирик бизнес компанияларининг ўз маблағ манбалари ҳажми юқори эмас, чунки, мазкур маблағлар жорий мажбуриятларни қоплаш учун ишлатилади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўйсада, йирик бизнеснинг молиялаштириш манбаларини шакллантиришда молия - саноат корxonанинг ўз маблағларидан фойдаланиш имкониятларини янада шакллантириш зарур бўлиб, инвестиция фаоллигининг барқарорлигидан далолат беради.

Зайнутдинов Бунёджон Одилжон ўғли

ТДИУ Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси ассистенти

СОЛИҚ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада молиявий асосларининг шаклланишига ижобий таъсир этишининг муҳим омилларидан бири – солиқ интизомини мустаҳкамлашдир, яъни солиқлар юзасидан тўлов интизомига риоя этилиши даражаси қанчалик юқори бўлса юқоридаги вазифалар ижроси шунчалик тўлиқ таъминланиши шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ, фискал, даромад, солиқ тушуми, солиқдан бўйи товлаш.

Бюджет тизимида солиқ тушумлари динамикаси солиқлар юзасидан тўлов интизоми даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур кўрсаткич мустақил равишда тўланган солиқлар суммасининг ҳисобланган ва жорий молия йилида назорат тартибидаги тадбирлар орқали қўшимча ҳисобланган солиқлар суммасига нисбати орқали аниқланади. Мазкур кўрсаткич солиқ қонунчилигига риоя қилинишининг реал даражасини акс эттиради ва жорий мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ.

Солиқлар юзасидан тўлов интизомини баҳолашда, бизнинг фикримизча, солиқ ҳуқуқбузарлиги учун ундирилган пенялар ва санкциялар суммаси инобатга олинмаслиги лозим. Мазкур тўловлар юзага келишининг табиати бошқа ва улар қарзни ундиришга мажбурлаш чораларини қўллаш жараёнида солиқлар ва йиғимларни тўлаш билан боғлиқ бўлган *ижро юзасидан солиқ интизомини* тавсифлайди.

Махсус адабиётларда “солиқлар юзасидан тўлов интизоми” тушунчаси “солиқларнинг йиғилувчанлиги”, “солиқ бўйича боқиманда” каби тушунчалар билан боғлиқ тарзда ифода этилади.

Солиқлар йиғилувчанлигини баҳолаш кўрсаткичи сифатида йиғилувчанлик коэффициентида фойдаланилади ва у тўланган солиқларнинг ҳисобланган солиқлар суммасига нисбати орқали ифодаланади. Солиқ тушумларининг эластиклиги эса абсолют суммадаги ёки фоизлардаги солиқ тушумларининг абсолют суммадаги ёки фоизлардаги миллий даромадга нисбати орқали аниқланади.

Жорий солиқ мажбуриятлари билан боғлиқ ҳолда солиқлар бўйича тўлов интизомини баҳолаш учун, бизнинг фикримизча, “*солиқлар юзасидан тўлов интизоми коэффициенти*” кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур кўрсаткични қуйидагича ҳисоблаш лозим:

$$СТИ = \frac{\sum X_{сй} - \sum X_{ск}}{\sum T_{сй} - \sum X_{усй}} * 100 \quad (1)$$

Бу ерда, *СТИ* - солиқлар юзасидан тўлов интизоми коэффициенти;

X_{сй} – молия йилида ҳисобланган солиқ ва йиғимлар (шу жумладан, солиқ назорати тадбирлари орқали ва илгариги солиқ даврлари учун қўшимча ҳисобланган тўловлар ҳам);

X_{ск} - солиқ органи томонидан амалга оширилган ҳамда солиқ тўловчилар томонидан декларацияда аниқланган жорий мажбуриятлар бўйича ҳисобланган солиқ ва йиғимлар суммасининг камайтирилиши;

T_{сй} - жорий ва олдинги даврлар учун ундирилган солиқ қарзларини ҳам қўшган ҳолда жорий даврдаги солиқ тушумлари ва йиғимлари;

X_{усй} – жорий ва илгариги даврлар учун ундирилган солиқ ва йиғимлар суммаси.

Ҳудудда рўйхатга олинган барча солиқ тўловчилар солиқ интизомининг таҳлилида солиқ интизомининг нафақат нисбий кўрсаткичларининг, балки унинг абсолют кўрсаткичларининг динамикасини ҳам инобатга олиш лозим. Бундай кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- рўйхатга олинган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар умумий сонида банкротлик бўйича очилган ишларнинг миқдори;
- рўйхатга олинган корхоналар умумий сонида солиқ ҳисоботларини топширмаган ёки фаолият юритмаганлик асосида нолик ҳисобот берганлар миқдори;
- корхона ва ЯТТлар умумий сонида мулки мусодара этилганлари сони;
- камерал текширув натижаларига кўра жиноий иш қўзғатиш учун ички ишлар органларига юборилган материаллар сони;
- аниқланган солиқ қонунчилиги бузилишининг умумий қиймати.

Яширин иқтисодиёт ҳажмининг юқорилигини ҳамда алоҳида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликнинг ўзгарувчанлигини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими учун йўқотишларнинг асосли тарзда баҳоланиши солиқ интизомига риоя этилиши даражасининг ўсишига,

солиқ маъмуриятчилиги такомиллашувига, солиқ соҳасидаги қонунчилик ривожига имкон беради.

Солиқ тизимининг фаолияти ва тараққиёти солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигида белгиланган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳуқуқий ва психологик жиҳатдан қабул қилишларига таъсир кўрсатувчи маълум бир ижтимоий-иқтисодий муҳитда амалга оширилади. Солиқ нормалари солиққа тортишнинг турли субъектлари томонидан тўлиқ ҳажмда ёки қисман амалга оширилиши ва кўпинча солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлашнинг турли схемаларидан фойдаланган ҳолда инкор этилиши мумкин.

Ҳакимов Ҳакимжон Абдулло ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ ВА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ МУВОФИҚЛИК КўРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРТА МУДДАТЛИ ПРОГНОЗЛАШ

***Аннотация.** Илмий мақола Ўзбекистонда фискал ва монетар сиёсатнинг мувофиқлик кўрсаткичларини ўрта муддатли прогноз қилишга бағишланган тадқиқотдир. Тадқиқот замонавий машина ўрганиши (machine learning) усулларидан фойдаланган ҳолда эконометрик ва статистик прогнозлаш усулларини таққослашга асосланган.*

Муаллиф турли прогнозлаш моделлари ва усулларини, жумладан классик эконометрик моделларни, статистик усулларни ва нейрон тармоқлар ва чуқур ўрганиш алгоритмлари каби замонавий машина ўрганиши усулларини қўллаган.

***Таянч сўз ва иборалар:** ўрта муддатли прогноз, эконометрик усуллар, статистик усуллар, машина ўрганиши (machine learning) усуллари, иқтисодий модель, прогнозларнинг аниқлиги, иқтисодий ўсиш.*

***Abstract.** The scientific article is a study devoted to the medium-term forecasting of indicators of compliance with fiscal and monetary policy in Uzbekistan. The study is based on a comparison of econometric and statistical forecasting methods using modern machine learning methods.*

The author has applied various forecasting models and methods, including classical econometric models, statistical methods, and modern machine learning methods such as neural networks and deep learning algorithms.

Key words: *medium-term forecast, econometric methods, statistical methods, machine learning methods, economic model, forecast accuracy, economic growth.*

Фискал ва монетар сиёсатнинг мувофиқлик кўрсаткичларини ўрта муддатли прогнозлаш иқтисодий ривожланаётган давлатлар, жумладан, Ўзбекистон учун муҳим вазифа ҳисобланади. Иқтисодий муҳитни шакллантириш, ўсишни рағбатлантириш, инфляцияни назорат қилиш ва молиявий барқарорликни таъминлашда бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бироқ, бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсати соҳасида самарали қарорлар қабул қилиш иқтисодий кўрсаткичларни аниқ прогнозлаш ва таҳлил қилишни талаб қилади.

Иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогноз қилишда анъанавий эконометрик ва статистик прогнозлаш усуллари кенг қўлланилган. Бироқ, нейрон тармоқлар ва чуқур ўрганиш алгоритмлари каби замонавий машинани ўрганиш усуллари ривожланиши билан аниқроқ ва ишончли прогноз қилиш учун янги имкониятлар очилмоқда.

Бу, ўз навбатида, иқтисодий бошқаришнинг янада тўғри ва ишончли стратегияларини ишлаб чиқишга, шунингдек, бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсати соҳасида асосланган қарорлар қабул қилишга ёрдам бериши мумкин.

Биз макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш борасидаги тадқиқотимизнинг мазкур қисмида эконометрик ва статистик прогнозлаш методларини замонавий machine learning методлари билан таққослаб, улар орасида Ўзбекистон иқтисодий тўғри тавсифлаш, таҳлил қилиш ва келгуси жараёнларни башоратлаш учун энг мақул методларни танлаймиз.

Мақсадли макроиқтисодий кўрсаткичлар сифатида ЯИМ ҳамда инфляция даражаси асосий эътиборга олинди. ЯИМнинг асосий мақсад сифатида олиниши иқтисодий томондан тушунарли бўлса, инфляциянинг асосий кўрсаткичлар орасида эканлиги фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш кўрсаткичи сифатида изоҳланади. Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодийнинг инфляцияни таргетлашга ўтиш жараёни давом этаётганлиги, ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан инфляция даражасини тўғри прогнозлаши муҳим аҳамиятга эга эканлиги инфляциянинг танланишини тушунтиради. Шу ўринда, Марказий Банк томонидан инфляцияни прогнозлашда OLS ва ARIMA методларидан фойдаланилаётганлиги, келажакда VAR моделидан фойдаланишга ўтилиши тўғрисидаги маълумотларга

асосланиб⁷⁰, ушбу илмий тадқиқот аҳамиятли бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги ҳисобга олинади.

Инфляцияни прогнозлашнинг аҳамияти таргетлаш жараёни билан бирга айнан истеъмол нархлари индекси орқали ҳисобланган инфляция бўйича Ўзбекистон учун маълумотлар анча кенг қамровга эга. Биз бу ўринда 2000 йил январь ойидан 2022 йил декабрь ойига қадар бўлган (жами 276 та кузатув) маълумотларни йиғиш ва уларни таҳлил қилишга муваффақ бўлдик. Бошқа макроиктисодий кўрсаткичлар учун бундай катта ҳажмдаги маълумотлар мавжуд эмас.

Ялпи ички маҳсулотни прогнозлаш моделлари бўйича натижалар. Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатини прогнозлашда эконометрик моделлар орасида бенчмарк модел, яъни бошқа моделларнинг аниқлигини солиштиришда ишлатиладиган модел сифатида OLS (энг кичик квадратлар усули) модели танланди.

1-жадвал

ЯИМ ўсиш суръатини прогнозлаш моделларини баҳолаш⁷¹

Кўрсаткич	Boosting	Random Forest	Lasso	Ridge	VAR	OLS
MAE	0.5	1.41	1.61	1.79	2.38	3.64
MSE	0.367	2.16	4.427	3.825	6.073	17.168
Аниқлик %	91.10%	72.92%	71.12%	67.61%	56.40%	32.40%

ЯИМ ўсиш суръатини прогнозлаш моделлари аниқлигини баҳолашда сўнгги етти йил (2016-2022) йиллардаги кўрсаткичларда баҳолаш амалга оширилди. Аниқликни баҳолашнинг барча кўрсаткичлари бўйича ML моделлари – Boosting ва Random Forest machine learning эконометрик моделларни ортда қолдирмоқда.

Чизиқли моделлар орасида LASSO модели оддий энг кичик квадратлар усулидан ҳам, Ridge регрессийдан ҳам юқорироқ аниқлик намоиш этмоқда. Ridge регрессия LASSOда фақат MSE бўйича устунлик қилмоқда. MSEнинг каттароқ хатоликлар учун каттароқ “жарима солиш”ини ҳисобга олсак, LASSO

⁷⁰ <http://cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/concept/> Пул-кредит сиёсатини ривожлантириш ва амалга ошириш Концепцияси.

⁷¹ Муаллиф томонидан тузилган

кутилмаган ўзгаришларни баҳолашда қийинчиликка дуч келмоқда. LASSOнинг яна бир ўзига хослиги бўлмиш – ўзгарувчиларни танлаш қобилияти ушбу жараёнда қўл келди.

Boosting ва RF моделлари ўз прогнозларини одатда, ҳақиқий кўрсаткичлардан биров юқорироқ даражага чиқариб қўйишди. Ўртача Boosting модели 0,5 фоиз пунктга адашмоқда (MAE=0,5).

LASSO ва Ridge регрессия прогнозлари ҳақиқий кўрсаткичлар билан таққосланганда шуни кўриш мумкинки, моделлар ҳар йилда ўртача ҳисобда, мос равишда 1,61 ва 1,79 фоиз пунктга адашишмоқда.

VAR моделини яратишда кўрсаткичларнинг 1 йил олдинги лаглари ҳисобга олинди. Бунда, иқтисодий кўрсаткичларнинг ЯИМ ўсиш суръатига бирданига таъсир қилмаслиги асосий сабаб ҳисобланади. VAR (1) моделининг у қадар яхши натижа кўрсатмаганлиги ушбу моделнинг маълумотлар сифатига ўта таъсирчанлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон иқтисодиёти учун шакллантирилган маълумотлар сифатидаги айрим камчиликлар модел сифатига ҳам бевосита таъсир кўрсатди.

Истеъмол нархлари индексини прогнозлаш моделлари бўйича натижалари.

2-жадвал

Прогнозлаш моделларининг умумий аниқлиги⁷²

Модел номи	Баҳолаш мезони	Прогноз муддати (ой)						
		1	2	3	6	12	18	24
AR (1)	MSE	0.423	0.521	0.545	0.799	0.624	0.611	0.679
	Аниқлик (100% дан)	63.41%	56.71%	53.22%	51.62%	42.18%	39.84%	32.07%
AR (15)	MSE	0.296	0.421	0.436	1.089	0.538	0.437	0.455
	Аниқлик (100% дан)	78.59%	68.89%	61.61%	71.85%	66.74%	61.57%	56.79%
ARIMA	MSE	0.221	0.493	0.572	1.045	0.558	0.354	0.473
	Аниқлик (100% дан)	79.14%	71.23%	69.47%	74.02%	63.40%	60.37%	48.79%
Additive модел	MSE	0.306	0.381	0.466	0.413	0.558	0.354	0.354
	Аниқлик (100% дан)	73.64%	69.03%	65.88%	68.32%	64.17%	57.62%	54.28%
Random Forest	MSE	0.312	0.314	0.376	0.416	0.374	0.341	0.423
	Аниқлик (100% дан)	83.37%	78.93%	75.89%	72.36%	64.75%	68.92%	63.28%
Boosting	MSE	0.421	0.661	0.562	0.623	0.421	0.332	0.815
	Аниқлик (100% дан)	82.81%	83.41%	84.26%	81.16%	79.18%	71.40%	56.14%
Нейрон тармоқлар	MSE	0.812	0.919	0.946	0.821	1.03	1.21	1.08
	Аниқлик (100% дан)	37.89%	37.44%	39.45%	35.60%	33.20%	29.64%	24.18%

⁷² Муаллиф томонидан тузилган

Изоҳ: Аниқлик учун энг яхши ва MSE учун энг кичик натижалар ажратиб кўрсатилган

Инфляция даражасини эконометрик ва ML методлари ёрдамида прогнозлаш натижаларини баҳолашда MSE – ўртача кавадрат хатолик ва умумий модел хатолиги (100% - аппроксимация хатолиги) орқали баҳоланди.

Умумий олиб айтганда, 1, 2, 3, 6, 12, 18 ва 24 ойлик псевдо прогнозлар аниқлигини баҳолаш шуни кўрсатадики, ML методлари, айнан *Random Forest* ва *Boosting* методлари оддий эконометрик моделлардан яхшироқ эканлиги ва ушбу моделларни макроиктисодий кўрсаткичларни прогнозлашда ишлатиш мумкин эканлигини кўрсатмоқда.

Умуман айтганда, machine learning методларини Ўзбекистон иқтисодиёти учун қўллаш натижалари таҳлили ушбу моделлар расмий прогнозларнинг аниқлигини ошириш учун қўлланилиши имконият мавжуд эканлигини кўрсатиб турибди. ЯИМ ўсиш суръати прогнозлари учун ҳам machine learning методлари прогнозлар аниқлигини ошириши мумкин.

ML ва эконометрик моделлар ёрдамида инфляция даражаси прогнозлари шуни кўрсатмоқдаки, моделларнинг прогнозлари расмий прогнозларга караганда юқорироқ даражада прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти кўрсаткичларини прогнозлашда ҳозирда бутун дунёда оммалашиб бораётган machine learning методлари ўзларини ижобий томондан намойиш этишмоқда. Ушбу ишдан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Оддий авторегрессив моделлар ҳозирги кун учун эскирган ва уларни прогнозлашда қўллаш, Ўзбекистон иқтисодиёти учун энг тўғри йўл эмас.

2. OLS методининг ўрнида LASSO ёки Ridge регрессияни қўллаш аниқлик даражасини сезиларли оширади.

3. VAR модели учун сифатли маълумотларнинг бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

4. ARIMA методлари эса унга мавсумийлик ёки экзоген ўзгарувчиларнинг қўшилиши орқали янада аниқроқ даражага етказилиши мумкин. Бу метод ҳисоб-китоб учун кам куч ва вақт талаб қилиб, нисбатан яхши натижа бермоқда. Шу туфайли ARIMA методларидан прогнозлаштиришда фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

5. Additive моделлар вақтли қаторларни таҳлил қилишда юқори аниқлик даражаси билан ажралиб турмаса-да, ушбу модел нисбатан паст квадрат хатолик даражасини қайд этади. Яъни, модел кутилмаган ўзгаришларни яхшироқ прогнозлайди.

6. Random Forest ва Boosting методлари ҳозирги замон machine learningнинг иқтисодиёт тармоқларида қай даражада қўлланилиши мумкин эканлигини намойиш этмоқда, Ушбу моделлар асли вақтли қаторларни моделлаштириш учун яратилган бўлса-да, уларнинг ҳар соҳа учун мослашувчанлиги, яъни универсаллиги Ўзбекистон макроиктисодий

кўрсаткичлари прогнозида ҳам улардан фойдаланиш мумкин эканлигини намойиш этмоқда.

7. Нейрон тармоқларни қўллаш Ўзбекистонда инфляция даражаси прогнозида қониқарли натижа бермаган бўлса ҳам, ушбу моделнинг потенциали катта. Халқаро илмий ҳамжамиятда иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда ҳар йили турли нашрларда минглаб мақолалар ушбу мавзунини ёритишга бағишланаётганлигини ҳисобга олсак, нейрон тармоқлар ва кенг маънода, “чуқур ўрганиш” алгоритмларини амалга татбиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланади. Ҳозирги қониқарсиз натижаларни кузатувлар сонининг алгоритм учун етарли эмаслиги, муаллифнинг соҳада етарлича билан ва тажрибага эга эмаслиги ҳамда ҳисоб-китобларни амалга ошириш қувватларининг мавжуд эмаслиги билан ҳам изоҳланади.

Умуман олиб айтганда, “machine learning” ни иқтисодиёт турли соҳаларида қўллаш ҳозирги долзарб мавзулар ҳисобланувчи тўртинчи саноат инқилоби, “рақамли иқтисодиёт” кабиларнинг муҳим қисмларидан ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиёти учун ушбу усулларни қўллаш масалаларини тадқиқ қилиш мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга, янги давр ўзгаришларига тезроқ мослашишга ҳамда келгуси прогнозлар аниқлигини оширишга ёрдам беради

Mamadiyarov Zokir Toshtemirovich

TDIU, Moliya bozori va sug'urta ishi kafedrasi mudiri, i.f.d., professor,

Xamdamov Adxam Toshtemirovich

O'zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi magistranti

INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI BANK TIZIMIDA QO‘LLASHNING BANK MARKETINGIGA TA’SIRI

Annotatsiya: Bank tizimiga so‘nggi vaqtlarda elektron tijorat tarmoqlari infratuzilmasini qo‘llab-quvvatlaydigan, qidiruv servislari, to‘lov tizimi, logistika va axborot servislari, marketing servislari, qatnashchilarni ichki texnik qo‘llab-quvvatlash hizmatlari keng ko‘lamda joriy qilinmoqda. Mazkur maqolada innovatsion texnologiyalarni bank tizimida qo‘llashning bank marketingiga ta’siri yoritilgan.

Kalit so‘zlar: masofaviy xizmatlar, axborot texnologiyalari, marketing platformalari, internet-do‘konlar, to‘lov tizimlari.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Farmonida to‘lov tizimini yanada rivojlantirish, shu jumladan, real vaqt rejimida tezkorlik bilan hisob-kitoblarni boshqarish va masofadan bank operatsiyalarini

o‘tkazish imkonini beruvchi tijorat banklarining samarali axborot almashinuvi tizimini tashkil etish Markaziy bank faoliyatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri etib belgilandi. Bu esa tijorat banklari tomonidan ko‘rsatilayotgan masofaviy xizmatlarning sifat jihatidan yaxshilash va yangi zamonaviy xizmatlarni joriy etish uchun katta imkoniyatlar tug‘diradi.⁷³

So‘ngra, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Farmoni qabul qilindi. Unga ko‘ra mamlakatda zamonaviy axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish, elektron davlat xizmatlarini ko‘rsatishning yaxlit tizimini yaratish, davlat organlarining aholi bilan muloqot qilishining yangi mexanizmlarini joriy etish yuzasidan izchil ish olib borilayotgan bo‘lsada sohasidagi bir qator tizimli muammo va kamchiliklar ushbu sohaning jadal rivojlanishiga, sifatli axborot xizmatlarini ko‘rsatishga to‘sqinlik qilayotgan jihatlarga e‘tibor qaratildi. Xususan:

birinchidan, telekommunikatsiya infratuzilmasi yetarlicha rivojlanmagan, mamlakatning olis aholi punktlari telekommunikatsiya tarmoqlari bilan ta‘minlanmasdan qolmoqda, mobil aloqa va internet tarmog‘ining sifati aholi ehtiyojlarini qondirmayapti;

ikkinchidan, davlat boshqaruvi tizimiga axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini joriy etishda yagona texnologik yondashuvning samarali amalga oshirilmaganligi sababli idoraviy axborot tizimlari va resurslari alohida-alohida joriy qilinmoqda, buning oqibatida ularni yagona axborot makoniga integratsiyalash jarayoni murakkablashmoqda;

uchinchidan, elektron tijoratda integratsiyalashgan savdo va marketing platformalari, internet-do‘konlar, to‘lov tizimlarini, shuningdek, logistika tizimlarini joriy etishga yetarlicha e‘tibor qaratilmayapti, bu iqtisodiyot va tadbirkorlik rivojlanishi, chet el investitsiyalari jalb qilinishi to‘xtatib turilishining sabablaridan biri bo‘lmoqda;

to‘rtinchidan, davlat axborot tizimlari va resurslarida axborot xavfsizligini va axborotni muhofaza qilishni ta‘minlash ishlarining zaif tashkil etilganligi axborotdan ruxsatsiz foydalana olish, ma‘lumotlar bazalarining butunligi va maxfiyligini buzish imkoniyatini oshirmoqda;

beshinchidan, ko‘plab davlat organlari va tashkilotlarining rahbarlari tomonidan aholiga ko‘rsatiladigan xizmatlarning sifati va tezkorligini oshirish, byurokratik tartib-taomillarga barham berish, qog‘oz hujjat aylanishini kamaytirishga qaratilgan axborotlashtirish hamda zamonaviy axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini

⁷³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 9 yanvardagi «O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-5296-sonli Farmoni.

joriy qilish loyihalarini amalga oshirish masalalariga yetarlicha e'tibor berilmayapti; oltinchidan, pochta aloqa xizmatlari va logistika tizimini modernizatsiya qilish, pochta aloqasi milliy operatori faoliyatining sifat jihatdan yangi uslublarini joriy etish va bozorda uning faoliyati mavqeini oshirishga doir ta'sirchan choralar ko'rilmayapti;

yettinchidan, axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasida kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirishning amaldagi tizimi IT-texnologiyalar rivojlanishining tezkor sur'atlarini hisobga olmayapti, shuningdek, ta'lim berishning ilg'or uslublarini joriy etish uchun xorijiy mamlakatlarning yetakchi ta'lim muassasalari bilan samarali muloqotni tashkil qilish imkonini bermayapti;

sakkizinchidan, elektron hukumat, elektron tijorat, elektron davlat xizmatlari ko'rsatish tizimi, ularning shaffofligi va ochiqligi, shuningdek, telekommunikatsiya infratuzilmasining rivojlanishida ancha ilgari ketgan mamlakatlarning tajribasini chuqur o'rganish va joriy etish bo'yicha tizimli ish olib borilmayapti.⁷⁴

Agar to'lov tizimida joriy qilinayotgan yuqori darajadagi texnologiyalar bank mijozlari uchun iqtisodiy manfaatlar bilan bog'liq bo'lsa, ya'ni katta xarajatlar bilan bog'liq bo'lsa bunday texnologiyalarni amaliyotga joriy qilishda muammoli vaziyatlarni keltirib chiqaradi.

Shu bilan birga, mobil telefonda yuqorida eslatib o'tilgan muammolarni hal qilishda, o'ziga xos xususiyatlar mavjud, bular:

- mobil telefonning shaxs ekanligi va bu vositani bank sotib olib mijozlariga berishi shart emasligi;

- tezkor javob berish imkoniyati mavjudligi;

- «Hozir va shu yerda» shiorida ishlashi boshqa masofaviy bank xizmatlari kabi mobil-bankingda ham mavjud ekanligi. Shu o'rinda, yangi texnologiyalarni to'lov tizimida qo'llamasdan, balki mavjud texnologiyalarni (ya'ni smartfonlar) to'lov tizimiga o'zlashtirish va tizimga bo'lgan ishonchni oshirish va anglatish kerak. Bu esa tijorat banklarning marketing bo'limi va veb-saytlarda axborotlar taqdim etishga ma'sul shaxslarning vazifasidir.

Agar mobil-bankingni tashkil qilishda hal qilinishi zarur bo'lgan asosiy texnik masalalarga to'xtaladigan bo'lsak, quyidagilarni alohida ko'rsatish mumkin:

1) ma'lumotlarni mobil telefonda o'tkazish usuli;

2) ma'lumotlarni uzatishning axborot xavfsizligini ta'minlash;

3) mijoz bilan axborot almashinuvini tashkil etish.

Uyali aloqa kanallari orqali ma'lumotlardan foydalanish, saqlash, qayta ishlash, uzatish imkoniyatlaridan keng foydalanish va ularni birlashtiradigan to'lov tizimida alohida platforma hali yaratilmagan. Bundan tashqari, mijozlar uchun yangi tizim

⁷⁴ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldagi «Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-5349-sonli Farmoni

qanchalik xavfsiz (yoki ishonchsiz) va qanchalik ishonchli bo'lishi mumkinligini baholash qiyin.

Dunyo bo'ylab odamlarning 73 foizi kamida oyiga bir marta bo'lsa ham raqamli bank xizmatidan foydalansa-da, mijozlarning yanada murakkab ehtiyojlarini faqat raqamli banking orqali qondirish murakkab jarayondir. Mijozlarning banki bilan shaxsiy munosabatlarga ega bo'lishning afzalliklari ko'pincha e'tibordan chetda qoladi, chunki tajribali bank mutaxassislarini jalb qilish orqali qiyin bank jarayonlarini osonlashtirilishi mumkin. Shaxsiy bank munosabatlariga ega bo'lish mijozlarga o'z imkoniyatlarini solishtirishga va o'z ehtiyojlariga moslashtirilgan echimlarni topishga yordam beradi, bu o'z-o'ziga xizmat ko'rsatish orqali osonlikcha erishilmaydi.

Samarali yechim mijozlarga umumiy bank ehtiyojlari uchun to'g'ri echimlarni topishga yordam beradi. Kundalik tranzaksiya ehtiyojlari va bank xodimlari bilan shaxsiy munosabatlar uchun raqamli bank xizmatlari va ana'anaviy bank xizmatlaridan ham aralash ravishda foydalanish lozim. Banklar o'z mijozlarining moliyaviy savodxonligini oshirish, shuningdek, raqamli bank xizmatlarining soddalashtirilgan va tushunarli bo'lishini ta'minlash kerak. Banklar mijozlarning raqamli va ana'anaviy bank xizmatlaridan iloji boricha xabardor bo'lishi uchun marketing xizmatlarini yaxshi yo'lga qo'yishni talab etadi.

Bank xizmatlarini masofadan ko'rsatish tizimlarini ommalashtirish uchun bankning marketing siyosatini oqilona olib borishni talab etiladi. Unga ko'ra bank xizmatlarini masofadan ko'rsatish turlari va ularning imkoniyatlarini bank mijozlari va aholiga yetakazish uchun seminar treninglar o'tkazish orqali bu xizmatlar to'g'risida foydalanuvchilarda ijobiy taasurot o'yg'otish muhimdir. Aholi gavjum bo'ladigan joylarda, internet saytlarda, ijtimoiy tarmoqlarda, televideniya va bankning mijozlar bilan ishlaydigan front-ofis va zallarida bank xizmatlarini masofadan ko'rsatish qulayligi va imkoniyatlari bo'yicha video roliklarni joylashtirish orqali bu xizmatlarni reklama qilish ham katta samara beradi.

Umuman olganda, respublikamiz bank tizimida bo'layotgan o'zgarishlar banklarning kuchli va kuchsiz taraflaridan kelib chiqqan holda har bir bank o'z missiyasini optimal qilishni rejalashtirish lozim. Xususan:

Birinchi, bank samaradorligini oshirish hamda mijozlarga xizmat ko'rsatish sifatini yaxshilash maqsadida, banklar xizmat ko'rsatish jarayonlarini standartlashtirish va optimallashtirish lozim.

Ikkinchi, banklarning daromadlilikini oshirish uchun bank xizmatlari jozibadorligini oshirish va yangi mijozlarni jalb etish maqsadida tarif siyosatini maqbullashtirish talab etiladi.

Uchinchi, banklarning moliyaviy barqarorligini, yuqori moliyaviy natijalarga erishish maqsadida, har bir bank aktiv va passivlarini diversifikasiyalash

hamda ularning muddatlari mutanosibligini ta'minlash kerak.

To'rtinchidan, ijobiy brend orqali yangi jalb qilinadigan mijozlar oqimini oshirish va bozor pozitsiyasini yaxshilash maqsadida banklar marketing va branding xizmati rolini kuchaytirish lozim.

Beshinchidan, bank xizmatlari bozorida mijozlarning talab va taklifini inobatga olgan holda bank filiallari, minibanklar, chakana va maxsus kassalar tarmog'ini maqbullashtirish kerak.

Oltinchidan, o'sib borayotgan iqtisodiyotda vujudga kelayotgan yangi talablar hamda o'zgaruvchan muhitga tez moslashish zaruriyatini hisobga olgan holda banklarda yangi g'oyalarga ochiq, yuqori motivasiyaga ega, o'rganuvchan xodimlar kollektivini shakllantirish zarur.

Шамсиев Нодир Муратович
ТДИУ, Солиқлар ва солиққа тортиш
кафедраси катта ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА ЧИҚИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатга капитал оқимини фонд бозори орқали жалб қилишни жадаллаштириш қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, яъни брокерлар, дилерлар, инвестицион маслаҳатчилар, инвестиция компаниялари, инвестиция фондлари, бошқарувчи компаниялар, депозитарийлар, ҳисоб-китоб клиринг палаталари, қимматли қоғозлар эгаларининг реестр сақловчилари, қимматли қоғозларни номинал сақловчилари билан бирга Республика фонд биржаси ва бошқа инвестицион институтлар қимматли қоғозлар бозорининг инфратузулмаси ёрдамида амалга оширилади. Ўзбекистонда капитал бозорининг ҳажмини халқаро молиявий ресурслар орқали ошириш ва жаҳон қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасига интеграция қилиш, шунингдек ички молиявий ресурсларни жамғаришда фонд бозори инфратузилмасининг салмоғини кўтариш зарурдир.

Жаҳон бозорида халқаро ташкилотлар ва молия институтлар билан ҳамкорликда хорижий сармояларни ўзбек эмитентларининг қимматли қоғозларига жалб этиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг 14 февралида Лондон фонд биржасида савдолари ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг суверен евробондлар (еврооблигациялар)ини мисол қилишимиз мумкин. Шундан сўнг Ўзбекистоннинг резидент тижорат банклари эмитент сифатида еврооблигацияларини халқаро бозорга жойлаштириш бўйича амалиётларни бошлаб юборишди. Албатта, қайсики ривожланаётган, жаҳон

молия бозори учун янги ҳисобланган давлатнинг эмитентлар молия бозорида инструментларини жойлаштиришлари учун ҳукумат томонидан биринчи бўлиб кадам қўйилиши ва келажакда хўжалик юртурувчи субъектларига жаҳон бозорига йўл очиб бериши зарурдир. Албатта, бу амалиётни Ўзбекистонгача ҳам бошқа давлатлар амалга оширишган. Ушбу мавзуга куйида яна қайтамиз.

Авваламбор, еврооблигациялар ҳақида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, «биринчи евробондни 1963 йилда Италиянинг «Автострада» компанияси эмиссия қилинган». Евробондлар бу-бир вақтнинг ўзида бир нечта бозорларда сотилиш имкониятига эга бўлган, хорижий валютада ва хорижий бозорда сотиладиган, қарз мажбуриятини ифода этувчи қимматли қоғозлардир. Евробондлар одатда 1 йилдан 40 йилгача ораликда муомалада бўлувчи ва номинали АҚШ долларларида ифодаланувчи қимматли қоғозлардир.

Хўш, Ўзбекистон Республикасининг суверен евробондлари қандай хусусиятларга эга? Ўзбекистон 1 млрд. АҚШ долларлик евробондаларни 2 хил шартларда ва 2 қисм (транш)да яъни 500 миллион АҚШ долларидан 5 йиллик ва 10 йиллик муддатларда мос равишда 4,75% ва 5,375% йиллик даромад (купон) тўлаш шарти билан жойлаштирди. Аввал бошида еврооблигацияларни юқориқоғоз фойзда яъни 5 йиллик облигациялар 5,625% -5,75% ораликда ва 10 йиллик облигациялар 6% даромад тўлаш шартида сотиш таклиф қилинган аммо, савдо кунисида 1 млрд. АҚШ долларлик таклифга 8,5 млрд. АҚШ долларлик аризалар (талаб) тушиши натижасида облигацияларнинг даромадлиги (ваъда қилинган купон фойзидан)ни тушириш имконияти пайдо бўлди ва пасайтирилган купон ставкада ҳам даромадлилик даражаси қаноатлантирувчи инвесторлар етарлича бўлди ва савдолар муваффақиятли амалга оширилди. Хўш, бунга нима сабаб бўлмоқда, авваламбор Ўзбекистоннинг ташқи қарзлари ва ЯИМ ўртасидаги муносабат (қарзларни бошқариш стратегияси) ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ижобий баҳоланганлигидир. Шу сабабли, Ўзбекистоннинг янги фонд инструменти еврооблигациялар бўйича «бенчмарк»и (фонд инструменти халқаро бозорда келажакда ўрнини ва нуфузини аниқлаш) мувоффақиятли амалга оширилди.

Қуйидаги жадвалда суверен еврооблигацияларни чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида инвесторлар таркибини географик ва тармоқ жиҳатдан кўриб чиқамиз.

**Ўзбекистоннинг суверен еврооблигацияларига капитал
йўналтирган инвесторлар таркиби**

Инвесторлар таркиби	5 йиллик (фоизда)	10 йиллик (фоизда)
Худудлар бўйича		
Буюк Британия	39	32
Америка давлатлари	23	31
Европа давлатлари	32	27
Осиё давлатлари	6	10
Жами	100	100
Тармоқлар бўйича		
Бошқарув фондлари	75	78
Суғурта ва пенсия фондлари	20	16
Банклар	5	6
Жами	100	100

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, Инвесторлар таркибида географик жиҳатдан Буюк Британия фондлари юқори улушни эгаллаб турибди, тармоқлар бўйича эса, бошқарув компаниялари Ўзбекистоннинг еврооблигацияларини энг кўп сотиб олишган.

Ўзбекистон ушбу суверен еврооблигацияларни эмиссия қилиш ортидан қандай мақсадларни кўзлаган эди. Фикримизча, ушбу еврооблигациялар Ўзбекистон қимматли қоғозларини жаҳон бозорига кириши ва капитал жалб қилишда жаҳонда Ўзбекистоннинг жозибадорлигига баҳо бериш энг асосий мақсад бўлган. Аслида, бу каби катта ҳажмли қарз муносабатлари мамлакатга молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиришни биринчи галдаги вазифа сифатида қўйиши зарур эди. Фикримизнинг яққол исботи сифатида, «Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПҚ-4258-сонли қарори 2019 йилнинг 02 апрелига келибгина қабул қилинди ва ушбу маблағлардан «889,2 млн. АҚШ доллари Республикамиздаги Тижорат банкларида депозитларга, 20 млн. АҚШ доллари «Агробанк» АТБга субординар қарз сифатида, 89,9 млн. АҚШ доллари эса «Навоий кон-металлургия комбинатига бюджет ссудаси сифатида жойлаштирилди». Орадан бир ярим ой ўтибгина қарзни жойлаштириш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши албатта, қарзга олинган маблағнинг қийматини ошириши шубҳасиз. Бундан қарзни олишда ундан

фойдаланиш стратегияси олдиндан белгилаб олинмаганга ўхшаб кўринади ва шу боисдан юқоридаги хулосани чиқаришимизга сабаб бўлди.

Биламизки, қайсики қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорда ҳам ҳаракати (савдолари) ижобий бўлса, бу қимматли қоғозларнинг келажақда нархи тушиб кетмаслигига ва ушбу қимматли қоғозлар эмитентларининг келажақда бозорда янги инструментларининг ликвидлигини таъминлашда жуда муҳим хусусият бўлиб хизмат қилади.

Кенжаева Замира Эгамбердиевна

*Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 2-сонли касб-ҳунар мактаби
“Махсус фанлар” кафедраси ўқитувчиси*

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ СИФАТИДА

Аннотация. Ушбу мақолада инвестициялар тушунчаси ва унга илмий-амалий ёндашувлар таҳлили берилган. Шунингдек, тадқиқот объекти сифатида ривожланиш тенденциялари ҳамда иқтисодиёт ривожланишидаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар. Инвестиция, инвестиция фаолияти, асосий капитал, капитал қуйилмалар, инвестиция муҳити, инвестиция лойиҳаси, инвестицион фаоллик.

Ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили иқтисодиётга доимий равишда инвестициялар киритишни рағбатлантириб бориш мамлакат иқтисодий ривожланиши барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилади.

Шу сабабли республика иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг янги босқичида тармоқларга жалб этилаётган ички ва ташқи инвестиция ресурслари кўламини кенгайтириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инвестицияларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш ва такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ амалий характердаги муаммоларга кенг маънода эътибор қаратилмоқда. Лекин, назаримизда, инвестиция иқтисодий категориясининг ўзига хос тамойил ва хусусиятлари билан боғлиқ илмий-назарий ва услубий муаммоларини чуқур ўрганиш ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Тараққиёт стратегиясида иқтисодиётга миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали иқтисодиёт таркибий тузилмаларини ривожлантириш ҳамда иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш ҳозирги босқич ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этган. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб

чиқариш, транспорт-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 269,9 трлн. сўм инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 100,9 % ни ташкил этди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар асосий капиталга инвестициялар – янги асосий фондларни сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар мажмуини билдиради. Сўнгги 6 йилдаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, у деярли 4 мартага кўпайиб, ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Сўнгги йиллардаги уларнинг ўсиш суръатларини кўрадиган бўлсак, 2019 йилгача ўсиб боргани ва 138,1 % га етгани, 2020 йилда кескин тушгани – 95,6 % ҳамда ҳозирги давргача яна ўсиш тенденциясига эга бўлаётганини кўриш мумкин – 100,9 %.

Жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, 2021 йилга нисбатан 3,8 % пунктга камайиб, 15,4 % ни ёки 41,5 трлн. сўмни ташкил этди. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 228,4 трлн. сўм ёки жами инвестицияларнинг 84,6 % инвестициялари ўзлаштирилиб, 2021 йилга нисбатан 3,8 % пунктга кўпайди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг 59,1 % и ёки 159,6 трлн. сўми жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 40,9 % ёки 110,3 трлн. сўм молиялаштирилди.

Статистик таҳлилни ўтказиш мақсадларида асосий капиталга инвестициялар қуйидаги асосий кесимларда шаклланади: қўйилма турлари, технологик, такрор ишлаб чиқариш таркиблари, иқтисодий фаолият турлари, молиялаштириш манбалари бўйича.

2022 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан 15,2 трлн. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, 2021 йилга нисбатан 74,9 % ни ташкил этди. Уларнинг жами ҳажмидаги улуши эса 2,0 % пунктга камайиб, 5,6 % даражасида қайд этилди.

1. Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш;
2. Самарқанд вилоятида туристик марказ қуриш;

3. Сирдарё вилояти Гулистон, Ширин ва Янгиер шаҳарларининг канализация тизимини реконструкция қилиш ва ривожлантириш;
4. Технологик ускуналарни замонавийлаштириш ва алоқа тизимларини кенгайтириш;
5. Аму-Бухоро ирригация тизимини қайта тиклаш;
6. Тошкент вилояти ичимлик суви ва оқова сув тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш (Фаза-1);

Инвестиция фаолиятини эса, бизнингча, ҳар қандай иқтисодий тизимнинг барча тармоқ, соҳа ва жабҳаларининг ривожланишини таъминловчи, унга ижобий таъсир кўрсатувчи ресурслар ва омиллар иштирокидаги жараёнлар ва йўналишлар мажмуаси сифатида эътироф этиш илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослидир. Шунинг учун ҳам, рақамли иқтисодиёт шароитида инвестициялар ва инвестиция фаолиятининг алоҳида олинган ўзига хос хусусият ва белгилари бўйича уларнинг молиявий-иқтисодий мазмун ва моҳиятларини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

*PhD., доценти Қаршиев Отабек Абдуллаевич
ТДИУ, Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси*

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Иқтисодий ўсиш омиллари тизимининг миқдорий мезони самарадорлиги сифатида ЯИМ барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши майдонга чиқиши мумкин. Жаҳон ҳамжамиятидаги эгаллаб турган иқтисодий мавқеини сақлаш ва яхшилаш стратегиясида, жумладан “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси”да, турли ривожланиш сценарийлари ва халқаро рейтинг баҳоловчи агентликлар башоратларига кўра, мамлакатимизда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръатлари 6%дан 7-8%гача оширилиши лозимлиги таъкидланмоқда.

Давлат молияси пайдо бўлган вақтдан бошлаб ҳозиргача давлат фискал сиёсатининг мукамал тизими ва унинг самарадорлигини ошириш, яъни иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсат хусусида турли-туман тавсиялар, фикр-мулоҳазалар билдирилиши бежиз эмас.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги мавжуд бюджет-солиқ амалиёти, шунингдек республикамизнинг амалиётидаги давлат фискал сиёсати ижросини таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида, яъни 1996 йилга қадар бюджет сиёсатининг фискал босқичи амал қилди. Эътироф этиш жоизки, бюджет-солиқ тизимидаги ўзгариш анъаналаридан Ўзбекистонда бюджет даромадларини шакллантиришнинг ноинфляция босқичи, иқтисодиётда солиқ

юкининг пасайиб бориши ва юридик шахслар фаолиятини рағбатлантириш зарурлигининг ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Бироқ, илмий изланишлар натижаларидан кўринишича, юқоридаги ижобий ҳолатлар билан бирга бюджет даромадлари шаклланишида, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашда солиқларнинг рағбатлантирувчи (тартибга солувчи) функциясининг тадбиқ этилмаган имкониятлари ва шунга мувофиқ ўзининг ижобий ечимини кутиб турган масалалари ҳам кўп ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда давлатнинг фискал ва монетар сиёсати уйғунлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Келгусида Ўзбекистонда фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- инфляцияни пасайтириш ва барқарор нархларни таъминлаш бўйича Ҳукумат ва Марказий банкнинг биргаликдаги ҳаракатларини ишлаб чиқиш, Вазирликлар ўртасида доимий маълумотларни алмашиш ва макроиқтисодий сиёсат чора-тадбирларини биргаликда ишлаб чиқиш тизимини йўлга қўйиш;

- Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида фискал чекловларни белгилаш, шу жумладан: Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан тўпланган маблағларни хомашё нархлари тебранишининг бюджетга таъсирини юмшатиш мақсадида ишлатиш бўйича тасдиқланган қоидаларни жорий этиш ҳамда жамғарманинг бюджет доирасидан ташқари харажатларидан воз кечиш;

- солиқ-бюджет сиёсати ва бюджет амалиётлари тўлиқ бозор механизмларидан келиб чиқиб амалга ошириш, бунда Ҳукуматнинг ижтимоий соҳаларга харажатларини солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобидан, иқтисодиётга қилинадиган харажатларни эса молия бозорларидан жалб қилинган узоқ муддатли ресурслар ҳисобидан амалга ошириш;

- бюджет даромадлари ва харажатларининг ташқи омилларга боғлиқлик даражасини пасайтириш, бунда давлат бюджетини шакллантиришда мавсумий ва даврий омилларни ҳисобга олиш;

- бюджет операцияларининг банк тизими ликвидлилик даражасига таъсирини камайтириш, шу жумладан: давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли банк кредитлари ажратиш амалиётини тубдан такомиллаштириш ва кредит фоизини қисман қоплаб бериш имтиёзини иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига бериш амалиётини жорий этиш;

- ўрта муддатли истикболда рақобатни чекловчи тартибга солувчи қоидаларни бекор қилиш мақсадида энергетика, нефть-газ саноати, кимё

саноати, ҳаво йўллари, темир йўллари, донни қайта ишлаш ва пахта саноати каби соҳалардаги давлат корхоналарини ислоҳ қилиш;

- иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар даврида импорт ҳажмининг кескин ошиши сингари таркибий номуаносибликнинг сақланиб қолиши тўлов баланси ҳолати ёмонлашуви ҳамда инфляция ва девальвация босимнинг ошишига олиб келмаслиги учун пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатини амалга оширишда маълум тузатишлар киритиб бориш.

Жаҳон бюджет-солиқ амалиётининг бой ижобий тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга ошириш йўллари самарали ташкил этишнинг "солиқларни оптималлаштириш ва рискларни минималлаштиришга асосланган фискал девальвация сиёсати" моделини қўллаш мумкин. Шу жиҳатдан, мамлакатимизда 2019 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи инструменти таянувчи солиқли даромадлар базасининг фискал девальвацияси амалиёти бошланганини, айнан ушбу заруриятдан деб изоҳлаш мумкин.

Фискал девальвация сиёсати асосини ташкил этувчи давлат фискал базасининг ҚҚС дан тушумларга кўпроқ таяниши шу билан бир вақтда мазкур тадбирнинг солиқ юкига, ҚҚС маъмуриятчилигига, иқтисодий ўсиш имкониятларига салбий таъсирни камайтиришнинг қатъий самарали тезкор чораларини ҳам кўришни талаб этди. Шу жиҳатдан, ҚҚС маъмуриятчилиги амалиётида солиқ тўловчилар учун маълум енгилликларни қўллаш лозимлиги ҳаётий зарурат ҳисобланади.

*Норова Нозима Набиевна
TIFT Университети катта ўқитувчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАТИНИ МАСОФАВИЙ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ахборот асри, дея талқин қилинган XXI асрда ахборот оқимининг шиддат билан ошиши, интернет ва ахборот технологияларнинг геометрик прогрессияда ривожланиши – турли хизматлар ва технологиялар рақамлаштириш ва ўзаро алоқаларни "online" режимида ташкил этишнинг объектив зарурлиги, бугунги куннинг муқаррар жараёни эканлигини кўрсатиб беради. [1]. Айнан шу боис банклар ахборот технологияларининг ривожланиш эволюцияси билан бирга ҳаракат қилмоғи лозим. Хусусан, иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида, биринчилардан бўлиб мамлакат иқтисодиётининг асосий бўғинларидан бири бўлган банк тизимини рақамлаштириш, уларни замон талабига мос равишда трансформация қилиш жараёнларининг тезлашишига олиб келди.

Мамлакатда охириги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, тижорат банклари хизмат турларининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Президент Ш.Мирзиёевнинг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (Фармон, 2018), [2] “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (Қарор, 2018), [3] “2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинганлиги ҳамда 2030 йилга қадар “Рақамли Ўзбекистон” концепциясини ишлаб чиқиш белгиланганлиги (Мирзиёев, 2019) бу борада банк тизими олдида қатор вазибаларни бажаришни келтириб чиқаради [4,5].

Юқоридаги концептуал ғоялардан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақола мавзусининг долзарб эканлигини асослаш мумкин.

Бугунги кунда талаб ошиб бораётган оммабоп банк хизматларидан масофадан туриб фойдаланишнинг осон ва қулай ечими бу “Digital banking” рақамли банкинг регулятор тизими хизматлари ҳисобланади. Бу хизмат турларидан, нафақат, жисмоний шахслар учун балки тадбиркорлик субъектлари ўз ҳисоб-китобларини куну-тун амалга ошириш имкониятига эга бўлишади ҳамда банк муассасасига бориб келишларидаги ортиқча вақт ва харажатларни тежаш имконини ҳам бериши билан алоҳида эътиборга моликдир.

Ҳозирги вақтда, масофадан хизмат кўрсатиш тизими миждозларга тақдим этилаётган хизматларнинг икки турга бўлиб ўрганиш мумкин улар

- пластик карта орқали;
- тижорат банклари орқали.

Биз учинчи хизмат турини тақлиф қиламиз, ушбу хизмат тури:

- жисмоний шахслар, ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун барча тўлов ва хизматларни ўз ичига олган, туну-кун (24/7) онлайн хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган экотизимдир. Ушбу тизимнинг афзалликлари хўжалик юритувчи субъектлар (юридик миждозлар)нинг 24/7 онлайн хизмат кўрсатишдан иборат. Бугунги кунда мамлакатимиз банк хизмат турларида фақатгина куннинг очик қисмида яъни, иш кунининг соат 9:00 дан иш кунинг тугаш қисми соат 16:00 га қадар хизмат кўрсатилади. Бизнинг тақлиф қилаётган хизмат туримиз куннинг исталган вақтида ва дам олиш кунисиз хизмат кўрсатишдир.

“Digital bank” рақамли банкинг тизимини ишлаш тартиби юқорида келтириб ўтилгандек, миждозлари ўзларининг ҳисоб рақамларини ЭЦР калитлари орқали, интернет тармоғи мавжуд бўлган дунёнинг исталган жойидан ва исталган вақтларида фойдаланишлари билан бир қаторда, ушбу тизимда солиқ органлари ва “my.gov.uz” дан ҳамма керакли маълумотларни

олинади ва тизимга сақлаб қўйиш имконияти мавжуд. Тизим Оферта билан танишиб чиқади ва тасдиқлайди.

1-жадвал

Тижорат банкларида “Digital bank” масофавий хизмат турлари орқали кўрсатиладиган хизматлар

№	Амалга ошириладиган функциялар
1	Тижорат банклар билан интеграцияни амалга ошириш (NCI билан интеграция)
2	Банк ўтказмаларини қабул қилиш ва жўнатиш
3	Давлат божи ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш
4	Бюджет тўловларини тўлаш
5	Тизим орқали тижорат банкларида асосий ва иккиламчи ҳисоб-рақамларини очиш
6	Онлайн конвертация
7	Онлайн депозит – Онлайн депозитларга маблағларни жойлаштириш
8	Кўчмас мулкларни онлайн баҳолаш
9	Онлайн кредит – аризаларни қабул қилиш ва онлайн тарзда кредитларни тўлаш
10	Онлайн – суғурта полисларини рўйхатдан ўтказиш
11	Тадбиркорлик субъект шахсий кабинетларига исталган жойда ва исталган вақтда солиқ органлари томонидан берилган ЭЦП (калит) орқали кириш
12	Тадбиркорлик субъектлари учун солиқ ва божхона хизматларидан фойдаланиш
13	Тадбиркорлик субъектлари учун очик замонавий электрон савдо платформаларидан фойдаланиш ва тўловларни амалга ошириш
14	SWIFT транзакциялари билан ишлаш
15	Market Place аукционларида иштирок этиш
16	Корпоратив банк пластик карталарига буюрмалар бериш
17	Электрон ҳисоб-фактура операцияларни амалга ошириш
18	Солиқ органлари ҳисоботларини онлайн топшириш
19	Божхона хизматларидан онлайн фойдаланиш ва тўловларини онлайн амалга ошириш
20	24/7 техник ёрдам ва марказлаштирилган алоқа маркази
21	Онлайн маслаҳатчи хизмати

Манба: Муаллиф томонидан шакллантирилди.

Экотизимнинг афзалликларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, улар миждозларнинг ҳисоб-рақамларини ЭЦР (солиқ органлари томонидан берилган электрон калит) калитлари орқали интернет тармоғи мавжуд бўлган дунёнинг исталган жойидан ва исталган вақтларида фойдаланишлари мумкин. Тизим махсус кросс-платформ “Javascript” дастури орқали ишлаб чиқилган бўлиб, у барча браузерлар, жумладан: Internet Explorer, Edge, Chrome, Mozilla, Opera, Safari орқали фойдаланиш имкониятига эга, қўшимча дастурларни, хусусан, e-imzo, ActiveX ва бошқа программаларни ўрнатиш талаб этилмайди.

Фикримизча, тижорат банкларида “Digital bank” масофавий банк хизматларини кўрсатишда ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш ва бу борада халқаро тажрибаларни ўрганиш орқали ахборот ҳавфсизлигини таъминлашнинг янги инновацион шаклларини қўллаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларида “Digital bank” масофавий хизмат турини жорий қилиниши орқали, миждозлари олдида турган ортиқча қоғозбозлик, навбатларда туриб, ортиқча вақт сарфлаш ва банк хизмат кўрсатиш соҳасидаги коррупцияга бархам беришга олиб келади ҳамда бунинг натижасида уларнинг фаолиятларини янада яхшилашга эришишимиз мумкин деб ҳисоблаймиз.

Олимжанова Нигора Алишеровна
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
мустақил изланувчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИДАГИ ДАВЛАТ УЛУШИНИ РОЛИ УНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Халқаро молия-кредит муносабатлари ва дунё иқтисодиётининг глобаллашуви, шунингдек халқаро ва маҳаллий доирада банклар ўртасида рақобатнинг кескинлашуви уларнинг капиталлашув даражасини оширишнинг долзарб масалаларини юзага чиқармоқда. Чунки, капитал банклар фаолиятида кутилмаганда вужудга келиши мумкин бўлган зарарлардан ҳимоя қилиш ва актив операциялари бўйича тегишли меъёрларни аниқлашда асосий молиявий манба ҳисобланади. Халқаро амалиётда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан сўнг бу масалага жиддий эътибор берилишига қарамасдан қатор муаммоли ҳолатлар юз бермоқда. Хусусан, “Халқаро Базел қўмитаси 2020 йилда капиталнинг консервацион буферини 1,8 фоиздан 2,5 фоизга, асосий капиталга бўлган талабни 6,3 фоиздан 7,0 фоизга, умумий капиталга бўлган талабни эса 9,8 фоиздан 10,5 фоизга оширганлиги”, бундан ташқари банклар томонидан операцион риск талабларини бузганлиги учун қўлланилган жарималар 58 млрд. евро ва 65 млрд. еврадан ошганлиги, бу масаланинг яна ҳам жиддийлигидан далолат беради.

Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилаётган самарали иқтисодий ислохотлар жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992 сонли Фармонида – Молиявий секторни изчил ислох қилиш давомида қатор чоратадбирлар амалга оширилиши, илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур шароитлар яратилиши белгиланган. Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги,

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги янгиланган қонунлари қабул қилинди. Тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш, хусусан, банкларнинг капиталини барқарор манбалар ҳисобидан ошириш, бунда даромаднинг ролини ошириш, банклар капитали таркибида давлат улушини камайтириш, банкларнинг акцияларини аҳоли ва юридик ташкилотларга сотиш механизмини жорий этиш ва шаффофлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бунда тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш бўйича мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ечимини топиш муҳим масалаларидан бири этиб белгиланган.

Капитал етарлилигини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган мазкур услуб капитал суммаси билан банк актив операцияларининг рисклилиги ўртасида ўрнатилган боғлиқликка асосланади. Ушбу боғлиқлик ўз капиталини рискка тортилган активларнинг жами миқдорига ёки потенциал кредитлар, инвестициялар ҳамда бошқа қўйилмалар бўйича йўқотишларнинг жами миқдорига нисбати билан аниқланади. Ушбу стандартда капитал сифат жиҳатидан иккита йирик қисмга ажратилган ва уларнинг ҳар бирига нисбатан етарлилик даражаси аниқланган. Базель стандарти бўйича тижорат банклари капиталининг етарлилиги аниқланаётганда уларнинг активлари риск даражасига кўра ўзаро фарқланади. Шунингдек, ушбу стандарт тижорат банкларининг баланسدан ташқари активларининг риск даражасини ҳам ҳисобга олган ҳолда капитал етарлилигини таъминлашни назарда тутди.

1-жадвал маълумотлари орқали умумий капитали етарлилиги таҳлили 2021-2022 йиллар оралиғида бу кўрсаткич Базель талабларидан 2-3 баробар юқори бўлган. 2021 йилда 15,6 фоиз бўлган бўлса, 2022 йилда 23,5% ни ташкил этган. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, республикамиз тижорат банкларида капитал етарлиликка қўйилган талаблар юқори даражада таъминланган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капитал етарлилиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	2021 й.		2022 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
I даражали капитал	22 146,3	91,4	43 659,2	83,2
Асосий капитал	22 060,6	91,0	43 621,6	83,1
Қўшимча капитал	85,6	0,4	37,6	0,1
II даражали капитал	2 084,9	8,6	8 807,5	16,8
Жами регулятив капитал	24 231,1	100,0	52 466,8	100,0
Капитал етарлилиги кўрсаткичи, фоизда	15,6		23,5	
I даражали капитал етарлилиги кўрсаткичи, фоизда	14,3		19,6	

Манба: www.cbu.uz- расмий сайт маълумотлари.

Тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш бўйича кўрилган чорат-тадбирлар натижасида 2022 йил якунлари бўйича банк тизимининг умумий капитали олдинги йилдагига нисбатан 20,2 фоизга ошиб, қарийб 9,4 трлн. сўмни ва капиталнинг етарлилик даражаси кўрсаткичи умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан деярли 3 баробардан зиёдни ташкил қилди.

Шуниси аҳамиятга молиқки, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ва унинг халқаро банк тизимига салбий таъсири, банк фаолиятини тартибга солишдаги мавжуд нуқсон ва камчиликлар, умуман олганда, инқироз сабоқларидан келиб чиқиб, банкларда ликвидлиқни тартибга солишга нисбатан талабларни кучайтириш халқаро банк ҳамжамияти томонидан устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Хусусан, Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг “Базель-3” дея аталмиш янги талабларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган “Ликвидлиқ рискинни ўлчаш, стандартлар ва мониторинг бўйича халқаро ёндашувлар” номли ҳужжатда тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишни тубдан ислоҳ қилиш бўйича янги ёндашувлар берилган.

Мазкур мақолада тижорат банклари капиталида давлат улушини камайтириш бўйича олиб борган таҳлиллар ва келинган хулосалар натижасида кўйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банклари капитали нафақат улар учун “ҳимоя воситаси” балки узок муддатли инвестицияларни амалга ошириш манбааси сифатида хизмат қилмоқда. Чунки банк капитали банклар учун нафақат фаолиятни ташкил этиш асоси, уни ривожлантириш, фаолиятини кенгайтириш манбааси бўлиб қолмоқда. Шу боис банкларнинг капиталлашув даражасини барқарор манбалар сифатидан доимий равишда ошириб бориш лозим.

2. Банкларнинг капиталлашуви жараёнларида улар фаолиятининг даромадлилиги асос бўлиб ҳисобланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банк капитали таркибининг 57 фоизи ортиғи тўғридан –тўғри банк фаолиятдан олинган даромадлардан ташкил топади, қолган 43 фоизини ташкил этувчи элементлар акциядорларнинг пул маблағлари ҳисобидан шакллантирилади. Бу ўз ўзидан банкларнинг даромадлари таркибида фоизли даромадлари улушини юқори даражасини таъминлаш зарурлигини аниқлатади.

3. Мамлакатимиз тижорат банклари капитали таркибида субординациялашган қарз мажбуриятлари ва консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қўйилмаларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда эмиссион даромад улушининг жуда паст даражадалиги кузатилди. Бунинг учун тижорат банклари акциялари бозор баҳосини ошириш ҳисобига қўшимча капитал ҳажмини ошириш зарур.

Саипназаров Шербек Шайлаббекович
Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси доценти

Султанмуратова Дилрабо Шайлаббековна

TIFT университети катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН ФОНД БОЗОРИДА IPO АМАЛИЁТИ ВА МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бугунги кунда глобал, минтақавий ва миллий иқтисодиётда молиявий инструментлар бозорини ривожлантиришнинг асосий суръатларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорига мос келадиган деривативларни амалиётга киритиш масалалари долзарблигича қолади.

Қимматли қоғозлар бозорида савдо амалиётларини олиб боришга талаб доим юқори бўлиши лозим ва қимматли қоғозларнинг қийматини баҳолаш ва бозорда уларга институционал сармоядорларнинг бўлган қизиқишини баҳолашнинг энг кенг тарқалган усулларида бири фундаментал таҳлил ҳисобланади.

Ушбу усул қимматли қоғознинг кучли ва заиф томонларни аниқлашга асосланган бўлиб, акция ва облигацияларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш учун ҳар хил бошқарув даражасида молиявий-иқтисодий фаолиятнинг турли кўрсаткичларини тўлиқ таҳлил қилишни назарда тутади.

Бугунги кунда Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг жорий ҳолатини инобатга олган ҳолда, шунини таъкидлаш лозимки, фундаментал таҳлил усуллари миллий фонд биржа фаолиятига мослаштириш ва бу жараёнда юзага келадиган муаммолар юзасидан тегишли илмий тадқиқотлар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Ривожланаётган фонд биржаларига молиявий воситаларни жалб этиш учун унда савдо қилаётган корхона ва ташкилотларнинг акциялари билан таништириш лозим. Буни амалга оширишда IPO амалиёти, яъни акцияларнинг бирламчи жойлаштирилиши ўз ҳиссасини кўшиши мумкин.

Ушбу амалиёт сармоядорлар учун номаълум бўлган корхоналарнинг акциялари ҳақида маълумот беради ва шу тариқа ўзига жалб этади. Акциялар фонд бозорларидан бирида очиқ савдо қила бошлайди, компания акцияларни сотишдан молиявий ресурсларнинг ҳаракатини таъминлайди. Бундан ташқари, IPO амалиёти орқали компаниянинг капитализация даражасини оширишига ва молиявий жиҳатдан юқори даражага кўтарилишига хизмат қилади.

Акциялар савдоси ҳажмига кўра энг йирик фонд биржалари Нью-Йоркда жойлашган NYSE ва NASDAQ ҳисобланади. Шимолий Америка

қимматли қоғозлар бозори амалиётлар сони ва ҳажми бўйича етакчилик қилиб келмоқда. Иккинчи ўринни Осиё фонд бозорлари эгаллаб келмоқда, унда Гонконг, Шанхай, Токио ва Осака шаҳарлари асосий қимматли қоғозлар билан савдо амалга оширувчи марказлари ҳисобланади.

Агар компания ўз акцияларини фонд биржасига чиқаришни қарор қилса, унда андеррайтинг хизматидан фойдаланиш лозим. Андеррайтерлар қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ва потенциал сармоядорлар ўртасида воситачи фирма ҳисобланади. Америка Қўшма Штатларида йирик инвестицион банклар ва брокерлик компаниялари суғурта қилувчи томон сифатида фаолият олиб борадилар. Улар акция ёки облигация учун бирламчи нархни белгилаб оладилар, IPO бўйича харид қилишга тайёр сармоядорларни жалб қиладилар ва эмиссия компаниясидан ўз хизматлари учун маълум миқдорда тўлов (премия) оладилар, премия миқдори, одатда, жойлаштирилув нархининг 7 фоизини ташкил этади.

Андеррайтерлар фақатгина премия ҳисобидан даромад олишмайди. Уларнинг асосий даромади акцияларнинг дастлабки баҳоси ва кейинроқ фонд биржасидаги бозор нархи ўртасидаги фарқидан шаклланади. Анъанавий IPO шартларига кўра андеррайтинг фирмаси IPO амалиётини ўтказмоқчи бўлган компаниянинг тўлиқ молиявий таҳлилини олиб боради ва унинг асосида дастлабки таклиф нархини ва ўз акцияларини сотиб олиш бўйича таклифларни белгилайди. Бу улар учун фойдалидир, чунки фонд биржасида савдонинг бошланиши (биринчи соатларда ва кунларда) баҳонинг нархи одатда ўсишни кўрсатади, бу эса биринчи харидор ва суғурта компаниясининг акцияларни сотиш учун яхши пул ишлашига имкон беради.

АҚШда йирик компанияларидан бири Twitter нинг IPO амалиётига қараб чиқсак, компаниянинг IPO қилгунига қадар жалб қилган сармоя капитали 475 миллион дона акциядан иборат эди, шулардан 25% Twitter асосчилари ва директорларига тегишли. Компания умумий капиталининг 13% ташкил этувчи 70 млн. дона акциясини сотиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

IPO амалиётидан 1 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб қилиш мақсади қўйилган эди. 2013 йил 13-сентябрь куни Twitter Нью-Йорк фонд биржасида (NYSE) ўз акцияларининг бирламчи жойлаштирилуви учун мурожаат қилди. Инвестицион банклар Goldman Sachs, Morgan Stanley ва Morgan Chase ушбу амалиётларни суғурталовчи томон сифатида иштирок этишди. Натижада 17-20 АҚШ долларига тенг нархда дастлабки жойлаштирилув белгиланди, аҳолининг қизиқиши ортиши туфайли акциялар 23-25 АҚШ долларидан сотилди. Ушбу IPO амалиёти муваффақиятли деб баҳоланди, чунки сармоядорлар юқори даромад олишди. Андеррайтерларнинг премияси 3,25% ни ташкил қилди ва 59,2 млн. АҚШ доллари миқдорида фойда


кўришди. Бундан ташқари улар 10,5 млн. дона акция сотиб олишга ҳуқуқлари бор эди. Умумий миқдорда ушбу IPO амалиётидан 200 млн. АҚШ долларига эга бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 май санасидаги Қарорига биноан 2017 йил 5 декабрдан 2018 йил 3 апрелга қадар “Кварц” (Фарғона вилояти Қувасой шаҳрида жойлашган) акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга рухсат берилди. Ушбу амалиёт Ўзбекистон тарихида илк IPO амалиёти деб юритилди. Ушбу корхона фаолияти шиша, шиша маҳсулотлари, автомобиль саноати учун ойналар, шиша идишлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Корхонанинг ҳар бир оддий акцияси учун номинал қийматга нисбатан 2014 йил учун 31%, 2015 йил учун 34% ва 2016 йил учун 68% миқдорида дивиденд тўланиши кенг оммага эълон қилинди.

Натижада 2017 йил 5 декабрдан бошлаб «Тошкент» РФБ савдо майдончасида АЖ “Кварц”нинг 4 574 934 дона оддий акциялари сотувга кўйилди. Ушбу жараён 2017 йил 2 октябрь санаси билан №Р0413-8 расмийлаштирилди. Акциянинг номинал нархи 1715 сўм қилиб белгиланди. Акцияларнинг умумий номинал қиймати бўйича 7 846 011 810 сўмни ташкил қилди.

Акцияларнинг жойлаштирилуви андеррайтер орқали амалга оширилади. Андеррайтер сифатида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки иштирок этди (IPO амалиёти ташкилотчиси).

Инвестицион воситачи сифатида эса «Тошкент» РФБ листингида турувчи МЧЖ «Dalal standard» қатнашди. 24.03.2018 йил ҳолатига кўра, «Тошкент» РФБ га 652 211 дона акция сотиб олиш учун 1747 та сўровнома тушди ва 3,42 млрд. сўм миқдордаги сармоя депонентга кўйилди. IPO амалиёти шартларига кўра, сармоядор умумий акциялар сонининг 0,05% ни харид қилиши мумкин. Бу эса 2287 та акцияни ташкил этади. Ҳар бир акциянинг нархи 2300 сўмдан 9100 сўмгача бўлган ораликда тебранди. Натижада акцияларнинг 54%и 7,5 млрд. сўм миқдорда сотилди. IPO амалиётида қатнашган сармоядорлар юқори фойда олишди, лекин 46% акциялар сотилмай қолди. Қолган акцияларни андеррайтер қайта сотиб олиши керак эди, аммо Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки бундан бош тортди.



Расм 1. Илк бор ўтказилган IPO амалиётининг АЖ «Кварц» акциялари нархига таъсири (2018 йил)

Илк мартаба ўтказилган IPO амалиёти ўзига хос ютуқ ва камчиликларга эга бўлди. Ютуғига АЖ «Кварц» акциялари савдоси ҳақида кенг оммага маълумот берилиши, сармоядорлар 60% гача фойда кўриши, фонд бозори иштирокчиларининг жалб этилишини киритсак, камчилик сифатида акцияларнинг катта қисми сотилмай қолишини, IPO амалиёти ҳақида кенг миқёсда тарғибот ишлари олиб борилмаганини ва ҳуқуқий жиҳатдан тушунтириш ишлари олиб борилмаганини ва Road Show лар қилинмаганлигини таъкидлашимиз мумкин.

*Мустафоев Акбар Мустафо ўгли
Тошкент давлат Иқтисодиёт Университети
“Молиявий таҳлил ва Аудит “ кафедраси
ўқитувчиси*

*Рахимов Нодир Тоирович
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
Магистранти*

ИННОВАЦИЯЛАРНИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ОРҚАЛИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолда Мамлакатимизда олиб борилаётган инновацион фаолият учун солиқ имтиёрларини қўллаш бўйича олиб боирлаётган чора тадбирлар ҳақида сўз юритилади. Шу боисдан, мамлакатда самарали солиқ тизимини жорий этиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Калим сўзлар: солиқ имтиёзлари, инновация, инновацион *audit*, инновацион тундаги иқтисодиёт.

Abstract. *This article talks about measures to apply tax incentives for innovative activities in our country. Therefore, the introduction of an effective tax system in the country is one of the most important issues.*

Keywords : *tax relief, innovations, innovative audit, innovative economy*

Аннотация. В данной статье говорится о мерах по применению налогового стимулирования инновационной деятельности в нашей стране. Поэтому внедрение эффективной налоговой системы в стране является одним из важнейших вопросов.

Ключевые слова: *налоговая льгота, инновации, инновационный аудит, экономика инновационного типа.*

Янгиланаётган Ўзбекистонда барча жабҳаларда янгилик, изланиш ва янги фикрлар ва замон талабларига мос равишда фаолият олиб бориш энг мухим масаладир.

Зеро, Муҳтарам Президентимиз таъкидланганларидек, “Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”. Инновация - илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларнинг натижасида жамият эҳтиёжлари ва ёки бошқа ижобий таъсир учун яратилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот (товар, иш, хизмат ва бошқалар), ишлаб чиқариш жараёни, янги маркетинг усули, янги иш ўринлари ёки ташқи алоқалар ҳисобланади. Бунда - давлат ва жамият ҳаётидаги мавжуд барча соҳаларни тубдан ислоҳ этиш, янгилашга қаратилган фаолиятни олиб бориб, натижада илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бу жараёнга ёшлар иштирокини кенг жалб этган ҳолда, янгидан-янги ижодий изланишлар, турли ишланмалар ишлаб чиқиш фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш асосий вазифа ҳисобланади. Мамлакатимизда инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида ишлаб чиқилиб, Интерактив давлат хизматлари ягона порталида муҳокамага қўйилган Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳар томонлама, атрофлича ўрганилиб, кенг жамоатчилик таклифлари асосида такомиллаштирилиб, бугунги кунда мазкур соҳа фаолиятини тартибга солувчи қонун нормаси ишлаб чиқилди.

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларининг роли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб еълон қилиниши, ҳамда мазкур йилга бағишланган алоҳида

дастурнинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантириш йўлида катта ишлар бошланди.

Хорижнинг илғор ва иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганадиган бўлсак, улар тараққиётининг асоси инновацион фаолиятга, тадқиқот ва ишланмалар (Ресерч анд Девелопмент) билан шуғулланиш ва уларни тижоратлаштиришни рағбатлантиришга алоҳида ётибор берилганида еканлигини кўришимиз мумкин. Давлат томонидан инновацион фаолиятни рағбатлантириш бевосита молиявий кўмак бериш ва солиқ имтиёзлари шаклида еканини кўришимиз мумкин. Олимларнинг фикрларига кўра, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашда солиқ преференсиялари ва имтиёзлари орқали рағбатлантиришнинг аҳамияти бевосита молиялаштиришдан кўра муҳимроқ. Негаки, мазкур рағбатлантириш узок муддатли характерга ега бўлади, ҳамда улар нафақат инновацион секторни, балки бошқа ишлаб чиқаришларни интенсив ривожланиши учун шарт-шароит яратади ва бутун миллий иқтисодиётни ўсишини таъминлайди.

Инновацион фаолиятни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантиришни Хитой Халқ Республикаси тажрибасида кўрадиган бўлсак, амалдаги қонунчилик инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналар учун солиқ солинадиган даромадга нисбатан турли чегирмалар тақдим етади. Бунда мамлакат инновацион фаолият олиб бораётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида, юқори ва янги технологияли корхоналар (Хигх анд Нев Течнологй Ентерприсес (ХНТЕ)) дастурини амалга оширмоқда. Илмий-тадқиқот ва ишланмалар бўйича қонунда белгиланган преференсияларга ега бўлиш учун, корхона юқори ва янги технологияли мақомига ега бўлиши керак. ХХР “Корхоналардан олинадиган фойда солиғи тўғрисида”ги қонуни (Сорпорате Инсоме Тах Лав оф Чина) 28-моддасига асосан, юқори ва янги технологияли корхоналарга фойда солиғи қонунчиликда белгиланган ставкадан 15% кам миқдорда белгиланади.

Инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришда Япония давлати катта тажрибага ега бўлиб, мазкур фаолиятга 1952 йилдан ётибор бериб келинган. Японияда асосан, илмий жиҳозларга тезлаштирилган амортизациялаш тизими, чет ел технологияларини харид қилиш учун махсус имтиёзлар, илмий-тадқиқот харажатлари учун махсус чегирмалар кўринишида тақдим етилган. Илмий-тадқиқот ва инновацияларга бўлган махсус ётибор туфайли, Япония бугунга келиб дунёнинг саноати ривожланган давлатларидан бирига айланган. Япониянинг Глобал инновация индексида 14-ўринни егаллаши ҳам бежизга емас.

МДХ давлатларидан Беларус Республикасида инновацион фаолиятга алоҳида ётибор бериб келинмоқда. Бу мамлакатда инновацион фаолият

субъъектлари учун турли солиқ имтиёзлари белгиланган. Масалан, инновацион товарлар ва юқори технологияли товарлар реализациясидан олинган фойда юридик шахслар учун олинадиган фойда солиғидан озод этилган. Шунингдек, ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, интеграл микросхемалари топологияси, ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хау) бўлган мулквий ҳуқуқлар реализацияси бўйича айланмалар қўшилган қиймат солиғидан (ҚҚС) озод қилинган.

Ўзбекистон Республикасида фан-техника тараққиётини ривожлантириш, ҳамда инновацияларнинг ривожланиши учун мазкур инновацион фаолият субъектларини солиқлар орқали қўллаб-қувватлашни кучайтириш муҳим аҳмият касб этади. Амалдаги солиқ қонунчилигида инновацион фаолиятни солиқ имтиёзлари орқали ривожлантиришга қаратилган қўп қоидалар мавжуд эмас. Фақатгина Солиқ кодексининг 208-моддасида бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишларини реализация қилиш оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши белгиланган. Яъни бюджет ташкилотлари ҳисобланувчи илмий текшириш муассасалари ёки бюджет маблағлари олувчилар томонидан бажарилган инновация ишларигина ҚҚСдан озод қилиниши мумкин.

Юқоридаги имтиёзни нодавлат ташкилотлари ёки хусусий маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган илмий тадқиқот ва инновация ишлари учун ҳам татбиқ этиш зарур ҳисобланади. Мазкур ўзгартиришни киритиш мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай ташкилотлар томонидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишларини реализация қилиш билан боғлиқ оборотни ҚҚСдан озод қилинишига олиб келади ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига қўшимча рағбат бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида ҳам корхоналарнинг илмий тадқиқотни амалга ошириш ва янги технологиялар, янги маҳсулотлар ва янги техникалар яратиш билан боғлиқ амалга оширган харажатларини солиқ солинадиган даромаддан чегириш бўйича қоида киритилса, тадбиркорлик субъектлари мазкур фаолиятни юритиш бўйича ҳар қандай харажатларни чўчимасдан амалга оширган бўлар едилар.

Яна бир ҳолатга еътибор бериш зарурки, энергия тежамкорлиги ҳамда сув истеъмолини фойдаланишда тежамкор технологияларни ўз фаолиятида қўллаб келаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам мавжуд. Амалдаги солиқ қонунчилигида фақатгина томчилатиб суғоришдан фойдаланаётган ягона йер солиғи тўловчилари учун томчилатиб суғориш технологиялари қўлланилаётган йер участкалари мазкур суғориш

тизими жорий қилинган ойдан бошлаб 5 йил муддатган ягона йер солиғидан озод қилиш белгиланган холос. Ҳаммага маълумки, мазкур технологиялар нархи баланд бўлади ва ҳар қандай фермер хўжалиги ҳам уларни чет елдан олиб кириб татбиқ қилиш имкониятига ега емас. Шунинг учун солиқ қонунчилигида томчилатиб суғориш ёки бошқа сув тежамлилигини таъминлайдиган технологиялар импортини ҳам божхона тўловларидан озод қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Давлат томонидан инновацион фаолиятни солиқ преференциялари ва имтиёзлари орқали рағбатлантиришни янада кучайтириш лозим. Солиқ имтиёзлари орқали инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш мамлакатдаги инновацион муҳит учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Инновацияларни солиқ имтиёзлари ва бошқа рағбатлантириш воситалари орқали қўллаб-қувватлаш мамлакатни технологик ва ишлаб чиқариши ривожланган давлатга айлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Shamusarov S.

TDIU mustaqil tadqiqotchisi

SUVEREN KREDIT REYTINGLARINI BAHOLASHNING O‘ZIGA XOS JIHATLARI

Iqtisodiy o‘shish jarayonini jadallashtirish uchun jahon iqtisodiyoti, ayniqsa, rivojlanayotgan mamlakatlar katta miqdordagi tashqi moliyalashtirishga muhtoj ekan, kredit reyting agentliklari va ularning kredit reytingi metodologiyalarini holisona tahlil qilish juda muhimdir. Suveren kredit reytinglari uchun qo‘llaniladigan baholash metodologiyasi, milliy kredit reytingni tashkil qilish va rivojlantirish istiqbollari bir maromda olib borishda kredit reyting agentliklari tomonidan bir qancha metodlar keng qo‘llanilishiga qaramasdan zaif tomonlardan xoli emas.

Suveren kredit reytinglarini baholashda qarz ko‘rsatkichlariga e‘tibor berish juda muhim ahamiyatga ega. Suveren qarz ko‘rsatkichlari mamlakatning fiskal salomatligi va uning qarz majburiyatlarini boshqarish qobiliyati haqida qimmatli tushunchalarni beradi. Kredit reyting agentliklari mamlakatning kreditga layoqatligini aniqlash uchun o‘z baholash jarayonida qarz bilan bog‘liq bir qator ko‘rsatkichlarni hisobga oladi. Yaqindan kuzatib boriladigan ba‘zi muhim qarz ko‘rsatkichlari quyidagilardan iborat:

1. Qarzning YaIMga nisbati: Qarzning YaIMga nisbati mamlakatning umumiy qarzini yalpi ichki mahsulotga (YaIM) solishtiradi. Qarzning yalpi ichki mahsulotga nisbatan yuqori nisbati mamlakatning iqtisodiy mahsulotiga nisbatan qarz yuki nisbatan katta ekanligini ko‘rsatadi. Bu mamlakatning qarzga xizmat ko‘rsatish qobiliyatiga oid xavotirlarni keltirib chiqarishi va uning kredit reytingiga salbiy ta‘sir ko‘rsatishi mumkin.

2.Byudjet taqchilligi va profitsiti: Fiskal taqchillik mamlakatning davlat xarajatlari va uning daromadlari o'rtasidagi tafovutni ifodalaydi. Doimiy va katta fiskal taqchillik qarz darajasining oshishiga yordam berishi mumkin. Aksincha, fiskal profitsit mamlakatning sarflaganidan ko'ra ko'proq daromad olishini anglatadi, bu esa vaqt o'tishi bilan qarz darajasini pasaytirishga yordam beradi.

3.Foiz to'lovlari daromadlar ulushi sifatida: Bu ko'rsatkich mamlakat daromadlarining uning qarz foizlari to'lovlariga xizmat ko'rsatishga ketadigan ulushini o'lchaydi. Yuqori ko'rsatkichlar hukumat daromadlarining muhim qismi qarzlarga xizmat ko'rsatishga bag'ishlanganligini ko'rsatishi mumkin, bu esa uning moliyaviy holatini keskinlashtirishi mumkin.

4.Chet el valyutasidagi qarzga duchor bo'lish: Qarzlarning muhim qismi xorijiy valyutada bo'lgan mamlakatlar, ayniqsa, agar o'z valyutalari ushbu xorijiy valyutalarga nisbatan qadrsizlansa, yuqori xavflarga duch kelishi mumkin. Bu qarzga xizmat ko'rsatish xarajatlarining oshishiga olib kelishi va mamlakatning kredit reytingiga ta'sir qilishi mumkin.

5.Qarzni to'lash muddati: Mamlakatning qarzini turli muddatlar bo'yicha taqsimlash muhim ahamiyatga ega. Agar qarzning katta qismi qisqa muddatda to'lanishi kerak bo'lsa, bu qayta moliyalash xatarlarini va o'zgaruvchan bozor sharoitlariga nisbatan zaiflikni oshirishi mumkin.

6.Tashqi qarz darajalari: Mamlakatning xorijiy kreditorlar oldidagi qarz miqdori hal qiluvchi ahamiyatga ega. Tashqi qarzning yuqori darajasi mamlakatni tashqi ta'sirlarga va xalqaro moliyaviy sharoitdagi o'zgarishlarga ko'proq moyil qilishi mumkin.

7.Shartli majburiyatlar: Bular hukumat tomonidan berilgan kafolatlar yoki majburiyatlardan kelib chiqishi mumkin bo'lgan, uning moliyaviy holatiga ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan potentsial majburiyatlardir. Kredit reyting agentliklari mamlakatning kredit layoqatliligini baholashda ushbu shartli majburiyatlarni hisobga oladi.

Fikrimizcha, ushbu qarz ko'rsatkichlariga e'tibor berish investorlar, siyosatchilar va kredit reyting agentliklariga mamlakatning qarz dinamikasi va fiskal barqarorligi haqida har tomonlama tushunchaga ega bo'lish imkonini beradi. Qarzni oqilona boshqarish amaliyoti, past qarz yuki va barqaror fiskal siyosatga ega bo'lgan mamlakatlar odatda yuqori kredit reytinglarini olish ehtimoli ko'proq, bu esa kredit xavfining pastligini ko'rsatadi. Aksincha, qarzdorlik darajasi yuqori bo'lgan va barqaror fiskal pozitsiyalari past bo'lgan mamlakatlar pastroq kredit reytinglariga ega bo'lishi mumkin, bu esa yuqori darajadagi kredit xavfini anglatadi.

MOLIYA BOZORI INSTRUMENTLARILARINI NAZARIY JIHATLARI

Moliya bozori instrumentlari mazmun-mohiyati ularning bozori bilan hamohang birlikda ko'rib chiqilishi lozim bo'lgan instrumentariy (terminologiya) va metodologiya bilan aniqlanadi. Bunda ularning turlari, xossa va xususiyatlari, chiqarilishi va muomalasi jarayonidagi iqtisodiy-huquqiy munosabatlar, bajaradigan funksiyalari ifodalanadi. Moliyaviy instrumentlarning mazmun-mohiyatini ochib berish uchun uning instrumentariysini tashkil etuvchijahon moliya bozori nazariyasi va amaliyotidagi mavjud zamonaviy konseptual tushunchalarga tayanish lozim. Instrumentariy - bu moliyaviy instrumentlarning mazmunini to'liq ifodalovchi maxsus tizimlashtirilgan terminologiya bo'lib, bazaviy (tayanch) bo'lgan konseptual (nazariy) tushunchalar majmuasi sifatida namoyon bo'ladi. Instrumentariyning zamonaviyligi shundan iboratki, uning yordamida moliyaviy instrumentlarning aynan hozirgi vaqtdagi mazmun-mohiyati ifodalanadi. Agar, har qanday moliyaviy instrumentni vaqt o'tishi bilan moliya bozorining zamon talabiga mos ravishda uzluksiz takomillashib borishi yoki qandaydir qo'shimcha xossaga va funksiyaga ega bo'lishi yoki mazmunan va shaklan o'zgarishi va h.k. obyektiv tabiiy jarayon bo'lsa, unda avvalgi davrda tayanch bo'lgan terminologiya ham hozirgi zamonga kelib eskirishi tabiiy holatdir.

Moliyaviy instrumentning zamonaviy tushunchasini avvaldagilariga asoslanib, lekin hozirgi zamon jahon moliya bozorining mazmun-mohiyatidan kelib chiqib, quyidagicha ta'riflash mumkin:

- moliyaviy instrument, bu - moliya tizimi va uning tarkibiy bo'g'inlarida qo'llaniladigan moliyaviy vositalar (dastaklar), jumladan, qimmatli qog'ozlar va ularning hosilalaridir. Ular monetizatsiyalashgan, real bazisga ekvivalent, qiymatga va xossalarga ega bo'lgan, moliyaviy resurslarni samarali taqsimlanishi va qayta taqsimlanishini ta'minlovchi, muayyan shakllarda daromad keltiruvchi investitsion kapital, to'lov vositasi hamda alohida moliyaviy tovardir

Moliyaviy instrumentlar tasnifi ularga oid tushunchalar, munosabatlar, xossalarni va xususiyatlarining o'zaro bog'liqligini ochib berishga hamda bu bog'liqlikni mantiqan qurilgan tizim ko'rinishida ifoda etadi. Shu yo'sinda tasnifmoliya bozori mazmun-mohiyatini, undagi iqtisodiy-huquqiy munosabatlar jarayonlariga xos xossalarni va qonuniyatlarini chuqurroq hamda kengroq tushunishga xizmat qiladi.

Shu bilan birga moliyaviy instrumentlarni ikki guruhga ajratish mumkin: bazaviy va bazisli moliyaviy instrumentlar. Bazaviy instrumentlarga ulusb va qarzi munosabatlarini o'zida mujassamlashtiruvchi emissiyalanuvchi (derivativlardan

tashqari) va emissiyalanmaydigan qog'ozlar kiradi. Bazislilariga: esa derivativlar (hosilaviy qimmatli qog'ozlar) kiradi.

Qimmatli qog'ozlar moliyaviy instrumentlarning boshqa turlaridan farqi, eng katta va alohida bozoriga ega bo'lgan guruhini tashkil etganligi munosabati bilan ulaming mazmun-mohiyatini alohida ko'rib chiqish maqsadga muvofiq. Ta'kidlash joizki, qimmatli qog'ozlar moliyaviy instrumentlarning bir turi bo'lganligi uchun, umuman olganda, mazmunan sinonimdir, lekin ular moliyaviy instrumentlarning boshqa turlaridan ma'lum jihatlari bilan farq qiladi.

Xulosa qilib aytsak, moliyaviy instrumentlar moliya bozorini o'rganishda va uni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Moliyaviy instrumentlarni rivolanitirish orqali mamlakat iqtisodiyoti yanada barqarorlashadi va rivojlanadi. Bu esa mamlakatdagi iqtisodiy taraqqiyotni yuksak darajaga olib chiqishda katta hissa qo'shadi.

*Эргашев Санжарбек Собиржон ўгли,
ТДИУ тадқиқотчиси*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мазкур мақолада саноат корхоналарининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бошқариш механизми такомиллаштириш бўйича илмий-назарий қарашлар ўрганилган. Саноат корхоналарининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми таклиф этилган. Ушбу механизмдан фойдаланишда саноат корхоналари томонидан эътибор қаратиладиган муҳим омиллар аниқланган.

Калит сўзлар: саноат, барқарор ривожланиш, иқтисодий барқарорлик, экологик ривожланиш, инновацион ривожланиш, технологик ривожланиш.

Аннотация. В данной статье изучены научно-теоретические взгляды на совершенствование управления устойчивым социально-экономическим развитием промышленных предприятий. Предложен организационно-экономический механизм управления устойчивым социально-экономическим развитием промышленных предприятий. Систематизированы важные факторы, на которые обращают внимание промышленные предприятия при использовании данного механизма.

Ключевые слова: промышленность, устойчивое развитие, экономическая стабильность, экологическое развитие, инновационное развитие, технологическое развитие.

Abstract. In this article, scientific-theoretical views on improving the management of sustainable socio-economic development of industrial enterprises are studied. An organizational-economic mechanism of management of sustainable socio-economic development of industrial enterprises is proposed. Important factors that industrial enterprises pay attention to when using this mechanism are systematized.

Key words: industry, sustainable development, economic stability, ecological development, innovative development, technological development.

Саноат корхоналарининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ресурсларни маҳсулот ва натижаларга айлантирувчи бошқариш механизмлари ва ишлаб чиқариш жараёнлари самарали ташкил этиши билан эришилади. Саноат корхоналарининг ҳаётийлиги кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш жараёнларидаги муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш қобилияти, бозор фаолиятини ташкил этишининг самарали шаклларини жорий этиш қобилияти билан белгиланади. Бошқарув тизимини юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш учун барқарор ривожланиш тизимида доимий мониторинг қилиб бориш ва натижалар асосида тўғри қарорлар қабул қилиниши лозим [1].


Замонавий корхонани стратегик бошқарув воситаларидан фаол фойдаланиш самарали қарор қабул қилиш тизимини ишлаб чиқишни талаб этилади. Бошқарув тузилмалари сифатида корхонанинг миссиялар, глобал мақсадлари ва вазифалари, шунингдек бренд концепция, стратегия ва тактик режалардан иборатдир. Мазкур воситалардан самарали фойдаланиш орқали барқарор ривожланиш мақсадларига эришилади.

В.С.Криворотов ва Л.Ф.Минбоева тадқиқотларида саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги уни таъминлаш механизмини шакллантириш билан бозорда узок вақт фаолият юритишини таъминлаш асосида белгиланиши асосланган [2]. Э. С. Пишчулина ва Т. А. Худяковаларнинг фикрича, саноат корхонасида иқтисодий барқарорликни самарали бошқариш муаммосини ҳал қилиш ҳам қўллаш шартларига жавоб берадиган иқтисодий барқарорликни бошқариш механизмини ишлаб чиқиш орқали эришилиши асосланган [3].

Корхона бошқарув тизимининг долзарблиги ва мослашувчанлиги унинг бозордаги ўзгарувчан эҳтиёжларига мос келадиган бошқарув моделини ишлаб чиқиш ва бошқара олишини таъминловчи механизмлардан фойдаланиш орқали барқарор иқтисодий ўсишга ва бозорда узок вақт фаолият юритиши таъминланади. Шунинг учун у ривожланишни бошқариш концепциясини яратиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади [4].

Саноат корхоналарининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бошқаришни такомиллаштириш борасида юқори самарали ва оқилона ташкил этилган бошқарув тизимини яратишнинг барча корхоналар учун асосий омил сифатида белгиланиши лозим. Барқарорликни бошқаришга функционал йўналтирилган махсус механизм корхонанинг мақсадли ривожланишининг бир қисми сифатида қаралиши талаб этилади.

Умуман олганда саноат корхоналарини барқарор ривожланиши бошқариш деганда — бу бозорга тезкор мослашувчан стратегиялар ва ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш, ҳамда уларни самарали амалга ошириш жараёни бўлиб, унинг амалга оширилиш механизми 1-расмда тавсия этилади. Бундай механизмдан фойдаланиш корхонанинг барқарор ривожланишининг барча мақсадларига муқаррар равишда эришиш ва юзага келадиган муаммолар бўйича тезкор қарор қабул қилиш, самарадорликка эришишни кафолатлайди.



1-расм - Саноат корхоналарининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бошқариш механизми[5].

Корхона ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш концепцияси, ўз ичига корхонанинг иқтисодий фаолиятини, ижтимоий масалаларни, экологик таҳлилни ва бошқа муҳим омилларни ўз ичига олган бирлашган стратегия ва қарорлар тизимини англатади. Бу

концепция корхона томонидан қўлланиладиган барча фаолият соҳаларини ўз ичига олади ва тизимли равишда ривожланишни таъминлашни мақсад қилади.

Бу концепцияни амалга оширишда қуйидаги муҳим йўналишларга эътибор қаратиш лозим:

Иқтисодий барқарорлик: Корхона фаолиятини самарадорлик, даромадлилик ва фойдали иқтисодий натижалар олиш учун ривожланиш йўналишларини англатади. Бу, корхона томонидан амалга ошириладиган барча операцияларида иқтисодий нафларни аниқлаш ва уларни самарали амалга оширишни белгилаб олишга ёрдам беради.

Ижтимоий масалалар ва инсоний ресурслар: Корхона ижтимоий масалаларга, жамиятга ва халқ манфаатларини инобатга олиш ва инсон капиталини оширишни эътибор беришни англатади.

Экологик ривожланиш: Корхона барқарор ривожланиши учун экологик оқибатлари ва экологик атроф-муҳитни муҳофаза қилишга интиладиган бўлиши керак. Экологик ривожланишни таъминлаш концепцияси, корхонанинг иқтисодий фаолиятини экологик мувофиқликда амалга ошириш учун қўлланилади.

Инновациялар ва технологик ривожланиш: Корхона инновациялар ва янги технологияларни қўллаб-қувватлаш орқали ўзининг созилашган соҳаларида янгиликлар киритиб, самарадорликни оширишни таъминлашни мақсад қилиши лозим. Бунда янги маҳсулотлар, хизматлар яратиш, вақт ва ресурслар қўллашни инновациялар орқали ривожланишни таъминлашга ёрдам беради.

Корхона ижтимоий фаолиятида адолат, инсоний ҳуқуқлар ва кадриятлар, этик нормативлар ва корхонанинг жамиятга тегишли молиявий ҳамкорликларини ўз ичига олади. Бу корхона ижтимоий-иқтисодий фаолиятини мувофиқ ва этик принципларга асосланган ҳолда амалга оширишга интиладиган ривожланиш концепцияси сифатида қаралиши лозим.

Ушбу концепция, корхоналарга узлуксиз ўзгаришлар ва бозорга мослашувчанликни талаб қилади, шунингдек, ижтимоий, экологик ва иқтисодий ўзгаришларга таъсир қилишга ёрдам берадиган воситалардан фойдаланишни талаб этилади.

Барқарор ривожланиш концепцияси корхона ривожланишининг асосий позицияларини бирлаштиради, бу эса ривожланиш стратегиясига асос бўлади. Вазият диагностикаси ва диагностик хулосаларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиш концепциясининг ғоялари ва қоидалари корхонанинг ташқи жойлашув муаммосига ёндашувининг умумий йўналишини ишлаб чиқиш ва ривожланишнинг муҳим босқичларини қайд этишнинг асосий шартидир.

Корхона ривожланишининг барқарорлигини бошқариш механизми таркибида функционал жиҳатдан ажратилган иккита механизмни — баҳолаш

механизми ва саноат корхонасининг иқтисодий ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш механизмини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Барқарорликни таъминлаш концепцияси — корхоналари ижтимоий-иқтисодий чидамлилигининг оширади, унинг бозордаги салбий таъсир этувчи омилларни қарши туриш, узоқ вақт фаолият юритиш ва ҳаётийлик йўлини узайтиришга имкон беради.

Барқарорликни бошқариш механизми, моҳиятан, ривожланишни бошқариш механизмнинг кенгайтирилган кўринишидир ва стратегик бошқарув босқичларининг одатий кетма-кетлигини бузмайди, уларни параллель қадамлар ва янги ғоялар билан бойитади, ривожланиш мақсадларига муваффақиятли эришишни кафолатлайди, бозорда мувозанатли ривожланиш жараёнини уйғунлаштиради.

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Soliqlar va soliqqa tortish kafedrası assistenti
Alimqulov Hikmatulla Bahrom o'g'li

SOLIQ XAVFSIZLIGINING NAZARIY JIHATLARI

Annotatsiya. Maqolada soliq xavfsizligining nazariy jihatlari, xususan, soliq xavfsizligi mohiyati, maqsadi va funksiyalari yoritilgan. Shuningdek, soliq xavfsizligini ta'minlashning bir qancha nazariy jihatlari ko'rib o'tilgan va kerakli xulosalar shakllantirilgan.

Kalit so'zlar: soliqlar, soliq siyosati, soliq ma'muriyati, soliq xavfsizligi.

Bugungi kunda soliqlar va soliq siyosati milliy iqtisodiy xavfsizlikni ta'minlash tizimining muhim elementidir. Iqtisodiy xavfsizlikning soliq komponentining ahamiyati bozor tamoyillari va iqtisodiy mexanizmlarga asoslangan iqtisodiyotga o'tish bilan bir necha barobar ortadi.

Aytish joizki, soliq munosabatlariga nisbatan davlatning iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash davlat budjeti tizimida to'plangan soliq tushumlari hajmi, bir tomondan, davlat o'z funksiyalarini to'liq bajarishi uchun yetarli bo'lishi kerakligini anglatadi. Boshqa tomondan esa, soliq siyosatini shakllantirishda davlat real sektorning moliyaviy ehtiyojlarini hisobga olishi kerak, ya'ni. xalqaro standartlar va tendentsiyalarga javob beradigan texnik va texnologik asosda oddiy va kengaytirilgan takror ishlab chiqarishni amalga oshirishga hissa qo'shish.

Hozirda muhim hisoblangan iqtisodiy va moliyaviy ta'minlash tizimida soliq va soliq siyosati, birinchidan, davlat qo'lidagi resurs omili sifatida qaraladi; ikkinchidan, iqtisodiy va ijtimoiy jarayonlarga ta'sir qilish vositasi sifatida; uchinchidan, davlatning soliq to'lovchilar va hududlarga qaramligi va qaramligi omili sifatida.

Shunday qilib, soliq va soliq siyosatida bir tomondan iqtisodiy va moliyaviy xavfsizlikni ta'minlash uchun resurslar va vosita, ikkinchi tomondan esa xavf va qaramlik omilini ko'rish kerak.

Davlatning soliq xavfsizligiga zamonaviy tahdidlarni quyidagicha tasniflash mumkin:

- soliq majburiyatlarining bajarilishini buzish bilan bog'liq tahdidlar: soliq jinoyatlari va soliq huquqbuzarliklarining yuqori darajasi; barcha darajadagi Budjetlarga soliq yig'ishning past darajasi;

- huquqiy tahdidlar: davlat soliq siyosatining nomuvofiqligi; qonun hujjatlarining iqtisodiy va soliq xavfsizligini hisobga olgan holda qabul qilinishi va o'zgartishlarini ekspert baholashning nomukammalligi;

- konstitutsiyaviy xarakterdagi tahdidlar: turli darajadagi budjetlarga soliq to'lovlari va yig'imlarning tushumini nazorat qilishning yetarli darajada samarasizligi.

Bir qancha iqtisodchi olimlar soliq xavfsizligi bo'yicha tadqiqotlar olib borishgan bo'lib, xususan, iqtisodchi olim I.Y.Timofeeva soliq xavfsizligi tushunchasi ham davlat, ham tadbirkorlik, jamoat tashkilotlari va har bir alohida fuqaroning soliq manfaatlarini birlashtirishi kerak, deb hisoblaydi va soliq xavfsizligining doktrinal tushunchasini beradi: "Soliq xavfsizligi deganda soliq tizimining holati tushunilishi kerak. bunda davlat, tadbirkorlik va jamiyatning soliq manfaatlarini ichki va tashqi tahdidlardan kafolatlangan himoya qilish ta'minlanadi" [1].

N.A.Pimenova ta'kidlashicha soliq xavfsizligi masalalari davlat va xo'jalik yurituvchi sub'ektning iqtisodiy xavfsizligi konsepsiyasiga kiritilishi lozim. Soliq ta'minoti "iqtisodiy xavfsizlik" tushunchasining ajralmas qismi hisoblanib, chunki u xo'jalik yurituvchi sub'ektning moliyaviy holatiga bevosita ta'sir ko'rsatadigan soliq tavakkalchiligiga qarshi turmasdan, moliyaviy barqarorlikni ta'minlaydigan, shuningdek xo'jalik yurituvchi sub'ektning rivojlanishi progressiv, ijobiy holatga erishishi mumkin emas deydi mazkur iqtisodchi. [2].

A.I. Krivtsovaning fikriga ko'ra, tashkilotning soliq xavfsizligi soliqni optimallashtirish hisoblanib, u soliq to'lovchining hayotiyiligini va o'zgaruvchan soliq sharoitida to'laqonli xo'jalik yurituvchi sub'ektning xususiyatlarini, soliq risklarini boshqarishning samarali mexanizmlari bilan saqlab qolish qobiliyatini ta'minlaydi. Soliq ta'minoti xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning soliqlarni to'lash bo'yicha harakatlarini tashkil etish va xavfsizlik omilini (salbiy oqibatlariga olib kelmaydigan ijobiy moliyaviy natijalarni olish) hisobga olgan holda soliqni rejalashtirish uchun zarurdir.

Iqtisodchi olim I.I.Kucherov fikriga qaraganda soliq xavfsizligini ta'minlashning asosiy mexanizmlaridan biri budjet multiplikatoridir. Budjet multiplikatori - bu yangi soliq to'lovchilarni (iqtisodiyotning institutsional bo'linmalari va tarmoqlarini)

yaratishni va budget tizimi budgetlariga soliq tushumlarini ko'paytirishni rag'batlantiradigan mexanizm hisoblanadi.

Soliq ta'minotining mohiyatini mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish maqsadida davlat budgetini kafolatlangan to'ldirishni ta'minlovchi soliq tizimining holatini aniqlash mumkin.

Soliq xavfsizligining mohiyati uning mezonlari va ko'rsatkichlari tizimida amalga oshiriladi. Soliq xavfsizligi tizimining mezoni barqarorlik va davlat budgetiga maksimal soliq tushumlari hisoblanadi.

Soliq xavfsizligi tushunchasi quyidagi tarkibiy qismlarni o'z ichiga oladi:

- ma'muriy-huquqiy;
- tashkiliy va tarkibiy;
- axborot-tahliliy;
- professional va rasmiy;
- huquqiy;
- jismoniy.

Ushbu komponentlar, umumiy shartlar va omillarning mavjudligi soliq xavfsizligi kontseptsiyasini ya'ni zamonaviy soliqqa tortishni optimal boshqarish uchun bir qator istiqbolli yo'nalishlar qatoriga qo'yadi. Bu yo'nalish ilmiy-amaliy soliq sohalari majmuasidir: soliq ma'muriyatchiligi; rejalashtirish va nazorat qilish metodologiyasi; axborot texnologiyalariga asoslangan zamonaviy matematik yondashuvlardan foydalanish; soliq ma'lumotlarini himoya qilish [3].

Majmuaning ko'p komponentli va ko'p muammoliligini inobatga olgan holda, davlat organlari, xizmatlar, yuridik va jismoniy shaxslar bilan keng ko'lamlil axborot almashinuvini yaratish zarur.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, belgilangan vazifalarni muvaffaqiyatli hal etish turli darajadagi soliq organlari faoliyati samaradorligini oshiradi va iqtisodiy vaziyatga sezilarli ta'sir ko'rsatadigan soliq tushumlarining sezilarli darajada oshishiga olib keladi.

Шамсиев Нодир Муратович
ТДИУ Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси
катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ БАЗАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Тижорат банклар депозитлар базасини мустаҳкамлаш борасидаги жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида яхлит, такомиллаштирилган механизм амалиётимизда мавжуд эмаслиги намоён бўлди. Биз мазкур жараёнларни умумлаштирган ҳолда банкларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш механизмини ишлаб чиқдик. Мазкур механизм асосан иккита

йирик йўналиш асосида шаклланади. Хусусан, ўз маблағларини мустаҳкамлаш асосида банк депозит базасини мустаҳкамлаш ҳамда жалб қилинган маблағларни мустаҳкамлаш эвазига депозит базасини мустаҳкамлаш. Бу ерда битта нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, иккала йўналиш ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлаш механизми йўналишлар, усуллар, методлар ва восита (инструмент)лар каби муҳим жиҳатларини ўз ичига олади.

Механизмдаги мустаҳкамлаш йўналишлари ўз ичига олтига босқични олади ва буларни навбат билан амалга оширилса банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга замин яратилган бўлади. Даставвал, банк депозит базасини мустаҳкамлаш мақсадларини аниқлаш, вазифаларни белгилаш, ресурсларни шаклантиришни бошқариш учун зарур воситалар ва методларни танлаш керак. Ундан кейин эса, банкдаги мавжуд депозитни баҳолаш шартлари, унинг кучли ва заиф томонлари, имкониятлари ва рискларни баҳолаш ҳамда ресурсларни жалб қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади. Шу жараёни охирги босқич банк фаолияти самарадорлигини ошириш учун банк депозитини шаклантириш стратегиясига зарур ўзгартиришлар киритишга қадар амалга ошириш керак. Буларнинг натижасида, банклар ўзларининг депозит базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериши мумкин бўлади.

Бу механизмда банкларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш мақсадида йўналишлар учун усуллар ҳам ишлаб чиқилди ва улар 4 тага ажратилди.

Уларнинг учтаси жалб қилинган маблағларни мустаҳкамлаш учун бўлса, биттаси ўз маблағларини мустаҳкамлаш учун ишлатилади. Бу усулларни амалга ошириш учун методлар зарур ҳисобланади. Ҳар бир усулда уни амалга ошириш метод ва инструментлари келтирилган. Мазкур механизмнинг АТБ Мирокредитбанк томонидан амалиётга жорий этилиши орқали ижобий натижага эришилганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда, кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги муаммоси мавжуд. Хусусан, Ўзбекистонда узоқ муддатли депозитларнинг, умумий депозит ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмайди. Шу сабабли, мазкур мамлакатларда банкларининг капитали инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Шуларни инобатга олган ҳолда, изланишимиз давомида банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш жараёнидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш билан бирга уларни имкон даражасида ҳал қилиш орқали хусусий банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлигини таъминлаш йўллари аниқланди. Фикримизча улар қуйидагилардан иборат:

1. Банклар капиталини оддий акцияларни доимий эмиссия қилиш ҳисобига ошириш орқали уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш керак. Чунки устав капитал банкнинг тақсимланмаган фойдаси билан бирга, банк капиталининг энг барқарор қисмини ташкил этади. Улар банк фаолияти ривожланишининг асоси бўлиб қолади. Бундан ташқари, бизга маълумки Базель III талабларига ўтишда устав капитал ва тақсимланмаган фойда банк капиталининг етарлилигини оширишнинг асоси ҳисобланади. Банк капитали таркибида, устав капитали улушининг барқарорлигини таъминлаш учун бизнинг фикримизча, юқорида тўхталиб ўтилган банкнинг йиллик молиявий сиёсатини тузишда устав капитали қолдиғи ва йиллик ўсиш даражаси доимий равишда банк тақсимланмаган фойдасининг ўсиш даражасидан кам бўлмаслигига эришилиши лозим.

Бундан ташқари, хусусий банкларнинг капиталлаштириш даражасини оширишнинг замонавий усулларида ҳисобланган IPOларни ташкил этиш керак.

2. Банкларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча капиталнинг ҳажмини оширишнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланган узоқ муддатли субординар қарз мажбуриятларини кенгроқ чиқариш зарур. Хусусий банклар амалиётида субординар қарз мажбуриятларининг мавжуд эмаслиги уларнинг узоқ муддатли кредитлар бозоридаги мавқеининг заифлигини билдиради. Бизга маълумки, субординар қарз мажбуриятлари банк капитали таркибини ташкил этиш билан бирга узоқ муддатли ресурсларни жалб қилишнинг қулай ва арзон воситаси ҳисобланади. Бундан ташқари, келажакда хусусий банк устав капиталини ошириш учун ишончли мижозларнинг субординар қарз мажбуриятларини банк акцияларига ўтказиш мумкин. Шунинг учун ҳам хусусий банкларимиз томонидан субординар узоқ муддатли қарз мажбуриятларини жалб этиш амалиётини жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

3. Банклар ресурс базасини мустаҳкамлаш учун инфляция таргетлаш режимини ҳисобга олиб барқарор ресурс жалб қилишда банклар томонидан янги, замонавий ва жозибадор депозит турларини кўпайтириш керак.

Тижорат банклар томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозитларига тўланаётган фоизларни белгилашда мамлакатдаги инфляция даражасини инобатга олиш лозим. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, республикамизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инфляция даражасини 2021 йил 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляция таргет ўрнатиш йўли билан 2020 йил 1 январдан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляция таргетлаш режимига ўтказилди. Бунда албатта, тижорат банклари келгусида

ушбу мижозларнинг яна банкка депозит қўйишини рағбатлантиришда банклар томонидан доимий тарзда янги, замонавий ва жозибадор узоқ муддатли депозит хизматларни жорий этиб боришлари лозим. Умуман, инфляцион таргетлаш режимида аҳоли ва инвесторлар миллий валютада жамғармаларни шакллантириш учун кафолат тизими яратиб берилади.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодий барқарорликнинг юқори даражада таъминланганлиги банклар томонидан депозитлар учун тўланаётган фоизларни белгилашда асосан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан самарали фойдаланилади. Япония, АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида банкларнинг депозитлари ва кредитлари бўйича фоизларни белгилашда қайта молиялаштириш ставкасидан фойдаланган ҳолда фоиз ставкаларига сезиларли даражада таъсир юзага келади. Мамлакатимиз банк амалиётида қайта молиялаштириш ставкаси мамлакатдаги кутилаётган инфляция даражасига қараб белгиланади. Шундай экан, инфляция даражаси депозитларнинг фоизларини белгилаш учун асосий барометр вазифасини ўташи лозим.